САЙФУЛЛО ТУРСУНОВ
АБДУҒАНИ ТЎХТАЕВ

ЖАРҚЎРҒОН

«Фан»

УДК:94(575.1)

63,5
Т91
Турсунов С.

Жарқўрғон.\С.Турсунов,а.Тўхтаев:
Маъсул муҳаррир И Шоймардонов т.ф.н ,
Ўзбекистон Республикаси ФА. Т.”Фан”,2009.-303 бет.

Тақризчилар: тарих фанлари номзодлари доцентлар:

Э.Қобилов, Т.Пардаев.

Ушбу монографияда Жарқўрғоннинг қадим даврлардан то ҳозирги кунгача бўлган моддий ва маданий тарихи, унинг ўтмиш аждодлари томонидан яратилган ижтимоий ва иқтисодий, маънавий ва сиёсий ҳаёти қамраб олинган. Шунингдек, монографияда Жарқўрғоннинг деҳқончилик, ҳунармандчилик, илк шаҳарсозлик, илк давлатчилик тарихи билан боғлиқ манбалари, ушбу масалада тарихий манбалар, археологик тадқиқотлар натижалари, Жарқўрғон совет ҳокимияти давридаги сиёсатнинг оқибатлари ва натижалари, халқимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлари, унинг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти ёритилган.

Монография ўрта мактаб, ўрта махсус таълим ўқитувчилари, илмий ходимлар ҳамда барча китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

УДК:94(575.1)

63,5
Т91

ISBN.978-9943-09-644-8 Ўзбекистон Республикаси ФА. Т.”Фан”,2009.-303 бет.

Жарқўрғон тумани 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. 1962 йил 24 декабрда эса Жарқўрғон тумани Шўрчи тумани билан қўшилган. 1964 йил 31 декабрда Жарқўрғон тумани қайта тузилди.

Маъмурий маркази – Жарқўрғон шаҳри, Термиздан 42 км узоқликда

Туманда Какайди шаҳарчаси ва 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини - Деҳқонобод, Жарқўрғон, Минор, Оққўрғон, Сурхон, Чоржуй, Шарқ Юлдузи мавжуд.

Туманнинг ер майдони-1.14 минг кв.км ёки 114 минг гектар

Жами аҳоли сони – 2008 йил 1 апрел ҳолати-163,2 минг киши

Туманда – 1967 йилда гидроузел қурилган

Туманда – Оқтепа сув омбори, Занг ва Какайди каналлари мавжуд

Хўжалик юритувчи субъектлар сони-1762 та

Шундан кичик ўрта бизнесда - 1659 та

Фермер хўжалик сони-646 та

Қўшма корхоналар – 7 та

Кичик корхоналар – 38 та

Микрофирмалар – 155 та

Коллежлар – 5 та

Мавжуд шифохоналар – 3 та

Шифохонадаги ўринлар сони – 300 та

Қишлоқ врачлик пункти – 13 та

Қишлоқ врачлик амбулаторияси – 2 та

Соғликни Сақлаш тизимида фаолият юритаётган врачлар – 193 нафар

Ўрта тиббиёт ходимлари – 1425 нафар

Умумтаълим мактаблари - 57 та

Ўқувчилар сони – 42633

Мактабгача болалар муассасалари – 50 та

Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Сўз боши

Юрт тарихни ўрганиш, авлод-аждодларимиз ўтмиш ҳаётига оид воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиб, бугунги кунги ютуқларимизга таяниб, келажак авлодларга муносиб шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг Жанубий ҳудуди бўлган Сурхон воҳаси ўзининг бетакрор маданиятини, санъати, бебаҳо ижтимоий турмуш тарзи билан жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сурхон воҳасида алоҳида нуфузга эга бўлган Жарқўрғон тумани тарихига назар солсак, Жарқўрғон қадимий Бақтрия, Кушон маданиятига хос цивилизация босқичига эга бўлиб, қадимий маданият масканлари Оқтепа, Арпапоятепа, Номсизтепа каби археологик топилмаларни илмий изоҳланиши туфайли бронза, илк темир даврига оид, сунъий суғориш, деҳқончилик, ҳунармандчилик марказлари аниқланди. Жарқўрғон илк Ўрта асрларда Кушон давлатининг асосий маркази сифатида шаклланиб, Сармангон ёки Чорманган йирик иқтисодий, сиёсий марказ бўлиб, Термиз ва Чағониён ўртасидаги ҳарбий-стратегик боғланиш истеҳкоми сифатида ҳам танилган. Жарқўрғонда ўрта асрлар даврида Чағониённи йирик иқтисодий-сиёсий ҳарбий маркази, Термиз билан яқин савдо-сотиқ қилувчи, карвон йўллари туташган қулай таянч марказ бўлиб ривожланди. Бу даврда Жарқўрғон ҳудудида Номсиз манзилгоҳ, Каттатепа, Қултепа, Ҳайитободтепа, Ялпоқтепа каби янги иқтисодий марказлар пайдо бўлиб, шаҳар мудофаа иншоотлари мустаҳкамланиб, жаҳон меъморчилигида алоҳида аҳамиятга бўлган Минор архитектура ансамбили қурилиб, маданий тараққиёт янада ўсди. Жарқўрғон Термиз ва Чағониён давлатида ҳунармандчилик, деҳқончилик тараққий этган, санъат, кулолчилик, айниқса уй-жиҳозлар, ўтов ўйлар қуриш бўйича катта амалий тажриба умумлашган юртга айланди. Амир Темур даврида Сармангон ҳарбий машқлар билан шуғулланадиган ҳудудга айланиб, Амир Темур армиясини озиқ-овқат, кийим,

қурол-яроқ билан таъминлайдиган ўлка бўлиб, айнан Амир Темур ҳокимиятни мустаҳкамлаган ҳудудига айланди.

Бухоро Амирлиги даврида Жарқўрғон Шеробод беклигини асосий амлакдорлиги бўлиб, иқтисодий ҳаётда муҳим тарихий жараёнларни бошидан кечирди. Энг муҳим Чор Россиясининг Термиз шаҳарни эгаллаши натижасида рус маъмурлари Жарқўрғон ҳудудини деҳқончилик қилиш учун ҳосилдор серунум ерга эга эканлигини аниқлаб, келажакда Россияни пахта хом-ашёси билан таъминлашда муҳим ҳудуд эканлигини ўрганди. Жарқўрғон орқали Сурхондарё сувидан фойдаланиш, канал қазиб ўтказиш бўйича лойиҳалар тузди. Жарқўрғон Совет ҳукумати йилларида миллий тутқинлик, ғоявий-маънавий зўравонлик туфайли қатағонлик, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни камситиш сиёсатига қарамай халқ тинимсиз меҳнат қилиб, ўзаро хамжиҳатлик, фидоиийлик, ҳамдардлик, фаоллик, инсонпарварлик, миллий тотувликкка таяниб, деҳқон хўжаликларни жамоалаштириш, деҳқончилик, ҳунармандчилик, саноат, савдо-сотиқ, такомиллаштирдилар. Халқни маънавий маданиятини янча ўсиши учун Совет тузумининг бир томонлама маънавий ғоявий тутқин сиёсатига қарамай халқ таълими, маданият, тиббиёт ва ижтимоий турмуш тарзига хос тарихий аҳамиятга эга ижобий ишларни амалга оширдилар. Дунёда тинчликни сақлаш учун иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмни устидан қозонилган ғалабада Жарқўрғонлик мард, жасур йигитлар, фронт орқасида меҳнат жасоратини кўрсатган халқ, бутун куч-ғайратини ғалабага сарфлаб, ғалабага ишонч, садоқат кўрсатганлиги тарих саҳифаларида ўз аксини топди. Мустақиллик йилларида Жарқўрғон тумани тубдан янгиланиш даврига қадам қўйиб, халқни дунёвий миллий эътиқодларда Ватан, Она ерга бўлган муқаддас туйғулари янада юксакликка томон камол эҳтиром билан ўсди. Истиқлол туфайли туманда халқни ижтимоий турмуш тарзи учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, туманда шахсий, хусусий мулкдорлар синфи шаклланиб, замонавий уй-жойлар, халқ таълими, маданият уйлари янгидан қурилиб, қайта таъмирланди. Аҳоли эҳтиёжларини учун зарур бўлган озиқ-овқат, табиий газ, алоқа, ичимлик сув муаммолари ҳал этилиб, янги замонавий хизмат турлари пайдо бўлди. Жарқўрғоннинг қиёфаси тубдан ўзгариб, истироҳат боғлари,

замонавий дам олиш масканлари, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, транспорт, алоқа, замонавий комьютер тизимлари яратилди. Жарқўрғонда мустақиллик туфайли йирик мулкдорлар синфи шалкланиб, ерга эгалик кайфияти пайдо бўлиб, фермерлар жамият тараққиётини асосий иқтисодий таянчига айланиб қишлоқ хўжалиги жадал ривожланмоқда. Жарқўрғонликлар мағрур, танти, босиқ, ҳалол меҳнаткаш, бир гапли, қатъийятли инсонлардир. Жарқўрғон ўзининг меҳнатсевар, жасур, мард, ўғил-қизлари билан фахрланади. Жумладан халқни орзу умидини рўёбга чиқариш, ўз меҳнати илмий билан халқ фаровонлиги ризқ-рўзини ўйлаган мироблари уларнинг амалга оширган ишлари билан фахрланади. Жарқўрғон сув илмини мукаммал билган, суғориш мактабини шакллантирган фидоийлар юрти, Сурхон воҳасида деҳқончилик мактабини йирик намоёндалари етишиб чиққан, ипак пахта экишни дастлаб ташкил этган мактабни асосчилари, танти, халол, ўзида борини элга, юрт тинчлиги, осойишталиги учун сарфлайдиганлар юртидир. Жарқўрғон мамлакатимиз равнақи иқтисодиётни юксалтиришда ер ости бойликларни ўзлаштириб, нефть, йод қазиб чиқариш бўйича танилган ҳудуд, халқ саломатлиги, илм-фан, халқ таълими фидоиийларини мужассамлаштирган, устоз-шогирд ҳамжиҳат бўлган қадимий-навқирон ўлкадир. Ушбу китоб Жарқўрғонни қадимги даврдан то ҳозирги даргача бўлган тарихини ўзида мужассам этиб, жуда катта аҳамиятга эга бўлган тарихий манбалар, қўлёзмалар, тарихий бадиий асарлар, даврий нашрлар, иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида яратилган асардир. Ушбу китоб Жарқўрғонликларга муносиб, туҳфа бўлиб, Жарқўрғон тарихини ўрганиш муқаддас Ватан тарихига бўлган ишончни ёркин намунасидир.

Жарқўрғон тумани ҳокими Норбой Шомуродов.

ВАТАН СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР.

Инсон умрининг катта қисми йўлда ўтса керак. Ҳартугул, менинг умрим шундай ўтмоқда. Жарқўрғон десалар худди исмимни айтиб, мени чақиришаётгандек, бурулиб қарайман. Жарқўрғонда яшаб, бола-чақам яшайди деб бир ғишт қўйган, бир бино қурган одамга таъзим қиламан, чунки бу бино Жарқўрғон заминида қад ростлайди, унда жарқўрғонликлар яшайди. Жарқўрғонда яшаб майли бола-чақам есин деб, тўрт туб дарахт кўчати эккан одамга ҳам таъзим қиламан. Чунки бу кўчатлар дарахт бўлса, унинг соясидан, мевасидан жарқўрғонликлар барҳаманд бўлишади. Жарқўрғоннинг кўчаларидаги дарахтларни йўлларимга кўз тикиб ўтадиган онажонимга ўхшатаман. Бу дарахтларни онамни соғингандек соғинаман, уларга дардларимни айтаман, улардан таскин-тасалли излайман. Жарқўрғоннинг ғадир-будир заминини падари пузрукворимнинг ажинали пешонасига, серқодоқ кафларга ўхшатаман ва бу заминга қадам ташлаганда доимо авайлабгина қадам ташлайман. Жарқўрғонда Исмоилтепа деган жой бор. У ердан туман кафтдек кўриниб туради. Кўпинча ишдан қайтаётиб, бир нафас шу тепаликда туриб, Жарқўрғонни томоша қилишни яхши кўраман. Тунлари турли туман чироқлар ичра ловиллаб турса, кундузлари ям-яшил далалари, бир текис бинолари билан кўнгилни яшнатади. Жарқўрғон мен жуда катта фахр ифтихор билан севадиган Ўзбекистон аталмиш Улуғ Ватаннинг бир бўлаги, киндик қоним томган замин. Бу замин ва унда яшовчилар олдида бир ижодкор фарзанд сифатида қарзларим бисёр.

Жамила Эргашева
“Аёл ва замон” газетаси бош мухаррири
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихни ўрганиш, уни илмий тарихий жиҳатдан янада мукаммаллаштириш масаласида жиддий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ватан тарихи ўрганишда уни ажралмас ҳудудлари тарихини ўрганиб, умумлаштириб, ягона хулоса асосида мавжуд тарихий бўшлиқни тўлдириш тарихшуносликдаги асосий йўналишдир. Истиқлол йилларида Ўзбекистон тарихини ўрганиш масаласида муҳим ижобий ишлар қилинди. Жумладан "Сурхондарё тарихи" яратилди. Сурхон воҳасига оид умумлаштирилган тарихий натижаларга эришилди. Тарих фанида воқеа-ҳодисаларни таҳлил этишда ўлка, воҳа тарихини ўрганишга бўлган эътибор туфайли мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий тарихи муносиб ўрганилмоқда. Жарқўрғон тумани тарихини ўрганиш мақсадида илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, ушбу туман тарихига оид тўпланаган манбалар асосида маълум ижобий натижаларга эришилиб, ушбу тарихий-оммабоп китоб ёзилди. Жарқўрғон қадимий тарихга эга бўлиб, илк жез ва темир даврида ушбу ҳудудида инсоният цивилизация тарихи билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ўз аксини топганлигини илмий тадқиқотлар исботлади. Жарқўрғон ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар, мавжуд қўлёзмалар, ушбу заминда милоддан олдинги III-II асрларда хўжалик тизими шаклланиб, деҳқончилик, ҳунармандчилик тараққий этиб, товар алмашиш туфайли савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилиб, моддий-маънавий цивилизация жараёнлар шаклланганлиги илмий тадқиқотлар натижасида исботланди. Шунингдек Ўрта асрлар даврида Жарқўрғонда моддий-маънавий маданият тараққий этиб, миллий урф-одатлар қадриятлар такомиллашиб, меъморчилик юксалганлиги китобда таҳлил этилиб, тарихий жиҳатдан ёритилди. Энг муҳими Жарқўрғон тарихини ажралмас қисми бўлган Бухоро Амирлиги тарихи билан боғлиқ тарихий манбалар, амлакдорлик давридаги тарихий ҳаёт, солиқ тизими, аҳолиси, уни этногенези ҳақида муҳим маълумотлар тақдим этилиб, сунъий суғориш билан боғлиқ тарихий лавҳалар ҳар томонмала илмий таҳлил этилди. Жарқўрғон тарихини ажралмас қисми бўлган Совет ҳукумати даври, уни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизими, Совет

ҳукумати томонидан олиб борилган бир томонлама, миллий камситиш, қатағонлик, маъмурий буйруқбозлик сиёсати натижаси ва оқибатлари хусусида батафсил маълумотлар келтириб ўтилди. Энг муҳим Совет тузуми давридаги сиёсий бўхтонларга қарамай Жарқўрғонда деҳқончилик, ҳунармандчилик, саноат, таълим, тиббиёт йўналишдаги ютуқлар, халқни фидоиийлиги, таниқли деҳқонлар, саноат, маданият, маориф соҳасида олиб борилган ижобий ишлар таҳлил қилинган. Тарихий жараёнларда Иккинчи жаҳон уруши йилларида Жарқўрғонликларни фронт, фронт орқасини мустаҳкамлаш соҳасидаги фидоийилиги ҳақида, унинг мардлик жасорати хусусида тарихий манбалар тахлил этилди. Энг муҳими мустақиллик йилларида Жарқўрғон тумани ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий жиҳатдан юксалиб, улкан ютуқларга эришиб, халқни моддий турмуши тарзи юқори даражада ривожланди. Жарқўрғон тарихини ёзишда мавжуд тарихий манбалардан, даврий матбуот нашрларидан, мустақилликни тараннум этувчи хужжатлардан, истиқболни таҳлил этувчи иқтисодиёт ҳисоботи бошқармаси манбаларида, халқни таниқли инсонларидан, зиёли ижодкорлар, шоир, адабиёт намоёндаларни яратган ижод намуналаридан фойдаланилди. Шунингдек ушбу китобни яратишда таниқли олимлар Академиклар А.Асқаров, Э.Ретвеладзе, Р.Сулаймонов, К.Шониёзов, А.Пугаченкова, профессорлар Н.Тўхлиев, О.Хаитов, Э.Ҳолиқов, З.Зуннунов, Б.Қодиров, Қ.Жўраев, фан номзодлари Қ.Авлиёқулов, Э.Қобилов, Б.Муртозаев, Т.Пардаев, А.Тўхтаев, Т.Жовлиев, Т.Аннаев таниқли фидоиий ижодкор шоир, ёзувчи ва журналистлар Р.Узоқова, А.Холмирзаев, Ж.Эргашеваларни ижодий фаолияти билан боғлиқ асарлар ҳамда Ў.Мўминов, Р.Эшмуродовларни, “Жарқўрғон тиббиёти: кеча ва бугун” (2006 й. “Янги аср авлоди”), С.Мирвалиевни “Танишинг шояд сиз ҳам шифо топсангиз” (2005. “Фан”) каби асарлардан ўринли фойдаланиб, китобни яратиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Ушбу китоб Жарқўрғон тарихни умумлашган ҳолда нашр этиб, тарихини мукаммал ўрганиш учун қўйилган холисона иш сифатида китобхонга тақдим этилди. Муаллифлар Жарқўрғон тарихи бўйича китобхонлар томонидан тақдим этиладиган таклиф ва холисона фикрларини ижобий нуқтаи-назаридан қабул қилиб ва ўзларининг миннатдорчилигини билдирадилар.

Жарқўрғон Жез даврида

Жарқўрғон илк жез давридан бошлаб, қадимий маданият маркази сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган, иқтисодий марказ сифатида тарихий манбаларда ўз аксини топган. Илк жез давридан бошлаб Жарқўрғон Қадимги Термиз билан Чағониённи боғлаб турувчи муҳим ўлка сифатида танилган. Жарқўрғон тумани худудида ўтказилган археологик қазиш ишлари туфайли Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Оқтепа, Арпапоя, Ғойиботатепа, Карвон тушди, Барот тепа, Расултепа, Бойтепа, Қаршишоҳтепа, Зартепа, Култепа, Ҳайитободтепа, Чордингантепа, Жартепа, Каттатепа каби ёдгорликларда қадимги жамоа яшаганлигини асослайдиган маконлари топилди. Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Оқтепа маданияти Жанубий Ўзбекистонда шаклланган ва сунъий суғоришга асосланган илк макон бўлиб, қадимшунос олимлар бу ердан зироатчиликка оид буғдой, арпа, сули, пахта уруғлари қолдиқларини, кулолчилик, чархни ишлатиш, ҳунармандчилик турмушига доир ашёлар ва санъат намуналари қолдиқларини топдилар. Энг муҳими қабилани ташқи душман ҳамласидан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган қўрғонлар уч қаторли мудофаа девори билан ўраб олинган. Қўрғонларнинг умумий майдони бир неча гектарга яқин бўлиб, унда беш-ўн ўртача маҳаллалар истиқомат қилган уйларда мўрили ўчоқ, айрим хоналарда сандал ўрни, ганч сувоқ қолдиклари топилди. Кулолчиликка оид 20 дан зиёд хумдонлар, сифатли нафис қадаҳ, кўза, хум, чойнак, лаган, мудофаа қуроллари, идишлар, кўзгу, тўқимачилик, ип ва ипак мато қолдиқлари топиб ўрганилди.

Жарқўрғон воҳаси илк темир даврида.

Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Оқтепа маданиятининг ривожланиши натижасида Жарқўрғон ҳудудида Арпапоя, Ғойиботатепа, Карвонтушди, Бароттепа, Расултепа каби янги маданият марказлари шаклланди. Исмоилтепа, Ялпоқтепа маданияти Арпапоя, Ғойиботатепа маданиятидан синфий муносабатларнинг янада кучаюви билан фарқланади. Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Арпапоя ва Ғойиботада маданиятида кўзга ташланадиган яна муҳим бир хусусият сунъий суғоришга асосланган анҳорнинг барпо қилинишидир. Чунки

бронза даврида зироаткорлик хўжалиги асосан сой ва дарёларнинг бўйларида шаклланган бўлса, бу даврга келиб янги ерлар ўзлаштирилди ва анҳорлар қазилди. Ана шу хил суғориш манбалари асосида Ғойиботатепа, Карвонтушди, Бароттепа, Расултепа деҳқончилик марказлари шаклланди.

Ушбу деҳқончилик ўлкаларида Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Оқтепа, Арпапоя, Ғойиботатепа, Карвон тушди, Баротепа, Расултепа, Бойтепа, Қаршишоҳтепа, Зартепа, Култепа, Ҳайитободтепа, Чординган тепа, Жартепа, Каттатепа каби истеҳкомли қўрғонлар қад ростлади. Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмидан бошлаб темирдан ясалган меҳнат қуролларининг кенг миқёсда ёйилиши жамият ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Археологик тадқиқотлар натижасига кўра Сурхон воҳасида сўнгги бронза ва илк темир даврига оид қадимий маданият намуналари ниҳоятда кўп эканлиги аниқланди. Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмидан бошлаб воҳада темирдан меҳнат ва уруш қуроллари ясала бошлаганлиги исботланди ва ишлаб чиқаришнинг хўжалик шакллари яна гуркираб ривожланди. Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Оқтепа, Арпапоя, Ғойиботатепа, Карвон тушди, Бароттепа, Расултепа, Бойтепа, Қаршишоҳтепа, Зартепа, Култепа, Ҳайитободтепа, Чордингантепа, Жартепа, Каттатепа ҳудудларидан топилган археологик манбаларга таяниб туман ҳудудида зироатчилик билан шуғулланиш усуллари ниҳоятда қадимий ва анъанавий эканлигини билиш мумкин.

Жарқўрғон ҳудудида деҳқончиликнинг такомиллашиб борганлигини сунъий суғориш шахобчаларининг барпо қилиниши натижасида пахта, арпа, ғалла, зиғир, кунжут, қовун уруғлари қолдиклари намуналарининг топилишидан ҳам билиш мумкин. Аждодларимизнинг тинимсиз изланишда бўлганликларини исботловчи манбалар беқиёс, масалан, мил. авв. VII-VI асрларга оид Жарқўрғон воҳасидаги сунъий суғоришга оид канал қолдиклари, мураккаб мудофаа иншоотлари, Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Оқтепа манбалари бунга мисол бўла олади. Шундай бой тарихий манбаларни ўрганиш ва уларни илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга молик ҳамда кечиктириб бўлмас вазифадир.

Сурхондарёдаги қадимги маданият жаҳон цивилизацияси ютуқларида ўз ўрни ҳамда салоҳияти билан ажралиб туради, ана шундай жойлардан бири Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа ёдгорлигидир. Жарқўрғондаги археологик қазилмалар бой тарихий меросимизни ўрганишни янада мукаммаллаштириб, ўтмиш аждодларимиз турмуш тарзини ёритишга алоҳида ҳисса қўшмоқда. Бароттепа, Номсизтепа,Чордангантепа, Жартепа ёдгорлиги мил. авв. II-милодий кейинги VIII асрларга оид бўлиб, бу ердан қўлда ясалиб, устига қизил буёқда нақш солинган сополлар чиқди. Баротепанинг устки қатламларидан эса цилиндрконус шаклига эга бўлган ва кулолчилик чархида жуда пухта қилиб ишланган идишлар топилди. Баротепа, Номсизтепа, Расултепа маданияти кейинчалик Бақтрия маданияти учун асос бўлиб хизмат қилган. Сурхон воҳасида илк темир даврига оид ёдгорликлар ҳам анчагина бўлиб, бунга Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Оқтепа, Карвонтушдитепа, Қаршишоҳтепа каби ёдгорликларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Деҳқончилик майдонларининг кенгайиши, меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва Жарқўрғон ҳудудида сунъий суғориш иншоотининг барпо этилиши натижасида меҳнат унумдорлиги ошиб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарила бошлади. Ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлиши эса ибтидоий жамоа тузумининг емирилишига сабаб бўлди.

Темир буюмларни ҳаётда кенг миқёсда қўллаш қишлоқлар тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Қишлоқларнинг атрофлари мудофаа деворлари билан ўралиб, ушбу манзилгохлар қалъаларга айланиб борди.

Шу даврда ҳам деҳқончилик ўлкаси ўзининг бош шахрига, қишлоқ қўрғонларига, ҳарбий истеҳком ва ибодатхоналарига эга бўла бошлади. Археолог олимлардан А. Асқаров, Л.И. Альбаум ва А. Сагдуллаевлар томонидан ушбу даврни ўрганиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ Ҳайитободтепа шаҳрининг умумий майдони 10-12 гектар атрофида эканлиги аниқланди. Ушбу шаҳар мудофаа иншоотлари билан ўралган бўлиб, асосан 2 қисм, яъни арки аъло ва шаҳристон қисмларидан иборатдир. Мил. авв. II минг йиллик охири I минг йилликнинг биринчи ярмида воҳада ибтидоий муносабатларнинг тўлиқ емирилиб, синфий жамиятга ўтиш жараёни содир

бўлади. Сўнгти бронза ва илк темир даврида ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланган аҳолининг маданий жиҳатдан чорвадор қабилаларга нисбатан анча устунлиги сезилади.

Хуллас, Жарқўрғон ҳудудида сўнгги бронза даврига мансуб атрофи мудофаа деворлари билан ўралиб мустахкамланган қишлоқ харобаларининг топиб текширилиши бронза даври маданиятини ўрганишда жуда бой ва қимматли манбалар берди. Кейинги йилларда ўтказилган археологик текширишлар туфайли илк темир даврига оид бир қанча ажойиб маданият ёдгорликлари аникланди.

Синфий табақаланиш кучайган сайин жамиятни бошқариш қийинлашади. Жамоа бойликларини тақсимлаш, жамоани бошқариш, суғориш иншоотларини барпо қилиш, хўжалик ишларини йўлга қўйиш, уруғ ва қабилалараро муносабатларни тартибга солиш, қўшни қабилалар ҳужумини бартараф этишни ташкил этиш давлат зиммасидаги муҳим вазифа эди. Шундай қилиб, мил. авв. VIII-VII асрларда Сурхон воҳаси ҳудудларида давлатчилик муносабатларининг шаклланиши учун эҳтиёж туғилишида Жарқўрғон ҳудудидаги Жез даври иқтисодиётининг ўзига хос ўрни бўлиб, қадимги инсониятнинг илк маконларининг пайдо бўлиши, илк шаҳарсозлик, илк давлатчиликнинг пайдо бўлишида ушбу ҳудуднинг алоҳида аҳамияга эга эканлиги тарихшунос олимлар томонидан изоҳлаб берилган. Жарқўрғон ҳудудидаги қадимги маданият марказлари ҳисобланган Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Оқтепа каби маданият марказлари тарихи қадимги Бақтрия давлатини қарор топишида ўзининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий таъсирини кўрсатган. Қадимги Бақтрия давлати Эрон аҳамонийлари истилосига қадар шаклланган давлат бирлашмаси эди. Қадимги Бақтрияни бошқарган сулолалар тўғрисида бирон-бир илмий хулосага келиш қийин.

Аҳамонийлар саройида табиблик қилган юнон муаррихи Ктесий (430-354)нинг «Персика» асарида Бақтрия лаъли тўғрисида ҳамда Оссурия подшоси Ниннинг Бақтрияга қилган истилочилик юришлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Ктесийнинг маълумотларига кўра, ўша пайтда Бақтриянинг подшоси Оксиарт исмли киши бўлган. Ниннинг Бақтрия заминига

жуда катта қўшин билан ҳужум қилганлигини инобатга оладиган бўлсак, ўша даврда Бақтриянинг ҳарбий қудрати анча юксак даражада эканини тахмин қилиш мумкин. Бу даврда Бақтрия аҳолисининг катта қисми зироаткорлик ва ҳунармандчилик билан машғул эди. «Авесто»нинг «Ви-девдат» (иккинчи номи «Вендидод») китобида Бақтрия энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири сифатида эътироф этилади. Рим тарихчиси Квинт Курций Руф Бақтрия номининг келиб чиқиши ҳақида тўхталиб, «Бақтрия дарёси номидан шаҳар ва вилоятнинг номи келиб чиққан», деб ҳисоблайди.

Мил. авв. 700-540 йиллар қадимги Бақтрия давлатининг ривожланган даври ҳисобланади. Бақтрия давлатининг бу қадар юксак даражада ривожига Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа каби қудратли шаҳар ва қалъаларнинг алоҳида ўрни бўлиб, улар Бақтрия давлатнинг марказий савдо йўллари устида жойлашганлиги, ҳунармандчилик ривожи ва бошқа омилларга ижобий таъсир кўрсатган.

Шундай қилиб, Эрон аҳамонийлари истилосига қадар Жанубий Ўзбекистон минтақасида қадимги Бақтрия давлати мавжуд эди. Ушбу давлатнинг истеҳкомли қалъа ва шаҳарлари сифатида Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа манзилгоҳларини кўрсатиш мумкин. Буларнинг ҳар бири маҳаллий ҳокимларнинг ўрдаси ҳисобланиб, қадимги Бақтрия подшолиги эса ушбу туман ва вилоятларни бирлаштирувчи ҳарбий демократик типдаги конфедерация эди.

Жарқўрғон ҳудуди Эрон Аҳамонийлари ва Искандар Зулқарнайн салтанати таркибида

Маълумки, қадимги Бақтриянинг ҳудудий жойлашуви ва географик чегаралари ҳақидаги масала XIX асрдан бошлаб муҳим илмий муаммо сифатида ўрганиб келинмоқда. 1877 йили австралиялик шарқшунос В.Томашек биринчилардан бўлиб Бақтра сатрап (ҳоким)лигининг Оксдан шимолга ёйилганлиги хақидаги ғояни илгари сурган эди. Бу ғояни археология маълумотларига асосланган М.М.Дьяконов ривожлантирди ва «Шимолий Бақтрия» тушунчасини илмий муомалага киритди. Шу даврдан бошлаб бу атама шимолдан Ҳисор тоғ тизмаси, ғарбдан Кўҳитанг тизмаси, жанубдан Амударё, шарқдан Помир тизмалари билан чегараланувчи кенг географик ҳудудни англатадиган бўлди. Лекин бир қатор олимлар бу фикрга қўшилмайдилар. Улар ёзма манбаларга таянган ҳолда юқорида кўрса-тилган ҳудуд Сўғдиёнага қарашли бўлган ва Бақтриянинг шимолий чегараси Амударё-Окс орқали ўтган деб ҳисоблайдилар. Америкалик олим Р. Фрайнинг фикрига кўра, Бақтрия шаҳри кенг қамровли ўлканинг маданий маркази бўлиб, уни шимолдан, шарқдан ва жанубдан тоғлар ўраб турган. Унинг ерларини суғорувчи Амударё уни икки қисмга: жанубий-Сурхон воҳаси, шимоли-шарқий Афғонистонга ажратиб турган.

Мутахассислар томонидан Шимолий Бақтрия ҳудудида жойлашганлиги тахмин қилинаётган Габаза ва Паретака вилоятларининг географик ўрни масаласи ҳам кўриб чиқилди. Маълумки, Курций Руфнинг «Искандар тарихи» ва Аррианнинг (95 -175) «Искандарнинг юришлари» асарларидаги хабарларида Шимолий Бақтрия ва Сўғдиёнада жойлашган вилоятлар, қалъалар ва шаҳарлар хусусида қимматли маълумотлар мавжуд. Унинг маълумотларига кўра, Искандар юришларининг учинчи ойида қўшин билан қишлик қароргоҳидан чиққан ва Габаза вилояти сари юриш қилган.

Искандарнинг Марказий Осиё жанубий вилоятларига юришининг иккинчи босқичи мил. авв. 327 йилнинг баҳорида бошланган бўлиб, асосан «Паретака мамлакати» орқали ўтганлиги айтилади. Ушбу вилоятнинг жойлашган ўрни хусусида олимлар турлича фикр билдирадилар. Масалан,

В.Томашекнинг фикрига кўра, Паретака вилояти Бадахшон ҳудудида жойлашган ва у тоғли мамлакат бўлган. В.В.Григорьевнинг тахминича, Паретака атамаси «тоғли мамлакат» маъносини англатиб, у Сурхондарё, Сурхон ва Кофирниҳон воҳаларида, яъни Ҳисор ўлкасининг ўрта ва шимолий қисмида жойлашган. И.Маркварт Паретакани «дарё ювиб турувчи вилоят» деб атайди ва унинг ҳозирги Сурхондарё вилояти ва Тожикистон ҳудудида жойлашганини маълум қилади.

Бақтрия давлати кенг бепоён ўлка бўлиб, жанубда Ҳиндиқуш (Парапамис), шимолда Сўғдиёна, ғарбда Марғиёнагача (Мурғоб воҳаси) бўлган ҳудудлардан иборат бўлган. Машҳур тарихий манба «Авесто»да бу ўлканинг беқиёс юрт эканлиги таърифланади ва Бахди (Бақтрия) байроқлари доимо баланд ҳилпираб турадиган, яъни шон-шавкат ўлкаси сифатида тилга олинади. Бақтриянинг таркибий қисми бўлмиш ҳозирги Сурхон воҳаси ҳудуди Окснинг ўнг сохилида жойлашган ниҳоятда равнақ топган йирик шаҳарларга эга бўлиб, улар савдо-сотиқ ривожланган иқтисодий-сиёсий ва маданий марказлар сифатида машҳур эди. Бақтрияни йирик сулолалар бошқарарди, унинг сиёсий кучи чексиз, ҳарбий қудрати шу даражада даҳшатли эдики, ҳатто у йирик давлатларни ҳам қўрқувга солиб турган. Юнон тарихчиси Ктесийнинг ёзишича, Оссурия (Герадотнинг айтишича, эронийлар Сурияни шу номда юритишган) подшоси Нин Бақтрияга қарши 170 минг пиёда, 210 мингдан кўпроқ отлиқ аскар, 10 мингдан ортиқ жанг аравалари билан бостириб келиб, бутун шаҳар ва қишлоқларни талаб, кўплаб олтин-кумушлар ва қулларни олиб кетган. Муаррих Помпей Трог қадимги манбаларни кўздан кечирган ҳолда ёзишича, Ниннинг Бақгрияга қилган босқинчилик юриши даврида «... Бақгрия подшоси Зардушт (Зароастр) бўлган» экан. Академик А. Асқаровнинг таъкидича: «Ктесий ҳикояларининг асосида қандайдир тарихий ҳақиқат борлигига ишониш қийин эмас. Масалан, Бақтрия билан Оссурия ўртаси-да иқтисодий алоқалар бўлганига шубҳа йўқ, чунки Бақтриядан ўз даврида Оссурияга икки ўркачли туялар қатнаган, бу туяларда Бақтрия лазурати оқиб борган. Булар ҳақида Саргон **II** даври (мил. авв. **VIII** аср)га оид манбаларда хабарлар берилади».

А. Асқаров давом этиб ёзади: «Мил. авв. **VIII-VII** асрларда бир бутун йирик маданият маркази сифатида шаклланган юртлардан бири Бақтриядир. Унинг ҳудудини Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти, Жануби-ғарбий Тожикистон ерлари, Шимолий Афғонистон (ва Шарқий Туркманистон –С.Т.*)* ташкил этади. Бу юртда мил. авв. **VIII-VII** асрларда «қадимги Бақтрия подшо-лиги» ташкил топди. Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар шу юртда шаклланди. Бу юрт зардуштийлик динининг илк маконидир. Унинг ҳукмдори Кави Виташпа эса Заратуштра диний ислоҳотини биринчилар қаторида қабул қилиб, уни давлат дини деб эълон қилган».

Искандар истилоси. Эрон аҳамонийларига қарашли кўпгина ҳудудларни эгаллаган Искандар мил. авв. 329 йилда ўзининг азалий душмани Доро III ни ўлдиртирган Бақгрия сатрапи Бессдан «қасос» олиш баҳонасида Аракс (Амударё)дан кечиб ўтиб ҳозирги Сурхондарё ҳудудларига бостириб киради. Искандар истилоси арафасида Бақтрия сатраплиги сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланган ўлкалардан бири ҳисобланарди. Курций Руфнинг таъкидига асосланиб Бақтриядан Окс дарёси кечувигача бўлган масофани 400 стадий (75 км) деб ҳисобласак, Искандар аскарлари Термиз ва Келиф шаҳарлари оралиғидаги кечув-дан ўтганлиги маълум бўлади. Ушбу кечув жойи Термиздан ғарбда жойлашган Шўроб ва Чўчқагузар кечуви бўлган. Бу пайтда Бесс ва унинг ҳамроҳлари Наутакага чекинган эди.

Искандарнинг Шимолий Бақтрия ерларига ҳужуми даврида бу ерда Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа ва бошқа кўплаб мустаҳкам қалъалар ва уй-қўрғонлар бўлган. Сурхон воҳасининг маркази қизилтепа бўлган, аҳоли суғорма зироаткорлик хўжалиги билан шуғулланган. Юқорида номлари зикр қилинган археологик манзилгоҳларда олиб борилган қазиш ишлари жараёнида кўплаб миқцорда сопол идишлар, бронза ва темирдан ясалган уруш ва меҳнат қуроллари, урчуқ тошлар, игна ва зеб-зийнат буюмларининг топилиши бу даврда қурилиш, ҳунармандчиликнинг темирчилик, кулолчилик, тўқувчилик, тикувчилик ва заргарлик соҳалари жид-дий тараққий этганлигини билдиради. Искандарнинг ҳарбий юришлари тўғрисида қалам тебратган Курций Руф Бақгрия ҳақида маълумот бериб, «Бақтриянинг табиати

бой ва турли-тумандир. Баъзи жойларда кўпдан-кўп дарахтзорлар, ток новдаси ширин ва сероб мева ҳосил қилади, унумдор ерларни кўп сонли булоқ-дарёлар суғорадилар, ҳосилдор тупроғида буғдой экилади, бошқа ерлар ўтлоқ учун қолдирилади», деб ёзади Квинт Курций Руф. Шимоли-ғарбий Бақтриядаги икки вилоят Паретака ва Бубакенани тилга олган. Ушбу вилоятлардан бири Паретакага Шеробод воҳаси ва унга туташ тоғолди ҳудудлари Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа, Бойтепа киради, Бубакенага эса Боботоғнинг ҳар иккала ҳудудлари, яъни кун чиқиш ва кун ботиш томонлари ҳам кирган.

Искандарнинг истилоси даврида воҳа аҳолиси жуда катта йўқотишни бошидан кечиради. Хусусан, вилоятдаги Бақтрия маданиятига оид бўлган 36 та ёдгорликнинг 33 таси вайрон қилинади. Шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиб, илгари аҳоли гавжум яшаган Музрабод, Шеробод, Бандихон ва Миршоди воҳаларини одамлар ташлаб кетиб, бошқа жойларни макон тутади. Юнонлар билан бўлган жангда жуда кўплаб аҳоли қирилиб кетади. Хўжалик ҳаёти анча издан чиқади, қадимги Бақтрия даврига оид бўлган бой маданият инқирозга юз тутади.

Искандар вафотидан кейин Бақтрия ерлари Салавкийлар давлати таркибига киради. Салавкийлар сулоласининг асосчиси Салавка I Никатор мил. авв. 311- 302 йиллар оралиғида бақтрияликлар устидан ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Салавкийлар давлатида шарқий сатрапликлардан бири саналган Бақтриянинг ҳам ўрни жуда катта бўлган. Салавкийлар даврида Искандар истилоси пайтида вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқ қайта тикланади, хўжалик изга тушиб, савдо жонланади. Айнан шу даврда эллин маданияти билан маҳаллий маданиятнинг ўзаро аралашуви содир бўлади. Бақтрияда юнон ёзуви тарқалади. Янги-янги қароргоҳлар вужудга келади, савдо ривожланиши билан юнон тангалари ва юнон оғирлик ўлчови бирликлари тарқала бошлайди

Юнон-Бақтрия ва Кушон подшоликлари даврида Жарқўрғон ҳудуди

Мил. авв. 250 йилда Бақтрия сатрапи Диодот Бақтрия ерларини Салавкийлар давлатидан ажратиб, Юнон-Бақтрия давлатига асос солади. Бу даврда Юнон-Бақтрия давлатига нафақат Бақтрия ерлари, балки Сўғдиёна ва Марғиёна ерлари ҳам бўйсуна бошлаган эди. Бақтрия ерларининг Салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиши аҳолига бир қадар енгиллик беради. Бу даврда Бақтрия сатраплари, бир томондан, салавкийлар марказий ҳокимияти хуружларига қарши курашган бўлса, иккинчи томондан, Парфия подшолари тажовузига қарши кураш олиб боради. Мустақилликка эришган Бақтрия Диодот I даврида қудратли давлатга айланади. Юнон-Бақтрия подшоси Евтидем даврида мамлакатнинг чегара ҳудудларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилади. Мил. Авв. 206 йилдан бошлаб Бақтрия ерларига Салавкийлар давлатининг солиб турган хавфи йўқотилади. Бу даврда воҳада сунъий суғоришга асосланган зироатчилик ва ҳунармандчиликнинг қатор тармоқлари анча юксалади. Пировард натижада кўплаб Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа, Ялпоқтепа каби шаҳарлар қад ростлайди. Шунинг учун ҳам юнон муаррихлари ўз асарларида Бақтрия хусусида тўхталиб: «Бақтрия минг шаҳарли мамлакатдир» деб таъкидлаб ўтишлари бежиз эмас эди, албатта.

Бақтрия ўша даврда жуда каттагина қўшинга ҳам эга бўлган. Тез-тез бўлиб турадиган жангу-жадаллар ҳам Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа тараққиётини тўхтата олмаган. Хўжаликнинг турли соҳаларидаги ривожи натижасида савдо-сотиқ ҳам анча камол топган. Бу даврда бақтриялик савдогарлар Чин-Мочин, Ҳиндистон ва Эрон каби мамлакатлар билан иқгисодий алоқалар олиб борганлар. Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа зироаткорлари етиштирган маҳсулотлар ҳақида юнон ва чин манбаларида ўта ҳаяжон билан сўз юритилади.

Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепалик ҳунармандлари жуда нафис зебу-зийнат буюмлари, уй-рўзғор ва хўжалик қуроллари ясаганлар. Бу даврда тўқувчилик, кўнчилик, қуролсозлик ва заргарлик ҳунарлари анча юксалади.

Кушонлар давлати. Юэчжи қабилалари Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа ерларида ўрнашгандан кейин ҳам маълум вақт ягона давлат барпо қила олмаган. Орадан анча йиллар ўтгач, гуйшуан қабиласи сардори Кудзула Кадфиз бешта қабилани бирлаштириб Кушон давлатига асос солган. Кушон давлатининг дастлабки ўзагини Бақтрия ерлари ташкил этиб, ушбу давлатга Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа, Карвонтушти, Оқтепа, Арпапоя, Ғойиботатепа, Расултепа, Қаршишоҳтепа, Зартепа каби шаҳар ҳудудлари ҳам бўйсунган. Кушонлар давлатининг дастлабки пойтахти ҳам Шўрчи тумани ҳудудида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлиги ҳисобланади. Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа шаҳарларини ябғу унвонига сазовор бўлган ҳокими мутлақ подшо бошқарган. Шаҳарларнинг асосий таянчи яхши қуролланган ҳарбий қўшин бўлган. Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа, Оқтепа, Ялпоқтепа, Арпапоя, Расултепа шаҳарларини ҳимоя қилувчи қўшини асосан отлиқ ва пиёда қисмлардан иборат бўлиб, улар қилич, ханжар, найза ва жанговар болта билан қуролланган. Бу даврда Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа, Оқтепа, Ялпоқтепа, Арпапоя, Расултепа каби шаҳарлар иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, ҳунармандчилик тараққий этиб, тайёр маҳсулотлар Хитой, Рим, Парфия сингари ўша даврнинг нуфузли давлатлари билан савдо-сотиқ алоқалари олиб борган.

Бироқ сиёсий келишмовчилик, ўзаро низо-жанжаллар, ҳокимият учун курашни кучайтириш туфайли Кушонлар салтанати аста-секин заифлашиб борган. Кушонлар салтанати сиёсий-маъмурий бошқарув тизими анъанавий сатрапиялар тизимига мослашув асосида қурилган бўлиб, сатраплар олий ҳукмдор томонидан унинг ишончини қозонган, чамаси улар ўз доираси намояндалари орасидан танланган. Шу билан бирга сатраплик лавозимига ҳарбий юришларда жонбозлик кўрсатган лашкарбошилар ҳам лозим топилган вақтлар бўлган, умуман олганда эса сатраплар бақтрияликлар орасидан бўлиши шарт эди.

Кушонлар даврида мамлакатнинг иқтисодий хўжалиги кенг тараққий этиб, металсозлик, шишасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланиб, олтин, кумуш, қўрғошин, қимматбаҳо тошлар, қурилиш хом ашёлари қазиб олиш анча такомиллашиб борган. Кадфиз II нинг амалга оширган пул ислоҳоти натижасида Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа, Оқтепа, Ялпоқтепа, Арпапоя, Расултепа каби шаҳарларда 8 грамлик олтин тангалар, кумуш, бронза тангалар савдо муомаласига чиқарилди. Маданий тараққиёт натижасида ёзувлар анча такомиллашиб сўғдча, хоразмча, парфияча, бақтрияча ёзувлар мукаммаллашиб, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда ижобий натижаларга эришди. Кушонлар даврида Исмоилтепа, Бароттепа, Номсизтепа, Оқтепа, Ялпоқтепа, Арпапоя, Расултепа шаҳар ҳудудларида саройлар қуриш, архитектура қурилиши ривожланиб, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик санъати энг юқори натижаларга эришди. Кушонлар империясига хос моддий маънавият асослари кенг ривожланиши туфайли расмий, диний, ишлаб чиқариш, турар жой, сунъий суғориш, мудофаа, тижоратга тааллуқли қурилиш бинолари билан уйғунлашган ҳолда қурилган.

Вилоят ҳудудида кушонлар даврига оид 130 та ёдгорлик мавжуд бўлиб, шундан 18 таси Жарқўрғон ҳудудида қишлоклар кўринишидаги манзилгоҳлар ҳисобланади. Кушонлар даврида марказлашган давлатнинг қарор топиши хўжаликнинг равнақига сабаб бўлган. Бу даврда ҳам зироатчиликнинг ғаллачилик, пахтачилик, боғдорчилик ва полизчилик соҳалари жадал ривожланади. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида лалмикор деҳқончилик хўжалиги равнақ топади. Ерни қайта ишлаш, хусусан, алмашлаб экиш борасида бой тажриба тўпланади, янги-янги суғориш тизимлари бунёд қилинади. Чорвачилик хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилган. Айнан ана шу даврда ҳунармандчилик хўжалиги юксак даражада ривож топиб, ушбу соҳанинг кулолчилик, металлсозлик, қуролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик каби турлари анча юксалган. Ҳатто Бақтрия шишасозлари 420 йилда Хитой пойтахтида турфа рангдаги шишалар тайёрлаб хитойликларни лол қолдирганлар.

Кушонлар даврида хўжаликнинг равнақи савдо-сотиқнинг ривожига хам туртки бўлади. Хусусан, шу даврда Бақтрия савдогарлари Парфия, Рим, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатларига бориб савдо қилганлар. Римнинг Помпей шаҳри харобаларидан кушон тангаларининг ёки қоратепа кулол идишлари, Термиздан топилган май хамда айшу ишрат худолари Вакхония, тағин Вакх-Болус шарафига уюштирилган байрам саҳнаси тасвири солинган лой идишлар, шунингдек, Ҳайитободтепадан император Нерон тангаларининг топилиши юқоридаги фикрнинг исботидир. Бу даврда Сурхон воҳаси савдо йўллари ўзаро туташган ҳудуд бўлиб, албатта, бу ҳолат ўлканинг иқтисодий ва маданий тараққиётига катта ижобий таъсир ўтказган.

ЖАРҚЎРҒОН ВОҲАСИ ЎРТА АСРЛАРДА

Милоднинг I-IV асрларида ҳукмронлик қилган Кушон империяси даврида Жарқўрғон иқтисодий, маданий жиҳатдан тараққий этади. Аммо III асрнинг иккинчи ярмида салтанатда юз берган кучли тўқнашувлар империяни ҳалокат ёқасига олиб келади. Кушон салтанати Эрон сосонийлари қўшинлари томонидан мағлубиятга учрагач, унинг ерларида босқинчиларга қарам вилоят ташкил этилади. Бу ерлар асосан Бақтрия-Тохаристон ҳудудларига тўғри келади, вилоятни эса сосоний шаҳзодалар идора қила бошлаганлар.

Кушон империяси инқирозидан сўнг Жарқўрғон ҳудудидаги маданий ҳаётда ҳам инқироз аломатлари кўзга ташланади. Эрон сосонийлари қўшинларининг IV аср охирида Шимолий Тохаристон ерларига юриши оқибатида, даставвал марказий шаҳарлар таназзули бошланади. Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Оқтепа ўрнига Култепа, Ҳайитободтепада каби маданий марказлар шаклланди. Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг марказий шаҳарлари VI аср бошларига келиб қаддини қайта ростлаб, тиклана бошлайди. Карвонтушди, Бароттепа, Расултепа, Бойтепада 630 йили бўлган чинлик сайёҳ Хуан Чао ушбу шаҳарларда будда ибодатхоналари мавжудлиги ҳақида хабар бериб ўтган. Яна бир бошқа чинлик жаҳонгашта Сюан Цзян 639- 645 йилларда бу заминларга ташриф буюрганида Чағониённинг марказий шаҳарлари ҳисобланган

Қаршишоҳтепа, Зартепа, Расултепа, Бароттепа, Карвонтушдитепа манзилгоҳлари ҳақида маълумотлар беради.

VII-VIII асрлар биринчи ярмида Чағониёнда Чочнинг туркий ҳокими ва Марказий Осиёнинг бошқа вилоятлари ҳукмдорлари тангаларига тақлидан зарб қилинган бу тангаларнинг олд томонида ҳукмдор ва унинг рафиқасининг тасвири, орқа томонида эса юқори ва пастки учлари илгаксимон ромб шаклидаги тамға бўлган. Сосонийлар зарб қилган тангаларга тақлидан яратилган олдинги тангалар билан Чочнинг туркий ҳукмдорлари тангаларига тақлид қилиб зарб этилган мазкур тангаларнинг бир-биридан кескин фарқ қилишига асосланиб, Чағониёнда VII асрнинт биринчи ярмида ҳукмдор сулолалар алмашуви содир бўлган ва оддин ҳукм суриб келган эфталийлар сулоласи ўрнига бу ерда ҳокимиятга туркий сулола келган, дейиш мумкин. Аммо чағонхудотларнинг эски сулоласи ўз мавқеларини сақлаб қолган ҳолда сосонийларга эмас, балки 589 йилда Тохаристонга кириб келган туркларга мослашиб олган деган тахмин бор, чунки турклар бир неча марта Тохаристонга бостириб келганлар. Қоон Тун Ёбғу даврида (618-630) Тохаристон узил-кесил туркларга қарам бўлади. Туркий қабилалар Тохаристонга, айниқса унинг шимолий қисмига кўплаб кириб борганлар. Мазкур жараёнлар юз берган вақтда Сурхон воҳаси Тохаристоннинг шимоли-ғарбий қисмини ташкил этган. Хитой манбаларида (Сюан Цзян, Хой-Чао тафсилотларида, VII-VIII асрлар) Шимоли-ғарбий Тохаристон ерларида Термиз ва Чағониён мулкликлари мавжудлиги тилга олиб ўтилади. Чағониённинг жанубий ғарбий қисми ҳозирги Жарқўрғон туманларини ўз ичига олган. Чағониён эса Чағонруд (қизилдарё) дарёсининг юқори ҳавзасидаги ерларни, Ҳисор ва Боботоғ тоғ олди майдонларини ўз таркибига олган.

Чағониён Тохаристонда нисбатан йирик ва қудратли вилоятлардан саналган ва унинг авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз хукмрон сулоласи Тохаристон ҳукмдори бўлади. Чағониён ҳудудида кўплаб қишлоклар, йирик шаҳарлар бўлган, улар ўз пулини зарб қилиб чиқарган. Бу вилоят шохлари бошқа давлатлар билан дипломатик, диний ва сулолавий алоқалар

ўрнатганлар. Масалан, Афросиёб саройидаги деворий ёзувларда таъкидланишича, VII асрнинг иккинчи ярмида Самарқандни бошқарган шоҳ Вархуман саройига Чағониён ҳукмдори номидан элчи келган.

X асрнинг кўзга кўринган йирик олими Истахрийнинг шогирди сайёҳ географ Ибн Ҳавқал (Абулқосим ибн Ҳавқал ан-Насибий) устозининг илтимосига кўра «Китоб ул-масолик»нинг хатоларини тузатиб, унга хариталар илова қилади. Ибн Ҳавқал ўзининг «Китоб сурат ул-арз» («Ернинг шакли») номли асарининг Мовароуннаҳр қисмига тарихий воқеаларни киритиб, китобнинг қимматини оширишга эришади. Сағониён Амударёга Термиз шахридан пастроққа қўшилишини тасвирлаган Ибн Ҳавқал ўз асарида Истахрий қўллаган «қалъа» атамасини ишлатмайди, балки фақат кўҳандиз эски қўрғон ҳақида маълумот келтиради.

Жарқўрғон ўрта асрлар даври араб - форс муаллифлари асарларида Сарминжон (Жарминжон) номи билан тилга олинган. Бу шаҳар номи тарихий манбаларда Сарманган, Чарманган ёки Нарманган шаклларида ҳам учрайди. Тилшуносларнинг эътироф этишича, Сарманжон номи «Сар»- бош, «майн» - қалья, «жан»-дарё, ирмоқ сўзларидан таркиб топган бўлиб, »Бош қальадаги дарё» ёки »Сармон дарёси» деган маънони англатади. Жарқўрғон номи ҳам «дарё» ёки «сой ёқасидаги қалья» маъносини англатиб, ўрта асрлар қўлёзма манбаларида тилга олинган Жармикон (Жарманган) сўзининг ўзгартириб талаффуз этилиши туфайли пайдо бўлган.

«Ҳудуд ул олам» («Оламнинг тузилиши») асарида «Бу шаҳарча унинг атрофида кенг далалар ва серсув ўтлоқлар кўп»- деб таьриф берилган. Яна бошқа бир араб тарихчиси Ибн Хавқол (тарихчи ва географ, тўла исми, Абулқосим ибн Ҳавқол ан Насибий, туғилган йили номаълум, вафоти 976 йил) шаҳарнинг муҳташамлиги, бунда Абулҳасан ибн Ҳасан Мохга тегишли кўплаб фойда келтирадиган работ (карвонсарой) борлигини таькидлаб, карвонсаройда бир динорга тенг садақа нон тарқатилган, деган муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган.

Жарқўрғон воҳаси ҳақидаги маълумотлардан яна бири ўрта аср шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ҳам учрайди. «Шоҳнома» нинг дастлабки

байтларида Жарминкон (Жарқўрғон) дан сўнг бошланадиган шаҳар Чағониён эканлиги эслатиб ўтилган. Фирдавсийнинг бу муҳим маьлумотлари асримизнинг 1980- йилларига келиб қадимшунос олимларимиз томонидан юқоридаги маьлумотларга таяниб исботланди.

Термизда катта жанг олдидан ўз қўшинини жамлаб турган Маҳмуд Ғазнавий истиқболига атроф вилоятларнинг амирлари пешвоз чиқади, булар орасида Чағониён амири ҳам бор эди, афсуски, унинг номи эслатилмаган. Балх шаҳри ёнида 1008 йили рўй берган жангда Ғазнавий-лар ўз ғанимлари қорахонийлар лашкарини тор-мор этганларидан сўнг, Термиз ғазнавийлар давлати таркибига батамом қарам этилади. Термиз ғазнавийлар давлатида нафақат йирик савдо маркази, балки мамлакатнинг шимолий чегараларини қорахонийлар хужумидан ҳимоя қилувчи қалъа вазифасини ҳам ўтай бошлайди. Худди шу даврда Чағониён амирлиги ҳукмрон сулолалар қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасидаги ўзаро кураш вазиятини тўғри баҳолаб, ўз мустақиллигини сақлаб қола олган. Чағониён қудратли ғазнавийлар давлатига қўшни бўлса-да, унинг амирлари Музаффар қия ва Фахр ад-Давла Аҳмад ибн Муҳаммад ўзларини қорахонийлар вассали деб ҳисоблаганлар. Чағониён давлатининг сиёсий ҳаётини ўша даврда зарб этилган ва археолог олимлар томонидан қазиб топилган тангалар орқали англаш мумкин. Мавжуд тангалар шундан далолат берадики, 1025-1027 йилларда Чағониён қорахонийлар давлати таркибида бўлган, 1027-1039 йилларда эса мустақил давлат сифатида фаолият юритган. Аммо 1038-1039 йиллар ва 1042-1043 йилларда Чағониён ўз мустақиллигидан махрум бўлиб, уни қорахоний Бўри Тагин идора қилган. Бироқ Термиз ва ҳатто Чағониён ҳам 1031 йиллар, афтидан, 1041 йилларгача ҳали ғазнавийлар тасарруфида бўлган кўринади. Буни муаррих Абулфазл Байҳақий ўзининг «Масъуд тарихи» номли асарида тўкис ёритган, унда 1031 йилнинг 15- 18 апрель воқеалари ҳикоя этилади. Ҳикоя қилинишича, Султон Масъуд ибн Маҳмуд ғазнавий 1031 йилнинг 15-18 апрель кунлари Термизда бўлади, Жайҳун соҳилларида ов қилади, тўрт шерни шахсан ўзи отиб ўлдиради, дабдабали маишат уюштиради. Термиз аҳли ва унинг кутволи (қалъа бошлиғи) Қутлуғ камоли эҳтиром ила Султон

Масъудни кутиб олади, катта тантана уюштирилади, созандалар, хонандалар, бозандалар тиним билмай хизматга шай турадилар. Ҳатто тарихчи Байҳақийнинг шахсан ўзи бу хил чексиз ҳурмат билан қарши олиниш ҳодисасини Термиздан бошқа жойда учратмаганини бир гувоҳ сифатида ҳаяжонланиб сўзлайди. Демак, ҳали XI асрнинг 30-йиллари Термиз ва Чағониён ғазнавийлар ихтиёрида эканлиги анча ойдинлашади, чунки Термизга ташриф буюрган Султон Масъуд хузурига Чағониён амири ҳам келган эди.

Жарқўрғон ҳудудидаги Култепа, Ҳайитободтепа, 1056 йиддан эътиборан Салжуқийлар давлати таркибига қўшиб олиниб, 1063 йилга келиб Чағониённи тўла бўйсундириш учун салжуқийлар султони Алп Арслон ҳарбий юриши даврида Сажуқийларга бўйсунди. Култепа, Ҳайитободтепани 1065 йили Алп Арслон укаси Илёсга иқто сифатида инъом этади.

Тарихда салжуқийларнинг Мовароуннахр ерларига кириб келиши X аср билан боғланади. Ўша кезларда Балхаш кўлининг жанубидан Волгагача бўлган кенг ҳудудда туркий халқларнинг ўғуз қавми яшар эди. Кўплаб қабила ва уруғларга эга бўлган ўғузларнинг бир кичик уруғи орасидан чиққан Салжуқ исмли шахс катта ҳарбий куч бошлиғи даражасига эришади.

Манбаларнинг гувоҳлигича, Тохаристоннинг V-VIII асрлардаги шаҳарлари тўғри тўртбурчакли кўринишга эга бўлиб, ягона мудофаа иншоотлари билан муҳофаза этилган арки аъло ва шахристоннинг ўртасида ёки бирон-бир бурчагида жойлашган. Арки аъло ва шахристон кушон даври шаҳарлари мустаҳкам мудофаа девори ва хандақлар билан ўралган. Бутун Мовароуннахрда бўлгани каби, IX асрдан бошлаб, Жарқўрғон ҳудудида ҳам шаҳарсозлик жадал ривожланди, бу даврда ўлкада уч қисмли шаҳарлар батамом шаклланди. Араб тарихчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Жайҳаний ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, Расултепа, Ялпоқтепа, Бароттепа, Култепа, Ҳайитободтепаларнинг шаҳристон (ички шаҳар), кўҳандиз ҳамда бора (мудофаа- девори) ва работ (ташқи шаҳар)дан иборат бўлган. Култепа, Ҳайитободтепанинг марказий шаҳри, ибн Хавқалнинг

таърифича, арк-кўҳандиз бўлган. Ал-Муқаддасий шаҳарда муҳташам бозорлар бўлганлигини қайд этади.

Меъморчиликда IX асрдан эътиборан мураккаб қурилиш услублари, яъни қуббалар, ёйсимон арклар, гумбазлар, пештоқлар ва кунгурали устунлар кенг қўлланила бошлайди.

Марказий Осиё сарҳадларида мўғул қўшинларининг пайдо бўлиши билан вазият тубдан издан чиқади ва 1220 йилнинг кузида мўғул қўшинлари ерларини эгаллаш учун юриш бошлайди. Култепа, Ҳайитободтепа шаҳриларини эгаллаб ҳудудини назорат қилиш Чиғатойнинг невараси Есун Тува ихтиёрига берилади.

Ибн Баттута Чингизхон босқини натижасида Култепа, Ҳайитободтепани вайрон қилинганлигини ва қайта тикланмаганлиги ҳамда иқтисодий жиҳатдан инқирозга учраганлигини қайд этади. Ибн Баттута саёҳати давомида Култепа ҳудудида иқтисодий тараққиёт ривожланиб, сўфийларнинг хонақоҳларидан, уларнинг меҳмондўстлигидан кўп марта фойдаланганлиги ҳақида ёзиб қолдиради.

Муаррих ўз асарида ҳар хил муносабат билан Чағониён ҳудудига қарашли Култепа, Минор ва бошқа аҳоли истиқомат қиладиган шаҳар, қишлоқлар хусусида ҳам тўхталади.

Сурхон воҳасининг ривожида Амир Темур шахсининг алоҳида ўрни бор. Кейинги тарихий изланишлар шу нарсани аниқ таъкидламоқдаки, Амир Темурнинг давлат бошқарув фаолиятида Жарқўрғон ҳудудининг ўзига хос ўрни бўлиб, унинг жанубий мамлакатлар билан олиб борган жамики ҳаракати Жарқўрғон ҳудуди билан боғлиқ эди. Чунки Амир Темур армиясининг ҳарбий тайёргарлиги, ҳарбий қисмларни йиғиш, тўплаш, озиқ-овқат, кийим ва қурол-яроқ, отлар ҳамда чорва маҳсулотлари билан таъминлашда Жарқўрғон ҳудудидаги қишлоқ қўрғонларнинг аҳамияти катта бўлган. Тарихчи олим Б.Аҳмедов ўзининг «Амир Темур» тарихий романида Сурхон воҳасидаги йирик иқтисодий марказларни тилга олиб ўтиб, қуйидаги манбани келтириб ўтади: «Маълум бўлишича, мўғуллар билан ёвлашиб, Самарқанд тоғлари ва қоратоғда яшириниб юрган Чиғатой беклари: Сулаймон Барлос, Амит Мусо,

Жоку Барлос, Жалолиддин Барлос ва Ҳиндука Барлослар Термизга келиб тушибдилар».

Демак, Жарқўрғон ҳудуди ўзининг ҳарбий-стратегик аҳамияти билан алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Сурхон кечувининг қулай жойида жойлашуви кўпинча урушларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Жарқўрғон ҳудуди ўзининг иқтисодий, маданий ривожи билан алоҳида ажралиб турган шаҳар, унинг атрофида қишлоқ хўжалиги анча ривожланиб, боғдорчилик ва сабзавотчилик кенг кўламда олиб борилган.

XVI-X1X АСРЛАРДА ЖАРҚЎРҒОН

Амир Темур ворислари ўртасидаги ўзаро тожу тахт кураши, ички низоларнинг жиддий кескинлашуви Темурийлар салтанатининг инқирозига сабаб бўлади. Бу эса темурийларга қарашли ерларнинг бирин-кетин дашти-қипчоқлик Шайбонийхон томонидан истило қилинишига олиб келади. Муҳаммад Шайбонийхон 1499 йил-дан бошлаб Мовароуннаҳр томон жиддий ҳаракат қила бошлайди. У дастлаб Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро ва бошқаларни истило қилгач, ҳаракатини темурийларнинг жанубий ерлари томон давом эттиради. Темурийлар давлатининг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари, бу ерларда ҳам маҳаллий ҳокимларнинг ўзаро бир-бирларини қўллаб-қувватламаслиги, ишончсизликлари шайбонийларга қўл келади.

Шайбонийлар истилоси арафасида Жарқўрғон Чағониён ҳукмдорларига бўйсуниб Жарқўрғон ҳудуди Балхлик Султон Ҳусайн ўғли Бадиуззамон ҳокимлиги ихтиёрида эди. У Жарқўрғон ҳудудини шайбонийларга топширмасликка уриниб кўради. Худди шу даврда Ҳисор ва Бадахшон вилояти ҳокими Хусравшоҳ жуда кучли ва бой бўлган ўз вилоятининг кучига етарли баҳо бера олмайди. У темурий шаҳзодаларга ёрдам бериш ўрнига, улардан қўрқади. 20 минг аскар билан Бадиуззамон Хусравшоҳни Термизда узоқ кутади. Хусравшоҳ бу пайтда шайбонийлар келаётганини эшитиши билан ўз мулкини ташлаб қочади ва оқибатда ундан мадад кутиб турган Бадиуззамон Термиз шахрини тарк этиб, Балхга қайтишга мажбур бўлади.

Шайбонийхон 1504 йили Жарқўрғон ва Сурхон ёқасидаги ерларни ўз қўл остига олади ва Жарқўрғонга шайбонийлардан Саид Муҳаммад Султон ҳоким этиб тайинланади. Муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Жарқўрғоннинг қўлдан кетиши келажакда Амударёнинг нариги қирғоғидаги темурийларга қарашли ерларнинг истило қилинишига йўл очар эди. Ана шу тариқа бу орада 1505 йили Ҳисор ҳеч қандай қаршиликсиз Шайбоний-хон томонидан эгаллаб олинади ва шундан сўнг Бағлон, Қундуз, Бадахшонлар Маҳмуд Султон ҳамда Муҳаммад Темур султонлар томонидан истило қилинади. Хусравшоҳга

тобе бўлган мулклар Шайбонийхон қарин-дошларига тақсимланади ва Чағониён эса Махдий Султонга берилади.

Шайбонийхон вафотидан сўнг, 1511 йилнинг январь 1512 йилнинг февраль ойларида шайбоний султонлар Вахшдаги Пули Сангинда бобурийлар томонидан мағлубиятга учрайди. Бунинг натижасида Чағониён, Ҳисори Шодмон ва Қабодиён бобурийлар қўл остига ўтади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, 1513 йилда бобурийлар лашкари шайбонийлар сулоласидан бўлмиш Убайдуллохон томонидан қувиб чиқарилади.

Сурхон дарёсининг ўнг соҳилидаги ерларга XVI асрнинг 20-йилларида бобурийлар томонидан доимий равишда хавф солиб турилган. Пирмуҳаммаднинг амалга оширган ички ҳамда ташқи сиёсати туфайли XVI асрнинг 40-60-йилларида Жарқўрғон ҳудудида маълум бир давр осойишталикка эришилган эди. Аммо Бухоро ва Балх ўртасидаги муҳим ҳарбий истеҳком бўлган Жарқўрғон шайбонийлар ва уларнинг Балхдаги гумашталари ўртасида тез-тез юз берадиган жанжаллар туфайли ўзаро кураш майдонига айланган эди. Шайбонийлар салтанатининг йирик арбобларидан бири саналган Абдуллахон ҳам ҳокимиятни мустаҳкамлашда Жарқўрғоннинг стратегик мавқеига алоҳида эътибор қаратади. Унинг 1572 йил май-июнь ойларида Чағониён ва Жарқўрғон ҳудудларини эгаллаш учун олиб борган кураши бунга мисол бўлади. Ҳофиз Танишнинг берган маълумотларига қараганда, Термиз ҳокими этиб Абдуллахоннинг амакиваччаси Махмуд Султон тайинланган эди.

Ўз даври сиёсий майдонида йирик мавқе ва мақомга эга бўлган Абдуллахон 1584 йили Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларни, жумладан, Жарқўрғон ҳудудларини ўғли Абдулмўминга инъом этади. Бухоро тахтини 1601 йили эгаллаган жоний (аштархоний)лар Чағониён таркибий қисми саналган Жарқўрғон юртида ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, унга шайбоний Жонибек Султон авлоди Муҳаммад Салим Султон ҳоким этиб тайинланади. Термиз ҳокими ва қалъа кутволи амир Одилбий жонийларга бўйсунмасликка ҳаракат қилиб, қаршилик кўрсатади. Боқи Муҳаммад 1602 йилнинг баҳорида Чағониённинг Жарқўрғон ҳудудидаги қаршиликларни бостириб, бу ерларни

Жонийлар давлатига тобе қилади. Хуллас, XVII асрдаги ўзаро уруш-жанжаллар Жарқўрғоннинг қадимий ривожи ва машҳурлигига салбий таъсир кўрсата бошлайди. Жарқўрғон шаҳар 1646-1647 йилларда ҳатто бобурийлар сулоласидан бўлмиш ҳинд шаҳзодаси Аврангзеб томонидан истило қилинади ва бошқарилади. Кейинчалик мусулмон ҳинд саркардаси Саодатхон томонидан Жарқўрғон ҳам Термиз каби қайта истило қилиниб, таланиб, вайрон этилди.

Аштархонийлар даврида ўзбек уруғларининг ўзаро рақобати натижасида марказнинг таъсири пасайиб боради, алалхусус, 1702 йили Убайдуллохон ҳукмронлиги даврида марказ билан маҳаллий ҳукмдорлар курашида Термиз ҳокими катта мавқега эга эди. Қўнғирот уруғидан бўлган Шералихон ўзининг иттифоқчиларига таяниб Убайдуллохонга бўйсунмай қўяди. Шералихоннинг нияти шайбонийлар ва аштархонийлар давридаги ўзаро кураш исканжасида таназзулга юз тутган Термизни қайта тиклашга уриниб кўриш эди. Аммо бу уринишлар натижа бермагач, Шералихон ўз мулки доирасида қалъа қурдиради ва унга Шеробод номини беради. Аштархоний Убайдуллохон бўлса, Муҳаммад Раҳимбийнинг маслаҳати билан Термиз ҳокимлигига найман уруғидан бўлган Неъматулло тўқсабони тайинлайди. Шералихон бу орада Неъматуллонинг Термизга келишини кутмасдан Шеробод қалъасига кетиб қолади. Ана шу қўнғирот уруғининг умумий йиғилишида аниқ бир фикрга келиша олмаслик туфайли, бу қавм ахди иккига бўлинади: уларнинг бир қисми Шералихонни ёқлаб Шерободга кетишади, қолганлари ўз жойлари Термизда қолишади.

Термиз шаҳри ўз тарихининг энг қора кунларини бошидан кечираётганда воҳада янги марказ шакллана бошлайди. Кейинчалик Бухоро амирлигининг янги ҳудудий бирлиги - Шеробод беклиги 1757 йилда Муҳаммад Раҳимхоннинг буйруғига мувофиқ ташкил қилинди. Худди шу даврдан бошлаб ташкил топган Шеробод беклиги ҳудудий жиҳатдан қайта тасимланиб, йирик сиёсий марказ сифатида қадимдан мавжуд бўлган Жарқўрғон ҳудуди Шеробод беклигига амлакдор сифатида ҳудудуий бирлик қилиб бирлаштирилди.

Сурхон воҳасидаги сиёсий ҳаёт XVIII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб манғитлар сулоласи билан боғлиқ ҳолда кечади. Бу давр тарихчиси Муҳаммад Вафо маълумотларига қараганда, манғитлар сулоласи асосчиси Муҳаммад Раҳимхон воҳага уч марта юриш қилган. Биринчи жанг Пашхурд қишлоғи атрофида юз бе-ради, иккинчи юришда Муҳаммад Раҳимхон Шеробод қалъасини эгаллаб, 3 минг от, 500 туяга ортилган қимматбаҳо моллар ва 20 минг тилло тангани Бухорога олиб кетади.

Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги йилларида Жарқўрғон ҳудуди тўлиқ Бухоро амирлиги таркибига кириб, қишлоқ хўжалигига асосланган аграр амлакдорлиги эди. Аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат бўлган улкан ҳудудга эга амирликнинг ишловга яроқли ерлари кам эди. Амлакдорлик маркази сифатида Жарқўрғон ҳудудидаги Минор қишлоғи ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Сурхондарё яқинида жойлашган Жарқўрғон аҳоли маркази муҳим ижтимоий-иқтисодий, маданий марказ сифатида шаклланди ва ривожланди.

Бухоро амирлигида қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликнинг ривожланиши натижасида чорва маҳсулотларининг нархи ҳам унчалик юқори бўлмаган. Масалан, чорва моллари сотиладитан энг катта бозор Минор, Жарқўрғонга турли жойларидан ва Жануби-Шарқий Тожикистондан моллар келтирилган. Минор бозорига Марказий Осиёнинг барча тарафларидан келган савдогарларни учратиш мумкин эди. Минор бозорида чорва моллари қуйидаги нархда сотилган: қўй- 20, 30 танга, эчки-15, 20 танга, йирик шохли мол (қорамол) - 40, 100 танга, от - 120Г 150 танга, яхши боқилган соғлом туя-250, 300 танга.

Бухоро амирлигидаги арзон нарх туфайли Жарқўрғон, Денов, Шеробод савдо йўлларида савдогарлар юришган. Бухоро хонлиги даврида Жарқўрғон қишлоқлари ҳаётида маълум ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Шунингдек, кўплаб карвонсаройлар нафақат иқтисодий ҳаёт, балки илм-фан ва адабиётнинг ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Шеробод беклигига қарашли Жарқўрғон амлакдорлигида ҳам турли хил солиқлар ҳаддан зиёд кучайиб, маҳаллий амалдорларнинг халққа жабр-зулм

қилиши кучайиб боради. Шеробод беги Содиқбекбий ва қози мулла Абдураҳимнинг тан ,,, олишича, нарх-наво ниҳоят даражада юқори эди. 1 манн буғдой 18 танга, 1 қўй 12 танга баҳолангани, орадан бир ҳафта ўтиб 1 манн буғдой 26 тангага, 1 қўй 21 тангага нархи кўтарилганлиги тан олинган. Бухоро амирлиги қушбеги махкамаси ҳужжатларида Шеробод беклигида 5 манн буғдойдан 1 манн беклик фойдасига олиниб, ҳосилнинг 5 дан 1 қисми беклик хазинасига топширилгани, умумий харажатнинг 10 фоизи беклик манфаатларига йўналтирилгани натижасида халқнинг аҳволи ниҳоятда қашшоқлашиб қолгани таъкидланган.

Шеробод беклигидаги Жарқўрғон амлакдорлигида ҳам XIX асрнинг 80-йилларидаги турлари қушбеги ҳужжатларида алоҳида белгиланган бўлса-да, солиқларга беклар томонидан маълум ўзгартишлар киритилган. Булар боғ солиғи, мева солиғи бўлиб, 1 таноб ер 18 танга миқдорида белгилаб қўйилган. Жарқўрғон амлакдорлигида боғ ва чорбоғлардан олинадиган солиқ 1 таноб ер учун 13 танга, 1 таноб беда учун 6 танга, 1 таноб полиз маҳсулотлари учун 12 танга қилиб белгиланган. Бироқ амлакдорлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, қушбеги ҳужжатларига амал қилмасдан 1 таноб боғдан 26 танга, 1 таноб бедадан эса 12 танга солиқ олганлар. Соликларнинг тури XIX асрнинг 50-80-йилларида ҳаддан зиёд кўпайиб, қўш пули, капсан солиғи каби солиқлар амалда бўлган. Ҳар бир ботмон ҳосил учун 1 минг пуд (32 фунт) ва чорак ҳисобидан солиқ олинган. XIX асрнинг 80-йилларида Жарқўрғон амлакдорлигида ҳар 10 ботмон ҳосилдан 5 грабл буғдой (ер солиғининг бир тури экин экилишдан олдин олинган) солиғи олинган. 5 грабл буғдой (5 пуд буғдой) ҳар 10 ботмон буғдой ҳосилидан олинган. Энг ачинарлиси шуки, белгиланган солиқцан 10 баробар кўп солиқ олинганлиги ўша давр ҳужжат ва манбаларида тасдиқланган.

Бухоро амирлигининг Жарқўрғон амлакдорлиги XIX аср охирида даруғона, яъни маҳаллий беклик ва унинг атрофидаги амалдорлар учун йиғиб олинадиган солиқлар хисобидан закот олинган. Бу солиқ ўтин пули, қамиш пули, сув пули, чўп пули, тўй пули, даллол пули, муроб пули, амина пули каби турли хилда солиқ турлари бўлган. Бундан ташқари сўйиш пули, яъни 1

қўй 20 танга, 2 эчки 28 танга ҳажмида белгиланган. Шу-нингдек, маҳаллий бой оқсоқоллар меҳмон рамзи учун муштак солиғи ҳар бир деҳқон олган ҳосилдан 1 чора (2 кг) ҳосил солиғи берганлар.

Шарқий Бухоро бекликларида мактаб пули алоҳида ажратилиб, ота-оналар фарзандларининг ўқиши учун ўқитувчиларга қушбеги ҳужжатлари асосида 15-20 танга тўлаши қайд этилган. Жарқўрғон амлакдорлиги мактаблар бўйича бошлиғи мулла Мансур мактаб пулини ҳар ойга 20 танга ҳисобига белгилаган. Бу эса ўша даврда фақатгина амалдор бой ёки фақат оқсоқолларнинг болаларини ўқитиш учун имконият яратган эди. Ўз навбатида бекликларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий мудофаа қобилиятларини мустаҳкамлаш учун турли хил соликлар йиғиб олинган. Масалан, ариқ пули, тегирмон пули, майса пули, андоз пули ва ҳашар йиғими буларга мисол бўла олади. Шеробод беклиги мулласи Имомиддин амирга ёзган арзномасида Шеробод беги ва Жарқўрғон амлакдорлиги халққа ҳаддан ташқари зулм ўтказаётганлиги ва ҳашар ниҳоят даражада кўпайиб кетганлигини қайд этади. Солиқлар ичида харажат пули амирлик ва беклик ишларига жалб қилинган, яъни суғориш иншоотларини қайта таъмирлаш ишига 1-2 танга ҳисобида солиқ тўланган. Йўлларни таъмирлаш, сув қирғокларини таъмирлаш учун 11 танга ҳисобида солиқ олинган. Жарқўрғон амлакдорлиги ҳар бир ҳовли йўлдан фойдаланганлиги, юк ташиганлиги, кўмир ёққанлиги, ун ташиганлиги ва бошқа хил ишлар учун белгиланган соликлар тўлаб борган.

Жарқўрғондаги тарихий-археологик манбалар

Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Оқтепа-Сурхон дарёсининг чап соҳилида. Жарқўрғондан 9 километр жанубда жойлашган. Кушонлар даври ёдгорлиги, унинг юза қисмида илк ўрта аср сополлари ҳам учрайди. Тарихий манбаларда Исмоилтепадан 15 км жанубийроқда жойлашган деб кўрсатилган. Бу ҳозирги Жарқўрғон Қ.Ф.Й га қарашли Оқтепа маҳалласи тўғри келада. Оқтепанинг ҳозирги ўлчами, эни 174 м, бўйи 216 м, баландлиги 20 м дан кўпроқни ташкил этади. Ёдгорликнинг атрофида экинзорлар мавжуд. Бу ерлан топилган ярим конус шаклидаги сопол пичоқ Кушонлар давридаги мавжуд бўлган. Топилган сопол буюмларнинг деворлари оч сариқ ёки оч кулранг бўлиб, унда қора бўёқда вертикал ёки горизонтал чизиқлар ва доғлар борлиги шаҳар милоддан аввал 1 аср ва милоднинг 1 асрида гуллаб яшнаганлигидан далолат беради. Бу ерда сақланган сопол бюумлар сирти оқ ранг билан қопланган бўлиб, ундаги синиқ чизиқлар ёки катта-кичик учбурчаклар қизиқарли фрагликтлар ҳосил қилган. Идишлар, шунга ўхшаш буюмларнинг Исмоилтепадан ва Бароттепадан топилган.

Арпапоятепа-Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида Шум номли қишлоқ яқинида Жарқўрғонда 10 километр шимол томонда Кушонлар давридаги ёдгорлик. Илк ва ривожланган ўрта асрларда қисман таъмирланган.

Номсизтепа-Бароттепа билан ёнма-ён жойлашган, айни пайтда хайдалиб, экинзорга айланиб кетган. X-XIII асрларга доир сирланган сопол, Руқияиддин Хусравшоҳ (XII аср охири XIII аср боши) танлари дафинаси, Муҳаммад Ҳоразмшоҳ танлалари топилди. Ҳозирда Жарқўрғон шаҳридан 5,5 км жанубда, Қаришоҳтепадан шарқ томонда жойлашган, минор Қ.Ф.Й. Намуна маҳалласи ҳудудидан берилган янги томорқалар орасида жойлашган бўлиб, одамлар эътиборсизлиги туфайли йўқолиб кетиш арафасига келиб қолган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, тўғри бурчакли, 180 м кенгликда шимолий-ғарбдан жанубий шарққа топган тўғри чизиқ бўйлаб жойлашган, баландлиги 4,5

метргача бўлган деворли шаҳарга қолдиғи бўлганлиги, шаҳарчанинг жануби ғарбида 100 метр узоқликда хумга ўхшаш идишга сепиб қўйилган одам жисми қолдиқлари топилганлиги характерли фактлардир.

Номсиз манзилгоҳ-Жарқўрғондан 7 километр шимолда, Сурхондарёсининг ўнг соҳилида-Хайитобод тепадан 800 метрлар шимолда Занг каналининг ҳар икки томони бўйлаб жойлашган. Тўла бузилиб кетган. Бир неча юз метр узоқликкача X-XIV асрга доир сопол ва пишиқ ғишт учрайди. Манбашунос олимлар Самани ва Иъақут эслатиб ўтган Буғ манзилгоҳини шу манба деб изоҳлаган.

Каттатепа- Сурхондарёсининг чап соҳилида. Жарқўрғондан 4 километр ғарбда, Кўкайдидан 3 км жанубдан жойлашган. Тепалик девор билан ўралган бўлиб, айрим жойларида ўркачлар яхши сақланиб қолган. Топилган сполларга асосан, V-VI асрдан XIV-XVII асрларгача даврланади. Тепа атрофида манзилгоҳ жойлашган бўлиб, айни вақтда бутунлай бузилиб кетган.

Қултепа- Жарқўрғондан 5 километр ғарбда. Минора қишлоғи ёнида. Минорадан унчалик узоқ бўлмаган жойда. Бу даврдаги сопол парчалари қишлоқ ёнидаги пахта далаларда ҳам учрайди. В.В.Бартольд минора қишлоғи ҳудуди атрофини ўрта асрларда мавжуд бўлган Чарманган маркази деб ҳисоблайди.

Ҳайитободтепа- Жарқўрғондан 7 километр шимолда жойлашган. Кушонлар даври ёдгорлиги, омма шахристоннинг юза қатлами илк ўрта асрларга тааллуқли, X-XI асрларда ҳам қисман яшаган. Афсонада қайд этилишича, Хайитободтепа қишлоғи атрофи девор билан ўралган, ташқи томондан сув тўлдирилган ҳандақлар билан ўралган мустаҳкам жой бўлган. Бундан ташқари девор ичкарисида 12 та қўрғон бўлиб, ҳалқ уларни Оққўрғонлар деб аталган. Бу ерлар Ҳайитбекка қарашли бўлган. Ҳаммани қўрғон атрофини ўраб турган сувнинг қаердан келиши қизиқтирган. Бу сирни фақат қишлоқ аҳлигина билиб, уни бегоналарга айтиш таъқиқланган. Аммо Ҳайитбекнинг қизи Ҳурлиқо отасининг ғаними Туронбекнинг ўғли Хизиралига кўнгил қўяди ва сув беш чақирим наридаги Оқжардан ер остидан ўтказилган сопол ғовакдан ишлангн ғовак ғўлалар орқали оқиб келишини айтади.

Душманлар қиз айтган жойни топиб, сув таъминловчи манбани бузиб ташлайдиган ва Қўрғонни сувсиз қолдириб, ун эгаллашга муваффақ бўладилар. Ўз юртига хоинлик қилган қизни эса тўп оғзига боғлаб отадилар. Қизнинг тана парчалари сочилиб кетган жойлардан чақиртиканлар ўсиб чиқади. Бу воқеадан сўнг бу ерларни аҳоли тарк этади. Бу жойларда эса улардан 12 та қўрғон-тепалар ёдгорлик бўлиб қолади.

Бу тепаликни француз археолог олимларидан Пиьер Марше, Жан Балтист Хуал, ўзбек археологларидан Қозимжон Абдуллаев, Шоймардон Раҳмонов қазиб ўрганмоқда.

Ялпоқтепа-Жарқўрғон шаҳрининг жанубидан 2 км узоқликда, Сурхондарёнинг ўнг қирғоқида дарё ўзинидан 300 метр чамаси узоқликда, деярли Исмоилтепанинг қарама-қаршисида жойлашган. Бу ҳозирги Жарқўрғон Қ.Ф.Й Қўлдовли маҳалласи ҳудудига кирадиган катта йўлнинг ўнг томонида “Ғойибота” қабристони қаршисида жойлашган. Айрим манбаларда шу қабристон номи билан “Ғойибота тепа” деб ҳам юритилади. Тепалик майдони-бўйи 140 м, эни-130 м, баландлиги 6 м ни ташкил этади. Шимолий ғарбидан жанубий шарққа томон узунасига жойлашган шаҳарчанинг жанубий-шарқий бурчакларида икки тарафи ярим доира шаклидаги минорачадан иборат кириш деворчаси мавжуд бўлган. Шаҳарнинг шимолий шарқий томондан топилган иш тангалар Кушон даврига оиддир. Бундан ташқари у ерда топилган сопол буюмлар ҳам Ялпоқтепанинг Кушонлар даврида гуллаб яшнаганидан дарак берсада, аммо бу қатлам ҳатто XVIII асргача бўлган маданиятга оид қатламлар билан қопланиб кетган.

Карвонтуштитепа - майдони 2 гектар бўлиб, қадимги шаҳарнинг айрим қисми бузилиб кетган. У Сурхондарёнинг ўнг қирғоқида, дарё ўзанидан 300 метр узоқликда, Сурхон Қ.Ф.Й га қарашли “У.Худойбердиев” маҳалласининг Кофрун қишлоғи жойлашган. Бўйи 120 метр, эни 75 м, баландлиги 5 метрни ташкил этади. У ердан топилган сопол буюмлар ниҳроятда ранг-барнг бўлиб, юқори технология эга кулолчилик ёрдамида ишланганлиги билан ажралиб туради. Топилган сопол буюмлар орасида юпқа деворли, қирраси ичкарига букилган, тўқ қизил, оч кулранг бўёқлар берилган юзасига қалин қора чизиқлар

тортилган, ҳатто ёпиштирувчи ғалтаклар ёрдамида илон шаклидаги чизиқлар тортилганлигини ҳам учратиш мумкин. Чизиқлар Карвонтуштитепалигининг воҳамизда қадимий шаҳарлар гуллаб-яшнаган Кушонлар даврига оидлигидан далолат беради. Демак бу қадимий шаҳар милоддан аввалги IV-милодий VII асрларга қадар гуллаб яшнаган деб тахмин қилинади.

Исмоилтепа-тарихий манбаларда кўрсатилишича мазкур қадимий шаҳарга Жарқўрғон шаҳрининг жануби-шарқий томонида, Сурхон кўпригидан 300-400 метр олисда, чап қирғоқда жойлашган бўлиб, майдони 15 га ни ташкил этади. Ҳозирда тепалик Жарқўрғон Қ.Ф.Й га қарашли Исмоилтепа маҳалласи ҳудудида, Й.П.Х. масканининг орқа тарафидадир. Шаҳарга тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, (275х 230х7), бир неча айлана бурчакга эга 5 метр баландликдаги девор билн ўралган. Дарвоза тахминан деворнинг шимолий-ғарбида ўрнатилган. Исмоилтепа стратегик жиҳатдан муҳим роль ўйнаган. Чунки Сурхондарёнинг нариги қирғоғидан туриб, назорат амалга оширилган. Шаҳарнинг бу томони мустаҳкам эканлиги шундан далолат беради. Исмоилтепадан топилган айрим нарсалар ичида бурама шохли ола хўкиз тасвирланган тамғалар мавжуд. Бу Шимолий Бақтрия ҳудудида топилган тамғалардан энг дастлабкисидир. Ҳатто ҳозирги пайтда айнан шу ердан топилган аёл бош қисми тасвирланган ҳайкалча Термиз музейида сақланаётир. Топилмаларга асосланиб, бу шаҳар милоддан олдинги 1 асосланиб, бу шаҳар милоддан олдинги 1 асрдан милодий 1 асргача ривож топган деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу археологик топилма олимлар томонидан илмий ўрганилиб, эришилган натижалар асосида тепаликдан топилган тарихий манбалар ўзининг тарих фанига қўшган хиссаси билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу археологик тепани нима учун Исмоилтепа деб аталишига тарихий жиҳатдан қарасак, Жарқўрғонда яшаб, халқ хурматига сазавор бўлган, ўз даврининг таниқли мироби, сув илмини мукаммал билган, суғориш тармоқлари, ариқлари ва каналларини қазиш ва сув ўтказиш бўйича катта ижобий ишларни амалга оширган Исмоил Мирохўр номини абадийлаштириш мақсадида Жарқўрғон халққи ушбу археологик топилмага Исмоил номини бериб, уни номини шу тепалик номи билан аташга қарор қилган. Исмоил Мирохўр хақида қуйидаги

маълумотларни тарихий манбалар асосида китобхонга тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ўз замонасининг ўқимишли, элда эътиборли кишилардан бўлган мулла Шоназар охун оиласида 1878 (хижрий 1297) йилда таваллуд топган Исмоил ёшлигидан зеҳнли бўлиб ўсади. Асосий тарбия ва илмни отасидан олади. Айниқса, экин майдонларини жойлаштириш, ариқ, эгат олиш каби ишларда кўзчил эканлилиги намойиш этади. Унинг кўрсатмаси билан қазилган ариқларда сув равон оққан, олинган эгатлар ва полларда сув сира кўлламаган. Шеробод беги бир сафар ташриф буюрганда Исмоилнинг эпли, тадбиркор йигит эканлигини кўриб, уни мирохўрликка тайинланиб кетади. Кексаларнинг айтишича, мирохўр хонликларда сарой отхоналарига бошчилик қилган мансабдор шахс бўлган. Миронхўрликка эришганда Исмоил 20 ёшга ҳам тўлмаган эди.

Хуллас, аҳолининг экин экиши учун сувга муҳтожлигини қондириш, Сурхондарёдан бир ариқ тортириш учун Шеробод беклигидан Эшонбек исмли (асли исми Маллахон) Жарқўрғонга юборилади. Одамлар тўпланиб, Арпапоя қишлоғида бир неча кун ариқни қаердан ўтказишни ҳал қилаолмай ишсиз юришади. Маллахон Ижтимоият қишлоғи (ҳозирги “Оққўрғон” жамоа хўжалиги) юқорисидан, Тошпарчап орқали тепаликни айланиб ўтиб қазамиз деса, Исмоил мирохўр ниҳоятда кўзчил бўлганлиги учун: “Бу ердан ариқ олсак паст, сув чиқмайди, халққа жабр бўлади. Аҳмадкўлнинг пастидан олайлик, бу оқ экин бўлмасаям кўк экин бўлади”,-дейди. Бир қарорга келишолмайди. Шунда Маллахон Шерободга бекликка кетганича бир неча кун дарага бўлмайди. Исмоил мирохўр узоқ қишлоқлардан келиб, бекор ётган кишиларни ўйлаб қатиъий қарорга келади: “Эй элим,”Боболар вақтнинг кетди нақдинг кетди”, -дейишади. Келинг мен отда кўрсатиб кетабераман, эпчил жигитлар хўнг уруб кетаверсин, қолганлар ариқ қазишни бошласин”,- деб йўл йўриқ кўрсатади. Бу гапни эшитган оқсоқоллар: “Эшон келиб қолса нима бўлади? Қайтиб Қора ёғочга юрамизми?” дейишганда “Қайтмаймиз иншооллоҳ унгача Хайитободдан ўтамиз”,-деган экан мирохўр.

Ҳақиқатан ҳам Маллахон келганда ариқ Хайитобод тепага етиб қолганини кўрган мирохўрнинг кўзчиллиги эпчиллигига қойб қолиб, энди сенга ишондим, деб қайтиб кетади.

Дастлаб бу ариқ Зангариқ деб юритиларди. Бунга боис ҳозир Қўзи Тўлақов номи берилган (илгариги “Ленин йўли”, сўнгра “Ангор”) хўжалигининг ўша пайтдаги номи Занг қишлоғи бўлган ва дастлабки йил ариқ шу ергача қазилган...

Дарёдан сув олишаолмай, уринишлари беҳуда кетаётган Кўкайдиликлар Занг ариғининг иш бошиси Исмоил Мирохўр довруғини эшитишиб, унга мурожаат этишга қарор қилишди. Юқори Какайди ва Какайди оқсоқоллари Алимардон ва Ниёз мирохўрлар илтимос қилишганда улар сўзини ерда қолдирмасликни, сувдан қийналаётган дарёнинг нариги бетидаги халқни ўйлаб, “Ишларим кўп бўлса ҳам фалон куни ўтаман, фақат 5-6 нафар чаққон, абжир жигитлардан берасизлар, мен белги қўйиб кетавераман, улар хўнг ташлаб кетаверади”,-деди. Шундай қилиб бу иш ҳам амалга ошиб, Кўкайди ариғи (сўнгра канали) бунёд бўлибди. Ундан Исмоилтепа, Оқтепа қишлоқларига ҳам ариқ тортилиб сув келтирибди. Шунга қўшни мирохўрлар гапга етар кишилар билан маслаҳатлашиб, Исмоил мирохўрни мукофотлашга қарор қилишибди. Мукофотнинг ўзига келганда ҳозиргидек унвон орден нишонлар бўлмагани учун “От берсак қарийди, тўн берсак тўзийди, келинглар катта йўл устидаги шу тепалик (Ўшанда Оқтепа деб аталган) қишлоғи обод бўлгани учун унга ариқларимиз асосчиси, ишбошчиси номини қўяйлик”,-деган фикрга келишибди. ИСМОИЛТЕПА номи шунда вужудга келган экан.

Исмоил мирохўр ишчан тадбиркор бўлибгина қолмай, элни эътиборини ҳам қозонган. Унинг қабулига дарҳол кириб, ҳар қандай ишни тезда битириб кетадиган йигит экан. Кексаларнинг гапларига қараганда, уни кўролмайдиган ғанимлари ҳам бўлган. Сўнгги бор борганда бозордан ҳар сафар сотиб оладиган қаймоққа заҳар қўшган бўлади. Кўп ўтмай Исмоил мирохўр тоби қочганлигини англаб, ишни битказибми, битказмайми “Отбоши қилинг, қайтдик” деган экан. Шероботдан Жарқўрғонга келиб, уйида талвасада ётганда ғанимлари юборган айғоқчилар унинг холини билгани келган. Бундан ҳабар топган мироҳўр

душманга сир бермай, либосини кийиб, “Меҳмон” лар ҳузурига чиққанлар. Шунга келганлар: “Тоши ўрга юмалаганга заҳар ҳам кор қилмас экан” дея қайтиб кетишибди. Шундан бироз ўтгач, Исмоил мирохўр “меҳмон”лар ҳам Қушжийди (ҳозирги Қўштепа)дан ошгандирда деб тўшак солдириб оила аъзолари кавми қариндошлари билан розилашиб мурдани тозалайдиган қабрга қўядиган кишларни тайинлаб, Бисмиллаҳ... дея калимаси айтиб ҳаётдан кўз юмибди. Шунда у эндигина 36 ёшда экан. Буни Жарқўрғон шаҳридаги Широнхон мозорида ўша йили Бухородан келтириб қабрига ўрнатилган Зангори тошдаги хижрий 1333 (мелодий 1914) санаси ҳам тасдиқлайди.

Ўз эли юрти учун ҳали яна кўп ишларни амалга оширишни ният қилган Исмоил мирохўр 14 уруғли қонжиғали қавмининг саркардаси деб ҳам ном олган.

Яна шуни айтиш мумкинки, мирохўрнинг фарзандлари Шўро тузими йилларининг қатағонлар қурбони бўлди. Ўғли Шомурод Тўқсабо Россия чор ҳукумати томонидан сургун қилинади. Кейин у сургундан қочиб келиб Афғонистонга ўтиб кетади ва мухожирликдан элу-юртидан айри ҳолда оламдан ўтади. Бугун Исмоил мирохўрнинг 200 нафардан ортиқ эвара-чеваралари Жарқўрғон ва Қумқўрғон туманларида мустақил Ўзбекистонимиз фаровонлигида йўлида меҳнат қилишмоқда. Неваралари Абдусалом Алломурод ўғли Эшқобил ҳожи Шомурод ўғли вафот этиб, ҳозирги вақтда фарзандлари, неваралари ушбу авлоднинг руҳини шод этиб, мамлакатимиз равнақи, иқтисодий тараққиёти ва моддий ва маънавий ҳаёти учун ҳалол хизмат қилмоқдалар.

Бароттепа-майдони-90-80 метр, баландлиги 12 м ча келади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, илгари бир-биридан 150-200 метр узоқликда 3 та кичик тепалар мавжуд бўлган. Улар бугунгича сақланиб қолинган. 1970 йилда профессор Э.В.Ртвеладзе раҳбарлигида қазилма ишлари олиб борилганда, тепанинг шарқий қисмида 2,70 м энлиликда тўғри бурчакли хонанинг бир қисми аниқланган. Унинг даворлари 52х26х10,9 см ҳажмли хом ғиштдан қурилган бўлиб, у ердан топилган сопол буюмлан жамланмаси Кушон даврига тўғри келади. Қизилма ишлари олиб борилган вақтда ўша қишлоқ (Сурхон. 1

база)да яшовчи Барот исмли тракторчи тепалик атрофидан топиб олган 17 та ҳар хил қимматбаҳо тангалар ва бошқа буюмларни экспедиция ходимлари тақдим этади. Олимлар шу кишининг шарафига ушбу номсиз тепани Бароттепа деб аташга аҳд қилишган. Топилган буюмлар орасида мавжуд бўлган Бодист ва ҳалкалчаси Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида учрамаган, бу ўз ўрнида муҳим аҳамиятга эга. Чунки Кушонлар даврида шимолий Бақрияда буддизм тарқалган яна бир манзил борлигидан далолат беради. Бундан ташқари шу ерда яланғоч эркакнинг илонлар акс эттирлган ҳайкалчаси илонлар билан жанг қилувчи қаҳрамони ифода этган. Бошқа топилмалар милодий 1 аср тўғри келади.

Қаришоҳтепа-майдони 0,2 га ни ташкил этадиган, Жарқўрғон шаҳридан 6 км узоқликда, жануб томонда, Намуна маҳалласида, Сурхондарёнинг ўнг томонида жойлашган. Доирасимон шаклдаги тепаликнинг диаметри 40 м, баландлиги 7,5 метр дир. Тепадан 500 метр атрофидаги далалар кўплаб сопол буюмлар топилган, бу қадимда катта шаҳар бўлганлигидан далолат беради. Айнан шу ердан саполдан ясалган туп хотинига тегишли тобут вазифасини бажарувчи қурилма топилган. Бу ердан топилган буюмлар Далварзин тепадан топилган буюмларга яқин эканлиги эътироф этилган.

Какайди қўрғони Бу қўрғон ҳақида афсоналарда қўрғон билан сурхон дарёсининг боғловчи лаҳм бўлганлиги айтилади (Эътибор қилинг, қўрғон ҳам дарё билан боғланган). Афсона, шунингдек, қўрғон мустаҳкам ҳимояга эга эканлиги айтилади. 1953-1954 йилларда Какайди канали тошиб, қирғоқни ювиб кетади. Кўплаб сопол идишлар, одам бўйи келадиган хумлар, сопол қувурлар чиқиб қолган. Ҳовлиларда ер ҳайдайганда, қазилганганда пишиқ тўрт бурчак ғиштлар кўплаб топилди.

Какайди қўрғони рабод вазифасини бажариб, Буюк Ипак йўли йўлларида манзилгоҳ вазифасини ўтаган. Какайди сўзи ўзбек тили луғатларида аниқ маъно англатмайди. Қўрғон ёши ва ўша давр муҳитини қисобга оладиган бўлсак, карвон йўлларида турли миллатга мансуб савдогар қатнашган. КАКАЙДИ (КЎКАЙТИ)-КЮ-КЕЙ.- дам олиш маъносини ҳам беради.

Жарқўрғон минораси-Таниқли археолог олим Аршавеская З.А. нинг 1984 йил “Ўзбекистон” нашриётида чоп эттирган “Жарқўрғон минораси”

номли рисоласи жаҳон моддий маданиятида алоҳида илмий тадқиқотларни ўзида жалб этган қурилиш архитектураси, нафислиги, мустаҳкамлиги ҳамда узоқ асрлар тарихидан далолат берувчи Жарқўрғон минораси ҳақида маълумотни китобхонга тақдим этишга ҳаракат қилган. Шаҳарларнинг жадал ўсишида Ўрта Осиё тарихидан X1-X11 асрлар алоҳида кўзга ташланади. Бу даврда ҳозирги Сурхондарё террориясида йирик косибчилик-ҳанармандчилик ва савдо сотиқ марказлари бўлган Термиз ва Чағониён шаҳарлари катта аҳамият касб этади. Қурилиш, айниқса муҳташам иншоотлар барпо этиш ишлари авж олади. Бу ерда ўзига хос меъморчилик мактаби вужудга кела бошлайди.

Ўрта Осиё меъморчилигининг бебаҳо хазинасини бойитган Сурхондарё воҳасининг нодир обидалари – Султон-Саодат ансамбилининг дастлабки мақбаралари, Ҳаким ат-Термизий даҳмаси қошидаги мачит, Хўжа-Исо мачит мақбараси, шунингдек Термиз ҳокимларининг ганчга нафис ўйма нақшлар тушириб ишланган ҳашаматли саройи айни шу вақтда қурилган. Афсуски бу сарой бизгача етиб келмаган.

XX аср бошида тадқиқотчилар бизгача етиб келган цилиндрсимон Жарқўрғон минорасини Ўрта Осиёда қурилган ноёб иншоотларнинг энг қадимийси (423 ҳижрий -1032 мелодий), деб қайд қилган эдилар. Шунинг учун Жарқўрғон (Ўрта асрларда бу ерда Чарманган қишлоғи жойлашган эди) минора Сурхондарё воҳасида сақланиб қолган ягона обидалардандир. Миноранинг юқори қисми вайрон бўлганига қарамай, у ҳамон меъморий яхлидликни йўқотмагандек туюлади, сехрли кўриниши билан кишини мафтун қилади.

Бугунги кунда минора ён-атрофини ўраб олган анорзорли шинам ҳовли ўринда бир вақтлар пишиқ ғиштдан қурилган иморатлар мавжуд бўлиб, улар орасисида энг катта кенг равоқли, кўп гумбазли мачит биноси ҳисобланарди. Минора афтидан шу мачитга қарашли бўлса-да аммо унга ёндошмай, нарироқда қад кўтарганди. Бу ҳақда унинг кириш йўлагининг Ўрта Осиёнинг бошқа минораларида кузатилгандек туташган бино томининг баландчилигида эмас, балки ер сатҳига деярли баробар қилиб қурилганни ҳам далолат беради.

Мачит ҳаробалари ва миноранинг вайрон бўлган юқори қисми ғаштларини маҳаллий воҳоли кейинчалик ўз хўжалик эҳтиёжлари учун ташиб кетган. Ҳолбуки, мачитнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида Х1Х асрда ишлаган гравюрада маълумот берилади.

Маъморий ёдгорликларнинг айримларидагина баъзи тарихий далил ёки маълумотларни учратиш мумкин. Шу хусусдан Жарқўрғон минорасида тарихий ёзувлар сақланганлигини айниса муҳимдир. М.Е.Массон фикрича, миноранинг курси қисмида хижрий сана 503 (1109Ғ10 йиллар) ва шунингдек шу қурилма лойиҳасини тасдиқлаган. Хуросон ҳокими Санжарнинг унвонлари қайд этилган. В.А. Шишкиннинг таъкидлашича, минора хижрий 502 (1108Ғ9) йилда қурилган. Минора ўрта қисмининг ён томонларидан бирига уста Али ибн Муҳаммад ас-Сироҳвий номи битилган тик панно ўйиб ишланган.

Ўрта Осиёнинг шу типдаги ёдгорликлари орасида Жарқўрғон минораси ҳозиргача кўрилмаган танаси, жимжимадор ўн олтита туташ ярим устуни билан ажралиб туради. Бу устунлар қаварик (қовурға) шаклга эга бўлиб, бундай юза горизонтал кесимда кўп япроқли гулга ўхшайди. Қуйига туша борган сари қаварикдар гўё ёйилиб кетгандай туюлади. Юқори қисмида эса улар равоқчалар занжири ва энли эпиграфик ҳошия билан бевосита жипслашган.

Равоқчалар ва ҳошия ўз навбатида минора кейинги бандининг поддеворини ўтайди. Иморатнинг бу қисми ҳам қаварик шаклда ишланган бўлиб, унинг юқорисини ҳам эпиграфик ҳошия безатган деб тахмин қилинади. Барча маълум миноралар каби Жарқўрғон минорасининг учи (чўққиси) ҳам туйнукли муаззинхона билан якунланган бўлса керак.

Миноранинг аввалги умумий баландлиги аниқлаш қийин, аммо унинг баландлиги 50 метрга яқин бўлган деб тахмин қилинади, чунки сақланган қисми 21.6 метр келади. Минора танасининг юқори томони торайганлиги ва безакларнинг нафис ишланганлиги туфайли унинг кўринишида салобат ва кўркамлик ортади. Шу билан бир қаторда, юқорида зикр этилган меъморий услуб иншоотнинг сеймmик хусусиятини кучайтиради.

Жарқўрғон минораси ижодкори олдида мураккаб шаклдаги сиртни ғишт теришнинг мавж услубида безашдек жуда мураккаб вазифа турарди. Бунга эришиш учун эса минора танасининг юқори қисми тобора тораётганни инобатга олиб, айланма кесимда безак мутаносиблигининг бежирим бўлимига алоҳида эътибор бериш зарур эди. Айниқса “куфи” хатининг гулдор ҳарфларини айланма ҳошияда ўрнатиш катта маъсулият ва аниқликни талаб этарди. Бу мураккаб вазифани омилкорлик билан ҳал этиш меъморларнинг беҳад юксак маҳоратидан далолат беради.

Миноранинг юқори қисмида безакларнинг мутаносиблиги ўзига хос усулда ҳал этилган. Қавариқлар ва безакли ҳошия ўртасида уларни бирлаштириб турадиган ўн олтита пастак равоқча занжир жойлашган. Равоқчалар оралиги ички томонга озгина чуқурлашиб, ғиштлари оддий услубда терилган. Бунда юза томон бўртган (яхши ёритилган) ҳолда равоқчалар орасининг чуқурлашиб турган ерининг соялганлиги туфайли ҳосил ҳосил бўлган констраст манзара минора қиёфасига янада кўркамлик ва нафислик бахш этади. Равоқчалар билан эпиграфик ҳошия оралигида ҳосил бўлган сиртқи учбурчак шакллар ғиштдан кесилган тугмача ва капалак нусха нақшлар билан шахмат тартибида безатилган. Эпиграфик ҳошиянинг текис сиртига қуръондан олинган оят ғишт парчаларини териш йўли билан битилган. Алиф ҳарфларнинг юқори қисми оралиғида ўсимликсимон безак элементлари жойлаштирилган. Ҳошиянинг пастки ва юқори қисмлари ғиштдан ишланган тугмача, учбурчак, шунингдек бир-бирига уланган ярим халқачалар каби безаклардан тузилган энсиз занжира билан тугалланади. Ҳар бир қирранинг марказида хушбичим равоқли тахмонлар бор. Ана шу тахмонлардан фақат биттаси жанубий қиррадаги тахмон даҳчаси минора ички қисмидаги айлана зинага оиб чиқади. Қирраларнинг сирлари бир вақтлар мураккаб бўлмаган геогметрик (гирих) нақшлар билан безалган. Аммо афсуски таъмир ишлри бошланишидан олдин курсининг пастки қисми қаттиқ зарарланди. Шу боисдан геометрик безак фақат қисман тикланди. Курсининг юқори қисми эса деярли бутун сақланган. Бу ерда тахмоннинг устки қисми тўртбурчак рамка ичига терракота парчалардан терилган махсус ёзув бўлиб, унд миноранинг бунёд

этилган вақти ҳамда бу иншоотни қуришга фармон берган шахснинг исми қайд этилган.

1938 йилда минора дастлаб Термиз археологик экспидицияси томонидан тадқиқ этилди. Бунда иморатнинг пойдевори очилиб, унинг тупроққа кўмилиб кетиш хафвига чек қўйилди. 1948 йилда архитектор В.П.Петров рахбарлигида таъмир ишлари амалга оширилиши натижасида Жарқўрғон минорасининг асл қиёфаси деярли тикланди.

XX АСР БОШЛАРИДА ЖАРҚЎРҒОН

1906 йил январда Шеробод воҳасига Жарқўрғон йўналишидаги Сурхон дарёсидан сув олиб келиш мақсадида умумхалқ ҳашари ташкил этилди. Шу мақсадда Бухоро амири вакили Бобомурод Қоровулбеги билан маҳаллий амлакдорлик оқсоқоллари шартнома туздилар. Ушбу шартномани Гиран амлакдори Хўжа Назар оқсоқол, Ангор амлакдорлари Жума Чуҳра оқсоқол, Бекназарбой ва Мулло Бойназар, Хайрабод амлакдорлари Мулла Абдурасул Ҳақназар оқсоқол ва Тилла оқсоқол, Новшаҳар амлакдорлари Мустафоқул оқсоқол, Чори полвон ва Жума бой каби арбоблар тасдиқладилар. Ушбу шартномага мувофиқ Жарқўрғон йўналишида катта ариқ қазилиши, Шеробод воҳасидаги катта майдонлар ўзлаштирилиб, Оқпой мавзесидан ҳам 1005 таноб ердан фойдаланишни ўз зиммасига олдилар. Ушбу келишув шартномасини Бухородаги Россия сиёсий бошқарма вакили билан Шеробод беги Мирзо Салимбек ва қози мулла Абдулла хўжалар имзолади. 1909 йил 21 августда Термиз шаҳрида Бухоро амирлиги ҳамда Туркистон сиёсий бошқармасининг Бухоро бўлими билан ҳамкорликдаги махсус йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишдаги шартномани Шеробод беги Мирза Салим бек ҳамда Бухоро амалдорлари Мирза Жўра қоровул ҳамда Абдулқодир Мирза бошилар тасдиқлашди. 1909 йилнинг октябр ойида Шеробод беги қозиси идорасида бўлиб ўтган катта маҳаллий оқсоқоллар йиғилишида мулла Комил Мирохўр, Нака Амин, Шомирза Мирза боши, Уммат Алибой, мулла Хидир, Қорабек, Эшмирза Амин, Бердибой Жўрабоши, Муҳаммад халфа, Дўсан оқсоқол, Тожи

Мурод, Хидир Ўсар, Худойқул оқсоқол, Тангриқулбой, Жуманазар оқсоқол, Қурбонбой, Қодир оқсоқол ва Нормуҳаммад бойлар Жарқўрғон томонидан қазилаётган ариқни давом эттиришга маблағ йўқлигини ёзма тарзда тасдиқладилар. Чунки рус ҳарбий муҳандислари таклиф этган Занг каналини давом эттириб, янги ерларни ўзлаштириш ғоясини бажариш учун эски ариқ ҳажми талаб даражасида эмас эди. Сурхон-Шеробод воҳасида деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва пахта ҳосили олишни кўпайтириш эса кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. 1907 йили Сурхондарёда Термиз орқали Россиялик пахта тадбиркорлари 224 тонна ғўза ҳосилини йиғиб олган бўлса, бу кўрсаткич 1909 йил 367 тоннани, 1910 йил 556 тоннани, 1912 йили эса 1000 тоннани ташкил этди. Янги ерларни ўзлаштириш, суғориш иншоотларини қуриш Россия ҳукуматининг асосий ишига айланиб қолди.

Россия сиёсий агентлиги топшириғи билан Бухоро амирлигига қарашли Шеробод ва Денов бекликлари ҳудудида жойлашган Шероботдарё ва Сурхондарё тўлиқ ўрганилиб, ушбу дарёларнинг бошланғич ирмоқлари, дарёга қўшилувчи жилғалар, сойлар, ирмоқлар, шунингдек, дарёларнинг қайси ўзанларидан ўзлаштириш керак бўлган ерларга сув чиқариш кераклиги аниқланди ва Жарқўрғон ҳудудидан Занг канали қазишни зарур деб, Занг канални лойиҳаси ишлаб чиқдилар. 1908 йили ҳарбий муҳандис Ермолаев томонидан Амударё сувлари билан Бухоро амирлигининг жанубий ҳудудларидан 30 минг десятина ерни ўзлаштириш ҳам режалаштирилган эди.

Чор маъмурлари Сурхон воҳасини «иккинчи Фарғонага» айлантирмоқчи эдилар. Уни амалга оширишда кўплаб тўсиқларга дуч келдилар. Айниқса, янги ерларни ўзлаштиришга давлат маблағи етишмаслиги бу жараённи секинлаштирди. Бундай шароитда чор ҳукумати хусусий капитални жалб қилишга ҳаракат қилди. Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида ерларни узоқ муддатга ижарага-концессияга бериш авж олди. Бухоро амирлигидаги энг катта концессия, ҳозирги Жарқўрғон, Музрабод, Ангор, Термиз туманларидаги ерларда ташкил қилинди ва бу концессия «Шеробод комиссияси» номини олди.

Термиз гарнизонида ҳарбий муҳандис бўлиб хизмат қилган А.Г.Ананьев 1910 йилда Туркистон генерал-губернаторига мурожаат қилиб, Сурхон

воҳасини ўзлаштиришнинг истиқболларини асослаб берди. 1910 йилнинг сентябрида Туркистон генерал-губернатори муҳандиснинг хатини Россиянинг Бухоро амирлигидаги сиёсий агенти А.А.Извольскийга йўллаб, Шеробод ва Бойсун бекликларидаги ерларнинг ўзлаштирилиши нафақат иқтисодий, балки ҳарбий-сиёсий аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. Натижада, рус маъмурлари концессия ғоясини Бухоро амири олдида қўллаб-қувватладилар. Кейинроқ А.Г.Ананьев Термиз яқинида ижарага ер олишга ҳаракат қилиб, Бухоро амирининг етакчи амалдорларидан бўлган Остонақул қушбегига мурожаат қилди. Лекин Шеробод беги Мирзо Салимбек русларга ижарага ер беришга розилик бермади. Мирзо Салимбек бошқа ишга ўтганидан кейин, А.Г.Ананьев ўз ҳаракатини яна кучайтирди. 1911 йили А.Г.Ананьев ўз режаларини тарғиб қилиш мақсадида «Шеробод воҳаси ерларини Сурхон сувлари ёрдамида суғориш лойиҳаси» деб номланган китобини нашр қилди.

1912 йилнинг 26 январида Туркистон генерал-губернатори комиссияси лойиҳани қўллаб-қувватлагач, 1912 йилнинг 23 февралида Бухоро амирининг ишончли вакили Мирзо Насруллобий қушбеги билан А.Г.Ананьев ўртасида шартнома имзоланди. Унга кўра, амир А.Г.Ананьевга Шеробод ва Бойсун бекликларига қарашли 72000 десятина (тахминан 72 минг гектар) ерни 99 йилга ижарага берди. Олдинги ерни ўзлаштириш учун Сурхондарёдан канал ўтказилиши лозим эди. А.Г.Ананьев саккиз йилу, олти ой муддатга концессия тўловларидан озод қилинди. Кейин эса амир хазинасига ҳар йили 100,000 сўмлик солиқ тўланишига келишилди. 1908-1910 йиллар мобайнида пахта етиштириш икки баробар ўсганлигини ҳисобга олиб, келажакда йилига бир миллион пуд пахта олиш кўзда тутилди. Ўзлаштирилган ерларга тўрт йил давомида ўн минг рус оиласини (ҳар бир оилага 6 десятина ер ажратиш шарти билан) жойлаштириш режалаштирилди. Чор Россияси империя деҳқончилик ва ер тузилиши бошқармасининг бошлиғи А.В.Кривошеин буни шундай изоҳлаган эди: «Ҳукумат ва сармоя билан қуролланган шахсий ишбилармонлик елкама-елка туриб, бир-бировига ёрдам ва кўмак бериб, ана шу катта давлат аҳамиятидаги ишда йирик муваффақиятларга эришишлари мумкин». Бироқ «шахсий ишбилармонлик» ҳам бўш келмасдан, ўз манфаатларига мос

келадиган омилларни илгари сурар, кам сарф-харажатлар эвазига, кўпроқ фойда кўриш, асосийси, янги суғориладиган ерларни (барчасини ёки бир қисмини) ўз шахсий мулкига айлантиришни ўйларди. Бу ҳол ҳукумат билан шахсий капитал ўртасидаги шунчаки баҳс ёки томонларнинг ёндошишларидаги майда фарқлар эмас, балки жуда муҳим масала эди. У – биринчидан, ҳар қандай шарт-шароитларда ёки концессиялар келишув асосида янги ерларни ўзлаштириш, ирригация ишларини амалга ошириш мумкинлигини;

Иккинчидан, янги ер ўзлаштирилиб бўлинганидан кейин ташкил бўладиган хўжалик ёки муассасадан фойдаланиш қоидалари қандай бўлиши лозимлигини назарда тутарди. Натижада ҳукумат ва шахсий сармоядорлар икки хил, бир-бирига яқин бўлмаган концессия турларини таклиф қилар эдилар. Бу масала 1909 йил 5 июнда А.В.Кривошеин раислигида бўлиб ўтган катта ҳукумат мажлисида шахсий капитал вакилларининг қатнашувида муҳокама қилинди. Келишувда сўраб берилган аризаларни кўриб чиқиши жараёнида қўшимча қонунлар яратилиши кераклиги аён бўлиб қолди. «Туркистонда суғориш ишларини шахсий сармоялар ҳисобига бажариш тўғрисида», «Йирик ва майда суғориш муассасаларини яратиш тўғрисида келишув (концессия)нинг бош асосларини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари шулар жумласига кирарди. Бу қонун лойиҳалари 1912 йилнинг охирида тайёрланди ва 1913 йилнинг апрелида тегишли «розиликлар» олинди. Шу орада А.В.Кривошеин ҳукуматдан яна битта муҳим масала бўйича «энг олий розилик»ни олишга мувоффақ бўлди. Натижада йирик суғориш майдонларини яратишга бериладиган концессия (келишув) ёки шартнома, ҳозирги замон тили билан айтганда, тендер (кўрсаткичлари энг яхши ва энг арзон лойиҳани тақдим қилиш) асосида мусобақа йўли билан бериладиган бўлди. Янги қонунлар бўйича «Катта суғориш муассасаси» қаторига майдони 5 минг десятинадан ортиқ ва шартнома муддати 36 йилдан кам бўлмаган суғориладиган ерлар киритиладиган бўлди.

Шундай қилиб, Туркистон генерал-губернатори иш бошлаган дастлабки йиллариданоқ, унинг бевосита раҳбарлигида ишлайдиган фуқаро мутахассислар, муҳандис, ер тузатувчи ва муҳандис-ирригатор лавозимлари

фаолияти, деҳқончилик ва суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланадиган марказлашган бошқарув тизими мураккаблашиб борди.

Шеробод беклигида сув танқислиги туфайли аҳоли ярим кўчманчи ҳаёт кечирар эди. Ер кўп, сув кам бўлганлиги учун ҳам экинзорлар парча-парча бўлиб катта майдонга тартибсиз ёйилган эди. Шеробод беклиги XX аср бошларида Гиламбоб, Таллошқон, Майдаариқ, Саидобод, Жарқўрғон, Паттакесар, Чўчқагузар амлакдорликларига бўлинар эди. Жарқўрғон амлакдорлигида нисбатан ер танқис эди. 1908 йилда Шеробод беги Мирзо Салимбек ер муаммосини ҳал қилиш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш учун ҳашар йўли билан Жарқўрғон ариғини Занг қишлоғигача кенгайтирди. Ариқ Занг қишлоғида ўн иккита майда ариқчаларга бўлиниб, атрофидаги ерларга сув берди. 1911 йилнинг сентябрида аҳоли Занг ариғини яна кенгайтириш масаласида Бухоро амирига мурожаат қилди. Шеробод беги амирдан халқнинг талабини қондириш тўғрисида кўрсатма олди ва 1912 йилда тўлалигича Занг ариғини кенгайтириш ишлари амалга оширилди.

«Шеробод акционерлик жамияти»нинг расмий очилиши 1915 йилнинг 2 ноябрида бўлиб ўтди. 1916 йилнинг январида ижрочи-директор С.П.Максимов ва муҳандис К.Д.Кельтсерлар кенг кўламли ишларни бошлаб юбордилар. Уларнинг олдидаги энг оғир масала маҳаллий аҳоли билан муносабатларни тартибга солиш бўлди. Занг ариғининг таъмирланиши натижасида аҳоли концессия ерларига ўрнашиб олади ва ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга киришди. 1916 йилнинг 12 мартида рус маъмурларининг тазйиқи билан амир янги шартномага қўл қўйишга мажбур бўлди. Унга кўра, концессия майдонида жойлашган хўжаликлар жамият билан шартнома тузишлари керак эди. Занг ариғидан сув ичадиган лекин концессия майдонига кирмаган хўжаликларнинг ерлари жамият таркибига кириши ёки сувдан маҳрум қилиниши керак эди. Шартнома эълон қилинганидан кейин аҳоли ўртасида норозилик кучайди. 1916 йилнинг 23 мартида Жарқўрғонда мингдан ошиқ деҳқонлар карвонсаройда тўхтаган концессия ходимларига ҳужум қилдилар. Халқнинг концессия ходимларидан ер ва сувнинг тортиб олинмаслиги тўғрисидаги ҳужжатни талаб қилиб олдилар. Бу тўқнашувни таҳлил қилган девонбеги Шеробод беги

раҳбарлигидаги амин ва оқсоқолларни айбдор қилди. «Шеробод акционерлик жамияти» бош бошқармаси 1916 йилда Шеробод воҳасини ўзлаштириш мақсадида учта асосий йўналишни амалга оширишга киришди. 1) воҳа ҳудудини ўрганиб, унинг техник харита учун манбалар йиғиш; 2) ўзлаштиришга яроқли бўлган ерларни аниқлаш; 3) гидротехник қурилмалар, заводлар қуриш учун қурилиш лойиҳаларини яратиш, шунингдек, бош бошқарма янги ўзлаштириладиган ерларни қишлоқ хўжалиги ва савдо-тадбиркорлик мақсадларида фойдаланишни мақсад қилиб режалаштирди.

ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

Ўзбек уруғларининг асосий қисми бўлган қўнғиротлар Шеробод беклигида яшаб, уларнинг асосий қисми Жарқўрғон амлакдорлигида истиқомат қилишган

Қўнғирот -уруғининг этногенезини ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки айнан манбалар орқали биз қўнғиротларнинг келиб чиқиши ва уларнинг Ўрта Осиё ҳудудига кўчиб ўрнашиш тарихини ўрганиш имкониятига эга бўламиз. Қўнғиротлар ҳақида маълумот берувчи манбалар кўп бўлиб, улар орасида «Мўғулларнинг яширин тарихи» муҳим ўрин тутади. Муҳимлик томони шундаки, у қўнғиротлар ҳақида маълумот берувчи асарларнинг энг қадимийси ҳисобланади. Бундан ташқари асар бошқа ўзбек қабилаларининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумотлар келтириб, тарихдаги қатор чигалликларни ечишга хизмат қилади. «Мўғулларнинг яширин тарихи» 1240 йилда мўғулларнинг улуғ қони Ўғадой буйруғи билан ёзилиб, кейинроқ Хитойга олиб кетилган. Россияга бу асар Хитойга диний миссия бошлиғи сифатида борган Палладий Кафаров томонидан маълум қилинди. Унинг ўзи Пекиндан Петербургга келиши чоғида Марсель (Франция)да йўлда вафот этганлиги боис бу асарни нашр эттира олмади, фақат 1866 йилдагина асарнинг русча таржимаси нашр этилди. 1941 йилда академик С.А.Козин томонидан бу асарнинг мўғулча матни билан бирга русча таржимаси ҳам берилиб, олдинги нашрдаги кўпгина хатоликларга тузатиш киритилди. Немис мўғулшуноси Хейниш, француз Пауль Пеллио, австралиялик Рашевелитцлар мўғулларнинг тарихига доир бу нодир манбани ўрганиб, қатор асарларни чоп эттирдилар.

Қўнғиротлар тарихи ҳақида маълумот берувчи яна бир тарихий манба XIV асрда яшаган машҳур шарқ тарихчиси Рашидиддин Фазлуллоҳ Қазвиний (Ҳамадоний)нинг «Жомеъ ат-таворих» асаридир. Таниқли ўзбек олими Х.Дониёровнинг таъкидлашича, Рашидиддиннинг ушбу асари шу вақтгача ғарб ва шарқ олимлари томонидан мўғуллар деб атаб келинаётган ўзбек (туркий) қабила ва уруғларининг аслида ким эканлигини аниқлаш учун бевосита калит бўлиб хизмат қилади. Масалан, ўзбек халқи таркибидаги барлос, жалойир,

мўғул, кенагас, қиёт нирун, сулдуз, қиёт, қўнғирот, боёвут каби айрим қабила ва уруғлар тарихи шу қадар чигаллашиб кетган эди-ки, агар Рашидиддиннинг шу китоби сақланиб қолмаганда эди, уларнинг тарихини, қайси халқдан чиққанлигини ечиб бериш амримаҳол бўларди, чунки бу уруғларнинг айрим вакилларидан тортиб, ғарб ва шарқ олимларигача уларни мўғуллардан келиб чиққан, деб ҳисоблар эдилар.

XIX асрда қўнғиротлар тўғрисидаги маълумотлар асосан рус ва бошқа Европа олимларининг, хусусан, Н.Хаников, А.Борнс, Ҳ.Вамбери, А.Д.Гребенкин, Н.А.Маев ва Д.Н.Логофетнинг бир қатор асарларида келтирилади. Қўнғиротларнинг келиб чиқиши ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу мавзу кўпчилик тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб этди. Турли фикрлар билдирилди, мақолалар чоп этилди, аммо уларнинг келиб чиқиш тарихи қоронғулигича қолаверди. Аниқ маълумотларнинг йўқлиги турли-туман ривоят ва афсоналарнинг тўқилишига олиб келди, қуйида ана шундай афсона ва ривоятларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Қўнғиротлар орасида тарқалган ривоятга кўра, Қўнғирбойнинг катта хотинидан Вахтамғали, Қўштамғали, Қонжиғали ва Ойинли исмли тўрт ўғли бўлган экан. Бешинчи ўғли тортувли туҳфа этилган кенжа хотинидан туғилган, барча қўнғирот уруғлари шу ўғилларнинг авлодлари деб ҳисобланади. Қўнғирот сўзининг этимологияси аниқланмаган, баъзи бир фикрларга кўра, у қорақарға, бошқа бир фикрга кўра, «қўнғир» ва «от» сўзларидан ҳосил бўлган дейилади. Тарихий далиллар ҳар икки фикрни инкор этади, қўнғирот сўзи аслида хунн-хурр-ют сўзларидан ташкил топиб, олдинги икки сўз қабилалар (яъни, хунн(хион)лар билан хуррийлар) номини, ют эса ҳам кўплик, ҳам ҳарбий тузилма маъносида келиб, хунн ва хуррларнинг ҳарбий иттифоқи деган маънони англатади. Иттифоқ номи этник номга айланиб, хунхурот-хунхирот-қўнғирот тарзида ифодаланиб, талаффуз ўзгаришлари билан боғланади.

Қўнғиротларнинг қиётларга, яъни чингизийларга яқин бўлганлиги уларнинг мавқеи юқори бўлишига олиб келди. Чингизхоннинг юришлари даврида Дашти-Қипчоқ ва Мовароуннаҳрдаги кўпгина катта-кичик ёки кучсизроқ қабилалар асл мўғуллардан ҳисобланган қўнғиротлар таркибига

кирган ва ўзларини шу ном билан аташган. Бунинг сабабини Рашидиддин қуйидагича изоҳлайди: «Ҳар хил уруғлар ўзларининг улуғлиги ва қадрини ўзларини мўғулларга қўшиш билан белгилай бошладилар, чунки Чингиз ва унинг уруғи мўғул деб аталар эди. Ана шунинг учун ҳам жалойир, татар, ойрат, унгут, керайит, найман, танғут каби ҳар хил қабилалар эндиликда ўзларини мўғулга қўшиб ҳисоблайди. Агар қўнғирот уруғлари жадвалига назар ташланса, у ҳолда келиб чиқиши қўнғиротларга алоқаси бўлмаган ойинни, тароқли, қорақалпоқ, сарой, мўнка, тўғиз, тулкичи, меркит сингари йирик қабилаларнинг қўнғиротлар таркибига кирганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу қабилалар бир вақтлар катта нуфузга эга бўлган, кейинроқ турли сабабларга кўра ҳар ерга тарқалиб, бошқа туркий қабилалар таркибига кириб қолганлар. Бир вақтнинг ўзида бир номдаги уруғнинг қатор қабилалар таркибида бўлиши фикримизнинг далилидир, масалан, Шарқий Бухоро ва Хоразм қўнғиротлари билан қорақалпоқ уруғлари ўзаро тақкосланганда, ҳар учалласида-очамайли, болғали, бўгажели, қонжиғали, қорақурсоқ, қўштамғали, тортувли, тўғиз, бароқ, борбай, жилонтамғали, қорабувра, нўғай уруғларининг; Шарқий Бухоро қўнғиротлари билан қорақалпоқларда ойинни, оқпичоқ, баймоқли, қазаёқли, қозоқ, қайчили, қанчи, қорабўйин, қарға, қўлдовли, қопиш, қуюн, қурама, тароқли, урус, ҳандақли, чожайли, чоллиқ, чўмичли, ирғоқли, туркман уруғларининг; қўнғиротлар билан жузларда қазоёқли, қозоқ, кесовли, болғали (булар туркман жузларининг вахтамғали уруғи таркибига киради), кўса, қарға, тароқли (булар туркман жузларининг жилонтамғали гуруҳига киради) уруғларининг; қўнғиротлар ва кенагаслардаги тароқли, ўр, болғали, очамайли, абоҳли, қорақалпоқ, найман тароқли уруғларининг; қанғлилар билан қўнғиротларда қора, болғали, тароқли, ирғоқли, очамайли, чўмичли уруғларининг; сарой қабиласи билан қўнғиротларда тўғиз, қўштамғали, қонжиғали, қазоёқли, авохли (абоқли), баймоқ каби уруғларнинг учраши маълум бўлади.

Қўнғиротларнинг анъанавий турмуш тарзи эса ўз навбатида Сурхон воҳаси аҳолисининг моддий ва маънавий ҳаётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Лекин шундай бўлса-да, ҳудудда яшаган бошқа ўзбек этник гуруҳлари ва халқлари моддий ва маънавий ҳаётларининг айнан ўзларига хос

хусусиятларини ўрганилган даврда, ҳатто ҳозиргача ҳам сақлаб қола олган. Балки уларни авлоддан-авлодга ўтиши учун муҳим шароит яратиб берилгандир, чунки ҳар бир қавмнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги ўзига хослик, унгагина тааллуқли хусусиятлар, ушбу қавмни бошқа этник гуруҳлардан ажратиб туради, унинг мавжудлигини исботлайди. Айнан моддий ва маънавий маданиятидаги ўзига хос этник хусусиятлар қавмларнинг ўзлигини билишига, тарихий урф-одатларининг ривожланишига, миллатнинг камол топишига замин яратади.

Қўнғиротларнинг Мовароуннаҳр томон силжиши Чингизхон номи билан боғликдир. Қўнғиротлар Чингизхонни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаб, мўғул қабилаларини бирлаштиришда унга катта ёрдам беришган. Чингизхон, қўнғиротларга таяниш билан бир қаторда, уларнинг сардори Дай нойоннинг қизи Буртэ Фужинга уйланади. Шу даврдан бошлаб Чингизхон мансуб бўлган қиёт уруғи билан қўнғиротлар мўғуллар орасида энг обрўли ва энг нуфузли қабилаларига айланишади. Улар ҳамиша қариндош-уруғчилик муносабатларини боғлаб келишган, Алишер Навоийнинг «Чор девон» номли асарида қўнғирот ва қиёт қабилалари ҳамда уларнинг хонлар билан муносабатлари ҳақида қуйидаги мисралар битилган:

Мен тилаб ҳусн, вале шоҳ тилаб аслу насаб
Менга лўли била ҳинду анда қўнғироту қиёт.

Ёки :

Эй Навоий, чу гадосен, сену бир лўливаш
Шоҳга мирзою мирак, хонга қиёту қўнғирот.

Ушбу мисраларда нафақат ҳар икки уруғнинг муносабатлари ҳақида, балки бошқа уруғлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам маълумот берилади.

1206 йилда Онон дарёси бўйида мўғул қабилаларининг қурултойи бўлиб ўтади, шу қурултойда Темучин Чингизхон бутун мўғуллар ҳукмдори этиб сайланади. Қурултой чоғида Чингизхонга тобе бўлган ҳар бир қабила мингтадан жангчи беришади, қўшин берган қабилалар орасида қўнғиротлар ҳам бор эди. Чингизхоннинг истилочилик юришлари жараёнида қўнғиротлар

биринчи марта Ўрта Осиёга келадилар. Лекин бошқа кўчманчилар сингари даштда яшаганликлари боис Мовароуннаҳрга унча кўп кўчиб келмай, бепоён Дашти Қипчоқда ўрнашадилар. Чунки бу вақтга келиб, Дашти Қипчоқ қабилаларининг катта қисми ғарбга суриб юборилган ва уларнинг ерлари анча бўшаб қолган эди.

Мўғулларнинг ўша замондаги удумига кўра, Чингизхон ўзи забт этган ерларини тириклигида ўғилларига тақсим қилиб берди, тўнғич ўғли Жўжига Мўғулистондан энг узоқ бўлган ўлкалар тегди. Жўжининг қароргоҳи Иртиш дарёси бўйида эди, ана шу жойдан бошлаб ғарб томонга қараб кетган «мўғул отларининг туёғи бориб етган» ҳамма ерлар Жўжига қарар эди. Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон ва Еттисувни иккинчи ўғли Чиғатойга берди, унинг дастлабки қароргоҳи Или дарёси ҳавзасида бўлиб, аста-секинлик билан ғарбга қараб силжиди. Забт этилган бошқа ерлар Чингизхоннинг қолган икки ўғлига берилди.

Қўнғиротлар бу ҳудудда XIII асрда ҳам яшаганликларини исботловчи ишончли далилларимиз бор. Машҳур шарқ тарихчиси Рашидиддиннинг ёзишича, Чингизхон ўз ўғли Чиғатойга ажратган 4 минг кишилик қўшини орасида қўнғирот Мугэ (Мухэ) нўён бошчилигидаги минг кишилик қўшин бўлган, мўғул қўшини таркибидаги қўнғиротлар Бодғис ва Балх оралиғида турганлар. Қўнғиротларнинг Мовароуннаҳрга оммавий равишда ўрнашуви Шайбонийхоннинг истилочилик юришларидан кейин бошланди. И.П.Магидовичнинг фикрига кўра, Шайбонийхоннинг истилочилик юришларида қозоқ қўнғиротлари эмас, балки хоразмлик ўзбек қўнғиротлари қатнашган. Бунга далил сифатида у ўзбек ва қозоқ қўнғиротлари ичидаги уруғларнинг бир-бирига тўғри келмаслигини ҳамда Н.Ф.Ситняковский ёзиб олган ривоятни келтиради. Ривоятда қўнғиротларнинг Бухорога бундан 400 йил олдин Хивадан кўчиб келганлиги айтилади. Ривоятнинг тўғрилигини, деб ҳисоблайди И.П.Магидович, Хоразм ва Бухородаги қўнғирот уруғлари номларининг бир хилда бўлиши ҳам тасдиқлайди, деб ҳисоблайди.

XV асрнинг 80-йиллари XVI асрнинг бошларида Абулхайрхоннинг невараси Шайбонийхон билан қозоқ султонлари ўртасида шиддатли курашлар

бўлиб турди. Курашда кўпинча қозоқ султонларининг қўли баланд келган, Дашти Қипчоқ қабилаларининг ҳаммасини бўйсундиришга кўзи етмаган Шайбонийхон ўзаро урушлар натижасида заифлашиб қолган темурийлар давлати устига юриш қилишга қарор қилди. Юришда иштирок этиб Мовароуннаҳрда ўрнашган дашти қипчоқлик қабилалар бундан кейинги даврда ҳам ўзбек деб аталган, Дашти Қипчоқда қолган қавмлар қозоқ деб аталган. Юқоридаги маълумотлар И.П.Магидовичнинг фикри асосли эканлигини кўрсатади. Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга юришида хоразмлик ўзбек қўнғиротлари иштирок этган, қозоқ қўнғиротлари эса ҳали шаклланиб улгурмаган, боз устига улар Шайбонийхонга рақиб эдилар. 1503 йилда Шайбонийхон Ҳисорни бўйсундириш учун қўшин юборади, қўшинлар ичида қўнғирот амири Саид Аҳмад ҳам бор эди, Шайбонийхон қўшинлари Ҳисорни вайронага айлантирадилар. Шайбонийхон Мовароуннаҳрни забт этгач, унинг турли ўлкаларини истилода иштирок этган ўзбек қабилаларига бўлиб беради.

А.А.Семеновнинг маълумотига кўра, XVI-XVII асрлардаги ўзбек тарихий манбаларида Термиздан шимолдаги ерларнинг қўнғиротлар юрти деб аталиши таъкидланади. Улар уни Шайбонийхон билан бирга Мовароуннаҳрга келган кўчманчи ўзбек қабилалари ўртасида босиб олинган ерларни тақсимлаш чоғида ўз мулкларига айлантирганлар. XVIII аср бошларида қўнғирот қабиласидан бўлган Шералихон Термиз ҳокими бўлгач, аввало Термиз қалъасини мустаҳкамлайди, сўнгра Шеробод қалъасини қурдиради.

1705-1708 йилларда Бухоро хони Убайдуллахон билан қатағонлар бийи Маҳмуд ўртасида кураш кетган вақтда қўнғиротлар Маҳмудбий томонига ўтишади. Лекин урушда енгилганларидан сўнг қатағонлар ва қўнғиротлар юрти талон-тарож этилади, аҳолиси ҳар ёққа қараб қочиб кетади. Шундан сўнг қўнғиротлар ўлканинг сиёсий ҳаётида унчалик аралашишмади, сиёсий ҳокимият аввал дара бекликларининг, сўнгра юзларнинг қўлига ўтди. Манғит амирларининг Ҳисор ўлкасидаги дара бекликларига қарши олиб борган қирғинбарот урушларидан сўнг бу ҳудуддаги кўпгина жойлар аҳолисиз ҳувиллаб қолди. Бу эса Қашқадарё ва Зарафшон водийларидаги қўрғиротларни

ўзига жалб этмай қолмади, бўшаб қолган ерларга қўнғиротларнинг кўчиши бошланди, кўчиш аста-секинлик билан то 1917 йилга қадар давом этди.

Б.Х.Кармишеванинг қўнғиротлардан ёзиб олган маълумотига кўра, уларнинг аждодлари Кўҳитанг тоғ тизмаларининг ҳар икки томонидаги дашт ва адирликларда яшаган. Кейин улар аста-секинлик билан ғарб ва шарққа ёйилиб, Шеробод воҳаси ва Бойсунтоғ тизмасининг тоғолди адирликларини эгаллай бошлаганлар. Ўлкада бўлган рус олими Н.А.Маев Шеробoддан Амударёгача бўлган ерларда қўнғиротларнинг ўрнашганлигини ёзади. Сурхондарё қўнғиротлари таркибидаги қорақалпоқларнинг илк аждодлари Сирдарё бўйларида яшаганлар. Б.Х.Кармишеванинг қайд қилишича, кўчиш вақтида қорақалпоқларнинг катта қисми Зарафшон водийсига, Жомбойга, кичик қисми Қўқонга кетган. Зарафшонга кўчган қорақалпоқлардан Олтинбош деган одам бундан 250 йил аввал уч (айрим маълумотларда олти) укаси билан ажралиб чиқиб, дастлаб Ғузор даштидаги Пачкамар деган жойга кўчиб келади, сўнгра XVIII аср охирида Хомкон ва Киршакда ўрнашиб олади.

XIX асрнинг сўнгги чорагида қўнғиротларнинг қонжиғали уруғи Деҳқонободдан шарққа қараб силжий бошлайдилар. Аста-секинлик билан улар Сурхон дарёсидан ўтиб, Кофирниҳонгача бўлган ерларда ўрнашадилар. Қўнғиротларнинг Деҳновда жойлашуви фақат юзларнинг амир Музаффар қўшинлари томонидан тор-мор келтирилган (1865 йил) дан кейингина бошланади. Деҳнов юришидан сўнг амир Музаффар Россияга қарши уруш олиб боришга мажбур бўлди. Лекин урушда енгилиб, 1868 йилнинг 28 июнида Чор Россияси билан «тинчлик» сулҳини тузади. Битимга кўра, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд ва Каттақўрғон Россияга қўшиб олинди.

Амир Музаффарнинг Қарши вилоятида бек бўлиб ишлаётган катта ўғли Абдулмалик русларга ва уларга ён берган отасига қарши исён кўтаради. Абдулмалик руҳонийлар ёрдамида Шаҳрисабз амири деб эълон қилинади, Музаффар илтимосига биноан рус генерали Абрамов 1870 йилда шиддатли жанглардан сўнг Абдулмалик кучларини тор-мор этади. Абдулмалик Шерободга чекинади ва қўнғиротларни курашга даъват қилади, лекин шерободликлар бу исёнга қўшилишдан бош тортадилар. Ғазабланган

Абдулмалик Шероботдан то Амударёгача бўлган ҳудуддаги қўнғиротларнинг қишлоқларига ўт қўйиб, бутун аҳолини Кўҳитанг тоғига қочишига мажбур қилади. Қўнғиротларнинг чиғатойлар билан аралашиб яшаши ва кейинчалик айрим қишлоқларнинг қўнғиротлашиш сабаби ҳам шунда.

Қўнғиротларнинг қабилаларга бўлиниши ҳақида дастлаб рус олими Н.Хаников хабар беради. У Бухорода бўлган вақтда қандайдир бир ўзбек киши томонидан ёзилган «Насабномайи ўзбекия» деган китобни қўлга киритади. Ана шу китобда қўнғиротларнинг бешта катта уруғга бўлиниши кўрсатилган, булар: қонжиғали, ойинни, қўштамғали, увоқтамғали ва қир. Бухоро амирлигида яшаган қўнғиротларнинг шажарасини ишлаб чиқишда Тўра Нафасов ва Б.Х.Кармишевалар катта ҳисса қўшишди. Кармишева асарида келтирилган қўнғиротларнинг генеологик жадвалида бу қабиланинг бешта катта уруғдан: вахтамғали, қўштамғали, қонжиғали, ойинни ва тортувлидан иборат эканлиги кўрсатилади.

Қўнғиротлар орасида энг катта гуруҳ вахтамғали бўлиб, у 18 та катта уруғга бўлинади, булар: очамайли, баймоқли, тароқли, чаничқли, қазаёқли, чўмичли, қайчили, ишқили, қийғочли, жилонтамғали, болғали, қорақўнғирот, бўгажэли, ўювли, ҳандақли, ирғоқли, абоқли, кесовлидир. Х.Дониёров маълумотига кўра, вахтамғали таркибида гиламбобли уруғи ҳам бор, бундан ташқари у ишқили уруғи билан бирга ушкули уруғини келтиради, бу уруғлар айнан бирми ёки йўқми, номаълум. Агар гиламбобли ва ушкули уруғларини Б.Х.Кармишева тузган уруғлар жадвалига киритадиган бўлсак, у ҳолда вахтамғали 18 эмас, 20 та катта уруғдан иборатлиги маълум бўлади.

Қўштамғали 16 та: туллангит, тиловмат, қорақасмоқ, кал, бармоқ, кўлоби, саврибузар, замбури, кўса, ўтроқли, кўчахўр, бандикучук, оқпичоқ, чол, мавлиш ва қорақалпоқ уруғларига бўлинади.

Қонжиғали 14 та: улус, чўллик, қуюн, қорағурсоқ, молтака, қўлдовли, қорабувра, дўска, тўпқора, кўртўғай, нўғай, желкиллак, гала ва қора уруғларига бўлинади.

Ойиннилар 12 та: тўпар, қачай, қорақалпоқ, қовға, чўрон, хожибачча, туркман, қора, кал, бешбола, оқтона ва ойтамғали уруғларига бўлинади.

Қўнғирот тортувлилар эса тўғиз, мўнка, майдатоба, чўпоқ, абоқли, ўр уруғларига бўлинади.

Юқорида қўнғирот қабиласининг уруғларга бўлиниши ҳақида сўз юритган эдик. Қуйида, уларнинг XX аср ўрталарига қадар ўрнашган жойлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Вахтамғали кўпроқ Шеробод воҳаси, Сурхоннинг қуйи оқими, Амударё водийси ва Термиз атрофида, Қоратоғдарё ҳавзасида, Шерободдарёнинг ўрта оқими ҳамда Кўҳитанг тизмасининг шарқий ён бағридаги бир қатор қишлоқларда, Кўҳитангдарё водийсида яшашлари қайд этилган.

Қўштамғалилар Шерободдарёнинг ўрта оқими (Калламозор қишлоғи), Киршак дарёси ҳавзаси ва Хомконда, Кичик ва Катта Ўрадарё ҳавзаларида, шунингдек, Шеробод воҳаси ва Кўҳитангнинг шимолий қисмидаги Шўроб, Чакчак довони яқинидаги Мавлиш ва ҳозирги Олтинсой тумани ҳудудларида ўрнашганлар.

Қонжиғали уруғи Шеробод воҳасидан Жарқўрғонгача, шунингдек Сурхон дарёсидан то Боботоғ тизмасига, Термиз атрофидан Деҳқоноботгача бўлган ҳудудда тарқалганлар.

Ойиннилар кўпроқ Шеробод воҳасида, Кўҳитангдарё ҳавзасининг ғарбий қисмида, Кўҳитанг тизмасинининг шарқий ёнбағирларида тарқалган.

Тортувлилар асосан собиқ Бойсун беклиги, яъни ғарбда Шерободдарё (Дарбанд)дан шарқда Сурхондарёгача, шимолдаги Ҳалқаёр дарёси водийсида то Шеробод беклигигача бўлган ҳудудда тарқалганлар.

1926 йилги маълумотларга кўра, Бухоро амирлиги қўнғиротларнинг умумий сони 87760 кишидан иборат бўлган. Бу қабила асосан Бойсундарё ҳавзасида (3525 киши), Қоратоғдарё (13140), Шерободдарё (18385) ва Сурхондарё (9375) ҳавзаларида, Амударё водийси ва Термиз атрофида (3525) яшаган.

Сурхондарё вилоятидаги этник гуруҳлари ҳам ўзининг антропологик типи бўйича юз, турк ва уруғ-қабилага бўлинмаган бошқа ўзбекларга нисбатан анча муғулийларга яқин, лекин қўнғиротларга нисбатан муғулийлардан бир мунча узоқ. Баъзи бир уруғларнинг вакиллари оз сонли бўлганлиги сабабли бу

гуруҳга оид тадқиқотлар натижасида уларнинг антропологик таркиби ҳақида бирон фикр беришимиз қийин. Фақат шуни таъкидлаш мумкинки, дўрмон ва қоратамғалилар ўзларининг юз кўриниши жиҳатидан ўзбекларнинг қўнғирот ва юз қабилаларига анча ўхшаш. Уларнинг яқинлиги шевасида, ўтовининг тузилишида, аёлларнинг тақинчоқларида ва бош кийимларида ҳам яққол билиниб туради.

Авахли -аслида авах эли бўлиб, «авахли» сўзи қисқартмасидир. Бу уруғнинг сарой, қўнғирот ва кенагаслар таркибида бўлиши уларнинг қачонлардир йирик қабила бўлганлиги ҳамда Чингизхон юришларидан сўнг Ўрта Осиё ва бошқа ўлкаларга кўчиб келиб, турли элларга тарқалиб кетганлигини кўриш мумкин.

Баймоқли-қанғли, қўнғирот ва қорақалпоқлар таркибидаги уруғ, уларнинг шаклланиш вақти ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Айрим тадқиқотчилар баймоқ сўзини бойбоқ, яъни кемирувчи ҳайвон номидан олинганлигини тахмин қилишади-ю, лекин уни ҳеч қандай далил билан асослашмайди.

Болғали-Қўнғирот, юз, қорахитой қабилалари таркибидаги уруғ. Тамғаси болға шаклида бўлганлиги учун болғали деб аталган, болға, болғали уруғи бошқирд ва қозоқларда ҳам бор.

Тўпар-қўнғирот қабиласи ойинни бўлимининг бир уруғи. Тўпар сўзи уруғ-қабиланинг бир тўпи, тармоғи демакдир.

Чўмичли-қўнғирот қабиласи, вахтамғали бўлими таркибидаги уруғ. Қорақалпоқларда бу уруғ шўмишли деб аталади. Х..Дониёровда чўмич тамғали тарзида берилиб, «тамғаси чўмич шаклидаги уруғ» маъносини англатади.

Қазаёқли-қўнғирот қабиласининг бир уруғи. Бу уруғнинг тамғаси ғознинг изига ўхшашлигидан қазоёқли, яъни ғоз оёқли уруғ деб аталган. Ғоз қадимда, жумладан «Бобурнома»да қоз дейилган. Қозоқлар ғозни ҳозир ҳам қоз дейишади.

Қайчили-қўнғиротларнинг вахтамғали бўлимидаги уруғ. Қорақалпоқларда бу уруғ қайшили деб аталади. Маъноси «тамғаси қайчи бўлган уруғ» демакдир.

Кейинги эллик йил ичида янги ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан тоғ ва адирликларда яшаган аҳоли пастга кўчирилди. Ярим кўчманчи ва кўчманчи қабилалар аввалги ҳаёт тарзларини ташлаб ўтроқ ҳаётга ўтдилар. Ички миграциянинг кўчайиши туфайли ўрганилаётган ҳудуд, Сурхон воҳасида яшовчи уруғларнинг кўпчилиги аралашиб яшаб қолдилар. Қўнғиротлардан ташқари Бойсун ва Шеробод бекликларида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Дашти қипчоқ ўзбекларининг жуз (юз), дўрмон, найман, манғит, ўзбек-хитой, жалойир каби уруғларининг ҳам ниҳоятда оз бўлса-да вакиллари яшашган.

Араблар. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Сурхон воҳаси араблари бундан XVI асрларда Шимолий Афғонистондан, аниқроғи Балх тарафдан келишган. Баъзи манбаларда уларнинг авлод-аждодлари қўйчилик билан шуғулланиб кенг яйловлар қидириб Сурхон воҳаси орқали ўтиб Самарқанд, Зарафшон ва Қашқадарё тарафларга бориб қолган дейилса, бошқа бир маълумотларда 1513 йилда бу ўлкаларнинг султони Жонибек арабларни Амударё соҳиллари Балх ва Шибирғондан Зарафшон, Самарқанд ва Қашқадарё ҳудудларига кўчирган, деган фикрлар бор. Ўрта Осиё араблари тарихини ўрганган олимлар С.А.Волин, Г.В.Церетелиларнинг гувоҳлик беришича, Амударёга яқин яшовчи араблар бу ҳудудларга VIII-IX асрларда махсус кўчиртириб келтирилиб, манзилгоҳлар ташкил этилган бошқа ҳудудларни эгаллашда (босиб олишда) араб лашкарбошилари бу манзилгоҳлардан махсус таянч қароргоҳи сифатида фойдаланганлар, деган фикрни олға суришади. Сурхон воҳасида араблар асосан Шеробод беклигида яшаган ва бу араблар Рабатак араблари деб юритилган. 1957 йилда Қуйи Қашқадарёнинг Жейнов қишлоғида яшовчи араблар элшунос олима Б.Х.Кармишевага диққатга сазовор маълумотлар беришади. Уларнинг гувоҳлик беришича араб чўпонлари Қарши чўлларида қурғоқчилик келган йиллари ўз отарларини боқиш учун Ҳисорнинг сўлим тоғли яйловларига ҳайдашган. Шу Жейновлик арабларнинг айрим гуруҳлари ўз отарларини Ҳисор яйловларига ҳайдашда ва қайтишда Шеробод орқали ўтиб, шу ҳудудда яшаб қолишган. Шунинг учун ҳам бу араблар қаршилик араблар ёки Рабатак араблари деб аталади.

Лўлилар. Ҳаёт тарзи, ташқи кўриниши, тили, қачон, қаердан кириб келишига қараб, лўлилар Сурхондарёда маҳаллий аҳоли томонидан «жўги» дейилади. Сурхондарё жўгилари уч гуруҳга бўлинади: Сурхон воҳасида жўгилар асосан Шеробод беклигида, Шероботдарёсининг Дарбанд қишлоғига яқин жойларида, Шеробод, Жарқўрғон атрофидаги тўртта қишлоқда ўзбеклар билан бирга яшашган, маълумотларга қараганда уларнинг сони 300 кишидан ошмаган. Тадқиқотларимиз жараёнида ҳозирги Шеробод туманининг В.Қодиров жамоа хўжалиги, Жарқўрғон туманининг Оқтепа қишлоқлари жўгилари билан учрашиб уларнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишганимизда Сурхон жўгилари асосан юқорида айтиб ўтилган ерли жўгиларга, яъни биринчи гуруҳга киришига ишонч ҳосил қилдик.

Умуман олганда, воҳа аҳолиси ва воҳада шаклланган қатор этник гуруҳлар ўзбек халқининг этногенезида ҳамда халқ бўлиб шаклланишида фаол иштирок этган этник компонентлар сирасига киради. Чунки қадимги даврлардан воҳада яшаган бақтар қабилалари минтақада яшаган дастлабки этник бирикмалар сирасига кирса, кейинчалик воҳа ҳудудида жойлашган юейчжилар, тоҳарлар ҳам минтақада кечган этник жараёнларда фаол иштирок этган.

Ўрта асрлар шароитида юз берган муҳим миграцион жараёнлар ва этник консалидация воҳада яшовчи этник гуруҳларнинг янги-янги қавмлар билан аралашуви ва ўзаро жипслашувига сабаб бўлган. Бу эса воҳада яшаган аҳолининг этник тараққийсига муҳим ўзгаришлар киритди.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА ОИД ЭТНО-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари аҳолисининг ўтовлари баъзи бир элшунос олимлар томонидан ҳам тадқиқ этилган. Аммо Жарқўрғон аҳолисининг ўтовлари эса ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Воҳа аҳолисининг қора уй ўтовлари яъни «юрт»лари икки қисмдан; а) тол (сариқ тол) новдаларидан қилиниб, бу уйнинг суяги деб аталувчи керага, увуқ ва чанғароқдан; б) уйнинг устини ёпувчи жиҳозлар-тўрлиқ, узук ва туйнукдан ташкил топган. Уйнинг панжара қисми керага бўлиб, керагалар 48 бошдан 74

бошгача бўлади. Асосан битта ўтовда тўртта керага бўлиб, бу ҳар бир керага уйнинг тўртдан бир қисимни эгаллаган ҳамда бу қанот деб номланган. Қанотларнинг бирлашган жойни «жафсар» деб аташган, жафсарларга баландлиги олти ярим, саккиз ярим қарич узунликдаги жафсар қозиқлар қоқилган ва керагалар жафсар ип (бов)лар билан жафсар қозиқларга маҳкамланган. Тўртала керага бирлаштирилиб, ўтовнинг панжара қисмини ташкил этган, керагалардан ҳосил бўлган панжара катаклари кўзанак деб аталган. Кўзанакларнинг кенг, яъни ел кўзанак ҳамда тор кўзанак каби турлари бўлиб, Жарқўрғоннинг ўтроқ, деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолиси асосан тор кўзанакли уйлар қуришган. Воҳанинг ярим ўтроқ аҳолиси эса ел (кенг) кўзанакли уйлар қуришган, чунки, ел (кенг) кўзанакли уйлар нисбатан енгил ва ихчам бўлиб, кўчиш чоғида улов (туя, от ёки эшак)га ихчамгина жой бўлган. Ҳар бир қанотда 12 тадан чиноқ яъни қулоқ бўлса, ўтов 48 бошли, 16 тадан чиноқ бўлса 64 бошли ўтов деб аталган. Керага панжаралари керага кўки, яъни ҳўкиз ёки туя терисидан махсус тайёрланган тасмалар билан боғланган, шунингдек, керага кўки ўтовнинг ошиқ - мошиғи сифатида ҳам ишлатилган. Минора, Оққўрғон, Кўкайди қишлоқларида керагалар ёйилганда 7-8 қарич баландлигидаги панжараларни ташкил этса, Қумпайкал, Қорлуқ қишлоқларида эса 6 қарични ташкил этган. Йиғиштириб олинганда баландлиги 12-14 қарични, эни эса 3-4 карични ҳосил қилган.

Ўтовнинг эшиги «турди» яъни устки, пастки ҳамда ён бўсағалардан иборат бўлиб, кераганинг олд томони уй эшигининг ён бўсаға, яъни ён устунига беркитилган. Ён бўсағаларнинг икки учи турди (тепа) ва пастки бўсағаларнинг чуқурчасига кийдирилган, турди (тепа бўсаға)нинг устки қисмида бешта етим увуқ учун чуқурчалар қилинган. Икки ён бўсағанинг керагаларга келиб бирлаштириладиган жойи узунасига ўйиб, ариқча шаклида қазилган ва керагалар шу чуқурчага жойлаштирилган. Беш-олти қарич баландликда қамишдан чий тўқилиб, керагаларнинг ташқи қисмига тутилган. Бунда икки ёки учта чий етарли бўлган, чий тўқишда эса қамиш пўстлоғидан ажратилиб, беш ёки олти қарич узунликда қирқилган ҳамда чий тўқиш дастгоҳида эчки қилидан йигирилган шардоз (ип)лар билан тўқиб чиқилган. Қора уйнинг керага ва

бўсағалари ўрнатилиб бўлгандан кейин, кераганинг қисмидан эни 1-1,5 қарич бўлган, рангга бўялган жундан тўқилган боғиш ҳамда ўрта қисмидан эни ярим қаричдан узунроқ бўлган рангга бўялган жундан тўқилган жафсар бов, яъни айил айлантирилган ва икки учи ён бўсағаларига тортиб боғланган. Булар керагаларнинг ўтириб қолмаслиги, қолаверса жафсарларнинг очилиб кетмаслиги ҳамда керагаларнинг орқага қараб қийшаймаслиги учун кўрилган чорадир.

Жарқўрғонда ўтовнинг увуқлари тол новдасидан ясалиб, Сурхон, Исмоилтепа, Оқтепа, Буйрачи қишлоқларида ўн қаричдан ўн тўрт қаричгача бўлса, Ипоқ, Қумпайкал, Қорлуқ, Чеп қишлоқларида саккиз-тўққиз қарич узунликни ташкил этиб, диаметри қўл ўрта бармоғининг бир ярим икки бўғин узунлигини ташкил этган. Увуқнинг эгилган жойи керага чиноқ (қулоқ)ларига маҳкамланган, увуқларнинг сони уйнинг неча бошли бўлишлигига боғлиқ бўлиб, қора уй 52 бошли бўлса, увуқ 52 та ёки 74 бошли бўлса увуқ ҳам 74 та бўлган. Албатта, етим увуқлар бунга кирмаган, етим увуқ деб устки бўсағага, яъни эшик устига ўрнатиладиган бешта увуққа айтилган. Чунки, етим увуқларнинг эгилган жойи қисқароқ бўлиб, бир қиричдан ошмаган, учи эса чанғароқ тешикларга киритилган. Ўтовнинг чанғароғи толдан доира шаклида эгиб қилиниб, унинг айланаси 8-9 қарични, қалинлиги эса бир қарични ташкил этган, бу қасқоқ деб аталган. Чанғароғ қасқоғининг устки қисмига толдан тайёрланган таёқлар гумбаз шаклида эгилиб чанғароқ тепароғидан ўйилган биринчи қатор тешикларига тиқилган. Таёқлар хоч шаклида кесишиб, ўрта қисми эса туя ёки ҳўкиз кўни (териси)дан тайёрланган тасма билан боғланган. Чанғароқнинг асоси бўйлаб «чанғароқ солма» деб номланган қизил ип-бов айлантириб тутилган.

Жарқўрғонда ўтов суягини кўтаришда, яъни тикка қилишда иккита увуқни эчки шохига ўхшатиб, эгилган жойлари бир-бирига қарама-қарши ҳолатда боғлаб, чанғароқ шунинг ёрдамида баландликка кўтарилган ҳамда уч ёки тўртта аёл увуқларни чанғароқнинг пастки қатор тешикларига киритиб, пастки қисмини керага чиноқ (қулоқ)ларига мустаҳкамлаб боғлаган. Увуқлар чанғароқ тешикларига киритилиб бўлгандан кейин, эни 2-2,5 бўғин узунликда

бўлган, жундан гулдор қилиб тўқилган тизмалар билан мустаҳкамланган. Увуқларнинг эгилган жойидан, яъни тизманинг тагидан қур уйнинг бутун айланасига тутилган. Қур жундан гулдор қилиб тўқилиб, эни 1,5-2 қарич узунликда бўлган. Ўтовнинг ичини чиройли қип-қизил тусда кўрсатиб туриш учун бир қарич энликда қизил гулли қилиб, жундан тўрлаб, сачоқлари қуббали қилиб тўқилган гулдуровуқ қурнинг тагидан тутилган.

Ўтовнинг устки қисми кигиз (намат)дан тайёрланган иккита узук ҳамда тўртта тўрлиқ билан ёпилган, бунда иккита узук билан уйнинг устки қисмини чанғароқ бўлган жойини ёпишган. Узукнинг юқори қисми чанғароққа мослаб айлана ҳолатда кесилган, олдинги 6-8 та пўпакли қизил бов билан орқа томонга тортилган. 8-10 та бов билан эса орқа узукда уйнинг олдинги қисмига қарата увуқлар устидан тортилади ҳамда олдини узукнинг устки қисмидан бир бири билан кесишган ҳолатда уйнинг белдовига боғланган. Узук оқ бови бир қарич энликда бўлган, шунингдек, эни ярим қарич бўлган, 38 тадан 64 тагача оқ тағобчилари бўлган. Бу тағобчилар пастга тортиб олиб келиниб, ола белдовга маҳкамланган, тағобчилар уйнинг чиройли ва оқ бўлиб кўринишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Тўртта тўрлиқ ўтовнинг тўртта жафсари (қаноти)га ёпилган ҳамда узуклар тагига тўрлиқларнинг тепа қисми киритилган, кераганинг пастки қисмигача тўрлиқлар ёпиб турган. Ёзнинг иссиқ кунларида тўрлиқлар белдовга туриб қўйилиб, салқин бўлиши учун чийлар очиб қўйилган.

Ўтовда ёруғлик тушиши, ҳаво алмашиши, сандал, ўчоқларнинг тутунлари чиқиши каби масалалар учун қора уй чанғароғининг туйнуги бўлиб, туйнук кигиз (намат)дан қилинган. Туйнукнинг тўртта уч қулоқ узунликдаги туйнук бов (арқон)лари бўлиб, уйнинг тўрт томонидан пастга тушиб турган, туйнукни очиб-ёпишда бу туйнук бовлардан фойдаланилган. Ўтовнинг эшиги нарвон шаклидаги икки қанотли «эрганак» бўлиб, эрганак устидан уч қулоч узунликдаги махсус чий, ҳамда чий устидан кигиз (намат) қопланган эшик ёпқич тайёрланган. Эшик ёпқичнинг тепа қисми узукка бирлаштирилган бўлиб, иссиқ вақтларда тепага букланиб қайтарилган ҳолда кўтариб қўйилган, совуқ вақтлардагина туширилиб, уйнинг оғзи беркитилган. Ёмғир ёққанда ташқаридан ичкарига сув кириб кетмаслиги учун уйнинг ташқи атрофидан

«ғўр», яъни ариқча қазилган. Шунингдек, ўтовни «оширма» арқонлари бўлиб, оширма арқонлари чанғароқ устидан оширилган ва икки томонига қоқилган қозиқларга боғлаб, довул ва шамол бўлганда қўзғалмаслиги учун мустаҳкамланган.

Жарқўрғон ўтовларнинг катта кичик, баланд бўлиши, безакларнинг турли хилда чиройли бўлиши уй эгасининг иқтисодий жиҳатдан бақувватлигидан келиб чиқиб, уларнинг уйлари икки устма-уст керага, яъни қўш қанотли бўлган. Жарқўрғоннинг А.Навоий, Н.Боймуродов, Оқтепа, Исмоилтепа каби қишлоқларида ўтовларнинг эшигини жанубга қаратиб қурганлар. Чунки, қуёш чиққандан ботгунга қадар уйнинг ичига қуёш нури (айниқса, куз ва қиш фаслларида) тушиб туриши назарда тутилган. Бундан ташқари шарқ - кун чиқиш ва ғарб - кун ботиш томондан эсадиган изғиринли шамоллар ва ёғингарчилик ҳисобга олинган.

Жарқўрғонда янги уйланаётган йигитга оқ уй (оқ ўтов) қилинган, никоҳ тўйига янги ўтов қилиш одати хоразмликларда, қипчоқларда, лақайларда ҳам мавжуд бўлган. Оқ ўтовнинг суяги ва кигизларини куёв томон, ўтовнинг уй сози, яъни ички жиҳозларини келин томон тайёрлашган. Оқ ўтовнинг кигизлари асосан оқ жундан тайёрланган, воҳада ўтовни тиклаш ва бузиш ишларини фақат аёллар бажаришган.

Қадимий турар жойлардан бири камарлар бўлиб одамларни маълум қисми ҳашаматли уйлар қуриш учун имконияти бўлмаганлиги сабабли табиий ҳолатдаги тепаликлардан сунъий равишда тайёрланган камарларнинг ёнларига совуқ, бўрон ҳамдан ёмғирдан сақланиш учун «тўғора» тўқиб, тутганлар ва тўғора устуни лойсувоқ қилиб яшаганлар. Чорвадорлар ем- хашагини тўплаб, узоқ яйловларда ёмғир ва қорлардан сақланиш учун камарларда яшаганлар.

Жарқўрғонда ўтмишдан мавжуд бўлган турар жойлардан бири капа бўлиб, воҳада ўзбекларда «капа», «чайла» деб аталса, қозоқларда эса «курке» дейилади. Капа вақтинчалик ва мавсумий турар жой бўлиб, тезда йиғиштириб олишга қулайлиги ҳамда содда тузилганлиги билан ажралиб туради. Воҳада капани юмалоқ (гумбазсимон) ва тик (конус) шаклида бўлиб, ўртача катталиги энига уч-тўрт қулоч, бўйига беш-олти қулоч бўлган. Капани тикиш учун

узунлиги уч тўрт қулоч, диаметри бир ярим, икки бўғин келадиган тол ёки (тут, юлғун, арча, заранг), яъни «капа чўп» ерга бир қарич узунликда, ораси уч қарич энликда қоқилган. Капа чўплар бўшамаслиги учун икки қулоч юқорироғидан жундан тўқилган тизма билан боғлаб чиқилган. Жундан эни тўрт қулоч, бўйи олти саккиз қулоч узунликда кигиз қилинган бўлиб шамол, довул кўтариб юбормаслиги учун тўрт бурчагига жундан арқон қилиниб, капа чўпга боғланган. Пишиқ қилиб мустаҳкам тайёрланган бу кигизлардан қор ва ёмғир ўтмаган, шунингдек, кигиздан ташқари қамиш ёки устидан сомонли лой билан лой сувоқ қилганлар. Ёзги капалар эса қамиш билан ёпилган, айримларининг усти сомонли лой билан сувалган. Эшик оғзига қиш фаслида кигиз, бошқа илиқ кунларда бўйра ёки шолдан тўқилган мато тутиб қўйганлар. Ипоқ, Қарлуқ қишлоқларида капа тепасидан тутун чиқадиган туйнук ҳам қилинган, ерга чий (бўйра) тўшалиб, устидан кигиз ёки гилам тўшаганлар. Капанинг деворига тақаб напармач, бўғжама, кўрпа, ёстиқ ҳамда бошқа буюмлар қўйилган. Кираверишда эшикка яқинроқ жойда ўчоқ бўлиб, тутун туйнукдан чиқиб турган, шунингдек, капада сандалдан фойдаланилган. Воҳада капаларнинг устуни махсус қамишдан тўқилган бўйралар билан ёпганлар, бу капани воҳанинг юз, дўрмон, қарлуқ, барлос уруғига мансуб аҳоли «хос капа», қўнғиротлар эса «чум» деб атаганлар.

Жарқўрғонда кўчма турар жойларнинг яна бир тури чодир бўлган, ундан вақтинча турар жой сифатида фойдаланганлар. Ҳозир ҳам Жарқўрғонда яшовчи лўли(жўги)лар бу вақтинчалик турар жой туридан ёз ойларида кўчиб юрганларида фойдаланадилар.

Жарқўрғонда аҳоли янги уйни қуришда кун ўнглаб, ойнинг чоршанба кунларида бошлашган, бу кунни «саҳатли кун» деб аташган, янги уйга кўчиш ҳам ўша саҳатли кунда ўтказилган. Уй қуришни бошлашганда имкони борлар қўй сўйганлар, буни «қон чиқариш» деб аташган, чунки қон чиқарилса, иш ўнгидан келади, уй яхши қурилади ҳамда бу уйда яшовчиларнинг ҳаёти яхши бўлади деб ўйлашган. Агар саҳатли кунда уйга имкони бўлмаса, ўша куни шу уйга туз олиб боришган ва бошқа кунларда кўчиб ўтаверишган. Янги уйга кўчиб ўтишда исириқ тутатишган, шундай қилинса, ёвуз кучлар қочар экан.

Янги уйга кўчиб ўтилгач, қариндош-уруғ ва қадрдонлар (аёллар иккитадан нон) ҳар ким топганини олиб келишган. Уй тўйига келганлар ҳам уй эгасига яхши ниятлар тилашган.

Хуллас, Жарқўрғонда аҳолиси турар жойларининг аксарияти бошқа Ўрта Осиё халқлариникига ўхшаган. Аммо воҳа турли этник гуруҳларининг турар жойлари баъзи жиҳатлари билан ажралиб ўзини қадимий анъаналарини сақлаб қолган.

Совет ҳокимияти йилларида Жарқўрғон қишлоқ хўжалиги (1920-1940 йй)

Большевиклар октябрь тўнтаришидан сўнг ҳокимиятни қўлга киритгач, ҳақиқий халқ ҳокимияти ва чинакам демократия ҳукмронлик қиладиган жамиятни барпо этишни ваъда қилган эдилар. Бу жамият кенг халқ оммасининг эҳтиёжларини қондириши, унинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим эди. Тарих тажрибасининг далолат беришича, халқ ҳокимияти ғояси бир гуруҳ инқилобий хаёлпарастларнинг ўйлаб чиқарган нарсаси эмас, балки мазлум «қуйи» табақаларнинг одамни одам эксплатация қилмайдиган, инсоннинг эркин камол топиши учун ижтимоий адолат тантана қиладиган ва тенг имкониятлар мавжуд бўладиган ижтимоий тузумни кўп асрлардан буён орзу қилиб келган интилишининг якунидир. Халқ ҳокимияти бу ўзини-ўзи идора қиладиган давлат бўлиб, унда ҳар бир кишининг эркинлик даражаси бошқарувда бевосита ёки вакиллик йўли билан иштирок этиши билан белгиланади. Халқ ҳокимияти бу маданиятли демократиянинг базали негизини ташкил этади, афсуски, большевиклар марксча назарий қоидаларга амал қилиб, илғор халқ ҳокимияти ғояларини ҳалокатли, мустабид тузумни барпо этишнинг мафкуравий қуролига айлантирдилар. Бухоро амирлиги даврида катта ҳарбий, иқтисодий, сиёсий мавқега эга бўлган Сурхон воҳасини советлар ҳукумати ўз қулида маҳкам сақлаб қолишга жиддий киришди. У оддий меҳнаткаш халқни зудлик билан ўз томонига ағдариб олиш мақсадида халққа бепул, ўйлаганидан ортиқча мулк ваъда қилиб, ишлаб чиқариш қуролига эга бўлмаган, ҳуқуқий гушунчаси йўқ, сиёсий билимларни етарли эгаллаб олмаган халқни ўз сиёсати чегарасига киритиб олади. Натижада совет ҳукумати миллий хусусиятларни чуқур ўрганиб, ички зиддиятлардан фойдаланишга, қариндош-уруғларни, миллий этник гуруҳларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ҳаракат қилади. Бундан сиёсий манфаатлар йўлида усталик билан фойдаланади. Миллатнинг фахри бўлган олиму фозиллар, йирик маҳаллий бойлар, ўткир зеҳнли дин вакиллари, маҳаллий халқ ўртасида ишбилармон, иш бошқарувчиликда кат-та обрўга эга бўлган нуфузли одамларни сиёсий ҳаёт йўналишидан олиб

ташлаш ва йўқотишга жиддий киришади. Бу сиёсат туфайли 20-йилларда воҳанинг минглаб аҳолиси қаттиқ сиқув остига олиниб, бир қисми қатағонлик сиёсати билан сургун қилиниб, иккинчи қисми эса қириб ташланади. Халқнинг асосий қисми эса қуруқ ваъдалар таъсири остида советларнинг нотўғри сиёсатига эргашиб кетади.

Собиқ совет ҳукумати ўзининг дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалигини янгича ташкил қилиш изидан бора бошлади. Бунинг учун совет ҳукумати тортиб олинган мол-мулк, экин майдонларининг бир қисмини халққа бепул тарқатиб, маълум бир қисм оммани ўз сиёсатига йўналтирди.

1924 йилнинг 12 июлида ВКП (б) марказий комитетининг "Ўрта Осиё Республикаларида миллий чегараланиш ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида Сурхондарё Ўзбекистон ССРнинг Бухоро вилояти таркибига округ сифатида киритилади. Орадан 2 йил ўтгач, яъни 1926 йилнинг 29 сентябрида Жарқўрғон туманлари ташкил топиб, 1926 йил Сурхондарё воҳасида 186433 нафар аҳоли, Жарқўрғон туманида эса 21387 нафар аҳоли истиқомат қилар эди. Жарқўрғон ҳудудига Сурхондарёнинг икки қирғоғидаги водий ва паст текислик зоналари киритилди, шунингдек, Жарқўрғон паст текислик зонаси ҳам киритилди. Сурхон воҳаси қишлоқларида ер-сув ислоҳоти ниҳоят даражада оғир- синфий кураш таьсирида бўлиб маҳаллий аҳоли ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли халқ хўжалиги катта зарар кўрди. Жарқўрғон туманидаги қишлоқларда бойларнинг мол-мулкини тортиб олиш ёки ер эгалари томонидан хўжаликларнинг мол-мулкини йўқотиш кучайди.

1925-1926 йилларда Сурхондарё округида 6 та мелиоратив, Оққўрғон, Дашнобод, Шоқишлоқ, Ҳазорбоғ, Жарқўрғон, Қорлиқ ширкатлари ташкил этилди ва ушбу ширкатлар жамоалаштиришнинг бошланғич палласини ташкил этди.

1926 йилда Жарқўрғон «Мелиоратив ўртоқлик уюшмаси»нинг кучи билан Занг каналининг бош қисмини тиклаш бўйича анча ишлар амалга оширилиб, 800 гектар янги ер ўзлаштирилди. Шунингдек, Сурхондарё бўйидаги Жалоир ва Оқтепа ариқлари ҳамда Жарқўрғон-Занг тўғони қурилиб ишга туширилди. Мавжуд мелиоратив хўжаликлар ва «Қўшчи уюшмаси»

томонидан Жарқўрғон кохозларни ташкил этишга жиддий киришилди. 1926 йилда Жарқўрғонда дастлабки қишлоқ хўжалик артели тузилди. Совет ҳукумати томонидан амалга оширилган ер-сув ислоҳоти маҳаллий аҳолининг жиддий қаршилигига дуч келди. 1929 йилдан эътиборан, жамоалаштиришни зўравонлик асосида яъни сунъий тарзда тезлаштириш бошланди. Бунга И.В.Сталиннинг 1929 йил 7 ноябр куни «Правда» газетасида эълон қилинган «Буюк бурилиш йили» мақоласи сабаб бўлди. Шундан сўнг янги ерларни ўзлаштириш, сунъий суғориш тизимини кенгайтириб, янги суғориш иншоотларини ишга тушириш соҳасида маълум тадбирлар амалга оширилди. Чунки Совет ҳукумати пахтага бўлган талабини қондириш мақсадида жиддий ёндошиб, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш иншоотларини қуриш зарур эканлигини англаб етган эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда суғориш ишларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги аниқ вазифалар ва тадбирлар ишлаб чиқилди:

Дастлабки хўжаликлар 1926 йилда тузилиб, “Қўшни” иттифоқига деҳқонлар бирлаша бошлайди.

1928 йилда Жарқўрғонда ташкил топган “Минор”, “Янги куч”, “Намуна” колхозлари ихтиёрида 4 та қўш ҳўкиз, 4 та ёғоч омоч, 4 та темир тишли омоч, 18 кетмон, 15 та бел, 8 та ўроқ бор эди. “Минор” артелга маҳаллий бойлардан ҳисобланган Чўнг аминнинг 200 гектардан ортиқ ери, 30 та оти, 50 дан ортиқ қора моли ва бир неча отар майда моли ўтказилди. Бу кичик колхозлар ўрнида кейин ягона “Коммунизм” колхози ташкил этилди.

Жарқўрғондаги Гарангтўқай, Оққўрғон, Заркамар ботқоқликлари ўзлаштирилиб, янги майдонларда деҳқон хўжаликлари ташкил этилди.

Какайди канали қайта таъмирланиб, 20 $м^3$Ғсек. Сув ўтказиш имконияти пайдо қилинди.

Собиқ совет ҳукуматининг ерларини жамоа ихтиёрига ўтказиш ташаббуси туфайли шахсий ва хусусий ер эгалиги тугатилиб, оммавий жамоа хўжаликларини тузиш кучайтирилди. Сурхондарёдаги жами деҳқон хўжаликларига 1926-1928 йилларда совет ҳукумати 1702 минг сўм микдорида пул ажратиб, 1927 йили 130 та хўжалик учун янги ерларни ўзлаштиришга

мўлжалланган «Қизириқ» ва «Занг« каналлари қурилишига 41450 сўм пул сарфланди. Деҳқонларга қишлоқ хўжалигини чуқур билиб олишга кўмаклашиш, ҳосилдорликни кўтариш, ерларнинг ҳолатини яхшилаш, экин турларини кўпайтириш, суғориш иншоотларини кўпроқ қуриш, ерларнинг шўрланишининг олдини олиш мақсадида, 1926 йил 1 апрелдан бошлаб Жарқўрғон туманида агроҳудуд бўлимлари вужудга келтирилди.

Жарқўрғон тумани ташкил этилган дастлабки йилларда бутун ўлкада ер-сув ислоҳоти, жамоалаштириш амалга оширилаётган эди. Жарқўрғонда ҳам дастлабки қишлоқ хўжалик коммуналари артеллар, “Қўшчи” уюшмалари тузилади. жамоалаштириш натижасида “Меҳнат роҳат”, “Чегаралик”, “Янги усул”, “Қизил соқчи”, “Чинобод”, “Маданият”, “Иттифоқ”, “Ижтимоят”, “Ёш куч”, “Деҳқон иттифоқ”, “Кооператив” номли кичик-кичик колхозлар тузилади. 30 йилларнинг ўрталарига келиб, туман ипак пахта етиштириб берувчи ҳудудга айлантирилади. Пахта етиштириш, хусусан, ипак пахта майдонларини кенгайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин.

Натижада кўплаб ер эгалари мажбурий тортиб олиш сиёсатидан қўрқиб, ўз мол-мулкини совет давлатига топширди ҳамда совет ҳукуматига хизматга ўтди. Лекин, 1926 йилдан бошланган сталинча социализм қуриш бошқа жойларда бўлгани каби Жарқўрғон туманида ҳам оғир кечди. Маҳаллий миллатнинг кўплаб фаол кишилари камоққа олиниб, туҳмат йўли билан қириб ташланди ёки қийноқ остига олиниб бошқа жойларга сургун қилинди. Сурхондарё округи Жарқўрғон тумани молия бўлими томонидан 1930 йил март ойида 134 та хўжалик «қулоқ» сифатида рўйхатга олинди. Бу хўжаликлар ичида йиллик даромади 150 сўм бўлган ва тўлайдиган солиқ миқдори 1 сўм 89 тийин бўлган хўжаликлар ҳам бор эди. Бундай ҳолат сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар рўйхатида ҳам мавжуд эди.

Юқорида қайд этганимиз каби бу сиёсат кўплаб бегуноҳ кишиларнинг хонавайрон бўлишига, эркинлигининг бутунлай йўқолишига олиб келди. Маҳаллий деҳқончиликни яхши биладиган тадбиркор кишилар, мироблар, ҳисобчилар жамоа хўжаликларини тузиш даврида халқ душмани сифатида

қувғин қилинди. 1929 йили хўжаликларни оммавий тузиш таъсирида йирик ер эгалари ихтиёридан воҳамизда 8995 гектар суғориладиган, 8049 гектар лалми ерлар, 646 от, 845 ҳўкиз ва кўплаб қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари тортиб олинди. Бу олинган нарсалар 4382 нафар ерсиз ва кам ерли камбағал деҳқонларга тақсимланди, округдаги 10,1 фоиз деҳқон хўжаликларига 11107 гектар суғориладиган, 4097 гектар лалми ерлар ва 1357 бош ишчи, ҳайвонларнинг барчаси бўлиб берилди.

1928 йил баҳор кунларининг бирида Гулҳовуз, Зартепа, Оқтепа, Қаришоҳ ва Ғур-ғур қишлоқлари аҳолисини йиғиб мажлис ўтказилди. Йиғилишда Минор артели тузилди. 1928 йил ёзида Қаришоҳ, Оқтепа, Кўртўқай, Зартепа ва Ғур-ғур қишлоқларида ҳам ана шундай артеллар тузилиб, уларга «Янги куч», «Соқчи», «Гулистон» ва «Намуна» деб ном берилди. Оддий деҳқонлардан Жума Тўхлиев, Қурбон Маматқулов, Чори Туропов, Хўжаёр Худойбердиев, Турдимурод Ортиқовлар артеллар раисликларига сайландилар. Ўшанда ҳар бир артел ҳисобида 120-150 гектардан ер бўлиб, асосан бу ерда пахта экилар эди. 1929 йил «Қишлоқ хўжалик иттифоқи» («Сельхозсоюз») давлат ташкилоти томонидан берилган 6-7 дона тракторлар «Қизил аскар отряди» номидаги гуруҳга бирлашиб, биринчи бор артеллар даласини ҳайдаб берди.

1928-1929 йиллар бошларида Бозор Какайди қишлоқ кенгаши тузилди. Қишлоқ кенгашига дастлаб Норбой Музропов, кейинроқ Норхол Шукурова сайланди. Шу йиллар ичида мазкур қишлоқ кенгашига қарашли қишлокларда «Қизил Юлдуз», «МОПР», «Й. Охунбобоев», «Куйбишев», «Қизил Қаҳрамон», «Пахтаобод», «Итифоқ» номли жамоа хўжаликлари давлат ёрдамида қишлоқ-хўжалик ускуналари сотиб ола бошладилар. 1928 йили май ойида тумандан Салмонов деган вакил келиб артел тузиш ҳақида мажлис ўтказди. Чангоёқ қишлоғи деҳқонларининг умумий йиғилишида беш кишидан иборат артель бошқармаси ва ушбу бошқарма раиси этиб Ҳожи Тоғайназаров сайланди. Қишлоқ хўжалик артелининг низоми (устави) ҳам қабул қилинди. Хўжаликка ҳамма ютуқ ва ғалаба иттифоқлик орқали келади деган мақсадда «Иттифоқ» деб ном берилди Артелга йигирма бешта хўжалик аьзо бўлиб кирди.

1929 йил айниқса кўплаб жамоа хўжаликлари ташкил топган йил сифатида тарихда қолди. Шу йили Лойканд қишлоғида «Социализм» жамоа хўжалиги (колхоз) тузилиб, унга Тоғаймурод Раҳматуллаев, »Карл Маркс» хўжалигига Тоғаймурод Райимов раис этиб сайланди. Жарқўрғоннинг катта Жинжак қишлоғида «Ўзбекистон» номли жамоа хўжалиги тузилиб Аликул Жонназаров унга раис қилиб тайинланди. 1929 йилнинг март ойида Юқори ва Қуйи Оққўрғон қишлоқларининг деҳқонлари бирлашиб жамоа хўжалиги туздилар ва унга «Миллий уйғониш» деб ном берилди. Унга Исмоил Исматов раис қилиб сайланди. Одина Аллашукуров, Ҳасан Тошқулов ва бошқалар биринчилар қаторида ана шу жамоа хўжалигига аьзо бўлиб кирдилар. Жамоа хўжалигининг 100 гектарга яқин ери бўлиб, у ерда тўртта бригада ташкил қилинди ва бу ерларда пахта, буғдой экила бошланди. 1929 йили Қорақурсоқ қишлоғида эса тўрт хўжалик «Кооператив», « Серҳаракат», “Район” ва “Янги усул” номли жамоа хўжаликлари ташкил этилди. Бу илк хўжаликларнинг биринчи раислари Бобо Эшназаров. Худойшукур Абдураҳмонов. Чори Нурматов кабилар эдилар. Ўша йили «Кооператив» жамоа хўжалигининг 160 гектар ер майдони бўлиб, шундан 110 гектарида пахта етиштирилди.

1929 йили Жарқўрғоннинг Кўртўқай кишлоғида ҳам жамоа хўжалиги ташкил этилди. Хўжалик дастлаб йигирма икки оиладан иборат бўлиб, унда саксон саккиз нафар жамоа аьзолари бор эди. Уларда 6 бош от, 200 бош қўй-эчки, 26 та эшак, 28та сигир мавжуд эди. Хўжаликда 2 та омоч, 26та белкурак, 28 та ўроқ ва кетмон билан 35 гектар суғориладиган ерга ишлов берилди. 1929 йили Кўртўқай қишлоғи деҳқонлари йиғилишида «Батрак» хўжалиги тузилиб, унга Искандар Жўраев раис бўлди. Хўжаликка 5 гектар обикор ер ,18 бош от, 12 бош ҳўкиз 22 та омоч, 150 бош кўй эчкилар ажратиб берилди. 1930 йилда хўжаликнинг номи «Меҳнат-роҳат» деб ўзгартирилди. Хўжаликда 110 гектар ерга пахта, 7 гектар ерга беда, 4 гектар ерга дон эқилди. 1933 йили хўжаликка раис этиб Норали Боймуродов сайланди. Хўжалик иқтисодий жиҳатдан кучли ривожланиб, Е.Я.Чикилдин, С.М.Твинлар хўжаликда агроном бўлиб ишладилар. Ҳосилдорликнинг ошишида Юнус Маматқулов бошчилигидаги

МТС бригадаси ва унга қарашли СХТЗ маркали ғилдиракли учта трактор, битта «Универсал» тракторининг хизмати катта бўлди.

XX асрнинг 30-йилларида Жарқўрғон районига қарашли ерларни суғорадиган Занг каналини қайта қуришдек йирик ирригация тадбирлар амалга оширилиб, Жарқўрғон туманида ҳам «Оқ-Қопчиғай» номли дастлабки давлат хўжалиги ташкил этилди. Ўзбекистон КП (Б) Марказий Қўмитасининг 1930 йил 28 январь ҳамда 18 февралда қабул қилган «Жамоа хўжаликларини оммавий тарзда тузиш тўғрисида»ги қарори асосида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Жарқўрғон ва Денов туманларида жамоа хўжаликларини тузиш, бу соҳада бўлаётган қийинчиликларни бутунлай тугатиш, чекка жойларда сақланиб қолган ер эгалигига якун ясаш каби масалалар ўз вақтида ҳал қилиб борилди. Қишлоқ хўжалиги-1930 йилга келиб туманда 64 та жамоа хўжалик фаолият юргизган. 1 марта ингичка толали пахта 1932 йилда экилган. Ўшанда 28,5 гектарга бундай пахта экилиб 63 тонна ҳосил олинган.

Бундан ташқари Жарқўрғон туманида 72 та йирик бой хўжалиги рўйхатдан ўтказилиб, мол мулки тортиб олиниб, ўзлари сургун ва қувғин қилинди. 1931 йилга келганда кўпгина қулоқ хўжаликлари катта миқдордаги қишлоқ хўжалик солиқларини тўлаш ва турли мажбуриятларни бажаришга қурби етмай хўжаликларини ташлаб қочиб кета бошладилар.1931 йил февраль ойида Ўз ССР Молия Халқ комиссарлигининг махсус бригадаси Қашқадарё ва Сурхондарё округларида текширув ўтказганида бу округдаги туманларда рўйхатга олинган «қулоқ» хўжаликларининг кўпчилиги Тожикистон Республикасига қочиб ўтиб кетганлиги аниқланган. Бу округларда катта миқдорда тўланмаган солиқ суммаси вужудга келган. Шу боис Молия Халқ комиссарлиги қочқинликда юрган қулоқларни тутиб келтириш ва маьмурий жавобгарликка тортиш масаласи юзасидан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) га махсус мурожаатнома юборган эди.

Бу ички сиёсатдан ташқари яна марказда ВКП (Б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси 1931 йил 20 июнда Ўрта Осиёдан қулоқларни кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди ва қулоқлар бўйича комиссия раиси СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари А.А.Андреев тақдим этган қарорни

ҳам тасдиқлади. Унда. а) Ўртоқ Бауманнинг (Бауман К.Я.-ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг биринчи котиби (1931-1934 йиллар) Ўрта Осиёдан олти минг қулоқ хўжалигини кўчириб, ундан уч мингини Украина ҳудудига, уч мингини эса Шимолий Кавказга кўчириш ҳақида С.Косиор (Косиор С.В.- ВКП(б) Украина Марказий Қўмитасининг биринчи котиби (1928-1938 йй) ва Шеболдаев (Шеболдаев Б.П.-Шимолий Кавказ ўлка партия қўмитасининг биринчи котиби (1931-1934 йй) лар билан келишилган таклифи маъқуллансин. Б) Бу қулоқ хўжаликларини Украина ва Шимолий Кавказга жойлаштириш ўртоқ Евдокимов (Евдокимов Е.Г-ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича ваколатли вакили (1931 йил) га топширилсин» дейилган. Ушбу қарор асосида Ягода ва Евдокимовлар Тошкентга ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакили Матсонга телеграмма йўллаб, телеграммада сургун қилинаётган ҳар бир оилада меҳнатга яроқли киши, оила бошлиғи бўлиши шарт қилиб қўйилди. Сургун қилинаётган ҳар бир оила камида уч ойлик озиқ-овқат заҳираларини, қишлик кийимларини, уй-хўжалик анжомларини ўзи билан бирга олишлари, меҳнатга яроқли қулоқлар қочиб кетмасликларининг олдини олиш учун ГПУ ходимлари бундайларни олдиндан, тахминан аниқлаб, уларнинг ижтимоий аҳволини пухта текшириб чиқишлари телеграммада кўрсатиб ўтилган эди. Ушбу директивани бажариш шахсан Г.П.Матсон зиммасига юклатилди.

Натижада Москванинг Ўрта Осиё Бюросининг кўрсатма ва талаблари асосида Ўзбекистон КП(б) МҚ прокуратура ва ГПУ билан биргаликда республика бўйича қулоқ қилиш, сургун қилиш бўйича йигирма кишидан иборат, 6 августда эса беш кишидан иборат ўз вакилларини тасдиқлаб, уларни махсус йўриқнома билан жойларга юборди. 1931 йил 23 август соат ўнгача Жарқўрғон туманида 50 та қулоқ хўжаликлари қўлга олинди. Хуллас, 1931 йил августдаги операция натижасида Термиз оператив сектори (Жарқўрғон, Сариосиё ва Денов туманлари) бўйича 100 хўжалик (482 жон) Ўзбекистон Республикаси бўйича жами 3795 та хўжалик (17839 жон), Ўрта Осиё бўйича эса 5681 та хўжалик (27745 жон) қулоқ қилиниб Шимолий Кавказга сургун қилинди.

Ўзбекистонлик кўчирилганлар Шимолий Кавказда асосан ғаллачилик, пахтачилик ва қўйчилик билан машғул бўлдилар. Улар 1934 йилгача ўша ерда яшаётганларида СССР МИҚнинг 1934 йил 27 майдаги «Меҳнат кўчкиндиларининг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида» ги Қарорининг чиқиши натижасида кўплаб меҳнат кўчкиндилари озод қилиниб, ўзларининг аввалги доимий яшаш жойларига қайтиб кела бошладилар. 1934 йил 1 ноябрига қадар Шимолий Кавказ ўлкасидаги 1698 нафар меҳнат кўчкиндиларининг ҳуқуқи тикланиб, улардан 399 киши меҳнат посёлкасида қолиб, қолганлари ўзларининг аввалги яшаш жойларига қайтиб келдилар. Аммо озод қилиш жараёни кўп ўтмай тўхтаб қолди. Фақат сургун қилинганлар собиқ «қулоқ» ларнинг бир қисми 1944 йилда, аксари қисми эса 1945-1946 йиллардагина ўз она юртларига қайтиб келдилар.

1930 йили Жарқўрғоннинг Тўпқора участкасида «Хўжалик», «Бирлик», «Пўлат» ва «Шарқ» номли жамоа хўжаликлари бирлаштирилди. 1930 йилга келиб Бозор Кокайди қишлоқ кенгашига қарашли «Қизил юлдуз» ва «Қизил Қаҳрамон» жамоа хўжаликлари ҳам бирлаштирилиб «Қизил юлдуз» жамоа хўжалиги деб ном берилди. 1931 йили «Қизил юлдуз» номли жамоа хўжалигида яна иккита жамоа хўжалиги янгидан ташкил этилди. Раисликка Сайфи Мардаев, қишлоқ кенгаши раислигига Тошпўлат Ойназаров сайланди. Жамоа хўжалигида иккита бригада тузилди. 1930 йил кузигача Жарқўрғон туманидаги 36 та жамоа хўжалигида 2435 хўжалик бўлган бўлса, кузда яна қўшимча 1548 хўжаликни ўзига бирлаштирган 28 та жамоа хўжалиги тузилиб, тумандаги жами деҳқон хўжаликларининг 69,4 фоизини ўзига жалб этди. Вилоятимизда ингичка толали пахта биринчи марта 1932 йилда Жарқўрғон туманида 281,5 гектар ерга экилиб, шу йили 63 тонна ҳосил олинди.

Ўзбекистонда олтита МТС (Машина Трактор Станцияси) 1930 йилда тузилган бўлиб, шунинг биттаси Сариосиё туманида ташкил этилди. 1933 йилга келиб Сурхондарёда ўртача бир МТС ихтиёрига 56 та трактор тўғри келди. Совет давлати қишлоқ хўжалигининг моддий-техникавий таъминотини яхшилаш мақсадида қатор амалий ишларни бажариб механизатор мутахассисларни тайёрлашни кўпайтириш, олий ва ўрта маълумотли муҳандис

ходимларни етказиб бериш ва уларнинг илм олишларига алоҳида эътибор берилди. Айниқса, жамоа хўжаликларига техникавий ёрдамни кучайтириш кун тартибидаги муҳим масала қилиб қўйилди. 1932 йилда Жарқўрғонда МТС ташкил қилинди. Туман марказида жамоа хўжаликларининг раҳбар ва аъзоларидан кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашга катта эътибор берилди. Жамоа хўжаликларида кўпгина кишилар МТСда очилган курсларда ўқидилар. «Пахтаобод» жамоа хўжалигидан А.Қурбонов, С.Зиёев, «Бауман» номли жамоа хўжалигидан Қ. Ойназаров, Р.Тўраев, С.Йўлдошев, Х.Тўраев, Х.Эрназаров, А.Мамаюсупов, Т.Ойназаров, И.Бакировлар Жарқўрғон МТСи ҳузуридаги 10 ойлик курсда ўқишиб, агроном ҳисобчи, иқтисодчи ва тракторчи мутахассисликларини эгаллашиб ўзлари яшаётган қишлоқларига қайтдилар. Н. Аликулов, Эрназаров, Пирназаров, Б. Эсонқулов Москва шаҳрига олти ойлик курсларга ўқишга жўнатилди. Бу соҳада қўшни «Қизил юлдуз», «МОПР», »Меҳнат-роҳат», «Тельман» ва «Охунбобоев» номли жамоа хўжаликларида ҳам ана шундай ибратли ишлар амалга оширилди.

Жарқўрғон МТСида ташкил қилинган қисқа муддатли тракторчилар курсини собиқ «Партия XXII сьезди» жамоа хўжалигидан Узоқ Жумаев, Аваз Абдураҳмонов, Абдурасул Мамарасулов кабилар ҳам тугатдилар. Қишлоққа МТСдан тракторни Бурков деган рус йигити бошқариб келди. У қишлоқ аҳлига анчагина ерни ағдариб кўрсатгач, туман МТСида ўқиб таълим олиб келган Узоқ Жумаевга топширди. 1933 йилга келиб, деҳқонлар талабига кўра хўжалик яна қайта бўлинди. «Большевик», «Маданият» ва «Имконият» номли жамоа хўжаликлари қайта тикланиб, мустақил фаолият юрита бошлади. 1933 йилнинг охирига келиб, Жарқўрғон туманида мавжуд 6511 деҳқон хўжалигидан 4206 нафари жамоа хўжаликларига аъзо бўлиб кирди. Туманда жамоалаштириш ишлари 64,6 фоизни ташкил қилди. Бу юқоридаги рақамлар жамоа тузумининг сунъий тарзда тезлаштирилишидан дарак берар эди.

Давлат бу жамоа хўжаликларига ҳар томонлама ёрдам бериб турди. Чигит экишни юз фоиз уддалаган жамоага нормадан ташқари дон, ёғ, чой, қанд, гуруч ва бошқа маҳсулотлардан бериб борилди. Бу эса жамоа тузумининг мустаҳкамланишида катта аҳамиятга эга бўлди. 1933 йилга келиб «Большевик»

жамоа хўжалигига жами 60 хўжалик бирлашган бўлиб, кўпроқ майдонда пахта етиштирилди. Жамоада ферма ташкил этилди. Жамоа ерлари ҳўкиз ва отларга қўшилган омочлар ҳамда МТС тракторлари ёрдамида ҳайдалди. Араваларда маҳаллий ўғитлар чиқарилди. Натижада ўша йили давлатга ғалла топшириш режалари ошиғи билан бажарилди. 1935 йилда «Бауман» номли жамоа хўжалиги ҳаётида ҳам муҳим янгилик рўй берди. Шу йили биринчи марта »ХТЗ», »ЧТЗ» ва «Универсал» номли тракторлар бу жамоа хўжалигига олиб келинди.

Бу тракторларни жамоа хўжалигининг тракторчилари яьни жамоанинг биринчи қалдирғочлари бўлган Олтибой Кунаров, Ихтиёр Фармонов, Ортиқ Исмоилов, Абдувоҳид Болтаев ва Холиқ Йўлдошевлар бажардилар. 1937 йилда «Қизил Юлдуз» жамоа хўжалигига пахтачилик устаси, бригада бошлиғи Тошпўлат Ойназаров раис, Абдулла Мамаюсупов бошланғич партия ташкилотининг котиби (секретари) килиб сайланди. Жамоа хўжалиги ихтиёрида 1480 гектар ер бўлиб, шундан 75 гектарида пахта, 50 гектарида ғалла, 48 гектарида беда, 4 гектар ерда полиз маҳсулотлари етиштирилди. 8 гектар ерда боғ барпо қилинди. Жамоа хўжалиги шу йили ҳар гектар ердан 10-12 центнердан пахта ҳосили олиб, давлатга топширди. Шунингдек, 12 центнер ғалла, 2 тонна гўшт, 3 тонна сут, 1,5 тонна жун, 200 дона тухум етказиб бериб йиллик режани бажарди. Жамоа хўжалигининг иқтисодий қуввати ошиб, давлатдан кўшимча равишда иккита от плуги, иккита от сеялкаси, иккита от культиватори, иккита от плуги ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари сотиб олинди. Бундай катта ўзгаришлар қўшни «Қизил Юлдуз», «Охунбобоев», «Большевик», «Пахтаобод» ва «Тельман» номли жамоа хўжаликларида ҳам рўй берди. Жамоа хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб борди.

Тумандаги Қорақурсоқ қишлоғидаги тўртта жамоа хўжалиги 1936 йили қайта бирлаштирилиб, унга «Сталин» номи берилди. Хўжалик раислигига шу пайтгача «кооператив» жамоа хўжалигида комсомол ячейкаси котиби (секретари) бўлиб келган Холмурод Омонов раис қилиб сайланди. Хўжаликнинг умумий ер майдони 500 гектарга яқинлашиб қолди. Шу йили жамоадаги мавжуд тўртта бригада, ўн олтита звено ўртасида меҳнат

мусобақалари кенг авж олдирилди. Жамоада ўша йили ғалладан 11 центнер ўрнига, 20 центнердан ғалла ҳосили олинди. Ҳайит Хўжақулов бошлиқ звено 30 центнерлик маррага эришди. «Сталин» номли жамоа хўжалиги ўша йили 1 миллион 200 минг сўм даромад қилди ва вилоятда саноқли бўлган миллионер хўжаликлар сафига қўшилди. Бу эса аҳил бўлиб иш кўрсатган жамоа хўжалиги азаматларининг руҳини янада кўтариб юборди. келгуси йили улар тағин ҳам кўпроқ куч-ғайрат сарфлаб, меҳнат қилдилар. Натижада жамоа икки миллион икки юз минг сўмлик даромад олишга эришди. «Социализм» номли жамоа хўжалиги 1938 йили экин майдонларининг ҳар гектаридан бир миллион сўмдан даромад килгани учун «Миллионер колхоз» деган ном олди. Минор қишлоқ шўроси ҳудудидаги «Янги куч» жамоа хўжалигида Холиқ Сафаров раислик килган йилларда яъни 1939 йилда жамоа хўжалиги мусобақа ғолиби бўлиб, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмаси дипломига сазовор бўлди.

Бу ўтган йилларда туманда янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган экин майдонларини тубдан яхшилаш масалаларига ҳам жиддий эътибор бериб борилди. Узунлиги 76 километр бўлган Қумқўрғон (1932 йил) канали қуриб ишга туширилди. Узунлиги 23 километр бўлган Кокайди канали ҳар йили тозалаб борилди. 1929-1930 йилларда Занг канали қурилиши учун 1,5 миллион сўм сарфланди. Муҳими туманда амалга оширилган ана шундай турли тадбирлар натижасида пахта ҳосилдорлиги ўсиб, суғориладиган ерлар ва лалми экин майдонлари кенгайиб, янги агротехник экиш усуллари ҳамда янги пахта навлари яратилди.

Бугунги кунда баъзи ерлардаги жойлар атамаларининг сақланиб қолганлиги ана шу юқоридаги тарихи келтириб ўтилган жамоа хўжаликлари ва сув иншоотларини амалга оширган кишилар номлари билан ҳам боғлиқ. «Иттифоқ», «Соқчи», «Ижтимоият», «Қаноат», «Пахтаобод», «Қизил Қаҳрамон», «Тельман», «Исмоилтепа» каби. Туманимиз ёшлари бу атамаларнинг келиб чиқиши билан қизиқишса бутун бир жамоалаштириш, суғориш даври қизғин меҳнат курашлари даврига дуч келадилар.

Жарқўрғонда саноат қурилиши ва уни амалга ошириш муаммолари (1920-1940 йй)

Республика халқ хўжалигини тиклаш жараёни давом этаётган бир даврда мамлакат марказий органлари 1925 йили мамлакатни саноатлаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти ривожланган замонавий саноатни вужудга келтиришга тўла - тўкис боғлиқ эди. Бу мақсадга тез муддатда эришишнинг аниқ йўлларини ишлаб чиқиш талаб этилар эди. Мамлакатнинг яккаланиб қолгани чет эл капитали келишига умид боғлашга имкон бермас эди. Фақат биттагина имконият бор эди. Бу ҳам бўлса ички жамғармаларни тўплаш ва мамлакатнинг ўзидаги маблағлардан ва хом ашёлардан бир мунча оқилона фойдаланиш масалалари эди.

Жарқўрғон тумани саноати ҳақида гап кетганда иккинчи жаҳон урушигача бўлган йилларда маьлум бир ижобий ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

Вилоятда 1920-1930 йилларда янги саноат корхоналари қурилиши билан бир қаторда, халқ талабини қондириб келаётган майда ҳунармандчилик корхоналарини тиклашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Ўша даврда майда саноат корхоналарини қайта тиклашга эътибор берилишининг ўзига хос сабаблари бор эди албатта. Чунки бу корхоналар қуйидаги энг муҳим асосий вазифаларни адо этар эди:

А) йирик саноат корхоналари бўлмаганлиги сабабли аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондирди;

В) қишлоқнинг саноат махсулотига бўлган талабини, маьлум даражада бўлса-да, қондиргани ҳолда, қишлоқ хўжалигининг ривожига ижобий таьсир кўрсатди.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ жоизки, Сурхондарёдек чекка вилоятда ҳунармандчилик саноати ишлаб чиқариши ўзининг алоҳида ўрнига эгадир. 1920 - йилларда вилоятга фабрикада тўқилган матоларнинг кам олиб келиниши натижасида аҳолининг Бойсун ва бошқа туманларидаги тўқувчи ҳунармандларнинг ишлаб чиқарган матоларига бўлган талаби бир неча бор

ортган эди. Маҳаллий ҳунармандлар аҳолининг пахта матоларига бўлган талабини қондирибгина қолмасдан, балки Россияга ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилганлар. Ўзбекистон ва унинг жанубий вилоятларида ҳунарманчилик саноатини ривожлантириш тўғрисида 1929 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президиумининг қабул қилган қарорида: ҳунармандчилик саноатининг аҳволини яхшилаш ва унинг фаолиятини юқори даражага кўтариш, ҳунармандларга камёб маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш ва Ўзбекистонда ҳунарманчиликни кооперациялаштиришни 35 фоизгача қамраб олиш ҳақидаги вазифани қўйди. Шу қарорга асосланиб, 1929-1930 йилларда Сурхондарё округи туманларида янги ҳунармандчилик артеллари ташкил қилина бошланди. 1929 йилда Жарқўрғон туманида «Қизил аскар» номли транспорт (аравакашлик) ҳунармандчилик артели ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Дастлабки саноат биринчи саноат ячейкаси “Qizil askar” деб номланиб, у 1929 йилда ишга туширилган. Дастлабки ғишт завод эса 1935 йил ишга туширилган.

1933 йилда геолог Н.П. Туаев тавсиясига кўра Ховдак майдонида биринчи марта разведка мақсадида қазиш ишлари бошлаб юборилди.1934 йилнинг 6 февралида 158 метр чуқурликдан нефть отилиб чиқди ва бу қудуқдан суткасига 100 тонна нефть қазиб олина бошланди Ўша йили яна тўртта нефть қудуқлари қазилиб, ҳар бир қудуқдан суткасига 75 - 100 тоннадан нефть қазиб олина бошланди. 1934 йил 14 сентябрда академик И. М. Губкин Сурхондарё округи газетасида «Ўрта Осиё нефти учун» номли мақоласида шундай деб ёзган эди: «Ховдак фақат нефть чиққанлиги учун машҳур бўлиб қолмасдан, балки у Ўрта Осиё нефти тарихида янги саҳифа очади ва у биз учун бундан кейин бошқа жойларда ҳам нефть маконларини излаш ва очиш учун хизмат қилади». Ҳақиқатдан ҳам Ховдак нефть конидан кейин Учқизил, Кокайди, Лалмикор, Жайронхона ва бошқа жойларда ҳам янги нефть конлари аниқланди. Мавжуд нефть конларида ишларни яхши йўлга қўйиш учун 1936 йилгача Сурхондарё нефть конлари «Средазнефть» таркибида бўлган бўлса, 1936 йилдан бошлаб «Ворошиловнефть» трести ташкил этилди. Сурхондарё геологларининг ҳисоб -

китобларига қараганда вилоятимиз энг кам ва нодир ҳисобланган металлар, вольфрам, молибден, симоб, уран, ванадий, кумуш ва олтинга бой воҳа ҳисобланади.

Жарқўрғон тумани марказидан шарққа томон Сурхон дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Кокайди майдонларида 1937 йилдан қидирув ишлари бошланди. 1939 йили Кокайдидаги иккита қудуқдан нефть олинди ва 1940 йили Кокайди нефть кони очиб ишга туширилди ҳамда бу ерда ҳам саноат нефти қазиб чиқариш йўлга қўйилди. Сурхондарё округи нефть конларида ишчилар етишмаслиги муаммоси вужудга келди. Бунинг бош сабаби Сурхондарё воҳаси аҳолиси учун бу мутахассислик ҳали янги касб бўлиши, бу нефть қудуқларининг узоқ жойларда (асосан чўл жойларда) очилганлиги, ётоқхоналар ва бошқа шарт - шароитларнинг йўқлиги ҳам бу нефть корхоналарини кадрлар билан таъминлашга халақит берар эди, амалда эса бу ишларни ҳал қилиш учун анчагина ишлар олиб борилди.

Жарқўрғон тумани комсомол қўмитаси Ховдак ва Учқизил нефть конларини ишчилар билан таъминлашга ўз аъзоларидан 200 нафар кишини, Бойсун тумани 30 нафар, Шеробод тумани 8 нафар, еттита туман касаба қўмиталари эса 58 нафар комсомолларни Ховдак ва Учқизил нефть конларига ишга юбордилар. Бироқ бу юборилган кишилар ҳам ишлаш учун шароитларнинг йўқлиги туфайли қайтиб келдилар. Шундай қийинчиликларга қарамасдан Ховдак ва Учқизил корхоналарида кўп миқдорда нефть қазиб чиқарила бошланди. 1939 йилда фақат Ховдак нефть конининг ўзидан 1938 йилга нисбатан уч марта кўп нефть қазиб олинди. 1939 йилда Кокайдидаги иккита янги нефть конидан саноат нефти олинди. 1940 йил Ўзбекистон Республикасининг нефтчилари мамлакатга 119 минг тонна нефть етказиб берди.

Ховдак нефть саноати ходимлари «Ворошилов нефть» трести стахановчиларининг йиғилишида йиллик ишлаб чиқариш режасини 1940 йил 15 декабргача юз фоизга бажариш мажбуриятини олди. Улар йиллик режага қўшимча яна 1600 тонна нефть ишлаб чиқаришга эришишни ўз зиммаларига олдилар. Ховдак нефть кони жамоаси 1935-1940 йилларда жами шу беш йил

ичида мамлакатимиз саноати учун 885540,0 минг тонна саноат нефти қазиб чиқаришга эришиб мавжуд қийинчиликларга қарамасдан катта муваффкиятларни қўлга киритдилар.

Вилоятни саноатлаштириш йилларида бу борада анчагина катта ишлар қилинди, бундан кўз юма олмаймиз албатта, аммо бу йилларда юкорида айтганимиздек қўпол хатоларга ҳам йўл қўйилди. Ишчилар синфининг моддий манфаатдорлиги, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиш бобида жиддий нуқсон ва бузилишларга ҳам йўл қўйилди. Корхоналарда ишчилар деярли уй- жой билан таьминланмаган,ётоқхоналари ҳам талабга жавоб бермас эди. Шунинг учун ҳам ишчилар қўнимсизлиги бу саноат корхоналарида анчагина юқори эди. Саноат корхоналарида мана шундай ҳолатларнинг юзага келишига ўша даврда олиб борилган сиёсат ҳам маьлум даражада сабабчидир.

Шунга қарамасдан, аста - секинлик билан бўлса-да, туманда ва воҳада янги саноат корхоналари барпо этила бошланди. Энди, галдаги вазифа воҳани электрлаштириш эди. Чунки янги қурилаётган саноат корхоналарини электр энергияси билан таьминлаш муаммоси юзага кела бошлади. 1933 йилга келиб иккинчи беш йиллик (1933-1938 йй) даврида Сурхондарё округида саноат корхоналари сони ҳам ўсиб борди.

Саноат корхоналари сонининг ўсиб бориши Сурхондарё округида янги электростанцияларни қуриш эҳтиёжини келтириб чиқарди. 1933 йилнинг 23 мартида Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлиги ўзининг қабул қилган 6- сонли қарорида эскириб қолган катерпиллер типидаги иссиқлик энергияси тарқатувчи дизель тракторларни қайта жиҳозлаш, электр энергиясидан фойдаланиш имконини бермаслигини назарга олиб Қумқўрғон ГЭС ини қуриш ва бош қурилишнинг зарурийлигини текшириш ва асослаб беришни Марциновичга топширди.

Шу билан бирга Ўзбекистон КП (Б) Марказий Қўмитаси ва Ўэбекистон ССР Халқ Комиссарлигининг 1933 йилда қабул қилинган 122 - сонли қарорида Қумқўрғон ГЭСи қурилишига Главхлопкомнинг техника кенгаши томонидан 1930 йил 1 июлда тасдиқланган лойиҳаси асосида, 1931 йилга келиб, ҳали ГЭС қурилишини иқтисодий ва техник жиҳатдан давом эттиришни Президиум

йиғилиши нотўғри деб топди ва ВТЭСХ ва «Ўзсовхлопка» ташкилотидан қурилиш ишларини тезда тўхтатиш таклиф қилинди. Шу тариқа Қумқўрғон ГЭС и қурилиши 1943 йилга қадар тўхтатиб қўйилди. Лекин иш ва турмуш шароитлари оғир бўлишига қарамасдан, туман ишчилари юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилиб, стахановчилик, изотовчилик ҳаракатларига фаол қўшилдилар.

1936 йил апрелига келиб Сурхондарё округида кўп тармоқли ҳунармандчилик иттифоқи ташкил қилинди. Бу эса округда барча майда ҳунармандчилик артелларини бир марказдан бошқариш имконини берди. 1936 йил сентябрида Жарқўрғонда «Путь Стаханова» номли ҳунармандчилик артели ташкил қилинган бўлса, 1938 йилда туманда ташкил қилинган «Янги турмуш» номли ҳунармандчилик артели қурилиш материаллари: металчилик, силикат-керамикаси, кўнчилик, тикувчилик, озиқ-овқат, маданий саноат, ёғочни қайта ишлаш, умумий овқатланиш ошхоналари ва ҳар хил саноатчилик машғулотлари яьни ўн хил турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, йиллик режа бўйича жами 1077,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, йиллик режани 677,8 фоизга бажаришга эришди. 1939 йилда артелнинг йиллик ишлаб чиқариш режаси 79 фоизга бажарилди холос. Бу йиллик режанинг бажарилмай қолишининг сабаби, маҳаллий хом ашёдан етарлича фойдаланмаслик, округ ҳунармандчилик иттифоқи томонидан шакар, ун, кўн хомашёси ва бошқа маҳсулотларнинг ҳам ўз вақтида артелга етказиб берилмаганлиги йиллик режанинг бажарилишига тўсқинлик қилди.

«Янги турмуш» номли ҳунармандчилик артелининг 1940 йил 11 мартда бўлиб ўтган йиғилишида артелнинг 1939 йилдаги ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилиб чиқилди. Йўл қўйилган хато ва камчиликлар ўрганиб чиқилиб, бу камчиликларни тузатиш учун бундан кейин артелда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда ғишт заводи, арава ишлаб чиқариш, кулолчилик нуқталарини очиш ва этикдўзлик, темирчилик цехларини кенгайтиришга эьтиборни қаратишга келишиб олинди. Натижада ана шу саьйи ҳаракатлар туфайли «Янги турмуш» ҳунармандчилик артели 1940 йили 325,8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб йиллик режани 198,7 фоизга бажаришга эришди.

«Қизил аскар» номли транспорт артели эса 1940 йили 832,4 минг сўмлик иш бажариб, йиллик режани 80,4 фоизга уддалади холос.

Умуман олганда, бу йилларда округ ҳунармандчилик иттифоқи таркибида бўлган бундай ҳунармандчилик артеллари саноат корхоналарига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, халқнинг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондирдилар. Аҳолининг ва давлат муассасаларининг маданий турмушини яхшилаш мақсадида, 1935 йилда туманда ғишт заводи қурилиши бошлаб юборилди. 1937 йилга келиб бу ғишт заводида эллик нафар ишчи иш билан таъминланди. Ғишт заводи туманда мактаблар, боғчалар, касалхоналар ва бошқа муассасалар қуришда ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Воҳамиз ва туманимиз ишчилари ана шу саноатлаштириш ишларини амалга оширишда ўзларида куч ва матонат топа олдилар. Воҳа ва Ўзбекистонимиз саноатининг ривожига ҳар бир туман фуқароси ўзининг амалий иши билан жавоб беришга ҳаракат қилди ва бунга маьлум даражада эришди ҳам.

Жарқўрғон халқ маорифи тараққиёти ва маданияти соҳасида эришилган ютуқлар ва муаммолар. (1920-1940 йиллар)

Ўзбек халқи азал-азалдан билимга интилиб, маданий меросни доимо қадрлаб келган. Октябрь тўнтариши (1917 йил 25 октябрь) дан аввал катта маданий ишлар олиб борган жадид деб аталмиш зиёлилар халққа ёрдам бериш учун маориф соҳаси, мактабларда ишлаб, ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Бу жараёнлар аввало дарслар она тилида олиб бориладиган I (беш йиллик таьлим) ва II(тўрт йиллик таьлим) босқич мактабларини очиш ва уларни дарсликлар, ўқув қуроллари билан таьминлаш, маориф институтлари, ўкитувчиларни тайёрлаш курслари ва бошқаларни ташкил этишдан иборат бўлди.

1920-йилларнинг биринчи ярмида Сурхон воҳасида ҳам маданий ҳаёт янгилана бошлади. Илм - фан ва маорифни азалдан эьзозлаб келган халқ оммаси ўзининг асрий аньаналарига амал қилиб, мактаб ва маориф ишига амалий ёрдам бериб келди. Аҳолининг саводхонлик даражасини кенгайтириш ўша даврдаги асосий вазифа эди. Ана шу вазифани бажариш мақсадида Сурхон воҳасида ҳам саводсизликни тугатиш мактаблари иш бошлади.

Олдин Жарқўрғон биргина жойда эски мактаб бўлган. Хозирги район мол дўхтири бинолари ўрнида ерли миллатдан Эшмурод деган киши Бухоро мадрасасига ўқишга боради. Уни битиргандан кейин домла бўлиб қайтади. Домла Эшмуродов биродарлик қабристонига биринчи дафн этилган киши ерли миллат болаларини йиғиб кетади. Таълим-тарбия беради кейин, бошқа қишлоқларда кичик-кичик эски хужралар очади.

Жарқўрғон райони ҳудудига Жалойир, Юқори Какайди, Корсакли, Жонбош, Қумқўрғон, Ангор, Занг, Лойканд, Коракир ва бошқа қишлоқлари қарар эди. Ўша пайтларда 1,2 та бошланғич синфлар очилган эди. Бошланғич синфларга бир ойлик, уч ойлик, олти ойлик, бир йиллик курсларни битирган муаллимлар дарс берар эди.

1926-1928 йилларда аҳоли маблағлари ҳисобига ҳашар йўли билан Жарқўрғон туманида янги мактаб бинолари қурила бошланди. Бу эса округда мактаблар сонининг ўсишига олиб келди.

1926- йилда Жарқўрғон туманида биринчи замонавий мактаб очилиб, унда дастлаб ўн икки нафар киши ўқий бошлади ва уларга Ёкубжон Солижонов деган ўқитувчи ўзининг дастлабки сабоқларини бера бошлади. Сурхондарё округи кенгашининг 2 (1927 й) ва 3 (1928 йил) сьездларида округ аҳолисининг аксарияти ўқишга тортилмай қолаётганлиги қайд қилинди. Шу даврда округда мактаб ёшидаги болаларнинг 9,8 фоизи мактабга жалб қилинган эди, холос. Бу ҳолат округда ва туманда маориф соҳасида ҳали ниҳоятда катта муаммолар мавжуд эканлигидан далолат берар эди. Жарқўрғон туманининг Сурхон жамоа хўжалигида 1930 йилда маориф жонкуяри, тажрибали талабчан раҳбар, Аҳмаджонов ташаббуси билан Сурхон қишлоғида ҳозирги 3-сонли ўрта мактаб қўрилиши бошланиб, ҳашар йўли билан мактаб қурилиш бошланиб, 1937 йилда мактаб ишга туширилди. Мактаб 7 йиллик бўлиб, 154 нафар ўқувчи таълим олиб, турли хил миллатлари яшаганлиги туфайли ўзбек ва рус гуруҳлари ташкил этилди. Мактабнинг илк ўқитувчилари Бўриев ва Фозилов Яраш лк ўқитувчилари бўлиб, биринчи мактаб директори Новикова раҳбарлигида мактабда таълим тарбия ишларини болиб бордилар. 1937-1950 йилларда мактабга тарих фанидан Файзиев, рус тили ва адабиётдан Н.Карсаус, француз тилидан И.Алексиева, дарс бердилар. 1930- йилларда саводсизликни тугатиш ва мактаблар сонини кўпайтириш ҳамда ушбу мактабларга мактаб ёшидаги болаларни жалб қилиш ишлари кенг кўламда олиб борилди. 1936-1937 ўқув йилида округда 26246 нафар ўқувчиси бўлган 107 та бошланғич ,120 та етти йиллик, 5 та ўрта мактаб ишлаб турди. Афсуски, мактабларнинг моддий- техник таьминоти қониқарсиз, дарсликлар ҳамда малакали ўкитувчилар етишмас, ўқув дастурлари ва тарбиявий ишлар ўта даражада сиёсийлаштириб юборилган эди. 1934 йилда Жарқўрғон туманидаги 170 нафар ўкитувчидан атиги олтитасигина олий маьлумотга эга ўқитувчилар эди холос.

Туманда жамоа хўжаликларининг ташкил этилиши ва уларнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бориши, жамоа маданий қурилиши соҳасида ҳам

бир талай ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида деҳқонларнинг фарзандлари ҳам янги очилган мактаб биноларида таҳсил ола бошладилар. 1937 йили Кокайди қишлоқ кенгашидаги «Правда» газетаси номли мактаб қарамоғида Чангоёқ қишлоғида (ҳозирги»Қаҳрамон» маҳалласи) иккита бошланғич синф иш бошлаган эди. Бу синфларнинг ўкитувчилари Пўлат Дўланов ва Ҳасан Турсунқуловлар эдилар. Ана шу ҳар бир синфда йигирма тўрттадан ўкувчилар ўқидилар. 1930 - йилларнинг бошларида «Сталин» номли жамоа хўжалиги аьзолари фарзандларининг ҳам деярли кўпчилиги мактабга тортилди Агар мактабда кундузи ўқувчилар таьлим олсалар, кечқурунлари уларнинг ота-оналари, ёши катта кишилар ҳам келиб таьлим олдилар. Саводсизликни ва чала саводлиликни битириш курсида Абдураим Самадов қишлоқдошларига бошланғич билимларни ўргатар эди. «Вақтим жуда оз эди, - деб эслайди Абдураим Самадов- чунки менинг ўзим ҳам кундузи туман марказидаги мактабга қатнаб, кечқурун эса ҳамқишлоқларимга савод ўргатар эдим». 1930 - йилларда «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалигида ҳам бешта бошланғич мактаблар бўлиб, уларда 1926-1940 йилларда 630 нафар киши таьлим олди. (Ҳозир шу хўжаликнинг ўзида еттита замонавий умумий ўрта таьлим мактаблари (2001йил) ишлаб турибди.

1930 - йилларнинг ўрталаридан бошлаб Кокайди қўрғонида нефть ва газ чиқиши муносабати билан бу ерда 1940 йили битта ФЗУ (Фабрика-завод билан юрти) очилди. Бу билим юрти воҳамиз нефть корхоналари учун кўплаб кадрлар етказиб бера бошлади. Улар ўз ота боболаримиз касбини эгаллаб муносиб ўринбосарлар бўлишди. Аммо иккинчи жаҳон уруши таьсири натижасида ўқувчилар етишмаслиги сабабли, бу билим юрти 1942 йили ёпилди. Туманда аҳолини саводли қилиш ва уларнинг маьнавий дунёқарашини ўстириш борасида мактаблардан ташқари маданий - маьрифий муассасалардан, кутубхоналар, клублар, кинотеатрлар, маданий истироҳат боғлари, агитпунктлар, матбуот органлари ва бошқа маьрифий масканларнинг ҳам ўрни катта бўлди. Маданият ўчоқларининг турли туман ишлари омманинг саводхонлигини ошириш, сиёсий жиҳатдан маьрифат беришга қаратилган эди. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда маҳаллий аҳолидан етишиб чиққан халқ

таьлими ходимлари ва маданият арбоблари алоҳида ўрнак кўрсатди. Аҳолининг маданий савиясини кўтаришда клубларнинг ўрни ниҳоятда катта бўлди. 1921 йилда Сурхон воҳасида бешта клуб, тўртта кутубхона ва қизил чойхона ташкил этилиб, омма орасида олиб борилаётган маданий- маьрифий ишлар анча жонлантирилди.

Бу даврда туманда ташкил қилинган клубда ҳар ҳафтада маьрузалар ташкил қилинди, шунингдек, газетхонлик ва савол-жавоб кечалари ҳам уюштириб турилди. Туманда ташкил қилинган жамоа хўжаликларида замонавий уй - жойлар қурила бошлади. Жамоа хўжаликлари маблағи ҳисобига мактаблар, магазинлар, омборхоналар, отхоналар ва шу сингари бошқа ёрдамчи бинолар қуришга ҳам катта эътибор қаратилди. Жарқўрғондаги Ховдак нефть конида 1934 йилдан бошлаб ишчиларга шароит яратиб бериш мақсадида янги бинолар қуриб ишга туширила бошланди. Ўзбекистон Халқ комиссарлари кенгашининг йиғилишида (1937 йил) нефть конларидаги ишчиларга маданий ва маиший хизматни яхшилашга қарор қилинди. Ховдакда болалар боғчаси очилди. Ўз ССР Халқ комиссарлигига нефть конларида мактаб очиш учун биноларни тайёрлаш, мактабни ўкув қуроллари билан таьминлаш топширилди. Ишчилар учун ошхоналар очиш таклиф қилинди. Савдо тармоқлари учун керакли озиқ - овқат, саноат моллари ва маданий моллар ажратилди. Ўзбекистон Халқ Комиссарлигининг кўрсатмаларига мувофиқ Ўзбекистоннинг асосий нефть базаларидан ҳисобланган Ховдак нефть конида йигирма хоналик касалхона ва битта боғча қурилиб ишга туширилди. Бунинг учун соғлиқни сақлаш комиссарлиги 190 минг 900 сўм харажат қилди. Шундай бўлса-да нефть саноати республиканинг зарурий эҳтиёжини қондира олмас эди. «Ворошилов» номли нефть трести корхоналарнинг нефть қудуқларидан тўлиқ фойдаланилмас, рационализаторларнинг илғор тажрибаларини қўллаш ишлари ҳам бу йилларда қониқарсиз даражада олиб борилди.

1938 йилда «Сталин» номли жамоа хўжалигида ёшлар ташаббуси билан қад кўтарган қишки клуб биноси қуриб битказилди. Унда асосий залдан ташқари кутубхона, бильярдхона ва ошхона ҳам бор эди. Ушбу клуб ёш авлодни тарбиялаш ишида муҳим роль ўйнай бошлади. Клуб жамоа хўжалигида

тузилган ҳаваскорлик жамоаси ихтиёрига бериб қўйилди. Клубда шунингдек, вилоят ва туман миқёсидаги йиғилишлар ҳам ўтказиб турилар, Тошкент ва Термиздан келган саньаткорлар ҳам катта концертлар кўрсатар эдилар. Бу ерга Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Саодат Қобуловалар бир неча мартадан келиб концерт берган эдилар. 1940 йили клубни республика раҳбарларидан бўлган Усмон Юсупов келиб кўриб юксак баҳо берган эди. Ушбу пахсадан қилинган клуб биноси 1970 - йилларга келиб талабга жавоб бермай қолди. (Ҳозирга келиб эса унинг ўрнига замонавий ёзги клуб биноси қуриб ишга туширилди).

Туман аҳлининг маьнавий дунёқарашини бойитишда туманда нашр этилаётган газетанинг ўзига хос ўрни мавжуддир. 1932 йил май ойидан Жарқўрғон тумани партия қўмитасининг нашри ҳисобланган «Чегара зарбдори» газетаси нашр қилина бошлади, худди шу газета нашри билан туман матбуотининг дастлабки дебочаси ташкил топди. Унинг саҳифаларида Сурхондарё округда биринчи бўлиб ипак пахта етиштириш ҳаракати бошланганлиги ҳақида маълумотлар берилди. Туман газетаси 1935 йилдан бошлаб «Ипак пахта учун» деган ном остида чоп этилган бўлса (демак, шу йилларда пахтанинг ингичка толали навини етиштиришга асосий эътибор кучайганлигини газетанинг номидан ҳам билиб олишимиз мумкин).

Хуллас,1920 - йиллар давомида туманда амалга оширилган маданий - маьрифий тадбирлар туманимиз аҳолиси ҳаётида туб ўзгаришларга олиб келди. Туман зиёлиларининг ҳам халқ оммасининг бунёдорлиги маьрифатга ташналиги асосида маданий - маьрифий ва бу соҳада олиб борилган юқоридаги тадбирлар, туман аҳолисининг маданий - маьрифий ва сиёсий онгининг ўсишида ўз самарасини берди.

Совет ҳокимияти йилларида Жарқўрғон қишлоқ хўжалиги (1920-1940 йй)

Большевиклар октябрь тўнтаришидан сўнг ҳокимиятни қўлга киритгач, ҳақиқий халқ ҳокимияти ва чинакам демократия ҳукмронлик қиладиган жамиятни барпо этишни ваъда қилган эдилар. Бу жамият кенг халқ оммасининг эҳтиёжларини қондириши, унинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим эди. Тарих тажрибасининг далолат беришича, халқ ҳокимияти ғояси бир гуруҳ инқилобий хаёлпарастларнинг ўйлаб чиқарган нарсаси эмас, балки мазлум «қуйи» табақаларнинг одамни одам эксплатация қилмайдиган, инсоннинг эркин камол топиши учун ижтимоий адолат тантана қиладиган ва тенг имкониятлар мавжуд бўладиган ижтимоий тузумни кўп асрлардан буён орзу қилиб келган интилишининг якунидир. Халқ ҳокимияти бу ўзини-ўзи идора қиладиган давлат бўлиб, унда ҳар бир кишининг эркинлик даражаси бошқарувда бевосита ёки вакиллик йўли билан иштирок этиши билан белгиланади. Халқ ҳокимияти бу маданиятли демократиянинг базали негизини ташкил этади, афсуски, большевиклар марксча назарий қоидаларга амал қилиб, илғор халқ ҳокимияти ғояларини ҳалокатли, мустабид тузумни барпо этишнинг мафкуравий қуролига айлантирдилар. Бухоро амирлиги даврида катта ҳарбий, иқтисодий, сиёсий мавқега эга бўлган Сурхон воҳасини советлар ҳукумати ўз қулида маҳкам сақлаб қолишга жиддий киришди. У оддий меҳнаткаш халқни зудлик билан ўз томонига ағдариб олиш мақсадида халққа бепул, ўйлаганидан ортиқча мулк ваъда қилиб, ишлаб чиқариш қуролига эга бўлмаган, ҳуқуқий гушунчаси йўқ, сиёсий билимларни етарли эгаллаб олмаган халқни ўз сиёсати чегарасига киритиб олади. Натижада совет ҳукумати миллий хусусиятларни чуқур ўрганиб, ички зиддиятлардан фойдаланишга, қариндош-уруғларни, миллий этник гуруҳларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ҳаракат қилади. Бундан сиёсий манфаатлар йўлида усталик билан фойдаланади. Миллатнинг фахри бўлган олиму фозиллар, йирик маҳаллий бойлар, ўткир зеҳнли дин вакиллари, маҳаллий халқ ўртасида ишбилармон, иш бошқарувчиликда кат-та обрўга эга бўлган нуфузли одамларни сиёсий ҳаёт йўналишидан олиб

ташлаш ва йўқотишга жиддий киришади. Бу сиёсат туфайли 20-йилларда воҳанинг минглаб аҳолиси қаттиқ сиқув остига олиниб, бир қисми қатағонлик сиёсати билан сургун қилиниб, иккинчи қисми эса қириб ташланади. Халқнинг асосий қисми эса қуруқ ваъдалар таъсири остида советларнинг нотўғри сиёсатига эргашиб кетади.

Собиқ совет ҳукумати ўзининг дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалигини янгича ташкил қилиш изидан бора бошлади. Бунинг учун совет ҳукумати тортиб олинган мол-мулк, экин майдонларининг бир қисмини халққа бепул тарқатиб, маълум бир қисм оммани ўз сиёсатига йўналтирди.

1924 йилнинг 12 июлида ВКП (б) марказий комитетининг "Ўрта Осиё Республикаларида миллий чегараланиш ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида Сурхондарё Ўзбекистон ССРнинг Бухоро вилояти таркибига округ сифатида киритилади. Орадан 2 йил ўтгач, яъни 1926 йилнинг 29 сентябрида Жарқўрғон туманлари ташкил топиб, 1926 йил Сурхондарё воҳасида 186433 нафар аҳоли, Жарқўрғон туманида эса 21387 нафар аҳоли истиқомат қилар эди. Жарқўрғон ҳудудига Сурхондарёнинг икки қирғоғидаги водий ва паст текислик зоналари киритилди, шунингдек, Жарқўрғон паст текислик зонаси ҳам киритилди. Сурхон воҳаси қишлоқларида ер-сув ислоҳоти ниҳоят даражада оғир- синфий кураш таьсирида бўлиб маҳаллий аҳоли ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли халқ хўжалиги катта зарар кўрди. Жарқўрғон туманидаги қишлоқларда бойларнинг мол-мулкини тортиб олиш ёки ер эгалари томонидан хўжаликларнинг мол-мулкини йўқотиш кучайди.

1925-1926 йилларда Сурхондарё округида 6 та мелиоратив, Оққўрғон, Дашнобод, Шоқишлоқ, Ҳазорбоғ, Жарқўрғон, Қорлиқ ширкатлари ташкил этилди ва ушбу ширкатлар жамоалаштиришнинг бошланғич палласини ташкил этди.

1926 йилда Жарқўрғон «Мелиоратив ўртоқлик уюшмаси»нинг кучи билан Занг каналининг бош қисмини тиклаш бўйича анча ишлар амалга оширилиб, 800 гектар янги ер ўзлаштирилди. Шунингдек, Сурхондарё бўйидаги Жалоир ва Оқтепа ариқлари ҳамда Жарқўрғон-Занг тўғони қурилиб ишга туширилди. Мавжуд мелиоратив хўжаликлар ва «Қўшчи уюшмаси»

томонидан Жарқўрғон кохозларни ташкил этишга жиддий киришилди. 1926 йилда Жарқўрғонда дастлабки қишлоқ хўжалик артели тузилди. Совет ҳукумати томонидан амалга оширилган ер-сув ислоҳоти маҳаллий аҳолининг жиддий қаршилигига дуч келди. 1929 йилдан эътиборан, жамоалаштиришни зўравонлик асосида яъни сунъий тарзда тезлаштириш бошланди. Бунга И.В.Сталиннинг 1929 йил 7 ноябр куни «Правда» газетасида эълон қилинган «Буюк бурилиш йили» мақоласи сабаб бўлди. Шундан сўнг янги ерларни ўзлаштириш, сунъий суғориш тизимини кенгайтириб, янги суғориш иншоотларини ишга тушириш соҳасида маълум тадбирлар амалга оширилди. Чунки Совет ҳукумати пахтага бўлган талабини қондириш мақсадида жиддий ёндошиб, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш иншоотларини қуриш зарур эканлигини англаб етган эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда суғориш ишларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги аниқ вазифалар ва тадбирлар ишлаб чиқилди:

Дастлабки хўжаликлар 1926 йилда тузилиб, “Қўшни” иттифоқига деҳқонлар бирлаша бошлайди.

1928 йилда Жарқўрғонда ташкил топган “Минор”, “Янги куч”, “Намуна” колхозлари ихтиёрида 4 та қўш ҳўкиз, 4 та ёғоч омоч, 4 та темир тишли омоч, 18 кетмон, 15 та бел, 8 та ўроқ бор эди. “Минор” артелга маҳаллий бойлардан ҳисобланган Чўнг аминнинг 200 гектардан ортиқ ери, 30 та оти, 50 дан ортиқ қора моли ва бир неча отар майда моли ўтказилди. Бу кичик колхозлар ўрнида кейин ягона “Коммунизм” колхози ташкил этилди.

Жарқўрғондаги Гарангтўқай, Оққўрғон, Заркамар ботқоқликлари ўзлаштирилиб, янги майдонларда деҳқон хўжаликлари ташкил этилди.

Какайди канали қайта таъмирланиб, 20 $м^3$Ғсек. Сув ўтказиш имконияти пайдо қилинди.

Собиқ совет ҳукуматининг ерларини жамоа ихтиёрига ўтказиш ташаббуси туфайли шахсий ва хусусий ер эгалиги тугатилиб, оммавий жамоа хўжаликларини тузиш кучайтирилди. Сурхондарёдаги жами деҳқон хўжаликларига 1926-1928 йилларда совет ҳукумати 1702 минг сўм микдорида пул ажратиб, 1927 йили 130 та хўжалик учун янги ерларни ўзлаштиришга

мўлжалланган «Қизириқ» ва «Занг« каналлари қурилишига 41450 сўм пул сарфланди. Деҳқонларга қишлоқ хўжалигини чуқур билиб олишга кўмаклашиш, ҳосилдорликни кўтариш, ерларнинг ҳолатини яхшилаш, экин турларини кўпайтириш, суғориш иншоотларини кўпроқ қуриш, ерларнинг шўрланишининг олдини олиш мақсадида, 1926 йил 1 апрелдан бошлаб Жарқўрғон туманида агроҳудуд бўлимлари вужудга келтирилди.

Жарқўрғон тумани ташкил этилган дастлабки йилларда бутун ўлкада ер-сув ислоҳоти, жамоалаштириш амалга оширилаётган эди. Жарқўрғонда ҳам дастлабки қишлоқ хўжалик коммуналари артеллар, “Қўшчи” уюшмалари тузилади. жамоалаштириш натижасида “Меҳнат роҳат”, “Чегаралик”, “Янги усул”, “Қизил соқчи”, “Чинобод”, “Маданият”, “Иттифоқ”, “Ижтимоят”, “Ёш куч”, “Деҳқон иттифоқ”, “Кооператив” номли кичик-кичик колхозлар тузилади. 30 йилларнинг ўрталарига келиб, туман ипак пахта етиштириб берувчи ҳудудга айлантирилади. Пахта етиштириш, хусусан, ипак пахта майдонларини кенгайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин.

Натижада кўплаб ер эгалари мажбурий тортиб олиш сиёсатидан қўрқиб, ўз мол-мулкини совет давлатига топширди ҳамда совет ҳукуматига хизматга ўтди. Лекин, 1926 йилдан бошланган сталинча социализм қуриш бошқа жойларда бўлгани каби Жарқўрғон туманида ҳам оғир кечди. Маҳаллий миллатнинг кўплаб фаол кишилари камоққа олиниб, туҳмат йўли билан қириб ташланди ёки қийноқ остига олиниб бошқа жойларга сургун қилинди. Сурхондарё округи Жарқўрғон тумани молия бўлими томонидан 1930 йил март ойида 134 та хўжалик «қулоқ» сифатида рўйхатга олинди. Бу хўжаликлар ичида йиллик даромади 150 сўм бўлган ва тўлайдиган солиқ миқдори 1 сўм 89 тийин бўлган хўжаликлар ҳам бор эди. Бундай ҳолат сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар рўйхатида ҳам мавжуд эди.

Юқорида қайд этганимиз каби бу сиёсат кўплаб бегуноҳ кишиларнинг хонавайрон бўлишига, эркинлигининг бутунлай йўқолишига олиб келди. Маҳаллий деҳқончиликни яхши биладиган тадбиркор кишилар, мироблар, ҳисобчилар жамоа хўжаликларини тузиш даврида халқ душмани сифатида

қувғин қилинди. 1929 йили хўжаликларни оммавий тузиш таъсирида йирик ер эгалари ихтиёридан воҳамизда 8995 гектар суғориладиган, 8049 гектар лалми ерлар, 646 от, 845 ҳўкиз ва кўплаб қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари тортиб олинди. Бу олинган нарсалар 4382 нафар ерсиз ва кам ерли камбағал деҳқонларга тақсимланди, округдаги 10,1 фоиз деҳқон хўжаликларига 11107 гектар суғориладиган, 4097 гектар лалми ерлар ва 1357 бош ишчи, ҳайвонларнинг барчаси бўлиб берилди.

1928 йил баҳор кунларининг бирида Гулҳовуз, Зартепа, Оқтепа, Қаришоҳ ва Ғур-ғур қишлоқлари аҳолисини йиғиб мажлис ўтказилди. Йиғилишда Минор артели тузилди. 1928 йил ёзида Қаришоҳ, Оқтепа, Кўртўқай, Зартепа ва Ғур-ғур қишлоқларида ҳам ана шундай артеллар тузилиб, уларга «Янги куч», «Соқчи», «Гулистон» ва «Намуна» деб ном берилди. Оддий деҳқонлардан Жума Тўхлиев, Қурбон Маматқулов, Чори Туропов, Хўжаёр Худойбердиев, Турдимурод Ортиқовлар артеллар раисликларига сайландилар. Ўшанда ҳар бир артел ҳисобида 120-150 гектардан ер бўлиб, асосан бу ерда пахта экилар эди. 1929 йил «Қишлоқ хўжалик иттифоқи» («Сельхозсоюз») давлат ташкилоти томонидан берилган 6-7 дона тракторлар «Қизил аскар отряди» номидаги гуруҳга бирлашиб, биринчи бор артеллар даласини ҳайдаб берди.

1928-1929 йиллар бошларида Бозор Какайди қишлоқ кенгаши тузилди. Қишлоқ кенгашига дастлаб Норбой Музропов, кейинроқ Норхол Шукурова сайланди. Шу йиллар ичида мазкур қишлоқ кенгашига қарашли қишлокларда «Қизил Юлдуз», «МОПР», «Й. Охунбобоев», «Куйбишев», «Қизил Қаҳрамон», «Пахтаобод», «Итифоқ» номли жамоа хўжаликлари давлат ёрдамида қишлоқ-хўжалик ускуналари сотиб ола бошладилар. 1928 йили май ойида тумандан Салмонов деган вакил келиб артел тузиш ҳақида мажлис ўтказди. Чангоёқ қишлоғи деҳқонларининг умумий йиғилишида беш кишидан иборат артель бошқармаси ва ушбу бошқарма раиси этиб Ҳожи Тоғайназаров сайланди. Қишлоқ хўжалик артелининг низоми (устави) ҳам қабул қилинди. Хўжаликка ҳамма ютуқ ва ғалаба иттифоқлик орқали келади деган мақсадда «Иттифоқ» деб ном берилди Артелга йигирма бешта хўжалик аьзо бўлиб кирди.

1929 йил айниқса кўплаб жамоа хўжаликлари ташкил топган йил сифатида тарихда қолди. Шу йили Лойканд қишлоғида «Социализм» жамоа хўжалиги (колхоз) тузилиб, унга Тоғаймурод Раҳматуллаев, »Карл Маркс» хўжалигига Тоғаймурод Райимов раис этиб сайланди. Жарқўрғоннинг катта Жинжак қишлоғида «Ўзбекистон» номли жамоа хўжалиги тузилиб Аликул Жонназаров унга раис қилиб тайинланди. 1929 йилнинг март ойида Юқори ва Қуйи Оққўрғон қишлоқларининг деҳқонлари бирлашиб жамоа хўжалиги туздилар ва унга «Миллий уйғониш» деб ном берилди. Унга Исмоил Исматов раис қилиб сайланди. Одина Аллашукуров, Ҳасан Тошқулов ва бошқалар биринчилар қаторида ана шу жамоа хўжалигига аьзо бўлиб кирдилар. Жамоа хўжалигининг 100 гектарга яқин ери бўлиб, у ерда тўртта бригада ташкил қилинди ва бу ерларда пахта, буғдой экила бошланди. 1929 йили Қорақурсоқ қишлоғида эса тўрт хўжалик «Кооператив», « Серҳаракат», “Район” ва “Янги усул” номли жамоа хўжаликлари ташкил этилди. Бу илк хўжаликларнинг биринчи раислари Бобо Эшназаров. Худойшукур Абдураҳмонов. Чори Нурматов кабилар эдилар. Ўша йили «Кооператив» жамоа хўжалигининг 160 гектар ер майдони бўлиб, шундан 110 гектарида пахта етиштирилди.

1929 йили Жарқўрғоннинг Кўртўқай кишлоғида ҳам жамоа хўжалиги ташкил этилди. Хўжалик дастлаб йигирма икки оиладан иборат бўлиб, унда саксон саккиз нафар жамоа аьзолари бор эди. Уларда 6 бош от, 200 бош қўй-эчки, 26 та эшак, 28та сигир мавжуд эди. Хўжаликда 2 та омоч, 26та белкурак, 28 та ўроқ ва кетмон билан 35 гектар суғориладиган ерга ишлов берилди. 1929 йили Кўртўқай қишлоғи деҳқонлари йиғилишида «Батрак» хўжалиги тузилиб, унга Искандар Жўраев раис бўлди. Хўжаликка 5 гектар обикор ер ,18 бош от, 12 бош ҳўкиз 22 та омоч, 150 бош кўй эчкилар ажратиб берилди. 1930 йилда хўжаликнинг номи «Меҳнат-роҳат» деб ўзгартирилди. Хўжаликда 110 гектар ерга пахта, 7 гектар ерга беда, 4 гектар ерга дон эқилди. 1933 йили хўжаликка раис этиб Норали Боймуродов сайланди. Хўжалик иқтисодий жиҳатдан кучли ривожланиб, Е.Я.Чикилдин, С.М.Твинлар хўжаликда агроном бўлиб ишладилар. Ҳосилдорликнинг ошишида Юнус Маматқулов бошчилигидаги

МТС бригадаси ва унга қарашли СХТЗ маркали ғилдиракли учта трактор, битта «Универсал» тракторининг хизмати катта бўлди.

XX асрнинг 30-йилларида Жарқўрғон районига қарашли ерларни суғорадиган Занг каналини қайта қуришдек йирик ирригация тадбирлар амалга оширилиб, Жарқўрғон туманида ҳам «Оқ-Қопчиғай» номли дастлабки давлат хўжалиги ташкил этилди. Ўзбекистон КП (Б) Марказий Қўмитасининг 1930 йил 28 январь ҳамда 18 февралда қабул қилган «Жамоа хўжаликларини оммавий тарзда тузиш тўғрисида»ги қарори асосида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Жарқўрғон ва Денов туманларида жамоа хўжаликларини тузиш, бу соҳада бўлаётган қийинчиликларни бутунлай тугатиш, чекка жойларда сақланиб қолган ер эгалигига якун ясаш каби масалалар ўз вақтида ҳал қилиб борилди. Қишлоқ хўжалиги-1930 йилга келиб туманда 64 та жамоа хўжалик фаолият юргизган. 1 марта ингичка толали пахта 1932 йилда экилган. Ўшанда 28,5 гектарга бундай пахта экилиб 63 тонна ҳосил олинган.

Бундан ташқари Жарқўрғон туманида 72 та йирик бой хўжалиги рўйхатдан ўтказилиб, мол мулки тортиб олиниб, ўзлари сургун ва қувғин қилинди. 1931 йилга келганда кўпгина қулоқ хўжаликлари катта миқдордаги қишлоқ хўжалик солиқларини тўлаш ва турли мажбуриятларни бажаришга қурби етмай хўжаликларини ташлаб қочиб кета бошладилар.1931 йил февраль ойида Ўз ССР Молия Халқ комиссарлигининг махсус бригадаси Қашқадарё ва Сурхондарё округларида текширув ўтказганида бу округдаги туманларда рўйхатга олинган «қулоқ» хўжаликларининг кўпчилиги Тожикистон Республикасига қочиб ўтиб кетганлиги аниқланган. Бу округларда катта миқдорда тўланмаган солиқ суммаси вужудга келган. Шу боис Молия Халқ комиссарлиги қочқинликда юрган қулоқларни тутиб келтириш ва маьмурий жавобгарликка тортиш масаласи юзасидан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) га махсус мурожаатнома юборган эди.

Бу ички сиёсатдан ташқари яна марказда ВКП (Б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси 1931 йил 20 июнда Ўрта Осиёдан қулоқларни кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди ва қулоқлар бўйича комиссия раиси СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари А.А.Андреев тақдим этган қарорни

ҳам тасдиқлади. Унда. а) Ўртоқ Бауманнинг (Бауман К.Я.-ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг биринчи котиби (1931-1934 йиллар) Ўрта Осиёдан олти минг қулоқ хўжалигини кўчириб, ундан уч мингини Украина ҳудудига, уч мингини эса Шимолий Кавказга кўчириш ҳақида С.Косиор (Косиор С.В.- ВКП(б) Украина Марказий Қўмитасининг биринчи котиби (1928-1938 йй) ва Шеболдаев (Шеболдаев Б.П.-Шимолий Кавказ ўлка партия қўмитасининг биринчи котиби (1931-1934 йй) лар билан келишилган таклифи маъқуллансин. Б) Бу қулоқ хўжаликларини Украина ва Шимолий Кавказга жойлаштириш ўртоқ Евдокимов (Евдокимов Е.Г-ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича ваколатли вакили (1931 йил) га топширилсин» дейилган. Ушбу қарор асосида Ягода ва Евдокимовлар Тошкентга ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакили Матсонга телеграмма йўллаб, телеграммада сургун қилинаётган ҳар бир оилада меҳнатга яроқли киши, оила бошлиғи бўлиши шарт қилиб қўйилди. Сургун қилинаётган ҳар бир оила камида уч ойлик озиқ-овқат заҳираларини, қишлик кийимларини, уй-хўжалик анжомларини ўзи билан бирга олишлари, меҳнатга яроқли қулоқлар қочиб кетмасликларининг олдини олиш учун ГПУ ходимлари бундайларни олдиндан, тахминан аниқлаб, уларнинг ижтимоий аҳволини пухта текшириб чиқишлари телеграммада кўрсатиб ўтилган эди. Ушбу директивани бажариш шахсан Г.П.Матсон зиммасига юклатилди.

Натижада Москванинг Ўрта Осиё Бюросининг кўрсатма ва талаблари асосида Ўзбекистон КП(б) МҚ прокуратура ва ГПУ билан биргаликда республика бўйича қулоқ қилиш, сургун қилиш бўйича йигирма кишидан иборат, 6 августда эса беш кишидан иборат ўз вакилларини тасдиқлаб, уларни махсус йўриқнома билан жойларга юборди. 1931 йил 23 август соат ўнгача Жарқўрғон туманида 50 та қулоқ хўжаликлари қўлга олинди. Хуллас, 1931 йил августдаги операция натижасида Термиз оператив сектори (Жарқўрғон, Сариосиё ва Денов туманлари) бўйича 100 хўжалик (482 жон) Ўзбекистон Республикаси бўйича жами 3795 та хўжалик (17839 жон), Ўрта Осиё бўйича эса 5681 та хўжалик (27745 жон) қулоқ қилиниб Шимолий Кавказга сургун қилинди.

Ўзбекистонлик кўчирилганлар Шимолий Кавказда асосан ғаллачилик, пахтачилик ва қўйчилик билан машғул бўлдилар. Улар 1934 йилгача ўша ерда яшаётганларида СССР МИҚнинг 1934 йил 27 майдаги «Меҳнат кўчкиндиларининг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида» ги Қарорининг чиқиши натижасида кўплаб меҳнат кўчкиндилари озод қилиниб, ўзларининг аввалги доимий яшаш жойларига қайтиб кела бошладилар. 1934 йил 1 ноябрига қадар Шимолий Кавказ ўлкасидаги 1698 нафар меҳнат кўчкиндиларининг ҳуқуқи тикланиб, улардан 399 киши меҳнат посёлкасида қолиб, қолганлари ўзларининг аввалги яшаш жойларига қайтиб келдилар. Аммо озод қилиш жараёни кўп ўтмай тўхтаб қолди. Фақат сургун қилинганлар собиқ «қулоқ» ларнинг бир қисми 1944 йилда, аксари қисми эса 1945-1946 йиллардагина ўз она юртларига қайтиб келдилар.

1930 йили Жарқўрғоннинг Тўпқора участкасида «Хўжалик», «Бирлик», «Пўлат» ва «Шарқ» номли жамоа хўжаликлари бирлаштирилди. 1930 йилга келиб Бозор Кокайди қишлоқ кенгашига қарашли «Қизил юлдуз» ва «Қизил Қаҳрамон» жамоа хўжаликлари ҳам бирлаштирилиб «Қизил юлдуз» жамоа хўжалиги деб ном берилди. 1931 йили «Қизил юлдуз» номли жамоа хўжалигида яна иккита жамоа хўжалиги янгидан ташкил этилди. Раисликка Сайфи Мардаев, қишлоқ кенгаши раислигига Тошпўлат Ойназаров сайланди. Жамоа хўжалигида иккита бригада тузилди. 1930 йил кузигача Жарқўрғон туманидаги 36 та жамоа хўжалигида 2435 хўжалик бўлган бўлса, кузда яна қўшимча 1548 хўжаликни ўзига бирлаштирган 28 та жамоа хўжалиги тузилиб, тумандаги жами деҳқон хўжаликларининг 69,4 фоизини ўзига жалб этди. Вилоятимизда ингичка толали пахта биринчи марта 1932 йилда Жарқўрғон туманида 281,5 гектар ерга экилиб, шу йили 63 тонна ҳосил олинди.

Ўзбекистонда олтита МТС (Машина Трактор Станцияси) 1930 йилда тузилган бўлиб, шунинг биттаси Сариосиё туманида ташкил этилди. 1933 йилга келиб Сурхондарёда ўртача бир МТС ихтиёрига 56 та трактор тўғри келди. Совет давлати қишлоқ хўжалигининг моддий-техникавий таъминотини яхшилаш мақсадида қатор амалий ишларни бажариб механизатор мутахассисларни тайёрлашни кўпайтириш, олий ва ўрта маълумотли муҳандис

ходимларни етказиб бериш ва уларнинг илм олишларига алоҳида эътибор берилди. Айниқса, жамоа хўжаликларига техникавий ёрдамни кучайтириш кун тартибидаги муҳим масала қилиб қўйилди. 1932 йилда Жарқўрғонда МТС ташкил қилинди. Туман марказида жамоа хўжаликларининг раҳбар ва аъзоларидан кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашга катта эътибор берилди. Жамоа хўжаликларида кўпгина кишилар МТСда очилган курсларда ўқидилар. «Пахтаобод» жамоа хўжалигидан А.Қурбонов, С.Зиёев, «Бауман» номли жамоа хўжалигидан Қ. Ойназаров, Р.Тўраев, С.Йўлдошев, Х.Тўраев, Х.Эрназаров, А.Мамаюсупов, Т.Ойназаров, И.Бакировлар Жарқўрғон МТСи ҳузуридаги 10 ойлик курсда ўқишиб, агроном ҳисобчи, иқтисодчи ва тракторчи мутахассисликларини эгаллашиб ўзлари яшаётган қишлоқларига қайтдилар. Н. Аликулов, Эрназаров, Пирназаров, Б. Эсонқулов Москва шаҳрига олти ойлик курсларга ўқишга жўнатилди. Бу соҳада қўшни «Қизил юлдуз», «МОПР», »Меҳнат-роҳат», «Тельман» ва «Охунбобоев» номли жамоа хўжаликларида ҳам ана шундай ибратли ишлар амалга оширилди.

Жарқўрғон МТСида ташкил қилинган қисқа муддатли тракторчилар курсини собиқ «Партия XXII сьезди» жамоа хўжалигидан Узоқ Жумаев, Аваз Абдураҳмонов, Абдурасул Мамарасулов кабилар ҳам тугатдилар. Қишлоққа МТСдан тракторни Бурков деган рус йигити бошқариб келди. У қишлоқ аҳлига анчагина ерни ағдариб кўрсатгач, туман МТСида ўқиб таълим олиб келган Узоқ Жумаевга топширди. 1933 йилга келиб, деҳқонлар талабига кўра хўжалик яна қайта бўлинди. «Большевик», «Маданият» ва «Имконият» номли жамоа хўжаликлари қайта тикланиб, мустақил фаолият юрита бошлади. 1933 йилнинг охирига келиб, Жарқўрғон туманида мавжуд 6511 деҳқон хўжалигидан 4206 нафари жамоа хўжаликларига аъзо бўлиб кирди. Туманда жамоалаштириш ишлари 64,6 фоизни ташкил қилди. Бу юқоридаги рақамлар жамоа тузумининг сунъий тарзда тезлаштирилишидан дарак берар эди.

Давлат бу жамоа хўжаликларига ҳар томонлама ёрдам бериб турди. Чигит экишни юз фоиз уддалаган жамоага нормадан ташқари дон, ёғ, чой, қанд, гуруч ва бошқа маҳсулотлардан бериб борилди. Бу эса жамоа тузумининг мустаҳкамланишида катта аҳамиятга эга бўлди. 1933 йилга келиб «Большевик»

жамоа хўжалигига жами 60 хўжалик бирлашган бўлиб, кўпроқ майдонда пахта етиштирилди. Жамоада ферма ташкил этилди. Жамоа ерлари ҳўкиз ва отларга қўшилган омочлар ҳамда МТС тракторлари ёрдамида ҳайдалди. Араваларда маҳаллий ўғитлар чиқарилди. Натижада ўша йили давлатга ғалла топшириш режалари ошиғи билан бажарилди. 1935 йилда «Бауман» номли жамоа хўжалиги ҳаётида ҳам муҳим янгилик рўй берди. Шу йили биринчи марта »ХТЗ», »ЧТЗ» ва «Универсал» номли тракторлар бу жамоа хўжалигига олиб келинди.

Бу тракторларни жамоа хўжалигининг тракторчилари яъни жамоанинг биринчи қалдирғочлари бўлган Олтибой Кунаров, Ихтиёр Фармонов, Ортиқ Исмоилов, Абдувоҳид Болтаев ва Холиқ Йўлдошевлар бажардилар. 1937 йилда «Қизил Юлдуз» жамоа хўжалигига пахтачилик устаси, бригада бошлиғи Тошпўлат Ойназаров раис, Абдулла Мамаюсупов бошланғич партия ташкилотининг котиби (секретари) килиб сайланди. Жамоа хўжалиги ихтиёрида 1480 гектар ер бўлиб, шундан 75 гектарида пахта, 50 гектарида ғалла, 48 гектарида беда, 4 гектар ерда полиз маҳсулотлари етиштирилди. 8 гектар ерда боғ барпо қилинди. Жамоа хўжалиги шу йили ҳар гектар ердан 10-12 центнердан пахта ҳосили олиб, давлатга топширди. Шунингдек, 12 центнер ғалла, 2 тонна гўшт, 3 тонна сут, 1,5 тонна жун, 200 дона тухум етказиб бериб йиллик режани бажарди. Жамоа хўжалигининг иқтисодий қуввати ошиб, давлатдан кўшимча равишда иккита от плуги, иккита от сеялкаси, иккита от культиватори, иккита от плуги ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари сотиб олинди. Бундай катта ўзгаришлар қўшни «Қизил Юлдуз», «Охунбобоев», «Большевик», «Пахтаобод» ва «Тельман» номли жамоа хўжаликларида ҳам рўй берди. Жамоа хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб борди.

Тумандаги Қорақурсоқ қишлоғидаги тўртта жамоа хўжалиги 1936 йили қайта бирлаштирилиб, унга «Сталин» номи берилди. Хўжалик раислигига шу пайтгача «кооператив» жамоа хўжалигида комсомол ячейкаси котиби (секретари) бўлиб келган Холмурод Омонов раис қилиб сайланди. Хўжаликнинг умумий ер майдони 500 гектарга яқинлашиб қолди. Шу йили жамоадаги мавжуд тўртта бригада, ўн олтита звено ўртасида меҳнат

мусобақалари кенг авж олдирилди. Жамоада ўша йили ғалладан 11 центнер ўрнига, 20 центнердан ғалла ҳосили олинди. Ҳайит Хўжақулов бошлиқ звено 30 центнерлик маррага эришди. «Сталин» номли жамоа хўжалиги ўша йили 1 миллион 200 минг сўм даромад қилди ва вилоятда саноқли бўлган миллионер хўжаликлар сафига қўшилди. Бу эса аҳил бўлиб иш кўрсатган жамоа хўжалиги азаматларининг руҳини янада кўтариб юборди. келгуси йили улар тағин ҳам кўпроқ куч-ғайрат сарфлаб, меҳнат қилдилар. Натижада жамоа икки миллион икки юз минг сўмлик даромад олишга эришди. «Социализм» номли жамоа хўжалиги 1938 йили экин майдонларининг ҳар гектаридан бир миллион сўмдан даромад килгани учун «Миллионер колхоз» деган ном олди. Минор қишлоқ шўроси ҳудудидаги «Янги куч» жамоа хўжалигида Холиқ Сафаров раислик килган йилларда яъни 1939 йилда жамоа хўжалиги мусобақа ғолиби бўлиб, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмаси дипломига сазовор бўлди.

Бу ўтган йилларда туманда янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган экин майдонларини тубдан яхшилаш масалаларига ҳам жиддий эътибор бериб борилди. Узунлиги 76 километр бўлган Қумқўрғон (1932 йил) канали қуриб ишга туширилди. Узунлиги 23 километр бўлган Кокайди канали ҳар йили тозалаб борилди. 1929-1930 йилларда Занг канали қурилиши учун 1,5 миллион сўм сарфланди. Муҳими туманда амалга оширилган ана шундай турли тадбирлар натижасида пахта ҳосилдорлиги ўсиб, суғориладиган ерлар ва лалми экин майдонлари кенгайиб, янги агротехник экиш усуллари ҳамда янги пахта навлари яратилди.

Бугунги кунда баъзи ерлардаги жойлар атамаларининг сақланиб қолганлиги ана шу юқоридаги тарихи келтириб ўтилган жамоа хўжаликлари ва сув иншоотларини амалга оширган кишилар номлари билан ҳам боғлиқ. «Иттифоқ», «Соқчи», «Ижтимоият», «Қаноат», «Пахтаобод», «Қизил Қаҳрамон», «Тельман», «Исмоилтепа» каби. Туманимиз ёшлари бу атамаларнинг келиб чиқиши билан қизиқишса бутун бир жамоалаштириш, суғориш даври қизғин меҳнат курашлари даврига дуч келадилар.

Жарқўрғонда саноат қурилиши ва уни амалга ошириш муаммолари (1920-1940 йй)

Республика халқ хўжалигини тиклаш жараёни давом этаётган бир даврда мамлакат марказий органлари 1925 йили мамлакатни саноатлаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти ривожланган замонавий саноатни вужудга келтиришга тўла - тўкис боғлиқ эди. Бу мақсадга тез муддатда эришишнинг аниқ йўлларини ишлаб чиқиш талаб этилар эди. Мамлакатнинг яккаланиб қолгани чет эл капитали келишига умид боғлашга имкон бермас эди. Фақат биттагина имконият бор эди. Бу ҳам бўлса ички жамғармаларни тўплаш ва мамлакатнинг ўзидаги маблағлардан ва хом ашёлардан бир мунча оқилона фойдаланиш масалалари эди.

Жарқўрғон тумани саноати ҳақида гап кетганда иккинчи жаҳон урушигача бўлган йилларда маьлум бир ижобий ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

Вилоятда 1920-1930 йилларда янги саноат корхоналари қурилиши билан бир қаторда, халқ талабини қондириб келаётган майда ҳунармандчилик корхоналарини тиклашга ҳам алоҳида эьтибор берилди. Ўша даврда майда саноат корхоналарини қайта тиклашга эьтибор берилишининг ўзига хос сабаблари бор эди албатта. Чунки бу корхоналар қуйидаги энг муҳим асосий вазифаларни адо этар эди:

А) йирик саноат корхоналари бўлмаганлиги сабабли аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондирди;

В) қишлоқнинг саноат махсулотига бўлган талабини, маьлум даражада бўлса-да, қондиргани ҳолда, қишлоқ хўжалигининг ривожига ижобий таьсир кўрсатди.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ жоизки, Сурхондарёдек чекка вилоятда ҳунармандчилик саноати ишлаб чиқариши ўзининг алоҳида ўрнига эгадир. 1920 - йилларда вилоятга фабрикада тўқилган матоларнинг кам олиб келиниши натижасида аҳолининг Бойсун ва бошқа туманларидаги тўқувчи ҳунармандларнинг ишлаб чиқарган матоларига бўлган талаби бир неча бор

ортган эди. Маҳаллий ҳунармандлар аҳолининг пахта матоларига бўлган талабини қондирибгина қолмасдан, балки Россияга ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилганлар. Ўзбекистон ва унинг жанубий вилоятларида ҳунарманчилик саноатини ривожлантириш тўғрисида 1929 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президиумининг қабул қилган қарорида: ҳунармандчилик саноатининг аҳволини яхшилаш ва унинг фаолиятини юқори даражага кўтариш, ҳунармандларга камёб маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш ва Ўзбекистонда ҳунарманчиликни кооперациялаштиришни 35 фоизгача қамраб олиш ҳақидаги вазифани қўйди. Шу қарорга асосланиб, 1929-1930 йилларда Сурхондарё округи туманларида янги ҳунармандчилик артеллари ташкил қилина бошланди. 1929 йилда Жарқўрғон туманида «Қизил аскар» номли транспорт (аравакашлик) ҳунармандчилик артели ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Дастлабки саноат биринчи саноат ячейкаси “Qizil askar” деб номланиб, у 1929 йилда ишга туширилган. Дастлабки ғишт завод эса 1935 йил ишга туширилган.

1933 йилда геолог Н.П. Туаев тавсиясига кўра Ховдак майдонида биринчи марта разведка мақсадида қазиш ишлари бошлаб юборилди.1934 йилнинг 6 февралида 158 метр чуқурликдан нефть отилиб чиқди ва бу қудуқдан суткасига 100 тонна нефть қазиб олина бошланди Ўша йили яна тўртта нефть қудуқлари қазилиб, ҳар бир қудуқдан суткасига 75 - 100 тоннадан нефть қазиб олина бошланди. 1934 йил 14 сентябрда академик И. М. Губкин Сурхондарё округи газетасида «Ўрта Осиё нефти учун» номли мақоласида шундай деб ёзган эди: «Ховдак фақат нефть чиққанлиги учун машҳур бўлиб қолмасдан, балки у Ўрта Осиё нефти тарихида янги саҳифа очади ва у биз учун бундан кейин бошқа жойларда ҳам нефть маконларини излаш ва очиш учун хизмат қилади». Ҳақиқатдан ҳам Ховдак нефть конидан кейин Учқизил, Кокайди, Лалмикор, Жайронхона ва бошқа жойларда ҳам янги нефть конлари аниқланди. Мавжуд нефть конларида ишларни яхши йўлга қўйиш учун 1936 йилгача Сурхондарё нефть конлари «Средазнефть» таркибида бўлган бўлса, 1936 йилдан бошлаб «Ворошиловнефть» трести ташкил этилди. Сурхондарё геологларининг ҳисоб -

китобларига қараганда вилоятимиз энг кам ва нодир ҳисобланган металлар, вольфрам, молибден, симоб, уран, ванадий, кумуш ва олтинга бой воҳа ҳисобланади.

Жарқўрғон тумани марказидан шарққа томон Сурхон дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Кокайди майдонларида 1937 йилдан қидирув ишлари бошланди. 1939 йили Кокайдидаги иккита қудуқдан нефть олинди ва 1940 йили Кокайди нефть кони очиб ишга туширилди ҳамда бу ерда ҳам саноат нефти қазиб чиқариш йўлга қўйилди. Сурхондарё округи нефть конларида ишчилар етишмаслиги муаммоси вужудга келди. Бунинг бош сабаби Сурхондарё воҳаси аҳолиси учун бу мутахассислик ҳали янги касб бўлиши, бу нефть қудуқларининг узоқ жойларда (асосан чўл жойларда) очилганлиги, ётоқхоналар ва бошқа шарт - шароитларнинг йўқлиги ҳам бу нефть корхоналарини кадрлар билан таъминлашга халақит берар эди, амалда эса бу ишларни ҳал қилиш учун анчагина ишлар олиб борилди.

Жарқўрғон тумани комсомол қўмитаси Ховдак ва Учқизил нефть конларини ишчилар билан таъминлашга ўз аъзоларидан 200 нафар кишини, Бойсун тумани 30 нафар, Шеробод тумани 8 нафар, еттита туман касаба қўмиталари эса 58 нафар комсомолларни Ховдак ва Учқизил нефть конларига ишга юбордилар. Бироқ бу юборилган кишилар ҳам ишлаш учун шароитларнинг йўқлиги туфайли қайтиб келдилар. Шундай қийинчиликларга қарамасдан Ховдак ва Учқизил корхоналарида кўп миқдорда нефть қазиб чиқарила бошланди. 1939 йилда фақат Ховдак нефть конининг ўзидан 1938 йилга нисбатан уч марта кўп нефть қазиб олинди. 1939 йилда Кокайдидаги иккита янги нефть конидан саноат нефти олинди. 1940 йил Ўзбекистон Республикасининг нефтчилари мамлакатга 119 минг тонна нефть етказиб берди.

Ховдак нефть саноати ходимлари «Ворошилов нефть» трести стахановчиларининг йиғилишида йиллик ишлаб чиқариш режасини 1940 йил 15 декабргача юз фоизга бажариш мажбуриятини олди. Улар йиллик режага қўшимча яна 1600 тонна нефть ишлаб чиқаришга эришишни ўз зиммаларига олдилар. Ховдак нефть кони жамоаси 1935-1940 йилларда жами шу беш йил

ичида мамлакатимиз саноати учун 885540,0 минг тонна саноат нефти қазиб чиқаришга эришиб мавжуд қийинчиликларга қарамасдан катта муваффкиятларни қўлга киритдилар.

Вилоятни саноатлаштириш йилларида бу борада анчагина катта ишлар қилинди, бундан кўз юма олмаймиз албатта, аммо бу йилларда юкорида айтганимиздек қўпол хатоларга ҳам йўл қўйилди. Ишчилар синфининг моддий манфаатдорлиги, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиш бобида жиддий нуқсон ва бузилишларга ҳам йўл қўйилди. Корхоналарда ишчилар деярли уй- жой билан таьминланмаган,ётоқхоналари ҳам талабга жавоб бермас эди. Шунинг учун ҳам ишчилар қўнимсизлиги бу саноат корхоналарида анчагина юқори эди. Саноат корхоналарида мана шундай ҳолатларнинг юзага келишига ўша даврда олиб борилган сиёсат ҳам маьлум даражада сабабчидир.

Шунга қарамасдан, аста - секинлик билан бўлса-да, туманда ва воҳада янги саноат корхоналари барпо этила бошланди. Энди, галдаги вазифа воҳани электрлаштириш эди. Чунки янги қурилаётган саноат корхоналарини электр энергияси билан таьминлаш муаммоси юзага кела бошлади. 1933 йилга келиб иккинчи беш йиллик (1933-1938 йй) даврида Сурхондарё округида саноат корхоналари сони ҳам ўсиб борди.

Саноат корхоналари сонининг ўсиб бориши Сурхондарё округида янги электростанцияларни қуриш эҳтиёжини келтириб чиқарди. 1933 йилнинг 23 мартида Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлиги ўзининг қабул қилган 6- сонли қарорида эскириб қолган катерпиллер типидаги иссиқлик энергияси тарқатувчи дизель тракторларни қайта жиҳозлаш, электр энергиясидан фойдаланиш имконини бермаслигини назарга олиб Қумқўрғон ГЭС ини қуриш ва бош қурилишнинг зарурийлигини текшириш ва асослаб беришни Марциновичга топширди.

Шу билан бирга Ўзбекистон КП (Б) Марказий Қўмитаси ва Ўэбекистон ССР Халқ Комиссарлигининг 1933 йилда қабул қилинган 122 - сонли қарорида Қумқўрғон ГЭСи қурилишига Главхлопкомнинг техника кенгаши томонидан 1930 йил 1 июлда тасдиқланган лойиҳаси асосида, 1931 йилга келиб, ҳали ГЭС қурилишини иқтисодий ва техник жиҳатдан давом эттиришни Президиум

йиғилиши нотўғри деб топди ва ВТЭСХ ва «Ўзсовхлопка» ташкилотидан қурилиш ишларини тезда тўхтатиш таклиф қилинди. Шу тариқа Қумқўрғон ГЭС и қурилиши 1943 йилга қадар тўхтатиб қўйилди. Лекин иш ва турмуш шароитлари оғир бўлишига қарамасдан, туман ишчилари юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилиб, стахановчилик, изотовчилик ҳаракатларига фаол қўшилдилар.

1936 йил апрелига келиб Сурхондарё округида кўп тармоқли ҳунармандчилик иттифоқи ташкил қилинди. Бу эса округда барча майда ҳунармандчилик артелларини бир марказдан бошқариш имконини берди. 1936 йил сентябрида Жарқўрғонда «Путь Стаханова» номли ҳунармандчилик артели ташкил қилинган бўлса, 1938 йилда туманда ташкил қилинган «Янги турмуш» номли ҳунармандчилик артели қурилиш материаллари: металчилик, силикат-керамикаси, кўнчилик, тикувчилик, озиқ-овқат, маданий саноат, ёғочни қайта ишлаш, умумий овқатланиш ошхоналари ва ҳар хил саноатчилик машғулотлари яьни ўн хил турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, йиллик режа бўйича жами 1077,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, йиллик режани 677,8 фоизга бажаришга эришди. 1939 йилда артелнинг йиллик ишлаб чиқариш режаси 79 фоизга бажарилди холос. Бу йиллик режанинг бажарилмай қолишининг сабаби, маҳаллий хом ашёдан етарлича фойдаланмаслик, округ ҳунармандчилик иттифоқи томонидан шакар, ун, кўн хомашёси ва бошқа маҳсулотларнинг ҳам ўз вақтида артелга етказиб берилмаганлиги йиллик режанинг бажарилишига тўсқинлик қилди.

«Янги турмуш» номли ҳунармандчилик артелининг 1940 йил 11 мартда бўлиб ўтган йиғилишида артелнинг 1939 йилдаги ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилиб чиқилди. Йўл қўйилган хато ва камчиликлар ўрганиб чиқилиб, бу камчиликларни тузатиш учун бундан кейин артелда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда ғишт заводи, арава ишлаб чиқариш, кулолчилик нуқталарини очиш ва этикдўзлик, темирчилик цехларини кенгайтиришга эьтиборни қаратишга келишиб олинди. Натижада ана шу саьйи ҳаракатлар туфайли «Янги турмуш» ҳунармандчилик артели 1940 йили 325,8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб йиллик режани 198,7 фоизга бажаришга эришди.

«Қизил аскар» номли транспорт артели эса 1940 йили 832,4 минг сўмлик иш бажариб, йиллик режани 80,4 фоизга уддалади холос.

Умуман олганда, бу йилларда округ ҳунармандчилик иттифоқи таркибида бўлган бундай ҳунармандчилик артеллари саноат корхоналарига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, халқнинг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондирдилар. Аҳолининг ва давлат муассасаларининг маданий турмушини яхшилаш мақсадида, 1935 йилда туманда ғишт заводи қурилиши бошлаб юборилди. 1937 йилга келиб бу ғишт заводида эллик нафар ишчи иш билан таъминланди. Ғишт заводи туманда мактаблар, боғчалар, касалхоналар ва бошқа муассасалар қуришда ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Воҳамиз ва туманимиз ишчилари ана шу саноатлаштириш ишларини амалга оширишда ўзларида куч ва матонат топа олдилар. Воҳа ва Ўзбекистонимиз саноатининг ривожига ҳар бир туман фуқароси ўзининг амалий иши билан жавоб беришга ҳаракат қилди ва бунга маьлум даражада эришди ҳам.

Жарқўрғон халқ маорифи тараққиёти ва маданияти соҳасида эришилган ютуқлар ва муаммолар. (1920-1940 йиллар)

Ўзбек халқи азал-азалдан билимга интилиб, маданий меросни доимо қадрлаб келган. Октябрь тўнтариши (1917 йил 25 октябрь) дан аввал катта маданий ишлар олиб борган жадид деб аталмиш зиёлилар халққа ёрдам бериш учун маориф соҳаси, мактабларда ишлаб, ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Бу жараёнлар аввало дарслар она тилида олиб бориладиган I (беш йиллик таьлим) ва II(тўрт йиллик таьлим) босқич мактабларини очиш ва уларни дарсликлар, ўқув қуроллари билан таьминлаш, маориф институтлари, ўкитувчиларни тайёрлаш курслари ва бошқаларни ташкил этишдан иборат бўлди.

1920-йилларнинг биринчи ярмида Сурхон воҳасида ҳам маданий ҳаёт янгилана бошлади. Илм - фан ва маорифни азалдан эьзозлаб келган халқ оммаси ўзининг асрий аньаналарига амал қилиб, мактаб ва маориф ишига амалий ёрдам бериб келди. Аҳолининг саводхонлик даражасини кенгайтириш ўша даврдаги асосий вазифа эди. Ана шу вазифани бажариш мақсадида Сурхон воҳасида ҳам саводсизликни тугатиш мактаблари иш бошлади.

Олдин Жарқўрғон биргина жойда эски мактаб бўлган. Хозирги район мол дўхтири бинолари ўрнида ерли миллатдан Эшмурод деган киши Бухоро мадрасасига ўқишга боради. Уни битиргандан кейин домла бўлиб қайтади. Домла Эшмуродов биродарлик қабристонига биринчи дафн этилган киши ерли миллат болаларини йиғиб кетади. Таълим-тарбия беради кейин, бошқа қишлоқларда кичик-кичик эски хужралар очади.

Жарқўрғон райони ҳудудига Жалойир, Юқори Какайди, Корсакли, Жонбош, Қумқўрғон, Ангор, Занг, Лойканд, Коракир ва бошқа қишлоқлари қарар эди. Ўша пайтларда 1,2 та бошланғич синфлар очилган эди. Бошланғич синфларга бир ойлик, уч ойлик, олти ойлик, бир йиллик курсларни битирган муаллимлар дарс берар эди.

1926-1928 йилларда аҳоли маблағлари ҳисобига ҳашар йўли билан Жарқўрғон туманида янги мактаб бинолари қурила бошланди. Бу эса округда мактаблар сонининг ўсишига олиб келди.

1926- йилда Жарқўрғон туманида биринчи замонавий мактаб очилиб, унда дастлаб ўн икки нафар киши ўқий бошлади ва уларга Ёкубжон Солижонов деган ўқитувчи ўзининг дастлабки сабоқларини бера бошлади. Сурхондарё округи кенгашининг 2 (1927 й) ва 3 (1928 йил) сьездларида округ аҳолисининг аксарияти ўқишга тортилмай қолаётганлиги қайд қилинди. Шу даврда округда мактаб ёшидаги болаларнинг 9,8 фоизи мактабга жалб қилинган эди, холос. Бу ҳолат округда ва туманда маориф соҳасида ҳали ниҳоятда катта муаммолар мавжуд эканлигидан далолат берар эди. Жарқўрғон туманининг Сурхон жамоа хўжалигида 1930 йилда маориф жонкуяри, тажрибали талабчан раҳбар, Аҳмаджонов ташаббуси билан Сурхон қишлоғида ҳозирги 3-сонли ўрта мактаб қўрилиши бошланиб, ҳашар йўли билан мактаб қурилиш бошланиб, 1937 йилда мактаб ишга туширилди. Мактаб 7 йиллик бўлиб, 154 нафар ўқувчи таълим олиб, турли хил миллатлари яшаганлиги туфайли ўзбек ва рус гуруҳлари ташкил этилди. Мактабнинг илк ўқитувчилари Бўриев ва Фозилов Яраш лк ўқитувчилари бўлиб, биринчи мактаб директори Новикова раҳбарлигида мактабда таълим тарбия ишларини болиб бордилар. 1937-1950 йилларда мактабга тарих фанидан Файзиев, рус тили ва адабиётдан Н.Карсаус, француз тилидан И.Алексиева, дарс бердилар. 1930- йилларда саводсизликни тугатиш ва мактаблар сонини кўпайтириш ҳамда ушбу мактабларга мактаб ёшидаги болаларни жалб қилиш ишлари кенг кўламда олиб борилди. 1936-1937 ўқув йилида округда 26246 нафар ўқувчиси бўлган 107 та бошланғич ,120 та етти йиллик, 5 та ўрта мактаб ишлаб турди. Афсуски, мактабларнинг моддий- техник таьминоти қониқарсиз, дарсликлар ҳамда малакали ўкитувчилар етишмас, ўқув дастурлари ва тарбиявий ишлар ўта даражада сиёсийлаштириб юборилган эди. 1934 йилда Жарқўрғон туманидаги 170 нафар ўкитувчидан атиги олтитасигина олий маьлумотга эга ўқитувчилар эди холос.

Туманда жамоа хўжаликларининг ташкил этилиши ва уларнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бориши, жамоа маданий қурилиши соҳасида ҳам

бир талай ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида деҳқонларнинг фарзандлари ҳам янги очилган мактаб биноларида таҳсил ола бошладилар. 1937 йили Кокайди қишлоқ кенгашидаги «Правда» газетаси номли мактаб қарамоғида Чангоёқ қишлоғида (ҳозирги»Қаҳрамон» маҳалласи) иккита бошланғич синф иш бошлаган эди. Бу синфларнинг ўкитувчилари Пўлат Дўланов ва Ҳасан Турсунқуловлар эдилар. Ана шу ҳар бир синфда йигирма тўрттадан ўкувчилар ўқидилар. 1930 - йилларнинг бошларида «Сталин» номли жамоа хўжалиги аьзолари фарзандларининг ҳам деярли кўпчилиги мактабга тортилди Агар мактабда кундузи ўқувчилар таьлим олсалар, кечқурунлари уларнинг ота-оналари, ёши катта кишилар ҳам келиб таьлим олдилар. Саводсизликни ва чала саводлиликни битириш курсида Абдураим Самадов қишлоқдошларига бошланғич билимларни ўргатар эди. «Вақтим жуда оз эди, - деб эслайди Абдураим Самадов- чунки менинг ўзим ҳам кундузи туман марказидаги мактабга қатнаб, кечқурун эса ҳамқишлоқларимга савод ўргатар эдим». 1930 - йилларда «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалигида ҳам бешта бошланғич мактаблар бўлиб, уларда 1926-1940 йилларда 630 нафар киши таьлим олди. (Ҳозир шу хўжаликнинг ўзида еттита замонавий умумий ўрта таьлим мактаблари (2001йил) ишлаб турибди.

1930 - йилларнинг ўрталаридан бошлаб Кокайди қўрғонида нефть ва газ чиқиши муносабати билан бу ерда 1940 йили битта ФЗУ (Фабрика-завод билан юрти) очилди. Бу билим юрти воҳамиз нефть корхоналари учун кўплаб кадрлар етказиб бера бошлади. Улар ўз ота боболаримиз касбини эгаллаб муносиб ўринбосарлар бўлишди. Аммо иккинчи жаҳон уруши таьсири натижасида ўқувчилар етишмаслиги сабабли, бу билим юрти 1942 йили ёпилди. Туманда аҳолини саводли қилиш ва уларнинг маьнавий дунёқарашини ўстириш борасида мактаблардан ташқари маданий - маьрифий муассасалардан, кутубхоналар, клублар, кинотеатрлар, маданий истироҳат боғлари, агитпунктлар, матбуот органлари ва бошқа маьрифий масканларнинг ҳам ўрни катта бўлди. Маданият ўчоқларининг турли туман ишлари омманинг саводхонлигини ошириш, сиёсий жиҳатдан маьрифат беришга қаратилган эди. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда маҳаллий аҳолидан етишиб чиққан халқ

таьлими ходимлари ва маданият арбоблари алоҳида ўрнак кўрсатди. Аҳолининг маданий савиясини кўтаришда клубларнинг ўрни ниҳоятда катта бўлди. 1921 йилда Сурхон воҳасида бешта клуб, тўртта кутубхона ва қизил чойхона ташкил этилиб, омма орасида олиб борилаётган маданий- маьрифий ишлар анча жонлантирилди.

Бу даврда туманда ташкил қилинган клубда ҳар ҳафтада маьрузалар ташкил қилинди, шунингдек, газетхонлик ва савол-жавоб кечалари ҳам уюштириб турилди. Туманда ташкил қилинган жамоа хўжаликларида замонавий уй - жойлар қурила бошлади. Жамоа хўжаликлари маблағи ҳисобига мактаблар, магазинлар, омборхоналар, отхоналар ва шу сингари бошқа ёрдамчи бинолар қуришга ҳам катта эътибор қаратилди. Жарқўрғондаги Ховдак нефть конида 1934 йилдан бошлаб ишчиларга шароит яратиб бериш мақсадида янги бинолар қуриб ишга туширила бошланди. Ўзбекистон Халқ комиссарлари кенгашининг йиғилишида (1937 йил) нефть конларидаги ишчиларга маданий ва маиший хизматни яхшилашга қарор қилинди. Ховдакда болалар боғчаси очилди. Ўз ССР Халқ комиссарлигига нефть конларида мактаб очиш учун биноларни тайёрлаш, мактабни ўкув қуроллари билан таьминлаш топширилди. Ишчилар учун ошхоналар очиш таклиф қилинди. Савдо тармоқлари учун керакли озиқ - овқат, саноат моллари ва маданий моллар ажратилди. Ўзбекистон Халқ Комиссарлигининг кўрсатмаларига мувофиқ Ўзбекистоннинг асосий нефть базаларидан ҳисобланган Ховдак нефть конида йигирма хоналик касалхона ва битта боғча қурилиб ишга туширилди. Бунинг учун соғлиқни сақлаш комиссарлиги 190 минг 900 сўм харажат қилди. Шундай бўлса-да нефть саноати республиканинг зарурий эҳтиёжини қондира олмас эди. «Ворошилов» номли нефть трести корхоналарнинг нефть қудуқларидан тўлиқ фойдаланилмас, рационализаторларнинг илғор тажрибаларини қўллаш ишлари ҳам бу йилларда қониқарсиз даражада олиб борилди.

1938 йилда «Сталин» номли жамоа хўжалигида ёшлар ташаббуси билан қад кўтарган қишки клуб биноси қуриб битказилди. Унда асосий залдан ташқари кутубхона, бильярдхона ва ошхона ҳам бор эди. Ушбу клуб ёш авлодни тарбиялаш ишида муҳим роль ўйнай бошлади. Клуб жамоа хўжалигида

тузилган ҳаваскорлик жамоаси ихтиёрига бериб қўйилди. Клубда шунингдек, вилоят ва туман миқёсидаги йиғилишлар ҳам ўтказиб турилар, Тошкент ва Термиздан келган саньаткорлар ҳам катта концертлар кўрсатар эдилар. Бу ерга Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Саодат Қобуловалар бир неча мартадан келиб концерт берган эдилар. 1940 йили клубни республика раҳбарларидан бўлган Усмон Юсупов келиб кўриб юксак баҳо берган эди. Ушбу пахсадан қилинган клуб биноси 1970 - йилларга келиб талабга жавоб бермай қолди. (Ҳозирга келиб эса унинг ўрнига замонавий ёзги клуб биноси қуриб ишга туширилди).

Туман аҳлининг маьнавий дунёқарашини бойитишда туманда нашр этилаётган газетанинг ўзига хос ўрни мавжуддир. 1932 йил май ойидан Жарқўрғон тумани партия қўмитасининг нашри ҳисобланган «Чегара зарбдори» газетаси нашр қилина бошлади, худди шу газета нашри билан туман матбуотининг дастлабки дебочаси ташкил топди. Унинг саҳифаларида Сурхондарё округда биринчи бўлиб ипак пахта етиштириш ҳаракати бошланганлиги ҳақида маълумотлар берилди. Туман газетаси 1935 йилдан бошлаб «Ипак пахта учун» деган ном остида чоп этилган бўлса (демак, шу йилларда пахтанинг ингичка толали навини етиштиришга асосий эътибор кучайганлигини газетанинг номидан ҳам билиб олишимиз мумкин).

Хуллас,1920 - йиллар давомида туманда амалга оширилган маданий - маьрифий тадбирлар туманимиз аҳолиси ҳаётида туб ўзгаришларга олиб келди. Туман зиёлиларининг ҳам халқ оммасининг бунёдорлиги маьрифатга ташналиги асосида маданий - маьрифий ва бу соҳада олиб борилган юқоридаги тадбирлар, туман аҳолисининг маданий - маьрифий ва сиёсий онгининг ўсишида ўз самарасини берди.

Жарқўрғон тумани аҳолисининг уруш йилларида мудофаани ташкил қилишдаги кўрсатган моддий ёрдами.

Урушнинг бошланиши Сурхон воҳасида яшаётган тинчликпарвар кишиларнинг ҳам қалбларини ларзага солди, уларда фашизмга нисбатан қаҳр-ғазаб ва нафрат ҳисси уйғонди. Урушнинг совуқ хабари эшитилган дамларданоқ воҳа меҳнаткашлари ҳам ушбу бошланган урушни қораловчи, фашизм билан бўладиган жангга доимо тайёр эканлигини билдирувчи ва айни вақтда ишлаб чиқаришда янги ғалабаларга эришиб фашизм устидан қозонилган ғалабани яқинлаштиришга ундовчи митинглар ўтказа бошладилар.

1941 йил 23 июнь куни «Ҳовдак» нефть кони ишчилари эса фашизмга қарши бўлиб ўтган митингда: «Биз шу кундан бошлаб ўзимизни сафарбар қилинган деб ҳисоблаймиз», деган хитобномани қабул қилдилар.

1941 йил 22 июндаги бошланган Совет-Герман урушининг илк ойларидаёқ Жарқўрғон тумани аҳолиси ўзлари муҳтожликларига қарамасдан, ўзларига зарур нарсалардан воз кечиб, фронтга ёрдам кўрсатишга ҳам ўзларининг катта ҳиссаларини қўшиб келдилар. Улар мудофаа ва жанговар техника қуриш жамғармаси тузиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этдилар. Урушнинг бошидан охиригача бўлган бутун давр мобайнида меҳнат жамоалари ва айрим фуқаролар ўзларининг бир кунлик ёки икки кунлик иш ҳақларини мудофаа жамғармасига ажратдилар. Қимматбаҳо буюмлари, заём облигациялари ва нақд пулларини жамғармага топширдилар.

Барча жойларда шанбалик ва якшанбаликлар ўтказилиб, уларда ишлаб топилган пуллар мудофаа жамғармасига ўтказиб борилди. Фронтда жон олиб, жон бераётган жангчиларимизнинг ютуғи фронт ортида яратувчилик вазифасини адо этаётган ҳар бир ишчи, хизматчининг қалбида душманга нафрат ҳиссини жўш урдирар эди. Ҳар бир инсон фронтга нима биландир ёрдам бериш ғояси билан яшар ва меҳнат қилар эди. Ана шундай инсонларнинг саъйи- ҳаракатлари натижасида туманнинг »Жарқўрғон» қишлоқ кенгашига

қарашли «Қаноат» жамоа хўжалиги аьзолари жангчиларга иссиқ кийимлар тўплаш фондига 100 кг жун, 109 дона тери, 10 дона пахталик фуфайка, тўрт бош қўй, 200 кг асал, етти дона жунлик шим, «Қизил Қаҳрамон» жамоа хўжалиги аьзолари эса Ленинградликлар учун беш минг сўм пул, бир минг олти юз эллик сўмлик заём облигацияси, 225 кг гўшт, бир сигир, «Тельман» номли жамоа хўжалиги аьзолари бир минг уч юз етмиш тўрт сўм пул, тўрт минг сўмлик заём, тўртта эчки. »Сталин» жамоа хўжалиги октябрь ойигача мудофаа фондига эллик минг сўм пул, 200 кг мева, 200 кг асал юборди. Армия жангчилари учун юздан зиёд иссиқ буюмлар: фуфайкалар, қулоқчин телпаклар, жун пайпоқлар ва бошқа буюмлар тўпланди.

Фронтга ёрдам кўрсатиш ҳаракатини жонлантириш ва янада кўпроқ ёрдам уюштириш ишини ташкил қилишда тарғиботчилар гуруҳининг омма орасида олиб борган ташвиқот ишларининг аҳамияти ҳам беқиёсдир. Улар томонидан ташкил қилинган митинглар, йиғилишлар туманнинг барча жамоа хўжаликларида бўлиб ўта бошлади. Ўтказилган бу йиғилишлар жангчиларга янада кўпроқ ёрдам бериш ҳаракатини қиздириб юборишда муҳим аҳамият касб этди. кириб келаётган 1942 йил жангчиларга иссиқ кийимларни янада кўпроқ тўплашни талаб қилар эди. Шу муносабат билан вилоятнинг барча туманларида иссиқ кийимларни тўплаш ҳаракати жадаллик билан амалга оширила бошланди.

Жумладан, армия эҳтиёжи учун иссиқ кийимлар тўплаш фондини бойитиш ишида тумандаги «Й.Охунбобоев» номли жамоа хўжалиги аьзолари жангчилар учун 9 центнер буғдой, иккита от, ўн бир дона тери, уч минг сўм пул, 22 кг асал, »Пахтаобод» жамоа хўжалиги эса 40 центнер ғалла, ўн минг беш юз сўм пул, 38 кг ёғ, 40 кг асал, учта телпак, Олти жуфт жун қўлқоп жўнатдилар. Шунингдек, Бозор Кокайди қишлоқ кенгаши раиси Эшмуродов жун қўлқоп, икки дона телпак, Ҳайдаров эса пайпоқ, жун қўлқоп, ўн беш дона фуфайка, ўн беш дона шим, қирқ дона пайпоқ, 450 қути махорка, 200 қути сигаретни Харьков шаҳрига жўнатган бўлсалар, 671 сўм пул, 2300 сўмлик заём, 2 тонна темир терсакларни йиғиб давлат фондига топширдилар.

Фашизмни маҳв этишга қаратилган уруш умумхалқ ҳаракати тусини олган эди. Жангда ғалаба қозониш учун ҳар бир киши ўзининг ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилди. Душман устидан ғалаба қозонишда туман мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Улар фронт ортида туриб ишлаб чиқариш корхоналари ва қишлоқ хўжалик далаларида меҳнат қилишдан ташқари жангчиларга кўплаб иссиқ кийимлар ва озиқ - овқатлар тўплаб жўнатишда алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Жумладан, Кокайди қўрғонидаги « Правда» газетаси номли етти йиллик ўрта мактаб ўқитувчилари Саид Хўжанов битта пахтали шим, Турсунов янги пальто, ўқувчи Вера Мустақиева бир фуфайка, 30 сўм пул, шойи рўмол, Локиев, Романова, Ефимова, Бадаловлар 9 дона жемпер, ички кийимлар, беш дона кўйлак, пайпоқ, 586 сўм пул, 1200 сўмлик заёмлар, шунингдек, жангчиларнинг соғлиғини сақлаш фондига 365 кг шафтоли, 52 кг ўрик донаги, 140 кг қовун ва ошқовоқ уруғларини тўплаб топширдилар.

Фронтга кўплаб иссиқ кийимлар ва озиқ - овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳаракатини жадаллаштириш ишида фронтдан, фронт ортида меҳнат қилаётган меҳнаткашларга ёзилган мактубларнинг аҳамияти ҳам сезиларли бўлди. Жумладан, 1- Украина фронти жангчилари Жарқўрғон тумани ёшларига фронтдан туриб мактуб йўлладилар. Жарқўрғонлик ёшларга қарата ёзилган мактубда жангчилар фронт ортида бунёдкорлик ишлари билан шуғилланаётган ёшларни янада улкан меҳнат зафарларига эришишда ва фронтга кўплаб моддий ёрдам уюштиришда фаол иштирок этишлари уқтириб ўтилган эди. Жангчилар шижоатидан руҳланган туман ёшлари янада ғайрат билан меҳнатни авж олдириб фронтга кўплаб моддий ёрдам уюштира бошладилар. Биргина 1943 йилнинг 7 январида туман меҳнаткашлари фронтга 257 дона пўстин, 224 дона нимча, 195 дона телпак, 145 жуфт қўлқоп, 93 жуфт пайпоқ ва 39 жуфт этик сингари буюмлар жўнатдилар.

1943 йилнинг 27 январида Бойсун туманидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалиги ёшлари Ўзбекистоннинг барча ёшларига қарата мурожаат қабул қилди. Бойсунлик ёшлар ташаббусидан таьсирланган Жарқўрғон туманининг Жарқўрғон қишлоқ кенгашига қарашли «Меҳнат-роҳат», «Намуна», «Қизил

соқчи» номли жамоа хўжаликларининг аьзолари ҳам жангчиларга совға сифатида 7 бош қўй, 60 кг ёғ, 20 центнер ғалла, 6,5 тонна ошқовоқ ва икки тонна сабзи жўнатдилар. Сталинград остонасида қозонилган ғалаба барча тинчликсевар халқлар қаторида туман аҳолисининг қалбларига ҳам олам-олам қувонч бахш этди. Сталинград атрофида қозонилган ғалабани эшитган Жарқўрғон туманининг «Занг» қишлоқ кенгашига қарашли «Қизил Юлдуз» номли жамоа хўжалиги аьзолари Сталинград ҳимоячилари учун бир гектар ерга арпа, 8,5 гектар ерга тариқ, ўн сотих ерга пиёз экиб, бундан олинган ҳосилни қаҳрамон жангчиларга совға қилиб юборадиган бўлдилар. «Деҳқон Бирлашув» номли жамоа хўжалиги аьзолари жангчилар учун икки гектар ерга арпа ва буғдой экдилар.

Бундан ташқари бир қўй,100 кг арпа, олти центнер ошқовоқ,10 кг жун ва 10 дона тери тўплаб жангчиларга совға сифатида жўнатдилар. Жангчиларга озиқ - овқат ва иссиқ кийимлар жўнатиш билан бир қаторда жангчиларнинг соғлиқларини сақлаш учун ҳам турли - туман тадбирлар ўтказила бошланди. Эл осойишталиги, юрт озодлиги ва келажак авлодларнинг ёрқин ҳаёти учун ўзини масьул санаган ҳар бир инсон ўзи оч бўлса-да, дастурхонидаги бир бурда нонини ҳам фронтга жўнатди. Ўзи юпун кийингани ҳолда жангчиларнинг иссиқ кийинишлари учун ғамхўрлик қилиб, ҳаттоки эгнидаги тўнини ҳам ечиб жангчиларга юборди.

Ана шундай инсонларнинг беҳад кўрсатган ёрдамлари туфайли ўша уруш йилларида фронтдаги жангчиларга ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда урушга кетганларнинг оилаларига ва уруш ногиронларига ҳам мумкин қадар яхшироқ эьтибор қаратдилар. Уларга ҳар хил енгилликлар ва қўшимча имтиёзлар бериб бордилар ва бу масалада вилоят ижроия қўмитаси қошида ҳарбий хизматчилар оилаларини давлат йўли билан таьминлаш бўлимлари тузилди. Бу бўлимлар ҳарбий хизматчилар оилаларига моддий ёрдам бериш ишига ҳам маьлум маьнода масьул эдилар. Жумладан, Жарқўрғонлик ҳарбий хизматчиларнинг оилалари эҳтиёжи учун ўн тонна ғалла, қирқ бош қўй ва ўттиз минг сўм пул ва бошқа турли хил маҳсулотлар ажратилди.

Фронт оркасида бокувчисиз ёлғиз колган оила аьзоларига ҳам катта иқтисодий ёрдам кўрсатилди. «Қизил Қаҳрамон», «Й. Охунбобоев», «Қизил Юлдуз» ва «Пахтаобод» каби жамоа хўжаликларида олтмиш битта жангчи оилаларига томорка участкалари таркатилди, жамоалар хўжалиги кучи билан ғалла экиб берилди. Эллик бешта оила кишлик ўтин, ўн етти оила эса пойафзал, уст - бош кийимлари, ўнта оила кўрпа, одеял, 47 кг линтер пахтаси, тўрт киши эса 57 кг жун билан таьминланди. 1944 йил январь ойида меҳнаткашлар депутатлари Жаркўрғон туман кенгаши Ижроия Қўмитасининг VI сессияси бўлиб ўтди. Кун тартибидаги масала фронтга кетган жангчиларнинг оила аьзоларига ёрдам бериш эди.

Туман ижтимоий таьминот бўлими томонидан уруш катнашчиларининг оила аьзоларига ёрдам тарикасида 117.207 сўм, ўн икки нафар кишига курортга йўлланма, 34 нафар кишига протезлар берилган бўлса, ўнта уйлар эса таьмирлаб берилди. Қизил Қаҳрамон» номли жамоа хўжалигидан етти хўжалик янги уйларга кўчиб ўтишди.

Фашизм билан бўлган урушда туман аҳолиси ҳам кўлига курол олиб алоҳида мардлик намуналарини кўрсатиб душманга аёвсиз кирғин келтирдилар. Бу конли жангларда юзлаб Жаркўрғонлик азаматлар шаҳид бўлган бўлса, юзлаб жангчилар эса ғалаба баҳорини каршилашга муяссар бўлиб, ўз юртларига ёруғ юз билан ғалаба нашидасини сурган ҳолда кайтдилар. Уруш бошланган йилларда Жаркўрғон туманида эллик тўртта жамоа хўжаликлари аьзолари ва туман меҳнаткашларидан 5365 киши фронтга кетган бўлса, шулардан 3826 нафар йигитлар эса она юрти Жаркўрғонга кайтиб келмади. 1583 нафар жангчилар эса майиб-мажруҳ бўлиб ўз яшаш жойларига кайтиб келдилар.

Уруш йилларида туман аҳолиси ҳам армиянинг, колаверса бутун мамлакатнинг ҳарбий арсеналига айланди. Ўша суронли йилларда тумандаги барча инсонлар уруш даврининг муҳтожликлари, етишмовчиликлари ва йўкотишларига карамасдан мардонавор меҳнат килиб фашизм устидан козониладиган ғалабанинг иқтисодий пойдеворини барпо қилдилар. Бу йилларда вилоят саноати маҳсулдорлиги йигирма фоизга ўсди, йиллик казиб

олинадиган нефть микдори йигирма минг тоннага етди. 1940-1945 йилларда Ховдак нефть конидан 199672,0 минг, Кокайди нефть конидан эса бу йилларда 257467,0 минг тонна нефть казиб олинди.

Уруш йилларида туман аҳолиси жанговор техникалар курилишига маблағ ажратишда ҳам алоҳида ўрнак кўрсатди. Жанговор техникалар курилишига кўплаб маблағ топширилди. Юзлаб юртдошларимиз ўз шахсий маблағларидан 50, 100 минг сўмлаб ва ундан ҳам ортиқроқ маблағ тўплаб топширдилар. Ана шу маблағлардан самолёт куриб фронтга жўнатиш учун 1943 йилда «Меҳнат роҳат» колхозидан Н. Боймуродов 100 минг, Қизил карвон колхозидан М. Азимов 100 минг, «Сталин» жамоа хўжалиги раиси Х. Омонов 100 минг сўм, «Меҳнат роҳат» жамоа хўжалигининг аьзоси Ўсар Ёдгоров 106 минг сўм, «Сталин» жамоа хўжалиги аьзолари Холмўмин Имомкулов беш минг сўм, Ферма мудири Худойшукур Абдураҳмонов тўрт минг сўм, ҳосилот Қулмўмин Жумаев минг сўм микдорида маблағ тўплаб бердилар.

Бундан ташқари Жаркўрғон туман комсомол ташкилоти аьзолари «Ўзбекистон комсомоли» танк курилишига етмиш минг сўм пул тўплаб беришди. «Сталин» номли жамоа хўжалиги ватанпарварларининг фронтга кўрсатган ёрдамлари муносиб такдирланди. Чунончи «Илғор Сурхон учун» газетасининг 1943 йил 20 март сонида босилган СССР Мудофаа кучлари бош кўмондонининг жамоа хўжалиги раиси Х. Омоновга юборган телеграммасида «Ўзбекистон колхозчиси» номли танк колоннаси ва авиа эскадрилья куришга 410 минг сўм тўплаган эркак ва аёлларга ташаккур билдирилган эди.

Ёшу кекса, эркагу аёл Жаркўрғонликлар кўлларидан нимаики иш келса, ҳаммасини фронтга ёрдам бериш учун сарфладилар. Жанговор техникалар курилишига вилоят микёсида 45 миллион сўмдан кўпрок маблағ тўплаб топширилди. «Арғамчига кил қувват» деганларидек, юкоридаги каби кўрсатилган ёрдамлар, фронт ортидаги меҳнаткашларнинг мадади туфайли жангчилар немис боскинчиларига қарши қақшатқич зарба бердилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эришилган ғалабада жаркўрғонликларнинг кўрсатган жасорати, фронт орқасидаги фидоий меҳнати, она-юртнинг муқаддас тупроғини асрашда кўрсатган фаол иштироки келажак авлодлар томонидан

алоҳида хурмат ва эътиборга олиниб, уларнинг муносиб меҳнатини ва кўрсатган мардлик жасоратини абадийлаштириш мақсадида Жарқўрғон туманида Мотамсаро Она ҳайкали ўрнатилиб, урушда ҳалок бўлган жангчилар хотираси адабийлаштириб, фронт орқасида хизмат қилган меҳнаткаш халқнинг жасоратини намоён этувчи музей ва Хотира майдони ташкил этилди.

Уруш йилларида туман қишлоқ хўжалиги ходимларининг машаққатли меҳнати.

Совет - герман уруши бошланғич даврининг энг мураккаб ва масьулиятли вазифаларидан бири иқтисодиётни ҳарбий изга солишдан иборат эди. Шу сабабли Республика қишлоқ хўжалиги олдида уруш бошланиши билан фронт ва мамлакат ичкарисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан баркарор таьминлашдан иборат масьулиятли вазифа кўндаланг бўлиб турди. Бунинг учун аграр ишлаб чикаришни ғоят киска муддат ичида, бутун халқ хўжалиги каби ҳарбий изга кўчириш лозим эди. Қишлок хўжалигининг барча моддий ресурсларини сафарбар этиш, техника экинлари, дон, картошка ва сабзавотлар экишни кўпайтириш зарур эди. Республика ва туман чорвадорлари олдида ҳам жиддий вазифалар турар эди, улар армия учун ҳам, аҳоли учун ҳам гўшт - сут маҳсулотлари ишлаб чикаришни кўпайтиришлари керак эди.

Бу вазифаларни ҳал қилиш бир катор омиллар туфайли мураккаблашиб кетган эди. Биринчидан, Марказнинг кўп йиллардан буён пахта яккаҳокимлигини ўтказиб келаётганлиги сабабли республика деҳқончилигининг бутун таркиби асосан пахта етиштиришга мослаштирилган эди. Дон экинлари етиштириш эса иккинчи даражали ўрин эгаллар эди. Иккинчидан, уруш бошланиши билан аграр ишлаб чикаришнинг моддий - техника базаси заифлашиб колган эди. Натижада қўл меҳнатининг улуши ҳаддан ташқари ортиб кетди, от - улов билан бажариладиган ишлар ҳажми кўпайди. Учинчидан, кадрлар масаласи сезиларли равишда кескинлашди. Уруш фронтга малакали кадрлар ва меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг анчагина кисмини жалб килган эди. Албатта, ушбу қийинчиликларни халқнинг метиндек иродаси, чексиз сабр - бардоши, мардонавор меҳнати енгиб чиқди. Асосан пахтачиликка ихтисослашган вилоят, туман деҳқончилигида пахта, дон, картошка, қанд лавлаги, каноп, пилла, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштиришга катта эьтибор берилди.

1941 йил 18 ноябрда вилоят ижроия кўмитасининг анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда «Ғалла майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида» ги масала муҳокама қилинди. Вилоят ғаллакорлари 1941 йил

ғалласи учун 104 минг гектар ерга ғалла уруғини кадаган эдилар. Вилоят деҳқонларининг мардонавор меҳнатлари натижасида 104 минг гектар ерга экилган донли экинлардан 573718 центнер ҳосил олинди. Ҳосилдорлик гектарига 5,3 центнерни ташкил қилди. Жаркўрғон туманидаги «Охунбобоев» номли жамоа хўжалиги 1941 йилда давлатга 45 тонна пахта, 55 тонна дон, 945 кг пилла, 524 центнер гўшт,3 минг дона тухум, 12 тонна сут топширди.

Булардан ташқари жамоа хўжалиги чорва моллари, фермалари учун бир қанча тонналаб ем - хашак жамғарди. Улар учун кишки кўтонлар курди. Шу йили жамоа хўжалигида 82 нафар киши бўлиб, шулардан 38 нафари ишга яроқли эди. Жамоа хўжалиги 2682 гектар ерга эга эди. Шундан 201 гектари суғориладиган ерлар бўлиб, 108 гектар ерга алмашлаб экин экилди. 93 гектар ерда пахта, 59 гектар ерда дон, 49 гектар ерга беда, ҳаммаси бўлиб, 201 гектар ерга деҳқончилик қилинди. Жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришдан 16,8 миллион 587 минг сўм соф фойда олди. Шундан 17437 минг сўми жамоа хўжалиги бўлинмас фондига ажратилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида техниканинг камайганлиги натижасида пахта ва қишлоқ хўжалик экинларини ишлаш учун қўл кучи кўп талаб қилинар эди. Бир кишининг бир йиллик ўртача иш куни 306 кунни ташкил қилди. Бир меҳнат кунининг киймати эса 6,04 сўмни ташкил қилди. Шу йили жамоа хўжалигига тоғли Бойсун туманидаги Кофрун қишлоқ кенгашига карашли жамоа хўжаликларидан 108 нафар киши кўчириб келтирилди. «Қизил Қаҳрамон» номли жамоа хўжалигида 1941 йили 119 нафар киши бўлиб, шундан 52 нафаригина ишга яроқли эди. Жамоа хўжалигида 1826 гектар умумий ер майдони бўлиб, 239 гектари суғориладиган ер эди. Хўжалик чорва молларидан 49 от, 41 та қорамол, 330 бош қўй - эчкиларга эга эди.

Жамоа хўжалиги бўйича 95 гектар ерда пахта, 62 гектар ерда беда, 54 гектарда эса дон етиштирилди. 8 гектар мевазор боғлар яхши парвариш қилинди. Хўжалик 1941 йили 289 минг 536 сўм даромад килиб 60 минг 819 сўмни бўлинмас фондга ажратди. Деҳқонларнинг ўртача бир кунлик иш ҳаки эса 6 сўм 87 тийинни ташкил этди. Хўжаликни ишчи кучлари билан таъминлаб, уни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун унга Бойсун тумани «Янги обод»

қишлоқ кенгашидаги «Плуг» номли жамоа хўжалигидан 105 нафар киши кўчириб келтирилди.

Иккинчи жаҳон уруши машаққатлари, очарчилик ва бошқа офатлар жарқўрғонликларни ҳам четлаб ўтмади. Меҳнатга лаёқатли эркакларнинг асосий қисми фронтга жўнатилди. Қишлоқ хўжалиги ишларнинг бутун юки аёллар ўсмирлар зиммасига тушди. Ҳар бир жарқўрғонлик ўз меҳнати ва маблағи билан ғалабани таъминлашда муносиб ҳисса қўшган. “Меҳнат роҳат” колхози раиси Н.Боймуродов, “Қаноат”, “Қизил карвон” колхозлари раислари Ў.Ёдгоров ва М.Азизовлар ўз шахсий жамғармаларини фронт учун ҳарбий техника, ўқ-дори, жангчилар учун озиқ-овқат, кийим-кечак тайёрлашга топширган. Жарқўрғонликлар фронт орқасида туриб, бутун куч- ғайратини меҳнатини фронт ғалабаси учун сафарбар этиб, ўзларида бор имкониятларини, кийим-кечакларини, озиқ-овқатларни, моддий бойликларни фашизм устидан ғалаба қозониш учун жўнатиб, ўзларининг инсонпарвар, ватанпарвар туйғуларини ибрат қилиб, намоён этдилар.

Жаркўрғонликларнинг уруш жанггоҳларидаги каҳрамонликлари.

Ўзбекистонликлар иккинчи жаҳон уруши фронтларида она юртлари учун, олиб борилган аёвсиз жангларда, кучли ва маккор душманга карши конли урушда ўзбек халқига хос бўлган каҳрамонлик ва мардлик, қўлда қурол билан жонажон заминини ҳимоя қила олишлик бутун қудрати билан намоён бўлди. Энг янги тарихий тадқиқотларнинг кўрсатишича, иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 433230 киши қатнашди. «Бир қараганда - деб таькидлаган эди Ислом Каримов,- ... бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин» лекин .. 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси бор - йўғи ... 6,5 миллион киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади.

Келтириб ўтилган маьлумотлардан кўриниб турибдики, иккинчи жаҳон уруши фронтларида Ўзбекистон аҳолисининг йигирма икки фоизи жанг килган. Агар аҳолининг ярмини аёллар, болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, меҳнатга яроқли аҳолининг қирқ - қирқ икки фоизи фронтда жанг қилганлиги аниқ бўлади. Босқинчиларга қарши қўлга қурол олиб жанг қилган Ўзбекистонлик жангчиларнинг умумий таркибидан 263005 киши ҳалок бўлган, 132670 киши бедарак йўқолган, 60452 ватандошимиз ногирон бўлиб қолди.

Иккинчи жаҳон уруши барча тинчликсевар халқлар қаторида Сурхондарё воҳаси аҳолисининг ҳам қалбида фашизмга нисбатан нафрат алангасини авж олдирди. Урушнинг биринчи кунлариданоқ Жаркўрғон тумани азаматлари ҳам қўлларига қурол олиб фашизм билан бўладиган қонли жангларга отланди. Ҳарбий комиссариатларга ўзларини фронтга юборишларини сўраб ёзилган аризалар сони кундан- кунга ортиб борди. Урушнинг дастлабки ойларида тумандан кўнгилли бўлиб фронтга кетиш истагини билдирган ватанпарварлар сони юз кишидан ошиб кетди. Душманга қарши чексиз нафрат ҳисси билан ёнган ана шу кўнгилли ватанпарварлардан «Сталин», «Большевик», «Маданият», «Ижтимоият» номли жамоа хўжаликларидан уч юзга якин киши курашга отланган эди. Улар сафида Бектош Чориев, Бозор Муҳаммадиев,

Абдумўмин Юсупов, Чори Сафаров, Холмўмин Тиловов, Туроп Раҳмонов, Эсон Ҳайдаров, Раҳмон Худойшукуров, Қалкон Аллаёров, Нормурод Эрназаров, Нарзулла Чориев ва бошқаларнинг номларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Фронт жанггоҳларида жумладан, 1942 йил Москва ёнида сапёрликка ўкиган, сўнгра 2- Белоруссия фронтида, машҳур курск- Орёл остонасидаги жангларда иштирок этган, душман ўти остидан тиканли симларни кесиб, разведкачиларга йўл очиб берган ва бу жасорати учун «Қизил юлдўз» орденига сазовор бўлган жангчи Хўжахон Мамаюсупов ака шундай қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. 1911 йилда туғилган, урушгача жамоа хўжалиги аъзоси бўлиб ишлаган, 1943 йил 2 январда Жарқўрғон туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган Эргаш Ўзоқов фронтда 41- дивизия, 38 - полк, 103 - ўқчи полкда автоматчи бўлиб хизмат қилди. Польшани озод килишда тил тутиб келгани учун II даражали «шуҳрат ордени билан мукофотланди. СССР Олий кенгашининг Х11 сессияси карорига асосан (1945 йил 12 октябрь) Германиядаги Совет Оккупация қўшинлари қўмондони, совет иттифоқи маршали Г Жуков ва ҳарбий кенгаш аъзоси, генерал лейтенант Телегинлар имзоси билан тасдиқланган ташаккурномага асосан у урушдан Ватанига қайтиб келди. Пахтаобод жамоа хўжалигида яшаган, урушгача милиция ходими бўлиб ишлаган Тўра Жўраев 1942 йилда фронтга кетиб, Киев, Калинин, Харьков ва Воронеж шаҳарларини озод килиш учун бўлган жангларда иштирок этди ва жанговор медаллар билан мукофотланди. Шу жамоанинг аъзоси Қобил Шоймуродов ҳам Волгоград ва Куйбишев шаҳарларида уруш сабабли вайрон бўлган жойларни тиклаш, йўл ва кўприкларни тўзатиш, темир йўл қуриш ишлари билан шуғулланиб, Чехословакия ва Руминияни озод қилишда иштирок этди. Кавказни ҳимоя қилишда қатнашди. Жангларда кўрсатган жасоратлари учун ҳукуматнинг орден ва медалларини олишга сазовор бўлган эди.

Сурхон давлат хўжалигидан урушга жўнатилган Яраш Фозилов жангларнинг бирида рота командирининг буйруғи билан учта гранатани қўлига олиб, немис танкига қарши чиқди. У иккита гранатани отгач, учинчи гранатаси

портламай ўзи ҳам тупроққа қорилиб қолди. Бошқаларни эса рўпарадаги танк мажаклаб кетди. Буни қарангки, тупроқ остида бўлса ҳам у тирик қолди. Яраш Фозилов Саратовдаги госпиталда ўзига келди. Олти ой Красноярскда осколька қолдикларини олдириб даволанди. Бироқ бундан хабари бўлмаган командири уни ўлганлар сафига қўштириб юборди. Уни командири Сталинград вилояти, Дубовский туманидаги Ерзовки кишлоғининг шимоли-ғарбий томонига дафн этилган деб туман комиссариатига хабар юборади. Бу хабардан Яраш Фозилов мустақиллик йилларидагина хотира китобида фамилияси чиққач хабар топди. Яраш Фозилов урушдан кейинги йилларда темир йўлда кўп йиллар ишчи бўлиб фаолият кўрсатиб нафақага чиқди.

Жарқўрғонлик Зокир Эшқораев ҳам уруш жанггоҳларида катта қийинчиликларни бошидан кечирди. У ўз хотираларини шундай ҳикоя қилади. «Жангларнинг бирида тизза бўйи қор кечиб югураётган эдик, бир пайт портлаш натижасида ҳушимдан кетдим. Ҳушимга келгач қарасам чап оёғим мажакланган эди... Қўлим билан пайпасласам ўнг оёғим йўқ, ёнимдаги типирчилаётган этик ўнг оёғим экан. Яна ҳушимдан кетиб қолибман. Ҳушимга келгач ёнимда ётган Коля менга» гимнастёркамни ташлаб юбор», деб ялинди. Унинг ярим белидан пасти йўқ эди. Махорка чекса керак деб ўйлаб, судралиб бориб унга гимнастёркасини ирғитдим. Шунда у пайпаслаб эҳтиётлик билан чўнтагидан пахтага ўралган граната запалини чиқарди. -кечир мени, онажон... дея пичирлади ва запални ўнг қўлига кисганча зарб билан пешонасига урди. Шундоккина кўз олдимда унинг мияси оқиб кетди. Қанча ётганимни билмайман бир пайт қандайдир қора нарса яқинлашиб келарди. Яхшилаб тикилиб карасам санитар ит экан. Ит жонивор менга тикилиб безовта бўлиб шинғиллай бошлади. Бу унинг тезроқ чанага чиқ, дегани эди. Зўр кийинчилик билан чанага чиқдим. Аммо ит ўрнидан силжимай менга тикилиб ётар эди. Бизга ўргатилишича ярадор бўлганда чанага қуролсиз чиқмаслик керак. Агар автоматни олмай чиқилса, ит немис солдати деб ўйлаши мумкин. Қуролни олиб чикиш эса итлар учун парол ҳисобланар эди. Бу паролни санитар итлар яхши англаб олган эдилар. Мен инграй-инграй чанадан тушиб, судралиб бориб автоматни олдим ва қийнала- қийнала чанага чиқишим билан ит мени судраб

кетди. Ана шу тариқа санитар ити мени ўрмон ичкарисидаги госпиталга етказиб борган эди (Зокир ота шундан кейин ҳам икки оёқсиз нак ўттиз йил яшади). Иккинч жаҳон уруши йилларида жанг майдонларида мардларча ҳалок бўлган, жаҳонда тинчликни сақлаш, фашизмни устидан тўлиқ ғалаба қозониш учун мардлик намунасини кўрсатган Жарқўрғонлик қахрамонларнинг номлари адабийлаштирилиб, уларнинг оила аъзолари мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан ҳар томонлама, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб келмоқда. Фронт жанггоҳларида ярадор бўлиб қайдган ногиронлар ва кексалик гаштини сураётган нуроний иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари доимий тарзда давлатимизнинг ҳимоясидадир.

Урушдан кейинги йилларда туманда қишлоқ хўжалигининг мустаҳкамланиб бориши (1946-1990 йй)

Урушдан кейинги дастлабки йилларда вилоятда қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама тараққий эттириш, мавжуд муаммоларни тезроқ тугатиш, моддий-техникавий аҳволни яхшилаш каби вазифалар турган эди. Ишчи кучининг етишмаслиги, малакали мутахассислар кўпчилигининг урушда ҳалок бўлганлиги, давлат томонидан етарли даражада ёрдамнинг йўклиги натижасида жамоа хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш имконияти анча чегараланган эди. Ачинарлиси шундаки, оғир аҳволга қарамай, Марказдан берилаётган кетма-кет кўрсатмалар, имкониятни ҳисобга олмай режалаштириш, қўшимча маҳсулотларни етказиб бериш тўғрисидаги буйруқлар халқнинг турмуш даражасини қийинлаштириб қўйди. Шундай шароитда ҳам вилоят меҳнаткашлари ўз зиммасидаги режа ва топшириқларни бажаришга ишонч билан киришдилар. Урушни ғолибона тугаллаган собик совет халқи эндиликда уруш жароҳатларини тиклаш ва ривожлантириш ишларига киришди. Бироқ бу ишларни амалга оширишда бир қатор қийинчилик ва мураккабликлар ҳам юзага келди. Масалан, шундай қийинчиликлардан бири бу кадрлар тайёрлаш масаласи билан боғлиқ эди. Гап шундаки, урушда қатнашган жангчилардан жуда кўпи ўз касбининг устаси бўлган кишилар жангларда ҳалок бўлган бўлсалар, яна фронт орқасидаги оғир меҳнат туфайли озиқ-овқатнинг етишмаслиги, турли - туман касалликлар туфайли кўплаб ишга яроқли меҳнаткашлар сафдан чиққан эдилар. Бундай ҳоллар шубҳасиз ишнинг кўзини биладиган, омилкорлик билан хўжалик юритадиган билимдон кадрларга муҳтожлик заруратини туғдирмасдан қолмас эди.

Урушдан кейинги қурилиш йилларида туман халқ хўжалиги қайта тикланди, юксалди, колхозлар йириклашиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган улкан ютуқлари учун 1949-1932 йилларда С.Муроталиев, А.Норбўтаев, Ч.Хўжамиёров, С.Ҳайдарқулов, Н.Боймуродов, А.Қурбонов, С.Сафарова, Э.Рустамов Меҳнат Қахрамони унвонига сазавор бўлганлар.

Бундан ташқари етарли молиявий ресурслар, зарур техника воситалари, машина ва механизмларнинг етишмаслиги ҳам катта қийинчиликларни келтириб чиқарди. Шундай қийин шароит бўлишига қарамасдан вилоят ва туман меҳнаткашлари ўз зиммасидаги режа ва топшириқларни бажаришга киришдилар. Қумкўрғон ва Кокайди каналларида урушдан кейинги йилларда сув кам келиши туфайли Қумкўрғон, Жалойир, Бозор Кокайди, Исмоил тепа қишлоқ кенгашларидаги жамоа хўжаликларида беда, хашак тайёрлаш режалари 20-30 фоизгагина бажарилди холос.

Бу эса хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришга катта салбий таьсир кўрсатди. Пировард натижада жамоа хўжаликларида давлатга жун, гўшт, сут топшириш режалари атиги 25-35 фоиз бажарилди холос. Шунингдек, кўзги дон экиш режаси ҳам бажарилмай қолди. Бозор кокайди қишлоқ кенгашидаги «Қизил Қаҳрамон» жамоа хўжалиги раиси Омонов 87 гектар ўрнига,4 гектар, «Пахтаобод» жамоа хўжалиги раиси Тоғай Ёрматов 42 гектар ўрнига 7 гектар дон экди. Вилоят партия кўмитаси, вилоят ижроия кўмитаси Жарқўрғон туманида ем - хашак жамғариш, дон экиш масалаларини кўриб чиқиб, бу соҳада йўл қўйилган хатоларни зудлик билан тугатиш чораларини кўрдилар. Туман партия қўмитаси, туман ижроия қўмитаси, «Қизил Қаҳрамон», «Пахтаобод», «Охунбобоев» номли жамоа хўжаликлари ва қишлоқ кенгашидаги бошқа жамоа хўжаликларига МТС директори Живодоров кам ёрдам берганлигини аниқлаб, унинг зиммасига юқоридаги кўрсатилган жамоа хўжаликларига тезлик билан ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш юклатилди. Натижада юқоридаги жамоа хўжаликларига учта ҳайдов трактори ва бошқа техника воситалари ажратилди. Мавжуд ишчи кучи ва техника воситаларидан унумли фойдаланилди. Урушдан кейинги тўртинчи беш йиллик (1946 - 1950 йй) да мавжуд жамоа хўжаликлари гектаридан ўртача ўн икки ва ўн беш центнердан ҳосил олдилар. Бу белгиланган режадан беш-етти центнердан ҳам

юқори эди. 1948 йилда пахтачилик соҳасида эришган мувоффақиятлари учун «Сталин» номли жамоа хўжалигида ўн саккиз нафар киши ҳукуматнинг орден ва медалларига сазовор бўлдилар. 6 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 62,6 центнердан ҳосил етиштирган звено бошлиғи Ашур Норбўтаев СССР Олий кенгаши Президиумининг 1949 йил 25 майдаги фармони билан «Социалистик меҳнат каҳрамони», шунингдек «Пахта устаси» деган шарафли унвонга ҳам сазовор бўлди.

Ўзбекистонда пахтачиликнинг янги босқичи 1946-1953 йилларни ўз ичига олади. Бу даврга келиб, пахта ҳосилдорлиги кўпайиб, янги ирригация ва мелиорация ишлари амалга оширилиб, Жарқўрғон районидаги Оққўрғон, Гарангтўқай ва Зар-камар ботқоқликлари ўзлаштирилди.

1949-1950 йилларда Занг каналидан Таллимарон массивига сув ўтказувчи канал ишга туширилди. Сурхон-Шеробод воҳасида суғориладиган майдонларни кенгайтириш, айниқса урушдан кейинги йилларда Шерободдарё ва Занг каналидаги суғориш тизимларини қайта таъмирлаш билан боғлиқ эди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши асосан колхозларнинг куч ва маблағлари ҳисобига амалга оширилди, Жарқўрғон ва Термиз районларининг колхозлари томонидан «Кокайди» ва «Янгиариқ» каналлари қайта таъмирланиб, Сурхондарёнинг ўнг қирғоғидаги Оқтепа массиви ўзлаштирилди. Қурувчилар томонидан Жарқўрғон райондаги ботқоқ ерлар ўзлаштирилди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармокларида, жумладан, чорвачилик, пиллачилик, дон маҳсулотлари етиштиришда, полиз ва боғдорчиликда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Кадрларнинг етишмаслиги, техникани яхши ишлата билмаслик, суғориладиган ерлардан тўла фойдаланмаслик, Кокайди каналидан сувнинг ўз вақтида келмаслиги сабабли жамоа хўжаликлари маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш режаларини бажара олмадилар. ВкП(б) Марказий Қўмитаси ва СССР Вазирлар кенгашининг »Майда жамоа хўжалик (колхоз)ларини йириклаштириш ва партия ташкилотларининг бу соҳадаги вазифалари тўғрисида» 1950 йил 30 майда қабул қилган қарори жамоа хўжалиги тузумини мустаҳкамлашда ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

1951-1952 йилда Жарқўрғон райони меҳнаткашлари Занг каналини тозалаш ва кенгайтириш борасида катта ишларни олиб бориб, экин майдонларининг сув билан таъминланишни яхшилади. Собиқ СССР Министрлар Совети 1952 йил 2 сентябрда Сурхон-Шеробод воҳасида янги ерларни ўзлаштириш мақсадида, Занг каналини узайтириш ва қайта таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Ушбу қарорни амалга ошириш бўйича 27 кишидан иборат Колхозлараро махсус кенгаш тузилди.

Занг канали бўйича ўтказилган ер ишларининг умумий ҳажми 400 минг $м^3$, бутун колхоз ички суғориш ва коллектор тизимини қайта қуриш учун 300 минг $м^3$ ишлар бажарилди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун 2,5 млн сўмни ташкил этди. Сурхон-Шеробод ҳудудини ўзлаштириш, янги суғориш тизимларини қуриш ва коллектор-завурларни ишга тушириш мақсадида механизация кучидан фойдаланишга катта эътибор берилди. 1953 йилда воҳа қишлоқ хўжалигига 6 мингта трактор ва 2200 та автомашиналар жалб этилди.

1955 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида Кокайди канали узайтирилиб, 1 минг гектар суғориладиган майдон ўзлаштирилди.

1946 йилга нисбатан пахта экиладиган майдонлар миқдори 1953 йилда 161 фоизга кўпайиб, Жарқўрғон районидаги Туркманқишлоқ, Жалоир, Қумқўрғон ботқоқликлари ўзлаштирилди. Янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига 1946 йилда пахтанинг ҳосилдорлиги 14,8 центнерга, 1953 йилда эса 25,9 центнерга етди. Ингичка толали пахта майдонлари эса 10 баробар ошди.

Жамоа хўжаликларини йириклаштириш тўғрисидаги қарорни Жарқўрғон туманининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам қўллаб-қувватлади. Улар майда жамоа хўжаликларини бирлаштириш ва уларни катта ер майдонлари бўлган жамоа хўжаликларига айлантиришни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун янги қишлоқлар қуриш жамоа даромадини кўпайтириш учун энг тўғри йўл деб қабул қилдилар. 1948-1950 йилларда тумандаги «Охунбобоев», «Қизил Қаҳрамон», «Пахтаобод» номли жамоалар «Меҳнат роҳат» номли жамоа хўжалигига, 1950 йил август ойида «МОПР» (Ишчиларга халқаро ёрдам кўрсатиш бирлашмаси) ва «Қизил Юлдуз» номли жамоа

хўжаликлари, «Сталин» номли жамоа хўжалигига, «Маданият» ва «Ижтимоият» жамоа хўжаликлари, «Большевик» номли жамоа хўжалигига бирлашдилар. Шу йили яна «Қизил Ўзбекистон», «Иттифок», «Лойканд», «Деҳқонобод», «Гулистон» номли жамоа хўжаликлари ҳам бирлашиб бу жамоа хўжаликлари «Социализм» жамоа хўжалиги деб юритиладиган бўлди.

Натижада, ўртача ҳар бир хўжаликда вилоятда чигит экиладиган майдон 138 гектардан 1367 гектарга, тумандаги «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалиги ихтиёрида 26328 гектар ер, «Большевик» жамоа хўжалигида пахта майдони 440 гектарга етказилди. Бу даврда тўртинчи беш йиллик (1946-1950 йиллар) жамоа (колхоз) тузумини мустаҳкамлашга уринишлар билан тарихдан ўрин олди. Бундай уринишлар мамлакат қишлоқ хўжалигини юксалтириш вазифаларига мувофиқ тарзда хўжаликларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини фаоллаштириш заруриятини тақазо этган эди. Хўжаликларни бошқариш тизимини бир мунча такомиллаштириш ва унинг аъзолари меҳнатини ташкил этишни янада яхшилаш, қишлоқ хўжалик артели уставига риоя килиш устидан назоратни кучайтириш, ҳаддан ташқари кенгайиб кетган маъмурий аппаратни кискартириш, колхозда ишлаб чикаришни ривожлантиришни яхшилашга интилиш колхоз тузумини ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг асосий мазмуни бўлди. 1946-1948 йилларда вилоятда ва туманда ирригация ва мелиорация ишларига катта эътибор берилиб, Денов-Юрчи ботқоқлигида мелиорация ишлари, Душанбе-Қоратоғ, «Ҳазарбоғ» ва «Занг» каналларини қайта таъмирлаш қирқ минг гектарга яқин ерларни ўзлаштириш имконини берди. Натижада 1948 йилнинг ўзида пахтадан 185 миллион сўм умумий даромад олинди. Собиқ СССР Вазирлар кенгашининг «Суғориладиган ерлардан янада тўлароқ фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишларини механизациялашни яхшилаш мақсадида суғоришнинг янги тизимига ўтиш тўғрисида»ги қарори 1950 йилнинг августида қабул қилинди. Қарордан кейин туманда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, янги сув иншоотлари, каналлар қуриш, сунъий суғориш шохобчаларини тозалаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали амалга оширилиши кўзда тутилиб, 1956 йил узунлиги йигирма

уч километрли Кокайди (16м^3. сек), ўзунлиги тўксон километр бўлган Занг каналлари қайта таъмирланиб ишга туширилди.

Туманда 1965-1967 йилларда «Сурхонсовхозқурилиш» трестига қарашли «Зангқурилиш» қурилиш монтаж бошқармасининг тўртинчи участкаси бинокорлари Жарқўрғон гидроузелини қуриб ишга туширди. Гидроузелнинг тўғон шитларидан (сув ўтказувчи тўсиқлари) секундига юз куб метр сув оқиб ўтадиган бўлди. 1966-1967 йилларда Занг каналининг бош қисмида ўттиз олти километр масофада тупроқ ва бетон ишлари бажарилди. Натижада 1966-1970 йилларда Сурхон-Шеробод чўлларида қирқ икки минг гектар ер ўзлаштирилди. 1962 йилда Жанубий Сурхон сув омбори қурилишини тезлаштириш учун қўшимча 60 дона эксковатор, 55 дона скрепер, 70 дона бульдозер, 60 дона автогрейдер, 110 дона автомашиналар келтирилди. Иш уч сменада ташкил қилиниши натижасида 1965 йилда Жанубий Сурхон сув омборининг биринчи навбати қурилиб ишга туширилди. Сув омбори ҳавзасига 400 миллион кубометр сув тўпланди. Вилоят тарихида биринчи бунёд этилган бу катта сув иншооти қурилишида қўлга киритилган муваффақиятларда, «Сурхонсовхозводстрой» трести қурувчиларининг ҳам ҳиссаси ғоят катта бўлди.

Қишлоқ меҳнаткашларининг бунёдкорлик куч-ғайрати деҳқончиликнинг бошқа соҳаларига ҳам турли шаклларда сарфланди. Масалан, туман деҳқонлари боғдорчилик ва ўзумчиликни ривожлантириш борасида ижобий ишларни амалга оширдилар. Аграр ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари каби бу тармоқлар ҳам уруш йилларида катта зарар кўрган эди. Урушнинг охирига келиб мевали дарахтлар сони анча қискариб кетган эди. 1946 йилнинг апрелида Ўзбекистон ҳукумати республикада боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқди. Мазкур дастурга биноан жамоа ва давлат хўжаликларига ўн ёшгача бўлган боғ ва узумзорларнинг сийраклигини тугатиш, уларни нормал қалинликка етказиш вазифаси қўйилди. Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси рухсатисиз дарахтлар ва ток зангларини қирқиш ва суғуриб олиш тақиқланди. Боғбонлар ва узумчилик учун сувдан фойдаланиш графиклари ҳамда бошқа имтиёзлар жорий этилди. Боғдорчилик яхши йўлга

қўйилган кўпгина хўжаликлар пайдо бўлди. Улар орасида тумандаги «Сурхон», «Ҳ.Олимжон» номли давлат хўжаликларини ва «Норали Боймуродов» номли жамоа хўжаликларини кўрсатиш мумкин. Боғдорчилик ва ўзумчиликни тиклаш ишлари билан биргаликда қишлоқ аҳолисининг сабзавотчилик ва полизчиликни ривожлантириш борасидаги кўп томонлама фаолияти ҳам кенг авж олиб кетди.

Уларнинг куч ғайратлари туфайли сабзавот ва полиз экиладиган майдонлар ҳам кенгайиб борди. 1966 йилда «Норали Боймуродов» номли жамоа хўжалигида 194 тонна сабзавот, 115 тонна мева ва узум, 1967 йилда эса 497 тонна турли мевалар етиштирилди. Жамоа хўжалиги ана шу маҳсулотларни сотиш режаларини бажариб келди. Жамоада сабзавот, полиз ва мева етиштириш учун ихтисослаштирилган бригадалар ташкил қилиниб, унга 52 нафар киши ажратилиб, улар махсус транспорт воситалари, асбоб- ускуна ва механизмлар билан таьминланди. 1972 йилда Норали Боймуродов жамоа хўжалигидан янги жамоа хўжалик «Й. Охунбобоев» номли жамоа хўжалиги ажралиб чиқиб мустақил бўлганидан кейин 1972 йилги қишлоқ хўжалик йилида жамоа бўйича 173 гектар ерга дон, 18 гектар ерга сабзавот, полиз ва беда экинлари эқилди. Бу ишларни бажаришда 22 дона трактор, 15 дона автомашина, 12 дона тележкалар ишга солинди. «Охунбобоев» жамоа хўжалиги 1973 йилда 70 тонна сабзавот, 160 тонна полиз маҳсулотлари, 85 тонна картошка,70 тонна ўзум, 30 тонна мева етиштириб давлатга сотди.

Уруш йилларида вилоятда чорвачилик ҳам катта зарар кўрган эди. Чунки фронт ва мамлакат ичкариси эҳтиёжлари учун чорва моллари ҳисобга олинмасдан сўйиб юборилди. Бунинг устига уруш даврида чорвачилик соҳасида меҳнат қиладиган мутахассислар етишмас эди. Шунинг учун тўртинчи беш йиллик (1946-1950 йй) ва ундан кейинги беш йилликларда чорва моллари туёғини кўпайтириш, унинг наслдорлигини ошириш, ем- хашак базасини такомиллаштириш, аграр секторнинг бу муҳим тармоғи моддий базасини мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Чорвадорлар меҳнат мусобақасининг етакчи шакллари соғин сигирлардан олинадиган сут миқдорини ошириш, қирқиб олинадиган жун, гўшт маҳсулотларини кўпайтириш эди. 1946-1948

йилларда Жарқўрғондаги «Сурхон», «Норали Боймуродов» ва бошқа жамоа ва давлат хўжаликларида энг яхши чорвадорлар ҳар юз бош она қўйдан 115- 117 тадан қўзи олишга муваффақ бўлдилар. 1950 - йилларда бир қатор хўжаликларда ем-хашак ўзатиш, илдизли озуқаларни ювиш ва қирқиш учун мосламалар жорий қилинди. Электромеханик ва от кучи билан ишлайдиган юритмалар қўлланилди. Айрим чорвачилик фермалари аралаш ва дағал озуқаларни майдалаб беришга киришдилар. Сигирларни аста - секинлик билан механик соғиш жорий этилди. Қоракўлчилик хўжаликларида қўйларнинг жунини олиш учун электромеханик агрегатлар ишга туширилди.

«Норали Боймуродов» номли жамоа хўжалигида 1968 йил 1 январгача 18940 бош қўй ва эчкилар (шундан қоракўл қўйлар 18215 бош), 1882 бош йирик қорамоллар (шундан 377 бош сигир), 271 бош отлар (шундан 90 бош тойлар) бор эди. Жамоа чорвадорлари барча молларни асраш ва кўпайтириш соҳасида анчагина жонбозлик кўрсатдилар. Жамоада зотли айғир, буқа, қўчқор ва бошқа моллар боқилди. Бу даврда донг таратган чорвадор кадрлар етишиб чиқди. А. Равшанов, Т.Рўзиев, Х. Холмуродов, Н.Ортиков, Т.Хидиров, Э.Холмуродовлар қорамолларни боққан бўлсалар, Х. Пиримқулова, У. Аьзамовалар сут соғувчи, А. Холмуродов, М. Исроилов, А. Абдураҳмонов, Н. Бакировлар жамоада чўпонлик қилдилар. «Социализм» хўжалиги эса 1966 йил давлатга 107,5 тонна гўшт, 274 тонна сут, 20,3 тонна жун, 88,14 минг дона тухум сотди. 1973 йили «Охунбобоев» жамоа хўжалиги чорвадорлари чорва махсулотларидан 98 тонна гўшт, 315 тонна сут, 65 минг дона тухум етиштирдилар. Чорва моллари учун 475 тонна силос, 416 тонна беда пичани, 500 тонна сенаж, минг тонна дағал хашак тўпладилар. 1975 йили шу жамоа хўжалик чорвадорлари ҳар бир сигирдан 2950 кг сут, ҳар юз бош сигирдан ўнтадан бўзоқ, юз бош совликдан бир юз қирқтадан қўзи, юз бош чўчқадан икки мингтадан чўчқа боласи олинди. Шу йили жамоа хўжалиги чорвадорлари 150 центнер пичан, 500 центнер кўк поя, 2500 тонна силос, 400 тонна дағал хашак, 200 тонна беда тайёрлаб режаларини ортиғи билан бажардилар.

1950 - йиллар охирига келиб жамоа хўжаликларидаги ишчиларнинг иш ҳақида ҳам ўзгаришлар бўлиб, эндиликда иш ҳақи маҳсулот билан эмас, балки

пул даромади билан тўланадиган бўлди. Бу эса меҳнаткашларни бозор билан боғланишга, эркин харид нархида ўз ҳоҳиш истаги билан маҳсулот сотиб олишга шароит яратиб берди. Лекин ҳали жамоа хўжаликларида меҳнат ҳақига ҳам пул, ҳам маҳсулот билан ҳақ тўлаш давом этиб келмоқда эди, бу эса ҳисобот ишларини олиб боришга тўсқинлик килар эди. «Норали Боймуродов» жамоа хўжалиги аъзоларига 1956 йилда ҳар бир меҳнат кунига 4 сўм 27 тийиндан пул, 3100 граммдан ғалла тўланди. Жамоа ялпи даромадни 4324 минг сўмга етказиб, шундан 830 минг сўмини ўз аъзоларига мукофот тариқасида тарқатиб берди. 1967 йилда жамоада ҳар бир аъзога кунига тўланадиган пул миқдори 5 сўм 32 тийиндан тўғри келди. Жамоадан 3173 минг сўм ҳак меҳнаткашларга тўланди. Айрим хўжаликлар жамоа хўжалигида йил бўйи фаол ишлаб катта даромад олдилар. Масалан, М.Маматқурбонов оиласи-3900 сўм, Х.Хидиров оиласи-3600 сўм, Д.Абдураҳмонов оиласи 3200 сўм соф даромад олди. Жамоа хўжалигининг томорқа ерлари-184 гектарни ташкил қилиб, ҳар бир жамоа аъзоси оиласига 0,15-0,16 сотиқдан ер ажратиб берилди. Бу эса жамоа хўжалиги аъзоларининг нафақат моддий бойлигининг ошишига, балки уларнинг маданий турмуш шароитларининг яхшиланишига ҳам олиб келди. Умуман бу йилларда жамоа аъзоларининг икки юздан ортиқ ўғил ва қизлари махсус ўқув юртларида ўқиб, ўқишларини тугатиб, жонажон хўжалигига ва туманга ўқитувчи, юрист, зоотехник, агроном, врач каби турли хил вазифаларда фаолият кўрсатдилар. Тумандаги «Сталин» жамоа хўжалиги аъзоси Фозил Имомов оиласи эса 1957 йилда 50940 сўм даромад олди.

Туманда 1966-1978 йиллар (яъни 12 йил ичида) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш икки баробарга ортди. Дон ишлаб чиқариш 6,6, макка 8,4, сабзавот, полиз, мева ва ўзум сотиш 2,8 мартага ортди. Меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичи, албатта қилинган меҳнатга нисбатан ҳақ олиш эканлигига боғлиқ бўлишини юкоридаги рақамлардан ҳам билиб олиш мумкин.

1949-1974 йилларда вилоятда экин майдонлари 64 минг гектаргача кенгайди, пахта майдони 53 минг гектардан 106 минг гектарга етди Пахта етиштириш 117 минг тоннадан 236 минг тоннага ўсди. 1965 йилда вилоят 305

минг тоннадан зиёдроқ пахта етказиб берди. 1949 -1964 йилларда сув хўжалиги ва қишлоқ қурилиши ишларига 163,4 миллион сўм маблағ сарфланди. 1956 йилда Норали Боймуродов жамоа хўжалиги 4324 минг сўм қишлоқ хўжалигидан ялпи даромад олиб, шундан 830 минг сўмини жамоа аъзоларига мукофот тарзида тарқатиб берди.

«Социализм» жамоаси эса 1965 йилда пахтадан 2013000 сўм даромад олди. 1970 йилларнинг бошларида деҳқонларнинг аҳволи бир оз яхшиланиб, улар иш ҳақи ва меҳнат мукофотларини йил якунида ўз вақтида ола бошладилар. Бу эса деҳқонларнинг меҳнат кўтаринкилигини ошириб, меҳнат унумдорлигини анча кўтаришга ёрдам берди. Ўз навбатида давлат Марказнинг пахтага бўлган эҳтиёжини қондиришни янада кучайтириш учун моддий - техника таъминотини ҳам ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилди. Вилоятда 1976 йили 483 минг тонна пахта етиштирилди. Шундан 160 тоннаси ингичка толали пахта эди. Ҳар бир гектар ердан шу йили 34,5 центнердан ҳосил олинди. Шу йили Жарқўрғон тумани меҳнаткашлари ҳам пахта етиштиришда бир мунча силжишларга эришди.

1974 йили «Охунбобоев» номли жамоа хўжалиги 890 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40,97 центнердан ҳосил кўтариб давлат хирмонига 3646 тонна аьло сифатли пахта етказиб берди. Маьсис Хуррамова, Мурод Хўжамкулов, Тошбой Ражабов, Қурбон Раҳмонов бошлиқ бригадалар ҳар гектар пахта майдонидан 40- 45 центнердан ҳосил кўтардилар. Бу ютукларни кўлга киритишда Жума Жўраев, Эшмўмин Тошматов, Бекмирза Саидназаров, Хуррам Махсумқулов, Бекмурод Зиёев каби механизаторлар ғўза қатор ораларига ишлов беришда жонбозлик кўрсатдилар. Ортиқова, Маматқулова, Муродова, Раҳмонова, Тошматова каби чевар теримчиларнинг ҳар бири саккиз-ўн тоннадан ингичка толали пахта териб топширдилар. Жамоа хўжалиги пахтакорлари 1975 йилда давлатга 3280 тонна пахта сотдилар. Шундан 2000 тоннаси машиналар билан териб олинди. 1976-1977 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича барча белгиланган режалар ортиғи билан бажарилгани ва пахтадан юқори ҳосил олганлиги учун пахтачилик бригадасининг бошлиғи Маьсис Хуррамова СССР Олий кенгаши

Президиумининг 1976 йил 25 декабрдаги фармони билан «Социалистик меҳнат каҳрамони» унвонига сазовор бўлди. Жамоа хўжалиги шу йили Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ССР Министрлар кенгаши касаба уюшмалар республика кенгаши ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг эсдалик байроғини олишга муяссар бўлди. Илғор бригадаларнинг бошлиқлари М.Хўжамқулов, Н.Хуррамовлар Ленин ордени билан, Н. Аллаев « Меҳнат қизил байроқ» ордени, жамоа хўжалиги раиси Н. Боймуродов, теримчи Ойимхол Гулбоева, бригада бошлиғи Парда Худойназаровлар «Ҳурмат белгиси», жамоа аьзоларидан Қурбон Раҳмонов, Орзигул Холматова, Қизлархон Чориева, Туроп Эргашевлар III- даражали «Меҳнат шуҳрати» ордени, Тошбой Ражабов «Шавқатли меҳнати учун» медали билан мукофотландилар. 1978 йили жамоа хўжалиги ҳар бир гектар пахта майдонидан 41 центнердан ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди.

Собиқ «Партия XXII сьезди» жамоа хўжалиги 1978 йилда 1267 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштириб, пахта тайёрлаш йиллик режаларини ошириб бажардилар. Давлатга 4108 тонна пахта сотилди. Бу муваффақиятга Эшонқул Худойназаров, Б. Боймирзаев, С. Тўрақулов, Ф. Имомов ва Р. Муродовлар етакчилик қилган бригадалар етарли улуш қўшдилар. Бу бригадаларда ҳам ҳосилдорлик 40-42 центнерга етказилди. Бригадаларнинг Г, Ўтаназарова, Г.Тангирова, А.Жумаева, М. Эргашева, Н. Маҳмудова, О. Бойғучева, О. Очилдиева, Ж. Сафарова сингари теримчилар хирмонга саккиз- ўн тоннадан пахта териб топширдилар.

1980 - йиллар бошларида қишлоқ хўжалигида маҳсулот етказиб беришда бир қатор муаммолар, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш ҳолатлари намоён бўлди. Аҳвол шундай бўлиб қолган эдики, қаерда бригадир ёки раис иш учун қайғурса, ўша ерда тўкинлик ва тартиб интизом бўлар эди. Қаерда ношуд, ялқов раҳбар ишласа, ўша ерда қолоқлик, қашшоқлик ҳукм сурар эди. Оқибатда ишлаб чиқарувчиларнинг ердан, ижтимоий мулкчиликдан бегоналашуви, хўжалик юритишнинг барқарор бўлмаслигини белгилаб берар эди. Меҳнатни моддий рағбатлантириш тизими бутунлай оқсаётган эди. Бу бир томондан, маьмурий чеклашлар билан тобора кучайиб бораётган текисчилик йўли билан, моддий

манфаатдорликни тобора кучайиб бораётган буйруқбозлик билан алмаштириш воситасида тўхтатиб турилса, иккинчи томондан, моддий рағбатлантиришни зарур иқтисодий шарт - шароитлар билан қўллаб қувватлашнинг йўқлиги тўхтатиб турар эди.

Мустақиллик арафасида қишлоқ хўжалигини оғир иқтисодий аҳволдан олиб чиқиш, ҳосилдорликни секинлик билан бўлса-да, кўтариш мақсадида вилоятда муҳим ишлар қилинди. Қишлок меҳнат аҳлининг ерга бўлган қизиқишини кучайтириш мақсадида уларга шахсий томорқа берилиб, экин турлари кўпайтирилди. Шахсий манфаатдорликни ошириш мақсадида катта имкониятлар яратилди. 1990 йилга келиб вилоятда, 41401 оилага 7 минг гектар ер шахсий томорқа қилиб берилди. Шахсий томорқанинг берилиши деҳқон оилалари учун эркин меҳнат самарадорлигини оширишга, оила ва бозор имкониятини ҳисобга олиб маҳсулот ишлаб чиқаришни кучайтиришга йўл очди. 1981 йилда Жарқўрғон тумани давлатга 40 минг 900 тонна ипак пахта сотган бўлса, 1990 йилда эса 46400 тонна давлатга пахта сотди.

Умуман олганда, 1946-1990 йилларда туман аҳолисининг урушдан кейинги қийинчиликларга қарамасдан, фидокорона қилган меҳнати туфайли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида маьлум ютуқлар кўлга киритилди. Бироқ мулкчиликнинг фақат жамоа ва давлат тизимига асосланганлиги хўжаликни бошқаришнинг буйруқбозлик ва волюнтаристик тартиблари шахсий ташаббусни бўғиб қўйди.

Оқибатда туман қишлоқ хўжалигида ҳам вилоят ва республикада бўлгани сингари қатор нуқсон ва камчиликлар юзага келди, буни инкор этиб бўлмайди.

ЗАНГ КАНАЛИНИНГ ТАРИХИГА ОИД ЛАВҲАЛАР

Сурхон-Шеробод воҳасининг энг йирик ирригация қурилишларидан бири Занг канали «Жанубий Сурхон сув омбори»дан 28 километр пастда, Жарқўрғон туманининг Арпапоя қишлоғидан бошланади. Занг канали қурилиши тизими икки қисмдан яъни: юқори ва пастки қисмдан иборатдир. Пастки қисмининг ўзи ҳам иккига бўлинади: Таллимарон каналининг узунлиги 25 километр ва пастки Занг каналининг узунлиги 12 километрни ташкил этади. Занг каналининг юқори қисми узунлиги 29 километр бўлиб, Сурхон воҳасидан ўтади ва Таллимарон, пастки Занг каналларининг юқори қисмидаги ерларнинг учдан икки қисмини сув билан таъминлайди, шунингдек Шеробод воҳасининг жанубий чегараларида жойлашган дашт ерларни суғориш имкониятини ҳам беради. Занг каналининг қайта таъмирланиши натижасида, унинг умумий узунлиги 50 километр, етказилди.

Занг каналини таъминлаш, ростлаш ва ҳимоя ишларига кетадиган йиллик ҳаражатлар 500-850 минг сўмни ташкил қилиб, 1955 йилда 29 минг киши Занг каналини тозалаш ишларига жалб этилди.

1954 йилда «Средазгипроводхлопок» институти томонидан Занг каналини қайта қуриш бўйича қидирув, текшириш ишлари амалга оширилди. Шу муносабат билан бош муҳандис Э.М.Бенъяминович раҳбарлигидаги ирригаторлар Занг каналини қайта таъмирлаш ва узайтириш лойиҳасини ишлаб чиқдилар.

Лойиҳа бўйича «Жанубий Сурхон сув омбори» тўғонидан 28 километр узунликда ва мавжуд Занг каналининг бош иншоотидан 5 километр пастда Сурхондарё ўзанидан сув тақсимлаш тугуни гидроузели қурилди.

Канал Сурхондарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб, дастлаб Ховдаг тепалигининг шарқий томонидан айланиб ўтиб Жарқўрғондан 15 километр узунликда, жанубий томондан эса 24,8 километрга чўзилиб пастки Занг ва Таллимарон бўйлаб оқиб ўтади.

Занг каналининг 25,7 километрида Таллимарон шохи дюкер сув ости кўприги орқали Қорасув дарёсидан ўтиб, Бешқўтон массиви орқали Музработ сойигача узайтирилган ва у 67- километрга етгач сув айирғич билан тугайди.

1955 йилда қабул қилинган янги лойиҳа бўйича Занг каналида 50 та иншоот, Таллимарон шохида 20 та иншоот қурилиши белгиланган эди.

Занг магистрал каналини тубдан қайта таъмирлаш ишлари 1962 йилда «Жанубий Сурхон сув омбори»нинг биринчи навбати қурилиши тугаши билан бошланиб, 1962 йилда «Средазгипроводхлопок» интитути Сув хўжалиги минстрлиги топшириғи билан 1955 йилги лойиҳа асосида қайта тузатилиб, қўшимча режа асосида тасдиқланди.

Бу лойиҳани амалга ошириш мақсадида 1961 йилда Сурхондарё област ижроия қўмитаси Занг каналини қуриш ва янги ерларни ўзлаштириш учун 800 кишини (шулардан Бойсун районидан 250 киши, Шеробод районидан 250 бошқа районлардан 300 киши) юборди. Қурилиш ишларини режа бўйича амалга ошириш ва ташкиллаштириш учун 1960 йилда «Зангстрой» махсус қурилиш монтаж бошқармаси (СМУ-ҚМБ) ташкил этилди.

Занг каналини қайта таъмирлаш ишларида Рустам Очилдиев, Рустам Маликов ва Рашид Хўжааҳмедовлар каби қурувчилар жонбозлик билан меҳнат қилдилар.

1963 йилнинг февралида канал қурилишига Шеробод районининг 4 минг қурувчиси ва 180 автомашинаси келтирилди. 100 нафар колхозчи, 20 дона автомашина «Ленин номли колхоз»дан, 550 нафар колхозчи ва 27 дона автомашина эса «XXII Партия съезди» номли колхоздан, 450 ишчи ва 25 дона автомашина Янгиобод колхозидан сафарбар этилди. Занг каналини қайта қуришга 1963 йилда «Сурханводстрой» СМУдан 2 дона эксковатор, 5 дона бульдозер, 3 та скрепер, «Южсурханводстрой» СМУдан 2 дона эксковатор, 3 дона бульдозер, 1 та скрепер, Термиз районидан 19 дона бульдозер, Шўрчи районидан 14 дона бульдозер, 2 та скрепер, 2 та автогрейдер ва эксковаторлар келиб ишлади.

1963 йилда Занг каналининг бетонланиши ва кенгайтирилиши натижасида унинг узунлиги 70 километр га чўзилиб, «Комсомолобод» қўриқ совхозигача етди. Унинг сув билан таъминланиши 65 м3Ғсек бўлиб, 37 минг гектар ерни суғориш имкониятига эга бўлди.

1965 йили минглаб кишилар вилоятнинг муҳим сув артериясини таъмирлаш ва қайта таъмирлаш ишларида иштирок этишдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1963 йил 26 май куни қабул қилган қарорида «Жанубий Сурхон сув омбори» орқали қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш, Занг каналини қайта таъмирлаш ва қўриқ совхозларда ер тайёрлашни тезлаштириш масаласи қайд этилди. Бунда ҳар йили янги совхоз қурилишига давлат 14 млн дан 16 млн сўмгача пул ажратди.

Занг канали тизимини яхшилаш ва сувнинг исроф бўлиши олдини олиш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1964 йил 10 августда махсус қарори қабул қилинди. Кун тартиби Занг каналини бетон қоплама билан қоплаш, сувни исроф қилиш миқдорини кескин камайтириш чора-тадбирларини кўриш масаласи қайд этилди. Ушбу қарор натижасида каналнинг бетон қопламаси туфайли сувни тежаш билан биргаликда ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳам яхшилаш кўзда тутилди. Шунинг учун 1965 йилда «Средазгипроводхлопок» институти Занг канали қурилишини давом эттириш ва қўшимча қайта таъмирлаш лойиҳасини қайта ишлаб чиқди. Қайта таъмирлаш лойиҳасида канал узунлигини 90,5 километр, ўтказиш хусусиятини эса 85 $м^3$Ғсек га етказиш белгиланди. Натижада суғориладиган экин майдонлари 65 минг гектарга етди. Занг каналини қайта таъмирлаш бўйича катта ишлар амалга оширилиб, Каналнинг сув ўтказувчанлик имконияти 56 $м^3$Ғсек дан 73 $м^3$Ғсекундга ошди.

Занг каналини бетонлаш ҳар йили 40 млн. $м^3$ сувни тежаш имкониятини берди. Бу эса Учқизил сув омбори фойдалилик ҳажмининг деярли ярмига тенг деганидир.

Занг каналини қайта таъмирлашда Шўрчи, Жарқўрғон, Термиз, Денов, Сариосиё, Бойсун районларининг минглаб қишлоқ меҳнаткашлари, «Сурхансовхозводстрой» трестининг сув қурувчилари, Сурхон-Шеробод воҳасининг ҳамма автохўжаликлар ҳайдовчилари қатнашдилар. Ишлар мураккаб гидрогеологик шароитларда олиб борилди. Канал ер ости сувлари билан тўлиб, умумий ҳажми 60 минг $м^3$, сув қалинлиги 0,5 дан 1 метргача бўлган майдонни ташкил қилди.

1967 йили Сурхон-Шеробод воҳаси бўйича бетон ва темир бетон билан қопланган каналларнинг умумий узунлиги 700 км.га етди. Бу 1963 йилга нисбатан 11 баробар кўп деганидир.

1967 йил 25 мартда «Жанубий Сурхон сув омбори» Занг магистрал каналининг кенгайган ва бетонланган ўзани бўйлаб сув берди. 1967 йилнинг баҳорида каналнинг 6 километр квадратли жойи бетон билан қопланди. Йил давомида Занг каналига 21 километр узунликда бетон ётқизилди. Занг каналини узайтириш ва қайта таъмирлаш 1964 йилнинг мартида тугатилди. Бу ишлар «Зангстрой» трести ва «Сурхансовхозводстрой» томонидан амалга оширилди. Бундан ташқари «Спецмонтажстрой», ПМК-2 трести, Занг канали учун алоқа линиялари ва металлоконструкцияларни тайёрлаш ишларини бажарди.

Қайта таъмирлаш ишлари натижасида, Занг каналининг узунлиги 90,5 километр га, сув ўтказиш қуввати эса 86 $м^3$Ғсекга етди. Натижа қўшимча минглаб гектар ерлар суғориладиган бўлди. Агар 1958 йилда Занг системаси 27,1 минг га ерни суғорган бўлса, 1968 йилда бу кўрсаткич 60 минг гектарга етди.

Занг каналининг таъмирланиши ва узайтирилиши натижасида пахта майдони 1958 йилда 20630 гектар бўлиб, 50000 тонна пахта ҳосили олинган бўлса, 1968 йилда пахтанинг Термиз, Ангор ва Жарқўрғон районлардаги майдони 49580 гектарга етказилиб, пахта ҳажми тонна ҳисобида 2,5 баробарга ошди.

Янги ўзлаштирилган ерларда йирик пахтачилик совхозлари «Янгиобод», «Комсомолобод», «Советобод» ва «А.Набиев» каби совхозлар пайдо бўлди. Янги қўриқ совхозлар 1961-1962 йилларда давлатга 230 минг тонна пахта топширдилар. «Зангстрой»қурилиш-монтаж бошқармаси томонидан 1968 йили Занг каналида 1,8 миллион сўмлик ишлар амалга оширилиб, Занг ва Таллимарон каналларида 731 минг $м^3$ дан кўпроқ тупроқ ишлари бажарилди. Ушбу каналлар учун 70 минг $м^3$ дан кўпроқ ёки 6400 вагон майдаланган тош ва 21 минг тонна цемент сарфланди. 1968 йили Шеробод чўлининг 7-совхозида 2567 гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Таллимарон совхозида 700 гектар ва

собиқ «Ленин йўли» совхозида 50 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Занг каналининг қўшимча 5 километри бетонланди.

1962 йилдан 1968 йилларгача Шеробод даштида 30841 гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилди. Шундан 1969 йилнинг 1 январгача 15450 гектар майдонга пахта экилди. Ушбу ўзлаштирилган ерларга Занг магистрал каналидан сув чиқарилди.

1975 йилда умумий майдони 35 минг гектар бўлган Музработ ва Болдир массивлари тўлиқ ўзлаштирилиб, Занг канали тармоқлари орқали 80 минг гектар ерни суғориш имконияти яратилди.

Сурхон воҳасининг иқтисодий ривожланиши ва қишлоқ хўжалигининг янада юксалишида Занг каналининг аҳамияти ниҳоят даражада катта бўлди. Занг каналининг қурилишига асос солган ва маҳаллий ирригатор сифатида танилган Шоназар ўғли Исмоил Мирохўрнинг номини абадийлаштириш мақсадида Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 1994 йил 7 июн №212-сонли қарорига асосан, Занг каналига Шоназар ўғли Исмоил Мирохўр номи берилди.

Шундай қилиб, «Жанубий Сурхон сув омбори»нинг қурилиши ва қадимий Занг магистрал каналининг қайта таъмирланиши, янги Шеробод машина магистрал каналининг қурилишига имконият яратиб берди. Натижада Шеробод даштининг шимолий қисмидаги минглаб гектар қўриқ ерларнинг ўзлаштирилишига шароит яратилди.

УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ТУМАН САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ.

Иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан тугалланиши меҳнаткашларда келажакка умид уйғотди, бутун куч ва ғайратни факат тинч ҳаёт маромини тиклашга, иқтисодиётни тинч ҳаётга мослаштиришга, уруш оқибатларини барҳам топтиришга йўналтириш имконини берди. Вазифа ниҳоятда мураккаб эди ва уни урушдан кейинги ғоятда оғир (ижтимоий - сиёсий иқтисодий) шароитда ҳал этиш лозим эди.

Республика тинч ҳаётга ишлашга мослашаётган саноат учун, аҳолини озиқ-овқат ва халқ истеьмоли моллари билан таьминлаш учун ёқилғига, электр қувватига, хом ашёга катта эҳтиёж сезар эди. Шунингдек, малакали ишчилар ва муҳандис - техник кадрлар етишмас эди. Бунинг учун иқтисодиётни, шу жумладан саноатни қисқа вақт ичида давр эҳтиёжларини қониқтирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказиш учун аввало бир қатор етакчи тармоқларнинг бир томонламалигини бартараф этиш зарур эди. Шу билан бирга уруш даврида жуда кўп оғирликларни ўз гарданига олган аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва талаб эҳтиёжларини қондириш лозим эди. Бу борада давлат мудофаа қўмитаси 1945 йил 26 декабрда эса «Умум истеьмол молларини ишлаб чиқарадиган енгил саноатни ривожлантириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилганини қайд этиб ўтиш зарур.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Ўзбекистонда тинч давр талабига биноан халқ хўжалигини тиклаш ишлари бошланди. Бутун иқтисодиётни, шу жумладан, саноатни қисқа вақт ичида давр эҳтиёжларини қониқтирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказиш учун аввало бир қатор етакчи тармоқларнинг бир томонламалигини бартараф этиш зарур эди. Ўзбекистон мехнаткашлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ саноат тармоқларини ривожлантиришдан иборат эди. Уруш бевосита республика ҳудудида бўлиб ўтмаган бўлса-да, лекин жуда катга зарар келтирди, айниқса, пахтачиликка катта зиён етди. Уруш йилларида, хусусан, 1942-1943 йилларда республика жамоа

хўжаликларида пахта майдони 212 минг гектар ерга ёки 24 фоизга, давлат хўжаликларида 15,1 минг гектар ерга ёки 33 фоизга қисқариб кетди. Бунинг асосий сабаби пахта экин майдонлари ўрнида дон экинлари, қанд лавлаги, каноп экиш бир неча баробар ортганлиги эди.

Худди шу манзарани Сурхондарё вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Агар 1941 йилда вилоят бўйича 104 минг гектар ерга дон экилган бўлса, 1943 йилда бу рақам 165 минг гектар ерни ташкил этди. Вилоятда 1941 йилда 70000 тонна пахта ҳосили олиниб, гектарига 17,1 центнерни ташкил этган бўлса, 1945 йилда 43 минг тонна пахта етиштирилиб, гектарига бор-йўғи 10 центнерни ташкил этди, холос. Пахта ҳосилининг камайиши пахта хом ашёси ҳисобига ишлайдиган пахта тозалаш, ёғ-мой, тўқимачилик корхоналари ишига салбий таъсир кўрсатди. Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш Ўзбекистон меҳнаткашларининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Пахта экиладиган майдонларни тўла равишда қайта тиклаш, пахта ҳосилдорлигини кескин равишда кўтариш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш зарур эди.

Шу мақсадда 1945 йил 14 июнда собиқ ВКП (б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Совети «Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисида», 1946 йил 2 февралда эса «1946-1953 йиллар даврида Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш режаси ва тадбирлари туғрисида» махсус қарорлар қабул қилди. Пахтачиликка алоҳида эътибор берилиши уни қайта ишловчи саноат тармоқлари ривожида кенг имкониятлар очди. 1946 йил октябрь ойида вилоят партия комитети пленумида 1946-1950 йилларда Сурхондарё вилояти халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг беш йиллик режаси қабул қилинди. Беш йиллик режада пахтачилик саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди, яъни 1950 йилда вилоятда пахта етиштиришни 34,7 минг тоннага, урушдан олдинги даврга нисбатан 54,2 фоизга ўстириш кўзда тутилди. Шу сабабли вилоятда пахта заводлари ва ёғ заводи ишини қайта қуриш, уларни замонавий техникалар билан жиҳозлаш режалаштирилди.

Урушдан кейинги йилларда пахта саноатининг энг муҳим компонентларидан бири саналган пахта тозалаш заводларининг техник қувватини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси олдида турган асосий вазифалар халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946 - 1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режасида белгилаб берилган эди. Беш йиллик режа Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1946 йил 30 августда бўлиб ўтган сессиясида кўриб чиқилди ва тасдикланди. Режага биноан 1946 йилнинг ўзидаёқ халқ хўжалигини қайта қуришни тугаллаш, ишлаб чикаришни эса 1948 йилда урушдан илгариги даражага етказиш кўзда тутилган эди.

Сурхондарё области ҳунармандчилик иттифоки ҳам иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари турларини яхшилаш, уларни сифатли ва кўплаб ишлаб чикаришга кириша бошлади. Област ҳунармандчилик иттифоки таркибида бўлган Жарқўрғондаги кўп тармоқли ҳунармандчилик артеллари иккитани ташкил қилиб («Янги турмуш» ва «Қизил аскар» номли кўп тармоқли ҳунармандчилик артеллари) улардан бири «Янги турмуш» номли кўп тармоқли ҳунармандчилик артелида 1947 йилнинг 1 январига кадар 28 та ҳунарманд (шулардан бештаси аёллар) 1948-1949 йилларда 39 нафар ҳунарманд ташкил қилиб, улар 1949 йили 132,7 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдилар. Артел аъзоларининг иш ҳақи фонди эса 75,2 минг сўмни ташкил қилди.

«Қизил аскар» ҳунармандчилик артели халқ хўжалиги юкларини ташишга мўлжалланган транспорт артели бўлиб, бу артелда 1947 йил январига келиб, ҳунармандлар сони 34 нафарни ташкил этган бўлса, 1954 йил 1 январига келиб, эса ҳунармандлар сони 73 тани ташкил қилди. «Қизил аскар» ҳунармандчилик артели транспортчилари томонидан 1946 йили 1383 тонна халқ хўжалиги юклари ташилиб, 32575 км йўл босилди. Ҳунармандчилик артели транспортчилари томонидан йил ўтган сайин юк ташиш ҳажми ортиб борди. Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўришимиз мумкин. 1950 йилга келиб ҳунармандчилик артелида 30 та туя бўлиб, йил бўйи бу туяларда 8790 кунлик

иш куни ишланиб, 225,0 минг сўм соф фойда олинди. Халқ хўжалиги юкларини ташишда 40436 км йўл босилиб, 1322 тонна юк ташиб беришга эришилди. «Қизил аскар» ҳунармандчилик артели от - арава транспортчилари аҳолининг оғирини енгил қилишда катта хизмат қилди.

Шундай қилиб, райондаги ҳунармандчилик артеллари ҳунармандларининг биргаликдаги меҳнати, ишлаб чиқариш жараёни устидан ягона раҳбарлик, ташкилий ва техник жиҳатдан бошқаришни яхшилаш, ишлаб чикариш вазифалари ва умумий манфаатдорлик жамоанинг умумий меҳнат фаолияти билан боғланган эди. Юқоридаги ҳунармандчилик артелларининг ташкилий тузилиши 1960 йилгача то ҳунармандчилик кооперацияси тугатилгунга қадар ўзгармасдан қолаверди. Шу ерда табиий савол туғилади. Нега Ўзбекистонда кейинги ўн йилликларга келиб саноатда ҳунармандчилик саноатидаги ҳунармандларнинг катта кисми унутилди ёки республикамизда эътибордан четда қолдирилди? Бунга сабаб, биринчидан, 1930 - йилларда ва ундан кейинги ўн йилликларда Ўзбекистонга собиқ иттифоқдош республикалардан ва Марказдан тайёр саноат маҳсулотларининг келтирилиши бўлса; иккинчидан, юқоридаги сабаблар натижасида Ўзбекистон Республикаси ва унинг вилоят ва туманларидаги ҳунармандчилик саноатининг азалий обрўси ва довруғи илдизига болта урилди; Учинчидан, собиқ совет ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати натижасида Ўзбекистон иттифоқнинг хом ашё етказиб берувчи айланиб қолди; Тўртинчидан, собиқ КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Министрлар кенгашининг Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар совети, областлар, район, шаҳар комитетлари, партия ташкилотларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар совети, област, район, шаҳар, ижроқумлари ва Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгашлари («Ўзпромсовет»)га ҳунармандчилик артеллари аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосланиб, ҳунармандчилик кооперацияси корхоналарини давлат идоралари ва матлубот кооперациялари бошқаруви ихтиёрига ўтказиш юклатилди.

Бу қарор натижасида жуда кўплаб ҳунармандчилик артеллари йириклаштирилган корхоналарга айлантирилди. Ўзбекистон ССРнинг

кўпчилик шаҳар ва районларида ҳунармандчилик кооперациясини давлат корхоналари билан ёнма - ён мавжуд бўлишига йўл қўйилмади. Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар совети республикада ҳунармандчилик кооператив саноатини бундан кейин мавжуд бўлишини фойдасиз деб топди ва 1960 йил 13 апрелда «Республика маҳаллий ва ҳунармандчилик кооперацияси саноати ишларини яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу қарорга биноан маҳаллий ҳунармандчилик ишлаб чиқариш артеллари ва Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгаши («Ўзпромсовет») нинг ногиронлар ҳунармандчилик артеллари давлат корхоналарига айлантирилди.

Шундай қилиб, 1960 йилда Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгаши ва унинг тармоқлари тугатиб юборилди. Шулар қаторида 1960 йилда Сурхондарё области ҳунармандчилик иттифоки ва унинг таркибида бўлган Жарқўрғондаги мавжуд иккита кўп тармоқли ҳунармандчилик артеллари ҳам тугатилди. Хулоса қилиб айтганда ўша даврда ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик шароитида ҳунармандчилик кооперацияси давлат органлари топшириқларини, кўрсатмаларини сўзсиз бажаришга мажбур бўлди. Ҳунармандчилик артеллари давлатлаштирилиб юборилди. Улар амалда давлат корхоналарига айлантирилди ва маҳаллий саноат вазирлиги ихтиёрига берилди.

Совет органларининг бу кескин тадбири ҳунармандчиликни чеклабгина қолмай, унинг кўплаб турларининг йўқ бўлиб кетишига ҳам олиб келди. Асосан ногиронлар артеллари (уларни иш билан таъминлаш мақсадида) ва халқ бадиий ҳунармандчилиги сақлаб қолинди холос.

Советларнинг ҳунармандларга салбий муносабати туфайли газлама, гиламдўзлик, кигиз тайёрлаш, кўнчилик, мисгарлик, бўёқчилик ва бошқа кўплаб ҳунармандчилик соҳалари 1960-йиллардан бошлаб йўқ бўлиб кетди.

Улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг турлари ва хажми камайди. кооператив, саноат асосан ҳунармандчилик артеллари маҳсулоти 1940 йилда Республика саноати ҳажмининг 19 фоизини ташкил қилган бўлса, 1958 йилда 8,5 фоизни, 1962 йилда эса атиги уч фоизни ташкил қилди.

Давлат корхоналари билан бир қаторда ҳусусий ёки кооператив мулкка асосланган ҳунармандчиликнинг бўлиши республика иқтисодий-маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этар эди. Лекин собиқ совет раҳбарларининг ўзбошимчалиги туфайли ҳунармандлар кооперацияси асоссиз равишда тугатилди. Бу республика аҳолиси (колаверса район аҳолисини ҳам) ни ҳаётий зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ва маиший хизмат кўрсатиш аҳволини мушкуллаштирди.

1946-1990 йилларда маҳаллий саноат корхоналари фаолиятида ҳам жонланиш сезила бошлади. Ҳунармандчилик артеллари маҳаллий саноат таркибига қўшиб юборилгач, 1967 йилда Жарқўрғон шаҳрида Жарқўрғон силикальцит заводи қурилиши бошланиб, 1971 йили 11-курилиш трести томонидан ушбу завод қурилиб битказилди. Жарқўрғон силикальцит заводини иккинчи навбати 1984 йили Жарқўрғондаги 26-курилиш трести томонидан қуриб битказилди. Силикальцит заводига хом ашё Туркманистоннинг Красноводск шаҳридан олиб келинар эди. 1982 йилдан бошлаб эса шу завод учун оҳак тошлари райондан 70 километр узокликдаги Бургуттепа (Термиз районидаги Гулбаҳор хўжалиги) конидан олиб келинадиган бўлди. Жарқўрғон силикальцит заводи 1986 йили - 4,700, 1987 йили - 4,638, 1988 йили - 5,392, 1989 йилда эса 5,711 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилди.

Завод ишчиларининг иш ҳақлари эса (ҳар бир ишчи учун) бу йилларда; 1986 йили-235, 1987 йили-246, 1988 йили-269, 1989 йилда эса-273 сўмни ташкил қилди.

Жарқўрғон районида 1951 йилга келиб Жарқўрғон ғишт заводи (собиқ Н.Боймуродов жамоа хўжалиги ҳудудида) биринчи марта пишиқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1959 йилга келиб заводда туб ўзгаришлар рўй берди. Ғишт заводида махсус вагон тортувчи рельслар ўрнатилди. Заводга 15 дона ғишт ташийдиган вагонлар олиб келинди. Бу қилинган ўзгаришлар натижасида заводда иш унумдорлиги ортди. Ўша йилларда 2 минг метр квадрат уй - жойлар, иккита мактаб, туман қишлоқларида эса еттита мактаб, иккита касалхона ушбу заводда ишлаб чиқарилган пишиқ ғиштлар билан қурилиб ишга туширилди.

1963- 1972 йилларда тумандаги ўн олтита йирик саноат корхоналари, 14408 ўринли йигирма тўртта мактаб, 896 ўринли икки қаватли марказий касалхона, 4230 ўринли ўн битта кинотеатр, 206 минг метр квадрат турар жой бинолари Жарқўрғон ғишт заводида ишлаб чиқарилган пишиқ ғиштлардан қурилди. Шу ўтган йилларда ғишт заводи томонидан 31 миллион сўмлик иш бажарилди. 1975 йилга келиб заводда йиллик иш ҳажми суммаси 127 минг сўмни, олинган фойда эса 13 минг 150 сўмни ташкил қилди. Шу олинган фойда ҳисобидан завод учун беш дона трактор, иккита юк автомобили сотиб олинди. Завод ўзининг шахсий транспортига эга бўлди.

1946 - 1990 йилларда туманда маҳаллий саноат билан бирга ёқилғи - энергетика соҳасида ҳам маълум бир ишлар амалга оширилди. Маълумки, иккинчи жаҳон урушигача ва уруш йилларида қурилган электр станциялари ҳали областни электр энергияси билан тўла таьминлай олмас эди. Буни ҳисобга олган область собиқ партия ташкилотларининг 1945 йили бўлиб ўтган анжуманида 1945 йилда Қумқўрғон ГЭСи қурилишини ниҳоясига етказиш долзарблиги алоҳида таькидлаб ўтилди. Лекин бу қабул қилинган қарорни урушдан кейинги тиклаш йилларида амалга оширишнинг иложи бўлмади. Сурхондарё областини тўлиқ электрлаштириш ҳаракати 1960 йилларга келиб муҳим ҳаётий эҳтиёжга айланди. 1966 йили Термиз, Жарқўрғон, Шеробод ва Ангор районларида 42,6 минг квт. бўлган, узунлиги 149 кмлик 110 квт. кучланишли ҳаво электр тармоғи қурилиб ишга туширилди.

1969 йили Жарқўрғон районида электр энергияси билан тўла таьминланиб бўлинди. 1970 йилга келиб Сурхондарё областини электр энергияси билан таьминлаш вазифаси тўлалигича бажарилди. 1970 йилларнинг бошларига келиб, Жарқўрғон энергетиклари олдидаги энг муҳим муаммолар истеъмолчиларга сифатли электр энергиясини етказиб бериш, ўрнатилган электростанциялар қувватини ошириш, электр ускуналарини эксплуатация қилиш маданиятини ошириш, электр энергиясини ўзатиш тармоқларининг мустаҳкамлигини ошириш, электр тармоқлари ва подстанциялардан фойдаланиш борасида кенг кўламли ишларни олиб бориш эди. Жарқўрғон районидаги янги қурилган совхозларнинг аҳолисини ичимлик суви билан

таьминлайдиган насос станцияси учун кучланиши 35|6 квт. бўлган подстанция, 1976 йилда эса кучланиши 250 кв. бўлган иккита электр ҳаво йўли истеьмолчиларга якин бўлган Жарқўрғон районидаги «Южная» подстанциясигача қурилиб ишга туширилди. Бу эса энергияни кўп қабул қиладиган вилоятнинг жанубий туманларини сифатли электр энергияси билан таьминлаш масаласини ҳал қилди. 1970 - йилларнинг ўрталарига келиб областда электр энергиясини тўла ва ишончли таьминлаш бош масала бўлиб қолди.

Жарқўрғон шаҳридаги жанубий электр тармоқлари қувватининг ортиб бориши натижасида бу ерда 220 кв. кучланишга эга бўлган иккита электр ҳаво йўли подстанциясининг қурилиши Термиз шаҳрини электр энергияси билан таьминлашда муҳим роль ўйнади. Жарқўрғон районида 220 кв. ли кучланишга эга бўлган «Жарқўрғон - Госграница» номли электр линияси қурилиши бошланди. 1985 йили Афғонистон Республикасидаги Мозори Шарифнинг ёрдамчи электр станциясига 110кв. кучланишга эга бўлган электр линияси тортилди.

Афғонистон Республикасига бундай электр линиясининг тортилиши Сурхондарё областининг жанубий электр линияси тармоқларида электр қувватининг кучланишини оширди. Бу эса қўшимча электр тармоқлари жорий қилишни келтириб чиқарди. Шунинг учун Жарқўрғон шаҳрининг жанубий подстанциясида 500 кв. қувватга эга бўлган янги подстанция қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу подстанциянинг қурилиши фақат вилоятдаги электр энергиясига бўлган эҳтиёжларнигина эмас, балки қўшни Афғонистон Республикасини ҳам қўшимча электр энергияси билан таьминлашга ёрдам берди. Юқорида келтириб ўтилган маьлумотлардан кўриниб турибдики, Жарқўрғон туманидаги электр хўжалиги нафақат туман халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигини балки вилоят хўжаликларини ҳам электр энергияси билан таьминлашда етакчи хўжаликлардан бири эканлигини кўрсатди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ёкилғи саноати ривожида ҳам маьлум ижобий ишлар амалга оширилди. Сурхондарё вилояти нефть саноати ходимлари урушдан кейинги қийинчиликларга карамасдан

ғайрат билан меҳнат қилдилар. »Ворошиловнефть» трестининг нефть кони саноати зарбдор мусобақани кенг ёйдириб нефть чиқаришда янги муваффақиятларни қўлга киритдилар. Пармаловчи Исоқов, Иброҳимов, Қулиев, Турдиевлар янги нефть қудуқларини ишга солиш учун кунлик нормаларини 150 фоизга етказиб адо этдилар. Қурилиш монтаж бригадасининг ишчилари ҳам ишлаб чиқариш режасини 160 фоизга бажариб, пармалаш ишларини жадаллик билан боришига катта ёрдам бердилар.

1947 йили Лалмикор корхонасида ўн бир километр ўзунликдаги нефть кувурлари ётқизилди. Иккита янги нефть қудуқлари қазиб олинди. Нефть қудуқлари чуқурликдан нефть сўриб олувчи насослар билан таьминланди. 1963 йилда Кокайди ва Лалмикор нефть конларида станок ва СкН - 5 ва СкН-10, Ховдакда эса СкН-2 маркали нефть тортиш насослари ишлаб турди. 1963 йилда давлат режаси бўйича 200000 тонна нефть қазиб чиқарилиши керак эди, амалда эса 202753 тонна нефть қазиб олинди.

Кокайди нефть кони-72505 тонна, Лалмикор-122795 тонна, Ховдак нефть конидан эса - 7453 тонна нефть қазиб олинди. Чуқур насослар ёрдамида 174040 тонна, фонтан йўли билан эса 28113 тонна нефть қазиб олинди. Жами нефть қудуқлари сони Ховдакда 22 тани, Кокайдида 38 тани, Лалмикорда 48 тани ташкил қилди. 1970 йилда Жарқўрғон нефть НГДУси томонидан нефть конларидан 5638 тонна, Кокайди нефть конидан 53688 тонна, Лалмикордан-11720 тонна, 1970 йилда бу конлардан жами 198040 тонна нефть, 151003 тонна газ қазиб олинди. Жарқўрғон бетон-маҳсулот реализация қилиш паланнинг бажарилиши-105,0, 1980 йилдан-1979 йилга нисбатан 114,4 фоиз, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг оширлиши бўйича 106,4 фоизга бажарди.

1976-1980 йилларда Жарқўрғон аҳлига 68 минг^2 км турар жой бинолари, 3632 ўринли ўрта таълим мактаблари, 2735 ўринли мактабгача болалар муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди.

Сурханстрой, Жарқўрғон қурилиш-монтаж бошқармаси 1976-1980 йиллар режани 170 фоизга бажарилди. Шу давр ичида 39 млн сўмдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бошқарма кучи билан бажарилган иш 19,5 млн

сўмни ташкил этди. 2155 гектар ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди.

1976-1980 йилларда Жарқўрғон темир бетон заводи, Какайди насос станциясининг 2-навбати фойдаланишга топширилиб, ушбу қурилишга Э. Турдиев раҳбарлигидаги "Сурхонирстрой" трести хизмат қилди.

1976-1980 йиллар Жарқўрғон аҳлиг 68 минг^2 км турар жой бинолари, 3632 ўринли ўрта таълим мактаблари, 2735 ўринли мактабгача болалар муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди.

1988 йил январидан Жарқўрғон нефть ишлаб чиқариш бирлашмаси тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлади. Сурхон пармалаш ишлари бошқармасида 1989 йилда 380 нафар нефтчилар меҳнат қилдилар. Ўрганилаётган даврда Жарқўрғон НГДУси томонидан қуйидагича нефть қазиб олинди.

Т|р	Йиллар	Ховдак	кокайди	Лалмикор	Жами
1.	1946	23496,0	91414,0		
2.	1947	19406,0	119063,0	325,0	
3.	1948	19901,0	134470,0	3200,0	
4.	1949	16758,0	150959,0	5874,0	
5.	1950	14229,0	129470,0	13771,0	
6.	1951	10035,0	57351,0		
7.	1952	11032,0	66582,0		
8.	1953	12791,0	67643,0		
9.	1954	16085,0	91116,0	18080,0	
10.	1955	16499,0	115621,0	15987,0	
11.	1956	14433,0	101413,0	29438,0	
12.	1957	12242,0	103904,0	55878,0	
13.	1958	12973,0	97615,0	78702,0	
14.	1959	11285,0	97824,0	85306,0	
15.	1960	10259,0	89560,0	95453,0	
16.	1961	9712,0	81516,0	106610,0	

17.	1962	8457,0	76975,0	116182,0	
18.	1963	7953,0	72472,0	122795,0	
19.	1964	6979,0	66213,0	142428,0	
20.	1965	6003,0	62803,0	142210,0	
21.	1966	5110,0	59534,0	141713,0	
22.	1967	4758,0	56963,0	132692,0	
23.	1968	5559,0	58383,0	107129,0	
24.	1969	5232,0	53720,0	84432,0	
25.	1970	5638,0	53688,0	71653,0	
26.	1971	7404,0	52931,0	52293,0	
27.	1972	9116,0	49307,0	50519,0	
28.	1973	8617,0	50792,0	35437,0	
29.	1974	7575,0	48279,0	46980,0	
30.	1975	5759,0	47822,0	44535,0	
31.	1976	4850,0	42750,0	41560,0	
32.	1977	3725,0	42410,0	39936,0	
33.	1978	5170,0	41030,0	39360,0	
34.	1979	5215,0	39445,0	38355,0	
35.	1980	5314,0	37929,0	37629,0	
36.	1981	4625,0	36330,0	36820,0	
37.	1982	4595,0	35300,0	34745,0	
38.	1983	4725,0	34810,0	34310,0	
39.	1984	5095,0	33635,0	33520,0	
40.	1985	5390,0	31400,0	36100,0	
41.	1986	6220,0	31300,0	31985,0	
42.	1987	6160,0	30570,0	30250,0	
43.	1988	6170,0	29740,0	26910,0	
44.	1989	6090,0	27555,0	23150,0	

45.	1990	5580,0	24420,0	21870,0	

Бу даврда нефть қазиш ишлари 2,5 баробарга ўсди. Табиий газнинг ўсиши ҳам бу йилларда кўпайиб борди. Бу йилларда районида саноат корхоналарини қуриш ниҳоятда суст олиб борилди. Қурилган саноат корхоналари ҳам асосан хом ашёга дастлабки ишлов беришга ихтисослашган эди. Шунга қарамасдан Жарқўрғон районнинг фидойи инсонлари район саноати корхоналари сонини кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида тинимсиз ҳаракат қилиб, област ва Республика саноатининг юксалишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

МУСТАБИД ТУЗУМ ЙИЛЛАРИДА ЖАРҚЎРҒОНДА МАОРИФ ВА МАДАНИЯТ

Жаҳонни ўз гирдобига тортган уруш ғалаба билан тугалланди, ҳаёт аста-секинлик билан изга туша бошлади. Сурхон воҳасида уруш даврида издан чиққан халқ хўжалиги қаторида маориф ва маданият ҳам қайта изга туша бошлади. Уруш вилоят аҳолиси учун ниҳоятда катта синов бўлди, хусусан, маориф ва маданият даргоҳларининг ходимлари уруш даврининг оғир ва машаққатли синовларига мардонавор бардош берди. Қирғинбарот уруш жангохларида воҳадан кетган кўплаб ўқитувчилар шаҳид бўлдилар, бу эса мактабларда ўқитувчилар сонининг камайишига олиб келди. Аммо шунга қарамасдан тиклаш даврининг барча қийинчиликларини бўйнига олган халқ ҳар бир синовга мардонавор тарзда жавоб берди. Урушдан кейинги йилларда янги мактаб биноларини қуришга ҳамда мавжуд ўқув биноларини кенгайтиришга ва таъмирлашга имкон бўлмади, қолаверса, мактабларда дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари етишмас эди. Республика аҳолиси маданиятинингўсишида таьлим тизими ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Таьлим инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, қобилиятини юзага чиқариш, ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг бир - бирига пайваста бўлиб қўшилишига ёрдам беради. Илмий техникавий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилиш кўпинча аҳолининг билим даражасига боғлиқ.

Жарқўрғонда урушдан кейин ҳаёт аста- секинлик билан изга туша бошлади, уруш даврида издан чиққан халқ хўжалиги қаторида маориф ва маданият даргоҳларининг ходимлари ҳам уруш даврининг оғир ва машаққатли синовларига матонат билан бардош берди. Уруш даврида тумандан урушга кетган ўқитувчилардан ҳам кўпчилиги қайтиб келмади, бу эса мактабларда ўқитувчилар сонининг камайишига олиб келди. Аммо шунга қарамасдан тиклаш даврининг барча қийинчиликларини бўйнига олган халқ ҳар бир синовга мардонавор тарзда жавоб берди.

Урушдан кейинги йилларда янги мактаб биноларини қуришга ҳамда мавжуд ўқув биноларини кенгайтиришга ва таьмирлашга имкон бўлмади, қолаверса мактабларда дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари ҳам етишмас эди. Аммо мавжуд камчиликлар ва қийинчиликлар аста - секинлик билан бартараф этиб борилди. 1946-1947 ўқув йилида областда 280 та мактаб фаолият кўрсатди. Шунингдек, уруш даврида ота-онасиз қолган икки минг нафар бола областдаги мавжуд ўн бешта болалар уйида тарбиялана бошлади. Бу даврда област мактабларининг малакали ўқитувчилар билан таьминланиш даражаси ниҳоятда оғир аҳволда эди. Агар 1947-1948 ўқув йилида област мактабларида 1890 нафар ўқитувчи ишлаган бўлса, улардан қарийб минг нафари ҳатто ўрта маьлумотга ҳам эга эмас эди. Бу даврда област мактабларига мутахассислар тайёрлаб беришда Термиз педагогика билим юрти алоҳида ўрин тутди.

Районда Ирназаров Абдулладан кейин, Назаров Саид, Менглиев Ашур, Содиқов, Ражабов Луқмон, Эсонов Марданоқул, Абдуллаев Маматмурод, Остонов Зиёдуллалар район халқ таълимини бошқарди.

Район тарихида 1947-48 ўқув йилида Жарқўрғон беш йигит, Шерободда 9 та йигит, Бойсунда 11 йигит биринчи марта ўзбек 10 синфларини битирди. Ўша пайтда Бухоро педагогика институт Сурхондарё учун кадр тайёрлар эди. Жарқўрғон нефть чиққани учун 5 тадан 4 та сини собиқ обком ва туман котиби Кенжаев Москва, Ленинград, Грозний нефт институтларига ўқиш учун жўнатади. Ўзбекистон стипендияси берилади, рус профессорлари Сизларга содда қилиб лекция уқийди, деб ваъда беришади, лекин бирортаси на Бухорога, на нефть институтларига бормайди. Шулардан 2 таси Низомий номли Тошкент педагогика институтини, 1 таси Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини битирганларидан биринчи Жарқўрғонга иккинчисини Ангор районига ишга юборади. Ўша йилларда районда 15 тача мактаб, 180 тадан кўпроқ муаллим ишлар эди. Ўшанда 180 ўқитувчидан 10-15 та олий маълумотли муаллим бор эди. 1977 йилда ўқитувчилар аттестацияси ўтказилди. Ушбу аттестация шартларига тўлиқ жавоб берадиган математиклар раҳбари Тўраев Ўролга методист ўқитувчи Ёрматов Боймаматга “Катта ўқитувчи”

унвонлари биринчи бор берилди. Ундан кейин унвонли муаллимлар кўпайиб кетди.

Перелинцева, Исмойлова, Тригубова, Раҳимова, Бекмирзаев Бадал, Ниёзов Муҳамади, Қулмирзев Мирбойларга “Ўзбекистонга хизмат кўрсатган муаллим” унвонлари берилган.

1949- 1950 ўқув йилидан бошлаб етти йиллик мажбурий таьлим жорий этилди. Бу эса айни вақтда мактаблар сонини кўпайтириш, мавжуд мактабларнинг моддий - техник таьминотини тақаб қилар эди. Ўша даврда қишлоқлардаги мактаб ёшидаги аҳолини мактабга жалб қилишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди. Кўплаб ёшлар бошланғич таьлим билан чекланиб қолаётган эди. Айниқса қиз болаларни ўқишга тортиш паст даражада эди. Қолаверса бу даврдаги мактаблар асосан оталиқ ташкилотлари ҳамда жамоа ва бошқа хўжаликларнинг кучи билан қурилган бўлиб, уларнинг моддий - техник таьминоти ҳам ўта паст даражада эди. Кўпгина мактаблар мослашмаган биноларда жойлашган, қолаверса, мактабларда иситиш тизимлари, зарур асбоб-ускуналар ва мебеллар ҳам етишмас эди. Буни келтириб чиқарувчи сабаб шу эдики, совет тузуми даврида халқ таьлими тизими «қолдиқ принципи»га асосан маблағ билан (асосан 1980-йилларда) таьминланар эди. Мактаб ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таьминлаш даражаси ҳам ўта ночор ҳолатда эди.

Қишлоқ жойларида яшовчи ёшларнинг тўлиқ ўрта маьлумот олишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар кенгаши 1950 йил 22 сентябрда «Ёшларга ўрта маьлумот олишлари учун зарур бўлган чора - тадбирларни кучайтириш» юзасидан қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан узоқ жойларда яшовчи ёшларнинг тўлиқ ўрта маьлумот олишлари учун шаҳар, посёлкалардаги айрим мактаблар қошида интернатлар ташкил этилди. Ана шундай интернатлардан бири 1960 йилда ҳозирги Жарқўрғон СФУ (сувдан фойдаланувчилар уюшмаси) сидаги «Пахтаобод» маҳалласида қурилиб ишга туширилди.

1950- йилларнинг ўрталаридан бошлаб районда мактаблар ва уларда таьлим олувчи ўқувчилар сони ортиб борди. 1959-1965 йилларда район халқ

маорифи тармоқлари катта тараққиёт йўлини босиб ўтди ва халқ маорифининг моддий - техник таъминоти бирмунча мустаҳкамланди. Айни чоқда мактаблар малакали мутахассислар билан тўлдирилиб борилди. Ўзбекистон ССР Олий кенгаши томонидан 1959 йил мартида «Мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ва республикада халқ таълими тизимини янада ривожлантириш тўғрисида» қабул қилинган қонун ўқитишни янада ривожлантириш, таълимни ҳаётга, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, ёш мутахассислар етиштириб чиқариш сифатини ошириш мақсадларида бутун ўкув-тарбиявий ишни такомиллаштиришни кўзда тутар эди.

Ана шу мақсадда райондаги мактаблар ишини қайта қуриш ва таълимни ижтимоий - фойдали меҳнат ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлаш соҳасида анчагина ишлар амалга оширилди. Ўкувчиларни касб - ҳунарга тайёрлашни кенгайтириш борасида талай ишлар амалга оширилди. 1961-1962 ўқув йилида бошланғич мактабларнинг бир қисми ва барча етти йиллик мактаблар саккиз йиллик мактабларга айлантирилди.

Умумий мажбурий таълимга ўтиш усули яхши самаралар бера бошлади. Буни ўқувчиларнинг турли сабаблар билан мактаблардан кетиб қолишининг йил сайин камайиб боришида ҳам кўриш мумкин бўлди. 1972 йилга келиб туманда 56 та умумий ўрта таълим мактабларида 26,2 минг ўқувчи ёшлар таълим олдилар. Лекин, афсуски бошқа соҳаларда бўлгани каби туман халқ таълимида ҳам буйруқбозлик нуқтаи назаридан туриб, экстенсив ёндошиш кучайиб борди. Бунинг оқибатида билим беришда сифат муаммолари четга суриб қўйилиб, миқдор кўрсаткичлари биринчи ўринга қўйилди. Кўпгина мактаблар намунавий лойиҳасиз иморатларда жойлашган бўлиб, ўқув қуроллари, кўргазмали воситалар билан етарли даражада таъминланмаган эди. Қолаверса айрим фанлардан малакали мутахассис ўқитувчилар етишмас эди. Шунингдек, таълим беришда назария билан амалиётни уйғун ҳолда олиб бориш ишларига етарли даражада эътибор берилмади.

Аҳволни хўжа кўрсинга яхшилаш орқасидан қувиш халқ таълими соҳасига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатди. Таълим беришда бир хилликка одатланиш, ижодий ёндошишнинг бўғиб қўйилиши, миллий-маданий меросдан ёш авлодни

бехабар кайфиятда тарбиялашга интилиш каби ҳолатлар маънавий ҳаётга жиддий таъсир кўрсатди. Аммо шунга қарамасдан халқ таълими муассасаларининг сонини кўпайтириш, янги-янги ўқув муассасаларини ташкил этиш борасида анчагина амалий ишлар амалга оширилди. 1965 йилга келиб саккиз йиллик политехника таълими мактабларининг сони 397 тага етди. Област ёшларига касб ўргатиш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди.

Жарқўрғон районида Қашқадарё ва Сурхондарё областлари пармалаш ва нефть конларини ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида 1967 йили Какайди посёлкада 6-сонли ҳунар - техника билим юрти очилди. Билим юртига кекса ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган нефтчи Алижон Мамедович Худойдодов директор этиб тайинланди. Директор дастлаб дизель машинистлари, пармаловчи ёрдамчилари, электр монтёрлари, ғишт терувчилар, нефть чиқариш операторлари ихтисосликлари бўйича ўқувчиларни билим юртига қабул қилди. Биринчи йили билим юртига 125 нафар ўқувчи қабул қилинди. Улар билим юрти учун бўшатиб берилган нефть конлари идорасининг собиқ биносида ўқишди.

1979 йили Какайди посёлкадаги билим юрти ўқувчилари ўрта мактабнинг собиқ биносида ўқиди. Бу эса ўқитувчилар, ишлаб чиқариш усталари ва ўқувчилар учун бирмунча қулайликлар яратди. 1967- 1971 йилларда бу ерда 312 нафар ёш ишчи ходимлар тайёрланди. Шундай қилиб А. М. Худойдодов раҳбарлигида Э. Тошпўлатов, Н. Сувонов, А. Бўриев, Ҳ. Холматов, М. Сабангулов, Ё. Ботиров, А. Жўраев, жисмоний тарбия раҳбари Э.Алланазаров, хўжалик ишлари мудири М.Маматқулов, ҳисобчи О.Дулдиевлар ташаббус ва фидойилик кўрсатиб, ҳунар масканининг дастлабки қадамларини дадил ташлашига асос солган эдилар.

Бироқ ҳунар - техника билим юртларида ўқиш ва ўқитишни ташкил қилишда жиддий қийинчиликлар ҳам мавжуд эди. Чунки бу ўқув юртларига асосан мактабларда ўзлаштириш даражаси паст, тарбияси бироз оғирроқ ўқувчиларнинг жўнатилиши ҳам ҳунар - техника билим юртларида ўқитиш ишларини яхши йўлга қўйишга жиддий салбий таъсир кўрсатар эди. Уруш йилларидан кейин мактабгача тарбия муассасалари қурилишига ҳам кенг

эътибор берила бошланди. 1970 йилларнинг бошларига келиб Жарқўрғон ройинидаги Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги кичик - кичик қишлоқлар тугатилиб улар ўрнида тўртта замонавий посёлкалар бунёд этилди.

Жамоа хўжалигида беш йиллик давомида 4188 квдрат метр уй - жой, тўққизта дала шийпонлари қуриб ишга туширилди. 350 ўринли болалар боғчаси очилди. Замонавий типда қурилган болалар боғчаларида 616 нафардан ошиқ кичкинтойлар тарбияланди ва бепул овқатлантириладиган бўлди. Давлат хўжалиги (илгари жамоа хўжалиги эди) меҳнаткашлари 1979 йили мактабгача болалар муассасалари ишларини янада яхшилаш борасида бир қанча ишларни амалга оширишди. 1979 йили Халқаро болалар йили муносабати билан давлат хўжалиги идораси болалар боғчасига айлантирилди. Битта янги болалар боғчаси ташкил қилинди. Хўжалик меҳнаткашларининг мактабгача тарбия ёшидаги 946 нафар ўғил - қизидан 400 нафари боғча ва яслиларга жойлаштирилди.Боғча ва яслилар иши яна ҳам яхшиланди.

Мактабгача тарбиянинг иш сифати яхшиланди. Малакали тарбиячилар сони 35 нафарга етди. Уларнинг 18 нафари олий ва ўрта маьлумотли мутахассислар эди. 15 нафар тарбиячи қайта тайёрлов ёки малака ошириш курсларида ўқитилди. Болаларнинг соғлиги ва саломатлигига жиддий эътибор берилди. Тиббий хизмат кучайтирилди. Болаларга бериладиган овқатларнинг турлари кўпайтирилди. Сутли овқатлар билан таьминлаш анча яхшиланди. Боғчалар керакли ускуналар билан таьминланди. Ўйинчоқлар сони ва уларнинг турларининг кўпайтирилишига алоҳида эътибор берилди. Ҳ. Олимжон давлат хўжалиги жамоаси 1980 йили мактабгача болалар муассасаларини янада яхшилаш юзасидан қилинадиган ишларни яхшилаш ва уни амалга ошириш кераклигига эътиборни қаратди.

Давлат хўжалиги ишчи ва ходимларининг мактабгача тарбия ёшидаги болаларининг олтмиш фоизи боғча ва яслиларга жалб этилди. Боғчалар қошида кўшимча равишда 150 ўринли хоналар қурилди. Мавсумий боғча ва яслиларда 230 нафар болалар тарбияланди. «Юлдузча» номли боғча қошида янги ошхона, ёрдамчи бино зал қурилди. «Пахтаобод» маҳалласида эса унинг филиали очилди. Болалар эртак шаҳарчасини қуриш учун 60 минг сўм маблағ

ажратилди. Боғчалар янги жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Тарбиячи кадрларнинг иш сифатлари яхшиланди.

Уларнинг олтмиш фоизи қайта тайёрлов курсларидан ўтказилди. Илғор тарбиячиларнинг иш методлари оммалаштирилди. Шу асосда болаларга бериладиган ўқув тарбия ишларининг сифати ҳам оширилди. Айниқса болаларни мусиқани ўрганишга, рус тилини эгаллашларига алоҳида эътибор берилди. Болажонларнинг соғлиғи доимий назорат остига олинди ва вақти - вақти билан текширувдан ўтказилиб турилди. Болалар учун махсус ҳаммом қурилиб ишга туширилди. Боғчалар ва яслилар қаттиқ ҳамда юмшоқ буюмлар, ўйинчоқлар, кўргазмали ўқув қуроллари, болаларга аталган бадиий ва методик адабиётлар билан тўла таъминланди. Бу соҳага эътибор анча кучайтирилди. Боғча ва яслиларда озиқ-овқатларнинг сифати, тўйимли бўлишига эришилди. Тўртта ошпаз қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларидан ўтказилди. Боғчалар ва яслилар мунтазам равишда ҳар йили жорий таъмир қилиб борилди.

Бундай ижобий ўзгаришларни туманнинг бошқа жамоа хўжаликлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Собиқ «Партия XXII сьезди» (ҳозирги «Оққўрғон» СФУ) жамоа хўжалигида ҳам эндигина ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига муҳим ҳаётий масала деб каралди. Жамоа идораси болалар учун 1979 йили ажратиб берилди. Натижада жамоада мавжуд мактабгача ёшдаги 1152 боладан 644 таси боғча ва яслиларга қатнай бошлади. Ёки мактабгача ёшдаги кичкинтойларнинг олтмиш фоиздан кўпроғи боғча ва яслиларга тортилди. Шу жамоада 1983 йили яна битта 180 ўринли болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширилди.

Жарқўрғон райони халқ маорифи тарихида 1970-1980 йиллар янада ривожланиш палласи бўлиб тарихга кирди. Шу йиллар мобайнида мактабларда ишлаётган ўқитувчилар сони ҳам йил сайин кўпайиб борди. Район маориф тизимини юксалтиришда мактабларда фаолият юритган халқ таълими жонкуярларининг хизматлари катта бўлди. Айнан ана шу даврда районнинг илғор ўқитувчиларидан И. Йўлдошев, Э. Мустафоқулов, Ш. Ўроқов ва бошқа мураббийлар район ёшларига илм - фандан сабоқ беришда жонбозлик кўрсатиб фаолият юритдилар.

Бу йилларда район халқ таьлими тизимининг моддий - техник таьминоти даражаси ҳам йилдан - йилга мустаҳкамланиб борди. Бироқ маьмурий - буйруқбозлик тизимида тўпланиб борган жуда қўпол хато ва камчиликлар халқ таьлими тизимида ҳам яққол сезилди. Бу нуқсонлар аввало мустабид тузум шароитида ўқитишда бир хилликка интилиш, режа ва дастурларни ишлаб чиқишда маҳаллий шароит талабларини инобатга олмасликда кўзга ташланди. Бу даврда иқтисодиётдаги турғунлик ҳолатлари таьлим муассасалари равнақига таьсир ўтказди. Жумладан, шу даврда кўпгина мактаблар намунавий лойиҳаларсиз қурилди. Қишлоқ мактабларининг 80 - 90 фоизи водопровод, канализация ва марказлашган мосламаларга эга эмас эди.

Шунингдек, замонавий ўқув дастурлари, турли хил ўқув қуролларининг етишмаслиги ҳам таьлим сифатини оширишга тўсқинлик қилар эди. 1984 йилда собиқ совет ҳукумати раҳбари К. Черненконинг бошлаган мактаб ислоҳотини ўтказишга бўлган уринишлари етарли натижа бермади. Шунга қарамасдан, фидойи ўкитувчиларнинг ўз касбига бўлган муҳаббати ва тинимсиз меҳнати туфайли район халқ таьлими тизими маьлум ютуқларни қўлга киритди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда район маданий ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Хўжаликни тиклаш даврининг қатор қийинчиликларига қарамасдан туманда маданий равнақ йўлида анчагина ишлар амалга оширилди. Жарқўрғон райони маданиятининг ривожланишида аҳолига хизмат кўрсатаётган кутубхоналар ҳамда халқ дасталарининг ўрни ҳам беқиёс даражада улуғ бўлди. Аҳолига маданий хизмат кўрсатаётган бундай муассалар сони йилдан - йилга ортиб борди. Агар 1924 йилда Сурхон воҳасида атиги биттагина кутубхона бўлган бўлса, кейинги йиллар давомида уларнинг сони 436 тага етди. 1960 йилларда «Коммунизм» (ҳозирги А. Навоий) жамоа хўжалигида 400 ўринли клуб, ҳаммом, ёзги кинотатр, стадион, болалар боғчаси, дала шийпони ва кўплаб турар жой бинолари қад ростлади. Хонадонлар тўлиқ электрлаштирилди ва радиолар ўрнатилди. кўчалар асфальт қилинди. 300 нафар жамоа аьзолари ўз жамғармалари ҳисобидан янги уй - жойлар қуриб олишди. 1972 йилга келиб туманда 45 та кутубхона фаолият кўрсатди.

Умуман, ана шу йиллар оралиғида район аҳолисига кўрсатилаётган маданий хизмат даражаси ҳар томонлама кенгайиб борди. 1970 йиллар бошларига келиб. Районнинг Ҳ. Олимжон давлат хўжалигида Х-беш йиллик (1976-1980 йиллар) даврида бир миллион бир юз эллик бир минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Йигирма беш километрдан ортиқ ички ва ташқи йўллар асфальтланди ва шағал тошлар тўқилди.

Қишлок аҳолисининг фаровонлиги ва маданий - маиший турмуш даражаси ошганлигининг муҳим кўринишларидан бири Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалигининг аьзоларининг замонавий уйларда яшаётганлиги, яхши жиҳозлар билан таьминланганлигида бўлди. «Яхши дам меҳнатга ҳамдам» дейди доно халқимиз. Хўжалик раҳбарлари ва касаба уюшмаси дала шийпонларини чинакам дам олиш хонаси (унда газета ва журналлар, фотоальбомлар, турли кўргазмалар)га айлантирди. Бу дала шийпонлари она ва болалар, санитария хонаси, телевизор, радиоприёмник, музлатгич ва тикиш машиналари билан тўла таьминлади. 1981 йилга келиб давлат хўжалигида иккита доимий, йигирма учта мавсумий болалар боғчалари ишлаб турди.

Қишлоқ маданиятини кўтариш, ободончилик, маданий қурилиш, кўкаламзорлаштириш ишларини яхшилаш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Эски пахса деворли кўримсиз уйлар ўрнига режали равишда замонавий уйлар қурилиб, улар барча қулайликлар билан таьминланди. Барча уйларга ичимлик сувлари ўтказилди. Хўжаликдаги қинғир - қийшик кўчалар ўрнига кенг кўчалар ўтказилиб, асфальтлаштирилди. Йўлаклар барпо этилди.

Кўчаларнинг икки томонида мевали ва мевасиз дарахт кўчатлари ўтказилди. Улар эса қишлоқларнинг ҳуснига ҳусн қўшди. Ҳ. Олимжон давлат хўжалигида 1981 йилда учта тиббий пункт, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш комбинати. Битта ҳаммом, битта ёзги клуб, тўртта кутубхона ва савдо нуқталари аҳолига хизмат қилди. 1981 йилда хўжаликда телевизори ва радиоси бўлмаган бironта хонадон қолмади. 1976-1980 йилларда Ҳ.Олимжон хўжалиги аьзоларининг ҳаётида радиоузелнинг роли тобора ортиб борди. Хўжаликдаги, районидаги ва республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар, хўжаликдаги камчиликлар рўй - рост айтиб борилди. Тўйлар, эьлонлар, қишлоқ ҳаётига доир

янгиликлар радиоузел орқали хўжалик аъзоларига мунтазам равишда етказиб турилди. Хўжаликда ёш талантларнинг маҳоратини ўстиришга эътибор кучайтирилди.

Аксарият хўжалик аъзоларининг ўғил - қизлари ҳаваскорлик тўгаракларида иштирок этдилар. Ансамблга Ҳамро Тожиев раҳбарлик қилди. Ансамбль катнашчилари дала шийпонларда, болалар боғчаларида, фермаларда тез - тез бўлишиб концертлар қўйиб бердилар. Бу жамоа район, област бадиий ҳаваскорлик кўрикларида қатнашиб иккинчи даражали диплом билан тақдирландилар. Бундай маданий тадбирлар районнинг барча хўжаликларида яхши йўлга қўйилиб борди. Район маданий ҳаётида бу йилларда улкан ўзгаришлар қилинди. Аҳолига қилинаётган маданий хизмат даражаси яхшиланди, маданият муассасаларининг моддий - техник таъминоти яхшиланиб борди.

Аммо маънавий ва маданий соҳаларни баҳолашда синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндошиш, мафкуранинг адабий муҳит устидан ҳукмронлигига интилиш тамойиллари маданият ва санъат равнақига жиддий зиён етказди. Маънавий соҳада бир томондан сезиларли ўзгаришлар юз берган бўлса, иккинчи томондан, маънавий жиҳатдан қашшоқлашиш ҳолатлари устуворлашиб борди.

Жарқўрғон районининг табиати, танти одамлари, ноёб осори - атиқаларини тарғиб қилишда тасвирий санъат ва халқ амалий санъати ходимларининг ўрни беқиёсдир. Жумладан, 1996 йилдан Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари, 1997 йилдан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси лавозимида муваффақиятли ишлаб келаётган Турсунали Қўзиевнинг « Менинг Ватаним», «Жарқўрғонлик боғбон» (Тошкент Давлат санъат мўзейида) каби кўплаб тасвирий санъат асарларида туман, воҳа табиати, одамлари акс эттириб берилди. Шунингдек, туманда яшаб ижод қилаётган кўплаб мўйкалам соҳибларининг асарларида ҳам туман табиатининг гўзалликлари ёрқин бўёқларда акс эттирилди.

Сурхон воҳаси азал - азалдан маънавий маданият ва илм - фан юксак даражада ривожланган минтақа ҳисобланади. Воҳа олимлари фаолиятининг

ўзок ўтмишга бориб тақалиши ўзининг ижтимоий илдизларига эга. Вилоят ва туман илм аҳли собиқ совет ҳукумати тузуми шароитида ҳам ўз фаолиятини бирор муддат ҳам сусайтирган эмас. Туман олимларининг фаннинг турли соҳаларида тадқиқот олиб боришлари учун қатор имкониятлар яратилди.

Туманда илм - фан тараққиёти ҳақида гап кетганда шу заминда туғилиб ўсган илм фидойилари профессорлардан иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиев, химия фанлари доктори Р. Раззоқов, педагогика фанлари доктори О. Ҳайитов, тиббиёт фанлари доктори З. Зуннунов, тиббиёт фанлари доктори Э. Худоёров, тарих фанлари доктори Э. Холиқов, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Қ. Чориев, педагогика фанлари доктори Қ. Чориев, педагогика фанлари доктори М.Раҳимов, фан номзодлари, доцентлардан тарих фанлари номзоди М.Аликулов, тарих фанлари номзоди, доцент Б.Тиловов, тарих фанлари номзоди, доцент А.Исаев, филология фанлари номзоди, доцент Ё.Абдурасулов, филология фанлари номзоди, доцент Х.Алимуродов, филология фанлари номзоди, доцент И.Абдураҳмонов, техника фанлари номзоди Ч.Нормуродов, тарих фанлари номзоди А.Тўхтаев, педагогика фанлари номзоди, доцент А.Хўжамбердиев, педагогика фанлари номзоди,доцент Қ.Алимов, физика - математика фанлари номзоди, доцент М.Чориев, физика фанлари номзоди, доцент М.Рамазонова ва бошқаларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Районда 1960 - 1990 йиллар мобайнида тадқиқотчи олимлар сафи янада кенгайиб борди. Бунинг сабаби, Сурхон воҳасида Термиз давлат педагогика институтининг 1955 йили ташкил этилиши бўлди. Институтнинг Жарқўрғонлик олимларидан педагогика фанлари доктори, профессор О.Ҳайитовнинг «Мактаб ва қишлоқ хўжалиги» (Тошкент, 1986 йил), педагогика фанлари доктори М.Раҳимовнинг «Олти ёшли болалар жисмоний тарбия дарсларини иссик иклим шароитида очик ҳавода уюштириш ва ўтказиш»(1989 йил), «Жисмоний тарбия ва спорт бўйича ўқув луғати» (русча - ўзбекча - инглизча) номли ўкув кўлланмаси ва Ўзбекистон Республикасининг турли институтларида фаолият кўрсатган олимлардан Э. Холиковнинг «Ўзбекистонда суғорма деҳқончилик ва янги ерларни ўзлаштириш тарихидан лавҳалар» («Қозон»,1974 йил), «Сурхон тарихидан» («Фан», 1977 йил), «Ўрта Осиё республикалари

меҳнаткашларининг кўрик ерларни ўзлаштириш тарихидан» (»Фан»,1982 йил), номли китоби ва бошқа қатор олимларнинг монография ва қўлланмалари чоп этилиб, илм - фан равнакига катта улуш сифатида кўшилди.

Сурхон воҳасида иқтисодий, маданий ҳаётни тарғиб этишда «Жарқўрғон ҳақиқати» газетасининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Газета 1932 йил май ойида ташкил топиб, дастлаб «Чегара зарбдори», 1935 йилдан «Ипак пахта учун», 1937 йилнинг июнидан бошлаб «Жарқўрғон ҳакикати», 2001 йил августидан бошлаб эса «Жарқўрғон» номи билан нашр этиб келинмокда. Газетага узоқ йиллардан бери жонкуяр муҳаррир журналист Шароф Муҳаммадиев бошчилик қилиб келмокда.

МАДАНИЯТ ВА ИЖОД АҲЛИ

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин Жарқўрғон тумани меҳнаткашлари ҳаётида ҳам шеьрият мавзуси ва жанрларининг бойлиги ва хилма - хиллиги билан таьрифланади. Ўзбек тупроғида юзага келган шеьриятнинг қудратли кучи, чинакам новаторлиги, жанрлари ва услублари жиҳатидан бойлигидан далолат берувчи ажойиб поэтик асарлар, ҳикоялар, қиссалар пайдо бўлди.

Ўзбек адабиётида ўз овози ва ўз сози билан ажралиб турувчи қирраларга эга бўлган шоиралардан бири Раьно Узоқовадир. Раьно Узоқова бадиий ижоднинг турли шаклларида қалам тебратди. Бу борада ўзининг истеьдодини намоён эта олди. Унинг шеърларида замин ва замон туйғулари, инсон ва иймон талқинлари, одам ва олам муаммолари етакчи бўлганидек, айни шу ҳодисалар адиба ҳикояларига ҳам хосдир. Раьно Ўзоқованинг шеьрлари ва ҳикояларидаги теран мушоҳада, чуқур мулоҳазалар, аввало, унинг зукко кўзатувчанлиги фазилатидандир.

Ёш қизалоқ Раьно уч ёшида ота - онадан етим қолади ва меҳрибон опа Марьям Бадриддинова исмли аёл қўлида вояга етди. Раьно ўрта мактабни тамомлагач, 1927 -1931 йилларда Термиз таьлим - тарбия билим юртида таҳсил олди. Шундан кейин ўқитувчилик қилди. У 1938 йили Бухорога келди ва «Бухоро ҳақиқати» газетасида ишлади. 1940- 1942 йилларда Самарқанд вилояти

газетасида, айни пайтда радиоэшиттириш қўмитасида фаолият кўрсатди. У 1944 йили «СССР ёзувчилар уюшмасига аьзо бўлди, бу қувончли ҳодиса унинг илҳомига илҳом қўшди.

Раьно Узоқова 1936 йилнинг августидан бошлаб Қизилтепа район театрида артистлик қилди. Агар Раьно Узокова машҳур шоира бўлмаганида таниқли актёр бўлиши мумкин эди. Раьно саҳнада узоқ вақт ишлагани учун бир талай саҳна асарлари яратди. Шулардан бири «Учрашув» номли драмасидир. Шунингдек, адибанинг «Қувонч», «Табассум», »Қиймат», «Иссиқ совуқ», «Ўғирланган бахт», «Рашк», «Зафарнинг ҳукми» номли қатор ҳикоялари мавжуд. Шоира ранг - баранг мавзуларда ёзилган »Малоҳат», «Ғалаба», «Сарвқад», «Гуландом», «Макр ва муҳаббат» каби бешта достонларнинг муаллифи ҳамдир.

«Макр ва муҳаббат» кавказ халқлари афсонаси асосида (1940 йил, Кисловодск) ёзилган ва у ғоявий мазмуни жиҳатидан китобхонни беҳос ларзага солади.

Оддий чўпон йигит ва маккора хон кизи можаровий севгиси воқеалари достоннинг мазмуний хилқасини қамраб олади.

Маккора хон қизи ва оддий чўпон севгиси сирлари ошкор бўлгач, қиз чўпон йигит ҳузурига ошиқади, иккиси севги йўлида тоғдан ташлаб ўлишга аҳд қилишади: Соддадил чўпон йигит ўзини нобуд қилади, аммо хон кизи журъатсизлиги туфайли бунга жазм қила олмайди. Шу тариқа тилларда достон бўлган, дилларга ғулғула солган машъум севги фожеасига хотима битилади.

Шоира ўзини мумтоз адабиётнинг ғазал жанрида ҳам синаб кўрди ва бу борада маълум ютуқларга ҳам эришди. Шоиранинг дилрабо ғазалларидаги жозиба, беқиёс сеҳр, чексиз сир асрор кишини уммон қадар ҳаёллар оғушига етаклайди.

Раъно Узоқова ижоди айни гуллаган пайти 1947 йили Самарқандда 31 ёшида юрак хасталигидан вафот этди. Шоира тириклигида унинг «Мардона юринг» (1942) номли шеърлар тўплами чоп этилган бўлса, кейинчалик «Шеьрлар» (1948), «Субҳидамда учган қалдирғоч» (1969), «Сайланма» (1993) номли китоблари олам юзини кўрди.

Шоира ижодини элга етказишда Самарқандлик Мардонкул Муҳаммадқулов ва Деновлик Тоштемир Турдиевларнинг хизмати катта бўлди. Шунингдек Шароф Рашидов, Насрулло Охундий, Душан Файзий, Нормурод Нарзуллаев, Абдуғофур Расуловларнинг шоира ижодига бағишлаб ёзган мақолалари эътиборга лойиқдир.

Туман ижодкорлари орасида ўз услубига эга қалам соҳибаси сифатида Жамила Эргашева (1956 йил туғилган) нинг хизматлари катта. У 1974-1979 йилларда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқиди. «Сурхон тонги» вилоят газетасида ишлади. Ҳозирда вилоят хотин-қизлар нашри «Аёл ва замон» газетасининг бош муҳаррири. Унинг кўплаб ҳикоялари республика матбуотида эълон қилинган. Адибанинг «Изҳор» (1992), «Интиқом» (1997), «Таназзул» (1998) номли ҳикоялар тўплами мавжуд. Ж.Эргашева мустақилликни моҳиятан чуқур англаган адиба, чуқур мулоҳаза фикрга эга, Ватан ва унинг қадриятларини теран сезадиган, ижодида халқ орзу умидларини, келажагини ижодий таҳлил қила оладиган шоиradир. Унинг ғоясида “Одамнинг дардини одам олади”, “Уйингда, хеч бўлмаса талашиб-тортишувчи бир одаминг бўлсин. Ёлғизлик жуда ёмон” каби ғоялар ижодининг инсон тақдири билан боғлиқлиги, инсон дардини инсон олиши, ижоднинг ҳам кучи одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлик эканлиги қайд этилади. Ж.Эргашеванинг “Ватан суръатига чизгилар” ғоясида. Мен нечун севаман Жарқўрғонни !... Инсон умрининг катта қисми йўлда ўтса керак. Ҳартугул, менинг умрим шундай ўтмоқда. Олий йўлларда доимий қадрдон ҳамроҳим бу радио... Жарқўрғоннинг кўчаларидаги дарахтларни йўлларимга кўз тикиб ўтадиган онажонимга ўхшатаман. Бу дарахтларни онамни соғингандек соғинаман, уларга дардларимни айтаман, улардан таскин-тасалли излайман. Жарқўрғоннинг ғадир-будир заминини падари пузрукворимнинг ажинали пешонасига, серқодоқ кафларга ўхшатаман ва бу заминга қадам ташлаганда доимо авайлабгина қадам ташлайман. Жарқўрғонда Исмоилтепа деган жой бор. У ердан туман кафтдек кўриниб туради. Кўпинча ишдан қайтаётиб, бир нафас шу тепаликда туриб, жарқўрғонни томоша қилишни яхши кўраман. Тунлари турли туман чироқлар ичра ловиллаб турса, кундузлари ям-яшил далалари, бир

текис бинолари билан кўнгилни яшнатади. Жарқўрғон мен жуда катта фахр ифтихор билан севадиган Ўзбекистон аталмиш Улуғ Ватаннинг бир бўлаги, киндик қоним томган замин. Бу замин ва унда яшовчилар олдида бир ижодкор фарзанд сифатида қарзларим бисёр.

Жамила Эргашева қаламга олган мавзуларнинг аксарияти воҳа кишиларининг ҳаёт ташвишлари, меҳнат юмушлари, урф-одатлари, оддий турмуш тарзи вокеаларига бағишланган. Унинг ҳикояларида воҳа аёлларининг ҳаёти, андиша ва ўйлари акс эттирилади. Аёл қалби, аёлларнинг нозик ҳиссиёти, гоҳо уларнинг синиқ кўнгли, гоҳо эркак қалби сиғдира олмаган дарду аламларга аёл бардоши сингарилар сирли сатрларда ифодаланиши адиба ҳикояларининг етакчи ҳусусиятларидан ҳисобланади.

Жарқўрғон туманидан Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзолари Тоштемир Турдиев, Холмўмин Худойқулов, Мамаражаб Маматқулов, журналистлардан Маҳмуд Абулфайз Шароф Муҳаммадиев, Алишер Поёнов ва бошқалар воҳа адабий ҳаракатчилигида, туманнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига оид ўзларининг кўплаб мақолалари билан ижод қилиб, баракали хизмат қилиб келдилар. Туман адабий ҳаётига оид бу мавзу ҳали яна кўплаб янги номлар билан бойитилиши ва ушбу соҳадаги изланишлар ҳали тинмай давом эттирилиши лозим.

ЖАРҚЎРҒОН ТИББИЁТИ ТАРИХИ ВА УНИНГ АСОСЧИЛАРИ (1920-1980 ЙИЛЛАР)

Жарқўрғон тарихи унинг тиббиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, тиббиёт тарихи шу элнинг тарихи, равнақини ифодалайди. Инсон бор экан, саломатлик учун кураш, интилиш ҳам мавжуд бўлади. Жарқўрғон тиббиётининг пайдо бўлиши XX асрнинг 20-30 йилларига тўғри келади.

Унгача эса 1925 йилда эски масжид биносида (ҳозирги Н.Ҳамидов кўчаси, “Атика” кинотеатри орқасида) ҳарбий лазарет жойлашган бўлиб, бу ерда

маҳаллий аҳоли ҳам даволанган. Ҳозирда ушбу масжид деворининг айрим қисми ҳамда ёши юз йилдан кам бўлмаган уч туп тут дарахти сақланиб қолган.

Жарқўрғонда қизил аскарлардан иборат катта қўшин жойлашган бўлиб, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Термиз ихтиёридаги бу ерлар шаҳарни муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган. 1924 йилнинг 25 январида Юқори Какайди қишлоғида Термизга ёриб кирмоқчи бўлган Иброхимбек қўрбоши қўшни билан Дродовский қўмондонлигидаги махсус бригада ўртасида қонли жанг бўлиб ўтади. Шунинг учун бу ерда қўшин туриши мақсадга мувофиқ бўлган.

1925 йилда қурлиши бошланиб, 1929 йилнинг 1 сентябрида узунлиги 248 км бўлган Термиз-Душанбе темир йўлининг ишга тушиши Жарқўрғон уезди иқтисодий ва маънавий ҳаётида катта аҳамият касб этди. Жарқўрғон марказидан ўтувчи Термиз-Душанбе темир йўлининг Бухоро-Термиз йўлида уланиши Ўзбекистоннинг пойтахти ва катта шаҳарларига чиқиш, доимий алоқа ўрнатилиши, ҳамда хўжалик юкларини ташиб келтириш имкониятини яратди.

1930 йилда Хаудак ва Какайдида нефт конлари очилди. Кўплаб мутахассислар, қурувчилар ўз оилалари билан кўчиб кела бошлади. Россиянинг турли шаҳарларидан келаётган оилалар таркибида шифокор ҳам бор эди. Аҳоли сонининг ошиб бориши катта шифохона қурилишини тақазо этарди. 1930 йилда 50 ўринда мўлжалланган бир қаватли шифохона қурилиб ишга туширилди. Ўша йиллари Жарқўрғон райони катта ҳудудга эга бўлиб, ҳозирги Ангор туманининг бир қисми ва Қумқўрғон туманлари ҳудудлари ҳам қараган. 15 дан зиёд колхоз, жумладан, юқори Какайди, Жалойир, Қумқўрғон, Хўжамиён, Ангор, Занг, Тўпқора ва Оққўрғон қишлоқ советлари мавжуд бўлган. Район марказий шифохонасининг изчил ривожланиши, одамлар ишончини қозониш осон кечмаган. 1940 йилга келиб районда соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилади. Бўлимни бошқариш 1938 йилдан меҳнат қилаётган М.Кулаковага топширилади. Мутахассислиги педиатр бўлган бу аёл бир вақтнинг ўзида туман марказий шифохонаси бош врачи вазифасини ҳам олиб боради. Бу даврга келиб, Сурхон давлат хўжалиги шифохона, амбулатория, Хаудак, Лалмикор, Какайди врачлик пунктлари мавжуд бўлган. Врачлардан Л.П. Клюевич

“Хаудак”, Т.Е.Лифшиц “Лалмикор”, Ю.А.Гурьевич “Какайди“ врачлик пунктлари мудири бўлиб ишлаган. Бундан ташқари, райондаги барча болалар боғчалари соғлиқни сақлаш тизими ихтиёрида бўлган.

1940 йилнинг 2 июнида Қумқўрғон хўжалигида қишлоқ шифохонаси очилади. Шифохона мудирларига Маслов тайинланади. Марказий шифохонадаги икки отнинг бири Қумқўрғон шифохонаси ихтиёрига берилади. Август ойида безгак касаллигига қарши курашувчи тропик станция ташкил этилади. Станцияни ташкил этган ва унинг биринчи раҳбари асли тошкентлик врач Иноят Расулович Қаюмовдир. У тропик станция лабараторияси жиҳозларини Тожикистондан олиб келади. Ўша йиллари меҳнат қилган М. Кулакова, Маҳмудов, И.Р. Қаюмов, Ш.Шораҳметов, С.А. Субботин. ДюП. Фиялкин, М.Отажонов, А. И. Гречкин, К.К. Кондратьевлар сафига ТошМИ ни тугатган А.П.Герашенко, А.К. Кармакова сингари врачлар Россиянинг Харьков вилояти Соғликни Сақлаш Бошқармасининг йўлланмаси билан опа-сингил ҳамширалар Зинаида ва Анна Карповна Чпговечлар келиб қўшилдилар. Алевтина Петрона Герашенко Қумқўрғон пахтачилик хўжалиги шифохона мудири, Александра Константиновна Кармакора эса Сурхон касалхонаси мудири этиб тайинланади.

1940 йилнинг 23 октярида район соғликни сақлаш бўлими мудири М.Кулакова ўринига А.И. Гречкин тайинланади. Врач Субботин эса тез ёрдам бўлими мудири вазифасида иш бошлайди. М.Кулакова оналар ва болалар маслаҳатхонаси мудири этиб тайинланади.

Урушгача ва уруш йилларида гарчи тиббиёт мутахассислари етишмасада тиббиёт ходимлари меҳнат интизомига қатъий амал қилган. Арзимас камчилик ёки ўз вазифасига лоқайдлик билан қараганлар муросасиз жазоланганлар. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин: Жарқўрғон соғликни сақлаш бошқармасининг 1940 йил 2 июндаги 76-сонли буйруғи билан Сурхон қишлоқ совети тиббиёт маркази фельдшери Ш.Маҳмудов, туман болалар боғчаси энагаси К. Ерошенко, Венпункт тиббиёт хизмат ходими Станковалар бир куни сабабсиз ишга чиқмаганликлари учун ишдан ҳайдалганлар. Тиш техниги Забралов устидан жиноий иш қўзғатилган. 1941 йилнинг июл ойида

санинструктори Цўганкова бир кун сабабсиз ишга чиқмаганлиги учун ишдан ҳайдалган . Ишга икки соат кечиққан санинструктор П.Сариев, аёллар ва болалар маслаҳатхонаси тиббит хизмати ходими Габзаиловалар судга берилган. Шу сабабдан ҳам бош врачлар, бўлим мудирлари хатто соғликни сақлаш бўлими бошлиқлари тез-тез алмаштириб турилган. 1943 йил Жарқўрғон райони соғликни сақлаш бўлими мудирлигига Мирза Отажонов, район марказий шифохонаси бош врачи вазифасига Т.И. Мерзлова, Сурхон шифохонаси мудирлигига К.С.Мироренко тайинланади. 1944 йилда ҳам бош врач, мудирлар сафида бир қанча ўзгаришлар рўй берган. Врач Н.М.Богачёва Сурхон шифохонаси бош врачи ва амбулатория мудири, Т.Д.Степанов Қумқўрғон шифохонаси бош врачи, амбулатория мудири, И.В.Берман Ангор врачлик пункти мудири, Т.Т.Капрёлова Какайди врачлик пункти вазифаларига, П.Ф.Гоф эса район санитария эпидимология станцияси бош врачи вазифасига тайинланади. Иккинчи жаҳон урушининг машаққатли йилларида туман шифокорлари соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари сабр-бардош ва фидоийлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. К.С. Кармаков, К.Е.Сидиров, А.А. Дорофеев, А.И. Геречкин, К.С. Вербицкая, Б.Т. Лепешков, А.Хайдаров сингари ўнлаб шифокорлар фронтга кетдилар.

1943-1946 йилларда Жарқўрғонлик шифокорлар сафи янги келган врачлар И.Д. Геринберг, Р.А. Осипова, Т.М. Жучкова, З.М.Муродов, Е.Л.Кучерлалар ҳисобига кўпайди. 1947 йилнинг июль ойида Тошкентда қишлоқ соғлиқни сақлаш ҳодимларининг 3-съезди бўлиб ўтади. Съездда Жарқўрғон район шифохонаси мудири Т.И. Мерезлова, Қумқўрғон шифохонаси мудири З.Н.Муродов, район тропик станцияси мудири И.Р.Қаюмов делегат сифатида иштирок этадилар.

Кейинги йилларда С.Ф. Новицкая санитария эпидимология станцияси мудири, Бойматов Ангор врачлик пункти мудири, врач Т.Е. Лившиц Лалмикор даволаш нуқтаси мудири вазифасида сил касалликлари кабинети врачи Г.И. Гармидер, туман амбулаториясида Починовская, район шифохонаси ва поликлиникаси хирурги А.Ф.Давлатшиналар ҳам меҳнат қилишган.

Н.Г.Вербицкая, Л.Г.Клюева, Л.П.Устинова 1949 йилдан Жарқўрғон район марказий шифохонасида иш бошлаганлар.

1950 йилда Жарқўрғон район соғликни сақлаш бошқармаси раҳбар кадрлари таркибида жуда катта ўзгаришлар рўй беради. Район соғликни сақлаш бошқармаси мудири М.Отажонов ўрнига А.Шоймардонов, Марказий шифохона мудири Г.И.Мерезлова ўрнига А.Ф. Давлетшина, Сурхон шифохонаси бош врачи Е.М.Тартаковская, район амбулатория қошида янги ташкил этилган тез ёрдам хизмати мудирлигига С.А. Кучер, район санитария эпидимология станцияси мудири С.Ф. Новицкая ўрнига Н.Г.Вербицкая, Лалмикор даволаш пункти мудирлигига В.Д.Харитонова, марказий шифохона бош ҳисочиси вазифасига И.И.Трегбовлар тайинланади. Шифохонада рентген аппарати йўқлиги сабабли касалларга тўғри ташхис қўйишда жиддий қийинчиликлар туғдираётган эди. Ўша йилларда аҳоли ўртасида трахома, жинсий замбуруғли касалликлар кўплаб қайд этилган. 1949-1951 йилларда бруселёз касаллиги кўпайган. 1951 йил туман марказий шифохонасига туман бирлашган шифохонаси мақоми берилган. В.Е.Пенкова терапевт вазифасига ишга қабул қилинади. Врач М.Г.Лутфираҳмонова эса туман бирлашган шифохонаси терапияси бўлими мудиралигига тайинланади. У бу вазифада 18 йил халол ва виждонан хизмат қилади. Районда Жалойир, Сурхон давлат хўжалигининг 5 та бўлимида, Исмоилтепа, Қизилқахрамон, Юқори Какайди, Социализм, Ленин ва Москва колхозлари ҳудудларида фельдшерлик-доялик пунктлари ишлаб турган. 1951 йилда Ангор фельдшер-акушерлик пункти ёнида Ангор шифохонаси қурилиши бошланиб, 1951 йилнинг 16 сентябрида ишга туширилади. Шифохонага А.И.Коленслинков ва К.Иванков сингари фельдшерлар ишлаш учун юборилади.

Район бирлашган шифохонасида беморларни касалликларига қараб махсус палаталарда даволаш каби тадбирлар ишлаб чиқилади. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш минстирлигининг 1952 йил 14 апрелдаги 41- сонли буйруғига асосан шифохонадаги 50 ўриндан 10 таси жарроҳлик касалликлари учун, шундан икки ўрин шикастбандлик учун ажратилди.

Аммо бу ишларни амалга ошириш учун муаммолар ҳам етарли эди. Энг катта муаммо тиббиёт барча соҳалари мутахассисларнинг барча соҳалари бўйича, шифокорларнинг етишмаслиги эди. Бош мутахассисларнинг аксарияти Россия, Тошкент, Самарқанд шаҳарларидан келган шифокорлардан иборат бўлиб, оилавий шароит ва бошқа сабабларга кўра врачлар қўнимсизлиги жуда юқори эди. Бунинг энг асосий сабабларидан бири туб аҳолидан бир икки шифокорни айтмаса, деярли олий маълумотли шифокорлар бўлмаган.

Гарчи 1952 йилнинг ўзида педиатр А.А.Ряпсела, фтизиатр Г.М.Рубенко сингари ёш врачлар ишга келишган бўлсада, ўз навбатида бир неча шифокорлар ўз юртига жўнаб кетади.

Сурхондарё области соғлиқни сақлаш бошқармасининг 1952 йилдаги 445 - сонли “Жарқўрғон райони шифохонасини маҳаллий кадрлар билан таъминлаш тўғрисида”ги хатида юқоридаги муаммога эътиборини қаратади. Хатда Жарқўрғон районида маҳаллий аҳолидан шифокор кадрлар тайёрлаш бўйича шошилинч амалий чоралар кўришлиги масаласи таъкидланади.

Ушбу хат асосида 7 июлда Жарқўрғон район соғлиқни сақлаш бошқармасининг буйруғи чиқади. Буйруқда тиббиёт техникумлари ва институтларида ўқиш учун камида 5-10 нафар йигит ва қизларни танлаш, мактабларга мунтазам тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш ҳамда бу ишларга кенг жамоатчиликни жалб қилишдек долзарб вазифалар белгиланган.

1953 йилнинг 1 июлидан эътиборан физкультура ва спорт бўлими соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфига ўтказилади. А.Абдусатторов физкуьлтура ва спорт бўлими раиси вазифасига тайинланади.

Билимли, иқтидорли ва ташаббускор врачларнинг кўпчилиги раҳбарлик лавозимларини бошқаришган. Врачлардан М.В. Васиев район соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Н.Х.Юсупов, З.А. Егорова, С.Ж.Тожимуродовлар марказий шифохона бош врачи вазифаларида фаолият юритганлар. 1960 йилларга келиб район тиббиёт тизими анча кенгайди. Унинг моддий техника базаси яхшиланиб, қишлоқ тиббиёт нуқталари сони ошди. Қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматлар тури ва сифат даражаси юксалди. Агар 1955 йилда туман марказий шифохонаси тез ёрдам бўлимига от аравалардан ташқари

атиги 2 та ИМ-12 ва 3та Газ-51 автомашиналари мавжуд бўлган бўлса, 1960 - йилда санитар ва юк машиналари сони 6 тага етди. Биргина 1960 йилнинг ўзида Жданов, Коммунизм номли колхозларда қишлоқ участка касалхоналари очилди. Жданов номли колхоз қишлоқ участка шифохонасига вақтинча С.С. Мамедов, Коммунизм колхози қишлоқ участка шифохонасиига М.В.Васиевлар бош врач этиб тайинландилар. Ўша йилнинг сентябрь ойида район бирлашган касалхонаси қошида эмлаш пункти очилиб, ушбу пунктга З.Панкиева ҳамшира этиб тайинланди.

Аҳоли ўртасида тиббиий ҳуқуқий - маданиятни ошириш, санитария-гигиеина қоидаларини тадбиқ этиш, эслатмалар тарқатиш, кенг кўламдаги тушинтириш ишларини мунтазам олиб бориш, ўша йилларда шифокорларнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланган. Чунки юқумли касалликлар эпидемияси хавфи ҳар қадамда учраб турган. Айниқса, қишлоқ жойларида эпидемиянинг тез тарқалиши учун қулай шарт-шароитлар ҳамиша мавжуд бўлган. 1960 йилнинг октябрь ойида Жалойир қишлоқ советидаги Қизил Октябр колхозининг 1-2-бригадаларида қорин тифи эпидемияси тарқалган. Бундай ҳолларда раҳбарнинг ҳам, шифокорларнинг ҳам ташвиши ортади. Зудлик билан чора кўрилмаса, касаллик бутун бошли қишлоқларга тарқалиб кетиши ҳавфи бўлган. Эпидемия тарқалиши муносабати билан карантин эълон қилиниб, Сурхон қишлоқ шифохонасига фақат қорин тифи билан оғриган беморлар ётқизилди. Бу ишга юқумли касалликлар бўйича мутахассис шифокорлар, соғлиқни эпидимология станцияси ходимлари, дориловчилардан 13 нафар врач жалб қилинган. Кўрилган чора-тадбарлар натижасида касаллик ўчоқлари зарарсизлантирилиб, касалликни бошқа ҳудудларга тарқалишига йўл қўйилмади.

1961 йилнинг январь ойида мавжуд қишлоқ участка шифохоналари сони яна 2 тага ортиб, ҳозирги Оққўрғон қишлоғи ва Қумқўрғон туманидаги Ульянов жамоа хўжалигида қишлоқ участка шифохонасилар очилди. Коммунизм қишлоқ участка шифохонасида эса рентген кабинети иш бошлади.

Шундай қилиб, йил охирига келиб районда бирлашган шифохона ва 7 та қишлоқ участка шифохоналари ишлай бошлади.

ТошМИ ни тугатган Т.К.Эшқобилов болалар маслаҳатхонаси мудири этиб тайинланди. Шунингдек, янги келган врачлардан А.Ш.Отажонова педиатр, Х.Тожимуродов эса “Меҳнат-роҳат” колхози участка шфохонасида терапевт-инфекционист вазифасида иш фаолиятини бошладилар. Шифохона раҳбарияти таркибида ҳам бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Шифохона бош врачи Н.Х.Юсупов вазифасидан озод қилиниб, жарроҳлик бўлимига мудир этиб тайинланди. Унинг ўрнига Сурхон участка шифохонаси бош врачи З.А.Абдираҳимов тайинланди.

1962 йил бошида эса М.В. Васиев сил касалликлари диспансери бош врачи, Е.К.Сидоров тез ёрдам бўлими мудири, Мирзаев эса ички дорихона бошқарувчиси этиб тайинланди.Ўша йили район даволаш муассасаларида ўрин сонлари қўйидагича бўлган: Бирлашган касалхонасида 150 ўрин, Какайди қишлоқ участка шифохонасида 15, Сурхон қишлоқ участка шифохонасида 35, Жданов қишлоқ участка шифохонасида 25, Партия Х11 съезди қишлоқ участка шифохонасида 25 ўрин, “Меҳнат-роҳат” қишлоқ участка шифохонасида 25, жами 385 ўрин мавжуд бўлган.

1962 йилда районларни кенгайтириш сиёсати ўтказилди ва Жарқўрғон райони Шўрчи райони таркибига киритилди. Бу қўшилиш 1965 йилгача давом этди. 1963 йилдан эътиборан Жарқўрғон райони бирлашган шифохонаси “Зонал” шифохонаси деб юритилди.

1964 йилнинг 8 июнида Сурхондарё области ижроия комитети ва област соғлиқни сақлаш бошқармаси кўрсатмасига асосан, район “Зонал” шифохонасида қон қуйиш станцияси очилди. Станция мудирлигига врач-гемотолог М.Н.Нурмаматов, ҳамшираликка И.Малаховалар тайинланиб, қон қуйиш станцияси очилиши муносабати билан ҳамма қишлоқ участка шифохонаси мудирларига донорлар топиш вазифаси юклатилди. 1964 йил туман “Зонал” шифохонасидаги 10 ўринли кўз касалликлари бўлими Социализм колхозидаги 50 ўринли трахомага қарши диспансери биносига кўчирилиб, Диспансер бош врачи этиб М.Бердиев тайинланди. Сталин колхози (ҳозирги Оққўрғон) участка шифохонасига тери-таносил касалликлари бўлими кўчирилиб, диспансерга айлантирилди. 1964 йилда районда Эндокронология,

Наркология ва анестезиология тиббий хизматлари ташкил этилиб, унга анестезиология врачи Х.Т.Худойназаров, шунингдек, 1965 йил районда травматология ва ортопедия хизмати йўлга қўйилиб, унга хирург М.Н. Нурмаматовлар раҳбар этиб тайинландилар.

Районда даволаш муассасаларининг ортиб бориши, янги ишга тушган қишлоқ участка шифохонасилар, фельдшерлик-акушерликлар, диспансерлар учун ҳамшираларга бўлган талабни ҳисобга олиб, Қизил Ярим Ой жамияти қошида 2 ва 5 йиллик ҳамширалар курси ташкил этилди. 1965 йилнинг сентябр ойида бу курсни 28 нафар ҳамшира тугатди.

1966 йилда туман шифохонасига тиббиёт институтларини битирганлар: стоматолог А. Турдиев, рентгенолог Х.Маматқулов, лор врачи Ғ.Абдураҳимов, педиатр М.Жўраева, терапевт Х.Нормўминов, акушер-генеколог Р.Шокировалар йўлланма асосида иш бошладилар.

Район шифокорлари аҳоли ўртасида кўплаб учраётган трахома, қорин тифи, ичак гижжалари тери-замбуруғ касалликларига қарши кураш олиб бориб, 1966 йилда вабо (холера) касаллигини олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрилди.

Район шифокорларидан иборат махсус гуруҳ 1966 йилда қайта таъмирланаётган Занг канали қурилишида иштирок этаётган минглаб одамларга тиббий хизмат кўрсатишда фаол иштирок этди. 1966 йил охирларида Москва колхози участка шифохонаси бош врачи А.Бобомуродов район марказий шифохона бош врачи вазифасига тайинланди. Хирургия бўлимига М.Н.Нурмаматов, терапия бўлимига М.К.Қўзиев, поликлиникага Х.Т. Худойназаров, тез ёрдам бўлимга К.Е.Сидиров, болалар бўлимига А.Тоғаймуродов, туғруқ бўлимига ва аёллар маслаҳатхонасига Р.М.Шокирова, рентген кабинетига М.В. Васиевлар мудирлик қилишди. Районнинг бош терапевти М.Г.Лутфраҳмонова, хирурги К.Х.Ҳасанов, бош терапевт-педиатри Т.Қ. Эшқобилов, бош гинекологи Г.Худойбердиева, бош инфекционисти И.И.Утюшева, бош травматологи Х.Худойназаров, бош кардиологи К.Сидиров, санитария эпидимология станцияси бош врачи У.Хайруллаевлар шифохонада муносиб хизмат қилдилар. Ш.Қамбаров, А.Қултоев, Ч.Имомқулов, У.Қўзиев,

С.Зуннунова, Б.Бозоров, У.Кенжаев, Н.Хўжалиев, Л.М. Орлова сингари тиббиёт институтларини тугатган ёш врачлар иш бошладилар.

1967 йилнинг апрель ойида район терапевт-педиатри Т.К. Эшқобилов педиатрларнинг Тбилисида ўтказилган Бутуниттифоқ IV съездида делегат сифатида иштирок этиб, 1967 йил май ойида бош врачнинг ташкилий-услубий ишлари бўйича муовини Қ.Х. Ҳасанов хирургия бўлими мудирлигига, М.Нурматов эса унинг ўрнига тайинланади. “Трансфизиология” соҳаси бўйича малака ошириб қайтган врач Х.Э.Маматқулов бош врачнинг даволаш ишлари бўйича муовини этиб тайинланди.

Марказий шифохона қошида ташкил этилган кечки тиббиёт мактабидаги ўқув машғулотларига жуда катта эътибор қаратилиб, энг малакали шифохоналар қуйидаги фанлардан дарс ўтишди:

Хайруллаев У.Х.-юқумли касалликлар;

Васиев М.В.-одам анатомияси ва физиологияси;

Қўзиев М.К.-ички касалликлар;

Маматқулов Х.Э.-соғлиқни сақлаш тизими асослари;

Нурмаматов М.Н.-жарроҳлик асослари;

Шокирова Р.М.-акушер-гинеколоя;

Эшқобилов Т.К.-болалар касаллиги;

Тудимуродов А.Т.-фармакология;

Давидов Т.Д.-умумий гигиена

Бердиев М.Б.-кўз касалликлари;

Тожимуродов Х.М.-тери-таносил касалликлари бўйича.

1966 йилда мактаб ўқувчиларини ёзги таътилда дам олиш ва соғломлаштириш мақсадида болалар лагерлари ташкил этилиб, ушбу тадбирларга болалар шифокорлари, айниқса район санитария ва эпидемиология станцияси ходимлари бош врач У.Хайруллаев бошчилигида хизмат қилди.

Бу даврга келиб тиббиёт тизими анча кучайди, ўнлаб янги тиббиёт нуқталари барпо этилди, жарроҳлик, ички касалликлар бўлимлари ташкил топиб, рентген хизмати, эндокринология ва наркология кабинетлари, қон

қуйиш станцияси, анестезиология, стаматология хизматига алоҳида эътибор берилди.

1968 йилнинг октябр ойида шифохона бош врачи А.Бобомуродов ўрнига М.Н.Нурмаматов, бош врачнинг ташкилий-услубий ишлар бўйича муовини этиб, Х.Э.Маматқулов, даволаш ишлари бўйича А.Бобомуродовлар тайинланади. Район санитария эпидемология станцияси бош врачи У.Хайруллаев ўрнига Ш.Қамбаров тайинланди.

Иқтидорли, катта ҳаётий тажрибага эга, раҳбарларга хос қатъиятли, ишчан ва қўл остидагиларга нисбатан меҳрибон Мамаражаб Нурмаматович Нурмаматовнинг шифохона бош врачи этиб тайинланиши анъанага айланиб қолган раҳбар кадрлар қўнимсизлигига барҳам берди. У кишигача шифохона раҳбарлари бир-икки йил, нари борса уч йилда тажрибасизлиги, лаёқатсизлиги ёки юқоридаги раҳбарларга ёқмаганлиги учун бирор бир баҳона рўкач қилиниб, вазифасидан олиб ташланар эди. М.Нурмаматов шу вазифада 15 йил, токи Соғлиқни сақлаш бошқармасига бошлиқ бўлиб кетгунча қадар сидқидилдан меҳнат қилди. У кишининг катта ташкилотчилиги эвазига жамоа жипслашди. Шифохоналарнинг турмуши, маънавий-маиший шароитларининг яхшиланишига катта эътибор қаратилди. Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари долзарб вазифа қилиб қуйилди. Шу билан бирга, шифокорларнинг касбий маҳоратини ошириш, намуна кўрсатиб маҳнат қилаётганларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб боришга эътибор кучайтирилди.

М.Нурмаматов шифохонани кенгайтириш, бўлимлар учун алоҳида бино қурдириш учун кўп елиб югурди. Натижада, 1971 йилда янги жарроҳлик бўлими, 1972 йилда ошхона, 1977 икки қаватли туғруқхона, 1980 йилда Сурхон қишлоқ участка шофохонаси, Сопка районлараро шифохонаси, 1982 йилда рентген бўлимлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айниқса, 30-йилларда қурилган дастлабки шифохона ўрнида 3-қаватли замонавий бино қурилиб, болалар бўлимига берилиши қувончли воқеалардан

бири бўлган эди. Қурилиш ишлари райондаги 26-қурилиш трестининг (бошлиғи мархум Х.Тошқулов) 277-52-ПМК ишчилари амалга оширган.

Пахта яккаҳокимлиги кучайган 70-80-йилларда ҳосилдорликни ошириш мақсадида, инсон саломатлиги учун ўта хавфли ҳисобланган ДДТ, гексохлоран, дикос каби заҳарли киёвий моддалар ишлатила бошланди. Аслида, ҳосил зараркунандаларига қарши курашиш мақсадида 1968 йилдан буён заҳарли дорилар қўлланилиши бошланган эди. “Кукурузник” номи билан машҳур АН-2 самолётлари, пуркагичли тракторлар, қўлда олиб юрилувчи воситалар ёрдамида тонналаб заҳарли химикатлар замин узра сочиларди. Қишлоқ жойларида, далаларга яқин сув ҳавзаларида маза қилиб чўмилаётган, устларидан учиб ўтаётган самолётни қийқиришиб томоша қилаётган болажонларнинг қувончлари узоққа бормас, бир неча кундан кейин улар кўзларини очганда шифохона шифтини, тепаларида энгашиб турган оқ халатли кишиларни кўришар эдилар.

Заҳарли химикатлар жигарнинг токсик заҳарланишига олиб келар, қон, асаб ва нафас олиш органлари фаолиятини бузар эди. Аҳоли ўртасида “Сариқ” номи билан тенг тарқалган касалликнинг кўпайиб кетиши, аслида заҳарли химикатларнинг ҳаддан зиёд кўп ва палапартиш қўрланилиши оқибати эди.

Жарқўрғонлик шифокорларнинг ҳам бир ташвишларига ўн ташвиш қўшилган эди. Барча шифохоналар сариқ касаллиги билан оғринган беморлар тўлиб кетган, ҳатто мактаб ва болалар боғчалари ҳам бўшатилиб, касаллар ётқизилар эди. Бундан ташқари Т.Шобуров, Н.Боймуродов, Оқтепа, Ҳ.Олимжон номли колхоз, Украина, Сурхон давлат хўжаликлари ҳудудларида ичак инфекцияси салмонеллёзи гуруҳига кирувчи терлама, қорин тифи, безгак, куйдирги касалликлари кўплаб тарқалган эди. Шу муносабат билан оммавий сафарбарлик эълон қилинади. Махсус штаб тузилиб, ҳар куни аниқланган, даволаниб чиққанлар, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланиши, ҳудудларнинг санитария ҳолати тўғрисидаги ҳисоботлар олиб борилар, янги тадбирлар белгиланар эди.

М.Нурмаматовдаги раҳбарга хос ташаббускорлик, қийинчиликлар олдида эсанкирамай, оғир вазиятларда ҳам тўғри қарорлар қабул қилиш, шифокорлар

меҳнатини, шаънини улағлаш сингари хислатлар унинг шогирдларидан бири, 1984 йил январ ойидан район марказий шифохонаси бош врачи вазифасига тайинланган Хушбоқ Эшқурбонович Маматқулов ҳам ўз иш фаолиятида устози ўгитларига амал қилиб, у бошлаб берган анъаналарни собитқадамлик билан давом эттирди.

Унинг раҳбарлиги даврида поликлиника лабораторияси, 1986 йилда реаннимация бўлими ташкил этилди. 1989 йилда катта поликлиникаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1992 йилда УЗД-38Д аппаратура ўрнатилди, СПИД лабораторияси ташкил этилади.

Х.Э.Маматқулов раҳбарлик йилларида қурилиш, ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда, шифокорларнинг маънавий-маданий дам олишлари учун турли тадбарлар, кечалар, қизиқарли учрашувлар, касб-маҳоратини оширишга йўналтирилган “Энг яхши врач”, “Энг яхши ҳамиша” кўрик танловлари, мусобақалар мунтазам ўтказилиб турилган. Буларнинг барча, шубҳасиз жамоани жипслаштирган, шифокорларнинг ўз касбларига нисбатан садоқатини, меҳрини оширган. Энг муҳими, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтиришда муҳим ҳисса қўшган.

Катталар учун мўлжалланган поликлиниканинг янги биносини қуриш учун лойиҳа тайёрлаш, қурилишга рухсат олиш Х.Маматқулов учун жуда оғир кечган. Москванинг рухсатисиз капитал қурилишлар қилиш мумкин эмас эди. Аҳолини ёппасига тиббий кўрикдан ўтказиш учун 36-йилларда “Ворошилов нефть” ташкилоти ишчилари учун қурилган пастак, усти қамиш ва черепица билан ёпилган поликлиника вазифасини ўтаётган бинода имкониятлар жуда чекланган эди. Қолаверса. Асли жарқўрғонлик бўлган Хушбоқ Эшқурбонович учун ўз халқига қулайликлар яратишдек хайрли ишга қўл уриш истаги устун эди. Ниҳоят, 1986 йилда қурилиш лойиҳа-смета бўлади. 1989 йилда 26-қурилиш трестининг 210-механизациялашган кўчма колоннаси томонидан поликлиника биноси қуриб фойдаланишга топширилади. Марказий шифохона иссиқлик тизимини қайта таъмирлаш, туғруқ комплекси шароитларини яхшилаш, Оққўрғон, А.Навоий, Н.Боймуродов номли жамоа хўжаликларида амбулатория биноларининг қурилишида Х.Э.Маматқулов бевосита раҳбарлик қилган.

1968-1980 йилларда меҳнат қилган М.Холматов, Т.Махмараимов, С.Каримова, Р.Шокирова, П.Махмараимова, Қ. Рахимов, Я. Элмуродов, Ш.Хидиров, А.Кўчкинов, И.Алматов, Н.Ҳасанова, Ш.Сувонов, Э.Тоғаев, П.Юсупов, Э.Йўлдошев, А.Мамадиев, Х.Асадов, Э.Қобилов, Г.Шердонова, Э.Шердонов, Х.Холмуродов, Т.Жовлиев, Р.Тўхтамишева, М.Қобилова, У.Жўраев, И.Норбўтаев, З.Ничепоренко, Р.Қурбонов, Б.Ёрматов, О.Бекназарова, Б.Худойбердиева, Р.Норбоева, Б.Маманиёзов, Р.Усмонова, М.Холиёров, Н.Худойбердиев, 1980 йил кейин келган Б.Чориева, Х.Жўраев, М.Холиёров, И.Бозоров, А.Чориев, Х.Шайманов, Т.Бердимуродова, С.Холбоев, Э. Алибоев, Х.Қўзиев, А.Бойқобилов, Ж.Эюпова, С.Маматқулова, Б.Тошмуродов, Ж.Беккамов, Н.Шайманов, А.Самадов, А.Қаюмов, Ғ.Йўлдошев, Ю.Жумагелдиев. М.Хўжамбердиева, Д.Рахматова, Қ.Эшимов, Б.Султонова, Н.Шайманов, О.Хўжамуродов, Т.Чориева, А.Бозоров, Б.Шоймуродов, И.Имомова, С.Мустанова, Ч.Эргашев ва бошқа бошқа врачларнинг қилган меҳнатлари таҳсинга сазовордир. Улар ҳозирги кунда ҳам ҳормай-толмай эл саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқдалар.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖАРКЎРҒОН ТУМАНИ САНОАТИ.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўзининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий сиёсий жиҳатдан дунёда ривожланган давлатлар қаторига чиқиб, Ўзбекистон халқларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш масаласида катта тажрибага эга бўлиб, миллатлар ўртасидаги инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантирди. Миллий истиқлолнинг қўлга киритилиши билан бутун мамлакатда бўлганидек, Сурхон воҳасида ҳам ҳар томонлама ривожланиш учун улкан имкониятлар юзага келди. Мустабид совет тузуми даврида вилоят саноати асосан ярим тайёр маҳсулотлар, яъни хом-ашёга биринчи ишлов беришга ихтисослашган эди. Саноат корхоналарининг кам миқдорда бунёд этилиши оқибатида вилоят асосан аграр ишлаб чиқаришга мослашиб қолган эди. Шу сабабли ҳам вилоятда пахтачилик саноати, озиқ-овқат саноати ва қурилиш саноатига ихтисослашган баъзи бир корхоналар бунёд этила бошлади. Бозор иқтисодиётига асосланган мулкчиликка хос кўп укладли тизимнинг шаклланиши, қолаверса Республика ҳукуматининг ва вилоят ҳокимиятининг ташаббуси билан вилоятда саноат корхоналарини кенг миқёсда барпо қилиш, вилоят саноатига чет эл инвестицияларини киритиш ва бу орқали қўшма корхоналар, ўрта ва кичик корхоналарни шакллантириш борасида самарали силжишлар амалга оширилди. Мулкчилик янги шаклларининг вужудга келиши, кишиларда ҳақиқий мулқдорлик туйғусининг қарор топиши, ишлаб чиқариш жараёнининг тамомила янги тартибда ташкил этилиши вилоят саноатида ҳам улкан ўзгаришлар ясалишига олиб кедди. Натижада ўтган давр оралиғида Жарқўрғон тумани саноати ҳам миқдор жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан янги паллага қадам қўйди. Натижада илгари фақат аграр соҳага ихтисослашган вилоят хўжалиги замонавий технологиялар билан жиҳозланган саноат корхоналарига эга бой ҳудудга айланди. Натижада воҳада ёқилғи-энергетика саноати, машинасозлик саноати, қурилиш материаллари саноати, пахта тозалаш саноатидан иборат индустриал мажмуа таркиб топди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, советлар даврида Ўзбекистоннинг саноат тараққиёти жиҳатидан энг кам ривожланган вилояти

бу - Сурхондарёдир. Сурхондарё вилояти ўз саноатининг ривожланиши жиҳатидан 1990 йилда республикада ўнинчи ўринда турарди. Саноат қолоқлигини бартараф этиш учун бутун республикада бўлгани сингари Сурхондарёда ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширила бошлади. Енгил саноат корхоналарини замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Айниқса, пахта тозалаш саноати соҳасида маълум бир ижобий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Мустақилликнинг илк босқичларида маълум бир қийинчиликлар бўлди, хусусан, собиқ Иттифоқ давридаги алоқалар узилгач, таъминот издан чиқди. Кўпгина пахта тозалаш заводларида эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар етишмаслигвдан анча қийинчиликлар юз берди. Юқоридаги муаммоларни ижобий ҳал этиш учун корхоналарнинг мавжуд ички имкониятларидан фойдаланишга тўғри келди, бу эса албатта, ўзининг ижобий натижаларини берди. Агарда 1990 йили вилоятда мавжуд 11 та пахта тозалаш заводи 143,5 минг тонна тола ишлаб чиқарган бўлса, 1991 йилда бу рақам 145,4 минг тоннани ташкил этди. Вилоят енгил саноат корхоналари 1992 йили 1 247 000 погон метр шойи-газлама, 99,5 млн. сўмликдан кўпроқ тикувчилик буюмлари, 20,1 минг жуфт пойафзал, 19,2 минг дона трикотаж буюмлари, 5,2 минг дона пайпоқ, 2,3 тонна йигирилган ип тайёрлади.

Мустақилликни дастлабки йилларида Сурхон воҳаси шаҳарларида саноатни қайта реконструкция қилиш, Янги саноат корхоналарни қуриш, кон-ёқилғи саноати ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса Сурхон воҳаси ва давлат манфаатларини ҳисобга олиб кўмир ва Нефт қазиб чиқаришни ривожлантириш, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш маҳсулотларига эътибор бериш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жарқўрғон туманида нефт қазиб олиш саноат корхонаси 1991 йилда 123,0 млн сўмлик, 1992 йилда 400,4 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмиолчиларга етказиб берилди. Шунингдек Жарқўрғон туманда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми кўпайиб 1991 йилда 109,1 млн сўмлик, 1992 йилда 878 млн сўмлик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Жарқўрғон туманида ип-газлама комбинати иқтисодий қуввати оширилиб 1991 йил 27,0 млн сўмлик,

1992 йилда 216,6 млн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 1991 йил Жарқўрғон туманида шиша идишлар, ип йигирув цеҳлари иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилингач бутун саноат, минерал ресурслар ва бошқа бойликлар республиканинг мулки бўлиб қолди. Ўзбекистон раҳбарияти бозор инфраструктураси бошланғич бўғинларини шакллантириш, шунингдек товар ишлаб чиқарувчи соҳаларда мусобақадошлик ва рақобатни аста - секин ривожлантириб бориш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 1992 йилда маҳаллий саноат , маиший хизмат тизими, умумий овқатланиш, давлат савдосининг баъзи корхоналари, баъзи автотранспорт ташкилотларини хусусийлаштириш, зарар келтираётган давлат хўжаликларини жамоа хўжаликларига айлантириш дастурини ишлаб чиқди. Натижада деярли 2 минг корхона давлат тасарруфидан чиқарилди.

Мана шу кўрилган чора тадбирлар натижасида ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги анча юксак ижрочилик ва меҳнат интизоми туфайли Ўзбекистон халқ хўжалигидаги пасайиш 1992 йилда 1991 йилдагига қараганда 4,5 фоизни ташкил этди. Россияда бу кўрсаткич 20 фоиздан ошиб кетган эди. Мулкчилик янги шаклларининг вужудга келиши, кишиларда ҳақиқий мулкдорлик туйғусининг қарор топиши, ишлаб чиқариш жараёнининг тамомила янги тартибда ташкил этилиши Жарқўрғон тумани саноатида ҳам жиддий ўзгаришлар ясалишига олиб келди.

Натижада илгари факат аграр соҳага ихтисослашган Жарқўрғон тумани саноати ҳам микдор, ҳам сифат жиҳатидан янги паллага қадам қўйди. Илгари фақат аграр соҳага ихтисослашган туман хўжалиги янги замонавий ускуналар билан жиҳозланган саноат корхоналарига эга бой ҳудудга айланди. Натижада туманда ёқилғи - энергетика саноати, қурилиш материаллари саноати, пахта тозалаш саноатидан иборат саноат мажмуаси таркиб топди.

Вилоят пахта тозалаш заводи саноати бирлашмаси раҳбар ва мутахассислари тайёрланаётган тола сифатини янада ошириш мақсадида туманлардаги пахта тозалаш заводларини янги асбоб - ускуналар билан жиҳозлашни йўлга қўйдилар. Жарқўрғон пахта тозалаш заводида толанинг пишиқлигини ва унинг ўзилиш кучини яхшилаш мақсадида толани

ҳўллайдиган махсус ускуналарн ўрнатилди. Натижада заводларлда тайёрланган толанинг пишиқлиги оширилиб, унинг ўзилиши 20 фоизга камайди.

Жарқўрғон пахта тозалаш заводи толачилари билан ҳамкорлик қилаётган корхоналар сони йилдан - йилга кўпайиб борди Пахта тозалаш заводи Тошкент, Олма - ота, Грузиядаги ва бошқа собиқ иттифоқ корхоналари билан бирга Чехословакия, Венгрия, Руминия, Швейцария каби давлатларнинг енгил саноат корхоналари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. 1991 йили хорижлик ҳамкорларга 2294 тонна пахта толаси жўнатилди. Шундан 753 тоннаси сентябрь ойидаёк жўнатилди. Пахта чигитидан 3000 тоннага яқини Денов ёғ - экстракция заводига жўнатилди.

Сурхондарё вилояти асосан пахта етиштиришга ихтисослашганлиги сабабли ҳам воҳада пахта тозалаш саноатининг алоҳида ўрни бор. Мустақиллик йилларида Сурхондарёда янги пахта тозалаш заводлари қурилиб ишга туширила бошланди. Жарқўрғон туманидаги «Бунёдкор - 2» ҳиссадорлик жамияти жамоасининг ишлари мактовга сазовордир. Ҳиссадорлик жамияти мутахассислари Қумқўрғон пахта тозалаш цехларини замонавий серунум машиналар билан жиҳозлашди ва йилига 30 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган корхонани фойдаланишга топширишди. Худди шундай корхона Тўполангда ҳам барпо этилди. Жарқўрғон тумани пахта тозалаш заводи кошида 1991 йилда «Жарқўрғон тола» ҳиссадорлик жамияти ташкил этилди. Бу корхона ҳам пахта заводи каби мустақил корхонага айлантирилди ва иккаласи ҳам «Сурхонпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмасига карашли бўлиб қолди. “Жарқўрғон тола” Ҳиссадорлик жамияти пахта толасини Швейцария, Буюк Британия, Италия ва Корея каби давлатлар фирмаларига сотишни йўлга қўйди. Ҳиссадорлик жамиятида 25 нафар ишчи меҳнат қилди. Уларнинг ўртача иш ҳақлари 2001 йилда 15 минг сўмни ташкил қилди. Ҳар ойда ишчилар қўшимча овқат пули ва мукофотларни ҳам олиб турдилар. Олти минг тонна пахта толасини сақлашга мўлжалланган омборлар тартибга келтирилди. Базанинг бутун атрофи янги баланд деворлар билан ўралди. «Тикув цехи» чеккага кўчирилиб, қайта қурилди. Унинг ёнида сартарошхона ҳам қурилди. Корхонага кириш йўллари ва олд майдончаларга асфальт ётқизилди. Бўш ётган

ерлар ободонлаштирилиб, корхонанинг «тикув цехи» Улдона Бўриева бошқарувида 5 нафар тикувчилар буюртма асосида бўздан чигит халталари, қўлқоп, пахта териш этаклари кабиларни тайёрлашни йўлга қўйдилар. Умуман олганда туманда пахта тозалаш саноати борасида жиддий ютуқлар ва ўзгаришлар бўлмоқда.

1994 йилда Сурхондарёнинг Жарқўрғон туманида «Яҳёхон» хусусий корхонаси ташкил топди. Бу корхонани Яҳёхон Бобохўжаев Тошкентдаги «Амперколор» Ўзбек-Олмон қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Корхонада кинескоплар ҳажми ва турига қараб 9 мингдан 21 минг сўмгача нархларда таъмир қилиниб, созлаб бериш йўлга қўйилди. Мазкур иш масканида ойига ўртача 150-180 та кинескоп таъмирланди.

Вилоятнинг ягона ип - йигирув фабрикаси бўлган ва катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Жарўрғондаги тўқимачилик фабрикаси дастлаб 1984 йилнинг апрель ойининг бошларида фабриканинг йигирув цехида дастлабки ўнта йигирув машинаси ишга туширилиб, ўзининг дастлабки маҳсулотини бера бошлаган эди. Орадан йиллар ўтиб корхона кенгайгач 1994 йили Ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Фабрикада ишчиларнинг меҳнатга, мулкка муносабатларида сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олишимиз мумкин. Ҳиссадорлар 1996 йил давомида амалдаги нархларда 190,1 миллион сўм ўрнига 236,6 миллион сўмликдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Маҳсулот сотиш эса салкам 2,8 баробар кўпайди. Ҳиссадорлар 1995 йилни 1309 тонна калава ишлаб чиқариш ва салкам 6,9 миллион квадрат метр мато тўқиш билан якунладилар. Меҳнат унумдорлиги 113 фоизга ўсди. Бундай ютуқларга мавжуд тўқув ва йигирув дастгоҳларидан унумли фойдаланиш туфайли эришилди. 1995 йили тўқув ишлаб чиқаришида корхонани янги техника билан қайта қуроллантириш режасининг биринчи навбати амалга оширилди.

Россиянинг Чебоксари шаҳридан шартномага биноан келтирилган «АТ-100-5м» русумли тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Натижада эни 90 сантиметр бўлган «Минтоколь - 32» ўрнига жаҳон андозаларига мос келадиган, эни 164 сантиметрли «Бязь - 4794» артикулли мато тўқиш имконияти туғилди. Бу

станоклар ёрдамида 1995 йили 1 миллион 335 минг квадрат метр мато тўқилди. Янги дастгоҳларнинг хосияти шундаки, улар серунум, сифатли маҳсулот тайёрлайди ва шовқинсиз ишлайди, ишчи кучини ҳам кам талаб қилиши билан ажралиб туради.

Шаҳарлардаги саноат корхоналари ишлаб чиқариш қувватини кучайтириб, махсулот ишлаб чиқариш хажми 1995 йилда Бойсун шаҳри-да 93,2, Жарқўрғон шаҳрида 100,1, Қумқўрғон шаҳрида 138,1, Шеробод шаҳрида 98,6, Шўрчи шаҳрида 101,4, Денов шаҳрида 104,4, Жанубий шаҳарларда 111,9 %га ўсди. Бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиб Сурхон воҳаси шаҳарларда саноат компелксларни янгидан қуриш, замонавий асбоб-ускуналари ўрнатиш, муҳандис ишчи ходимларни салоҳиятини ўсиши туфайли саноат кўрсаткичлари ўсиб, 1997 йилда Бойсун шаҳрида 103,1, Жарқўрғон шаҳрида 101,3, Қумқўрғон шаҳрида 101,7, Денов шаҳрда 105,2 %га маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ўсди.

Шаҳарларда маҳаллий саноат саҳсулотларни ишлаб чиқариш қуввати ўсиб, маҳсулотларни сифати ва самарадорлиги ошиб борди. Сурхон воҳасидаги шаҳарларда саноатнинг асосий тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш холати яхшиланиб борди. Бойсун шаҳридаги саноат корхоналар томонидан 1995 йил 115,5 млн сўмлик кўмир қазиб линган бўлса, 1996 йил 226,2 млн сўмга етди. Саноатни муҳим тармоғи ҳисобланган нефт қазиб олиш Жарқўрғон саноат корхоналари томонидан 1995 йил 114,1 сўмга маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 1996 йил 476 млн сўмга етказилди. Термиз, Қўмқўрғон, Жарқўрғон шаҳарларда 1995 йилда 442,4 млн сўм қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 1996 йил 813,2 млн сўмга етказилди. Энг муҳим Жарқўрғон шаҳридаги ип-газлама корхонаси 1995 йил 159,7 млн сўмлик 1995 йил 300,9 млн сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Янги серунум дастгоҳлар туфайли 1996 йили тўқув ишлаб чиқаришида қувватлардан фойдаланиш даражаси 1995 йилга нисбатан 24 фоизга, йигирув бўйича 9- фоизга ошди. Жарқўрғон тўқимачилик фабрикасида тўқима маҳсулотининг 70 фоизи, йигирилаётган ипнинг 65 фоизи сифат белгиси талабларига тўлиқ жавоб беради. Корхона ютуғини қуйидаги рақамлардан ҳам билишимиз мумкин. Корхона йил давомида 257,2 миллион сўмдан кўпроқ ялпи

даромад олди. Олинган соф фойда 7 миллион 862 сўмни ташкил этди. Шундан 5 миллион 584 минг сўм ҳиссадорлик жамияти ихтиёрида қолди. 376 минг сўм маблағ эса моддий рағбатлантириш ва хайрия жамғармасига, 837,6 минг сўм эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадига йўналтирилди.

1996 йилдан Сурхондарёдаги нефт конларининг оқова сувларидан йод олиш масаласи илмий асосланиб, 1997 йил Жарқўргон туманидаги Ховдак кудуқларидан 8 тонна оқова сув Тошкентдаги илмий-текшириш марказига олиб борилиб, олимлар, мухандис-техниклар, тиббиёт ходимлари Республика давлат фан ва техник қўмитасида тадқиқотлар олиб борилиб, Ховдак йодни ишлаб чиқаришга эришилди. Натижада йод ишлаб чиқариш ишлари тўхтовсиз олиб борилиши натижасида 1997 йил ноябр ойининг охирида Ховдакдан дастлабки йод олинди. Бу объектда кунига 1 килограмм йод пастаси олишга эришилди. Республикада биринчи бўлиб, Сурхондарё вилоятида нефт қудуқларидан чиқаётган оқова сувлардан йод олиш йўлга қўйилди.

Қимматбаҳо йод моддасининг Сурхон заминида топилиши ва унинг тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилишида Термиз давлат университети кимё факультети олимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Нефть корхоналарининг оқава сувларидан йод олиш таклифи ҳам дастлаб Университет олимлари томонидан билдирилган эди. Ховдак нефт конларидаги 2500 метр чуқурликдан чиқаётган нефть сувидан йод пастаси ишлаб чиқадиган асосий воситаларнинг қиймати 20 миллион сўмга етиб, заводнинг ишга туширилиши натижасида йод борасидаги муаммоларни Ховдакдаги йод заводи ҳал қилди. 1997 йилда заводда бир ҳафтада 50 кг йод пастаси олиб, 1997 йил 3,3 ярим тонна кристал йод тайёрланди. Йод пастаси Тошкентга олиб борилиб, кристал йодга айлантирилди. (Бир килограмм кристал йоднинг жаҳон бозоридаги баҳоси 60 минг доллар бўлди). Мутахассисларнинг фикрича, Республикамизда ҳар бир кишининг кундалик йодга бўлган эҳтиёжи 100-200 мкга ни ташкил этади. Бу миқдордаги йодни у асосан истемол қилган озиқ-овқат маҳсулотларидан олади. Киши организмида йодга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида хукуматимиз ва соғликни сақлаш вазирлигининг сайи харакати билан ош тузини йодлаш орқали хасталикнинг олдини олишга харакат қилинди.

1997 йилда 9,4 млн сўми Жарқўрғон ип-йигириш фабрикасига янги дастгоҳлар ўрнатишга сарфланди. 1997 йилда саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш қувватини пастлиги, янги замонавий технологияларни ўрнатилмаганлиги, ишлаб чиқариш қувватини зарур маблағларни етишмаслиги ишчи мутахасисларни билим даражасини юқори ҳижми юқори даражада ўсмай, маҳсулотларни сифати пастлиги туфайли бозор талаб-эҳтиёжларни қондирмай қолди. Натижада 1997 йилда саноат маҳсулотларидан 1428,5 млн сўмлик маҳсулотлар сотилмай қолди. 1998 йил январга келиб вилоят саноат махсулотлари ишлаб чиқариш 1127,8 млн сўмга камайди. Жарқўрғон туманида **НПУ** «Жарқўрғон нефть» корхонасидаги ишлаб чиқилган 167,5 млн сўмлик маҳсулот сифати пастлиги туфайли цисцерналарда қолиб кетди. Шунингдек Жарқўрғон туманида уй-жой қурилиш бетон-темир маҳсулотлари заводи ишлаб чиқилган 13,5 млн сўмлик маҳсулотлар сифатсиз бўлганлиги туфайли реализация қилинмай қолди. Бундай сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш пахта саноат корхоналарида ҳам ўз аксини топиб, ишлаб чиқарилган 548,7 млн сўмлик маҳсулотлар сифатсизлиги туфайли харидорсиз бўлим омборхоналарда қолиб кетди. Вилоят «Маҳаллий саноат» акционерлик жамиятига қарашли саноат корхоналари томонидан тайёрланган 69,6 млн сўмлик тайёр махсулотлар жумладан 357 тонна пахта толаси, 5200 тонна ош тузи, 3,3 млн сўмлик тайёр фабрика кийимлари харидор талабига жавоб бермаганлиги туфайли сотилмай қолди.

Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланишга рухсат берилиши натижасида ҳунарманд усталар учун кенг имкониятлар яратилди. Уларнинг самарали ишлашлари учун эса Ўзбекистонда моддий хом ашёлар етарлича таъминлаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги (1741 сонли) «Халқ бадиий ҳунармандчилигини ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлар ва Қарорлар Ўзбекситон Республикасида ҳунармандчиликнинг қайтадан ташкил топиши ва

ривожланиши учун муҳим омил бўлди. 1997 йил мартда Термиз шаҳрида «Ташаббус-96» кўрик танлови ва вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Энг яхши ҳунарманд» танлови бўйича Жарқўрғон туманидаги болалар халқ ижодиёти хусусий мактаб раҳбари Галина Бўроновага биринчи ўрин берилиб, 6,5 миллион сўмгача имтиёзли кредит берилди. 1998 йил январида Ўзбекистон Республикаси «Ҳунарманд» уюшмаси ташкил қилинди. Сурхондарё вилоятида эса «Ҳунарманд» уюшмаси 1998 йилнинг январида ташкил топиб, уюшма йигирма турдан кўпроқ ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, вилоят ва республика саноатининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. Вилоят ҳунармандлари ҳунармандчиликнинг сифат даражасини юқори кўтариш мақсадида ҳунармандчилик буюмларини чиқаришга киришди.

Жарқўрғондаги ип газлама қўшма корхонаси 1997 йилда экспортга маҳсулот сотиш режасини 140 фоизга бажариб, корхона томонидан Чехия, Полша ва Австрия мамлакатарига 312 минг долларлик ип-калава маҳсулотларини сотди. 1800 нафардан зиёд ишчилар 1602 тонна калава ип, 8866 минг погонметр мато ишлаб чиқариб, бу борадаги режа топшириқларини ортиғи билан бажариб, корхонанинг 2000 йилдаги соф фойдаси 34,5 миллион сўмни ташкил қилди.

Фабрика қошида «Ўзбекистон-Америка» қўшма корхонаси ташкил этилиб, унинг қуввати йилига 42 тонна калава ип ва 1920 минг погон-метр мато ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, корхонанинг умумий лойиха қуввати 13 миллион 132 минг 036 евро бўлиб, хорижий таъсисчи бўлиш Американиг улуши 53 фоизни ташкил қилди. Қўшма корхонада Германия, Чехия давлатларининг замонавий йигирув дастгоҳлари ўрнатилиб, жаҳон бозорлари талабларига жавоб берадиган юқори сифатли калава ип ва мато ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 70 фоизи экспортга сотилди.

1996 йилда Жарқўрғонда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш режаси 102,1 фоизга бажарилиб, 643,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 9 та корхона хусусийлаштирилди, туманда 13 та кичик ва қўшма корхона, 200 та хусусий, 50 та деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатди.

1998 йил январида Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» ширкатлар уюшмаси ёнида «Сурхон-Салонур» кичик корхонаси қурилди. Корхонада макка донидан қимматли хом ашё-крахмал ва макка дони чиқитларидан чорва ва паррандалар учун омухта ем тайёрлаш йўлга қўйилди. Хориждан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхона бир кеча-кундузда 1 тонна крахмал ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. 25 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган корхонанинг тўла қувват билан ишлаши таъминланди.

Корхонанинг 2000 йилда олган соф фойдаси 34,3 миллион сўмни ташкил қилди. 2000 йил мобайнида корхона 1602 тонна калава ип, 8866 минг погон метр мато ишлаб чиқарди. 2004 йилда Жарқўрғонда вилоятда энг катта саноат корхоналаридан ҳисобланган ҳиссадорлик жамиятида 1651 нафар, 2005 йилда 1500 нафар ишчи - хизматчи меҳнат қилган бўлса, 2007 йилга келиб аьзолар сони 1375 нафарни ташкил қилди. Шу боис маҳсулот ишлаб чикариш ҳажми ортиб бориб, корхона 2003 йилда калава ип тайёрлашни 1067 тоннага режалаштирган эди, унинг ўрнига 1300 тонна калава ип тайёрлади. Бундан ташқари хом сурп ишлаб чиқариш ҳар качонгидан кўпайди. 2003 йил давомида режалаштирилган 5 миллион 827 минг ўрнига, 6 миллион 857 минг погон метр хом сурп тайёрланди. Корхона ишлаб чиқараётган хом сурпга хорижда харидорлар талаби ортиб борди. 2003 йили корхона Туркия, Россия, Польша сингари саноатлашган мамлакатларга 358,4 минг АҚШ доллари микдорида маҳсулот экспорт қилди.

Хорижга маҳсулот жўнатиш эвазига корхона катта миқдорда даромад кўрди. Олинган даромаднинг асосий қисми ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, иш ўринларини кенгайтиришга ва ишчи - хизматчиларни рағбатлантиришга сарфланди. 2003 йилда корхона ишчи - хизматчиларининг ойлик маоши ўртача 40 минг сўмни ташкил қилди.

«Сурхонтекстил» корхонаси негизида 2004 йил 17 март куни «Сурхонтекс» Ўзбекистон - АҚШ кўшма корхонаси очиб ишга туширилди. Ушбу янги қўшма корхонанинг лойиҳа киймати 13 миллион еврони ташкил қилган бўлиб, у Германия ва Чехияда ишлаб чикарилган замонавий йигирув

дастгоҳлари билан жиҳозланди. Унда йилига 4 минг тоннадан зиёд калава, 11 миллион погон метрга яқин газлама ишлаб чиқариш йўлга қўйиладиган бўлди.

«Сурхонтекс» Ўзбекистон - АҚШ қўшма корхонасида ишчи - ходимларнинг меҳнат қилишлари учун қулай шарт - шароитлар яратилди. Ишчиларга тушлик овқат 50 фоиз арзонлаштирилди. Бепул шакарли чой берила бошланди. Қишлоқлардан ишчилар ишга ва уйларига жамият ҳисобидан транспорт воситасида бепул ташиш йўлга қўйилди. Бу хизматлар учун бир йилда корхона томонидан 45- 50 миллион сўм сарфлади. Корхонада ишчиларнинг яхши дам олишлари учун саломатлик маркази, дам олиш ва маънавият ва маърифат хоналари ташкил қилинди.

Шунингдек корхона саховатпешалик ва меҳр - мурувват кўрсатиш ишини ҳам яхши йўлга қўйди. 2004 йили корхона туман кўзи ожизлар жамиятига 100,0 минг сўм, Чернобилчиларга 100,0 минг сўм, ҳудуддаги 4 - сонли ўрта мактабга 200,0 минг сўм, «Камалак» номли болалар боғчасига 100,0 минг сўм моддий ёрдам кўрсатди. Корхона 2006 йили 10 миллион сўмдан зиёд маблағни турли ҳомийлик мақсадлари учун сарф қилди. Шунингдек корхона моддий ёрдамга муҳтож ишчиларнинг саломатликларини тиклаш учун аъзоларининг эҳтиёжларига қараб республикамиздаги «Чинобод», «Бўстон», «Турон», «Ботаника» каби сиҳатгоҳларга путёвка ташкил қилиб берди.

«Сурхонтекс» корхонаси 2006 йили 7 миллиард 60 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарди. Аниқроқ айтганда корхона 3 минг 253 тонна калава ип, 5миллион 388 минг погоно метр - бўз матоси тайёрлади. 2006 йили корхона Англия, Германия, Россия, Эстония, Арманистон ва Қозоғистон давлатларига 2 миллион 806 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилди. Бундай ютуқлар шубҳасиз тиниб - тинчимай меҳнат қилиш, бозор шароитида имкониятлар излаш натижасида қўлга киритилади албатта.

Жарқўрғон туманида мустақиллик йилларида кичик хусусий корхоналар ҳам ташкил этила бошланди. Дастлабки кичик корхоналардан бири Жарқўрғон шаҳрининг ГПЭ посёлкаси, **СПСПБ** корхонаси яъни »Имкон» кичик корхонаси 1991 йили аҳолига ичимлик суви олиши учун артезиан қудуқлари қазиш муаммоларини ва транспорт хизматини йўлга қўйди. Жарқўрғон тумани

кооператив тайёрлов савдоси ташаббуси билан консерва ишлаб чиқарадиган кичик корхона қуриб ишга туширилди. У ишга тушган 1992 йилданоқ бир миллион банка миқдорида олма, помидор, бодринг, ўрик ва бошқа турдаги консервалар ишлаб чиқара бошлади.

1999 йилнинг бошидан «Сурхон» ширкатлар уюшмаси марказида «Сурхон - Самонур» кичик корхонаси фаолият юрита бошлади. Бу кичик корхона макка донидан қимматли хомашё крахмал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Шунингдек, кичик корхона макка дони чиқиндисидан чорва ва паррандалар учун омухта ем тайёрлашни йўлга қўйди. Хориждан келтирилган асбоб - ускуналар билан жиҳозланган корхона бир кеча - кундузда бир тонна крахмал ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, унда 25 нафар ишчи - хизматчи фаолият кўрсатди.

Ушбу кичик корхонанинг асосий таъсисчиларидан бири Жарқўрғон тумани меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя килиш бўлими бўлиб, унинг ҳисобига жамғарма маблағининг 51 фоизи тўғри келди. «Сурхон» ширкатлар уюшмаси ҳамда пахта уруғчилиги корпорациясининг «Сурхончигит» вилоят уюшмаси ҳам таъсисчилар сифатида маблағ кўшишди. «Сурхон-Самонур» кичик корхонаси ишончли таъсисчилар кўмагида катта мақсадларни кўзлаб дастлабки одимларини бошлаб юборди.

Туманда бундай кичик корхоналар сони йилдан - йилга ортиб борди. Булар жумласига нон ишлаб чикарувчи « Аслиддин Сурхон» кичик корхонасини ҳам киритиш мумкин. 2006 йилда туманда бундай кичик корхоналардан 344 таси фаолият кўрсатди. Туманда ташкил топаётган кичик корхоналар халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжлари талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқармокда.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Ҳозирги қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча меҳнат қилувчиларни саноатга, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш аграр сиёсатимизнинг ғоят муҳим йўналишидир. Қишлоқ жойларига, лўнда қилиб айтганда саноатни олиб кириш зарур, замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойларини яратиш устувор вазифадир». Бу устувор вазифа вилоятнинг

бошқа туманларига нисбатан Жарқўрғон туманида кенг амалга оширила бошланди.

Умуман олганда, ўрганилаётган йилларда тумандаги саноат корхоналарида техника янгиликларини жорий этиш кенг кўламда олиб борилди. Деярли барча корхоналарда эски жиҳозлар ўрнига янги техника ва технологиялар олиб келиб ўрнатилди. 1991 - 2007 йилларда бу ишларнинг ҳаммаси туман аҳолисининг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, маҳсулотлар сифатини яхшилашга эришиш, оғир қўл меҳнати шароитида ишлаётган цех ва устахоналарни янги замонавий техникалар билан жиҳозлаш мақсадида амалга оширилди.

Аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабини қондириш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида хусусий корхоналар фаолиятига ҳам кенг ўрин берилди. «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик алоҳида бир киши ёки кишилар гуруҳи томонидан шахсий даромад олиш учун ўз мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида, ёлланма меҳнатни жалб қилган ҳолда амалга оширилувчи ташаббускорлик хўжалик фаолиятини англатади.

Шундай хусусий корхоналар туманда ҳам ташкил этила бошланди. Булар жумласига маҳсулотларни қадоқловчи «Маматкулова Анорхон» хусусий корхонаси ва Минор саёҳат - туризм фирмаси, »Мўжиза» кўп тармоқли хусусий фирмаларни мисол келтириш мумкин. Вилоят иқтисодиётида, хусусан саноат соҳасида янги тармоқлар яъни қўшма корхоналар ҳам ташкил этила бошланди. Республикамизнинг бошқа жойларига нисбатан Сурхон воҳасининг табиий имкониятлари жуда каттадир. Чунки, бу ўлкада ишбилармонлик билан шуғулланмоқчи бўлган тадбиркорлар учун Сурхон воҳаси катта бизнес ўчоғи ҳисобланади. Тупроғи олтинга тенг, ери ҳосилдор бўлса - да, унда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шу пайтгача қайта ишланмаган.

Ҳозиргача воҳадаги табиий казилма бойликларини фақат ташиб кетганлар ёки замонавий технология йўлигидан эътиборсиз ҳолда қолган, ёки бу сифатли пахта, пилла, жун, тери каби маҳсулотларга сув текинга сотилган. Мустақиллик

туфайли вилоят ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари яратилди. Бутун республикада бўлгани сингари воҳада ҳам қўшма корхоналар вужудга кела бошлади. Жарқўрғон туманида ҳам мустақиллик йилларида барпо этилаётган қўшма корхоналарда бир эмас бир нечта жараёнлар амалга оширилди.

Туманда «Алпомиш» Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси 2000 йил 1 сентябрда қуриб фойдаланишга топширилди. Корхона қурилишига туркиялик сармоядорлар томонидан 2 миллион 423,8 минг АҚШ доллари (ёки 367 миллион 351 минг ўзбек сўми) миқдорида, Ўзбекистон томонидан эса 288 миллион 546,1 минг сўм маблағ сарфланди. Корхона цехларида ўрнатилган барча жиҳозлар, асбоб - ускуналар Туркия томонидан келтирилган бўлиб, у бир кеча кундўзда 150 тонна ғаллани қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Қўшма корхонада фақат биринчи нав ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Янги корхонадаги ун маҳсулотлари вилоятининг Жарқўрғон, Термиз, Ангор, Шеробод ва Қизириқ туманларининг савдо ташкилотларига етказиб берилаяпти. Ундан чиққан кепак омухта ем тайёрлаш мақсадида Шероботдаги ун комбинатига юборила бошланди. «Алпомиш» Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонасида 2001 йилда юз нафарга яқин ишчи - хизматчи ва муҳандис техник ходимлар ишлаган ва уларнинг ойлик маошлари 14,5, 15 минг сўмни ташкил қилган бўлса,2006 йилда қирқ нафардан ошиқ ишчи - хизматчилар меҳнат қилишди. Қўшма корхона «Алпомиш» Ўзбекистон - Америка қўшма корхонасига айлантирилгач корхона унига нафақат вилоят ички бозорида балки Тожикистон Республикаси ва Афғонистон Республикасида ҳам талаб анча кучайди.

Қўшма корхона 2005 йили 7,3 минг тонна ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Тайёр маҳсулотнинг бир қисми экспорт қилинди. Шу боис қўшма корхонанинг умумий даромади бир миллиард 80 миллион сўмни ташкил қилди. Корхона цехларида ҳар куни 150 - 160 тонна атрофида буғдой қайта ишланмоқда. Туманда янги бир қўшма корхона бу «Жарқўрғоннефтни қайта ишлаш» Ўзбекистон - Россия қўшма корхонасидир. Бу қўшма корхона 2005 йил сентябрь ойида ишга туширилди.

Йилига 130 минг тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ушбу қўшма корхона вилоят ҳудудидаги Кокайди, Лалмикор, Миршоди, Учқизил, Ховдак конларидан чиқадиган хомашёдан бензин, парафин, битум ажратиб олмокда. Қўшма корхона қурилишига Россиялик ҳамкорлар 7 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиб, лойиҳа ишларини ҳам бажарди. Ишлаб чиқариш жиҳозлари Россиянинг «Белэнергомаш» заводида тайёрланди. Корхонага сарфланган харажат ўзини бир ярим йилда қоплади. корхона ишга туширилгач, 150 нафар Жарқўрғонлик ишчи - ходимлар иш билан таъминланди. Туманда 2007 йилга келиб тўртта қўшма корхона фаолият юритди.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида Жарқўрғон тумани ва вилоят иқтисодиётида ташкил топган кичик, хусусий ва кўшма корхоналарнинг муносиб ўрни бор.Бугунги кунда вилоятда 2700 та хусусий ва 700 га якин кичик корхоналар, ўнлаб хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тузилган кўшма корхоналар бор бўлса, 2006 йилга келиб Жарқўрғон туманида саноат корхоналари сони 133 тани ташкил қилди. Шулардан тўрттаси кўшма корхона, 35 таси транспорт ва алоқа корхоналари, 1012 таси микрофирма, 344 таси кичик корхоналардир.

Бу саноат корхоналари нафақат туман ва вилоят аҳолисининг талаб ва эҳтиёжлари учун, балки хорижий мамлакатларда ўз харидорини топа оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришмоқда. Туман миқёсида амалга оширилаётган барча ишлар битта масалага, яъни барча соҳаларда юз берган таназзул ҳолатидан чиқишга қаратилди.

Мустақиллик йилларида миллий ҳунармандчиликка катта эътибор каратилмоқда. Натижада ўзининг фикри тоза, қураман, яратаман, тузаман, тузатаман ва халққа кўпроқ нафим тегсин дейдиган тадбиркор ҳунарманд усталар учун кенг имкониятлар яратилди. Уларнинг самарали ишлашлари учун эса Ўзбекистонда моддий хомашёлар етарлича топилади. Ана шуларни ҳисобга олган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бир қатор чиқарган (1997 йил 31 мартдаги (1741 сонли) Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат

йўли билан қўллаб - қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида»,1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида») ги қарорлари эълон қилинди.

Бу ўз навбатида, миллий маданиятимизни ривожлантиришга қўли гул, истеъдодли ҳунармандларимизнинг ижод қилишида, бадиий буюмлар тайёрлашнинг асрий аньаналарини ва ўзига хос турларини тиклашда кенг истиқболлар очиб берди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг самарали иш билан бандлигини вужудга келтириш муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Ушбу муаммонинг ҳал этилишида халқ ҳунармандчилиги ва амалий саньати соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш долзарб масала ҳисобланади. Биргина юқорида келтирилган Фармоннинг эълон қилиниши ҳунармандларимиз учун айни муддао бўлди. Чунки, хонадон шароитида ҳунармандчилик ва амалий саньат буюмлари ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар 1997 йил 5 апрелдан бошлаб беш йил муддатга даромад солиғидан озод этилдилар. Шунингдек, улар ўз маҳсулотларининг нархларини истеъмол бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдилар. Энди ҳунармандларимиз халқимизнинг асрлар давомида ривожланиб келган аньаналарини баҳоли қудрат ривожлантириб, келажак авлодга етказишлари зарур. Туманда якка тартибда ишлаб турган ҳунармандларни бирлаштириш мақсадида фармондан кейин туманда 1998 йил 1 январда «Ҳунарманд» уюшмаси ташкил этилди. Уюшмага 45 нафар ҳунарманд аьзо қилинди. 2002 йилга келиб эса ҳунармандлар сони 51 тага етди. Уюшмада темирчилик, пойафзал устачилиги, сандиқчилик, каштачилик, дўппидўзлик ва ганчкорлик сингари ҳунарлар билан 15 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳунармандлар уюшган ҳолда фаолият кўрсатишнинг афзаллигини ҳис этишаётир. 1998 йил 13 ноябрдаги туман ҳокимлигининг 645 сонли қарори билан қўшимча ишлаб чиқариш турлари: миллий қандолатчилик, ганчкорлик, тикиш, бичиш,аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари ташкил қилинди.

Аъзоликка туман марказидан узоқ қишлоқларда якка тартибда ишлаётган ҳунармандларни жалб қилишга кўпроқ эътибор қаратилди. Бундай ҳунармандларга хом-ашё топиш муаммоси, маҳсулотларни сотиш қийинчиликлари кўндаланг турганлиги учун кўмак берилмокда. Уюшма

фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Жумладан, уюшма қошида ганчкорлик - пардозлаш бригадаси ташкил этилди. Уста ганчкор ва пардозчилар шартнома асосида якка тартибдаги буюртмалар бўйича аҳоли уй - жойларини таьмирлаш, безаш ишлари билан шуғулланмоқдалар. Биргина мисол, «Алпомиш» достони юбилейи (1999 йил) муносабати билан «Бақтрия» кинотеатри (Термиз) ни таьмирлашда ганчкорлик ва бўёк ишларини бажаришда уларнинг меҳнати юқори баҳоланди ва вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Вилоятимиздаги бошқа кўплаб маҳаллалардан фарқли ўлароқ «Оққўрғон» фермерлар уюшмасидаги Ҳайитобод маҳалласида «Қурбон» номли ногиронлар ўқув - ишлаб чиқариш бирлашмаси (раҳбари уста Жўра Шомуродов) 1990 йилдан бери мебель ишлаб чиқариб аҳолига сотиб келмоқда. Корхонада 2002 йилга келиб юз хилга яқин ҳар хил буюмлар ишлаб чиқарилди. Бу ердаги ясалган стол - стуллар, идора мебеллари харидоргир маҳсулот ҳисобланади. Бу ясалган буюмлар маҳаллий хомашёлар ўрик, терак, тол, ёнғоқ, гужум ёғочларидан тайёрланмоқда.

2002 йил сентябрь ойигача бу корхонада қарийб қирқ нафар тиқувчи - зардўз, уста - дурадгордар тайёрланди. »Ҳунарманд»лар уюшмаси аьзоси, Ҳайитободлик яна бир ҳунарманд Амир Бектемиров одамлар орасида этикдўзлик касби билан довруғ топган. Ҳунарманд уйида очиб олган устахонасида олти киши меҳнат қилди. Улар тикаётган туфли, маҳси, ковуш, пўстин, хотин - қизлар учун қишки этиклар, болалар учун ҳар хил пойафзалларнинг қўлма - қўл бўлиб кетаётганлигининг ўзи ҳунарманднинг ишига берилган юксак баҳодир. Ҳунарманднинг Аёли Дилором ҳам қўли гул аёллардан. У хотин - қизларга кийим – кечак тикиб танилган. Ҳунарманд Амир Бектемиров ўзи ясаётган буюмлар учун хомашёни маҳалладошларидан олиб уни ошлаб, ултон қилиб, ранг бериб келмоқда. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга жалб қилинмаган аҳолининг маьлум бир қисмини иш билан банд қилиш масаласи анча қийин масала бўлишига қарамасдан, республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таьминлашга доир муҳим дастурлар ва вазифалар белгилаб олинмоқда. Ана шу

вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, жумладан унинг йирик саноат корхоналари билан кооперацияни кенгайтиришга устивор аҳамият берилмоқда

Бу борада айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ўз вақтида қабул қилинган Фармон бўлди деб бемалол айтиш мумкин.

Чунки иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишнинг усул ва йўлларини жорий этишга интилиш, кичик ва ўрта шаҳарларда, қишлоқларнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиёт даражасини юксалтириш, улардаги меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, оила даромадини кўпайтириш ва бошқа бир қатор ижобий натижаларга олиб келди.

Қатор иқтисодчилар, тарихчилар ва социологлар касаначиликни ривожлантириш зарурлиги масаласини доимо ўз тадқиқотларида ижобий баҳолаш ва унга катта умидлар билан қарар эдилар. Касаначилик меҳнатига, биринчи навбатда серфарзанд аёлларни, турли сабабларга кўра вақтинчалик ишламай юрганларни, ногиронларни, нафақахўрларни ҳам ишга жалб қилиш мумкин.

Меҳнатнинг бу турини тўғри изга солиш йўлга қўйилса эҳтиёжи катта бўлган турли хил кенг истеьмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш имконияти янада кўпаяди. Касаначилик меҳнатини қўллаш натижасида тайёрланадиган маҳсулотларнинг турлари хилма - хил бўлиши мумкин. Улар жумласига биринчи навбатда саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, заргарлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель. Электрон саноатида шунингдек, телекоммуникация сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ва бошқалар киради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, касаначилик меҳнатини жорий этиш қатор афзалликларга эга. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг янги фармонидан кўзланган асосий максад Республикамиз аҳолисини фойдали меҳнат билан банд қилиш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси, даромад манбаини

оширишдир. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар эса ўз навбатида, давлатимиз қудратини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Президентнинг ушбу Фармонидан келиб чиқиб туманда уй меҳнатини ташкил қилиш, касаначиликни ривожлантириш бўйича режали ишлар бошлаб юборилди. 2006 йилнинг биринчи чорагида уй меҳнатини ташкил этиш эвазига 20 нафар киши фойдали меҳнатга жалб қилинди. Шуларнинг 14 нафарига меҳнат шартномаси асосида , 6 нафарига эса буюртма шартномаси асосида иш берилди. Жумладан, туман маиший хизмат уюшмаси 9 нафар, »Ҳунарманд» уюшмаси 6 нафар фукароларга уйда туриб меҳнат килиш имкониятини яратиб беришди. Жарқўрғонда кўпчилик, айниқса қишлоқ аҳли уста касаначи Рустам Саидовни яхши билишади. Рустам Саидовнинг темирчилик устахонасида кетмон, бел, белкурак, паншаха, оташкурак, ер тирнагич, молларга нўхта, от - эшак абзаллари, ўроқ, пичоқ, капгир, болта, чорва молларига занжир, қозиқ сингари ўндан зиёд уй - рўзғор буюмлари тайёрланади.

У йиллар давомида Усмон Рўзикулов, Шерали Шохаев каби ўнлаб шогирдларни ҳам камолга етказди. Жарқўрғонда азал – азалдан бешиксозлик билан шуғулланиб келаётган, шу ҳунарлари орқасидан нон ва обрў топиб келаётган касаначилар кўпчиликни ташкил қилади. Туманда Жума Жўраевлар сулоласи хонадон шароитида касаначилик билан шуғулланиб, факат бешик тайёрлаш билан чегараланиб қолишмай, улар ёғочдан тол - товоқ, чўмич, қошиқ, нонпар, ўқлов, тахтача, гилам тўқийдиган ўрмаклар, сут, қатиқ пишитадиган кувилар, болалар учун аравачалар, тор, дўмбира каби мусиқа асбоблари, тахта каравотлар ва сўрилар учун нақшинкор суянчиклар, ғалвир, чиғил, элак каби аҳоли учун кундалик ҳаётларида зарур бўлган буюмлар ҳам ясашади. Жарқўрғонда уйда ўтириб, сандиқсозлик билан шуғулланадиган касаначилар маҳалласи ҳам мавжуд.

Улар сандиқ, хонтахта ва бошқа уй - рўзғор буюмлари ҳам тайёрлашади. Туманда хонадон шароитида тош ўймакорлиги билан ҳунарманд касаначи Турди Мусурмонов оиласи шуғулланиб, бу уста асосан раҳматли бўлиб кетган инсонлар қабрига қўйиладиган ҳамда корхона ва ташкилотлар идораларининг

пештоқига осиш учун мармардан ясаладиган лавҳаларга ўймакорлик ёзуви билан шуғулланади.

Туманда кўпгина касаначи усталарнинг дастгоҳлари асосан электр энергияси билан ишлайди. Лекин, туманда 1998 йиллардан бошлаб Электр энергияси таъминотидаги чеклашлар туфайли касаначилар олти - етти соатлаб кундузи ишсиз бекор туриб қолишмоқда. Касаначилар учун иккинчи муаммо шу бўлмоқдаки, касаначилар маблағ топиб, кўпроқ ёғоч, тунука, мих ва бошқа хом-ашёларни узоқдан ташиб келтиришларида муаммо туғдирди, учинчи муаммо кредит олиш муаммоси билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Тўртинчи муаммо бу туман ҳокимлиги ер захира фондидан касаначилар уюшмасига ҳеч бўлмаса уч ёки беш гектар ер ажратилса улар тол, терак, ўрик, ёнғоқ, тут сингари тез ўсувчи дарахт кўчатларини кўкартириб, узоғи билан уч ёки тўрт йилда ҳунарманд касаначиларни ёғоч - тахта билан таьминлаш имконияти пайдо бўлар эди. Агар шу тўсиқлар бартараф этилса, хонадон шароитида фойдали меҳнат билан банд касаначилар кўпроқ маҳсулот тайёрлаб, ички бозорни кундалик халқ истеьмоли моллари билан тўлдиришга янада кўпроқ улуш қўшар эдилар.

Умуман олганда туман ҳунармандлари кўплаб ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб туман, вилоят ва республикамиз саноатининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Бугунги кунда - турмушимизни телефон алоқаларисиз тасаввур - қилиб бўлмайди. Жарқўрғон тумани электр - алоқа корхонаси ишчи - хизматчилари 1996 йилга келиб 3 мингга яқин, 2003 йилда эса 4125 та телефон нуқталари орқали туман аҳолиси эҳтиёжини қондириб келмоқда. 1996 йилда корхонанинг 76 нафар ишловчисининг ўртача ойлик маоши 2450 сўмга тўғри келди. Туманда 12 та «Олтой» системали радиотелефон, Жарқўрғон - Сурхон оралиғида « Радан - 2», «СВЧ» кабелли радиосистема ўрнатилди. «Сурхон» жамоа хўжалиги марказида 500 та рақамли телефон станцияси аҳолига хизмат кўрсатди. Туман маркази билан Кокайди қўрғони, «Оққўрғон«, «А. Навоий» номли ва бошқа хўжаликлар ҳам автоматик тарзда боғланди.

«07» хизмати орқали абонент чақирувига асосан телефон линияларини таъмирлаш, кундалик профилактик ишлар режали асосда ҳар йили олиб борилмоқда. Вилоятдаги «Сурхон телеком» шўъба корхонасига айлантирилган корхонанинг Жарқўрғон туман бўлимида «Ўзбек - Индонезия» қўшма корхонаси асбоб - ускуналари ўрнатилди. «Ўзбек - Хитой» ҳамкорлиги натижасида 2001 йил наврўз байрами арафасида яна 450 та радиотелефон тармоқлари ишга туширилди.

Бу радиотелефонлар билан 50 километр масофада эркин алоқага чиқиш имкони вужудга келди. Кейинги йилларда янги замонавий электр ускуналари туман алоқа корхонасида ўрнатилиши туман меҳнаткашлари учун жуда қулай имкониятларини вужудга келтирди. «Сурхонтелеком» шўъба корхонаси Жарқўрғон туман бўлимида узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган ва ҳозирги пайтда нафақага чиққан алоқа корхонаси аъзоларидан иқтисодчи С. К. Костова (29 йилдан бери ишлайди), телефон алоқачиси Т. Мустафина(30 йил), бош иқтисодчи А. В. Олейникова (30 йил), КП бош муҳандиси И. Чориев(27 йил), Ибрагим Набиулин, Имомқул Остонов, меҳнатда фаоллиги билан ажралиб турадиган Ж. Бозорова (бош телефон алоқачиси), З. Колесникова (телефон алоқачиси), туман электр механиги А. Ҳалитовлар ушбу корхонанинг фахрли ва обрўли соҳадошлари ҳисобланади.

Вилоят иқтисодиётидаги муҳим тармоқлардан яна бири бу ёқилғи - энергетика мажмуидир. Мажмуа ҳар қандай иқтисодиётнинг таянчи ҳисобланади. Чунки халқ хўжалигининг қайси бир тармоғини олманг, у энергиясиз, ёқилғисиз фаолият кўрсата олмайди. Иқтисодий тараққиёт ёқилғи - энергетика ривожи билан бевосита боғлиқдир.

Шу маънода республика ёқилғи - энергетика балансида нефтъ, табиий газ ва нефтъ маҳсулотлари 81 фоизни, электр - энергияси 13 фоизни ва кўмир 6 фоизни ташкил этиши бежиз эмас. Сурхондарё вилояти нефтчилари ҳам нефтъ мустақиллигини таъминлаш соҳасида ўзларининг маҳсулотлари ва меҳнатлари билан катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Лалмикор, Миршоди, Қўштар, Амударё, Ховдак ҳудудларида «Жарқўрғоннефтъ» бошқармасининг 400 га яқин ишчи - хизматчилари шижоат

кўрсатиб меҳнат қилиб келмоқда. 1998 йилда «Жарқўрғоннефтъ» бошқармаси нефтчилари жами 134500,0 тонна нефтъ қазиб олишди. Газ ишлаб чиқариш режаси 102 фоизга ёки 3 миллион 554 минг сўм зиёди билан уддаланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекнефтъгаз» нефтъ ва газ саноати соҳасида ҳам ташкилий ишлар соҳасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар нефтъ ва газ саноати соҳасида ҳам ташкилий ишлар соҳасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар нефтъ ва газни қайта ишлаш ҳамда ташиш самарадорлигини ошириш, чет эл хорижий сармояларини жалб этиш борасидги ишларни фаоллаштириш, республика нефтъ ва газ саноатида бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни мақсад қилиб қўйди. 1999 йилнингг апрелъ ойидан бошлаб Сурхондарё вилояти «Жарқўрғоннефтъ» акциядорлик жамиятига айлантирилди.

2006 йилда Жарқўрғон туманида муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Туманда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 42 миллиард 8 миллион сўмга бажарилди. Бу 2005 йилга нисбатан 139, 1 фоизни ташкил этди. Туманда чакана савдо айланмаси 143,6 фоизни, пуллик хизматлар 102,3 фоизни ва юк ташишда 104 фоизни ташкил этиши ҳам туман меҳнаткашларида мамнунлик ҳисларини туғдиради.

Туманда ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш, коммуникация,транспорт ва алоқа хизматлари улуши ортди. Саноат молларини ишлаб чиқаришга катта эътибор берилди. Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш қўшма корхонасининг 2005 йил сентябрь ойида ишга туширилиши натижасида битум, дизель ва печ ёқилғиси, бензин каби янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банклари томониданоммавий ҳамда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва айниқса майда ишлаб чиқариш соҳасини кўпайтириш орқали маиший, сервис, савдо хизматларини яхшилаш учун Республика Микрокредитбанки билан ҳамкорликда 10 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Натижада 29 та янги иш ўринлари яратилди. Туманда хорижий

инвесторларнинг жалб қилинишига эътибор берилиб, бу борада ижобий ишлар амалга оширилиб, ташқи савдо айланмаси жами 21719,8 минг долларни ташкил қилди. Шундан экспортдан келган даромад 21272,6 минг АҚШ долларини, импорт маҳсулотлари эса 447,2 минг АҚШ долларини ёки 106,7 фоизни ташкил қилди.

Тумандаги тўртта қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот (2006 йилда) ва хизматлар ҳажми 21660019,8 минг сўм ёки 248,7 фоизни ташкил қилди. Умуман олганда Жарқўрғон туманида Сурхондарё вилоятининг саноати ривожланиб, дадил қадам ташлаши кўзга ташланиб бораётган туманлардан биридир.

Ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар мулкий шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ва жамоалар фаолиятида ўз аксини топмоқда. 2006 йилда туманда 1374 та хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд бўлиб, улардан 767 таси кичик бизнес корхоналар, 498 таси фермер хўжаликларидир. Жарқўрғон туманини иқтисодий-ижтимоий ривожланиши иқтисодий ислоҳотларни мукаммал ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, туман саноати ишлаб чиқариш қувватлари янада ривожланиб тараққий этиб борди. Туманда 2006 йилда 44906 млн сўмлик ҳаракатдаги нархларда, 51669,5 млн сўмлик солиштирма нархларда маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўртача аҳоли жонбошига маҳсулот ишлаб чиқариш таққослама нархларда 321928 сўмни ташкил этган бўлса, ҳаракатдаги нархларда 279788 сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Туманда 2006 йил халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш 4551,6 млн сўмни ташкил этиб, ўртача аҳоли жонбошига 28359 сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шунингдек 2007 йилда туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳаракатдаги нархларда 14651,2 млн сўмлик солиштирма нархларда, 19657,6 млн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Туманда 2007 йилда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1163,9 халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, аҳоли жон бошига ўртача 7251,7 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Туманда саноат ишлаб чиқариш янада юксалиб, замонавий саноат корхоналари ҳамда қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талаб ва эхтиёжларини қондириш имкониятини янада

такомилаштирди. Туманда “Алпомиш” Ўзбекистон-Америка, “Сурхон текст” Ўзбекистон-Америка, “Жарқўрғоннефтниқайтаишлаш” Ўзбекистон-Россия, “Бақтрия Агроэкспорт” Ўзбекистон-Туркия, “Маймана-Сурхон” Ўзбекистон Афғонистон, “Проминвест Пакт” Ўзбкистон-Россия, “Сурхон цемент инвест” Россия қўшма корхоналари фаолият кўрсатиб туман иқтисодиётини ривожлантиришга катта хисса қўшмоқда. Жарқўрғон туманида мустақилли йилларида саноат соҳасида эришилган ютуқлар хукуматимиз томонидан алоҳида рағбатлантирилиб, муносиб меҳнат қилган саноат соҳаси ходимларидан Ш.Бўлаев 1991 йил “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими”, М.Хайдарова 1997 йил, Г.Рўзиева 2002 йил, 2005 йил С.Бобоёрова, 2007 Г.Нормуродова “Шухрат” медаллари билан мукофотланди. Мустақиллик йилларида туман саноати замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, ишлаб чиқариш қуввати ошиб, саноат махсулотларининг сифат ва самарадорлиги янада ўсди. Туманда замонавий саноат корхоналари, кичик, ўрта ва қўшма корхоналар қуриб ишга туширилиб, аҳоли учун зарур истеъмол моллари ишлаб чиқариш ташкил этилиб, ишчи ходимларнинг моддий ва маънавий турмуш даражаси янада юксалди.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий тадбирларнинг ҳал қилувчи бўғинида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни туради. Бунинг бош сабаби шуки, Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизидан кўпроғи қишлоққа яшайди, қолаверса саноатга хом ашё етказиб берадиган, одамларни кийинтирадиган ҳамда тўйдирадиган соҳа ҳам қишлоқ хўжалигидир. Жарқўрғон тумани қишлоқ хўжалиги истиқлол йилларида жуда катта ўзгаришлар жараёнини ўз бошидан кечирди. Ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш, аҳолининг мулкка бўлган янгича муносабатини қарор топтириш осон кечмади. Бироқ амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни жарқўрғонлик деҳқонлар фаолиятида улкан ўзгаришлар ясади. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди, мулк-чиликнинг ширкат, ижара, оилавий пудрат ва фермерлик шакллари қарор топди, хуллас, деққон ернинг ҳақиқий хўжайинига айланди. Совет мустабид тузумидан мерос бўлиб қолган эскича ишлаш тартиблари ҳаёт-нинг шиддатли оқимларига бардош бера олмай қолди. Ўтган давр мобайнида Жарқўрғон меҳнат аҳли қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан синовлардан ўтиб, бой тажриба тўплади. Барча синов ва мавжуд қийинчиликлардан муваффақият билан ўтишда соҳа вакилларининг мулкка бўлган муносабати ўзгарди. Меҳнат аҳли ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб билганлиги ва қилинган заҳматнинг манфаатларидан баҳраманд бўлаётганлиги асосий белгиловчи омил бўлиб хизмат қилди. Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг тамойили янги шакли - фермер хўжаликларининг ташкил топиши муҳим аҳамият касб этди. Жарқўрғон қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сони йилдан-йилга ошиб борди.

Дастлабки даврда қишлоқ хўжалиги моддий-техник таъминотининг оғирлиги, маблағнинг йўқлиги қатор муаммоларни юзага келтирди. Маҳсулот етказиб берадиган экин майдонлари мелиоратив ҳолатининг ёмонлиги, кўплаб экин майдонларини шўр босиб, ернинг захлаши ҳаддан зиёд кучайганлиги, ариқ-зовурларнинг кўмилиб кетиши туфайли тупроқнинг афар ҳолати жиддий

бузидди. Собиқ совет даврида ҳукм сурган пахта якка ҳокимлигидан воз кечиш, экин майдонларининг асосий қисмини донли экинлар экадиган майдонга айлантириш, халқнинғ озиқ-овқат маҳсулотига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш муҳим масала бўлиб қолди.

Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда унинг аграр соҳадаги ютуғи ниҳоятда муҳимдир. Бунинг катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шундай деган эди: «Бугун жамиятимиз шуни англаб олди-ки, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини оши-риш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш, хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озуқа берадиган соҳа қишлоқ хўжалиги тармоқларидир».

Шу кўрсатмалар асосида мустақил Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳозирги босқичда тубдан қайта ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Деҳқон меҳнатини қадрлаш, унинг меҳнатига ҳаққоний ҳақ тўлаш, совет тузуми даврида йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш, аграр сиёсат соҳасида тўғридан-тўғри бериладиган кўрсатмалардан эҳтиёт бўлиш, хўжаликлар иқгисодий мустақиллигини ўз ихтиёрига бериш долзарб масала бўлди. Собиқ совет тузуми даврида чексиз янги ерлар ўзлаштирилиб, катта экин майдонлари вужудга келтирилиб, юзлаб суғориш шохобчалари, ўнлаб сув омборлари қурилсада, деҳқон турмушида ижобий ўзгаришлар бўлмади, қишлоқ хўжалигининг иқтисодий қудратини кўтариш борасида амалий ишлар қилинмади. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, бу соҳа учун зарур бўлган моддий-техник таъминотни яхшилаш борасидаги ишлар туфайли Ўзбекистон ўзи-нинг иқтисодий қудратини сақлаб қолди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг тамомила янги шакли фермер хўжаликларининг ташкил топиши муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда кабул килинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига асосан фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан

фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чикариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган юридик шахс ҳукукларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Туман қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сони йилдан-йилга ошиб борди, буни куйидаги мисолдан ҳам билиб олса бўлади. Агар 1996 йилда 109 та деҳқон фермер хўжаликлари бўлган бўлса, 1998 йилда 120 тага етди.

Мулкчилик шаклларининг ўзгариши деҳқон ва чорвадорнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Мустақиллик йилларида вилоят қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларжараёнида жуда катта тажриба кўлга киритилди. Республика ва вилоят ҳокимиятининг рдами ва туман деҳқонларининг тадбиркорлиги туфайли қишлоқ хўжалиги анча юксалди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан ок Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мамлакатнинг озик-овкат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кондириш максадида донли экинларга алоҳида эътибор бериб, ғалла мустақиллигини таъминлаш борасида муҳим чоралар кўрди. Ғалла экиш майдонларини кенгайтириш билан бирга, унинг ҳосилдорлигини ошириш борасида ҳам бир катор муҳим ишлар қилинди. Мамлакатда 1992 йили 56,20 минг гектар майдонга буғдой экилиб, ўртача 19,6 центнердан ҳосил олиниб, жами 110105 минг тонна буғдой давлатга сотилди. Жаркўрғон туманида 1991 йили 2051, 1992 йили 3164 тонна ғалла олиниб давлатга сотилди. Бу кўрсаткичлар пахта экин майдонларини камайтириш ҳамда янги ўзлаштирилган ерларнинг асосий қисмига донли экинларни экиш ҳисобига эришилди.

Туманда сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайиши куйидаги мисолларда ўз аксини топган .1991 йили 1698, 1992 йили 1315 тонна картошка давлатга сотилди.

Туманда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши асосида халқ хўжалиги тармоқларида ижобий силжишлар ўз таъсирини кўрсатди. 1995 йилга келиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча сезиларли равишда ўсди. Пахта - 33849 тонна, 14591 тонна дон, 6053 тонна сабзавот, 3947 тонна

картошка, 1612 тонна полиз маҳсулотлари, узум эса 2430 тоннани ташкил қилди. Туман «Таъминоттузатиш» корхонаси машина-трактор парки юқори иш унуми ва бошқа қатор афзалликларга эга «Кейс» русумли 5 дона дон комбайни олди. Бу янги техникалар 4,5 ва 6,5 метр кенгликдаги жаткаларга эга бўлиб, бир сменада 30 гектар майдонни ўриш қудратига эгадир. 1996 йили дон комбайинларининг қиймати 15 фоизи, яъни ҳар бири 200 минг долларлик машина учун олдиндан 1 млн. 12 минг сўмдан пул ўтказилиб, қолган қисми 5 йил давомида тўланадиган бўлди. 1996 йилда туманда барча тракторларнинг сони 1197 тани ташкил қилди.

Дастлабки йилларда чорвачилик соҳасидаги қийинчиликлар, эътиборсизлик, айниқса чорва молларини талон-тарож қилиш, ем-хашак таъминотини издан чиқаришга доир одатларга чек қўйилиб, янги чорва фермер хўжаликлари, давлат бўрдоқичилик фермаларининг ташкил топиши мавжуд муаммоларни бартараф этишга йўл очиб берди.

Айниқса, бу борада қабул қилинган қонун ва қарорлар ўз самарасини берди. 1995 йили давлат ҳисобига 977 тонна гўшт, 3334 тонна сут давлатга топширилди.

Туманда 1996 йили ҳиссадорлик жамиятлари шаклини олган 12 та қора молчилик, 2 та кўйчилик фермалари 27 та хусусий фермалар фаолият кўрсатди. Улар ихтиёрида 1996 йили 1775 қорамол, жумладан, 924 бош она сигир мавжуд эди. Хусусийлашган 27 та ферма (Н. БоймуродовЖамоа хўжалигида -11 та, Т. Шобуров жамоа хўжалигида - 9 та, А.Навоий жамоа хўжалигида - 1 та, Оққўрғон жамоа хўжалигида - 1 та, Шарқ Юлдузи жамоа хўжалигида - 2 та)да эса 2297 бош қорамол, жумладан 1042 бош она сигирлар, 14 бош отлар боқилди.

Ўз навбатида туманда 1998 йилда қорамоллар сони 46469 бошга, қўй ва эчкилар сони 102456 бошга, паррандалар сони - 64406 тага, отлар сони - 595 тага, туялар сони - 21 тага етказилди. Туманда бройлер паррандачилик фабрикаси, хўжаликлараро бўрдоқичилик ҳиссадорлик жамияти ишлаб турди.

Давлат хусусий ва шахсий чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, моддий - маънавий ёрдамни ҳамда ҳуқуқий ҳимояни кучайтирди.

Туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш анча ўсиб, ҳукуматимиз томонидан қайд этилган кўрсатмалар ўз амалий натижаларини берди. Биров ҳали ҳам мавжуд бўлган ишга эътиборсизлик қишлоқ хўжалигини ўз вақтида моддий техник жиҳозлар билан таъминлашга жиддий қарамайдиган раҳбарларнинг мавжудлиги бу соҳанинг оқсаб қолишига олиб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидланганидек, «Аграр сиёсатнинг асоси давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғридан - тўғри бошқариб боришдан воз кечишдир. Хўжаликларнинг ва деҳқонларнинг ўзи экин майдонлари тизилмасини белгилашлари керак. Мажбурий маҳсулот етказиб беришлари улушини камайтириш йўли изчил давом эттирилади.

Деҳқон маҳсулотларни тобора кўпроқ ҳоҳишича эркин (шартнома) нархлар бўйича сотиш мумкин бўлади». Туманда деҳқон-фермер хўжаликларининг ташкил топиши, хусусий фермер хўжаликларининг кенгайиб бориши бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелда бўлиб ўтган XI-сессиясида «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги», «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди. Туманда 1998 йили олтита жамоа хўжалиги, учта фермерлар уюшмаси, учта қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чикарувчи хўжаликлар ташкил этилди.

«Сурхон» хўжалигида дастлаб битта - иккита фермерлик жамоалари тузилган бўлса, 1998 йилга келиб 4700 гектар экинзорларнинг ҳаммаси 117 та фермерлик жамоаларига тақсимлаб берилди.

1998 йили жами 22172 гектар суғориладиган ернинг 11215 гектарига пахта, 9632 гектарига ғалла ва бошқа экинлар экилди. 2163 гектар майдон боғ ва токзорларни ташкил этди. 1998 йили чигитнинг эрта пишар, тола чиқиши

юқори, касалликларга чидамли «Н-77», «Т-31» ва «Оккўрғон-2» навларидан гектаридан ўртача 31 центнердан ҳосил олинди.

Туманда чорва туёғи сонларини тиклаш ва кўпайтириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Айникса, ниҳоятда нодир бўлган зотдор ва наслдор туёқ сонларини сақлаш, кўпайтириш масаласига жиддий эътибор берилди. Туманда 1997 - 1998 йиллари қорамоллар сони 46469 бошдан 47226 бошга етказилган бўлса, қўй ва эчкилар сони эса 1997 йилдаги 23634 бошдан 21285 бошга тушиб қолди.

Жарқўрғон тумани Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалик ривожланган, юқори хосилдорликка эга бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг етиштириш учун зарур имкониятларни ишга солган, таниқли пахтакорлар, қишлоқ хўжалик ходимлари, фидоий меҳнаткаш деҳқонлари билан танилган ўлка сифатида мамлакатимизда катта обрўга эга бўлди. Айниқса, жарқўрғонлик меҳнаткашлар йилдан йилга пахта, ғалла етиштириш учун мамлакатимизда катта тажрибага эга бўлган инсонлар сифатида танилдилар. Жарқўрғонликларнинг юксак меҳнати, мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган хиссасини инобатга олган ва қадрлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2001 йил 6 июнда Жарқўрғон тумани меҳнаткашларига ўзининг самимий миннатдорчилигини билдириб, қўйидаги фикрларни изҳор этди;

“**Жарқўрғон тумани ғаллакорларига**

Азиз дўстлар!

Сизларни давлатга ғалла сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сиз – жарқўрғонлик миришкорларнинг бу йилги қурғоқчиликка қарамай, мавжуд 8706 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хосил олиб, 21 минг 592 тонналик ғалла хирмони бунёд этганингиз таҳсинга сазавордир.

Эришилган бу ғалаба, аввало, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида катта ишлар қилинаётгани, ер ўз эгасини топиб, деҳқонларда манфаатдорлик хисси кучайиб бораётганининг самарасидир.

Айниқса, серҳосил ғалла навларининг танлаб экилгани, агротехникавий тадбирларнинг вақтида ўтказилгани, ўрим йиғимнинг юксак уюшқоқлик билан ташкил этилгани ишга янгича муносабат қандай ижобий натижаларга олиб келишини кўрсатади.

Сизларнинг режага қўшимча равишда двлатга 2000 тонна ғалла топширишга қарор қилганингиз мард ва танти Жарқўрғон аҳлининг олийжаноб фазилатларидан яна бир далолатдир, десак асло муболаға бўлмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларни – туман ғаллакорларини, хайдовчи ва мутахассисларни, барча меҳнаткашларни бугунги меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга файзу барака, юртимиз фаравонлигини ошириш йўлидаги ҳайрли ишларингизда муваффақиятлар тилайман”

Ислом Каримов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,

2001 йил 6 июн

Жарқўрғон тумани меҳнаткашлари Президент И.Каримовнинг самимий табриги муносабати билан қишлоқ хўжалигини янада юксак ривожлантириш, янги технология асосда замонавий қишлоқ хўжалик техникалари кучи билан хосилдорликни янада кўтариш, пахтачиликни ривожлантириб, тажриба ва меҳнат натижаларини самарали олиб бориш мақсадида тинимсиз меҳнат қилдилар. Натижада 2002 йилда қишлоқ хўжалигида юксак натижаларга эришиб, республика миқёсида илғор натижаларга эришиб, ибратли ишлар туфайли Жарқўрғон тумани республикамиз ҳукумати белгилаб берган режа ва топшириқларни аъло даражада бажариб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қутлов табригига эга бўлди. Ушбу табрик туман меҳнаткашларининг меҳнатига, уюшқоқ самарали ишларининг натижасига, мамлакат иқтисодиётининг ривожлантиришга қўшган хиссасига берилган мукофоти эди.

Қизириқ ва Жарқўрғон тумани ғаллакорларига

“*Азиз дўстлар!*

Сизларнинг барчангизни эришган катта меҳнат ғалабангиз – 22 минг тоннадан ғалла тайёрлаб, ҳар қайси туман ўз шартномавий режаларини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажаргани билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Кейинги йилларда ғалла етиштириш бўйича пешқадам бўлиб, маррага ҳаммадан аввал етиб келаётган Жарқўрғон тумани миришкорлари сафида бу хосиятли йилда Қизириқ тумани ғаллакорларининг ҳам қўшилгани айниқса қувончлидир.

Бир-бирига қўшни бўлган бу икки туман меҳнаткашлари қўлга киритган бундай муваффақият замирида аввало деҳқонларимизнинг ерга эгалик туйғуси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳисси ортиб бораётгани, қишлоқда хўжалик юритишнинг замонавий, илғор усуллари изчил жорий этилаётгани мужассам, десак, асло хато бўлмайди.

Сизларнинг сидқидилдан меҳнат қилиб, қийинчиликларни мардона енгиб, Жарқўрғон туманида ҳар гектар майдондан 47 центнердан, Қизириқ туманида эса 45 центнердан мўл ҳосил етиштирганингиз, воҳа шароитига мос ғалла навларини танлаш, агротехника тадбирларини ва ўрим-йиғим ишларини тез ва соз ўтказишда оқилона йўл тутганингиз саховатли Сурхон замини қандай беқиёс имкониятларга эга эканнини яна бир бор исботлайди.

Айниқса, жарқўрғонликларнинг режага қўшимча равишда 2000 тонна, Қизириқ тумани меҳнаткашларининг эса 1600 тонна ғалла тайёрлашга азму қарор қилгани барчамизни мамнун этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мард ва танти, лафзи ҳалол деҳқонларимизни, фермер ва пудратчиларни, моҳир механизаторларни – сизларнинг барчангизни бугунги меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлаб, сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Захматкаш қўлларингиз асло дард кўрмасин, хамиша омон бўлинг, азизларим.”

Ислом Каримов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,

2002 йил 6 июн

Ушбу қутлов Жарқўрғон халқига, унинг фидоиий меҳнатсевар, бир гапли қатъиятли, меҳнатда синалган қишлоқ хўжалик ходимларига, фермер, таниқли деҳқонларга берилган. Натижада туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиш бўйича катта ютуқлар, тажрибалар умумлаштирилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилди. Ушбу қишлоқ хўжалик соҳасида қўлга киритилган ютуқларни амалга оширишда, давлат режаларини бажаришда, фермер хўжаликлари ҳамда деҳқон уюшмаларининг ҳамжиҳат бўлиб ишлашда, юқори хосилдорликка эришишда катта имкониятларни ишга солган ташкилотчи раҳбар, ташаббускор инсон, меҳнатни тўғри ташкил қиладиган, энг муҳими ҳалқни хурматини эъзозлаган Жарқўрғон тумани ҳокими Норбой Шомуродовнинг хизмати алоҳида эътиборга моликдир.

Туманда «Сурхон» сувдан фойдаланувчи фермерлар уюшмаси аъзолари 2003 йилда пахтачилик, ғаллачилик, умуман барча тармоқлардан 2 миллиард сўмдан кўпроқ даромад кўришди. «Сурхон» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси давлат тасарруфида бўлган кезларда 8 минг тоннадан кўпроқ пахта етиштирган бўлса, фермерлик жамоаларига ўтилганидан сўнг ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайса кўпайдики, камайгани йўқ. 2003 йил 2284 гектар майдонда ғўза ўстирган 117 та фермерлик жамоаларининг баракали меҳнати туфайли далалардан режалаштирилган 7750 ўрнига 9850 тонна сифатли хом-ашё йиғиштириб олинди. Бу муваффақиятда ҳар гектар майдондан 50-55 центнердан ошириб пахта етиштирган ва иш юритишнинг янгича усули афзаллигини амалда исботлаган Муродулла Аллаёров бошлиқ «Бекзод», Хайрулла Шаропов раҳбарлигидаги «Ғайбулла Ал-камол», Сафар

Чоршанбиев етакчилигидаги «Умидли келажак», Раҳматулла Валиев бошлиқ «Эски кўрғон» фермерлик хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди.

Мустақиллик йилларда «Сурхон» сувдан фойдаланувчи фермерлар уюшмаси меҳнаткашлари ғаллачиликда ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу соҳада 2003 йилда 5900 тонна дон ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа ортиғи билан уддаланди. Доннинг бир қисми уни яратган деҳқонларга бўнак сифатида, бир қисми эса иш ҳақи сифатида тарқатилди. Факат ғаллачиликнинг ўзидан 347 миллион сўмдан кўпроқ даромад кўрилди.

«Сурхон» сувдан фойдаланувчи фермерлар уюшмаси 2003 йил ҳосилидан кейин қисқа фурсатда 170 километр узунликдаги ички ариқ-зовурларни 2004 йил ҳосили учун тайёрлаб қўйишди.

2006 йил тумандаги тўртта ширкат хўжаликлари (А.Навоий, Н.Боймуродов, Т.Шобуров, Ҳ.Олимжон номли) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги 215-сонли, вилоят ҳокимининг 2005 йил 11 ноябрдаги 197-сонли, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2005 йил 14 ноябрдаги 525-сонли қарорига асосан тугатилиб, улар ўрнида янги фермер хўжаликлари ташкил этиш буйича тендер танловлари эълон қилинди. Танлов 2006 йил 3-6 январь кунлари ҳар тўрттала хўжаликда ҳам ўтказилди. Танловга жами 15125 гектар ер қўйилди. Шундан 3738 гектари суғориладиган ерлар 456 гектари боғ ва токзорлар, 281 гектари тутзор, 7755 гектари яйловлар ҳамда 3.5 минг гектарга яқин бошқа ерлар қўйилди. Шу майдонларда 240 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатадиган бўлди. Жумладан, пахта ва ғаллачиликда - 61 та, боғдорчиликда - 147 та, сабзавотчиликда - 4 та, чорвачиликда - 20 та ва бошқа йўналишларда - 8 та. Булар тугатилган хўжаликлар бўйича қуйидагича таксимланди. А.Навоийда - 41 та, Т.Шобуровда - 36 та, Н.Боймуродовда - 79 та, Ҳ.Олимжонда - 84 та янги фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида суғориш эҳтиёжи ҳамиша долзарб муаммо бўлиб келган ва бўлиб қолмокда. Вилоятнинг жанубий туманлари Термиз, Жаркўрғон, Ангор, Гагарин (Музрабод), Қумкўрғон ва қисман Шеробод ҳам Ленин йўли (Қизириқ) туманлари хўжаликларини сув билан таъминлаш мақсадида улар 1979 йили бирлаштирилиб «Қуйи Сурхон суғориш тармоклари

бошқармаси» деб номланди. 1991 йил шу бошқарма томонидан 1991 йили Аму-Занг каналида 2 миллион 700 минг сўмлик қайта таъмирлаш ишлари бажарилди. Бунда «Сурхонирстрой» трестининг ҚМБ, Сурхон МККнинг аҳил жамоалари алоҳида ўрнак кўрсатдилар. 1991 йили Сурхон суғориш тармоқлари бошқармаси канал ёқаларига 20 минг туп мевали ва хушманзарали дарахтлар ўтказишни мўлжаллаган бўлсаларда, 6 минг туп ўрнига 6700 туп мевали ва 1435 туп манзарали дарахт кўчатлари қададилар. Бу режадагидан 1 минг 52 тупга кўп бўлди. Бу кўчатлар асосан Аму -Занг канали бўйича яъни Термиз - Жарқўрғон автомобил йўналиши четларига эқилди. Бундан ташқари бошқарманинг қурилиш бўлими курувчилари 1991 йили 7230 минг сўмлик қурилиш монтаж ва тупроқ ишларини амалга оширдилар. Бу ишларни бажаришда бульдозерчи Ч.Хўжанов, экскаваторчи Ж.Аллабердиев, машина ҳайдовчиси А.Тожиев, қурувчи Н.Нормуродов сингари механизатор ва ҳайдовчилар муносиб ҳисса қўшдилар. Меҳнат фахрийлар Р.Абдуллаев, Ж.Қувватов, Н.Кўчкинов, Х.Қурбонов ва Ж.Умбаровлар бор маҳоратларини ишга солишиб ёшларга устозлик қилдилар.

«Аму-занг магистрал каналлар» бошқармаси вилоятимизнинг 7 та туманларига хизмат қилади. Аму-занг ва Занг каналлари ҳамда уларнинг тармоқларидан иборат 127.1 километр узунликдаги сув ўзанларидан суғориш мавсумида 1 миллиард куб метрдан зиёд сув етказиб берилади. Аму-занг каналидан 25300 гектар, Занг канали оркали 70 минг гектар экин майдонлари «Обиҳаёт» олади. Бундан ташқари 2000 йилда Аму-занг канали орқали Боботоғ каналига 229 миллион куб метр сув узатилиб, бу ҳудуддаги 17 минг гектар экинзорлар суғорилди. Сув захирасини кўпайтириш мақсадида «Октепа» сув омборига 2000 йилда 45 миллион, «Учқизил» сув омборига 77 миллион куб метр сув қуйилди.

«Аму-занг» магистрал каналлар бошқармаси тасарруфидаги 73 та сув иншоотлари 166 та сув бериш нуқталарида йилма - йил носуғориш мавсумида таъмирлаш ишлари амалга ошириб келинади. 2000 йил давомида 10 миллион сўмдан кўпрок маблағ таъмирлаш ишларига сарфланди. Аму-Занг каналида 18 километр, Занг каналида 38 километр бетон қопламалар ётқизилди. 12 километр

узунликда Аму-Занг каналида механик тозалаш ишлари амалга оширилди. 264 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Бу ишларни «Сурхон курилиш» трести жамланмалари кучи билан амалга оширилди.

Аму-Занг канали 56.6 километр, Занг канали 88 километр узунликдаги ўзани билан Жарқўрғон туманининг 21 минг гектарга яқин майдонларига «Оби ҳаёт» етказиб беради. Асосий сув ўзанидан тарқалган ички зовурлар тармоғи ҳажми янада катта яъни 78.5 километрни ташкил этди. Хўжаликлараро зовурлар 289 километрни ташкил этиб, ички зовурлар мисоли қон томирларининг олис -олис масофаларига қадар етказиб беради. «Аму-Занг магистрал каналлар бошқармаси»да 2006 йил бошқарма бўйича жами 160 километр, хўжаликлараро каналлар, 76 километрлик ички зовурлар, 154 та гидротехник иншоот (ГТИ) ва 132 та гидропост (ГП)ларни таъмирлаш ишлари бажарилди. Шундан 2006 йил бошида 23.5 километр хўжаликлараро каналлар, 12 километр зовурлар, 32 та ГТИ лар ҳамда 16 та ГП лар мавсум талабларига биноан шайлаб қўйилди. 2006 йил бошларида Аму-Занг каналининг Октепа участкасида қарийиб 5 километр масофадаги жойида канал муҳофаза зонаси ҳамда катта йўл бўйларида тозалаш, дарахтларга шакл бериш, оқлаш ишлари амалга оширилди. Бу ҳудудда 500 тупга яқин қарағай кўчатлари янгидан ўтказилди. Занг канали бўйларида 250 туп қарағай, кипарис кўчатлари ўтказилди.

Умуман олганда вилоятимиз экинзорлари асосан уч йирик ирригация тизими бошқармалари тасарруфидаги каналлар орқали суғорилади. Шулардан бири «Аму-Занг» ирригация тизими бошқармасига қарашли сув ҳавзалари, сув омборлари ва каналлардир. «Аму-Занг» ирригация тизими асосан «Аму-Занг-1» ва «Аму-Занг-2» кўтарма насослари ҳамда «Боботоғ» насос станцияси, «Октепа», «Учкизил» сув омборларидан иборат бўлиб, бу ирригация тизими шохобчалари орқали жами 119.5 минг гектар майдондаги пахтазор, ғаллазор, токзор ва мевали боғлар сув ичади. (Вилоятимизда 326 минг гектар суғориладиган экин майдонларининг 70 фоизи насослар кўтарган сув билан суғорилади. 2005 йилда Амударё сувини 4-5 марта кўтариш орқали

суғорилаётган Боботоғ массивидаги хўжаликлар фойдаланган ҳар бир метр куб сув учун қилинган харажатлар 56-57 сўмни ташкил этди.

Энг машаққатлиси шундаки ирригация тизими сувчилари бир йўла етти туман деҳқонларига хизмат кўрсатади. Жумладан, Музработ туманининг 35.6 минг, Жарқўрғон туманининг 21.3 минг, Ангор туманининг 18.5 минг, Қумқўрғон туманининг 16.5 минг, Термиз туманининг 15.7 минг, Қизириқ туманининг қарийиб 9 минг, Шеробод туманининг 5 минг гектардан ортикрок экинзорларига 445.7 километр узунликдаги каналлар орқали оби ҳаёт тарқатилади.

Бундан ташқари, шу етти туман ҳудудида қанчадан - қанча шахсий хонадонлар, деҳқон хўжаликларининг томорқалари, ташкилотлар, корхоналар тасарруфидаги ер участкалари ва ёрдамчи хўжаликлари экин майдонларига оби ҳаёт «Аму-Занг» ирригация тизими бошқармаси жамоаси хизмат кўрсатадиган каналлар ва бошқа сув шохобчаларидан етказилади.

«Аму-Занг» ирригация тизими бошқармасига қарашли катта-ю кичик каналлар худди қон - томирларига ўхшайди. Секундига 120-100 куб метр сув чиқариш қувватига эга бўлган «Аму-Занг-1» ва «Аму-Занг-2» насос станцияларининг бетўхтов ишлаши ҳисобига Амударёдан сув тортиб олиниб, ана шу каналлар орқали далаларга «Оби-ҳаёт» таркатилмокда. Қисқаси «Аму-Занг» ирригация тизими шу қадар мукаммалки, у орқали хўжаликларнинг 119.5 минг гектар экинзорлари, томорқадорларнинг ҳамда ташкилот, корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари майдонларини йил бўйи сув билан таъминлаш имкониятлари мавжуд.

Каналлардан оқиб келаётган оби - ҳаётни катта-ю майда шохобчаларга тақсимлаш учун жами 424 та гидротехник иншоот, 411 та гидропост ташкил этилган. «Аму-занг» ирригация тизими бошқармасида аҳиллик билан меҳнат килаётган 355 нафар ишчи -хизматчиларнинг вазифа масьулиятини ҳис - этишлари туфайли экин майдонларини сув билан таъминлаш ишлари тобора яхшиланиб бормокда.

Бироқ бу мавжуд ирригация иншоотлари қурилганига ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтаётганлиги туфайли улар ҳам муддат жиҳатидан ҳам маънавий томондан

бугунги кун талабларига жавоб бера олмай қолмокда. Шуни ҳисобга олган Республикамиз ҳукумати бу мавжуд ирригация иншоотларини замоновий асосда янгилаш учун чет эллик ҳамкорлар мададига таянмоқда. Хусусан, 2003 йил охирида Осиё Тараққиёт банки қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун умумий қиймати 99.2 миллион АҚШ долларига тенг иккита кредит линиясини очишга қарор қилди. Бу кредит линиясининг бир кисми «Аму-Занг машина каналлари тизимини тиклаш» дастурига 26 миллион АҚШ долларига тенг микдордаги маблағ ажратилди.

Умуман Осиё Тараққиёт банки Ўзбекистон Республикасига ажратган кредитининг умумий ҳажми 1 миллиард 340 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, 14 та кўшма лойиҳани амалга оширишни назарда тутади бу мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция жалб этиш тўғри йўлга қўйилганини кўрсатувчи далилдир. Осиё Тараққиёт банкининг “Аму-Занг» канали тизимига маблағ ажратишдан асосий мақсади, ушбу ирригация тизимининг мустаҳкамлиги, самарадорлиги ва баркарорлигини оширишдир. Бу тизим Амударёдаги насос станцияларини ўз ичига олиб, Сурхондарё вилоятидаги 100 минг гектар майдонга сув етказиб беради. Вилоятдаги 400 минг кишининг турмуши асосан суғориладиган деҳқончилик билан боғлиқ эканлигини инобатга олсак, лойиҳанинг нақадар зарурлиги аён бўлади.

Лойиҳа доирасида учта асосий насос станцияси Боботоғ, Аму-занг - I ва Аму-Занг - II ни қайта таъмирлаш, тизимдаги барча станциялар насослари самарали ишлатилишини таъминлаш кўзда тутилган. Аму-Занг каналининг магистрал ирригация ва дренаж тизимини режали таъмирлаш ва тиклаш (асосий каналларнинг айрим қисмлари, гидроиншоотларни тиклаш, соҳилни бетонлаш) сув ўтказиш имкониятларини ошириш ҳамда сувнинг унумли ва ўз вақтида тақсимланишига йўналтирилган. Экспертларнинг ҳисоб -китобларига кўра, лойиҳанинг амалга оширилиши бу ҳудудда пахта ҳосилдорлигини ўртача 22 фоизга, ғалла ҳосилдорлигини 26 фоизга ошириш, кўшимча иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради. Лойиҳа 2009 йилгача мўлжалланган бўлиб, Сурхондарё вилоятидаги «Аму-Занг» ирригация тармоғини 96.8 минг гектар

ерни суғоришда фойдаланилаётган канал тармоқлари ва насос станцияларни тиклаш режалаштирилган.

Туманнинг Минор сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ)нинг Зартепа массиви Қумтепаларга уланиб кетганлиги учун бу ҳудудда деҳқонлар сув танқислигидан анча азият чекишаётган эди. «Аму-занг ирригация тизимлари» бошқармаси томонидан 2007 йилда қарийб 5 километрлик канал қазиш ишлари қизғин олиб борилди. Канал Тўхта Шобуров ва Ангор туманининг Қўзи Тўлаков номли хўжаликлари туташган жойдаги Занг каналининг – Туркманқудук - 4” сув берувчи иншоотидан қазиб бошланди. Бу канални қазишда кунига 7800-8000 куб метр тупроқ қазиш ишлари амалга оширилди. Эксковаторчилардан Э.Шербоев, У.Турсоатов, О.Аликулов, М.Худоёров, булдозерчи М.Худойбердиевлар кунни - тунга улаб меҳнат қилдилар. Янги каналдан сув келиши билан бу ердаги 200 гектар кўрик ерлар ўзлаштирилиб боғ-роғ ва гўзал экинзорларга айлантирилади. Бундан ташқари бу канал орқали «Зартепа» ҳудудидаги фермерлар далаларини ҳам сув билан таъминлаш ишлари анча яхшиланади. Жарқўрғон туманида мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалик соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида озиқ-овқат махсулотлари етиштириш ва пахтачилик янада ривожланди. 2007 йилда туманда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳаракатдаги нархларда 7187,3 млн сўмли, солиштирма нархларда 7183,3 млн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 6489, 2 млн сўмлик чорвачилик маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжлари учун етказиб берилди. Туманда чорвачилик янада такомиллашиб, аҳолини гўшт, сут маҳсулотларига бўлган эхтиёжлари қондирилиб, қорамоллар 55733 бошга қўй-эчкилар 194979 бошга етказилди. Туманда мустақиллик йилларида фермер хўжаликларининг сони ва салмоғи ошиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда фаолияти янада ривожланди. Фермерлар қишлоқ хўжалигининг иқтисодий таянчига айланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда илғор ташаббускор мулкдорларга айланиб, фермерлар ичида таниқли пахтакорлар қишлоқ хўжалик ходимлари етишиб чиқди. Илғор фермерлардан Тўраев Комил Минор СФУ да “Элёр Жахонгир”, Чўтпўлатов Бахром Н.Боймуродов СФУдан “Жарқўрғон”,

Элмуродов Ориф Сурхон ТФХБ “Орифжон”, Худойбердиев Абдурасул Жарқўрғон СФУ “Жарқўрғон Юлдузи Пахтаобод”, Худойқулов Мансур Оққўрғон СФУ “Янгиер”, Мустонов Абдураҳмон Т.Шобуров СФУ “Пўлатбобо”, Жўраев Абдурахмон Т.Шобуров СФУ “А.Жўраев” фермер хўжаликлари туман иқтисодиётини ривожлантиришга таниқли пахтакор, илғор қишлоқ хўжалик ходими, ташкилотчи фермер сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Жарқўрғон туманида қишлоқ хўжалик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига хисса қўшган қишлоқ хўжалик ходимларидан А.М.Убайдуллаев 1991 йил “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими”, О.М.Ахатов 2001 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”, Ж.М.Норғучева 2004 йил “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллачи” унвонларга, 1996 йилда Қ. Хидиров, 1998 йил Р.Эшназаров, 2002 йил Ш.П.Каримов “Шухрат” медалига эга бўлиб, уларнинг хазматлари хукуматимиз томонидан алоҳида тақдирланди.

Хулоса қилиб айтганда бугунги бозор иқтисодиёти шароитида сувдан эътиборсизлик билан фойдаланиш, деҳқоннинг чўнтагига, ҳосил таннархига бориб тақалишини ҳисобга олсак сувдан тежаб-тергаб фойдаланишимиз лозим бўлади. Умуман олганда, барча соҳада бўлгани каби туман қишлоқ хўжалигида ҳам мустақиллик йилларида анчагина ўзгаришлар қилинди. Туманда уруғчиликни яхшилаш, қишлоқ хўжалигига янги техника ва технологияларни жалб қилиш, агротехника қоидаларини ишлаб чиқиш, одамларда меҳнатдан манфаатдорлик ҳиссини шакллантиришга ўхшаш жараёнларнинг ўзаро мужассамлашуви ва натижаси сифатида туман деҳқонларининг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган мўл-кўл ҳосил вилоятимиз ва Республикамиз иқтисодиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Натижада туманда аграр соҳада мулкчиликнинг янги шакллари (фермерлик, оилавий пудрат, кооперация, деҳқон-фермер, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси), ерга эгалик килишнинг янги турлари вужудга келди. Мустақиллик йилларида туман қишлоқ хўжалиги ўз бошидан янгиланиш ва тараккиётга интилиш жараёнини кечирмокда.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди-бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Бугунги Жарқўрғон саноати ривожланган, қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнаётган тумандир. Айниқса, кейинги йилларда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолини газ, ичимлик суви, малакали таббий ёрдамга бўлган талабларини қондиришга эътибор кучайган. Янги бинолар, кенг, равон йўллар, замонавий гузарлар, савдо мажмуалари, хиёбонлар, амфитеатр туман кўркига кўрк қўшиб турибди.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятни ислоҳ килиш ва янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғини, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг, Республика жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг зарур ва мажбурий шарти сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Белгиланган мақсадга эришиш учун 1997 йил 29 августда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиниб муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ана шу даврдан эътиборан ёш авлодни тарбиялаш усуллари ва йўналишларида миллий руҳиятимизга мос томонлар ишлаб чиқилди, ёш авлодни тарбиялашнинг янги тизими қарор топа бошлади. Халқимиз қўлга киритган истиқлол ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор ислоҳотлар туфайли ёш авлод таълим ва тарбия беришнинг кўплаб ижобий усуллари, миллий дунёқарашимизга ҳамоҳанг бўлган тизими қарор топа бошлади.

Жамиятнинг қанчалик даражада ривожланганлиги шу жамиятда истиқомат қилаётган ёшларга берилаётган таълим ва тарбиянинг қай аҳволда эканлиги билан белгиланади. Чунки ҳар томонлама ривожланган ёки ривожланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлат, аввало бўлғуси

авлоднинг юксак даражада малакага эга бўлиши учун ҳар томонлама ғамхўрлик қилмоғи лозим.

Халқимиз қўлга киритган истиқлол шарофати билан Республикамиз халқ таълими тизими ҳам ҳар томонлама янгиланиш жараёнини ўз бошидан кечирмоқда. Ўтган ўн етти йил давомида халқ таълими ва тарбия беришнинг янги-янги усуллари ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилди. Ёш авлодни жаҳон жамоатчилиги талабларига жавоб берадиган даражада тарбиялаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Таълим тарбия масканларининг миқдор ва сифати ўзгарди, умумий мактаблар билан бир қаторда махсус ихтисослашган мактаблар, лицей ва гимназиялар ташкил этилди. Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, туманда фаолият кўрсатиб, ёшларга таълим ва тарбия бераётган зиё масканлари ҳисобланган умумий таълим мактабларининг миқдори йилдан - йилга ортиб бормоқда. Чунончи 1990-1991 ўқув йилида туманда 56 та умум таълим мактаблари фаолият кўрсатган бўлса, 2006 йил охирига келиб улар сони 57 тани ташкил қилди. Вилоят халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари 1993 йил апрель ойида чақирилган сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов вилоятда йиғилиб қолган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар қаторида таълим тизимидаги жумбоқларни ҳам рўй-рост кўрсатиб берган эди. Мамлакатимиз раҳбари вилоят фаолларининг йиғилишида вилоятдаги 43 та мактабнинг аҳволи хароб эканлигини, 483 та мактабда эса ўқиш икки сменада олиб борилаётганлигини қаттиқ танқид остига олган эди. тумандаги мавжуд 56 та умумий ўрта таълим мактабида жами 2105 нафар ўқувчи 11 синфни тугаллаб, ушбу ўқувчилардан 187 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Жарқўрғон тумани мактаблари ҳам Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида ўтказилган «Олимпиада умидлари-2001» спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашди. Туманда умумкоманда бўйича 1-ўринни 21-мактаб, 2-ўринни 6-мактаб, 3-ўринни 4-мактаб ўқувчилари эгалладилар. Туман ҳокимлиги ғолибларга телевизор, қалин гилам, волейбол тўпи, қўл тўпи ва мақтов ёрлиқларини топшириб, вилоят, республика босқичига муваффақият тиладилар. Спорт учун автоуловлар ташкил қилиб берилди.

Вилоятда тумандаги 3-мактабнинг енгил атлетикачилари, 6-мактабнинг баскетболчилари 1-ўринларни қўлга киритишиб, Республика мусобақаларида қатнашдилар.

Боғчаларни турли ўйинчоқлар, ўйинлар билан бойитиш, болаларга миллий қадриятларимизни, бой маданий-тарихий меросимизни, урф-одатларимизни ўргатиш, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги илғор иш тажрибасига эга бўлган педагогик ходимларни аниқлаш, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш мақсадида «Севимли ўйинчоқлар», «Йил тарбиячиси», «Соғлом авлод учун», «Ўзбек тили фестивали» каби кўрик танловлар ўтказилди.

Вилоятда ўтказилган «Севимли ўйинчоқлар» кўрик танлови ғолиби бўлган Жарқўрғон туманидаги 1 сон «Алпомиш» номли болалар боғчаси тарбиячилари танловнинг республика босқичида иштирок этиб фахрли биринчи ўринни эгалладилар.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашни яхшилаш, уларни боғчаларга жалб этиш фоизини ошириш мақсадида ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда.

«Соғлом авлод йили»га бағишланган 2000 йил 1 июнь-«Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» муносабати билан вилоятда «Бахтли келажак» номли болалар байрами ўтказилди. Бунда Жарқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Вероника Бўроновалар иштирок этишди ва ҳомий ташкилотларнинг совғалари билан тақдирландилар.

«Таълим тўғрисида»га қонун ва Миллий Дастур асосида мактабгача таълим муасасаларни фаолиятини яхшилаш, таълим-тарбия учун зарур бўлган замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласида муҳим ишлар қилинди. Жарқўрғонда 2000 йилга келиб мактабгача тарбия муасасалар 10 бўлиб, 1906 та болалар таълим тарбия олдилар. 14-умумий ўрта таълим мактаби республика босқичида “Йил мактаби-2000” кўрик танловида иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллаб, халқ таълимини янада ривожланишига муносиб хисса қўшди.

Жарқўрғон туманидаги спорт мактаби ва умумтаълим мактабларида 2003 йилга келиб, спортнинг 14 тури бўйича 12190 нафар ўқувчилар мунтазам равишда шуғулланиб келди. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида 8-11 синф ўқувчилари спортнинг 12 йўналиши бўйича вилоят финал босқичида иштирок этиб, енгил атлетика бўйича-1, стол тенниси бўйича-4, бадиий гимнастика бўйича-1, кураш-1, волейбол бўйича қизлар-1, футбол бўйича-3, қўл тўпи бўйича қизлар-2, сузиш бўйича-3 ўринни эгалладилар. Туман ўқувчилари «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида вилоятда умумий команда ҳисобида 2-ўринни эгалладилар.

Президент Ислом Каримов янги давр шароитида таълим тизимида ислоҳотларнинг зарурлиги ҳақида тўхталиб, «Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотларимизнинг пироворд мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил этиб боришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий истиқлол ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади», деб бежиз таъкидламаган эди.

Чунки, таълим тизимида туб ислоҳотлар ўтказмасдан, уни эски тузум қолдиқларидан тозаламасдан, жаҳон таълим андозаларига кўтармасдан туриб, Ўзбекистоннинг мавкеини оширадиган, ҳар томонлама билимдон ва баркамол инсонларни вояга етказиб бўлмайди.

Республикамиз халқ таълими соҳасида бўлгани сингари туман халқ маорифи тизимида ҳам кейинги йилларда сифат ва миқдор ўзгаришларига эришилди.

2000-2001 ўкув йилида тумандаги 47 та умумий ўрта таълим, 8 та таянч мактабларида туман аҳолисининг 38985 нафар фарзандларига 2376 нафар ўқитувчи таълим ва тарбия берган бўлса, 2006 йилга келиб уларнинг сони 2769 нафарни ташкил қилди. 2001 йилда мактабларнинг 34 таси замонавий, 21 таси мослашган биноларда жойлашган бўлиб, 18 нуқтада телефон алоқаси ишлаб турибди. 4 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, спорт, техника, сайёҳлик ва бошқа турлардаги 37 номдаги тўгаракларда 2763 нафар ўқувчи

машғулотлар олиб борди. 2000-2001 ўқув йили якуни бўйича илғор педагогик технология асосида ишлаб, ўқувчилар қалбига йўл топиб, эл-юрт олқишини олган ўқитувчилар ҳам анчани ташкил қилди. Улар Л.М.Карпенко (1-мактаб), Эшонқул Холмирзаев (36-мактаб), Мамарасул Худойбердиев (15-лицей), Қулбобо Хушбоқов (951-мактаб), Зиёда Мустанова (3-мактаб), Муҳаммади Жиянов (15-мактаб) каби ўз касбини улуғлай билган инсонлардир.

Тумандаги 4, 19, 2, 8, 48 ўрта мактабларда 2001 йили капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди ва улар учун 14 миллион сўм сарфланди. Жорий таъмир учун 30 тонна оҳак, 2500 кг бўёқ, 292 метр квадрат ойналар ажратилди. Бу борада «Сурхонтекстиль», «Жарқўрғонпахта», «Нефтбаза» ташкилотлари ва корхоналарининг ҳомийлик ёрдами катта бўлди. Тумандаги 6, 29, 36, 7, 43, 28, 31 мактабларининг шунингдек «Кичкинтой», «Олтин калитча» номли мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ишлари мақтовга лойиқ даражада амалга оширилди. Туман халқ таълимида 2001 йилда 56 та ўрта умумий таълим мактабларини 2174 нафар ўқувчи 11 синфни битириб, шу ўқувчилардан 194 нафари ўқишга кирди. Тумандаги иккинчи умумўрта таълим мактаби “Йил мактаби-2001” вилоят кўрик танловида иштирок этиб, фахрли 3-ўрнни эгаллади. Шунингдек, 6-сон “Кичкинтой” мактабгача таълим муассаси тарбиячиси Эсонова Нодира “Йил тарбиячиси-2001” вилоят кўрик танлови босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

2000-2001 ўкув йилида бўлимидаги 18 нафар халқ таълими ходимлари Республикамизнинг турли оромгоҳларида дам олиб, ўзларининг сиҳат-саломатликларини тиклаб қайтдилар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида умумтаълим мактабларига ўрта махсус маълумотли педагогларнинг олий маълумот олишлари учун 2001 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2001-2002 ўқув йилида ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагог кадрлардан бакалаврлар тайёрлаш учун давлат грантлари асосида квоталар белгиланди. Ушбу қарор асосида тумандаги 75 нафар ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар Самарқанд Давлат университети, Термиз

Давлат Университетига шунингдек бошқа олий ўқув юртларида олий маълумот олмоқдалар.

Маълумки таълим тарбиянинг узвийлиги ва уйғунлашишида боғчалар муҳим ўрин тутади. 2001 ўқув йилига келиб, туманда фаолият кўрсатган 44 та мактабгача таълим муассасаларида меҳнаткашларнинг 3291 нафар болалари тарбияланди. 2005 - 2006 ўқув йилида эса туманда 50 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатди. Бу мактабгача таълим муассасаларидан биттаси Кокайди қўрғонидаги ҳарбий қисмга қарашли, биттаси хонадон боғчаси, 30 таси саводхонлик марказлари, биттаси мактаб мажмуасидир. МТМлардан 41 таси замонавий, 9 таси мослаштирилган биноларда жойлашган эди. МТМда 38 та водопровод, 3 та артезиан сув ҳавзалари бор эди. 49 та мактабгача таълим муассасаси халқ таълими бўлими ҳисобидан ишламокда. МТМларда 2006 йили меҳнаткашларнинг 3425 нафар фарзандлари тарбияланди. Бу тумандаги мактабгача ёшдаги болаларнинг боғчага қатнаш қамровининг 17,5 % ни ташкил этди холос. Уларга 50 нафар мудира, шулардан 37 нафари олий, 2 нафари тўлиқсиз олий, 11 нафар ўрта махсус маълумотли педагог ходимлар ва 186 нафар тарбиячилар, 42 нафар мусиқа раҳбарлари таълим тарбия бермоқдалар.

Мактабгача таълим муассасаларида «Олтин калитча», «Кичкинтой», «Алпомиш», «Шалола», «Олмахон», «Қалдирғоч», «Нафосат» каби боғчалар кўтаринки руҳда фаолият юритиб, бошқаларга намуна бўлишди. «Йил тарбиячиси-2001» танловида «Зилола» номли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Дилшода Донаева туманда биринчи, вилоят босқичида эса учинчи ўринни эгаллади. Таълим жараёнига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ўқитувчиларни аниқлаш учун Халқ таълими Вазирлигининг 2005 йил 28 июлдаги 186-буйруғи асосида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танлови ҳар йили республикамиз ва вилоятимиз бўйича ўтказиб келинмокда. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» низоми бўйича ўтказилган кўрик танловда туман ғолиби, 27 мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Солия Тожиева вилоят кўрик танловида фахрли учинчи ўринни эгаллади. «Йил мактаби» низоми бўйича ўтказилган кўрик танловда эса 14 умумий ўрта таълим мактаби

(А.Фармонов) вилоятда биринчи ва Республикада фахрли учинчи ўринни олиб, вилоят халқ таълими бошқармасидан телевизор, Республика халқ таълими вазирлигининг эса компьютерлар жамланмасини қўлга киритди.

Шунингдек, вилоят «Нафосат» ёш қаламкашлар танловида 43-мактабнинг 8-синф ўкувчиси Матлуба Нормаматова (2002-2003 ўкув йилида) Республика босқичида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, Республикада «Энг иқтидорли ижодкор ўқувчи» номинациясини қўлга киритган бўлса, 2005-2006 ўқув йилида эса фахрли биринчи ўринни олган 14-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Мафтуна Маматалиева Республика босқичида фаол иштирок этди.

2002-2003 ўқув йилида 17 мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шаҳноза Холмуродова «Зулфияхоним издошлари» баҳсида вилоятимиздан энг истеъдодли бешлик таркибида Республика боскичида иштирок этиб, илк шеърий тўплами «Юртим фахри» номи билан Тошкент шаҳридаги «Истиклол» нашриётида чоп этилди.

2003 йил ўтказилган «Ижодкор ўқитувчилар» кўрик-танловида тумандаги 14 ва 43 мактабларнинг ижодкор ўқитувчилари Гулзода Муҳаммадиева ва Орзигул Мамаюсупова болалар адабиёти ва драматургия йўналишлари буйича вилоятда фахрли биринчи ўринни олишди.

2002-2003 ўқув йилида 28 мактабнинг 7 синф ўқувчиси Умиджон Сафаров Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика босқичидаги «Улуғбек юлдузлари» танловида ўзининг чизган расмлари билан иштирок этиб энг иқтидорли ўқувчи сифатида тан олинган ҳолда Республика бадиий академиясига имтиёзли равишда қабул қилинди.

2001-2002 ўқув йилида туманда мажбурий таълимни тўғри йўлга қўйиш борасидаги ишлар туман халқ таълими бўлими, прокуратура, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, ички ишлар бўлими вояга етмаганлар нозирлиги, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигида олиб борилди. Ўқишдан бўйин товлаган, узоқ вақт дарсга келмасдан юрган ўнлаб ўқувчиларнинг оилавий шароити ўрганилиб, ўз вақтида уларга имконият даражасида ёрдам кўрсатилиб, уларнинг дарсларга тўлиқ қатнашишларига имкон яратилди.

2001-2002 ўқув йилида туман ташҳис маркази томонидан 1-16 ёшдаги 633 нафар ногирон болалар аниқланиб, улардан 284 нафари умумий ўрта таълим мактабларида, беш нафари эса махсус интернетларда, уч нафари санатория-мактаб интернатларида, 9 нафари хонадонларда якка тартибда ўқитилди. Туман халқ таълими бўлимида бундай ўқувчиларга хар тарафлама моддий ёрдам кўрсатили, 2006 йил туманда кам таъминланган оилаларнинг 5177 нафар ўқувчилари 114 миллион 59 минг сўмлик қишки кийим-кечаклар таъминланди.

Илм олишнинг ўзига яраша машаққатлари бўлади. Доимо ўқиш, изланиш, диққат эътиборли бўлиш, олган билимларини хотирада сақлаб қолишга интилиш - бу осонлик билан кечадиган жараён эмас. Бундай қийин жараёнларни ҳал этишда ўқитувчи ва ўқувчига дарсликлар, бадиий адабиётлар ва ўқув қўлланмалари зарур. Шунинг учун туман мактаб кутубхоналарини янги адабиётлар билан бойитиш бўйича мустақиллик йилларида қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмокда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллашириш тўғрисида»ги 4-сонли қарорига мувофиқ туманга халқ таълими тизимида ҳам маълум ишлар амалга оширилди.

2001-2002 ўқув йилида туман ўқувчиларини дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан ҳомий ташкилотлар бириктирилди. Хомийлар томонидан 1213 нусхада 760 минг сўмлик дарслик ва бадиий адабиётлар кутубхона жамғармасига олиб берилди. Бундан ташқари маърифатпарвар раҳбарлардан Т.Хайруллаев ва бошқалар ўз шахсий кутубхонасидан китоб топшириб, бошқаларга намуна бўлдилар.

2001-2002 уқув йилида туман ҳокимлиги томонидан ҳомий деб белгиланган ташкилотлардан «Жарқўрғоннефть» хиссадорлик жамияти 5 мактабга 500 минг сўмлик, «Сурхонтекстиль» хиссадорлик жамияти 2 мактабга 35 минг, «Жарқўрғонпахта» хиссадорлик жамияти 19 мактабга 500 минг сўмлик дарслик сотиб олиб беришди. Мактаб кутубхона фондларига «Осиё тараққиёт ва ривожланиш банки» кредит маблағи ҳисобидан 15 номдаги 357 нусхада эртак ва бадиий асарлар олиб берилди.

2005-2006 ўқув йилида «Менинг мўъжаз Ватаним» расмлар танловида эса тумандаги 27 мактабнинг 4 синф ўқувчиси Шоҳруҳ Тоштурдиев вилоят босқичида биринчи ўринни олди ва ижодий ишлар кўргазмаси Республика босқичида намойиш этилди.

Компьютер технологияларининг имкониятлари ва тезкорлиги, уларнинг замонавий таълим жараёнига кириб бориши табиий холга айланиб қолди. Шунинг учун туманда ўқитишни янги технология асосида ташкил қилишда компьютерлаштириш муҳим ўрин тутади. 2001 йил тумандаги 2, 5, 6, 7, 10, 11, 14, 19, 21, 28, 35, 37 умумтаълим мактаблари компьютерлаштирилди. Бироқ мақсад компьютернинг борлигида эмас, балки ўқувчиларнинг уни қай даражада ўзлаштира олаётганликларидадир. Туманда 2006 йилга келиб 20 та умум таълим мактаблари, яъни 35.6 фоизида компьютер ўрнатилди.

Туман халқ таълими тизими мактабларида капитал таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли қарори асосида ишлаб чиқилиб, «Тумандаги таълим муассасаларини қайта ва жорий таъмирлаш Дастури» асосида 2005-2006 ўқув йилида 26 ва 3 умумий ўрта таълим мактаблари қайта таъмирланди. 36, 49, 50 мактаблар ва 4-«Наргиз», 15-«Шалола» номли мактабгача таълим муассасалари қайта таъмирланди. 13, 17, 47, 54 мактаблар жорий таъмирдан чиқарилди. Мактабларни таъмирлаш ва кузги қишки мавсумга тайёрлаш бўйича 2, 6, 7, 24, 25, 28 мактабларда ишлар сифатли бажарилди. Тумандаги 41 мактабга ТХТБ томонидан якка тартибдаги кичик ҳажмда қозонлар ўрнатилиб, иситиш тармоқлари қайтадан таъмирланди. 2004 йилда туманда мавжуд 56 та умумий ўрта таълим мактабини 2311 нафар ўқувчи 11 синфни тугатиб, шундан 153 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди. 2004 йил 1-мактабнинг 9 синф ўқувчиси Ашурова Азиза “Нафосат” ёш қаламкашлар танловини вилоят босқичида иштирок этиб, 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида ғолибликни қўлга киритди. 2004-2005 ўқув йилида “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг вилоят босқичида 5-7 синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган танловда 1-ўринни, 8-10 синф ўқувчилари ўртасида 2-ўринни, “Соғломжон – Полвонжон” спорт мусобақаларида вилоят бўйича 1-ўринни эгаллади.

Умумвилоят ҳисобида эса, Жарқўрғон туман жамоаси вилоятда 2-ўринни эгаллади. Шунингдек, туманда халқ таълими ривожи янада юксалиб, 2005 йилда мавжуд 56 та умумий ўрта таълим мактабларини 157 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди. 2005 йил 11-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Норбоева Севара ва 51-макатбнинг 8-синф ўқувчиси Хафизова Мукаррамлар вилоятбосқичидаги “Нафосат” ёш қаламкашлар танловида ғолибликни қўлга киритдилар. 2006 йил 986 тонна кўмир олиниб, кўмир билан иситиладиган 25 та мактаб, 10 та мактабгача таълим муассасаларига ҳамда газ ва кўмир билан иситиладиган 22 та мактаб, 36 та мактабгача таълим муассаса, 2 та мактабдан ташқари таълим муассасаларига тарқатилди.

Тумандаги 9 та мактаб, 3 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та мактабдан ташқари таълим муассасаси газ билан иситишга мўлжалганган бўлиб, уларнинг газ қувурлари қурумдан тозаланди, сувлар солиниб, иссиқ сув келадиган трубалар қизил буёққа, совуқ сув келадиган трубалар эса кўк буёққа бўялди.

2005-2006 ўқув йилида мактаб ўқувчиларининг 6-7 ва 9 синфлари учун 2005-2006 ўқув йилида 45 номдаги ўқув дарсликлари олиб келиб тарқатилди ва ижара тўлови 100 фоиз бажарилди. Бу ўқув йили учун 8 синфларга ижара китоби олиб келиб тарқатилди. Мактаб кутубхоналари фондини бадиий адабиётлар билан тўлдириш мақсадида «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилоти» хайрия тадбири йил давомида мактабларда амалга оширилди. Хайрия тадбирига ота-оналар, ўқувчи-ўқитувчилар ва ҳомийлар жалб қилинди. Ҳомийлар асосан «Собиқ синфдошлар», битирувчилар бўлишди. 2006 йил июнь ойига келиб 17600 дона бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, лотин алифбосида чоп этилган эртаклар, ҳикоялар, шеърлар тўпламлари кутубхоналар фондига кирим қилинди.

Туман умумтаълимига қарашли 1, 14, 26, 15, 7, 23, 32, 36 мактабларда «Ахборот-ресурс» маркази, 26, 15, 2 мактабларда «Етакчи кластер» ускуналари ўрнатилди. Туман ҳокими фармойишига кўра мактаб ўқитувчилари бир ойлик маош мукофоти олишди. Уч нафар ўқитувчи эса «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига тавсия этилди. 2005 - 2006 ўкув йилида «Йилнинг энг яхши

фан ўқитувчиси» кўрик танлови вилоятимизда IV-боскичда ўтказилди. Бу кўрик танловнинг III-вилоят босқичида 15-ихтисослашган мактаб интернат (ИМИ) ўқитувчиларидан Саломат Тўрақулова (тарих фани ўқитувчиси) учинчи ўринни, Бобур Сагизов (15-ИМИ) учинчи ўринни (информатика фани ўқитувчиси), Гулбиниса Ҳайитова (15-ИМИ) биринчи ўрин (физика фани ўқитувчиси)ларни олишиб, ойлик маошининг юз фоизи миқдорида маош билан рағбатлантирилдилар. Санам Аҳмедова (2-мактаб психологи) маошининг олтмиш фоизи миқдорида, Насиба Яҳёева (27 мактаб, физика), Тожихол Хушвақтова (10-мактаб, мусиқа) каби ўқитувчилар эса ойлик маошининг қирқ фоизи миқдорида рағбатлантирилди.

Вояга етмаган ўқувчи ёшларни бой маданий меросимизга, тарихий анъаналаримизга, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, болалар иқтидорини юзага чиқариш мақсадида туманда «Болалар фолклор дасталари» кўрик танлови ўтказилди (2006 йил). Ушбу танловда туман босқичида биринчи ўринни эгаллаган 4-мактабнинг фаол жамоаси вилоят босқичида III-ўринни эгаллади. 2005 - 2006 ўқув йилида ёш доирачилар дастаси Тошкент шаҳрида ўтказилган «Зарб-2005» танловининг Республика босқичида фахрли III-ўринга сазовор бўлди. Туманда нефтчилар маданият саройида мусиқа мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Мактабда 2001 йилда 25 нафар ўқитувчи ва 232 нафар ўқувчиси таълим олди. Мактабда миллий чолғу асбоблари, пианино, фортопиано, баян каби мусиқа асбобларидан ўқувчилар куй ўрганишди. Ўқувчиларга мусиқа илмини ўргатишда ўқитувчилардан Р.Ибрагимова, А.Чаққонов, Г.П.Нечипоренко, Э.А.Цой, Л.З.Аҳмедшина, Ф.Абдурасулов каби ўқитувчилар сабоқ бериб келишмоқда.

Жарқўрғон туманида мустақиллик йилларида бешта касб-ҳунар коллежлари қуриб ишга туширилди. 2006-2007 ўқув йилида ушбу бешта касб-ҳунар коллежларига 1470 нафар ўқувчилар қабул қилинди.

Бу битирувчиларнинг 34 фоизини ташкил қилди. Мактабнинг оғир юкини елкасига олиб, таълим-тарбияда алоҳида ўрин тутаётган коллежларга қизиқиш ва талаб ортиб бормоқда. Жумладан, Какайди қўрғонида жойлашган касб-ҳунар коллежи замонавий таълим дастурлари асосида қурилган бўлиб, ёшларга билим

беришда етакчи услублардан фойдалиб, 2005 йилда коллежда 35 нафар ўқитувчи мураббий, 500 нафар талабаларга таълим бериб келмоқда.

Коллежда коммутатор операторлиги, В ва С тоифали транспорт ҳайдовчиси, бухгалтер-аудит, фермер-механизатор, почта алоқачиси ва халқаро алоқа мутахассисликлари бўйича талабаларга малакали таълим берилмоқда. Коллеж компьютер ва бошқа замонавий алоқа воситалари, иккита юк машинаси, трактор ҳамда енгил автомашинадан машғулотларда кенг фойдаланилмоқда. Коллежда ҳар жиҳатдан қулай жиҳозланган автодром ишлаб турибди. «Жарқўрғоннефть» бошқармаси телефон алоқа филиалида коллеж ўқувчилари ҳафталик амалиётларни ўташмоқда. Коллежда спорт ўйингоҳи, ёзги клуб, кутубхона ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

Мустақиллик йилларида туманда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Умуммиллий дастур йўналишларидан бири таълим муассасалари спорт базасини мустаҳкамлаш, спортни ривожлантиришдан иборат. Тумандаги ўқувчиларни спорт билан шуғуллантириш ва соғломлаштириш мақсадида туман мактабларида 2006 йилга келиб иккита стадион, 48 та футбол майдони, 21 та спорт заллари, 73 та волейбол, 32 та баскетбол майдонлари, 27 та қўл тўпи, 27 та кичик футбол майдонлари фаолият кўрсатди.

256 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси ўқувчиларга жисмоний тарбия дарсидан сабоқ бериб келмокда. Улардан 71 нафари олий, 155 нафари ўрта махсус маълумотлилардир.

Жисмоний тарбия дарсларини ўтиш билан бирга фан ўқитувчиларининг қизиқишларига қараб спорт тўгаракларини ташкил этиш асосида синфдан ташқари ишларни ҳам олиб бораяптилар.

Мактабларда 492 та спорт тўгараклари ташкил этилган бўлиб, уларда 16243 нафар ўғил ва қизлар шуғулланишмокда. Уларнинг 5059 нафари қиз болалардир. Спорт тўгаракларида шуғулланувчи ўқувчилар тумандаги жами ўқувчиларнинг 38 фоизини ташкил этади.

Тумандаги мактабларнинг спорт базасини ривожлантириш мақсадида туман халқ таълими бўлими томонидан мактаблар учун 2005-2006 ўқув йилида 9206000 сўмлик спорт анжомлари ва спорт кийимлари олиб берилди.

Туманда битта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд бўлиб, у 1961 йилдан буён фаолият кўрсатади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 15 нафар ходим ёшларни спорт билан шуғуллантириш ишларини амалга оширади. Улардан тўққиз нафари олий, олти нафари ўрта махсус маълумотли мутахассислардир.

Мактабда тўққизта спорт (футбол, волейбол, шахмат) секциялари ташкил қилинган. 2006 йилда спорт секцияларида 425 нафар ўқувчи ёшлар шуғулланишди.

Шаҳардаги 1-сонли ўрта мактабда бадиий гимнасика бўйича гуруҳ ташкил этилган бўлиб, уларда 36 нафар қиз болалар шуғулланди.

Умуман олиб қаралса 21, 30, 22, 10, 33, 36 мактаблар жамоалари спорт мусобақаларида яхши натижаларга эришиб, ўқувчи ёшлар орасида ҳар йили «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларда фаол иштирок этди. Унга I-IV. V-VII. VII-XI-синф ўқувчилари жалб қилинган бўлиб, улар III-вилоят, IV-Республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Шуниси қувонарлики, туман спортчилари «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг вилоят босқичида команда ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллашиб, IV-Республика босқичида эса тумандан 12 нафар спортчи фаол иштирок этиб қайтди.

Республика халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 19 майдаги 128-сонли «Ёзги-2006» спорт мусобақаларини Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда юқори савияда ташкил этиш тўғрисидаги буйруғига асосан туман халқ таълими бўлимининг 2006 йил 27 майдаги 168-А буйруғи ишлаб чиқилди ва барча мактабларга етказилди. 2008 йилда мактабларда спортнинг 12 та тури бўйича спорт мусобақалари ўтказилиб, спорт секцияларидан каретэ, таэквандо, бокс, бадиий гимнастика, футбол, волейбол, теннис, баскетбол, кураш, енгил атлетикага 1410 нафар ёш спортчилар жалб этилиб, туман спортини ривожлантиришга муносиб хисса қўшмоқда.

Шунингдек Жарқўрғон туманида футбол соҳасини ривожига муносиб хисса қўшилиб, жами 63 та футбол майдонлари бўлиб, жумладан коллежларда 5 та, Сурхонтекстилда 1 та, С.Ф.У ларда 4 та мавжуд. Жарқўрғон туман халқ таълми бўлимида жисмоний тарбия ва сопортни ривожлантириш бўйича 2008 йилда муҳим аҳамияга эга бўлган амалий ишлар бажарилиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга жиддий эътибор берилди. Халқ таълими тизими бўлимида 2008 йилда 56-умумий ўрта мактабларида 45 та футбол майдони, 25 та спорт зали, 64 та волейбол майдони, 34 та баскетбол майдони, 36 та қўл тўпи майдони, 37 кичик футбол майдонлари фаолият кўрсатиб, 245 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари спорт таълимини ташкил этмоқда. Туман халқ таълимида спортнинг янада ривожланиши натижасида 2003 йилда Хоразм вилоятида бўлиб ўтган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасида туманнинг 15 та ўқувчиси иштирок этиб, 7 та ўқувчи муваффақиятли натижаларга эришди. 2006 йил Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасида Жарқўрғон туманининг 12 ўқувчиси муваффақиятли иштирок этди. Туман касаба уюшмаси ҳамда халқ таълими бўлими томонидан ҳар йили ёзги дам олиш вақтида ўқувчиларнинг мазмунли дам олишларига эътибор қаратилди. 2005 йили тумандаги 600 нафар ўқувчи уч давра (ҳар давра 18 кун)да Шеробод туманида жойлашган «НГДУ»га қарашли «Нефтчи» ҳамда «Сурхон» МТПнинг «Сурхон» лагерларида ҳордиқ чиқариб келишмоқда. Жарқўрғон туманида мустақиллик йилларида халқ таълими ва ўқув юртлари масаласида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида катта ютуқларга эришилди. Халқ таълимида тажрибали ўқитувчи педагокларнинг таълим-тарбияни ривожлантириш соҳасидаги ибратли ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Мустақиллик йилларида мунтазам ўтказиб келаётган йил ўқитувчиси кўрик танловида туман ўқитувчилари фаол иштирок этиб, муносиб ўринларга эга бўлмоқда. “Йил ўқитувчиси” 1991 йил Республика миқёсидаги кўрик танловда тумандаги 32 мактабнинг кимё ўқитувчиси О.Негматова 13 мактабнинг физика ўқитувчиси А.Ботировлар ғолиб деб топилиб ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Шунингдек “Йил ўқитувчиси” кўрик танловида 1993 йил 31-мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси О.Шерданова, 1994 йилда 7-мактаб рус

тили ва адабиёти ўқитувчиси З.Саманова, 1995-1996 йилларда 51-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Г.Турсунова, 1998 йилда 14-мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси Д.Холтўраева, 2000-2001 йилларда 27-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси С.Тожиева, 2002 йилда 7-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Н.Эшмўминова, 2003 йилда 19-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси М.Раҳимова, 2004 йилда 7- мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчи Д.Алламуродова, 2005 йилда 2-мактабнинг физика ўқитувчи З.Бобонова вилоят босқичида ғолиб деб топилди. Туман халқ таълими ривожига муносиб хисса қўшган таниқли, тажрибали, юқори билим ва таълим тарбияни ривожлантиришга муносиб хисса қўшиб келаётган устоз педагоклар доимий тарзда амалий жиҳатдан қўллаб қувватланиб, уларнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан тақдирланиб келинмоқда. Туман халқ таълими тизимида фаолият юритаётган қуйидаги ўқитувчилар Давлат мукофотлари билан тақдирланган. Тумандаги 24- мактабдан биология фани ўқитувчиси Эргашев Қурбонназар 1994 йил “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”, 15 мактабдан она тили ва адабиёти ўқитувчиси Юлдошев Ибройим 1995 йил “Халқ ўқитувчиси”, 10-мактабдан Бошланғич синф ўқитувчиси Бобомуродов Ашур 1995 йил 1-даражли “Соғлом авлод учун” ордени, 13-мактабдан тарих фани ўқитувчиси Чориев Зоир, 1996 йил “Шухрат” медали, 1-мактабдан рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Карпено Любовь Михайловна 1996 йил “Халқлар дўстлиги” ордени, 33-мактабдан физика фани ўқитувчиси Исмоилов Тоштемир 1997 йил 1-даражали “Соғлом авлод учун ордени”, 19-мактабдан биология фани ўқитувчиси Худойбердиев Мамарасул 1998 йил II-даражали “Соғлом Авлод учун” ордени, 21-мактабдан Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Тожиев Чўтпўлат Норбекович 2000 йил “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони, 36-мактабдан тарих фани ўқитувчиси Холмирзаев Эшонқул Чоршанбиевич 2001 йил “Шухрат медали”, 7-мактабдан меҳнат фани ўқитувчиси Файзуллаев Нортўра 2003 йил “Меҳнат шухрати” медали, 15-мактабдан кимё фани ўқитувчиси Шоймардонов Мўмин 2002 йил “Шухрат медали”, 30 мактабдан биология фани ўқитувчиси Алламуродов Қулмўмин Хўшалиевич 2004 йил “Эл-юрт хурмати” ордени, 17-

мактабдан математика фани ўқитувчи Шоимова Бибихол Қобиловна, 2005 йил “Шухрат” медали, 21-мактабдан она ва дабиёт фани ўқитувчиси Маматқулова Солия Абуловна 2007 йил Шухрат медали билан тақдирландилар. Ушбу юксак мукофотлар Жарқўрғон халқ таълими тизимида ўз касбини мукаммал биладиган, етарли падагогик, билим ҳамда илмий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларнинг ниҳоят даражада кўплигидан дарак беради. 2007 йилда туманда умумтаълим мактаблари сони 57 та бўлиб, ушбу мактабларда 41857 ўқувчи таълим олди. Шунингдек туманда мактабгача таълим муассасалари фаолияти янада яхшиланиб, доимий болалар муассасалари сони 50 та бўлиб, ушбу боғчада 3050 бола тарбияланди. 2008 йилда Жарқўрғон туманида халқ таълими тизимида 56 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлиб, улардан 27 таси 9 йиллик, 29 таси 11 йиллик умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этади. Умумий таълим мактабаларида ўқувчилар сони 40473 тани, педагогик ўқитувчилар 2967 нафарини ташкил этиб, ушбу ўқитувчиларнинг 1750 нафари олий, 59 нафари тугланмаган олий ва 1159 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Шунингдек тоифалар бўйича тумандаги ўқитувчиларнинг 67 нафари олий, 478 нафари биринчи, 931 нафари иккинчи тоифали ва 1491 нафари мутахассис ўқитувчилардан ибортдир. Жумладан таълим тарбия олаётган 40473 нафар ўқувчининг 40216 нафари ўзбек тилида 257 нафари рус тилида таълим олади. Шунингдек, Жарқўрғон шаҳрида 5 та ўрта умумтаълим мактаби бўлиб, 5700 нафар ўқувчи таълим олиб, 51 та умумтаълим мактаблари қишлоқларида жойлашган бўлиб, 34773 нафари ушбу мактбларда таълим тарбия олди. Туман мактабларида янги педагогик технология асосида ўқитиш ташкил этилиб, тажрибали педагоклар ўзларининг малакали билими билан катта обрў-эътиборга сазавор бўлди. Тумандаги 36 мактабнинг 8-синфида тарих фанини замонавий ўқитиш, электрон дарсликлар билан таъминлаш, тарих фанидаги долзарб масалаларни оммалаштириш бўйича катта амалий ишлар вилоят миқёсида тажриба учун тақдим этилди. Туманда таълим соҳасида катта ютуқларга эришиб,ўқувчи ёшларнинг дарс, дарсдан ташқари жараёнларда билим олиши, мустақил ҳаётга тайёрлаш, келажакда яхши мутахассис бўлиб етишиш учун касб танлашга ўргатиш мақсадида катта амалий ишлар

бажарилди. Халқ таълими тизимида 4 та мактабдан ташқари таълим муассасаларида 44 нафар педагок ўқитувчи 2018 нафар ўқувчига таълим тарбия берди. 2007-2008 ўқув йилларида халқ таълими ҳузурида “Ўқувчилар ижодиёти маркази”, “Ёш техниклар ижодиёт маркази”, “Ёш сайёҳлар маркази ” ва “Экологик таълим марказ”лари фаолият кўрсатди. 2008 йилда “Ёш техниклар ижодиёти маркази” ташаббуси билан республика миқёсида ўтказилган “Ижодкор ихтирочи” ва “Ёшлар камоли-юрт истиқболи” кўрик танловлариаа туман ёшлари фахрли 1-2 ўринларни эгаллашди. Халқ таълимида кимё, биология, физика ва математика фанлари йўналишида ихтисослаштирилган 15-умумий ўрта таълим мактаб интернати мавжуд бўлиб, унда 264 нафар ўқувчига 29 нафар педагок таълим тарбия бермоқда. Туманда ёшларни жисмоний баркамол тарбиялашда халқ таълими тизимида катта амалий ишлар бажарилиб, “Болалар ва ўсмирлар спорти мактаби” да 9 та спорт тури бўйича 582 нафар ўқувчига 16 нафар мураббий спорт соҳасида таълим тарбия бермоқда. Ушбу спортчи ўқувчиларнинг 111 нафари қиз болалар бўлиб, спорт мураббийларининг 10 нафар олий маълумотга эга. Туманда 2004-2007 йилларда “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” ташаббуси билан қишлоқларда 4 та янги спорт иншоотлар қурилиб, 715 нафар ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланди. Тумандаги 21 та умумтаълим мактаблари замонавий “Пентиум-4” компютерлари билан тўлиқ жиҳозланган. Жарқўрғон тумани халқ таълими бўлими қатор ибратли ишларни амалга ошириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сонли қарорига асосан “Мактаб-кутубхона. Оила жамоат ташкилоти” хайрия кўрик танловларини ўтказиб, мактаб кутубхоналарини ўқув дарсликлари, турли маънавий-маърифий китоблар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. 2008 йил 11 мартдаги Жарқўрғон туманининг халқ таълими бўлими томонидан 56-А буйруғи асосида “Мактаб кутубхона-оила-жамаот ташкилоти” хайрия тадбирини ўтказди. Натижада туман мактабларида 5 минг донадан ошиқ 2 млн 314 минг сўмлик бадиий асарлар тўпланди. Туман ҳокимининг ташаббуси билан 50 млн сўмлик маблағ ажратилиб, бадиий

адабиётлар туман кутубхоналарига етказиб берилиб, умуман 2005-2008 йилларда 13 млн 361 минг 882 сўмлик бадиий асарлар мактаб кутубхоналарига етказиб берилди. Энг муҳими ҳомийлик ёрдамининг ташкил этилиши туфайли хайрия тадбирлари асосида ўқувчилар. Ўқитувчилар, ота-оналар томонидан жами 6310 дона, 9310400 минг сўмлик бадиий асарлар мактаб кутубхоналар фондига эсдалик сифатида тақдим этилди. Жарқўрғон туман ҳокимлигининг бевосита раҳбарлиги, ҳомийлиги ва ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбарлари тўғрисида”ги 331-сонли қарорига асосан 2004-2008 йилларда муҳим аҳамиятга эга бўлган мактабларни қайта таъмирлаш, янги бинолар, спорт, маънавий-маърифий иншоотларни қуриш масаласида катта ишлар бажарилди. Туманда 2004 йил 6-7- умумўрта мактабларида 43 млн сўмлик капитал таъмирлаш, 2005 йилда 15-умумий ўрта таълим мактабда 268,7 млн сўмлик капитал таъмирлаш ишлари қилиниб, 640 ўринли янги мактаб биноси ва спорт зали қуриб битказилди. Туман ҳокимлигининг раҳбарлигида ва ҳомийлигида 2006 йилда 26-умумий ўрта таълим мактабида 712,031 млн сўмлик, 32-умумий ўрта таълим мактабда 353,763 млн сўмлик маблағлар қайта таъмирлашга ва спорт залларини қуриб битказишга сарфланди. Шунингдек 2007 йилда тумандаги 9-умумий ўрта таълим мактабида 353,298 млн сўмлик капитал қайси таъмирлаш ишлари бажарилиб, 315 ўринли янги ўқув биноси ҳамда спорт зал бинолари қуриб битказилди. 2008 йилда туманда 44-умумий ўрта таълим мактабида 490 ўринли янги қурилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек 1, 5, 23, 25, 28,41, 43, 46, 52-умумий ўрта мактабларда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 55-умумий ўрта таълим мактабида 273, 199 млн. сўмлик маблағлар сарфланиб, 140 ўринли янги ўқув биноси ва спорт зали, 31-мумий ўрта таълим мактабида 23,850 млн. сўмлик қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, туман мактабларини замонавий бинолар билан таъминлаш, мактабни моддий техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий педтехнологияларни жорий этиш масаласида республикада аҳамиятга эга бўлган ибратли ишлар бажарилди. Жарқўрғон туман ҳокимлиги туман ўрта

таълим мактабларига бевосита раҳбарлик қилиб, мактабларда ободонлаштириш ишларига ҳомийлик ишларини янада кенгроқ ривожлантирмоқда. Жарқўрғон туман ҳокими Норбой Шомуродовнинг бевосита ташкилотчилиги, туман халқ таълимига беқиёс ёрдами, мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларига ҳар томонлама амалий ёрдам бериш, маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаши туфайли 2004-2005 ўқув йилида мавжуд 56 мактабларнинг 43 тасини атрофи замонавий деворлар билан ўралиб, фермерлар, корхона ва ташкилотлар ва ҳомийларга мактабларга амалий ёрдам беришни ташкил этилиб, туман мактабларига 135 млн. 480 минг сўмлик қурилиш ишлари ҳомийлар ёрдамида амалга оширишга раҳбарлик ва ташаббускорлик қилганлиги туфайли туман ҳокими Норбой Шомуродов 2005 йилда “Халқ таълими ҳомийси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Мустақиллик йилларида туман халқ таълими тизими ҳар томонлама юксалиб, замонавий жаҳон андозасига мос таълим тизими шакллантирилиб, мактаблар замонавий моддий техник жиҳатдан тўлиқ таъминланиб, юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масаласи ижобий хил қилинди. Энг муҳими туманда ёш авлодни тарбиялаш, миллий мустақиллик, миллий ғоя эътиқодлари руҳида тарбиялаш, юксак даражадаги билимга эга бўлган ўқувчи ёшларга таълим тарбия бериш масаласи ижобий ҳал этилмоқда.

Мустақиллик йилларида ижтимоий ва маданий ҳаёт.

Республикамида янгиланаётган жамиятимизни ҳар томонлама етукликка олиб чиқувчи асосий омиллардан бири бу маънавиятдир. Маънавиятнинг бойлиги келажак пойдеворининг мустаҳкамлигидан далолат беради. Бугунги мустақиллик йилларида эзгу қадриятлар ва анъаналаримиз асосида яратилаётган мустақиллик мафкураси ҳам бой маънавиятимизнинг давомидир. Мафкура ва маънавиятни бойитишда халқимизнинг асрлар оша асраб ва бойитиб келинган боқий анъаналари ва қадриятларининг ҳам ўзига хос муносиб ўрни бор.

Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти Ислом Каримов бу масалада тўхталиб: «Халқимиз асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини, одамлар қалби ва онгига етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалолликни, мардликни ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим», - деб таъкидлаган эди. Шунингдек, вилоят туманларида ҳам кўплаб драма ва қўғирчоқ халқ театрлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. 1968 йилда «Халқ театри унвони»ни олган Жарқўрғон тумани Маданият уйи қошидаги драма халқ театри шулар жумласидандир.

Жарқўрғон тумани халқ театри 1999 йилнинг апрел ойида «Қайтар дунё» спектаклининг премьерасини ижро этиб, ҳаётий воқеалар орқали инсон қадри қиммати, одоб ахлоқ тушунчалари бериш орқали ёшларимиз тарбиясига муносиб ҳисса қўшди.

1994 йил 28 июнда вилоят ҳокимининг Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлимини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Марказнинг бўлимлари туманларда ҳам ташкил этилгач халқ орасида турли тадбирлар бошлаб юборилди. Ўтказилаётган бу маънавий ва маърифий тадбирлар ҳамда туман ижод аҳли билан учрашувлар, ўлка аҳолисини, юрт тарихини ўрганиш, миллий

қадриятларни чуқурроқ англаш, кишиларни меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли қилиб тарбиялаш каби жараёнларга алоҳида ҳисса қўшди.

Туман аҳлига маданий жиҳатдан хизмат кўрсатиш, уларнинг дам олиш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишда туманда 1932 йилдан бери фаолият кўрсатаётган «Jarqurgon» газетаси (муҳаррири Шароф Муҳаммадиев)нинг ўзига хос ўрни беқиёс даражада каттадир. Мустақиллик шароитида туман матбуоти ҳам улкан юксалиш ва тараққиёт палласига қадам қўйди. Нашр қилинаётган газетанинг бадиий савияси яхшиланди, нашр тиражи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Газетада оммабоп рукнлар кўплаб ташкил этила бошланди.

«Jarqurgon» газетасида мустақиллик йилларида Ҳамид Олимжон фермерлар уюшмасидан Жумагул Суюнованинг маиший-ахлокий мавзудаги мақолалари, «Оккўрғон» сувдан фойдаланувчилар уюшмасидан Нуруллоҳ Ҳожи Тўхтаевнинг маърифий битиклари, Қувондиқ Бегалиев (туман маҳалла қўмита раиси) маҳаллалар ҳаётидан олинган чиқишлари газетхонларга яхши таниш бўлиб қолди. Улардан ташқари «Октепа»лик Болта Тангиров, «Боботоғ» маҳалласидан Боймирза Рўзиқулов, «Сурхон»дан Жаҳонгир Хўжанов, «Тўхта Шобуров»дан Жаҳонгир Жонназаров, «Пахта заводи» маҳалласидан Санам Усмонқулова, 43 - ўрта мактабдан Орзигул Мамаюсупова, 31 - ўрта мактабдан Насиба Норқувватова, 17 - ўрта мактабдан Муборак Ҳайитова, «Ҳ. Олимжон» маҳалласидан Майинхон Саломова, 22-сонли коллеждан Тўра Самадов, «Янги усул» маҳалласидан Жума Усмонов, «Жарқўрғон» сувдан фойдаланувчилар уюшмасидан Матлуба Ниёзова сингари ижодкор тумандошлар ўз мақолалари, хатлари, шеърлари ва ўзлари яшаётган жойлари ҳақидаги янгиликлар билан туман газетасида фаол қатнашиб келишмоқда.

Сирасини айтганда матбуотда катнашиб туриш ҳар бир кишининг фаол фуқаролик белгисини билдиради. Атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, янгиликларга хайриҳоҳлиги, камчилик ва нуқсонларни танқид қилиш ана шу фаоллигида кўринади. Ўткир фикр, ўткир сўз билан жойларда муаммоларнинг ўнгланишига ҳисса қўшишнинг савоби катта бўлади.

Туман газетасининг ранг-баранг чиқишида ўзларининг ўткир мақолалари билан ижод қилиб келаётган журналистлар ҳам талайгина. Булар Ш.Муҳаммадиев, Т.Турдиев, Х.Худойқулов, М.Абулфайз ва А.Поёновлардир.

Туманда санъаткорлар ҳам катта ютуқларни қўлга киритиб, туман санъатини ривожлантиришда тинимсиз меҳнат қилмоқдалар. Жумладан, 2003 йилда «Алла» ижрочиларининг 6 - анъанавий кўрик-танловида Жарқўрғон тумани бадиий жамоаси 2 - ўринни эгаллади. Бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришда қўшган ҳиссаси учун Жарқўрғон тумани маданият уйи қошидаги «Дилрабо» ашула ва рақс дастаси бадиий раҳбари Норали Алланазаровга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвони берилди. Тумандаги Сурхон сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ)да 1978 йилда ташкил этилган «Сурхон гуллари» номли ашула ва рақс дастаси 1992 йилда Республика «Марҳабо талантлар» фестивалида ўзининг ажойиб рақслари билан қатнашди. Бу даста ҳозирги кунда ўзининг қўшиқ ва рақсларини қардош халқлар ашула ва рақслари ҳисобига бойитиш устида иш олиб бормоқда. Ш.Кўчимов (мусиқа раҳбари), Шомирза Сатторов, Нуриддин Тоштемиров (ашулачилар), Хадича Қурбонова, Валя Сатагина (рақҳосалар), Муҳаббат Мирсаидова (балетмейстер) каби халқ севган санъаткорлардан ташкил топган «Сурхон гуллари» номли ашула ва рақс дастаси тез-тез ишчи ва хизматчилар ҳузурида бўлишиб аҳолига маданий хизмат қилмоқда. Туманда шунингдек «Садо» гуруҳи, А.Навоий хўжалигида «Мураббий» фольклор этнографик дастаси, Тўхта Шобуров хўжалигида «Алпомиш» гуруҳи, туман маданият бўлимида тузилган рақс дастаси (бадиий раҳбари А.Риспаева) каби ашула ва рақс дасталарининг номларини келтириб ўтиш жоиз. 1995 йил декабрь ойида «Ўзбекистон - Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик танлови эълон қилинганидан сўнг юзлаб янги, мустақиллик даври қўшиқлари яратилди. Бу кўрик танлов мамлакатимизнинг ҳамма вилоят, шаҳар ва туманларида кўтаринкилик билан ўтказилди.

1996 йил 27 август куни «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ байрами ҳақида махсус фармон қабул қилинди. Фармонда ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ байрами куни деб

белгилаб қўйилди. Шу фармонга кўра Жарқўрғон туманида ҳам ҳар йили шу кўрик танлов ўтказиб келинмоқда. 1999 йили туманда учта жанр (миллий, фольклор, эстрада) да ҳамда «Бахшилар танлови» билан бирга ўтказилган байрамда қуйидаги натижалар чиқарилди:

I - ўринда Нажмиддин Жононов (Садо гуруҳи)

I I - ўринда Абдулла Саидов (мактаб ўқувчиси)

I I I - ўринда (икки киши) - Сафар Қурбонов (шаҳар мусиқа мактаби), Норбўта Жумаев (А.Навоий хўжалиги «Мураббий» дастаси).

Танловда I ва II ўринни эгаллаганлар ва бахшилар ичида ғолиб топилган Ўрол Худойқулов вилоят босқичига йўл олди.

Жарқўрғон туманида бир-биридан аҳамиятли янгиликлар қаторида туман халқ театрининг («Наврўз» маданият саройи қошидаги) ўзига хос интилиш билан иш олиб борилаётгани диққатга сазовордир, 1999 йили туман халқ театри «Қайтар дунё» спектаклини намойиш қилди.

Ҳамро Бўриев саҳнага қўйган ушбу асар икки парда, тўрт кўринишдан иборат бўлиб, режиссёр ҳаётий воқеалар оркали инсон қадр-қиммати, одоб-ахлоқ тушунчаларини саҳнага кўчира олди.

Туманда санъат соҳаси билан бирга маънавий соҳа ҳам мукаммалгаривожланиб, марказий кутубхонанинг китоблар жамғармаси янги-янги бадиий, адабий, илмий-оммабоп асарларга бойиб бормоқда. Кейинги олинган китоблар ичида Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор соғинчи (1-жилд) ҳикоялар тўплами, А.Эгамназаровнинг «Қувноқ мухбирнинг саргузаштлари» қиссаси, болалар адабиёти туркумидан Зафар Диёрнинг «Оқ айиққа соз қайиқ», Рамз Бобожоннинг «Мадинанинг кулгуси», М.Икромнинг «Овчи саргузаштлари», «Буғдой бобо эртаги» (лотин алифбосида) кабилар шунингдек, «100 саволга 100 жавоб» (В.Тюриков), Ўзбекистон Республикаси (В.Тюриков), «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» сингари асарлар бор. 2002 йилда туманда 56 та кутубхонада 62 нафар ходим меҳнат қилди. Туман кутубхоналарида бадиий адабиётлар сони 106568 тани, Президент асарлари сони 2100 тани туман бўйича жами 107744 тани ташкил қилди.

Туман марказий кутубхонаси ходимлари Мустақиллик байрами, Конститутциянинг қабул қилинган куни, Устоз ва мураббийлар куни, «Ватан ҳимоячилари куни»га, Хотин-қизлар байрами, Наврўз ва бошқа ана шундай байрамларга бағишлаб китоблар кўргазмасини ташкил қилиб келмоқда.

Туман марказий кутубхонасига қарашли тармоқ кутубхоналари ҳам ҳар йили бундай тадбирларни ўтказиб келдилар. 1999 йили «Сурхон» хўжалигидаги «Меҳнатобод» маҳалласидаги 16 мактабда «Аёл борки, олам мунаввар» мавзусида ўтказилган ёш келинчаклар беллашувида (маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Д.Тангирова ва 9, 10, 11 тармоқ кутубхоначилари ташкил этган кўрик танлов) биринчи ўринни эгаллаган М.Бердиева, иккинчи ўрин соҳибаси С. Бегматова, учинчи ўринни олган Г.Бердиеваларга эсдалик совғалари топширилди.

Туман маданият бўлими ходимлари ҳар йили Кокайди қўрғонидаги Н - қисм жангчилари ҳузурида Ватан ҳимоячилари куни арафасида ташриф буюришиб қисмнинг аскар ва офицерлари билан суҳбат давомида янги адабиётлар, газета - журналлар кўргазмаларини намойиш қилдилар. Ўзаро савол - жавоблар орқали уларнинг турли мавзудаги саволларига жавоб бердилар. Туманнинг «Файз» гуруҳи ва бошқа рақс дасталари Н - кисм аскарларига концертлар намойиш қилиб бормоқдалар.

Туманда 1998 йилда 12 та бадиий ҳавоскорлик тўгараклари иккита халқ ансамбли, битта халқ театри учта фольклор ансамбли, битта мусиқа мактаби, 9 та маданият саройи, 7 та кинотеатр, 1 та музей, 11 та кино курилмалар ишлаб турган бўлса, 2006 йилда 12 та клуб ва маданият уйлари, 35 та кутубхоналар туман аҳолиси учун хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида Жарқўрғон туманида меҳнаткашларнинг соғлиғини яхшилаш мақсадида спортга катта эътибор қаратилди. Жисмоний тарбия кишилик жамияти тарихининг барча босқичларида халқ маданиятининг таркибий ва муҳим қисми бўлиб келган. Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилгач, кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида 1992 йил 14 январда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» қонун қабул қилинди. 1993 йил 18 мартда «Ўзбекистон Республикасида футболни

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Мамлакатда «Соғлом авлод» Давлат дастури ишлаб чиқилди ва кенг кўламда амалга оширила бошланди.

Жарқўрғон туманида аҳолининг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, шахсий, хусусий ва давлат аҳамиятига эга бўлган қурилишлар яъни уй-жой, маъмурий ҳамда жамоатчилик биноларини қуришга алоҳида эътибор берилди. Жумладан 1995 йил қурилиш соҳасида катта ютуқларга эришилди.

Замонавий уй-жой қурилишини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларни ошиб бориш туфайли аҳолини сони ўсиб, уй-жойга бўлган талаб ошиб борди. Туманда давлат сектор билан биргаликда хусусий ва шахсий уй-жой қурилишига бўлган талаб ошиб борди. Туманда уй-жой қурилиши 1995 йилда Жарқўрғон шаҳрида 25893 квм уй жойлар қуриб ишга туширилди.

Жарқўрғон туманида замонавий типдаги мактабларни қуриш, мактабларни моддий-техник имкониятларни мустаҳкамлаш масаласида жиддий эътибор берилди. 1996 йил Жарқўрғон шаҳрида 320 ўринли мактаб бинолар қурилиб ишга туширилди.

Туманда уй-жой қурилиши масаласига алоҳида эътибор берилиб, замонавий уй-жойларни қуришга, шахсий уй-жойларни қурилиши эътибор берилди. 1996 йил Жарқўрғон туманида 8,2 минг кв.м уй-жойлар қуриб ишга туширилди. Аҳоли уй-жойларни шаҳарларда қурилишга архитектура жиҳатдан эътибор беришга алоҳида эътибор берилди. Туманда қурилиш ишларни амалга ошириш йўналишда муҳим ишлар бажарилиб, 1996 йил капитал қурилиш учун маблағлар сарфлаш Жарқўрғон шаҳрида 606,2 млн сўм миқдорда капитал маблағлар ажратилди.

Аҳоли сонини ўсиши, шаҳар инфратузилмасини ривожланиши, демографик жараёнларни ўсиши натижасида аҳолини уй-жойга бўлган талаби ошиб, янги турар жойлар қурилиш ишга туширилди. Уй-жой қурилишида хусусий ва шахсий секторни ўрни ошиб борди. Туманда уй-жой қурилиши замонавий ҳолда ташкил этилиб 2000 йилда Жарқўрғон туманида 60050 квм уй жойлар қуриб ишга туширилди.

Умуман 1991-1996 йилларда шаҳарларни тўлиқ табиий газ билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор берилиб, тўлиқ табиий газлаштиришга эришишга ҳаракат қилинди. 1991-1998 йилларга келиб табиий газ билан таъминланиш даражаси Жарқўрғон туманида 51,2 км узунликда газ қувурлари ўрнатилиб, шаҳар аҳолисининг 94 фоиз газ билан таъминланди. 1991-1998 йилларда Жарқўрғон туманида 145,1 км сув қувурлари ўрнатилиб, шаҳар аҳолисини 85фоизи ичмлик суви билан таъминланди.

Жарқўрғон шаҳрида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласида сезиларли ишлар қилинди. 2005 йилда шаҳардаги 6 та аҳоли яшайдиган даҳада 16 та насослари таъмирланиб, 2,8 минг яқин аҳоли ичимлик суви билан таъминланди ичимлик сув қувурларини таъмирлаш-да ҳомийлар томонидан 8500000 сўмлик маблағлар сарфланди. 3,6 км сув қувурлари янгидан ўрнатилди.

Жарқўрғон шаҳрида 2005 йилда тўлиқ газлаштирилиб, янги қурилган аҳоли яшайдиган даҳаларга 3,5 км газ қувури бюджет маблағи ҳисобидан қурилди.

Туман аҳолисини истеъмол моллари билан таъминлаш учун савдо тармоқларни ривожлантириш, савдо хазмати кўрсатиш маданиятини ошириш, савдо шахобчалари замонавий усулда қуриб ишга тушириш учун муҳим тадбирлар амалга оширилди. Савдо шахобчаларни кўпайтириш туфайли шаҳарларда аҳолини талаб эҳтиёжини қондириш бўйича муҳим ишлар қилинди. шаҳарларда 1991 йилда савдо хизмати умумий овқатланишни қўшган ҳолда чакана савдо айланмаси Жарқўрғон туманида 113 млн сўмлик аҳолига савдо хизмати кўрсатилди.

Туманда аҳолини талаб эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда савдо хизати кўрсатиш, янги замонавий савдо хизмати ташкил этиш бўйича муҳим амалий тадбирлар бажарилиб кўплаб янги замонавий савдо шахобчалари қуриб ишга туширилди. Туман аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш 1995 йилда Жарқўрғон шаҳрида 332 млн сўмни ташкил этди.

Савдо сотиқ ривожига эътибор масаласи муҳим амалий ишлар бажарилиб, шаҳарларда аҳоли савдо хизмати кўрсаткич бўйича самарадорли ишлар

қилинди. 1997 йилда Жарқўрғон шаҳрида 165 савдо хизмат кўрсатиш, 84 та умумий овқатланиш корхонаси туман аҳолисига хизмат кўрсатди.

Туманда аҳолини истеъмол талаб-эҳтиёжини қондириш масаласида халқ истеъмол моллари бўйича маҳсулотни таъминлаш ҳам сотиш бўйича муҳим ишлар қилинди. Маҳаллий саноат корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, озиқ-овқат савдосини янада ривожлантириш бўйича шаҳарларда муҳим ишлар қилинди. Айниқса,, ноозиқ-овқат маҳсулотлар бўйича нодавлат секторга катта амалий ёрдам кўрсатилди. 2000 йил туманда савдо хизматни замонавий усулда ташкил этиш туфайли Жарқўрғон шаҳрида 4930 млн сўм савдо хизмат кўрсатилди.

Жарқўрғон туманида 2005 йил аҳолига савдо хизмати кўрсатиш чакана савдо айланмаси ҳисобида 143,6 фоизи, пуллик хизматлар 102,3 фоизни ташкил этди. 2005 йилда туманида 11 та савдо нуқтаси ишга туширилди. Ташқи садо айланмаси 21 млн 719 минг долларни ташкил қилиб, 2006 йилда маҳсулотлар экспорти 21 млн 272 минг долларни ташкил қилди. Ташқи савдо 2005 йилга нисбатан 8,6 баробар ўсди. Жарқўрғон туманда импорт 447 минг доллардан ошиб, 2005 йилга нисбатан 147,9 фоизга етди.

Туман аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш борасида муҳим амалий ишлар қилинди. энг муҳим ижтимоий таъминот учун зарурий маблағларни ажратиш ҳамда ижтимоий ҳимояни зарур асосларни ёритиш масаласида алоҳида тадбирлар ўтказилди. 1996 йил Сурхондарё вилоятида ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий ҳимоя таъминотига эга бўлганлар сони аниқланиб мунтазам тарзда амалий ёрдам бериб борилди. Ушбу масаладаги шаҳар аҳолисига ижтимоий ёрдам бериш борасида мақсадли ишлар амалга оширилди. Айнгиқса ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳолини аниқлаб, рўйхатга олиш ишлари шаҳарларда белгиланган режа асосида бажарилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Жарқўрғон шаҳрида 42 та, Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари Жарқўрғон шаҳрида 23 та кишини ташкил этди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ортида хизмат қилиб, турли касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлиб қолганларга ҳам моддий-маънавий ёрдам бериш масаласида алоҳида

тадбирлар ишлаб чиқилди. Уруш даврида фронт орқасида хизмат қилганлар 1996 йилда Жарқўрғон туманида 620 та киши истиқомат қилаётганлиги аниқланиб, ижтимоий ёрдам уюштирилди. Ижтимоий ҳимоя масаласи давлат назоратга олинган жиддий йўналишлардан бири бўлиб айниқса уни моддий жиҳатдан ҳимоя қилиш бош долзарб масалалардан бирига айланди. 1996 йил Сурхондарё вилоятда ушбу масалада алоҳида амалий ишлар қилиниб ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини рўйхатга олиш масалалари бўйича махсус тизим яратилди. Натижада шаҳарларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва ногиронлар сони аниқланиб чиқилди. Болаликдан ногиронлар сони Жарқўрғон шаҳрида 170 тани ташкил этган бўлса, меҳнатда майиблашган ногиронлар сони Жарқўрғон шаҳрида 27 тани ташкил этганлиги маълумотларга қайд этилган. Аҳолини ижтимоий таъминот йўналиши бўйича пенсия билан таъминлаш ва уларга сарфланадиган ҳаражатлар тўғрисидаги маълумотга асосланиб қуйидаги тарихий маълумотлар аниқланди. Туманда нафақа олувчилар сони ва уларга сарфланадиган ҳаражатлар Жарқўрғон шаҳри 22768 та бўлиб, 22350,0 сўмни ташкил этди. Туманда ёш болалар учун оналик ва болалик учун нафақа олувчилар сони ва уларга сарфланадиган ҳаражатлар 1996 йил 1 июлда Жарқўрғон туманида 3200 та бўлиб, 1750 минг сўмни ташкил этган. Туманда оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг бош мақсади бўлиб, зарурий маблағлар билан таъминлаш учун бутун чора тадбирлар кўриб чиқилди.

Ижтимоий соҳада мустақиллик йилларида муҳим амалий ишлар бажарилиб, аҳолини турмуш даражасини ўртача яшаш шароити иқтисодий жиҳатдан ўсиб борди. Айниқса туманда янги саноат, корхоналарни ишга тушириш туфайли ишчи ўринлар яратилиб, ишсизликни олди олиниб иш ҳақи миқдори кўтарилди. Туманда ўртача иш ҳақи 1995 йилда 869,5 сўмни, 1996 йил 1759,8 сўмни, ўртача ўсиш 202,4 фоизни ташкил этган бўлса, жумладан саноатда ўртача иш ҳақи 1995 йил 1200 сўмни, 1996 йил йил 2481,9 сўмни ўртача ўсиш 206,8 сўмни, қурилишда ўртача иш ҳақи 1995 йил 1201 сўмни, 1996 йил 2460,1 сўмни ўртача ўсиши 204,8 фоизни, транспортда ўртача ойлик иш ҳақи 1332 сўмни, 1996 йилда 2573,9 сўмни, ўртача ўсиши 193,2 фоизни,

аҳоли ўртача ойлик иш ҳақи 1995 йил 1286 сўмни, 1996 йилда 246,8 сўмни, ўртача ўсиши 188,7 фоизни, савдо ва умумий овқатланиш ўртача иш ҳақи 1995 йил 536,3 сўмни, 1996 йил 1229,1 сўмни, ўртача ўсиш 229,6 фоизни ташкил этди. Туманда турмуш тарзи яхшиланиб, шаҳар аҳолиси таркиб ва касб йўналиши бўйича хизмат қилиш турлари ўсиб, хизмат турлари кўпайиб бориш натижасида шаҳарликларни ижтимоий турмуш тарзи анча юксалди.

Туманда ўртача иш ҳақини ўсиши натижасида зарур моддий манфаатдорлик ўсиши алоҳида қайд этилмади. Ўртача иш ҳақини ўсиш қуйидаги рақамларча шаҳарлар бўйича таҳлил этилди. Жарқўрғон туманида ўртача иш ҳақи 1996 йил 1758,3 сўмни, 1997 йил 3364,6 сўмни ташкил этди. Юқоридаги қайд этилган рақамлар туманда ўртача иш ҳақини ўсиши аҳолини ижти-моий ҳимоя ва турмуш тарзини мунтазам яхшилаш учун зарурий шароитларни яхшиланишига олиб келди. Ўртача иш ҳақини ўсиши янги иш жойлар ва янги қурилиш объектларни ишга тушиши, иш билан таъминлаш ташкилотларни бевосита ижобий фаолиятини натижаси бўлди.

Жарқўрғон туманида ижтимоий химоя, ҳамда таъминот масаласига алоҳида эътибор берилиб, 2005 йил ёлғиз кексалар, нафақахўрлар ва ногиронларларнинг 526 нафарига 7 млн 120 минг сўмлик модий ёрдам берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 5177 нафар ўқувчилари 114 млн 59 минг сўмлик қишки кийим-кечаклар билан таъминланди. 2006 йилда 220 нафар ёлғиз кексалар, ногиронларнинг уй-жойлари таъмирлашга эришилди.

Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ислоҳотларнинг ьориши тармоқлар бўйича дастлабки якунлари, таҳлиллари қўйидагиларни кўрсатмоқда.

Туманда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари йилдан йилга яхшиланиб. Замонавий маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари пайдо бўлди. Туманда аҳолига алоқа, туристик экскурсия, жисмония тарбия, санитория курорт ва соғломлаштириш ва бошқа ҳолатлар бўйича хазмат кўрсатиш яхшиланиб, уларга сарфланадиган пуллик хизмат кўрсатиш бўйича пуллик хизмат кўрсатиш бўйича 1991 йил Жарқўрғонда 9,8 млн сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

Аҳолини турмуш даражасини яхшилаш, маиший хизмат кўрсатиш турларини яратиш бўйича муҳим амалий ишлар қилинди. Туман аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, банк хизматларни талаб даражасида ташкил этиш бўйича муҳим тадбирлар қилинди. маиший хаизмат кўрсатиш бўйича пуллик хизмат кўрсатишни ошириш туфайли 1995 йилда Жарқўғон шаҳрида 16,1 млн сўмлик пуллик маиший хизмат кўрсатилди.

Халқни турмуш тарзини яхшилаш, зарурий шароитларни яратиш, хизмат кўрсатиш тармоқларни кўпайтириш муҳим масала бўлиб, бу масалада давлат томонидан катта миқдорда маблағлар ажратилди. Маиший хизмат турлари учун зарурий йўналиш бўлган транспорт хизмати, алоқа, уй-жой, коммунал, санатория-курорт ва соғломлаштириш хазматлари учун катта миқдорда маблағлар ажратилди. Туманда пуллик маиший хизмат кўрсатиш 2000 йилда Жарқўрғон шаҳрида 777,2 млн сўмлик амалий ишлар қилинди.

Жарқўрғон туманида мустақиллик йилларида ижтимоий соҳада катта амалий ишлар бажарилиб, аҳолини турмуш даражасини янада юксалтириш, зарур шарт-шароитларни яратиш, замонавий уй-жойлар, дам олиш масканларини қуриш бўйича катта ишлар бажарилди. Туманда 2006-2007 йилларда капитал қурилиш масаласида сезиларли ишлар қилиниб, 2006 йилда 20781,2 млн сўилик капитал қуйилмалар, 5788,4 млн сўмлик пудрат ишлари бажарилиб, аҳоли талаб эҳтиёжлари асосида 40,2 м.м^2 уй-жой бинолари қуриб ишга туширилди. Энг муҳими аҳолининг турмуш даражаси учун зарур бўлган газ-сув таъминоти, савдо умумий овқатланиш масаласида сезиларли ижобий ишлар бажарилди. 2006 йилда 10,5 км табиий газ қувурлари, 17,1 км ичимлик сув қувурлари ўрнатилди. Энг муҳими аҳолига хизмат кўрсатиш масаласида 15 та маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, 292 ўринли умумий овқатланиш шаҳобчалари қуриб ишга туширилди. Жарқўрғон туман аҳолисини кундалик талаб эхтиёжларини ҳисобга олган ҳолда алоқа ва транспорт соҳасида ҳам жиддий ютуқларга эришилди. 2006 йил туманда 5557,7 минг тонна юклар автомобил транспорти орқали ташилиб, аҳолига 29370,0 млн сўмлик таққослама нархларда 29370,9 млн сўмлик амлдаги нархларда савдо хизматлари амалга оширилиб, ўртача аҳоли жон бошига 182996 сўмлик савдо хизматлари

амалга оширилди. Жарқўрғон туманида ижтимоий соҳада хизмат турлари янада ривожланиб, аҳолини турмуш даражасини юксалтириш мақсадида туман ҳокимлигида муҳим аҳмиятга эга бўлган амалий ишлар бажарилди. Туман ҳокимлиги ижтимоий соҳанинг ҳар бир йўналишига жиддий эътибор қаратиб, давлат сиёсатидан келиб чиқиб муҳим қарорлар қабул қилиб, уни натижаларига амалий жиҳтдан эътибор берди. 2007 йилда ижтимоий соҳада амалга оширилган ишлар туманни ижтиоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига муносиб хисса қўшди. 2007 йилда аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган 8,5 м.м^2 уй-жой қурилиши, 1,1 км ичимлик сув қувурлари қуриб ишга туширилди. 140 кв.м савдо шаҳобчалари 25 ўринли умумий овқатланиш шаҳобчалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Алоқа ва транспорт соҳаси янада ривожланиб, 88000 минг тонна юклар ташилиб, 66,3 млн сўмлик алоқа хизматлари амалга оширилди. Энг муҳими маиший хизмат кўрсатиш соҳасида алоҳида эътибор берилиб, аҳоли жой бошига ўртача 983,6 сўмлик маиший хизмат кўрсатилиб, жами 157,9 млн сўмлик амалдаги нархларда маиший хизмата ишлари бжарилди. Туманда ташқи иқтисодий алоқалар ривожига алоҳида эътибор бериб, ташқи савдо айланмаси 2007 йилда 6063,8 минг долларлик хизматлар амалга оширилди. Жумладан туманда 257,8 минг долларлик импорт, 5806,5 минг долларлик экспорт ташқи савдо айланмаси амалга оширилди. Жарқўрғон туманида мустақиллик йилларида ижтимоий маданий соҳада юксак натижага эришган ходимларнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан алоҳида қадрланиб, уларнинг меҳнатига муносиб баҳо берилди. 1998 йил Н.П.Алланазаров “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига эга бўлиб, тумандаги “Дилрабо” ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик қилиб, туман маданиятига муносиб хисса қўшди. Шунингдек 1991 йилда Х.Сайдуллаев “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” унвонига, 1999 йил Т.М. Мустанов “Эл юрт хурмати” орденига, 1997 йилда Ж.Н.Норалиев, 2001 йил С.У.Бобоназаров, 2002 йил Н.И.Шомуродов “Меҳнат шухрати” орденларига, 1996 йил Қ.Хидиров, 1996 йилда А.Максеев, 1997 йил А.Бердиқулов, 1999 йил А.Тўхташев, Э.Маманазаров, Н.Эргашева, 2000 йил А.Х.Сатторова, 2003 йилда Х.Эшматов, 2004 йилда У.Худойбердиев, 2004 йил Г.Мардаев, 2005 йил

Қ.Муродов, С.Бобоёрова, Б.Шоимова, Ф.М.Яҳёев, 2006 йилда И.Дадабоевалар “Шухрат” медалига сазавор бўлдилар. Республикамизнинг мустақиллигини янада равнақ топишида, ёш авлодни маънавий жиҳатдан тарбиялашда, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашда, маданий-маънавий, иқтисодий, хўжалик соҳасида катта тажрибага эга бўлган тажрибали, фидоий инсонлардан 1991 йил Д.Алибоев, 1992 йил А.Хусанов, М.Йўлдошев, Қ.Вахобов, Н.Ф.Турдиев, Р.Мавлиянов, 1993 йил М.Давлатова, К.Тангиров, Х.Бердишев, А.Мусурмонқуловлар “Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ёрлиғи” билан тақдирланидилар.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида туманда халқ таълими, маданият, маърифат ва маънавият соҳаларида маълум бир ютукларга эришилди. Туман ижод аҳли тинимсиз изланишлар олиб бориб, маънавият ва маърифатни юксалтирибгина қолмасдан, халқимизнинг бебаҳо қадриятларини дунё халқлари олдида намойиш қилиш имконига эга бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида тиббиёт.

Мустақиллик йилларида туманда тиббиёт мутахассисларига бўлган эътибор ўсиб, уларнинг тажрибалари умумлаштирилиб, республика илмий-услубий марказлари билан алоқаси мустаҳкамланди. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида 1990 йили 3399 нафар олий маълумотли шифокор ишлаган бўлса, 1991 йилга келиб, 3549 тага етди. Тиббиёт ходимларининг сони ошиб бориши аҳолига бўлган хизматни яхшилаш билан бирга янги даволаш бўлимларининг ташкил топишига, тиббиёт хизмати сифатини оширишга шароит яратди.

Соғлиқни сақлаш борасида ишлар қилиниб янги касалхоналар даволаш ўринлари қуриб ишга туширилди. Туман аҳолиси соғлиқни сақлаш бўйича муҳим ишлар қилиниб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласида алоҳида ишлар қилинди. Чет элдан замонавий тиббиёт ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Туманларда мавжуд касалхоналар қайта таъмирланиб, шифохоналардаги ўринлар сони ошиб борди. 1991 йилда Жарқўрғон шаҳрида 3 та касалхона бўлиб, улардаги ўринлар сони 570 тани ташкил этган.

1991 йилда туманда 230 нафар врач туман аҳолисининг соғлиғини сақлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилди.

Туманда ўрта маълумотли тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан ўрта тиббиёт ҳодимларини тайёрлашда Термиз, Денов, Шеробод тиббиёт билим юртларининг хиссаси катта бўлди. Шунингдек, Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтлари туманда тиббиёт ходимларини малака ошириши ва услубий ишларини яхшилашда амалий ёрдам берди. 1992 йил вилоятда ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 13 минг 283 тани жумладан, Жарқўрғон туманида 787 тани ташкил этди.

Мустақиллик шарофати билан 1992 йилга келиб тиббиёт соҳасига бўлган эътибор янада кучайди, тумандаги кўпгина касалхоналар қайта таъмирдан чиқарилди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилаш мақсадида хорижий мамлакатлардан замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди. 1992 йил туманда ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 787 нафарни ташкил этди.

Вилоят аҳолисининг ҳар 10 минг кишисига 1992 йилда 81,5% ўриндиқлар тўғри келган бўлса, 1993 йил-га келиб 79,3% ни ташкил этди. Бу кўрсаткич Жарқўрғонда 57,1 фоизни ташкил этди.

Туманни инфратузилмасини яхшиланиши туфайли аҳолига тиббий хизматини кўрсатиш, янги замонавий билимга эга тиббиёт ходимлар хизматини ташкил этиш, касалхоналарни замонавий талаб даражасида қуриш, етарли дори-дармон, тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада 1995 йил туманда тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Даволаш масканлари сони ошиб, шифохоналардаги ўринлар сони Жарқўрғон шаҳрида 3 та касалхона 520 та ўрин мавжуд бўлиб, туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатилди.

Туман инфратузилмасини яхшиланиши туфайли аҳолига тиббий хизматини кўрсатиш, янги замонавий билимга эга тиббиёт ходимлар хизматини ташкил этиш, касалхоналарни замонавий талаб даражасида қуриш, етарли дори-дармон, тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада 1995 йил вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Даволаш масканлари сони ошиб, шифохоналардаги ўринлар сони вилоятда 19 та касалхонада 2100 ўрин, жумладан Жарқўрғон туманида 3 та касалхонада 520 та ўрин мавжуд бўлиб, шаҳар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатилди ва касалхоналар замонавий қайта таъмирланиб, янги тиббий асбоб ускуналар билан жиҳозланди.

1996 йил Вазирлар Маҳкамасининг №182 қарори асосида вилоятда соғлиқни сақлаш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган амалий ишлар бажарилди. Туманда 1997 йилда 150 ўринли амбулатория-поликлиникаси қуриб ишга туширилди. Умуман туманда аҳоли хизмат кўрсатиш бўйича соғлиқни сақлаш муасасалари 1997 йил Жарқўрғон туманда 2 та ташкил этди.

Тумандаги касалхоналардаги ўриндиқлар сони бўйича 1998 йилги ҳолатга эътибор берсак, жами ўринлар сони ва ҳар 10 минг кишига ўртача Жарқўрғон туманида жами ўринлар сони 205 та, ҳар 10 минг кишига 40,3 ўртача касалхона ўринлари тўғри келган.

Туман аҳолисини соғлиқни сақлаш замонавий даволаш масканларни қуриш, қайта таъмирлаш, даволаш ўринлари янгилаш, хоналарни замон талаби асосида жиҳозлаш соҳасида катта амалий ишлар қилинди. Айниқса, 2000 йилга келиб янги тиббиёт асбоб-ускуналарни чет элдан олиб келиб, ўрнатиб халққа тиббий соҳада хизмат кўрсатишнинг ҳолати яхшиланди. Тумандаги даволаш муасасалари ва ўринлари сони 2000 йилда 3 та касалхонада 545 ўрин аҳолини соғлиғини сақлашга хизмат қилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида малакали мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун бир қатор тадбирлар ўтказилди. Туманда олий маълумотли шифокорлар сони йилдан-йилга маълум даражада ўсиб борди. Ўз навбатида бу мутахассисларнинг ишлаши ва яшаши учун етарли даражада имкониятлар яратилди.

Президентимиз И. А. Каримов соғлом авлод Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканлигига тўхталиб, қуйидаги фикрни таъкидлаган эди: «Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз».

“Эл соғлиги-юрт бойлиги” деган ибратли нақл бежиз эмас. Жарқўрғон туманининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқларида, шубҳасиз иқтидорли, билимли, жонкуяр врачлар тиббиёт равнақи учун ҳалол ва виждонан меҳнат қилиб, элимиз ҳурматига сазавор бўлди. Жумладан, М.Нурматов, Г.Т.Худойбердиев, Х.Маматқулов, Я.Қодиров, Р.Шокирова, Қ.Холмўминов, Х.Тожимуродов, М.Холматовлар ҳамда 2 даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Р.Тўхтамишева, “Шухрат” медали соҳибаси Ж.Раҳмоновларга ўхшаган юзлаб шифокорлар бунга мисол бўлади.

Тиббиёт соҳасини ривожлантириш туман ҳокимлиги эътиборидаги муҳим масала бўлиб, 2001 йилда Марказий шифохона туғруқ мажмуаси капитал таъмирдан чиқариб берилди. Шунингдек, бир қанча бўлимлардан жорий

таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ишларда тумандаги барча ташкилотлар ўз имкониятлари даражасида кўмак беришди.

Президенимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги 2101-сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги фармони талабларидан келиб чиқиб, беш йилда қишлоқ врачлик пунктлари учун 7 та ҳозирги замон талабидаги бино қуриб, фойдаланишга топширилиб, 4 та даволаш муассасаси қайта таъмирланиб, ҚВП лар ташкил этилди. Натижада, чекка қишлоқ аҳолиси ўз соғлиғини тиклаш учун вақт ва маблағ сарфлаб марказга келишдан халос бўлиб, ҚВП ларда истаган тиббий муолажа олиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” дастури тўғрисидаги қарори асосида туман ҳокимлиги томонидан махсус режа ишлаб чиқилди, вазифалар елгилаб олинди. Аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ногиронларга, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришга, мулкчилик шаклидан қати назар барча ташкилотлар, муассасалар маъсул қилиб қўйилди. Саховатпешалик, инсонпарварлик намуналарини кўрсатаётган ҳар қандай ташкилот ёки шахс туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

Жарқўрғон туманида аҳолини соғлигини сақлаш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди. 2005 йилда соғлиқни сақлаш муасасаларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсаддида 1 млн 92 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ва аппаратлар келтирилди

2008 йил туманда истиқомат қилаётган 158 мингдан зиёд аҳоли соғлигини муҳофаза этишда 5 та шифохона, 3 та поликлиника, 1 та диспансер, 11 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, ҚВП лар қошида 30 та фельдшер-акушерлик пунктлари, 16 та дорихона, 192 нафари зиёд малакали врач, 1200 дан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари, 2 та “Тез ёрдам” бўлимлари хизмат қилмоқда.

Туман соғлиқни сақлаш бўлимига Я.Ж.Қодиров раҳбарлик қилган даврида Республикада тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастури қабул қилинган бўлиб, марказлашган бошқарувдан воз кечиш, тиббиётини қишлоқ

аҳолисига яқинлаштириш, тиббиётда хусусий секторни кенгайтириш, хўжалик ҳисобидаги бўлимлар ташкил этиш, уларга юридик мақом бериш масалалари кун тартибидаги бош масала эди. Бу вазифани ҳаётга тадбиқ этишда шифохона маъмурияти томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1997 йилда уч қаватли тез ёрдам станцияси, А.Навоий хўжалигида "Муҳаммад" хусусий шифохонаси Ҳ.Олимжонов, Қирон, Оқтепа, Сурхон, Какайди, Исмоилтепа қишлоқ врачлик марказлари қурилиб, ишга туширилди. Туманда ШТТЁ (Шошилинч тез тиббий ёрдам) маркази, янги болалар поликлиникасининг ишга туширилиши, аҳолига катта қулайликлар туғдирди. 1977 йилда қурилган туғруқхонаси биноси туман ҳокими Н.Э.Шомуродов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида 2001 йилда қайта таъмирланди.

2002 йилда Я.Ж.Қодиров нафақага чиқиши муносабати билан бош врач вазифасига Ў.Х.Бобомуродов, даволаш ишлари бўйича бош врач муовини вазифасига Ў.М.Мўминов, қишлоқ тиббиёт бўйича муовин Х.Ш.Алламуродов, "Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш" бўйича муовин вазифасига А.Эшдавлатовлар тайинланди. 2003 йилда болалар поликлиникасига, Сурхон қишлоқ шифохонасига, Исмоилтепа, Какайди ҚВП ларига юридик мақом берилди.

Жарқўрғон туман марказий шифохонаси раҳбарияти, унинг кўп сонли жамоаси, бошқа тиббиёт муассасалари шифохокорлари ўз касбларига маъсулият билан ёндошиш, аҳолининг тиббий эҳтиёжларини тўла қондириш, самарали шифо усулларини кенг қўлланган ҳолда уларнинг тезда соғайиб кетишларига, муолажаларнинг сифатли ва самарали бўлишига эришди. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳар бир оилада тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш каби вазифаларни адо этишда бир қанча ютуқларни қўлга киритдилар.

Жумладан, мактабларда, маҳаллаларда, болалар боғчаларида, корхона ва ташкилотларда "Соғлом турмуш тарзи", "Жисмоний фаоллик-саломатлик гарови", "Оилада тиббий маданиятни ошириш" ҳамда баъзи касалликларнинг келиб чиқиши ва уларга қарши курашиш мавзуларида тарғибот ишлари олиб борилди, учрашувлар ўтказилди, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш

мақсадида, марказий шифохона акушерлик комплексида Американинг ЮСАИД ташкилоти ҳомийлигида 3 хона қайта таъмирланиб, “Ёш оналар мактаби” ташкил этилди.

Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кўрик бригадалари ташкил этилиб, 59545 та болалар, 40158 нафар туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Йил давомида “Соғлом оила” дастури асосида машғулотлар мунтазам олиб борилиб, “Саломатлик-2” лойиҳаси бўйича 9 та ҚВП да сув захираси учун металл идишлар ўрнатилди. Тез тиббий ёрдам маркази учун 2200 минг сўмлик керакли жиҳозлар ва совутгич, ходимлар учун 288 минг сўмлик махсус кийимлар олинди. Ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш учун 8993.3 сўмлик бепул дори дармон тарқатилди. Ногиронлар, нафақахўрлар ва уруш қатнашчиларининг соҳлигини тиклаш мақсадида Семашко сиҳатгоҳига 64 та , Жайронхона сиҳатгоҳига 6 та йўлланма берилди. Атроф муҳит – муҳофазасига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида катта ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шу мақсадда, 188 туп мевали ва 412 тупдан манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

“Сиҳат – саломатлик йили” нинг мантиқий давоми бўлган “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” да халқимизнинг удуми ва маънавий қадриятлари ва анъаналарига хос бўлган саҳоватпешалик, меҳрибонлик, ногиронларга мурувват кўрсатишдек инсонпарварлик ишлари давом эттирилиб, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” муносабати билан қабул қилинган Давлат Дастурда тиббиёт ходимлари касбининг обрў-этиборини кўтариш, моҳир шифокорлар, тажрибали ҳамширалар ва санитарларнинг меҳнатларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш, уларга муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш каби мақсадлар ҳам ўз аксини топганлиги Жарқўрғон тиббиёт ходимларини ғоятда руҳлантириб, ўз касбларига, фаолиятларига бўлган маъсулият ва талабчанликларини янада оширишга ундади. Дастурда белгилаб қўйилган “Тиббий хизмати сифатини оширишда аҳолининг барча табақалари қамраб олиниши ва эркин фойдаланишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техника базасини, жумладан, хайрия

ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига янада мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш” тўғрисидаги вазифалар туман тиббиёти раҳбарлари, барча шифокорлар учун дастуриамал бўлиб хизмат қилди. Жарқўрғон туманида аҳолига тиббиёт хизмати кўрсатиш соҳасида катта тажрибалар умумлаштирилиб, аҳолини соғлиги сақлаш масаласида туман ҳокимлиги раҳбарлигида ижобий ишлар бажарилди. Туманда 2008 йилда аҳолига хизмат кўрсатиш масалсига жиддий эътибор берилиши натижасида замонавий тиббиёт технологияси, малакали хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланди. Тумандаги 3 та шифохонадаги ўринлар сони 300 та бўлиб, 3 поликлиника, 13 та қишлоқ врачлик маркази, 2 та аптека бюджет хисобида, 2 та қишлоқ амбулаторияси, 30 та фельдшер-акушерлик маркази аҳолига малакали хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Шунингдек туманда соғликни сақлаш соҳасида малакали 193 врач, 1400 ўрта тиббиёт ходимлари хизмат қилиб, туман тиббиётини ривожига ўзларининг билимлари, замонавий тиббиёт хизмати ҳамда инсонпарварлиги, ватанпарварлиги билан муносиб хисса қўшиб келмоқда. Туман тиббиёт бирлашмасида аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 30478263,4 млн сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналрни 2005-2008 йилларда олиб келиб ўрнатиб, аҳолига замонавий тиббиёт хизматини юксак даражада ривожлантирди. Жумладан 2005-2008 йилларда Ультратовушли текшириш аппрати, (УЗИ), Фотоэлектро колораметр, Дистелятор-Т-98-1, Микроском бинокулябрний каби тиббий асбоб-ускуналар шулар жумласига киради. Туман ҳокимлиги аҳолисига тиббий хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлаб, уларни ишлаш, яшаш шароитини яхшилаш мақсадида ибратли ишларни амалга ошириб, мунтазам тарзда тиббиёт ходимларидан муносиб хизмат қилаётган инсонларни давлатимиз мукофотига тақдим этмоқда. Туман тиббиёт соҳасида хизмат қилган Тўхтамишева Розия Тошмуродовна 2004 йилда II – даража “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланиб, туман аҳолисига кўрсатган хизматлари ҳамда Реанимация хизматларини янада юксалтирганлиги туфайли ушбу мукофотга сазавор бўлди. Жарқўрғон туманида етишиб чиққан таниқли тиббиёт ходимлари ўзларининг муносиб меҳнатлари, тиббиёт ва

табобат илмини мукаммал ўрганиш билан алоҳида ажралиб туради. Тиббиёт мутахассисларнинг олиб борган тадқиқотлари табобат илмини ҳар томонлама ўрганиш, инсон саломатлиги учун зарур бўлган дори-дармонларни тайёрлаш, табиатда ўсадиган гиёҳлардан инсонлар саломатлиги учун шифо сифатида фойдаланиш соҳасида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай табобат илмининг етук вакилларидан бири Мирвалиев Собир “Шарқ” табобати марказининг шаклланишига алоҳида хисса қўшган табобат марказининг атоқли намоёндаси ва раҳбари, академик табиб Мухитдин Иноъмович Умаровнинг илмий амалий ва шифокорлик-ижоди, қобилияти, даволашдаги самараси, саргузашт ва мўжизаси-ю, хайратлари ҳақида “Танишинг, шояд сиз ҳам шифо топсангиз” номли эссе-ҳикоя асари билан табобат илмига оид илмий фикрларни мужассам этган. Мухитдин Иноъмович Умаров Жарқўрғон туманидаги Меҳнат Роҳат жамоа хўжалигида 1949 йил 4 февралда туғилган. Андижон Давлат пахтачилик институтини тугатган. Таниқли олим табиатдаги мавжуд гиёҳларни чуқур ўрганиб, уни шифобахш хусусиятларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, инсон соғлиги учун фойдали бўлган дори-дармонларни аниқлашда хисса қўшган. Мустақиллик йилларида туманда тиббиёт соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган амалий ишлар бажарилиб, тиббиёт масканлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, янги даволаш усуллари ташкил этилиб, аҳолиги хизмат қилувчи шифохоналар қайта таъмирланиб, янги қишлоқ врачлик марказлари ишга туширилди.

ФИДОИЙ ИНСОНЛАР

Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради.

ИСЛОМ КАРИМОВ

АЛИБОЕВ ДАВЛАТ АЛИБОЕВИЧ

1922 йили Шеробод туманининг Оққўрғон қишлоқ кенгашига қарашли Айнли қишлоқида туғилди. Отаси Эшимов Алибой-деҳқон, онаси уй бекаси.

1920 йилларнинг иккинчи ярмида оила етишмовчиликлар туфайли, оғир аҳволда яшаб, меҳнат шароитида эски хароба кулбаларда яшади. Алибой бобо ва турмуш ўртоғи Мактаб момоларнинг 5 фаразанди бўлиб, болалар мўмин-қобил меҳнат севар эдилар. Ўғиллари Худойқул, Давлат, Бегмат, Тўрам ва Нурматлар етишмовчилик ва йўқчиликни олдини олиш учун тинимсиз меҳнат қилдилар. Алибой бобо Мактаб момога гоҳида “онаси, Давлатимиз бир бўлакча бола-да бу болада ғужур бор. ғужур. Илойим боши тошдан бўлсинда” деб айтар эди. Давлат ёшлигидан қатъиятли, хислатли ака- укаларига меҳрибон эди.

Алибоев Давлат 1929 йилда қишлоқдаги ўрта мактабга ўқишга бориб, мактабни 1939 йилда тугатди. Давлатнинг ўсмирлиги оғир ўтди. Етишмоқчиликлар ва оғир меҳнат устига 1937 йилдаги оммавий қатағонлик қишлоқдаги эркаклар қисматига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қишлоқдаги эркаклар кундузи далада, кечалари НКВД да тонг отгунча сўроқ беришарди, ана шу сўроқлар Алибой бобонинг ҳам бошидан ўтди. Давлат 15 ёшида табелчи бўлиб ва ўзининг ташкилотчилиги, меҳнатсеварлиги билан эл назарига тушиб, 15 ёшида колхозга раис бўлди. Давлат қатъиятлик билан “раис бўласанми?” деган саволга ҳеч иккиланмай “Бўламан!” деб жавоб берди. Ёш бўлишига қарамасдан, ёши катта одамларга раҳбарлик қилиб, ўзининг ташкилотчилиги, меҳнатсеварлиги билан танилди. 1940 йили Жарқўрғон туманидаги “Қизил деҳқон” жамоат хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлади. 1942 йилда фронтга жўнаб, уч йил давомида урушда қатнашиб, 351-ўқчи полкида Орёл йўналишида хизмат қилди. Фронтда катта сержант, бўлим командири бўлди. Д.А.Алибоев

1944 йили фронтда яраланиб, 2 гуруҳ ногирони бўлиб қайтди. Урушдан қайтгач, 1944 йил апрел ойидан 1949 йил сетябрь ойига қадар Жарқўрғон тумани Карл Маркс жамоа хўжалигида катта ҳисобчи бўлиб ишлади.

1949-1954 йилларда Жарқўрғон тумани қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири вазифасида ишлади. 1954 йил сентябридан Жарқўрғон тумани ижроия қўмитасининг раиси лавозимига сайланди. 1957-1961 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини сиртдан ўқиб тугатди.

Д.А. Алибоев Жарқўрғон тумани ижроия комитети раиси бўлган йилларда маданий, маориф қурилишларга катта эътибор бериб, пахта етиштиришда янги технологияларни жорий этиб, ҳосилдорликни ошириш йўлларини излаган. Хўжалик раҳбарлари билан фикрлашиб, мўл ҳосил етиштириш учун тинимсиз меҳнат қилиши натижасида, унинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. 1954 йилда Жарқўрғон тумани бўйича 11634 гектар ерга пахта экилиб, 25346 тонна пахта етиштириб, ҳосилдорлик гектар бошига 21,8 центнерга кўтарилди. Ҳосилдорлик йилдан йилга ошди, 1955 йилда гектарига 22,4 центнердан, 1956 йилда, 24,4 центнергача ўсди. Шу тариқа ҳар йили пахта майдони ҳам, ҳосилдорлик ҳам ошиб бориши туфайли, Д.А. Алибоевнинг бу хизматлари юксак даражада тақдирланди: унга СССР Олий Совети Президиумининг 1957 йил 11 январь Фармонига мувофиқ Социалистик Меҳнат Қахрамони унвони берилди.

1960 йил июнь ойида Ўзбекистон КП Жарқўрғон тумани партия қўмитасининг биринчи котиби, 1962 йил апрель ойида Сурхондарё вилояти ижроия қўмитаси раисининг биринчи муовини этиб сайланди.

Д.Алибоев 1963 йил январь ойидан Шўрчи тумани партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1965 йилдан Жарқўрғон туманидаги “Сурхон” давлат хўжалигига директорлик қилди. 1978 йилда нафақага чиққанлигига қарамай 1992 йилгача шу хўжаликда боғдорчилик бўйича агроном бўлиб ишлаб ўзини тажриба ва меҳнати билан ёшларга устоз сифатида ёрдам бериб келди.

Д.Алибоев ташкилотчилиги, халқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда юксак маънавий дунёқараши, халқимиз моддий ва маънавий маданиятини юксалишида қўшган беқиёс хизматлари туфайли энг юқори орден

ва медаллар билан жумладан, Халқлар дўстлиги, “Ҳурмат белгиси” орденлари ва ўндан ортиқ медаллар билан мукофотланган.

Давлат Алибоев катта оила бошлиғи, 6 та фарзанд отаси сифатида ҳам катта обрў ва ҳурмат қозонган ажойиб инсон. Жуда кўп кадрлар устозидир. 1995 йили 9 майда Москвада ўтказилган Ғалаба байрами тантаналарининг иштирокиси.

АСАДОВ ХАМДАМ КАМБАРОВИЧ

1952 йил 10 июлда Жарқўрғон туманида туғилиб, 1976 йил Самарқанд Давлат Медицина Институти Педиатрлик мутахассислиги бўйича ўқиди. Ёш тиббиёт ходими Х.Асадов 1976-1977 йилларда вилоят касалхонаси болалар бўлимида интернатура ўтаб, ёш тажрибали болалар шифокори сифатида танилди. Унинг тиббиёт илмини мукаммал билиши, беморларга нисбатан фидоий меҳрибон ходим эканлиги туфайли 1977-1978 йиллар Жарқўрғон туман болалар поликлиникасида участка педиатри вазифасига тайинланди. 1978-1982 йиллар Жарқўрғон туман Ю.Охунбобоев ва Н.Боймуродов колхоз қишлоқ врачлик амбулаториясида бош врач бўлиб ишлаган даврида қишлоқ аҳолисини соғлигини сақлаш, тиббиёт маданиятини юксалтириш, турли хил юқумли касалликларини олдини олиш ҳамда аҳолида ўз вақтида тиббий хизматни ташкил этиш соҳасидаги хизматлари алоҳида хурматга сазавордир. Туманда болалар соғлини сақлаш, болалар ўртасида бўладиган турли касалликларни олдини олиш соҳасида тажрибаларни хисобга олиб Х.Асадовни 1982-1985 йиллар Жарқўрғон туман болалар поликлиникасида участка врачи ҳамда 1985-1986 йиллар Туман маркази шифохонаси Қон қуйиш бўлими мудири лавозимларига тайинланланди. 1986-1988 йиллар Жарқўрғон туман Болалар поликлиникаси участка врачи бўлиб ишлаб, 1988 йилдан хозирги вақтгача Жарқўрғон туман Болалар поликлиникаси бош врачи вазифаси лавозимида ишлаб, туманда болалар соғлигини сақлаш, турли хил касалликларни олдини олиш, болалар тиббиёт маданиятини юксалтириш ҳамда ташкилотчи, ташаббускор, фидоий инсон сифатида эл назарига тушиб катта хурматга сазавор бўлди.

АННАМУРОДОВ НОРМЎМИН МАХМУДОВИЧ

1957 йилда Жарқўрғон туманида туғилган, 1974 йил Тошкент Давлат Тиббиёт институтига ўқишга кириб, 1980 йилда шу институтнинг даволаш ихтисослиги бўйича тамом қилди. 1980-1981 йилларда Сурхондарё вилоят Термиз шаҳрида интернатурани хирургия мутахассислиги бўйича тамомлади.

1981 йилдан Жарқўрғон тумани тез ёрдам бўлимига жарроҳ вазифасига ишга қабул қилиниб, 1983 йили Жарқўрғон туман Марказий шифохонасининг хирургия бўлими врач хирург қилиб ўтказилди. 1984 ил Запороже шахрида 4 ойлик малака оширишда бўлиб қайтди.

1989 йил август ойида Москва шахрида В.Н.Ц.Х А.М.Н СССР клиник ординатурасига 2 йил ўқиб, тиббиёт соҳасида мукаммал билимга эга бўлиб, 1991 йил клиник ординатурани муваффақиятли тугатиб, Жарқўрғон тумани хирургия бўлимига ишга кирди. 1997 йил ШТТЁ бўлими очилиб, бўлим мудири лавозимида иш бошлаб, 2004-2005 йилларда Катталар поликлиникаси бош врачи бўлиб ишлади. Тажрибали жарроҳ Н.Аннамотов замонавий тиббиёт билимига эга, тажрибали жарроҳ ҳамда замонавий тиббиётни жорий этиш бўйича жонкуяр раҳбар сифатида катта обрўга эга бўлди. Унинг бевосита ташаббуси билан тиббиёт хизматига оид илмий-амалий йўналиши ташкил этилиб, даволашнинг янги замонавий усулларидан кенгроқ фойдаланиш, даволаш усулларини енгиллаштириш, тиббиёт соҳасидаги жаҳон тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш асосий эътиқод қилиб олинди.

2005 йилдан хозирги кунгача ШТТЁ бўлимида жарроҳ ва Жарқўрғон тумани бош жарроҳи лавозимида ишлаб келмоқда. Аннаматов Нормумин Махмудович иш фаолияти давомида бир неча марта туман шифохонаси, туман Хокимлиги ҳамда Вилоят Соғликни Сақлаш бошқармаси томонидан фахрий ёрлиқ билан мукофотланган. Н.Аннаматов туман соғликни сақлаш соҳасига ташкилотчи раҳбар сифатида, қатъий тўғри қарор қабул қила олган, шогирдларга устоз, меҳрибон раҳбар сифатида хурматга сазавор бўлди. Бутун умрини туман соғликни сақлаш тизимига сидқидилдан хизмат қилишга сафарбар этиб, ҳар бир инсонга шифо топиш учун меҳнатини сарф этиб, республика миқёсидаги таниқли тиббиёт ходимига сазовор бўлди.

Оилали, 7 фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда. Сиёсий томондан билимдон, ташкилотчилик қобилиятига эга, талабчан ўз ишининг устаси.

БОБОНАЗОВ СОДИҚ УСМОНОВИЧ

1944 йил 7 майда Шўрчи туманида туғилган. 1970 йил Тошкент механизациялаштириш ирригация инженерлар институтининг инженер механик бўлимини тугатди. Меҳнат фаолиятини 1961 йил Шўрчи пахта тозалаш заводида ишчи бўлиб бошлаб, 1964-1967 йилларда харбий хизматда бўлиб, 1970-1972 йилларда Шўрчи тумани "Ўзсельхозтехника"да мухандис, 1972-1973 йилларда ушбу ташкилотда техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. 1973-1977 йилларда Жарқўрғон туман "Ўзсельхозтехника"да бош мухандис ва 1977-1986 йилларда ушбу ташкилотда директор лавозимларида фаолият кўрсатди. 1986-1989 йилларда Жарқўрғон туманидаги хўжалик хисобидаги корхона бошлиғи, 1989-1997 йилларда Жарқўрғон "Таъминоттаъмир"хиссадорлик жамиятининг раиси лавозимларида фаолият кўрсатди. С.Бобоназров ташкилотчи, фидоий инсон, ўз касбини билимдони, таниқли механизатор, техника таъминотининг етакчи ташаббускор раҳбари сифатида Жарқўрғон тумани иқтисодий тараққиётида муносиб хисса қўшди. У ўзининг қатъиятли фикри, холисона иш тажрибаси билан кўплаб ёшларга устоз, ибратли мураббий инсон сифатида эл назарига тушди. 1997-2004 йилларда Жарқўрғон туман машина трактор парки акциядорлик жамиятининг бошқарувчиси лавозимида фаолият кўрсатиб, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, техника таъминотини ўз вақтида ҳал қилиш, замонавий қишлоқ хўжалик машиналарини бошқарадиган мутахассисларни тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилди. 2004 йилдан нафақада бўлган С.Бобоназаров туманнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида фаол иштирок этиб, таниқли техника соҳиби, хўжалик тизимини яхши биладиган ходим ҳамда ёшларнинг устози, мураббийси сифатида тарих сахифаларида ўз хурматини топди.

БОЙМУРОДОВ НОРАЛИ

1913 йили Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги Қуртўғай қишлоғида туғилган. Бошланғич маълумотни қишлоқ мактабида олиб, 1928-1937 йилларда янги тузилган “Батрак” номли артелда колхозчи, звено ва бригада бошлиғи бўлиб ишлади. 1937 йили “Меҳнат роҳат” колхозига раис этиб тайинланиб, жуда катта ташкилотчилик ишларини бошлаб, таҳсинга сазовор ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, уруш йилларида фронтга ёрдам беришда жонбозлик кўрсатиб, иссиқ кийим, озиқ-овқат, мева ва пул йиғиштиришда ташкилотчилик қилди. Ўз колхозчиларининг ҳам аҳволидан хабар олиб, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш, қашшоқликни, турли хил иқтисодий камчиликларни бартараф этишда жиддий ёндошди. Пахта ҳосилдорлигини йилдан-йилга ошириб бориб, урушдан кейинги йилларда тўқайзорларни ўзлаштириб, чўлдан янги ер очиш ҳисобига пахта майдонларни кенгайтирди.

1954 йили 1015 гектарга пахта экиб, гектаридан 27,3 центнердан ҳосил олиб, юқори пахта етиштириш технологиясини янада ривожлантиришга ингичка толали пахталарни янги навларини синаш ва хосилдорликни оширишга бевосита раҳбарлик қилди. 1956 йилда 1835 гектар ерга пахта экиб, ҳосилдорликни 29 центнерга етказиб, айниқса ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган бу хўжаликда катта ишларни бажарди. Пахта экиладиган ер майдонлари кенгайтирилиб, 1958 йилда 1900 гектар ерга пахта экиб, 5706 тонна пахта ҳосил олиниб, ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнерни ташкил этди. Колхозда колхозчиларнинг даромади 35 миллион сўмга етди.

Норали Боймуродов юксак ташкилотчилик, раҳбарлик ҳамда халқ хўжалигини янада ривожлантириш, пахта ҳосилдорлигини кўтариш, янги ерларни ўзлаштиришдаги ташаббускорлиги, инсонпаварлиги ҳамда тажрибали қишлоқ хўжалиги ходими сифатида танилганлигини ҳисобга олиб, унга 1958 йилда Социалистик Меҳнат Қахрамони унвони берилди. Шунингдек, халқ олдидаги хизматлари учун давлатнинг энг юқори орден ва медаллар билан тақдирланиб, жумладан “Ҳурмат белгиси“ 10 дан ошиқ орден ва медаллар билан ҳамда халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг Олтин ва Кумуш медаллари билан мукофотланди.

Н.Боймуродов 4 марта Ўзбекистон Олий Совети,, бир неча марта туман ва вилоят кенгашининг депутатлигига сайланиб, туманда халқ муорифини ҳамда маънавий турмуш тарзини ривожлантишга қўшган хизматлари туфайли 1958 йили “Халқ маорифи аълочиси” нишонига, 1964 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор унвонига сазовор бўлди.

1967 йил 10 сентябрда таниқли инсон, халқ хўжалик ривожланишига муносиб хисса қўшган, ингичка толали пахтани етиштиришда етук мутахассис, инсонпарвар, фидоий деҳқон, ташкилотчи раҳбар Н.Боймуродов вафот этди. Унинг ватан ва халқ олдидага буюк хизматларини хисобга олиб, ўзи 30 йил давомида раислик қилган “Меҳнат-роҳат” хўжалиги унинг номи билан аталди. Хўжаликнинг таниқли инсонлари, меҳнаткаш деҳқонлари ҳамда фидоий инсонлари томонидан колхозда Норали Боймуродовнинг ёдгорлик музейи ташкил этилди. Жарқўрғон туманидаги ўрта мактабга ҳам Н.Боймуродов номи берилган.

НОРАЛИЕВ ЖЎРА НОРАЛИЕВИЧ

1942 йил 3 августда Жарқўрғон туманида туғилган. 1963 йил Қарши Давлат педигогика институтини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1963 йил Жарқўрғон тумани 7-сон ўрта мактабда бошлаб, бутун куч ғайратини ёш авлодга таълим тарбия беришга ҳамда устозлар ўгитига алоҳида эътибор бериб, педагоклик сирларини чуқур ўрганишга жиддий киришди. Мактабда ташкилий ишларда, ёшларнинг ижодий фаолиятини шакллантиришда мунтазам иштирок этиб, устозлар назарига тушди. Ж.Норалиевнинг ташкилотчилигини, тадбиркорлиги, топширилган ишга садоқат билан киришишини ҳисобга олган. Устозлар уни Жарқўрғон райони партия қўмитасида инструктор вазифасига ўтказди. Ушбу вазифада 1972-1979 йилларда фаолият кўрсатиб, районнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб хисса қўшиш билан бир қаторда ёш мутахассислар билан ишлаш ҳамда уларнинг тайёрлаш фаолиятига эътибор қаратди. Ўз вазифасига маъсулият ҳамда эътибор билан қарашини ҳисобга олиб, 1979-1980 йилларда Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти лавозимига ўтказилди. Колхознинг иқтисодий қудратини ошириш, аҳолини турмуш даражасини

яхшилаш, моддий манфаатдорликка алоҳида эътибор берганлигини ҳисобга олиб, уни 1980-1989 йилларда Н.Боймуродов жамоа хўжалигида раис этиб тайинланди. Ж.Боймуродов қишлоқ хўжалигини чуқур ўрганиш, хосилдорликни ошириш, энг муҳими колхознинг асосий таянчи бўлган аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш бўйича катта ижобий ишларни амалга оширди. Колхоз худудига аҳолига хизмат қилувчи маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари қайта таъмирланиб, янги уй-жой, маиший-маданий бинолар қуриб ишга туширилди. Тинимсиз меҳнат ва одамларга бўлган ишонч, авлодларга хос қатъиятлик, ҳар бир нарсага диққат-эътибор билан қараш, энг муҳими берилган вазифага холисона нуқтаи-назаридан киришиш, танқид ва мулоҳазаларни тўғри қабул қилиш Ж.Норалиевнинг асосий фазилатига айланди. Ташкилотчи раҳбарнинг изланувчанлик, район ҳудудини хўжалик фаолиятини яхши билганлигини ҳисобга олиб, республика раҳбарияти Ж.Норалиевни 1989-1993 йиллар Жарқўрғон тумани ҳокими лавозимидаги фаолиятини янада мукаммал ўрганиб, уни 1993 йил Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлади. 1993-2000 йилларда Сурхондарё вилояти ҳокими бўлган даврда Ж.Норалиев Ўзбекистон мустақиллигини равнақ топиши, иқтисодиётни янада юксалтириш учун тинимсиз хизмат қилиб, Сурхондарё вилоятини Республикада юқори иқтисодий қудратга айлантириб, вилоятда қишлоқ хўжалигини ва саноатни янада юксалтириш энг муҳими қолоқликдан ривожланган хўжалик тизимини шакллантиришга жиддий киришди. Ж.Норалиев Сурхон воҳаси аҳолисини қалбига камтарин инсон, холис, ҳар бир масалага виждонан ёндошадиган, фикрларни тўғри қабул қиладиган, ижодкор, ташаббускор, инсон сифатида кириб келди. Унинг даврида вилоятда иқисодий ислоҳотлар ўз самарасини топиб, вилоят ҳар томонлама тараққий этган, маориф, маданият, маънавий ҳаёт, спорт ҳар томонлама ривожланган, кичик, ўрта ва қўшма корхоналар ташкил топишга асос солган давр ҳисобланади. Унинг ташаббуси билан янги спорт комплекслари, теннис кортлари, дам олиш ҳиёбонлари, истироҳат боғлари қуриб ишга туширилди. Энг муҳими у вилоятни чуқур биладиган, ундаги мавжуд имкониятларни тўғри йўналтирадиган изланишлар олиб борди. 2000-2002 йилда Сурхондарё

вилоятини ўрмон хўжалиги бошқаруви директори лавозимида фаолият кўрсатиб, вилоятни кўкамзорлаштириш, янги ўрмон хўжаликларни вужудга келтириш, қум ва қирларда ихота дархтларни экишнинг ташаббускори бўлиб чиқди. Таниқли инсон, ташаббускор раҳбар, Сурхон воҳаси аҳолиси ўртасига катта обрўга эга вилоятни иқтисодий хўжалиги мукаммал биладиган Ж.Норалиев 2002 йилдан эътиборан нафақаги чиқиб, ўз хизмати билан тарих саҳифаларида муносиб ўрин олди.

НОРБЎТАЕВ АШУР

1884 йили Жарқўрғон туманидаги Қоракурсоқ қишлоғида, деҳқон оиласида туғилиб, туманда дастлабки ташкил топган жамоа хўжалигига аъзо бўлиб кирган деҳқонлардан бир эди.

1927 йили Сталин номли жамоа хўжалигига оддий деҳқон бўлиб ишга ўтди. 1940 йилдан бошлаб эса звенога бошчилик қилди. А.Норбўтаев ингичка толали пахтани етиштириш бўйича таниқли пахтакор сифатида ингичка толали тахта экиб, 6 гектар ерга ипак пахта етиштириб, ҳосилдорликни кўтариш бўйича энг юқори натижаларга эришди.

Таниқли пахта устаси А.Норбўтаев пахта етиштириш бўйича оддий қуроллар билан меҳнат қилиб, ҳар гектар ердан 62,8 центнергача ҳосил олди.

Ана шу машаққатли меҳнати, ингичка толали пахтани етиштиришдаги хизматлари туфайли 1949 йил 18 майда А.Норбўтаевга Социалистик Меҳнат Қахрамони унвони берилди. У 1955 йилга қадар звено бошлиғи бўлиб ишлаб, меҳнатда юксак жасорат кўрсатди. А.Норбўтаев 1960 йилдан меҳнат нафақасига чиқди. Таниқли пахтакор, ташкилотчи-тадбиркор деҳқон, деҳқончилик мактабининг асосчиларидан бири Норбўтаев Ашур 1961 йили вафот этди. Пахтачилигимиз шубҳасиз А.Норбўтаев каби бобо-деҳқонларимизнинг ақл заковати, тинимсиз меҳнати, тажрибалари, изланишлари натижасида юксалди.

МАМАТҚУЛОВ МАМАРАЖАБ АБУЛОВИЧ

1950 йил 6 февралда Жарқўрғон туманида туғилган. 1973 йил Тошкент давлат университети журналистика факультетини тамомлаб, меҳнат фаолиятини 1967 йил “Жарқўрғон ҳақиқати” газетасида мусаҳҳих бўлиб

бошлаб, илмига бўлган хаваси, мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида бўлган воқеа ходисаларни таҳлил қилишга ва журналистик нуқтаи-назаридан изоҳлашга қунт билан киришди. 1967-1968 йилларда газетага оид мақолаларни район миқёсида таҳлил қилишда таниқли журналистга айланди.1973-1974 йилларда “Жарқўрғон ҳақиқати” газетасида адабий ходим бўлиб ишлаб, турли мавзуларда адабий-бадиий, тарихий оммабоп мақолалар билан жамоатчилик ўртасида танилди. Ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилияти натижасида 1978-1980 йилларда “Жарқўрғон ҳақиқати” газетасида махаррир ўринбосари бўлиб ишлаб, газетанинг эл орасида катта обрў-эътиборга эга бўлишига сазовор бўлди. У газетада холисона, танқидий ва ҳоққоний воқеийликни ҳаққоний таҳлил этишга алоҳида эътибор берди. Натижада 1980-1981 йилларда Жарқўрғон район партия қўмитаси мудири лавозимида ишлаб, мутахассисларни танлаш, ғоявий-сиёсий фаолиятга жиддий эътибор бериш, район ижтимоий-иқтисодий хўжаликни ривожлантиришига муносиб хисса қўшди. 1981-1985 йилларда Жарқўрғон район партия қўмитаси бўлим мудири, 1991 йилдан “Жарқўрғон ҳақиқати”да то 2004 йилгача мухаррир ўринбосари бўлиб ишлади. 2004 йилдан нафақага чиқиб, туманнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда.

МАҲМУДОВ ЁҚУБ АБРАМОТОВ

1952 йил 13 сенятрда Жарқўрғон туманида туғилиб, 1979 йил ТОшкент политехника инстиутини иқтисодиёт бўлимини тугатди. Меҳнат фаолиятини 1968 йил Жарқўрғон туманида “Т.Шобиров” жамоа хўжалиги бошлаб, 1971 йилгача хўжаликда хизмат қилди. 1971-1973 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб, йигитлик бурчини муваффақиятли ўтади. Келажакка бўлган умид, яхши касб эгаси бўлиб, халққа хизмат қилиш маъсулияти Ё.Абраматовнинг асосий орзуси бўлиб, уни келажакка бўлган интилиши учун тинимсиз меҳнат қилишга жиддий киришди. У ўз меҳнат фаолиятини оддий қурувчиликдан бошлаб, 1973-1979 йилларда Тошкент шаҳридаги “Тошкентқурилиш” 8-трести 2-қурилиш бошқармасида иш бошлади. У ишлаш билан биргаликда ўзи орзу қилган мутахасиссликка эришиш учун тинимсиз ўқиб ўрганиб, ишлаш билан бирга 1973-1979 йилларда Тошкент политехника институнинг кечки бўлимида ўқиб,

ўз орзусига эришди. 1979-1982 йилларда Жарқўрғон туманида 26-трестга қарашли 110-кўчма жамламада хавфсизлик мухандиси бўлиб фаолият кўрсатди. 1982-1984 йиллар Қашқадарё вилояти енгил саноат қурилиши дирекциясининг ишлаб чиқаришни бошқариш бўйичпа бош мутахассис бўлиб ишлади. Ё.Абраматов қандай лавозимга ишлашдан қатъий назар ташкилотчилик, ташаббускорлик унинг асосий шиорига айланиб, беркитилган вазифага сидқидилдан ёндошиб, устозлар маслаҳати ва тажрибасидан унумли фойдаланди. У қурилиш сирларини чуқур ўрганиб, енгил саноат соҳасини мукаммал билиб олишга билим савиясини сарфлади. 1984-1986 йилларда Сурхондарё вилояти енгил саноат қурилиш дирекцияси директори лавозимида ишлаб, вилоятда енгил саноатни янада ривожлантириш, мавжуд саноат корхоналарни қайта таъмирлаш ва янги корхоналарни қуриб ишга туширишга жиддий кириши билан бир қаторда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор берди. Ундаги ташкилотчилик қобилиятини кўрган раҳбарият Ё. Абраматовни 1986 йил Жарқўрғон туман ип-йигирув тукув фабрикаси директори лавозимида тайинлади. Ташкилотчилик ва беркитилган вазифага сидқидилдан эътибор бериш туфайли фабриканинг иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланиб, маҳсулот сифати ҳамда самарадорлигига алоҳида эътибор берилди. Энг муҳими фабрика ишчи ходимларини моддий манфаатдорлигини ошириш, маиший турмуш даражасини яхшилаш, зарурий шарт-шароитларни яратиш масаласидаги фаолияти, унинг асосий раҳбарлик бурчига айланди. Республикамиз раҳбарияти Ё.Абраматовнинг фаолиятини чуқур ўрганиб, 1998 йил Жарқўрғон тумани ҳокими лавозимига тайинлаб, унга ўта маъсулиятли вазифани топширди. Туманни иқтисодий аҳволини яхшилаш, ислоҳотлар самарасини ижобий ҳал этиш, саноат корхоналарини қайта таъмирлаш, янгиларни қуриш, қишлоқ хўжалигида хосилдорликни кўтариш, давлат режасини бажариш, энг муҳими аҳолининг турмуш даражаси учун зарур бўлган маиший хизмат соҳасини янада яхшилаш унинг асосий кундалик ишига айланди. 1999-2004 йилларда Жарқўрғон туманидаги “Сурхонтекстил” корхонаси директори ҳамда 2004 йилдан бошлаб “Сурхонтекстиль” маъсулияти чекланган жамият директори лавозимида фаолият кўрсатиб, корхонани чет эл

андозалари асосида замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, махсулот турлари ва сифатини кўпайтириш, корхона ишчи-ходимларининг меҳнат қобилиятини янада юксалтириш ва уларга зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш учун тинимсиз фидоийлик кўрсатиб келмоқда.

МУҲАММАДИЕВ ШАРИФ ЧОРИЕВИЧ

1952 йил 14 январда Шеробод туманида туғилди. 1975 йилда Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугатиб, меҳнат фаолиятини 1975 йил Жарқўрғон туманидаги 2-мактабда Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб бошлади. Ш.Муҳаммадиев таниқли тилшуносларга шогирд тушиб, тил ва адабиётни мукаммал ўрганишга ҳамда ўзидаги бор билимни ёшларга тақдим этишга алоҳида эътибор берди. У ўқитувчилик билан биргаликда жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, мақолалар, бадиий-адабий ижоди билан халққа танилди. 1983-1985 йилларда Жарқўрғон тумани “Китобхонлар жамияти” ташкилотига маъсул котиб бўлиб, китобларни тарғиб қилиш, кенг жамоатчиликни маънавий дунёсини бойитишда фаол, ташкилотчи, ташаббускор раҳбар сифатида танилди. 1985-1986 йилларда Жарқўрғон район партия комитетида инструктор, 1986-1989 йилларда Жарқўрғон район партия комитетида бўлим мудири ўринбосари бўлиб ишлади. Ш.Муҳаммадиев ушбу даврда районнинг маънавий-маданий ҳаётида катта ишларга раҳбарлик қилиб, ижодкорларни, айниқса, ёшларни маънвий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга етакчилик қилди. 1989-1991 йилларда Жарқўрғон район партия комитети мафкуравий ишлар бўлими мудири, 1992 йилдан хозиргача “Жарқўрғон” газетасида мухаррир бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг ташкилотчилик қобилияти, газетанинг маънавий жиҳатдан обрў топишига алоҳида ҳисса қўшиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳитни тарғиб этишдаги фаолияти туфайли эл назарига тушди.

МЎМИНОВ ЎРАЛ МУРАТАЛИЕВИЧ

2005 йил 21 декабрдан Жарқўрғон туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатмоқда. У ўзи эгаллаб турган вазифасига маъсулият билан қараб, туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишда ўзини ишбилармон,

ташкилотчи, ташаббускор ва касбга пухта ёндошадиган, маъсулиятни ўз вақтида англаб етадиган раҳбар сифатида намоён эта олди. Раҳбарлик даврида республика ҳукумати ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг буйруқ ва қорорлари асосида олиб бориб, тиббиёт соҳасида мутахассисларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни иш тажрибасини мукаммал ўрганиш, тарғиб қилиш, энг муҳими ҳар бир тиббиёт ходими меҳнатини қадрлаш, хурмат қилиш ғоясига алоҳида эътибор берди.

Мўминов Ўрал Мураталиевич тиббиёт ходимларини замонавий билим ва тажрибасини янада ошириш мақсадида марказий шифохонада жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, аҳолига зарур дори-дармонларни ўз вақтида етказиш, шифо масканида янги ўринларни яратиш, бино ва иш хоналарини қайта таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор бериб келди. Туман аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилишда устоз шифокорлар тажрибасидан оқилона фойдаланиб, янги қишлоқ врачлик марказларини, амбулаторияларни, фельдшерлик бўлимларини қуриш ҳамда замонавий тиббий хизматни ташкил этиш оҳасида талабчан раҳбар сифатида эл назарига тушди.

Мўминов Ўрал Мураталиевич ўз касб маҳоратини доимий равишда ошириб, икки марта Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида касб маҳоратини ошириб, туманда тиббиёт соҳаси ташкил бўлгандан буён то ҳозирги кунгача унинг тарихи ҳақида “Жарқўрғон тиббиёти кеча ва бугун” деб номланган китобни журналист муаллиф билан ҳамкорликда чоп этди. Тиббиёт муассасалари ҳасоботларини таҳлил қилиш ва бошқа меъёрий хужжатларни яхши ўзлаштирган ва олдига қўйилган вазифани бажариш қобилиятига эга. Республикада соғликни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини чуқур англаб, даволаш профилактика муассасалари моддий техникавий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради. Вилоят соғликни салаш бошқармаси билан ҳамкорликда бюджет маблағлари, Осиё тараққиёт банки, гарант маблағлари ва ҳомийлар маблағларини жалб этиш учун лойиҳалар тузишда фаол иштирок этади. Ў.Мўминов ишда талабчан,

интизомли, беморларга ғамхўр, ҳамкасбларга яқин дўст, билимли, виждонли ва изланувчан шифокордир.

ИБОДУЛЛАЕВ АБДУКАРИМ МУҲАММАДИЕВИЧ

1938 йил Жарқўрғон туманида туғилган. 1964 йил Тошкент қишлоқ хўжалиги институти аграномия мутахассислигини тугатдан. Меҳнат фаолиятини 1964 йил Жарқўрғон тумани “Меҳнат -роҳат” жамоа хўжалигида бош аграном бўлиб бошлаган. А. Ибодуллаев ёшлигидан қишлоқ хўжалиги билимга бўлган хаваси туфайли, таниқли аграном бўлиб етишди. Унинг бевосита фаолияти даврида меҳнат роҳат жамоа хўжалигида иқтисодий тараққиётнинг асосий омили бўлган пахтачиликка жиддий эътибор берилди. Унинг ташкилотчилик, ташаббускорлик фаолияти 1973-1996 йилларда Жарқўрғон туманидаги пахта заводи директори бўлиб ишлаган вақтда яққол сезилди. У туманда етиштирилган пахта хосилини давлатга сотиш, тола сифатини яхшилаш, заводнинг янги асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва таъмирлаш масаласига жиддий эътибор берди. Айниқса завод ишчи ходимларининг турмуш тарзнини яхшилаш, маиший хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш, янги мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялаш ишларига мунтазам раҳбарлик қилди. Шу туфайли заводнинг иқтисодий қудрати ошиб, ипак пахтани тола сифатида тайёрлайдиган республикадаги ўрнак кўрсатадиган заводга айлантирди. 1996 йилдан ҳозирги вақтгача Жарқўрғон тумани “Нуроний” жамғармаси раиси лавозимида ишлаб, кексалик гаштини сураётган нуронийларга зарурий шарт-шароитларни яратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, ёшлар тарбиясига ўрнак бўладиган ибратли ишларни бажаришга раҳбарлик қилиб келмоқда.

ПОЁНОВ АЛИШЕР МАМАЮСУПОВИЧ

1961 ЙИЛ 15 НОЯБРДА Жарқўрғон туманида туғилиб, 1989 йилда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатди. Меҳнат фаолиятини 1989 йил Жарқўрғон туманининг “Жарқўрғон ҳақиқати” газетасида мухбир бўлиб бошлади. Ёш таниқли журналист, адабий-бадиий ижоди ҳамда назм ва таҳлилий мақолалари билан эл назарига тушди. Ёш журналист мамлакатимиз иқтисодиётини, ижтимоий-маънавий ҳаётини ҳамда

маданиятини ёритувчи ижодий, қизиқарли, оммабоп мақолалари билан газетхонлар назарига тушди. 1992-2000 йиллар “Сурхон тонги” вилоят газетасида мухбир, ижодий ходим, маданият ва маънавият бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатиб, республика аҳамиятга молик мақолалари, танқидий, холисона, мулоҳазали чиқишлари билан ижодий фаолиятини янада мустаҳкамлади. 2000-2003 йилларда “Жарқўрғон”, 2003-2004 йил апрелга қадар Термиз оқшоми, 2004 апрелдан ҳозирги вақтгача “Жарқўрғон” газетасида катта мухбир вазифасида ижод қилиб келмоқда. А.Поёнов Жарқўрғон ижод аҳлининг фидоий қаламкашлари билан мустақиллигимизнинг тараннум этувчи ижод саҳифаларини яратиб, адабиётга меҳр қўйган тумандаги ёш ижодкорлар Ж.Суюнова, Б.Рўзиқулов, Р.Самадов, Қ.Тиловбердиева, Ж.Усмонов, О.Мамаюсупова, С.Норбоева, М.Нормаматорва, Ж.Хўжанов, Н.Раимқулова, Н.Темирова, М.Бегимова, С.Усмонқулова, Ҳ.Қобилов, М.Ниёзева каби ижодкорларнинг ижодий фаолиятига раҳбарлик қилиб, уларнинг янада мукаммал ижод қилиб, халқимизга танилишига, фидоий инсон сифатида ёрдам бермоқда. Таниқли ижодкор, журналист, бадиий адабий ижодда эл назарига тушган А.Поёнов ўз хизмати ва ижоди билан халқимиз тарихи саҳифаларида муносиб ўрин олди.

РАҲИМОВ АЛИМҚУЛ КАРИМОВИЧ

1956 йил 10 майда Шеробод тумани Гегирдак қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1959-1969 йилларда Жарқўрғон туманиа Лермонтов номли 17 сон ўрта мактабда таҳсил олди. 1969-1970 йилларда Жарқўрғон тумани марказий банкида оддий ходим бўлиб ишлаб, ўз билим ва савиясини ошириш мақсадида 1970-1975 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтининг қишлоқ хўжалиги механизацияси факультетини тугатди. 1975-1981 йилларда вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасида бош инженер ва бўлим бюошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди. 1981-1983 йилларда Жарқўрғон туман қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош инженери, 1983-1984 йилларда туман хўжалик хисобидаги чорвачиликни механизациялаштириш ташкилоти раҳбари, 1984-1989 йилларда тумандаги Н.Боймуродов Жамоа хўжалиги партия

ташкилотнинг секретари, 1989-1990 йилларда Н.Боймуродов жамоа хўжалиги раиси лавозимларида фаолият кўрсатди. Ўз касбини мукаммал билган, техникани яхши ўзлаштирган ташкилотчи раҳбар А.Раҳимов туман иқтисодиётининг ривожланишига муносиб хисса қўшиб, бир қатор ташаббус ва таклифлар билан чиқиб, ҳосилдорликни кўтариш, ер унумдорлигини ошириш бўйича таниқли мутахассисга айланди. 1990-1993 йилларда Жарқўрғон туман ижроия қўмитаси раиси, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, 1993-1994 йилларда туман ҳокими лавозимларига фаолият кўрсатди. 1994-1996 йилларда Жарқўрғон туманида махсус қурилиш ташкилотларини техника билан таъминлайдиган туманлараро ташкилот раҳбари, 1996-1998 йилларда “Камар” маҳалласи фуқаролар йиғинининг раиси лавозимларида фаолият кўрсатди. А.Раҳимов ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, инсонпарварлиги билан ташабускор раҳбар сифатида туман иқтисодиёти ривожида ҳамиша янги фикр, ғоялар билан чиқди. 1998-2000 йилларда хусусий ферма раҳбари, 2000-2001 йилларда Х.Олимжон фермерлар уюшмасининг раиси, 2002-2003 йилларда Х.Олимжон номли асаларичилик хўжалик раҳбари, 2006 йилдан ҳозирги вақтгача тумандаги боғдорчилик, узумчилик фермер хўжалигининг раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб, ўзнинг фидоий меҳнати, инсонпрварлиги, тадбиркорлиги билан тарих сахифаларида эл хурматига сазовор бўлди.

ХАИТМУРОДОВ ҚОРАХОН ЖАПАРОВИЧ

1958 йил 3 июл Шеробод туманида туғилиб, 1977-1982 йилларда Термиз Давлат педагогика инстиутини, 1985-1990 йиллар Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатган. Қ.Хайитмуродов меҳнат фаолиятини 1972 йил Жарқўрғон туман Сурхон совхозида ишчи бўлиб бошлаб, 1975-1976 йилларда Қизириқ туман сув хўжалигида техник ходим, 1976-1977 йилларда Қумқўрғон туман темир-бетон заводида ишчи бўлиб ишлади. Ёшлигидан ўқишга бўлган ҳавас, устозлар ўгитига эътибор, келажакда мукаммал мутахассисга эга бўлиш мақсадида 1977 йил Термиз Давлат Педагогика инстиутига ўқишга кириб, 1982 йилга уни муваффақиятли тугатиб, вилоят ёгшлар қўмитасида иш фаолиятини давом эттириб, юқори синф меҳнат бирлшмаларини ташкил этиш бўйича таниқли мутахассисга айланди. Ёш тадбиркор, ташкилотчи, ташаббускор

Қ.Хайитмуродов 1983 йил Термиз Давлат педагогика институтида катта лабарант, 1983-1985 йилларда вилоят ёшлар қўмитаси йўриқчиси, 1985-1990 йилларда Жарқўрғон туман “Билим жамияти” маъсул котиби лавозимларига қфаолият кўрсатди. Унинг ташкилотчилик қобилияти, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги натижасида вилоятимизни ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларга бевосита раҳбарлик қилди. У ҳар бир ишга маъсулият ва холисона ҳамда танқидий нуқтаи-назаридан қараб хулоса чиқаришга жиддий эътибор берди. 1991-1992 йиллар Жарқўрғон туман кенгаши катта референти, 19921993 йиллар Жарқўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси маъсул котиби лавозимларида фаолият кўрсатди. Туман раҳбарияти унинг хўжалик соҳасида тажрибаси, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги билимини ҳисобга олиб, 1993-1996 йилларга Жарқўрғон туман Бўстон жамоа хўжалиги бошқарув раиси лавозимига тайинланди. Натижада хўжалик вилоятда ҳар томонлама иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ижтимоий-маънавий жиҳатдан тарққий этган хўжаликка айланди. 1996-1998 йилларда вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалик бўйича бош мутахассис, 1998-1999 йилларда Жарқўрғон туман Оққўрғон санацияга тушган хўжалигининг ташқи бошқарув раиси лавозимларига фаолият кўрсатиб, туман иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, хосилдорликни кўтариш, иқтисодий тушкунликни олдини олиш бўйича катта амалий ишларни бажарди. Унинг ташкилотчилик қобилияти, туман иқтисодиётини чуқур билиши, ижтимоий-маънавий жиҳатдан катта тажрибага эга эканлиги ҳисобга олиб, 1999 йил Жарқўрн туман ҳокими лавозимига тайинланди. Ёш тажрибали ҳоким бутун куч-ғайратини туманни ҳар томонлама ривожлантиришга сарфлаб, аҳолини моддий ва маиший турмушини яхшилашга, мавжуд муаммоларни бартараф этишга сафарбар этди. 2000-2007 йилларда вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ва кенгаши раиси лавозимида ҳамда 2007 йил май ойидан Жарқўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли “Ахборот ресурс маркази” директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

ХЎЖАМҚУЛОВ ОҚБОЙ ИМОМҚУЛОВИЧ

1960 йил 5 январда А.Навоий СФУ Соқчи маҳалласида ишчи оиласида туғилди. Соқчи маҳалласидаги №32-сонли умум ўрта таълим мактабини 1977 йил тугатиб, 1979-1985 йиллар Самарқанд Давлат тиббиёт институтини муваффақиятли тамомлади.

1985-1986 йиллар Термиз Болалар шифохонасида Интернатурани ўтаб, ёш, таниқли шифокор сифатида фаолият кўрсата бошлади, бутун куч ғайратини болалар соғлигини сақлашга сарфлади. 1986-1992 йиллар Жарқўрғон туман марказий шифохонасига қарашли Оқтепа ҚВПсида мудир вазифасида ишлаб, қишлоқ аҳолисига тиббиёт хизматини юксак даражада ташкил этиб, эл назарига тушди. 1993-2006 йиллар Жарқўрғон туман марказий шифохонаси туғруқхона неонаталогия бўлими мудири бўлиб ишлаган даврида замонавий тиббиёт илмини мукаммал ўрганишга жиддий киришиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналаридан фойдаланиб, етук тиббиёт ходими сифатида танилди. О.Хўжамқулов тиббиёт соҳасида билими, тажрибаси, замонавий тиббиёт хизматини мукаммал ўзлаштириб олганлиги, энг муҳими шифо масканини ҳар томонлама ривожланишига муносиб хисса қўшганлиги эътиборга олиб туман тиббиёт раҳбарияти 2006 йилда Жарқўрғон туман марказий шифохонаси маъмурияти бош врачнинг О ва БСМК бўйича муовини вазифасига тайинланди.

ТУЛАЕВ КОМИЛ АЗАТОВИЧ

1959 йил Жарқўрғон туманида туғилиб, 1982 йилда Тошкент шаҳри Ўрта Осиё Медицина Педиатрия институтини Акушер-гинеколог мутахассислиги бўйича тамомлади. К.Тулаев меҳнат фаолиятини 1982-1983 йиллар Сурхондарё вилоят болалар шифохонасида интернатура ўтади. Унинг тиббиёт билимига бўлган қизиқиши, соғликни сақлаш тизимини ривожлантиришга бўлган ҳаракати, айниқса ўз касбини сидқидилдан бажариб, шифо излаб келган инсонларга тўғрисўзлиги, даволашни ўз вақтида ташкил эта олиш қобилияти туфайли ёш мутахассис сифатида эл назарига тушди. Шу туфайли тиббиёт соҳаси раҳбарияти унинг қобилиятини ҳисобга олиб, 1983-1987 йилларда Жарқўрғон туман Марказий шифохонаси Жаррохлик бўлимида врач анестизиолог-реаниматолог вазифасига тақдим этди. Туманда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, энг муҳими оналар ва болалар соғлигини

яхшилаш, туғруқ олди ва туғруқ даврида аёллардаги мавжуд холсизланиш, камқонлик ва бошқа турдаги касалликларни олдини олиш масаласида қатор илмий тиббий даволаш таклифлари билан тиббиёт соҳасини янада мустаҳкамлашга муносиб хисса қўшди. 1987-1993 йиллар Жарқўрғон туман Марказий шифохонаси Туғруқхона бўлими мудири ва туман бош акушер-генеколог вазифасида ишлаган даврда ушбу соҳага оид қатор амалий тадбирлар ўткзиб, хотин-қизлар ўртасида тиббиёт даволаш йўналишида суҳбатлар, касалликни олдини олиш бўйича тинимсиз амалий ишларни бажарди. К.Тулаевнинг тиббиёт соҳасидаги ташкилотчилиги, ўз касбини мукаммал билиши, замонавий тиббиёт даволаш усулларини кенг тарғиб этиши, айниқса хотин-қизлар соғлигини сақлаш соҳасидаги тажрибалари, билим, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятини ҳисобга олиб, вилоят раҳбарияти 1993-1997 йиллар Сурхондарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ОБСМК ишлари бўйича муовини вазифасига тайинлади. Ушбу вазифа туфайли К.Тулаев вилоятда тиббиёт тизимини янада ривожлантиришга бутун куч ғайратини сарфлаб, тиббиёт муассасаларни замонавий даволаш комплекслари билан таъминлаш, аҳолиги етарли дори-дармон етказиш, тиббиёт муассасаларини қуриш ва қайта таъмирлаш ҳамда даволаш саноторияларини иш фаолиятини яхшилаш, даволашнишга мухтож ҳамда ногиронларга етарли тиббиёт муолажаларини олишга амалий кўмаклашди. Унинг катта тажрибага эга тиббиёт ходими, ташкилотчи раҳбар, фидоиий инсон сифатида меҳнат фаолиятига алоҳида эътибор берилиб, 1997-2004 йиллар Сурхондарё вилоят ССБ бошлиғининг 1-муовини вазифасига тайинланди. 2004 йилдан бошлаб, Жарқўрғон тумани Марказий шифохонаси Акушерлик комплексида бўлим мудири вазифасида ишлаб, туманда соғликни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, хотин – қизларнинг соғлигини сақлаш, уларга ўз вақтида тиббиёт хизматини кўрсатиш каби мукаммал ишларга раҳбарлик қилиб келмоқда.

ТУРДИЕВ НОРҚОБИЛ ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

1947 йил 6 февралда Жарқўрғон тумани Минор қишлоғида туғилди. 1968 йил Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш

инженерлари институтини инженер-гидротехник бўлимини тугатди. Меҳнат фаолиятини 1968 йил “Узглавводстрой” “Сурхонсовхозстрой” трести ПМК-3 Рда мастер бўлиб бошлади.

1968-1969 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб, 1969-1983 йилларда Уз МСХМ Сурхонирстрой трести Жарқўрғон қурилиш монтаж бошқармасида мастер, прораб, катта прораб, бош инженер, бошлиқ лавозимларида фаолият кўрсатди. Н.Турдиев ташкилотчи раҳбар, ўз касбини мукаммал биладиган, билимли, ташкилотчи, ташаббускор инсон сифатида эл назарига тушди. У Жарқўрғон туманида ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга бўлган уй-жойлар, мактаблар, тиббиёт маиший турмуш билан боғлиқ биноларни қуришга раҳбарлик қилди.

1983-1985 йилларда Ўзбекистон МСХМ Сурхонгидрострой бошқарувчиси, 1985-1990йиллар халқ депутатлари Жарқўрғон район совети ижроия комитети раиси, 1990-1994 йилларда Ўзбекистон МСХМ Сурхонирқурилиш трестининг Жарқўрғон қурилиш монтаж бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида туман иқтисодиётини юксалтиришга, янги сув тармоқларни қуришга, қишлоқ аҳолиси уй-жойлар, замонавий оромгоҳлар, истироҳат боғлари, мактаблар ҳамда спорт комплексларини қуришда етакчи раҳбар, ўз ишининг фидоийси ҳақида фаол иштирок этди. Н.Турдиевнинг ташкилотчилик, қурилиш ҳамда хўжалик соҳасидаги катта тажрибасини ҳисобга олиб, республика хукуматининг бевосита кўрсатмаси асосида 1994-1997 йилларда Жарқўрғон тумани ҳокими лавозимида фаолият кўрсатди. Натижада туманда иқтисодий хўжалик тизими ислоҳотлар самараси туфайли мавжуд иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиб, қишлоқ хўжалик соҳасида ижобий натижаларга эришилди. 1997-2002 йилларда КСХВ “Сурхонқурилиш” трестининг Жарқўрғон механизациялашган кўчма жамламаси бошлиғи, 2002-2003 йиллар КСХВ “Сурхонқурилиш” трести Жарқўрғон қурилиш монтаж бошқармасида участка бошлиғи, 2003 йилдан бошлаб, Сурхон сув қурилиш очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди. Тажрибали раҳбар туман

иқтисодиётига муносиб хисса қўшиб, ёш мутахассисларни тарбиялашда фидоий инсон сифатида эл назарига тушди.

ЧЎТПЎЛАТОВ ЧОРИ ЭРГАШЕВИЧ

1945 йил 11 июлда Жарқўрғон туманининг “Н.Боймуродов жҒх” “Меҳнат роҳат” маҳалласида туғилган. 1952 йил Амир Темур мактабига биринчи синфга ўқишга бориб 1963 йил 10 синфни битирган.

1964-1967 йиллар Москва Ленинград округида хирбий хўжалиги институтининг боғдорчилик ва сабзавотчилик факультетини битирди. 1971-1976 йиллари “Н.Боймуродов жҒх да” агроном лавозимида ишлади.

1971-1976 йиллар Ленинград қишлоқ хўжалиги институтининг боғдорчилик кафедрасида аспирантурани тугатди. Чўтпўлатов Чори Эргашевич “Шимолий ва ғарбий зоналарида боғдорчиликни ривожлантириш” тўғрисида диссертацияни муваффақиятли якунлаб йўлланма билан Сурхондарё вилояти мева-сабзавот бирлашмасига агроном лавозидан 1982 йилгача бош директор ўринбосаригача лавозимида ишлади.

Ч.Чўтпўлатов Сурхондарёда боғдорчиликда ва узумчиликни ривожлантиришда катта хиссаси бор. У раҳбарлигида 1976-1980 йилларда вилоятида 25 боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларини ташкил бўлиб бунда 15 минг гектаргача ток ва боғдорчиликни ривожлантириш бўйича мутахассис сифатида хизмат сафарда бўлди. 1982-1985 йиллар Жарқўрғон тумани Райком партияда қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. 1976 йилдан 1997 йиллар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошлиғи лавозимида ишлади.

1998 йилдан хозиргача Жарқўрғон туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келди. Ҳозирги кунда нафақада қарилик гаштини сурмоқда.

ШОМУРОДОВ НОРБОЙ ИШҚОБИЛОВИЧ

1955 йилда Жарқўрғон туманида туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти олий, 1982 йилда Фарғона политехника институтини тамомлаб, мухандис-қурувчи мутахассислиги эгаллади. 2002 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган.

Н.Шомуродов раҳбарлик фаолиятини вилоят жамоат хўжаликлар қурилиши трестига қарашли Жарқўрғон туманидаги 278-механизациялашган кўчма жамлама иш бошлаб, тумандаги жамоа хўжаликларида 50 дан зиёд якка тартибдаги турар уй-жойларини ҳамда Н.Боймуродов ширкат хўжалиги ҳудудидаги сут-товар фермасини қуриб фойдаланишга топширилишга раҳбарлик қилди. “Сурхонтекстиль” хиссадорлик жамияти қурилишида бош пудратчи сифатида ишлаб, 1987-1989 йилларда Жарқўрғон тумани агросаноат уюшмаси раисининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ҳамда тумандаги барча хўжаликларда якка тартибдаги турар уй-жойлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва саралаш омборхоналари, тумандаги А.Навоий жамоа хўжалиги ҳудудидаги маданият саройи ва қишлоқ амбулаториялари қурилишига бевосита раҳбарлик қилди. Агросаноат уюшмаси раиси муовини сифатида энг аввало раҳбарлар орасида соғлом муҳитни шакллантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасидаги ишларни ҳам йўлга қўйиб, деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, халқ билан баргаликда ишлаб, туманни илғорлар сафидан ўрин олишга муносиб хиссасини қўшди. Туман хўжаликларидаги мавжуд қишлоқ ҳўжалиги техникаларининг аҳволини ўрганиб, улардан самарали фойдаланиш борасида ўзининг рационализаторлик таклифларини бериб, раҳбар ходимларга нисбатан талабчан ва қатъиятли, камчиликларга муросасиз бўлиб, ўзининг инсонпарварлиги, мутахассисларни чуқур билиш билан ажралиб турди.

Жарқўрғон тумани хўжаликлараро “Агрокоммунқурилиш” таъмирлаш ишлаб чиқариш жамоа корхонаси бошлиғи, Жарқўрғон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифаларида ишлаб тажриба орттириб, 2001 йилда Жарқўрғон туман ҳокими этиб тайинланди.

Н.Шомуродов кенг мулоҳазали, камтарин, маъсулиятли, ўзига ва қўл остидагиларга нисбатан талабчан, меҳнатсевар, топшириқларни сидқидилдан бажарадиган етакчилик сифатлари эга. Н.Шомуродовнинг ташаббускорлиги билан туманда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан туманда 4 та қўшма корхона қурилди. Булар қуйидагилар дон маҳсулотларини қайта ишловчи “Алпомиш” ун комбинати, “Сурхонтекстил” номли ип-газлама ишлаб

чиқарувчи Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, Битум ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси қурилишига раҳбарлик қилди.

Н.Шомуродовнинг бевосита раҳбарлигида “Алпомиш” қўшма корхонаси юқори сифатли ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик ускуналар билан жиҳозланиб, унинг қуввати 1 кунда 150 тонна буғдойни қайта ишлашга мўлжалланиб, “Сурхонтекс” қўшма корхонасига Германия давлатининг “ТЮТЦҲЕТ”, “Гилафхорст” ва Чехия давлатининг “Зауэр-Чех” фирмаларида ишлаб чиқарилган юқорида меҳнат унумдорлигида ишлайдиган замонавий йигирув дастгоҳлари ўрнатилиб, “Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш” корхонаси йилига 80 минг тонна нефтни қайта ишлаб чиқариб, 100 фоиз экспорт қилишга мўлжалланган. 2005 йил сентябр ойида корхонада махсулотлар ишлаб чиқариш амалга оширилди.

Н.Шомуродов ташаббуси билан 2002 йилда Жарқўрғон шаҳар марказида 50 ўринли тиббий хизматга мўлжалланган болалар поликлиникаси қуриб фойдаланишга топширилди. Жарқўрғон марказий шифохонасига қарашли туғруқхона биноси хомийлар ёрдамида тўлиқ мукаммал таъмирдан чиқарилиб, бинонинг иситиш тармоғи тўлиқ таъмирланди. Какайди қўрғонида жойлашган 50 ўринли туғруқхона биноси ҳам қайта таъмирланиб, атрофи кўкаламзорлаштирилди. Шунингдек, Жарқўрғон шаҳар марказидан ўтувчи М-41 автомагистралининг “Бозор” ва Ўзбекистон кўчалари кенгайтирилди.

Н.Шомуродовнинг бевосита раҳбарлигида Жарқўрғон шаҳар эски истироҳат боғини қайта таъмирланиб, истироҳат боғида хашар йўли билан 600 кишилик амфитеатр қуриб битказилди. Истироҳат боғи марказида 2 та фаввора қурилиб, истироҳат боғининг Ўзбекистон кўчаси томонидан “Мотамсоро она” сиймоси акс этган хайкал барпо этилди. Обиданинг икки ёнбошидан узунлиги 30 метрлик каскадли фаввора қурилиб ишга туширилди. Боғни суғориш ариқчаларига тош терилиб, йўлакчалар қайтадан таъмирланиб, асфальт билан қопланди. Боғ атрофлари шарқона усулдаги панжалар билан ўралиб, 2 та меъморий усулда ишланган дарвоза қурилди. Боғ ичида тўлиқ ёритиш

ускуналари ўрнатилди. Боғни ичимлик суви ва суғориш суви билан таъминлаш мақсадида алоҳида артезиан қудуғи қазилиб, фойдаланишга топширилди.

Жарқўрғон шаҳар кўчаларида тўлиқ тунги ёритиш чироқлари ўрнатиб, корхона, ташкилот ва муассаса пештоқларига пешлавҳалар замонавий тарзда жиҳозлар ўрнатилди. Шу даврда 35 та савдо шаҳобчалари, 11 та умумий овқатланиш нуқталари, 7 та маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳар марказида яшовчи аҳолини газ билан таъминловчи ер ости қувурларининг яроқсиз аҳволга келиб қолганлиги сабабли 4,7 км газ қувури алмаштирилиб, капитал таъмирланди.

Н.Шомуродовнинг ташаббуси ва жиддий ташкилотчилик қобилияти туфайли туманнинг Т.Шобуров ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган Оқтепа массивида қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан биргаликда Какайди қўрғонида “Какайди” гузари, Жарқўрғон шаҳар “Қўлдовли” маҳалласида “Қўлдовли” гузари, Жарқўрғон шаҳар Н.Боймуродов маҳалласи ҳудудида “Мингчинор” гузари, Т.Шобуров ширкат хўжалиги ҳудудида “Деҳқонобод” гузари қурилиб ишга туширилди.

2003 йилда тумандаги 21-умумий ўрта таълим мактаби базасидаги уйингоҳ ва томошабинлар “Трибуна”си тўлиқ бузиб олиниб, янгидан 960 нафар томошабинга мўлжалланган, “Ўзқишлоқлойиҳақурилиш” институти томонидан ишлаб чиқилган болалар спорт иншооти қурилиши ишлари тугалланиб, 21-умумий ўрта таълим мактабига борувчи йўлда жойлашган 2 та кўприк қайта таъмир қилиниб ишга туширилиб, шу билан биргаликда тумандаги барча турдаги спорт иншоотлари, спорт майдончалари, спорт заллари ва чўмилиш хавзалари рўйхатга олиниб, уларни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Жарқўрғон шаҳар Н.Боймуродов маҳалласи ҳудудида ёзги чўмилиш хавзаси ишга туширилди.

Туман ҳокими Н.Шомуродов ўзининг иш фаолияти даврида асосий мақсадини қишлоқ инфраструктураси Дастури асосида олиб боришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ жойларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш топшириғи 40 минг м^2 белгиланган режа ўрнида, амалда 41,2 минг м^2 томорқа

участка берилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида сув қувурларини ўрнатиш режаси 14 кмга лойиҳаланган бўлсада, ҳақиқатда эса 14,6 кмга етказилди.

Бундан ташқари А.Навоий ширкат хўжалиги ҳудудида фелдшерлик-акушерлик биноси қайта таъмир қилиб, қишлоқ врачлик марказига айлантирди.

Туман ҳокими Н.Шомуродов таълим тўғрисидаги қонун ва таълим дастурига кўрсатмаларга амал қилиб, халқ таълими бўлимига қарашли 5 та мактаб ва 3 та мактабгача тарбия муассаса ҳам 1991 йилга қадар қурилган 3 та кўп қаватли уй-жой капитал таъмирдан чиқариб, замонавий жиҳозлашни амалга оширди.

Унинг бевосита рҳбарлигида туманда 2003 йил давомида бир қанча ижтимоий, маиший объектлари қурилиб ишга туширилди, жумладан: 3 та гузарларида маиший хизмат, умумий овқатланиш ва савдо нуқталари ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги “Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминташни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбарлар тўғрисида”ги 405-сонли қарорига асосан қабул қилинган вилоят ҳокимининг 2003 йил 24 сентябрдаги 160-сонли қарорининг бажарилиши юзасидан туманда 2003 йил мобайнида Дастурда белгиланган Қораёғоч, Оқжар, Жиннитепа ҳамда Истара аҳоли пунктлари табиий газ билан таъминланди.

Н.Шомуродовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида туман аҳолисининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси 75,6 фоизни, ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 85,6 фоизни ташкил этди.

2004 йил мобайнида тумандаги 6 та Қизилнавр, Мингчинор, Қуйи боботоғ, Истара, Оқжар ҳамда Гулховуз аҳоли пунктлари табиий газ билан таъминланди. Шундан Мингчинор аҳоли марказини газлаштириш учун давлат бюджети томонидан 20,5 млн сўм маблағ ажратилиб, 2,5 км газ қувурлари ўтказилди.

Академик леций ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши бўйича кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши юзасидан туманда 3 та касб-ҳунар коллежлари фаолият юритмоқда, бундан ташқари 2004 йилда Н.Боймуродов

ширкат хўжалиги ҳудудидан 750 ўринга мўлжалланган саноат йўналишидаги касб-ҳунар коллежи ишга туширилди.

2005 йилда инфратузилма дастур бўйича режалаштирилган топшириқлар юзасидан аҳолининг яка тартибда уй-жой қурилиши 36421 м^2, ичимлик сув қувурлари ўрнатилиши 20,45 км, савдо нуқталари қурилиши 624 м^2 ҳажмда бўлган 19 та савдо нуқтаси, 4 та умумий овқатланиш нуқтаси, 2 та маҳалла гузарлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Сурхон тажриба фермерлари уюшмаси ҳудудидаги “Туркман” аҳоли пукнтини табиий газ билан таъминлаш мақсада 3,2 км ўрта босимда газ қувури бюджет маблағи ҳисобидан тортилиб, фойдаланшга олнди.

Н.Шомуродов қўл остидаги ҳамкасблари, раҳбарият ўртасида ҳурматга эга. Умумий ва касбий билимларга эга. Касбга оид вазифаларни ечишда билим савия етарли. Мураккаб вазиятларда ўзини бошқара олади. Ишлаб чиқаришга оид масалаларни шошмасдан, вазминлик билан оқилона хал этади. Ўзининг одоби, муомала маданияти, билими, хаётий тажрибаси, ёшларга ғамхўрлиги, бугунги кун талабларини яхши билиши, раҳбарлик маҳоратини пухта эгаллагани, ҳар бир ишни хафсала билан бажарилиши туфайли халқ ўртасида хурматга сазовор.

Шобиров Тўхта

1934 ЙИЛ 28 ЯНВАРДА Жарқўрғон тумани Минор қишлоқ фақуролар йиғинига қарашли “Лойқанд” қишлоқғи колхозчи оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, 1956-1959 йилларда аримия хизмати бўлди. 1959 йили тошкент қишлоқ хўжалик техникумининг агрономия факультетига ўқишга кириб, 1961 йилда уни муваффақиятли тугатди. 1961 йилда Жарқўрғон район партия комитетида инструктор бўлиб ишлаб, 1961-1964 йилларда “Социализм” колхозида партия ташкилотининг котиби вазифасида ишлади. 1962-1967 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик инстиутини сиртдан тугатиб, 1964-1977 йилларда “Социализм” колхози бошқарув раиси бўлиб ишлади. 1978-1980 йилларда МСУ қарашли 478-қурилиш ташкилотига раҳбар, 1980-1983 йилларда Деҳқонобод қишлоғида

раис бўлиб ишлади. Т.Шобиров "Социализм" колхозида 14 йил раис бўлиб ишлаб, ўзининг ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилияти билан эл хурматига сазавор бўлиб, ғайрати, камтарлиги, фидоийлиги, энг муҳими инсонпарварлиги ва муомаласи билан эл назарига тушди. Т.Шобиров ўзининг раҳбарлик фаолияти даврида хўжаликда янги иккита мактаб биноси, 500 ўринли 2 қаватли маданият сайройи, маиший хизмат кўрсатиш бинолари, хаммом, дорихона,фуқаролар йиғини биноси, спорт иншоотлари қурилишига раҳбарлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлиги даврида жамоа хўжалигидаги қшлоқларнинг 60 фоизи газлаштирилди. 50 фоизи ичимлик суви билан таъминланиб, хўжаликнинг чики йўллари қайта таъмирланди. Т.Шобиров 1970-1971 йиллар "Қўштепа массиви"да 300 гектар ерни ўзлаштириб боққа айлантирди. Т.Шобиров меҳнати ҳукумат томонидан алоҳида қадрланиб, у бир неча марта кенгаш депутатига сайланиб, муносиб орден ва медаллар билан мукофотланди. 1989 йил 13 февралда Т.Шобиров вафот этди. Унинг меҳнати, ташкилоитчилик қобилияти, энг муҳими туман иқтисодиёти ва мамлакат тараққиёти ривожига қўшган хиссаси алоҳида эътиборга олиниб, 1993 йил "Социализм колхози"га Т.Шобиров номи берилиб. Уни номи адабийлаштирилди.

САФАРОВА САЙРАМ

1924 йили Жарқўрғон тумани Кўртўғай қишлоғида туғилиб, Отаси Сафаров Маҳмадамин оддий деҳқон, онаси Чоршанбиева Тожихол уй бекаси эди. Сайрам опа 1931-1940 йилларда ўрта мактабни тугатгатиб, "Меҳнат-роҳат" хўжалигида иш бошлаб, 1941-1945 йилларда йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, пахта хосилдорлигини кўтариш бўйича таниқли пахта устасига айланди.

Ўз билимини ошириш ҳамда мутахассислик соҳасини пухта эгаллаш мақсадида 1952 йили Термиз шаҳридаги ҳисоб-китоб (бухгалтерия) курсида ўқиб, 1954 йилгача Кўртўғай қишлоғи клуби ҳамда кутубхосинага мудира бўлиб ишлади. Меҳнат тажрибаси ҳамда пахтачилик соҳасига қизиқиши тудайли 1955-1957 йиллар давомида пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлди.

1957 йилда 68 гектар ерда И-5476 навли ингичка толли пахта экиб, ҳар гектаридан 46,5 центнердан ҳосил кўтариб, режани 165 фоиз бажарганлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазавор бўлди.

С.Сафарова саломатлиги сабабли, бошқа ишга ўтди. 1964 йилдан 1984 йилгача шу колхозда кадрлар бўлими бошлиғи ҳамда ўн йил давомида колхоз хотин-қизлар кенгашининг раисаси бўлиб ишлади. У яқин 20 йил давомида, яъни 1984 йилгача қишлоқ, туман ва вилоят кенгаши депутатлигига сайланиб, айни замонда вилоят судининг маслаҳатчиси эди. 1984 йилдан кейин колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаб, хўжалик халқ назоарт қўмитасининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. 1977 йили Ўзбекистон жамоа ва давлат хўжаликлари тарихи жамоатчилик институтининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланди.

Сайрам Сафарова умрининг 44 йилини Жарқўрғон туманидаги “Меҳнат роҳат” жамоа хўжалигидаги турли ишларга бағишлаб, ҳалол меҳнат қилган аёллардандир. У ҳам пахтачиликда, ҳам хўжалик маданиятини юксалтиришда ўз ҳиссасини қўшиб келди.

С.Сафароа катта оила бошлиғи, 7 фарзанд онаси, уларнини ҳаммасини меҳнатсевар, халол-покиза, энг яхши хислатлар соҳиби қилиб тарбиялади.

ХУРРАМОВА МАССИС

1930 йили Жарқўрғон туманининг Хомкон қишлоғида туғилган, отаси Қудратов Хуррам оддий колхозчи, онаси Хуррамова Зулайҳо уй бекаси. 1961 йили Пушкин номли кечки мактабни тугатиб, 1946 йилдан бошлаб “Меҳнат-роҳат” жамоа хўжалигида ишлади. 1952 йилдан бошлаб пахтачилик звено бошлиғи бўлиб, 1984 йилгача пахтачиликни ривожлантиришга муносиб хиссасини қўшди. Пахтачиликдаги катта хизматлари учун 1957 йили Ленин ордени билан мукофотланди. М.Хуррамова узоқ йиллар ингичка толали пахта етиштирувчи бригада бошлиғи бўлиб, катта тажриба орттирди ва донгдор пахтакор бўлиб етишди.

1971-1976 йилларда пахтачиликда ҳосилдорликни доимий равишда кўтариб бориб, 1971 йили Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазамасининг медаллари, шунингдек бир қатор Фахрий Ёрлиқлар билан тақдирланди.

Таниқли пахтакор 75 гектар ерда пахта экиб, ҳар гектаридан 51 центнердан пахта хосили олганлиги учун 1976 йил 4 мартда М.Хуррмовага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Меҳнат Қаҳрамони М.Хуррамова 1976-1985 йилларда янада фаолроқ, бутун куч-ғайратини аямай меҳнат қилди. Натижада у Бутуниттифоқ социалистик мусобоқа ғолиби бўлиб, 1980 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном” унвонига сазовор бўлди.

Умуман Массис Хуррамова пахтачиликдаги хизматлари учун давлатнинг энг юксак орден ва медалларига сазовор бўлиб, бир неча марта туман, вилоят кенгаши депутатлигига сайланиб, Ўзбекистон Олий Советининг 8-9 чақириқлари депутати бўлган. М.Хуррамова 1985 йилдан буён меҳнат фахрийси сифатида Ҳ.Олимжонов номли жамоа хўжалигида яшайди.

ХЎЖАМЁРОВ ЧОРИ

1897 йили Жарқўрғон тумани Қўртўғай қишлоғида, деҳқон оиласида туғилди, 1928-1933 йилларда жамоа хўжалигида самарали меҳнат қилди. 1935 йилдан бошлаб хўжаликда пахтачилик звено бошлиғи бўлиб ишлади.

Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган уруш натижасида вайрон бўлган шаҳарлардан Молотов шаҳрини 1943-1944 йилларда тиклаш ишларида фаол қатнашиб қайтди. 1944 йили пахтачилик звеносида ишини давом эттирди. Чори Ҳўжамёров звеноси аъзолари мўл ҳосил етиштириш учун тинмай меҳнат қилиб, 1946-1947 йилларда ҳар бир гектар пахта майдонидан 69,1 центнердан ҳосил олди.

Ч.Ҳўжамёровнинг пахтачиликдаги хизматлари учун 1949 йилда унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Таниқли пахтакор, тажрибали деҳқон, қишлоқ хўжалик билимдони Ч.Хўжамёров ўзининг меҳнати, ғайрати ва шижоати билан ингичга толали пахтадан йил сайин мўл ҳосил етиштириб келди.

Натижада таниқли пахтакор, ингичка толали пахтани етиштириш бўйича катта тажрибага эга бўлган Ч.Хўжамёровнинг меҳнатининг самарасини хисобга олиб,уни икки марта Меҳнат Қизил Байроғи ордени ҳамда бир неча марта Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ютуқлари кўзгазмасида қатнашиб, Олтин ва Кумуш медаллари билан тақдирланди.

Таниқли пахтакор, ингичка толали пахтани етиштириш устаси Ч.Хўжамёров 1987 йили 90 ёшда вафот этди.

Ч.Хўжамёров каби меҳнаткаш бободеҳқонларимиз бошлаган ташаббусни унинг шогирдлари давом эттириб, бугунги мустақил Ўзбекистоннинг келажаги учун меҳнат қилмоқдалар.

САФАРОВ ХОЛМЎМИН

1942 йилда Жарқўрғон туманининг “Сурхон” давлат хўжалигида деҳқон оиласида туғилган. Х. Сафаров мактабда ўқиб юрган йиллардаёқ машҳур механизатор Ш.Қудратовнинг “Чўл-жасорат майдони”, “Пахтакор-жасорат кўрсат” ва “Механизаторликни эгаллаш керак” каби чақириқларига қўшилишни ният қилган эди. Шунинг учун ҳам Х.Сафаров механизаторлик касбини

эгаллаган қалби олов ёшлардан бири сифатида техника сирларини мукаммал ўрганишга жиддий киришди.

У дастлаб хайдов тракторларини бошқаришни чуқур ўрганди. Х.Сафаров Қарши шаҳридаги механизациялаш техникумига ўқишга кириб, 1967 йил уни муваффақиятли тугатиб, Шеробод чўлларини ўзлаштиришга фаол иштирок этди ва таниқли пахта устасига айланди.

Техника соҳасида етарли билим ва тажрибага эга бўлган Холмўмин Сафаров 1968 йилда Қизириқ туманидаги “Кунчиқиш” жамоа хўжалиги пахта далаларида ХТ-1.2 рақамли пахта териш машинасини бошқариб, 376 тонна териб берган бўлса, 1969 йилда эса 400 тонна пахта териб олишга муваффақ бўлди.

Х.Сафаров “Кунчиқиш” хўжалигининг 7-бўлимида 70 гектар ерга пахта экиш учун, “комсомол-ёшлар биригадаси”ни ташкил этди. У раҳбарлик қилган бригада аъзолари йилдан йилга пахта ҳосилдорлигини ошириб борди, Х.Сафаров 1972 йили пахта териш машинасида 620 тонна пахта териб, республикада энг юқори кўрсатгичга эришди. Бу хазмати учун Ленин ордени билан мукофотланди.

Бригада аъзолари янги фан ва техника ютуқларини дадил жорий қилиб, далага ўз вақтида маҳаллий ўғит бериш, чуқур шудгорлаш, экин олдидан суғориш, шўр ювиш, ғўза ораларига унумли ишлашда энг янги тажрибаларга асосландилар. Натижада Х.Сафаров бу меҳнатлари эвазига 1977 йил 27 октябрда Давлат мукофотига сазавор бўлди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда пахтачиликни янада ривожлантириш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, халқимизнинг турмуш тарзини янада юксалтириш, моддий ва маънавий ҳаётини тараққий эттириш мақсадида Х.Сафаров фидоий инсон, ташаббускор раҳбар сифатида ўзининг фазилатли, ибратли ишлари билан муносиб меҳнат қилиб келмоқда.

ҚУРБОНОВ АБДУСАТТОР

1944 йили Жарқўрғон туманидаги Жалойир қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатиб, кейин механизаторлар тайёрлаш курсида ўқиб, 1959-1970 йилларда “Сурхон” давлат хўжалигида механизатор бўлиб ишлади.

Таниқли пахтакор даражасига етиш учун тинимсиз меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида тажриба орттирган устоз пахтакорлардан таълим олган А.Қурбонов 25 ёшида тажрибали пахтакор сифатида элга танилди. Абдусаттор Қурбонов 1964 йил пахта териш машинасида 114 тонна пахта териб, эл назарига тушди. 1965 йилда эса таниқли механизатор А.Қурбонов машинада 250 тонна пахта териб, пахта хирмонига муносиб хисса қўшди.

Илғор механизаторлар қаторига кўтарилган, А.Қурбонов 1968 йили “Ўзбекистон” маркали пахта териш машинасида 409 тонна пахта терди. Унинг ташаббуси билан 1969 йили комплекс механизациялашган бригада тузилиб, 40 гектар пахта майдонида 5 нафар деҳқон билан меҳнат қилиб, ҳар бир гектар пахта майдонидан 50 центнердан пахта ҳосилини йиғиб олди.

А.Қурбонов ва унинг бригада аъзолари Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштириш ташаббусига қўшилиб, Қизириқ даштини ўзлаштиришда фаол иштирок этди. А.Қурбонов 1971 йилнинг баҳорида Қизириқ чўлларида янги ерларни ўзлаштириш учун комплекс механизациялашган бўлимни ташкил этди. 1974-1979 йилларда комплекс механизациялашган бўлимга раҳбарлик қилиш жараёнида пахтачиликни ривожлантиришда республикада танилди. А.Қурбоновнинг қишлоқ хўжалик соҳасига бўлган астойдил қизиқиши ва пахтачилик илмини ўрганишга бўлган иштиёқи туфайли Қишлоқ хўжалик институтида таўсил олиб, Олий маълумотли агроном ихтисослигини эгаллади.

1979-1985 йилларда Будённий номли (ҳозирги “Кунчиқиш”СФУ) давлат хўжалигида директорлик вазифасида ишлаб, ўзини меҳнат тажрибалари билан танилганлиги туфайли уни вилоят раҳбарияти Бандихон чўлларини ўзлаштиришга раҳбар сифатига сафарбар этди.

1985 йили Бандихон чўлида ташкил этилган “Пахтакор” хўжалигида, 1986-1990 йилларда эса янги тузилган Ғ.Ғулом номли хўжаликда А.Қурбонов бош

агроном бўлиб ишлади. 1991 йилда эса янги ташкил этилган “Наврўз” давлат хўжалигига директор бўлиб ишга ўтди.

Пахтачиликда қўлга киритган ютуқлари янги ерларни ўзлаштиришдаги фидокорлиги туфайли А.Қурбонов 1973 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олди. Бундан ташқари А.Қурбонов Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотига ҳам сазовор бўлди.

А.Қурбонов 1971 йилдан бошлаб туман, вилоят кенгашларига депутат бўлиб, ўзининг ташкилотчилиги, инсонпарварлиги, халқнинг турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятини юксалтиришдаги хизматлари билан катта хурматга сазовор бўлди.

1998 йилда Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, “Сурхон” тажриба хўжалигида бошқарув раиси лавозимига ишга тайинланди. Хўжаликда ЎзҒСУИТИ да яратилган янги ғўза навларини ишлаб чиқариш синовидан ўтказишда, уларнинг навдорлиги ва уруғчилигини яхшилашда ўзининг бор тажрибасини аямади. Қолаверса, мазкур тажриба хўжалигида аҳоли турмуш шароитини яхшилашда, деҳқонлар билан ҳамжиҳат бўлиб ишлашда бошқаларга ўрнак бўлди. А.Ю.Қурбонов тажриба хўжалигида раҳбарлик қилган даврда қишлоқ хўжалиги махсулотларидан юқори сифатли ҳосил олиш эвазига хўжаликни иқтисодий шароити тубдан яхшиланди. Айниқса, пахтачилик соҳасида ўртача ҳосилдорлик 35-36 центнергни ташкил қилди.

Бугунги кунда А.Ю. Қурбонов ҚХИИЧМ тасарруфидаги ЎзҒСУИТИИИЧ Бирлашмасисида бош агроном лавозимида ишлаб келмоқда.

А.ЮҚурбонов ўз меҳнати фаолияти давомида бир қанча чет эл жумладан Германия, Корея, Югаславия ва Саудия Арабистон давлатларида бўлган. Ҳукуматимиз томонидан А.Ю.Қурбонов “Меҳнатда шухрат кўрсатганлиги учун” медали, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор”, “Меҳнат қахрамони”, “Ўзбекистон мустақиллигининг 1 йиллик ва 10 йиллик медаллари” каби унвонлар билан муносиб тақдирланган.

ТУРДИЕВ ТОЖИДДИН

1939 йилнинг 2-октябрида Колхозобод районининг Ғиштмозор қишлоғида колхозчи оиласида туғилган. Т.Турдиев ўрта мактабни аъло

баҳолар билан томомлаб, Тожикистон Қишлоқ Ҳўжалик институтинининг агрономия факультетига ўқишга кириб, уни 1962 йилда маваффақияли тугатди.

Дастлабки меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган ҳўжаликда агроном энтимолог сифатида иш бошлаб, 1965 йилда Колхозобод райони ижроия қўмитаси раиснинг биринчи ўринбосари сўнгра эса қишлоқ ҳўжалик бошқармасига бошлиқ бўлди. 1965-1976 йилларда у ўзининг ташкилотчилиги, етук қишлоқ хўжалик ходими эканлиги билан танилди. Бевосита унинг тинимсиз меҳнати, пахта ҳосилдорлиги ошириш, қишлоқ аҳлини турмуш тарзини яхшилаш учун олиб борган фидокорона меҳнати туфайли район халқ хўжалиги режаларини тўлиқ бажариб, республикада иқтисодий жиҳатдан ривожланган районга айланди. Т.Турдиевнинг ишбилармонлиги туфайли Колхозобод райони Тожикистонда юқори иқтисодий қудратга айланган районга айланди. Т.Турдиев ерни шудгорлашда икки ярусли пулукдан фойдаланиш натижасида, илк бор ипак пахтани машиналар воситасида териш ташаббускори сифатида танилди. Тожиддин Турдиев 1976 йил Тошкент Олий партия мактабида ўқиб, ўткир билим соҳиби, тажрибали пахтакор, ташкилотчи раҳбар сифатида катта ҳурматга сазавор бўлди. 1977 йилда Олий партия мактабини томомламасдан янги ташкил топган Қўрғонтеппа вилояти ижроя қўмитаси раисининг қишлоқ ҳўжалик соҳаси бўйича муовинлиги вазифасига тайинланди. Олий партия мактабини сиртдан 1977 йилда тугатиб, районда қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва унга қарши курашнинг биологик усулини вилоят бўйича жорий этиб, бу хизматлари билан халқ саломатлигига ва даромадга фойда келтирди.

Т.Турдиевнинг ишбилармон ва фидокорлигини ҳисобга олиб, унинг раҳбарлик қобилияти мукаммал ўрганилиб, у 1982 йили Қобадиён тумани партия қўмитасининг биринчи котиби этиб тайинланди. Ташкилотчи раҳбар, талабчан ўз ишини устаси, қатъиятли инсон сифатида ўз вазифасига сидқидилдан жиддий киришиб, пахтакорлик ва тадбиркорлик билан меҳнат қилди. Республикада чигитни саралаб ва пушталаб экиш ташаббускори ва асосчиси сифатида танилиб, пахта ҳосилдорлиги кескин кўтарилишига муносиб

хисса қўшиб, мева ва боғдорчиликни ривожлантиришда етакчи мутахассис сифатида катта амалий ишларни бажарди. Т.Турдиевнинг бевосита раҳбарлигида районда боғлар, ҳиёбонлар бунёд этилиб, йўллар кенгайтирилди. Мактаблар, меҳмонхона, алоқа узели, ҳашар йўли билан беш минг киши сиғадиган Рустам “Аренаси” қуриб ишга туширилди.

1987 йилда Т.Турдиев Шаҳритуз туманидаги “Искра” колхозига раис этиб тайинланди. Т.Турдиев колхознинг ижтимоий-иқтисодий қудратини оширишда, колхозчиларнинг турмуш тарзини яхшилашда муносиб хисса қўшди. Чўл бағрида ташкил топган Бешкент туманининг биринчи ҳокими бўлиб ишлаган даврида чўлни обод қилиш, турмуш тарзини юксалтириш бўйича тинимсиз меҳнат қилди. Тожиддин Турдиев меҳнати муносиб тақдирланиб 3 марта Меҳнат Қизил Байроқ Ордени ва бир қатор медаллар соҳиби бўлиб, Тожикистон Олий Советининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Тожиддин ака Турдиев бир неча марта туман, вилоят ва бир марта Тожикистон Олий Советига депутат этиб сайланди. Бугун 10 нафар ўғил-қизнинг ва йигирмадан ортиқ набиранинг суюкли отаси ва бобоси бўлган Тожиддин ака Турдиев нафақага чиққандан кейин ҳам тинимсиз меҳнат фаолиятини давом эттириб, ижтимоий-иқтисодий маданий ҳаётда муносиб хизматлари билан ёшларга устоз сифатида раҳбарлик қилмоқда.

Йиллар ўтмоқдадир умр ҳам бирга,
Муносиб яшадик замонга дўстим.
Интилдик, обрў деб аталмиш кирга,
Қилиб халқ хизматин ҳаммадан устун.

Тожиддин Турдиев ўз халқига доимий чуқур миннатдорчилигини изҳор қилиб, ёшларни тарбиялашда муносиб хизматини давом эттириб, тарих саҳифаларида муносиб ўрин олди.

ХОЛМИРЗАЕВ АБДУЛЛА РАҲМОНОВИЧ

1947 йилда Жарқўрғон туманида туғилган. Меҳнат фаолиятини ўқувчилик пайтидаёқ жамоа хўжалиги аъзоси бўлиб пахта даласида ишлашдан бошлаб, 1965-1970 йилларда Самарқанд Давлат университетини имтиёзли диплом билан тугатди.

1970-1976 йилларда “Жарқўрғон ҳақиқати” туман газетасида ишлаб, 1972 йил ҳарбий хизматда бўлди. Газетада ишлаган кезлари ўзини иқтидорли журналист, юртсевар ижодкор сифатида кўрсатди. Айниқса, унинг Жарқўрғонда туғилиб ўсган ўзбек шоираси Раъно Узоқова ҳақидаги изланишлари барчанинг эътиборини тортди. 1976-1979 йиллар Сурхондарё вилоят партия қўмитасининг матбуот шўъбаси йўриқчиси сифатида вилояти ОАВларнинг касбий малакаси, тезкорлиги ва таъсирчанлигини ошириш бўйича ижодий силжишлар бўлишига эришди.

1979-1989 йиллар Сурхондарё вилояти телерадиоқўмитасининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. 1985-1987 йилларда Ленинград сиёсатшунослик олийгоҳида ўқиди. Бош мухаррир бўлиб ишлаган кезларида радиоэшиттиршларни режалаштириш, тингловчилар учун қизиқарли лавҳа ва очерклар тайёрлаш, вилояти аҳлига илғор фан ва маданият ютуқларини етказиш ишига хамда ёш авлоднинг мусиқавий тарбиясига катта ҳисса қўшди. 1989-1996 йиллар вилояти телевидениясини республика вилоятларида биринчи бўлиб ташкил этиб, ташкилий, техник ва ижодий жиҳатдан пухта йўлга қўйган ва уни профессионал даражага етказишга муваффақ бўлган раҳбар ҳисобланади. Телевидение даргоҳига етаклаб олиб кирган, қўлига камера, микрафон ва қалам тутқазган шогирдлари бугун ўз касбининг усталарига айланишган, вилоят ва республика миқёсида фаолият юритишмоқда.

У 1997 йилдан буён халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси вилоят бўлими раисининг ўринбосари бўлиб ишлаш давомида Соҳибқироннинг Сурхондарёдаги қадамжоларини тадқиқ этди ва бу тўғрида вилояти ҳамда республика мутбуотида кўплаб чиқишлар чилди, вилоятимизда Амир Темур ҳақида халқ достонини нашр этишга тайёрлади.

У вазифада ишласада 2004 йилдан “Зараутсой” жамоатчилик Марказини бошқарди. Ушбу Марказ энг қадимий меросимизни ўрганиш, ўтганларнинг хизматини юзага чиқариш, хотираларини адабийлаштириш мақсадида хизмат қилади. Жумладан миллий маданиятимизнинг илк ўчоғи бўлган “Зараутсой қоя расмларини авлодларга етказайлик” гуманитар йўналишдаги лойиҳасини тайёрлаб Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий

Ассоциацияси молиялаштираётган лойиҳалар танловига тақдим этди, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё ҳудудида энг биринчи одамлар яшаган Бойсун тоғининг Тешиктош ғори ва ундан топилган неандертал одами ҳақидаги “Қадим маданият излари” фильми ташкилотчиси ҳамда муаллифидир.

2005 йил 2 майдан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партия Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси ўринбосари бўлиб ишламоқда. Миллий тикланиш ғояларини аҳоли ўртасида ёйиш, партиянинг мавқеи ва обрў-эътибори ортиши учун янгича услубдаги, расмиятчиликдан холи, таъсирчан воситаларни қўллаб иш юритишга интилмоқда. Шахсан унинг ташаббуси билан Сурхондарёлик ўзбек шоираси Раъно Узоқова таваллудининг 90 йиллиги вилояти нишонланмоқда, шоира ўқиган бинога хотира мармар лавҳаси ўрнатилди. Айни вақтда Термиз шаҳри ва Жарқўрғон туманида Раъно Узоқова номига боғ яратиш, шоирага ёдгорлик ўрнатиш каби хайрли ташвишлар билан юрибди.

“Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари” (2001 йил), “Зараутсой тилсимлари” (2003 йил) каби асарлари маънавий хазинамизга муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. Қизириқ туманидаги Қ.Амиров номли ва Жарқўрғон туманидаги “Оққўрғон” жамоа хўжаликлари тарихини китоб қилиб чиқарган. Хозирги кунда илмий тадқиқот ва изланишлари акс этган мақола ва очерклари вилояти ва республика матбуотида чоп этилиб келинмоқда.

ЭСОНҚУЛОВ ТЎРАХОН

Ҳаёт ва турмуш чорраҳаларида эл назарига тушиш, халқ ва юрт келажаги учун муносиб хисса қўшиш, доимо изланиш ва ватанпарварлик туйғуси билан яшаш инсонларни эл олдида ўз хизмати билан обрў топишига йўл очади. Ана шундай буюк инсонлар бири Тўрахон Эсонқулов бўлиб, у ўзининг фидоийлиги, инсонпарварлиги, ташкилотчи ҳамда ўз касбига сидқидилдан киришганлиги билан эл орасида танилди. Т.Эсонқулов 1942 йилда колхозга раис этиб тайинланди. Т.Эсонқулов раҳбарлигидаги хўжаликнинг 70 гектар пахта майдони, 335 бош қўй, 18 бош от, ҳамда 32 колхозчиси бор эди. Тўрахон ота 32 колхозчиси билан ишни бошлаб, 32 йил раис бўлиб ишлади. Бу даврда у

хўжаликни кенгайтириб, экин майдонини 2450 гектарга колхоз чорвасини 276 бош йилқи, 250 туя, 1818 бош қорамол, 12595 қўйга етказди.

Колхоз ўзининг даромади ҳисобидан 170 та турли маркадаги трактор, 51 автомашина эга бўлиб, колхозда 6944 киши истиқомат қилган. Т.Эсонқулов тинимсиз изланишлар, ташклотчилик фаолияти туфайли колхозда савдо, маданий-маиший ҳамда медицина нуқталари, замонавий типда қурилган мактаб бинолари қад кўтарди. Колхоз аҳолисининг турмуш тарзи юксалиб, маданий-маиший бинолар қурилиб, замонавий типдаги уй-жойларга эга бўлди. Колхоз аҳолиси ичимлик суви, электр нури билан таъминланиб, радио телевизор ва телефонлар колхоз хонадонларига кириб борди. Колхоздаги беқиёс ўзгаришлар тўғрисида гап кетса, барча ишни ўзим қилдим демасди ота. Бу ҳаммаси колхоз аҳлининг иши, шуларнинг тинимсиз меҳнати туфайли бу чўлистон, бугунгидек гулистонга айланди. Қандини урсин халқим, мен улардан миннатдорман, шулар туфайли мени битта-иккита танийдиган бўлди,-дер эди раис ота.

“Агар киши ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас хеч бир муаллим”. Дейди халқ. Тўрахон ота ҳаётдан таълим олган киши эди. У халқни ҳам фарзандларини ҳам ана шу ҳикматга амал қилиб ҳаётдан таълим олишни ўрганишга чақирар эди.

Колхозда раислик даврида ишчи кучи, уруғлик, пул ва транспорт етишмаган даврларда қишлоқ аҳлини, ишбалрмон кишиларни қийинчиликларни бартараф этишга чақириб, оғир вазиятлардан чиқиш йўлларини ўз вақтида ҳал қиларди. Унинг ҳаётида эсда қолган турмуш чорраҳаларида масалани ҳал қилишда қийин вазиятлардан чиқиш учун яқин дўстларини маслаҳатга чақирар эди. Ана шундай хотиралардан бири Т.Эсонқулов ишни нимадан бошлаш кераклиги тўғрисида бош қотириб турган вақтда, тўсатдан қишлоқ оқсоқолларидан бири Шомирзо бобо кириб келди. У билан саломлашгандан кейин, колхознинг аҳволи тўғрисида суҳбат бошланди. Ер-сув етарли ўғлим, кучимиз ҳам ҳайтовур бор... Лекин колхозчиларнинг турмуши бир оз оғирроқ. Сен бошлиқ бўлсанг, халқнинг турмушини яхшилаш учун ҳаракат қил... Халқ сени қўллаб қувватлайди. Шомирзо бобонинг ана шу гаплари Тўрохонни тўлқинланиб,

унинг юрагига қувват бағишлади. Шу йил район ташкилотлар ва қўшни колхозлар ҳам ёрдам қилишди. Анча қийинчиликларини кечиб бўлса ҳам, колхоз иши бир оз йўлга қўйилди. Кузда колхоз омбори дон билан тўлди. Пахта ҳосили ҳам ёмон бўлмади. Давлатга топширилган пахта учун колхоз кўпгина пул олди. Давлат мажбуриятлари бажарилди. Йил охирида колхозчиларнинг меҳнат кунларига пул ва дон тақсимлаб берилди. Келаси йил колхозчилар бундан ҳам оширилган куч ва ғайрат билан ишлай бошладилар.

Шундай қилиб колхоз 2-3 йил ичида оёққа турди. Илгари энг қолоқ ҳисобланган бу колхоз, райондаги энг илғор колхозлар даражасига кўтарилди.

1950 йил 7 июнда “СССР Министрлар Совети” Майда колхозларни йириклаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу қарор асосида аввал жойларда ташкил этилган майда-майда колхозлар бир-бирига қўшилиб йириклашди. Шу қарор асосида “Биринчи беш йиллик”, “Қизил байроқ”, “Қизил юлдуз”, “Янгиобод”, Фрунзе номли, ва “Қизил октябрь” колхозлари бирлаштирилди. Бирлашган колхозлар “Қизил Октябрь”номини олди. Тўрахон Эсонқулов эса бу бирлаштирилган колхозларнинг ягона раиси бўлиб қолди.

Шундай қилиб катта колхозда Тўрахон Эсонқуловнинг раҳбарлик тажрибаси йилдан-йилга оша борди. У ҳар бир колхозчининг аҳволини синчиклаб ўрганди, уларнинг арзини тинглади ва эҳтиёжини тўла қондиришга ҳаракат қилди. У ўзининг ташкилотчи ва омилкорлиги туфайли колхоз хўжалигини бошқаришда тез вақт ичида шуҳрат қозониб колхозчилар ҳурматига сазовор бўлди. Худди ана шундай ҳурмат қозонишнинг ўзи муваффақиятлар гарови эди.

Колхознинг деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари жуда тез ривожланиб кетди. Колхоз энг қимматли хом ашё бўлган ингичка толали пахта етиштириш бўйича Вахш водийсидагина эмас, балки республикада ҳам шуҳрат қозонди.

Колхознинг деярли барча ерлари шўрхок. Тупроқ шароити оғир бўлган ана шу ерларда мўл ҳосил етиштириш агротехникаси жуда катта куч ва билим талаб қиларди. Эсонқулов ва бошқа колхоз фаоллари бу агротехника тадбирларини чуқур ўргандилар ҳамда шўрхок ерлада йил сайин мўл ҳосил етиштира бошладилар. Колхоз 1956 йилда 800 гектар пахта майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ошириб ингичка толали пахта ҳосил йиғиб олди.

Тўрахон Эсонқулов ўз ҳаёти тажрибасини одамларга сидқидиладан ўргатар эди. Натижада колхозда ишбилармон, фаол биргада бошлиқлари етилиб чиқди: Кўчкинов, Норқўчқоров, Хидиров, Худойбердиев, Хўжақул Қувватов, Жаббор Мирзоев, Қулмирзо Жўраевлар шулар жумласидандир. Бригадирлар раисларидан хўжалик таълимини оларди.

Бригадирлардан бири шундай ҳикоя қилади: “Ҳаво булутли бўлиб ёмғир ёғмоқчи бўлса, биз ғўзага сув очамиз. Бунинг хусусияти шундаки, ёмғир ёғиб ҳаво очилиши билан ер устида турсачи ғўзанинг томири салқин бўлиб ғўза қуримайди. Бу тажрибани бизга Тўрахон ота маслаҳат берган”.

1957 йилда колхознинг даромади 16 миллион сўмга етди. Натижада колхозчиларнинг хар бир меҳнат кунига 27 сўмдан пул тақсимланди. Колхоз даромадининг ошб бориши халқнинг турмуш тарзини йилдан йилга яхшилай берди. Баъзан ер-сув масласида қўшни кохозлар бир бири билан жанжаллашиб коларди. Шу вақт район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Исоев Т. Эсонқуловни жанжал чиққан жойга юборарди. Ечими қийин бўлга масалани ҳам Эсонқулов осонгина ечишини яхши биларди. Шунинг учун қўшни колхоз раислари уни ўзларининг устози деб атардилар. Келиб ундан маслаҳатлар олар, тажрибасини қўллар ва ишларини муваффақият билан юргизиб борар эдилар. Эсонқуловнинг номи энди вилоят бутун республикада ҳурмат билан тилга олина бошлади. Шундай қилиб Тўрахон отанинг номи узоқларга кетди. Собиқ бригадир Бўта Ҳақназаров ҳикоя қилади: - Бир вақт Ўзбекистон тарафга меҳмонликка, боргандим, ўша маҳалладагиларнинг кўпи менинг қаердан эканлигимни сўрашди. “Тожикистонликман. Колхозобод районининг “Қизил Октябрь” колхозида истиқомат қиламан, дедим. Сўнгра улар яна саволга тутишди: “Тўрахон ота ҳам омонми, қариб қолгани йўқми? ”дейишиб. Шунда мен бир нарсани яхши фахмладим, Тўрахон Эсонқулов ўзини эмас, колхоз иқтисод томондан кўтариб, кўпларга танитган экан. Элга хизмат олий ҳиммат деб шуни айтсалар керак. Тўрахон ота чўпон бўлиб ўсганлиги учун чорва “тилини”ҳам яхши биларди. Шунинг учун чўпонларга ҳам ўз вақтида яхши маслаҳатлар берар. Бу соҳадаги камчиликларни тузатиб борарди. Тўл олиш арафасида Тўрахон ота Теракли товга колхоз отарини кўздан кечиришга чиқди.

Чўпонлар хузурида бўлди. Ишлари билан танишди. Ражаб Хўжамбердиев бош чўпонлик қилаётган отарга келганда қўтонда ётган сурувини кўриб таъби хира бўлди,

- Ражаббой- деди отхон бош чўпонга қараб,- Қўйларни ҳайдамабсизлар?! Қанақаси бўлди энди?

- Қўйлар тўқ- Ҳайдаб нима ҳам қилардик.

- Ўғлим, гап оч, тўқликда эмас, бўғоз қўйни фақат юргизиб туриш керак. Юриб турган қўйдан соғлом қўзи олинади. Ана шунга эътибор бериш керак.

Отар ўрнидан жилдирилди. Бош чўпон касбдошларига нималарнидир ўқтирди, қайтиб раис ёнига келди.

- Кейинчи деди отахон бош чўпонга қарата, қари қўйлар сонини камайтириш керак. –Қандай қилиб?—Бош чўпон саволомуз Тўрахон отага тикилди.

- Урчитишга қўзилардан қўпроқ қолдирасизда, қари совлиқларини гўштга топширасиз. – Шуни эсдан чиқарманг: Қари қўйдан қўзи олишингиз қийин. Кейинига бир яшар қўйларни яйловга ҳайдамаслик керак. Улар узоқ йўлга ярамайди. Натижада қўйларни ўпка касалига чалинтириб қўясиз. Ҳа укам, чорвачиликнинг ўзига яраша қонун қоидалари бор”. Шундай маслаҳатлар бериб ота чўпон билан хайрлашиб машинасига ўтирди. Бундай инсоний эпизодлар Тўрахон ота ҳаёти ва фаолияти давомида кўплаб марта такрорланган. Яна бир ажойиб воқеани эслайди, Апат ака Долбоев, Тожикистон Компартияси Марказий комитетининг Биринчи Котиби Жаббор Расулов колхозга келиб қолди. Раис уни молларни кўринг деб адирга олиб чиқди. Қўйлар отарини кўргандан сўнг Ж.Расулов раисга:» Сизни қўйнинг тилини биладиган чўпон бўлиб ўсган деб айтишади. Қани бир исботлангчи? – деб қолди. Шунда Тўрахон ота ҳақиқий мўъжиза кўрсатиб Расуловни қойил қилди. У машинадан чопонини олиб кийди-ю унинг этагига тупроқ олди ва унга туз аралаштириб қўйларини “қўй тили” билан чақириб ялатди, Шунда бутун бошли қўйлар Тўрахон ота орқасидан эргашиб жўнади. У қайси тарафга юрмасин қўйлар ҳам унинг

орқасидан худди сеҳрлагандек чубаб кетаверади. Бу ҳолни кўрган Ж. Расулов ҳайратдан бошини чайқаб: “Раис сизга бошқа гап йўқ, қойил қилиб исботладингиз”, деди Тўрахон ота қўйларнинг тузсираганини айтиб бу манзаранинг сирини тушунтириб ҳам берди. Ж. Расулов Т, Эсонқуловнинг бу “мўъжизасини” доим айтиб юраркан. 1974 йилда Тўрахон ота Эсонқуловни нафақага узатишдилар. Аниғи унинг ўзи “Энди ёшлар ишни олиб борсин, биз қаридик” -, деб раислик вазифасини очиқ кўнгил билан топширди. Шу воқеанинг шоҳиди бўлган журналист Эшмуҳаммад Донахонов шундай тасвирлайди: “Колхозда ҳисобот-сайлов йиғилиши давом этарди. Аввало колхоз раисининг ҳисобот доклади тингланди. Ҳисобот докладидан сўнгги музокоралар тугагач, Тўрахон отага қайта сўз берилди. Азиз колхозчилар ака-укаларим, меҳрибон сингилларим! Колхозни колхоз қилган сизлар. Кишининг қаҳратон совуғидан, ёзнинг жазирама иссиғидан чўчимадиларингиз, ҳалол меҳнатларингиз эвазига колхозни энг илғор хўжаликлар сафига қўшдиларингиз. Сизларнинг арзанда меҳнатларингни ҳамиша фахр билан тилга оламиз. Иш жараёнида биронтангизнинг дилингизни хижил қилган бўлсам, такрор такрор узр сўрайман, кечирасизлар, албатта. Мен қаридим. Ўз хоҳишим билан пенсияга чиқишга ижозат берсаларинг. Райкомдан ижозат олганман. Раисликка агрономимиз Ҳайдарбойни тавсия этаётирман. Деҳқон фарзанди. Олий маълумот соҳиби, кишилар билан чиқишиб ишнинг оғир участкаларида бўлсак, ҳеч гапмас, Бобоназаров раисликни эплаб кетиши турган гап. Ҳа, сизлар шундай қиласизлар. Бунга ишончим комил. Чунки мен буни орқада қолган йиллар давомида кузатиб ишонч ҳосил қилганман ”. Ана шундай самимий сўзлар билан Тўрахон ота раисликни шогирди Бобоназаров Ҳайдарбойга топширди. Халқ олқишлаб отани пенсияга кузатишди. Лекин у умрининг охирига қадар халқ билан колхозни билан бирга бўлди. Улардан қимматли маслаҳатини аямади. Халқ ҳам, раҳбарлар ҳам доимо унинг олдига келар, ечилиши қийин бўлган муаммолар устидан маслаҳатларини оларди. Мана чигит экиш компанияси авжида. Колхознинг раиси Ҳайдарбой Бобоназаров Тўрахон ота ҳузурига борди. Отахон билан ҳол-аҳвол сўрашгач, бу ерга келиши боисини англатди.

- Беш олти хўжалик кўчиб кетишганди. Ўша ҳовлиларга қўни-қўшнилар майда чуйда экишмоқчи. Ўшалар орасида мен экаман, йўқ мен экаман, дея тўполон бўлган.Ўшаларни тинчитиб берсангиз.

- Ўшаларни идорага чақиртиринг, мен ҳам бораман. Гаплашиб оламиз,

- Бўлмаса чақиртирай, -Раис Тўрахон ота уйидан чиқибкетди. Керакли кишилар раис кабинетига чақиртирилди. Тўрахон ота ҳам шу ерда эди.

- Қани нима гап? Тўполон қилибсанлар, сабабини билсак бўладими?- Тўрахон ота чақиртирилган кишиларга савол берди.

- Кўчиб кетган кишилар томорқаси борасида жанжаллашгандек, ўшалардан бири боши эгик ҳолда собиқ раис саволига жавоб қайтарди.

- Бир тадбирни қўллаймиз. Бironталаринг ҳам хафа бўлмайсанлар. Шундай қилсак майлими?- Яна савол ташлади Тўрахон ота,

- Майли, майли. Ўтирганлар бароварига жавоб қайтаришди.

- Кўчиб кетган кишилар ҳовлисига пахта экамиз. Шундай қилсак яхши бўлади-а? Ҳа, яхши бўлади, фикрим маъқулми?- Ҳа, ана бу бошқача фикр. Барчамизга маъқул.- Тўрахон ота фикрини қўллаб-қувватлади ҳалиги кишилардан бири. Ўзгалар ҳам унинг фикрига қўшилишди. Шундай қилиб, кўчиб кетишган кишилар ҳовлисига пахта экилганди. Мазкур майдонлардаги ниҳолларга уч марта комплекс ишлов берилди. Мўл ҳосил олиниб колхоз хирмонига тўкилди. Ажойиб тадбир ишлатиб жанжалга чек қўйиб берди ота.”

Ҳаёт варағи ўтган лаҳзалар,
Битилсин унга доно сатрлар,
Болалик, ўсмирлик, ёшлик йиллардан,
Йигитлик даврию нуроний чолдан.

Шундай қилиб собиқ чўпон Тўрахон Эсонқуловнинг умри Тожикистон жумҳуриятининг саҳоватли районларида бири бўлган Колхозобод билан боғланиб қолди. Тақдир кимни Колхозобод билан боғлаган бўлса, у оқибатда

энг бахтли киши бўлиб қолган. Чунки Колхозободни халқ тили билан айтганда “хизр кўрган” кишилар обод қилган ва унга “Колхозобод” деб ном беришган. Бу районнинг “Колхозобод” бўлиб қолиши Сирожиддин Исоев номи билан боғлиқдир. У ўзининг “Олтин водий” деб номланган хотира китобида ёзади:

- Собиқ Тўғаланг, Ворошиловобод, Жиликўл районлари 1956 йилда бирлаштирилганда районга янги ном қўйиш ҳақида ана-мунча баҳслар бўлди. Менинг фикримни сўрашди. Қандай қилиб колхоз тузганмиз, кўплаб муҳожирларнинг келиши, колхозлару колхозчилар шарофати билан ўлик ернинг тирилиши, халққа пахтаю нон бергани, биринчи боғлар, биринчи уйлар, биринчи мактабу чойхона ва клубу кинотеатрларнинг қад ростлагани ёдимга тушди.

Аввало колхоз тузуми шарофати билан бу воқеа обод ва кўркам диёрга айланди. Бундан келиб чиқадики, у учун энг муносиб ном Колхозобод. Ўртоқларга фикримни билдирдим. Бундан хурсанд бўлишди. Халқ ҳам маъқуллади.

Шу тариқа бирлашган районларнинг янги номи вужудга келди: Колхозобод. Республика Олий Совети Президуми ҳам буни тасдиқлади.

Колхозобод колхозларига доимо тўрахон Эсонқуловдек ақлли, ҳаётнинг баланд пастини тушунган меҳнатсевар кишилар раис этиб сайланганликлари учун ҳам районинг номи бутун мамлакатга машҳур бўлиб кетди.

Колхозларнинг ташкилотчилари ҳам ўз навбатида республика машъалларига айланишдилар.

“Қизил Октябрь” колхози Тўрахон Эсонқулов, “Янгиобод” Эшбек Сатторов, Карл Маркс колхози Сафар Жумаев, “Москва” колхози Мавлон Қорёғдиев, Коммунизм колхози Ниёзмуҳаммад Бегов, Максим Горький колхози Отажон Додобоев, “Янги Турмуш” колхози улуғберди Намозов, “1 Май” колхози Эргаш Султоновлар номи билан боғланиб қолди.

Шундай қилиб донишманд раҳбар Сирожиддин Исоевнинг номи ҳақли равишда улуғланиб келинди.

Колхозобод қаҳрамонлар диёрига айланиб қолди, 5 та Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 8 та Социалистик Меҳнат Қаҳрамони шу саховатли райондан етишиб чиқди.

Тўрахон отанинг ҳам умр китоби шу районда ёзилди.

ТУРДИЕВ ТОЖИМУРОД

1932 йил 5 декабрда Жарқўрғон районида Кўртўғай қишлоғида туғилиб, 1953 йилда 2 сонли ўрта мактабни тугатиб, ўзининг тиришқоқлиги, билим олишга бўлган хаваси, ҳамда келажакда ўзи орзу қилган касбга эга бўлиши учун илм олишга ҳаракат қилди. Натижада 1953-1958 йилларда А.Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университетининг филология факультети ўқиб, уни муваффақиятли тугатиб, таълим соҳасида педагоиклик фаолиятини муваффақиятли давом эттирди. 1958 йил 3 ўрта мактабда фаолиятини бошлаб, ўзининг билим, педагогик тажрибаси билан ёшларга таълим-тарбия беришга ибратли инсон сифатида танилди. 1958 йил ноябрдан 1969 йил оектябр ойигача Жарқўрғон районида партия қўмитаси инструктур бўлиб ишлаб, район халқ хўжалигини ривожлантиришга, ижтимоий-маънавий турмуш тарзини юксалтиришга ташкилотчи раҳбар ишбилармон мутахассис сифатида фаолият кўрсатди. 1969-1943 йилларда район кинофикацияси директори 1973-1975 йилларда Жарқўрғон шаҳар кенгашининг котиби бўлиб ишлади. Ўзининг фаол меҳнати ҳамда районда маънавий муҳитни юксалишида фаол иштирок этиб, эл назарига тушди. 1975 йил июл ойида 2000 йилгача “Жарқўрғон ҳақиқати” газетаси, мухбир, бўлим мудири, мухаррир ўринбосари вазифаларида ишлади. Тожимурод Турдиев тажрибали педагог, ташкилотчи раҳбар ҳамда билимдон таржимон сифатида жиддий меҳант қилиб, халқимиз маънавий турмушида фаол иштирок этди. Ташкилотчи раҳбар, фидоиий инсон, таниқли журналист, оилапарвар инсон Тожимурод Турдиев 76 ёшида 2006 йилда вафот этди. Унинг меҳнати район ижтимоий-маънавий ҳаётига қўшган хиссаси тарих сахифаларига алоҳида хурматга сазавор бўлди.

ЭРГАШЕВ ЖЎРА ЭРГАШЕВИЧ

1937 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумнидаги Н.Боймуродов номли жамоа хўжали “Меҳнат роҳат” маҳалласида оддий деҳқон оиласида туғилди.

1947-1957 йилларда Молотов номли, (ҳозирги А.Темур номли) ўрта мактабни тугатиб, Қарши Давлат педагогика институтига ўқишга кириб, институтнинг кимё-биология факультетини тугатиб, 1962 йил Жарқўрғон тумандаги А.Навоий номли 7 умумий ўрта таълим мактабида кимё-биология фани ўқитувчилигидан бошлади. 1964 йилдан партия аъзоси.

1966-1971 йилларда Жарқўрғон тумани партия комитети партиявий ташкилий бўлим инструктори вазифасида ишлади. Шу билан биргаликда ўша йиллар Самарқанд қишлоқ хўжалиги институнинг агрономия факультетини сиртдан тамомлади. 1971-1973 йилларда Тошкент олий партия мактабида тингловчи бўлди.

1973-1975 йилларда Жарқўрғон туман партия комитетида партиявий ташкилий бўлим инструктори бўлиб ишлаб, 1975 йилдан 1987 йилга қадар Жарқўрғон шаҳрида Совета ижроия комитети раиси, шунингдек ўша йилларда Жарқўрғон шаҳар ва туман Совет депутатлари, ҳамда туман Совети ижроия комитети аъзоси бўлиб сайланган.

1987-1990 йилларда “Шарқ юлдузи” совхози партия комитети секретари ва “Шарқ юлдузи” қишлоқ совети депутати этиб сайланган.

1990-1993 йиллари Жарқўрғон туман “Билим жамияти” маъсул котиби вазифасида ишлаган.

1993-2000 йилларда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Жарқўрғон туман кенгиши биринчи котиби, шу билан биргаликда Вилоят Халқ Демократик партияси аъзо ва Жарқўрғон тумани Совети Депутати этиб сайланди.

Турли лавозимларда ишлаб келган Эргашев Жўра Эргашевич, аввалambор ўз иши маъсулиятига жиддий қараб, уни тўла қонлилигача бажаришга ҳаракат қилиб келди. Бу билан у кенг жамоатчилик орасида юксак обрўга эга бўлди.

Жўра Эргашевич Жарқўрғон шаҳар Совети ижроия комитети раиси даврида, шаҳар ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан ҳар томонлама

ривожланиб, кўплаб жамоат бинолари, мактаб, боғча ва уй-жойлар қурилди. Шунингдек, Лалмикорда табиий газ тугагач “Сопка” орқали табиий газ унинг ташаббуси ва раҳбарлигида олиб келинди. Жарқўрғон шаҳар марказий кўчалари кенгайтирилиб, Сурхондарё ва Занг канали кўприклари қайта таъмирланди. Ж.Эргешевнинг ташаббускорлиги, фидоийлиги, ишблармонлиги, туманни ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва келажагини яхши билганлиги туфайли, унинг бевосита раҳбарлигида туман ҳокимияти биноси, поликлиника, туғриқхона, алоқа бўлими, А.Темур мактаби, Бахт уйи биноси ва Болалар дунёси савдо маркази бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Артел” посёлкасига табий газ олиб борилди.

“Меҳнат роҳат” маҳалласига ичимлик суви ва табиий газ келтирилиб, туманда аҳолиси учун қулай транспорт қатновларини тартибга солиб, кўчаларни ободонлаштириш ишига катта хисса қўшди. Жарқўрғон шаҳридаги асосий кўчалар кенгайтирилиб, ободонлаштирилиб, “Занг” каналини шаҳар қисми бетонлаштирилди.

Тадбиркор, ташкилотчи раҳбар Ж.Эргашев туман иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ип йигирув фабрикаси, туман тиббий тез ёрдам бўлимлари қуриб фойдаланишга топширишга раҳбарлик қилди.

Жўра Эргашевнинг муносиб меҳнати ҳукуматимиз томонидан қадрланиб, “Меҳнат фахрийси” медали, “Меҳнатга шухрат кўрсатганлиги” медали, “Билим жамиятнинг аълочи нишондори” медали, “Халқ таълими ҳомийси” медал, унвонлар ва юқори ташкилотлар томонидан фахрий ёрлиқлар билан муносиб тақдирланган.

НОРМУРОДОВ ЖЎРА НОМОЗОВИЧ

1945 йил 15 октябрда Жарқўрғон туманининг Норали Боймуродов маҳалласида туғилиб, 1952 йил 2-умумий ўрта таълим мактабининг 1-синфига ўқишга бориб, 1963 йил мактабнинг 11-синфини битирди. 1963 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг табиат факультетининг химия-биология бўлимига ўқишга кириб, 1964 йил армия хизмати сафига чақирилиб, армияда кичик командир сержант бўлиб хизмат қилди.

1967 йил ҳарбий хизматдан қайтиб, 2-курсдан яна ўқишни давом эттириб, 1971 йил институтни муваффақиятли тамомлади. 1971 йил Жарқўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабига химия-биология фанлари ўқитувчиси этиб қабул қилиниб, мактабда ишлаб юрган пайтда мактабнинг жамоат ва сиёсий ишларида, педагогик ишларда фаол қатнашди. Мактабнинг касаба уюшмаси раиси, партия ташкилотининг котиби вазифаларида ишлаб, мактабда ишлаган пайтида иш тажрибаси вилоят, туман миқёсида оммалаштирилди. 1980 йил туман халқ таълими бўлимига назоратчи вазифасида ишлаб, 1983 йил тумандаги 31 умумий ўрта таълим мактабига директор вазифасига тайинланди. Мактабнинг моддий базасининг мустаҳкамлашда ва мактабнинг ўқув тарбиявий ишларнинг тубдан ўзгартириб, мактаб иссиқлик тизими ўрнатилиб, спорт майдончалари ҳамда кенгайтирилди.

Мактаб замонавий жиҳатдан ўзгартирилиб, янги педагогик технолгиялардан фойдаланиш туфайли мактабнинг обрў эътибори республика миқёсида кўтарилди. Ж.Нормуродов мактаб жамоасини таълим тизимини янада ривожлантиришга сафарбар этди. Натижада ташкилотчи, тадбиркор инсон, қатъий фикр эгаси Ж.Нормуродов 1985 йилда туман халқ таълими бўлимининг мудири вазифасига тайинланди. Туман халқ таълими бўлимига 2005 йилгача раҳбарлик қилиб, ушбу даврда мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлашда, ҳамда ўқув тарбиявий жараённини янги педагогик технология асосида қайта ташкил этишни ўзининг асосий бурчи деб билди. Янги мактаблар ҳамда мактабгача таълим муассасалари қуришда Ж. Нормуродов катта ташаббускор ишларни амалга ошириб, туман халқ таълими бўлимини вилоят ва республика миқёсида танилишига хизмат қилди. Нормуродов Жўра Номозович Республика Халқ таълими съездларининг делегати бўлиб сайланди. Республика халқ таълими аълочиси унвонларига сазвор бўлди.

ТЎХТАМИШЕВА РОЗИЯ ТОШМУРОДОВНА

1955 йил 15 ноябр Жарқўрғон туманида туғилиб, ўрта мактабни тугатиб, 1978 йил Тошкент Тиббиёт институтининг анистезиолог-реаниматолог мутахассислигини муваффақиятли битирди. Ёш билимдон тиббиёт ходими

Р.Тўхтамишева ўз касбига мукаммал киришганлиги, етарли назарий ва амалий тиббиёт илмини чуқур ўзлаштирганлиги билан устозлар назарига тушди. Натижада 1978-1979 йилларда Сурхондарё вилоят 1-сонли шифохонаси реанимация бўлимида интернатура ўтаб, 1979-1984 йиллар Сурхондарё вилоят Жарқўрғон туман марказий шифохонасининг жарроҳлик бўлимида анестезиолог-реаниматолог бўлиб иш бошлади. Ушбу даврда тиббиёт илмини чуқур ўзлаштириб, беморларга зудлик билан ўтказиладиган жарроҳлик муолажаларини ташкил этишда тажрибали анестезиолог-реаниматолог сифатида эл назарига тушди. Унинг тиббиёт илмийга бўлган қизиқиши, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналрини ўрганиши, даволаш усулларини кенг қўлланишдаги ташаббускорлиги туфайли туман тиббиёт муассасаси раҳбарияти 1985 йилда Р.Тўхтамишева реанимация бўлими мудирлигига тайинлади. Ушбу даврида таниқли шифокор Анестезиология-реанимация бўлими мудири лавозимига ишлаб, 2004 йилдан ҳозирги кунгача туман тиббиёт бирлашмаси ШТЁ бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг олиб борган тиббиёт соҳасини ривожлантиришда хизмати, ташкилотчилиги ҳамда ташаббускорлигини хисобга олган Ўзбекистон хукумати 2004 йил II-даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотлади. 2006 йилда Р.Тўхтамишева раҳбарлигида режали хирургия бўлимида 1124 бемор даволаниб, 4820 та бемор ўринларига хизмат кўрсатилди. Шунингдек қишлоқ жойлардаги амбулатория бўлимларида 706 та болаларга 365 ўрин хисобига тиббий хизмат кўрсатилди. 2007 йилда тумандаги Шошилинч тез ёрдам бўлими мудири бўлиб ишлаган Р.Тўхтамишеванинг олиб борган ташкилотчилик тиббий хизмати натижасида бўлимда 1192 беморга тиббий хизмат кўрсатилиб, ушбу бемор ўринлари 4460 тани ташкил этди. Айниқса шошилинч ўтказилган операциялар сони 2007 йил 630 тани ташкил этиб, ушбу беморларнинг ҳаммасига ўз вақитада тиббий хизмат кўрсатилди. Тажрибали шифокор, ташкилотчи раҳбар, ўз касбининг фидоийси, қатъий фикр эгаси, ўз вақтида тиббиёт хизматини ташкил эта олган Р.Тўхтамишева эл назарига тушган таниқли инсон сифатида тарих сахифаларидан ўрин олди.

КАРИМОВА СВЕТЛАНА САТТОРОВНА

1941 йил 28 май Денов шаҳрида туғилди. 1969 йилда Тожикистон Давлат тиббиёт институтининг врач акушер-генеколог мутахассислигини битирди. Меҳнат фаолиятини 1969-1972 йилларда Жарқўрғон марказий шифохонасига қарашли Сурхон қишлоқ шифохонаси врач акушер-генеколог бўлиб бошлаб, таниқли шифокор, тажрибали мутахассис сифатида қишлоқ аҳолисига мунтазам ўз вақтида тиббий ёрдамни ташкил этди. С.Каримова 1972-1975 йилларда Жарқўрғон туман марказий шифохонасига карашли Сурхон қишлоқ шифохонаси бош шифокори бўлиб ишлади. Таниқли тиббиёт ходими қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини чуқур ўрганиб, аҳолига юксак даражада тиббиёт маданиятини сингдириш масаласида ташкилотчилик кўрсатиб, беморларни соғлигини сақлаш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбарлар ўтказди. Ўз касбни мукаммал ўрганиш, тиббиёт янгиликлари асосида чуқур билимга эг бўлиш мақсадида 1975-1977 йиллар Врач акушер-генеколог Москва шаҳри 1 клиникасининг ординатурасида ўқиб етук мутахассис бўлиб танилди. С.Каримова туман хотин-қизларини соғлигини сақлаш борасида жиддий таклифлар, назарий ва амалий илмлар билан ташкилотчилик фаолиятини кўрсатди. Чунки туман қишлоқларида туғруқ даврида мавжуд бўлган камқонликни олдини олиш, уни бартараф этиш, хотин қизларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш масаласи муҳим масалалардан бири эди. Ушбу масалаларни бартараф этиш масаласида тажрибали ташаббускор таббиёт ходими сифатида вилоятда танилди. 1978 йилдан ҳозирги кунгача Жарқўрғон туман марказий шифохонага қарашли Сурхон қишлоқ шифохонаси врач акушер-гениколог вазифасида ишлаб келмоқда. Туманда соғлиқни сақлаш хизматида ўзининг фидоиийлиги, меҳнатсеварлиги ва талабчалиги сифатида юқори ўрин тутади.

МАМАТҚУЛОВ ХУШБОҚ ЭШҚУРБАНОВИЧ

1943 йил 10 апрелда Жарқўрғон туманида туғилди. Х.Маматқулов ёшлигидан билимга чанқоқли ва интилиши туфайли Самарқанд Давлат Медицина Институтига 1966 йил ўқишни битирди. Х.Маматқулов меҳнат фаолиятини 1966-1967 йиллар Жарқўрғон туман марказий шифохонаси врачлик

Рентгенолог вазифаси ишлаб, тиббиёт илимни мукаммал ўрганишга бўлган интилиш, доимий изланиш, халққа сифатли тиббиёт хизматини кўрсатиш, унинг энг асосий бурчи ҳисобланди. Х.Маматқулов рентгенолог врач сифатида тинимсиз изланишлар олиб бориб, туман аҳолиси орасида соғлиқни сақлаш ташкилотчиси сифатида танилди. Натижада 1967-1984 йиллар Жарқўрғон туман марказий шифохона бош врач муовини лавозимида ишлади. Тажрибали шифокор Х.Маматқулов 1984-1995 йиллар Жарқўрғон туман Марказий шифохонаси бош врачи лавозимида ишлаб, ташкилотчи раҳбар, таниқли тиббиёт ходими энг муҳими фидоиий, тадбиркор инсон сифатида катта обрўга эга бўлди. Унинг ташаббуси билан туман марказий шифохонаси қайта таъмирланиб, янги даволаниш ўринлари ташкил этилиб, замонавий тиббиёт хизмати ва асбоб-ускуналари ўрнатилди. Х.Маматқулов ёшларнинг устози ва тажрибали тиббиёт ходими сифатида туманда янги даволаниш муассасаларини очишда раҳбарлик қилди. Аниқ ва қатъиятли фикр эгаси Х.Маматқулов ўз иш тажрибасида инсонпарварликни, одилликни, тўғрисўзликни, энг муҳими ўз касбига садоқатни асосий бурч деб билди. 1995-2004 йилда Жарқўрғон туман Саломатлик маркази мудири лавозида ишлади. 2004 йил 15 сенятбрдан буён – Жарқўрғон туман Марказий шифохона ташкилий ва услубий бўлимида врач статистик лавозимида ишлайди.

ШЕРМАТОВ СОДИҚ ШЕРМАТОВИЧ

1949 йил 5 ноябр Жарқўрғон тумани колхозчи оиласида туғилиб, 1956 йилдан 1967 йилгача Жарқўрғон туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабида ўқиди.

1967 йилда А.И.Репцен номидаги Санк-Петербург педагогика институтининг рус филология факультетига кириб 1972 йилда муваффақиятли тугатди. Шерматов Содиқ Шермаматович ўзининг меҳнат фаолиятини 1972 йилда тумандаги У.С. Завқий номли мактабда ўқитувчиликдан бошлади. У ўз фанининг устаси, ўта талабчан ўқитувчи эканлигини кўрсатади.

У ўқитувчи бўлиши билан биргаликлар ташкилотчи раҳбарлик қобилиятига ҳам эга бўлиб, 1974 йилда туман халқ таълими бўлимида услубчи,

1976 йилдан 1978 йилгача 19-умумий ўрта таълим мактабида директор ўринбосари, 1978 йилдан 1983 йилгача 21-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи, 1983 йилдан 1985 йилгача туман халқ таълими бўлимида назоратчи, 1985 йилдан 1987 йилгача туман методика хонасининг мудири вазифасида ишлади. 1987 йилдан 2004 йил 1 ноябрга қадар туман халқ таълими бўлими мудирининг муовини вазифасида ишлаб келмоқда. С.Шерматов туман халқ таълими тизимини мукаммал ривожланишига, мактаб таълимида замонавий ўқитиш технологиясини жорий этишда, ўқувчиларни билим олишига янги педагогик услубларни яратиш масаласида тажрибали педагок сифатида эл назарига тушди. Унинг ташкилотчилик қобилияти, халқ таълим тизимини ривожлантиришга бўлган ҳаракати, қатъий фикр ҳамда ташаббускорлигини хисобга олиб, туман ҳокимлиги 2004 йил 1 ноябрдан туман халқ таълими бўлими мудири вазифасига тайинланди. Шерматов Содиқ Шерматович шу лавозимда ишлаган даврда туман халқ таълим тизимида ижобий ўзгаришлар бўлди. Тумандаги барча мактабларда иннавацион гуруҳлар, педагогик синфлар, тест марказлари ташкил этилди. Илғор тажриба мактабларининг технология асосида олиб борилмоқда. Шерматов Содиқ Шерматовичнинг ташаббуси билан барча умумтаълим мактабларида ва туман халқ таълими бўлимида маънавият хоналари, мониторинг хоналари ташкил этилди.

У “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида ўқитувчиларга янгича фикрлаш, янги мануавий дунёқарашларни шакллантириш учун тинмай меҳнат қилмоқда.

С.Шерматов мактаб ўқитувчилар, раҳбарлари ва ота-оналар орасида ҳурмат ва обрўга эга. Топширилган вазифага ситқидилдан ёндошади ва ижобий ҳал этади. У тўғри сўз ва ҳамкасбларига ўта талабчан раҳбар, ростгўйликни, ташаббускорликни қўллаб қувватлайди, доимо янгилик яратишга интилади. У меҳрибон оила бошлиғи, мустақил Республикамиз равнақи йўлида тинмай хизмат қилади.

Халқ таълимини ривожлантириш билан бир қаторда мамлакатимизда амалаг оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар ривожига

муносиб хисса қўшиб, 2006 йилдан буён Ўзбекистон МТДП аъзоси сифатида ташкилотчилик ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Оилали, 6 нафар фарзанди, 15 нафар невараси бор.

ҚОДИРОВ ШОДМОН ҚОСИМОВИЧ

1954 йил 29 январда Жарқўрғон туманида ишчи оиласида туғилиб, отаси Қодиров Қосим онаси Мирзақулова Обод Жарқўрғон туманида ишчи хизматчи бўлиб фаолият кўрсатган. Ш.Қодиров олий маълумотли 1999 йил Термиз Давлат Университети иқтисодиёт бўлимини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1967 йилда "Жарқўрғоннефть" нефт конлари бошқармаси автотранспорт цехида чилангар вазифасида иш бошлади. 1969-1970 йилларда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ДОСААФда автомашиналарни бошқариш бўйича инструктор, 1973-1987 йилларда "Жарқўрғоннефт" "Нефтгаз" тизимида катта муҳандис, чилангар-моторчи, автокорхона бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. Ташкилотчи, тадбиркор Ш.Қодиров ўз билими ҳамда касбни мукаммал билиши билан эл назарига тушди. 1987-1993 йилларда "Ўзбекнефть" миллий ишлаб чиқариш бирлашмаси "Қарши технологик транспорт" бошқармасининг бошлиғи. 1993-2000 йилларда "Сурхондарё вилояти газ", "Сурхондарёгаз" таъминот корхонасида бошқарма бошлиғи муовини, бошқарма бошлиғи бўлиб ишлади. 2000-2002 йилларда Сурхондарё вилояти "Соғломлаштириш ишлаб чиқариш комплекси" бош директори, 2002-2004 йилларда "Сурхондарё қурилиш" Очиқ акциядорлик жамиятида моддий техника таъминоти бўйича раис муовини, 2004-2005 йилларда Термиз Олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи хўжалик ишлари бўйича директор ўринбоси вазифаларида фаолият кўрсатди. Ш.Қодиров талабчан, ишчан, тадбиркор ўз ишига маъсулият билан қарайдиган мукаммал, тажрибали раҳбар сифатида эл назарида катта обрў эътиборга эга бўлди. У 2005 йил май ойидан "Қашқадарётехнологик транспорт" Очиқ акциядорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари, 2005 йилнинг июл ойидан ҳозирги вақтгача жамият раиси лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Унинг билими ва ташкилотчилик салоҳияти ўзбек нефть ва газ саноатига кўрсатган фидокорона меҳнати туфайли 1992 йилда ЎЗбекистон Республикаси Президенти "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланди. Ш.Қодиров ўзининг ижодий фаолияти, ташкилотчилиги раҳбарлик қобилияти билан биргаликда яхши ибратли оила бошлиғи сифатида уч фарзанди ва турмуш ўртоғи билан маҳаллада катта обрўга эга бўлган инсон.

ТАНИҚЛИ ОЛИМЛАР

Заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билн таъкидлаш лозим.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Бугунги кунда Жарқўрғон туманидан етишиб чиққан кўплаб профессорлар, фан докторлари ва фан номзодлари Ватанимизнинг турли жойларида хизмат қилишмоқда. Жарқўрғон туманидан чиққан олимлар фаннинг турли йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб бориб, кўплаб монографиялар, илмий рисолалар, тўпламлар ва мақолалар эълон қилишмоқда. Тумандаги мавжуд нефть оқоваларидан йод олишни химик олимлар томонидан аниқлангач туман иқтисодига жуда катта фойда келтирилди. Туманимиздаги «Ҳайитобод» архологик ёдгорлигини ўрганишга немис археологлари қизиқиб, улар бу ерда маҳаллий олимлар иштирокида археологик қазишма ишларини давом эттирмоқдалар. Ижтимоий фан соҳаси вакилларининг туман тарихига бағишланган илмий - тадқиқот ишлари, туманда яшаётган уруғлар, уларнинг турли хил урф-одатлари, маросимлари, ўтмиш тарихи, маданий ҳаётига бағишланганлиги билан қизиқарлидир. Истиқлол йилларида тарихчи олим Тўхташ Аннаевнинг Сурхон тонги газетасида «Юртга жонфидолар керак» (Сурхон тонги 1994 йил 18 январь), доцент Ш. Шайдуллаевнинг «Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатлар» (Туркистон 1998 йил, 23 декабрь), доцент Абдуғани Тўхтаевнинг Жарқўрғон тарихини биласизми? (Жарқўрғон ҳақиқати 1996 йил, 5 сентябрь, «Жарқўрғон хунармандлари уруш йилларида» (Жарқўрғон ҳақиқати 1998 йил, 7 май), «Қўнғиротнинг келиб чикиши» (Жаркўрғон ҳакикати 1999 йил, 22 апрель), «Қонжиғали уруғи» (Жаркўрғон 2002 йил, 22 октябрь), 1999 йилда Термиз (альбом ҳаммуаллифлар жамоаси) китоби ва бошқа туркум илмий мақолалар туман меҳнаткашларининг миллий маданияти, ўтмиш тарихи, қадимги давлатчилиги тарихини ўрганишга бағишланган.

Мустақиллик йилларида Жарқўрғон туманидан етишиб чиққан профессорлардан: Олтибой Ҳайитов (1992 йил), Зокиржон Зуннунов, Қурбон Чориев (1993 йил), Дўстмамат Қулмаматов (1995 йил), Мамаражаб Раҳимов (1996 йил, марҳум),Қудрат Жўраев. Фан номзодларидан: Ёмғир Абдурасулов, Маман Аликулов, Бекмурод Тиловов, Хўжамбердиев, Рўзикул Мустафокулов, Ҳайдар Оқбўтаев, Мусурмонкул Холиёров (1991 йил), Ҳасан Тангиров (1993 йил), Аъзам Холиқов (1994 йил), Рустам Аликулов (1994 йил), Рустам Каримов (1995 йил), Абдуғаффор Холматов (1995 йил), Насимқул Каримов (1995 йил), Бахтиёр Имонов (1998 йил), Абдуғани Тўхтаев (2001 йил), Ҳусан Холмўминовлар (2007 йил) ва бошқалар турли йилларда илмий иш олиб бориб олимлик даражасига сазовор бўлдилар.

АЛЛАМУРАТОВ ҲАКИМ ШОНИЁЗОВИЧ

1959 йил 7 октябрда Жарқўрғон туманидаги Жарқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Исмоилтепа маҳалласида туғилди. 1966-1976 йиллари 17-ўрта мактабда 10 йиллик таълим олди. 1976 йили Тошкент давлат тиббиёт институтининг 1-сонли даволаш факультетига ўқишга кириб, уни 1982 йили тугатди.

1982 йили Термиз шаҳридаги 1-сонли вилоят касалхонасига ишга юборилди. 1986 йилгача шу касалхонада жарроҳ-травматолог врачи бўлиб ишлади. 1986 йили Украина Республикасининг Харьков шаҳридаги Украина врачлар малакасини ошириш институтининг ормопедия-травматология кафедрасининг клиник ординатурасига ўқишга кирди. 1988 йил клиник ординатурани битириб, кафедрада илмий изланувчи вазифасида вазифасида иш олиб борди. Собиқ Совет иттифоқининг парчаланиб кетиши туфайли илмий ишини ҳимоя қилиш орқага чўзилди. Нихоят 1994 йили Харьков шаҳрида И.И.Ситенко номидаги врачлар малакасини ошириш илмий текшириш института врачлар малакасини ошириш илмий текшириш институда профессор И.И. Хвисюк илмий раҳбарлигида “Бел умуртқалари острохондрози касаллигининг ҳар хил клиник кўринишларини тракцион йўл билан даволаш усули” мавзусида тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилди.

1990-1991 йилларда Термиз шаҳридаги 1-сонли вилоят касалхонасида травмотолог, 1991-1993 йилларда Жарқўрғон марказий каслхонасида травмотолог врач вазифасида ишлади. 1993-1994 йилларда 3-сон вилоят касалхонасида бош шифокор ўрин ўринбосари вазифасида ишлади. 1994 йилдан Жарқўрғон Марказий касалхонаси болалар поликлиникасида травмотолог, бўлим мудири вазифасида ишлади. 1996 йилдан 2002 йилгача Жарқўрғон тумани Марказий касалхонаси бош врачининг биринчи ўринбосарт, 2002-2007 йил август ойигача Жарқўрғон туман Марказий шифохонаси бош врачининг услубий ишлари бўйича муовуни вазифасида ишлади.

Ҳозирда докторлик диссертация устида ишлаш учун Харьков шаҳрида ишга ва ўқишини давом эттириш учун кетди. Алламуротов Ҳаким Шониёзович томонидан битта ихтирочилик ва 6 та илимй мақолалар эълон қилинган.

АЛЛАМУРОДОВ ШЕРАЛИ

Алламуродов Шерали 1943 йил 14-октябрда Жарқўрғон тумани “Соқчи” маҳалласида туғилган. 1960 йил Завқий номли 21-сон ўрта мактабни битирди. 1960-1965 йиллар мобайнида “Коммунизм” колхозида оддий колхозчи бўлиб ишлади ва ўқишни давом эттириб, етук малакали мутахассис бўлиш мақсадида 1965-йилда Тожикистон Қишлоқ Хўжалик институтининг зоотехника факультетига ўқишга кирди.

1971 йил ўқишни муваффақиятли тугатди. 1971 йил май ойидан Жарқўрғон туманидаги бўрдоқичилик уюшмасида зоотехник бўлиб иш бошлади. 1972 йил 15 февралида район қишлоқ хўжалик махсулотлари сифатини аниқлаш бўйича давлат инспекциясида инспектор бўлиб ишни давом эттирди. 1978 йил сентябрдан туман “Бузоқхона” комплексига бошлиқ бўлди. 1979 йил туман матлубот жамияти раисининг қишлоқ хўжалиги бўйича муовини вазифасида иш фаолиятини давом эттирди.

1980 йилдан вилоят қишлоқ техникасига бошқармаси ихтиёрида ташкил этилган “ёрдамчи хўжалик” уюшмасига директор бўлди. янги хўжалик учун ерларни ўзлаштириб, туманда қорамолчилик, товуқчилик фермаларни ташкил этишда ташкилотчилик кўрсатди.

1982 йилдан Термиз қишлоқ хўжалик техникумда ишлади. 1985 йил Ўзбекистон Чорвачилик Илмий Текшириш институти (ЎзЧИТИ) аспирантурасига ўқишга кириб, 1991 йилда “Ҳар хил йўналишдаги зотларнинг ўсиши ва ривожланишини жанубий Ўзбекистонда таққослаб ўрганиш” мавзусида фан номзоди илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1986-1988 йилларда Москва шаҳридаги К.И.Скрябин номидаги Ветернария Академиясини битириб, 1989-1997 йиллар мобайнида мутахасси сифатида Руминия ва Венгрияда хўжалик юритиш ҳамда чорва наслини ўрганиш бўйича тажриба ортирди. 1999 йил Ислом амалларини бажариш мақсадида Ҳаж сафарида бўлди.

АБДУРАСУЛОВ ЁМҒИР

Ё.Абдурасулов 1933 йил 13 июнда Жарқўрғон туманидаги Минор маҳалласида деҳқон оиласида туғилди. 1948-1950 йилларда туман марказидаги (2-ўрта мактаб қошида ташкил қилинган) 25 кишига мўлжалланган интернатда ўқиди. Н.Тўрамуҳамедов, Ф.Шаропов ва уруш фахрийси Т.Муҳаммаджонов каби педагогларнинг таҳсилини олди. Ўқиш давоми унинг шеърий машқлари адабиёт ўқитувчиси Н.Тўрамуҳамедов (Шавкатий) таҳрири остида туман ва вилоят газеталари саҳифаларида кўрина бошлади. Унда филолог бўлиш иштиёқи ўша даврлардаёқ туғилган эди.

1950 йили ўрта мактабни тугатиб, 1953 йилгача 2-мактабда аввал бошланғич синфларда, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, география фанларидан дарс берди. 1953 йили у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кириб, уни 1957 йили тугатиб, 1959 йилларда 4-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1959-1962 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ўзбек тилшунослиги соҳасид аспирантурага қабул қилиниб, аспирантурани тугатиб, 1962-1964 йилларда Тошкент давлат педагогика институти тилшунослик кафедрасида ўқитувчи, 1964-1966 йилларда Жарқўрғон туманида халқ таълими тизимида етакчи мутахассис, 1964-1972 йилларда Термиз Давлат педагогика институда катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1972 йили “Ҳозирги ўзбек тилидаги тақлидий сўзларнинг структураси” мавзусида (илмий раҳбари проф.

М.А.Асқарова) филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1973-1976 йилларда шу институт филология (рус ва ўзбек) факультети декани, 1978-1988 йилларда Ўзбек тили кафедрасининг мудири 1988-2008 йилларгача ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти вазифаларида ишлади.

Ёмғир Абдурасулов 1992 йили доцентлик унвонини олди. У университет талабаларини тилшунослик фаннинг энг янги ютуқлари билан таништириш баробарида ўзбек тилшунослигининг турли масалаларига бағишланган 50 дан ортиқ мақола ва тезисларини эълон қилди. Унинг тарли йилларда нашр қилинган "Тақлидий сўзларнинг фонетик хусусяитлари", "Гапиришга оид тақлидий сўз терминлар", "Ойбекнинг "Навоий" романида тарихий сўзлар" каби илмий мақолалари шу категориядаги сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари, тақлидий ўзакларнинг ўзбек тили сўз бойлигини оширишдаги ўрни ва уларнинг алоҳида турмуш сифатида ундов ва бошқа сўз туркумларидан фарқи ҳақидаги масалаларга бағишлангандир.

Ёмғир Абдурасулов катта илмий педагогик тажрибага эга олимлардан эди. У қарийб 40 йил давомида мактаб-маориф тизими ва олий илм даргоҳларида фаолият юритди.

2008 йил таниқли олим, ташкилотчи раҳбар, фидоий инсон Ёмғир Абдурасулов вафот этди.

АЛЛАНАЗАРОВ МУРОД МИРЗАЕВИЧ

Алланазаров Мурод Мирзаевич 1965 йил 30-апрелда Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги "А.Навоий" жамоа хўжалиги "Соқчи" маҳалласида ишчи оиласида туғилган.

1972 йил Жарқўрғон туманидаги 32-сон ўрта мактабининг биринчи синфига ўқишга борди. 1982 йил тактабни муваффақиятли битириб, ўша йили Самарқанд давлат университетининг тарих факльтетига ўқишга кирди. 1983-1985 йиллар даврида ҳарбий хизматда бўлди. 1989 йил Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини битириб, Термиз Давлат университетида ўқитувчи лавозимида ишлай бошлайди. 1992-1995 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институти аспиранти бўлди. 1996 йилдан

Термиз давлат университетининг тарих факультети “Ўзбекистон демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлай бошлади.

Алланазаров М.М. бугунги кунда ЎзРФА Тарих институти профессори Ражабов Қ.Х. раҳбарлида “Бухоро Халқ Совет Республикасидаги миллий раҳбар ходимлар фаолияти ва мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммолари” мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Мавзу бўйича марказий журналларда бир қанча мақолалари эълон қилинган. Жумладан 1. “Муҳофаза” журнали 2006, №5 сонида Порсохўжаев номли мақоласи. 2. Ўзбекистон Миллий университети 90 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжумани матераилларида “Бутун Бухоро Марказий Ревком ва БХСРдаги миллий раҳбар ходимлар фаолиятининг архив манбалрида ёритилиши” мавзусида мақола эълон қилинди. (2008 йил апрель)

Ҳозирги вақтда Алланазаров М.М.Термиз давлат университети “Ўзбекистон демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

АЛИМОВ ҚУДРАТ АХМЕДОВИЧ

1948 йил 17 январда Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов колхознинг “Исмоил-тепа” қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1963 йил Жарқўрғон тумани 17 сон ўрта мактабни 8 синфини битириб, Шахрисабз қишлоқ хўжалиги техникумига агрономия ихтисослиги бўйича ўқишга кириб, 1967 йилда техникум муваффақиятли тугатди. Техникумда ўқиб юрган вақтларида “эркин кураш” бўйича мусобақаларга иштирок этиб республика чемпиони бўлди. 1967 йилда Бухорода ўтказилган “Пахтакор” спорт жамиятининг Эркин кураш мусобақасида иштирок этиб Республика чемпиони унвонига эга бўлди. Техникумни тугатиб, Жарқўрғон тумани 4-сон ўрта мактабида жисмоний тарбия фанидан ўқувчиларга таълим бериб, спортга нисбатан чуқур хурмат билан қаради. Унинг спортга бўлган таланти, қизиқиши туфайли 1968 йил Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия инстиутига ўқишга кириб, 1972 йил институтни имтиёзли диплом билан тугатди. 1972 йил Термиз жисмоний тарбия техникумига ишга келиб, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси,

жисмоний тарибий тарихидан дарс берди. 1974-1975 йилларда Байкал орти харбий округида хизматда бўлиб, ҳарбий қисмда спорт секцияларини ташкил қилди. Армия сафидан қайтиб, 1975 йил Термиз Давлат педагогика институти “Жисмоний тарбия” кафедрасида ўқитувчи бўлиб, жисмоний тарбияга оид илмий тадқиқотлар олиб бориб, 1978 йил Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот инстиутутига аспирантурага кирди. 1981 йил аспирантурани тугатиб, Термиз Давлат Педагогика инстиутутга катта ўқитувчи бўлиб ишлаб, илмий тадқиқотларни давом эттирди. 1988 йил 26 сентябрда педагогика фанлари доктори професорлар Эргаш Чориев ва Талъат Усмонходжаевлар раҳбарлигида Низомий номидаги Тошкент давлат институтидаги Педагогика фанлари доктори илмий даражасини химоя қилиш бўйича Д113.18.01-Ихтисослашган илмий кенгаш мажлисида “Ўрта ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларда меҳнат ва жисмоний тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Термиз Давлат университетида педагогик фаолияти даврида илмий, услубий, ташкилий-тарбиявий ишларда фаол иштирок этиб, ўзининг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги билан катта хурматга эга бўлди. 1983-1985 йилларда “Жисмоний тарбияси” кафедра мудири, 1990 йил “Жисмоний тарбиянинг назарий ва методик асослари” кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи, 1992 йилда шу кафедрада доцент лавозимида ишлади. Шунингдек Қ.Алимов мамлакат, вилоят миқёсидаги спорт анжуманларида таниқли олим, ташкилотчи раҳбар, ёшларни устози сифатида ибратли ишларни олиб бориш билан биргаликда, жаҳон ва республика миқёсида ўтказилган Халқаро ҳамда республика миқёсидаги спорт мусобақаларида халқаро ҳакам, услубий маслаҳатчи, бахсли спорт ўйинларини холисона бошқарувчи спорт мураббийси сифатида танилди. 1995-2000 йилларда “Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” кафедрасида кафедра мудири, 2000-2002 йилларда “Жисмоний маданият” факультети декани вазифасида фаолият кўрсатди. 2002-2008 йилларда “Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” кафедрасида доцент ҳамда вилоят касб-ҳунар коллежларида спорт ишларини йўлга қўйиш

бўйича таниқли раҳбар, жисмоний маданият факультети илмий ишлар бўйича декан муовини бўлиб, ташкилий тарбиявий ишларда фаол иштирок этмоқда.

Спортнинг эркин кураш тури бўйича Эстониянинг Таллин, Молдавиянинг Кишинев, Украинанинг Киев, Иванова-Франковиский Бошқирдистоннинг “Саловат Юляев”, Белоруссиянинг Миск шаҳарларида халқаро ва бутуниттифоқ турнирларида қатнашиб совриндор ва ғолиб бўлган. 1978 йилда Термиз шаҳрида эркин куруш бўйича Афғонистон-ЎЗбекистон халқаро тарихий учрашувнинг ғолиби бўлган.

Ҳакам ва ташкилотчи сафатида Краш бўйича 1993 йилдан бери хар икки йилда бир марта ўтказиб келинадиган Ал Ҳаким ат Термизий хотирасиг бағишланган халқаро турнирнинг ташкил қилиниши ва ўтказилишида фаол қатнашиб келади. Бош котиб, бош ҳакам муовини сифатида иштирок этди. Вилоятда ўтказиладиган кураш турнири бўйича мусобақаларда бош ҳакам, бош котиб, бош хакам ўринбосари сифатида қатнашди. Халқаро тоифадаги хакам халқаро курш Академияси аъзоси.

1989 йилдан жамоатчилик асосида Сурхондарё вилояти жисмоний трбия ва спорт қўмитасининг илмий-методик кенгашининг раиси, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг қошида тузилган социалогик тадқиқотлр комиссиясининг аъзоси ҳам бўлган.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси кафедрасида “Талабалрни касб-ҳунарга тайёрлшда жисмоний тарбиянинг илмий педагогик асослари” мавзусида муоммали илмий тадқиқот ишлари олиб борлмоқда.

Қ.А.Алимовнинг бир қанча илмий методологик мақолалари, иттифоқ, республика, вилоят асарларида тўпламларида, журналларида чоп этилган. Шулардн баъзиларини кўрсатиб ўтиш лозим деб топдик:

Узлексиз таълимда жисмоний тарбия ва спортҒҒ касб-ҳанар таълими илмий методик журнал. –Т., 2003, №3, 9 бет., Жисмоний тарбия тизимининг назарий ва услубий асослари (ўқув қўлланма) –Т., ЎзДИТИ, 2006., Спорт тиббиётида антропометрик термин. 2007. ва бошқалар

Аликулов Маман

1939 йил 2 ноябрда Жарқўрғон тумани Т.Шобиров фермерлар уюшмаси (собиқ “Социализм”) нинг минор маҳалласида туғилди. 1953 йил тумндаги 4-ўрта мактабни 7 синфига тугатди. 1954 йил Термиз Педагогика билим юртига ўқишга кириб, 1957 йил ҳарбий хизматга чақирилиб, 1959 йилда ҳарбий хизматни тугатди. 1960 йил А.С.Макаренко номли ўрта мактаб қошидаги кечки ёшлар мактабини тугатди. 1960 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика инстиутини тарих-география факультетига ўқишга кириб, 1965 йил институтни имтиёзли диплом билан тугатди. 1965 йил Жарқўрғон туманида 49 ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлаб, 1966-1967 йилларда Жарқўрғон туманидаги Ғ.Ғуломов номли ўрта мактабда мактаб директори ўринбоса сифатида фаолият кўрсатди. 1968 йилнинг январида Сурхондарё вилояти Ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг Тарих-география кабинетида мудир вазифасида ишлади. 1968 йилда Термиз Давлат Педагогика институтининг КПСС тарих кафедрасида ўқитувчи бўлиб иш бошлаб, 1973 йил катта ўқитувчи лавозимида тайинланди. М.Аликулов 1979 йил 24 майда ЎЗбекистон ССР Фанлар Академияси Тарих институтидаги шаҳарлар тарихи бўлими бошлиғи, тарих фанлари доктори, профессор Ғ.Рашидов раҳбарлигида “Социалистик Термиз шаҳар тараққиёти тарихи (1946-1976 йй)” мавзусидаги илмий ишини ҳимоя қилиб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини олди. Доцент М.Аликуловнинг илмий фаолияти даврида 20 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилиниб, республика миқёсидаги илмий-анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда. М.Аликулов 1984-1991 йилларда КПСС Тарих кафедраси мудири вазифасида ишлаб, тарих фанини мукаммал ривожланишига муносиб хисса қўшиб, ўзининг тажрибали педагок, ташкилотчи раҳбар, ёшларнинг устози эканлигини муносиб кўрсатди. Унинг фидоий меҳнати, ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, илмий салоҳиятини ҳисобга олиб, 1987 йилда Ўзбекистон ССР Халқ маорифи аълочиси унвони берилди. Доцент М. Аликулов 1991 йилдан ҳозирга вақтгача “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедрасининг доценти сифатида фаолият юритиб келмоқда. Таниқли олим, фидоий инсон, камтарин илми-салоҳият эгаси, ёшларнинг мураббий устози М.Аликулов ўз хизмати эътибори билан тарих сахифаларида хурматга сазавор бўлди.

АЛИҚУЛОВ РУСТАМ

1961 йил 8 октябрда Жарқўргон туман «Сурхон» жамоа хўжалигада ишчи оиласида туғилди. 1978 йили 6-ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат университетининг Кимё факультетига ўқишга кирди. 1983 йил университетни тамомлаб, факультетдага табиий бирикмалар кимёси лабораториясида ишга қолдирилди. Аввал лабораторияда лаборант, катта лаборант ва илмий ходим бўлиб ишлади. 1986 йилда Тошкент Давлат университети аспирантурасига ўқишга кирди. Аспирантлик йилларида кимё фанлари доктори, профессор М. К. Юсупов раҳбарлигида илмий иш олиб борди.

1994 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти қошидаги илмий кенгашда "Совринжон ва Санграйқулоқ ўсимлигининг алкалоидлари. Янги гомоапорфин ва гомопроапорфин алкалоидларининг тузилиши" деган мавзуда диссертация ёқлаб, кимё фанлари номзоди бўлди. Илмий фаолияти Марказий Осиёда ўсадиган лолагулдошлар оиласига мансуб бўлган ўсимликлардан алкалоидларни ажратиб олиш ва уларнинг тузилиши, таркибини химиявий ва замонавий спектроскопик усуллар ёрдамида таҳлил қилиб, ушбу ўсимликларнинг алкалоидлари бўлган колхицин, колхамин, лутеидин кесселрингцинлар асосида уларнинг хосилаларини синтез қилишга бағишлангандир. Ушбу ўсимликларни замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида ўрганиш натижасида 27 та алкалоид ажратиб олинди ва шулардан 6 таси янги алкалоид бўлиб, қолганлари олдиндан маълум эканлиги аниқланди. Биринчи бор ажратиб олинган алкалоидларнинг тузилиши формуласи, химиявий ўзгаришлари замонавий спектроскопик усуллар ёрдамида исботланди. Ушбу оилага мансуб ўсимликларнинг бош алкалоидлари колхуцин ва колхамин тиббиётда рак касалини даволашда ишлатилади. Бу алкалоидлар заҳарли бўлганлиги туфайли тиббиётда қўлланилиши чегараланган. Колхамин тиббиётда 0,5% ли омаин сифатида тери ракини даволашда ишлатилади. Шу сабабли бу алкалоидларнинг ҳосилаларини синтез

қилиш табобатда катта аҳамиятга эга. Профессор Юсупов М.К. билан ҳамкорликда Тошкент Давлат тиббиёт институти олимлари билан ҳамкорликда 20га яқин ушбу алкалоидларнинг хосилаларини синтез қилдилар.

Бу бирикмаларнинг заҳарлилиги колхоцин ва колхаминга нисбатан бир неча марта кам эканлиги аниқланди.

Собиқ иттифоқ даврида Грузия ҳудудига қарашли Аджаристон автоном республикасида Батуми фармацевтика заводи катаамин ишлаб чиқариш цехида муҳим тиббиёт препарати бўлган колхиацин чиқинди сифатида Қора денгизга ташлаб юбориларди. 1987 йили Тошкент, Ашхобод ва Грузиялик олимлар билан ҳамкорлигида чиқиндидан колхуцин ажратиб олиш технологиясини ишлаб чикди ва ҳалқ хўжалигига тадбиқ этди. Ушбу технологиянинг жорий қилиншпи давлатга жуда катта миқдорда фойда келтирган. Кейинги йилларда бу ўсимликларнинг табиий заҳиралари камайиб бораётганлигани аниқланди. Олимнинг олдида ушбу ўсимликларни экиб кўпайтириш муаммо бўлиб турибди. Чунки кейинги йилларда колхуцин ва колхамин жигар циррози, ошқозон раки, асаб касалликларини даволашда ишлатилиши маълум бўлди. Р.Аликулов томонидан Сурхондарёда ўсадиган санграйқулоқ ўсимлиги ўрганилди ва унинг таркибида бош алкалоиддар бўлган колхуцин ва колхамин борлиги аникланди. Ҳозирги пайтда санграйқулоқ ўсимлигини экиб кўпайтириш устидан илмий иш олиб бормокда. Олимнинг Собиқ Иттифоқ ва республика илмий журналларида 20 дан ортиқ мақолалари чоп қилинган ва битта авторлик гувоҳномаси олинган. 1991 йил 8 октябрдан буён Термиз Давлат университетининг кимё факультетида декан ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатди. Ёш, иқтидорли олим Р.Аликуловнинг келгуси режалари вилоятимизда ўсадиган шифобахш ноёб доривор ўсимликлар таркибида тиббиётда қўлланиладиган турли доривор моддаларни кимёвий йўл билан олишдир.

1997-2006 йилларда кимё факультетининг декани, 2007 йилдан бошлаб кафедра мудири бўлиб ишламоқда. Жамоада ҳурмати бор. Талабчан, ташкилотчи олимлардан.

ИБРОҲИМОВ ЎРОҚ

1938 йил 25 мартда Денов туманидаги Юрчи қишлоғида таваллуд топиб, 1947- йили Жарқўрғон туманидаги «Оққўрғон» қишлоғи – ота юртига кўчиб келишди.

41-сон бошланғич мактабининг биринчи синфига ўқишга бориб, «Сурхон» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган 7-сон мактабни тугатди. Термиз педагогика билим юртини тугатиб, 1958-1960 йиллар Шўрчи туманидаги 31-сон мактабида физика-математика, бошланғич синф ва жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1960-1964 йилларда Ўзбекистон Давлат жисмоний маданият институтини тугатиб, 1964-1965 ўқув йилида йўлланма билан Шўрчи туманидаги 34-сонли (Ҳозирги Қумқўрғон тумани 2-сон) мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади.

1965 йил Байкал орти, Мурманск ва Североморск шаҳарларида ҳарбий хизмат бурчини ўтаб, 1965-1967 йиллар Жарқўрғон туманидаги 9-сон «Правда» газетаси номли, 35-сон А.Қўнонбоев номидаги мактабларда физика, математика ва жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1967 йили Термиз Давлат педагогика институти ишга келиб, институт ва вилоятда жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашда хисса қўшди. Ўроқ Иброҳимов институтда «Жисмоний тарбия бўлими» 1969 йилда очилгач, жисмоний тарбия кафедрасида дастлаб ўқитувчи, сўнгра катта ўқитувчи, кафедра мудири, доцент, профессор лавозимларида ишлади. Бу даврда у жисмоний тарбия таълимининг ўқув базасини мустаҳкамлашда алоҳида жонбозлик кўрсатди, институт (ҳозирги университет) талабалари учун спорт - соғломлаштириш оромгохларини қуришда, машғулотлар ўтказиладиган жой ва майдонларини замонавий спорт ашёлари билан жиҳозлашда, ҳашар йўли билан стадион қурилишида, қолаверса, талабалар ўртасида турли даражадаги соғломлаштирувчи мусобақалар ва машқларни уюштириш ва ўтказишда, вилоят, республика ва Халқаро миқёсида спорт ҳаракатини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳисса қўшди.

Ўроқ Иброҳимов жисмоний тарбия назарияси ва методикаси кафедрасини бошқариб, ҳозирги кунда кафедрадаги фаолиятига қўшимча тарзда факультет

илмий-методик кенгашига раислик қилмоқда. Ўроқ Иброҳимов 50 йил ичида ўқитиш, иш, фан, спорт ва ҳакамлик фаолияти йўналишларида самарали меҳнат қилди ва тинимсиз меҳнати туфайли кўпгина ютуқларга эришди, эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонди. Ўроқ Иброҳимов ўзининг иш фаолияти жараёнида эркин кураш бўйича 16 нафар спорт устаси, 500 нафардан ортиқ спорт усталигига номзод ва биринчи разрядли, мингдан ошиқ оммавий разрядли спортчилар тайёрлади. Улардан 13 нафари: А.Валиев, К.Хўжақулов, Турди Турабоев, Ч.Бобониёзов, А.Қурбонов, Тошпўлат Шаймарданов, Э.Тоғаев, Н.Нормуродов, Исмат Муродов, Нуриддин Юсупов, Қодир Қурбонов, Эшқурбон Худоёров ва Ўрол Эргашевлар Ўзбекистон Республикаси чемпионлари, 6 нафари: К.Хўжақулов, А.Қурбонов, Р.Алиев, Н.Ўтаганов, С.Жумаев ва Орзу Хушбақовлар Бутуниттифоқ ва Халқаро турнирларнинг ғолиб ва совриндорлари бўлдилар. Ана шу хизматлари учун Ўроқ Иброҳимовга Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1981 йил 28 сентябрдаги фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний маданият ва спорт ходими» фахрий унвони берилди. Ўроқ Иброҳимов доимий равишда ўқув-тарбиявий, спорт-соғломлаштириш ишларини илмий-тадқиқот ишлари билан ўзвий боғлиқ ҳолда олиб бориш учун у 1976-1980 йиллар Москвадаги Бутуниттифоқ жисмоний тарбия илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқотчиси бўлиб, у ерда «Ўзбекистонда студентлар спорти, унинг тараққиёти ва келажак истиқболлари» мавзусида номзодлик диссертациясини, бир қатор илмий-методик ва ўқув қўлланмаларини ёзиб, маълум ютуқларга эришди.

Илмий йўналишда республика, собиқ иттифоқ ва халқаро миқёсида қилган ишлари учун Ўроқ Иброҳимовга СССР Халқ Маорифи Давлат комитетининг 1991 йил 28 март № 3-531-Д қарори билан доцент, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги Олий Аттестация комиссияси илмий кенгашининг 2005 йил 27 январ 111-1-сонли қарорига биноан профессорлик илмий унвонлари берилди.

У фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий мақола, 8 та ўқув қўлланма, ўндан отиқ методик қўлланма ва тавсияномалар, 3 та илмий-оммабоп китоблар муаллифидир.

Унинг 1987 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «Саломатлик-туман бойлик» рисоласи Ўзбекистонда биринчи бор ёзилган бўлиб, унда саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда сочиқ билан машқ бажаришнинг роли ва ўрни кўрсатилган бўлса, иккинчидан, ҳар ким ҳам қимматбаҳо спорт асбоб-ускуналарини сотиб ололмаслиги, сочиқ билан машқларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз эркин бажаришлари ва бу асосан автобус, поезд, самолёт ва пароходларда узоқ муддатли ва масофали сафарга чиққанларга мўлжаллангандир. 2000 йил «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган «Мард қолур майдон ичинда» оммабоп китобида эса, миллий кураш халқимизнинг азалий удуми, қутлуғ одати эканлиги, қадим Туронзамин ўзининг арслондек полвонлари, баҳодир ўғлонлари билан ҳам дунё бўйлаб довруқ топганлиги, ҳозирда полвонлар силсиласи ўзилмаганлиги ва уларни тайёрлашда миллий курашимиз фидоийларининг хизматлари ўз аксини топган.

Андижон, Москва, Минск, Таллин, Тарту, Тошкент, Олма-ота, Бухоро, Фарғона, Волгоград, Самарқанд, Жиззах ва Термиз шаҳарларида бўлиб ўтган республика ва халқаро илмий анжуманларда эътиборга сазовор маърўзалар қилди. Булардан ташқари, профессор Ўроқ Иброҳимовнинг ташаббуси билан Термиз Давлат Университетида 5 марта республика ва Халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференциялар ташкил этилди ва ўтказилди. Булардан ташқари, кейинги йилларда Ўроқ Иброҳимов қаламига мансуб «Мутахассисликка кириш», «Спорт психологияси», «Тренерлик касби» ва «Олимпия билим асослари» ўқув қўлланмалари, «Биомеханикадан амалий машғулотлар» методик қўлланмаси чоп этилди ва улар мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг жисмоний маданият факультетларида, спорт коллежлари ва лицейларида ўқитилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жисмоний тарбия ва спорт Ўроқ Иброҳимовнинг бутун ҳаёти ва фаолиятига сингиб кетган. Унинг Андижон, Бухоро, Брест, Гулистон, Даугавпилс, Душанбе, Денов, Иваново-Франковск, Махачқала, Минск, Москва, Мурманск,

Наманган, Навоий, Новосибирск, Рига, Самарқанд, Санкт-Петербург, Североморск, Термиз, Тарту, Таллин, Тошкент, Улан-уде, Фарғона, Чита шаҳарларида ўтказилган республика, собиқ Иттифоқ ва Халқаро мусобақаларида кўрсатган биргина ҳакамлик фаолияти катта бир харитани ташкил этади.

Бу ерда Ўроқ Иброҳимовнинг СССР-АҚШ (2 марта), СССР-Эрон, СССР-Болгария, ССС-Афғонистон ва Ўзбекистон-Афғонистон Халқаро турнирларидаги ҳакамлик фаолияти алоҳида таҳсинга лойиқдир.

ЯХШИ ИНИМ

Ўроқ иним, яхши иним,
Яхшиларнинг нақши иним.
Етмиш ёшда тетик, бардам,
Ташлайверинг дадил қадам
Билимдонсиз, донишмандсиз,
Яхшиларга панд бермайсиз.
Тафавккурнинг мумтозисиз,
Полвонларнинг устозисиз.
Сурхон ўғли паҳлавонсиз,
Талабага меҳрибонсиз.
Кўп ёздингиз илмий китоб,
Ҳар биридир, ноёб – ноёб
Дунё кезиб, кураш тушган,
Кўксингизни орден қўчган,
Алпомишдек даврон сурган,
Кўп полвонни ерга урган.
Спорт ишда маҳкам турган,
Тўй, турнирда ҳакам бўлган.
Ўроқ иним, яхши иним,
Яхшиларнинг нақши иним.
Доим бўлинг, соғлом бардам,
Ташлайверинг мағрур қадам,
Яхшиларга бўлиб ҳамдам,
Юз ёшингиз қилинг байрам.
Ўроқ иним, яхши иним,
Яхшиларнинг нақши иним,

Болтажон Содиқов, шоир, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Таниқли педагок, тажрибали спорт устози, ташкилотчи, ташаббускор У.Иброгимов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жисмоний маданият ва спорт ходими», «СССР жисмоний тарбия ва спорт аълочиси», «Ўзбекистон Республикаси «халқ маорифи аълочиси» нишонлари соҳиби, Халқаро тоифадаги ҳакам, илм-фаннинг сир-у-синоатини ўрганиб, талаба – ёшларнинг чин маънодаги устозига айланди.

ИСАЕВ АҲМАД

1953 йил 25 сетябрда Жарқўрғон қишлоқ кенгашига қарашли “Қораёғоч” қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1969 йил В.Г.Белиниский номли 28-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Жарқўрғон туманидаги 26 қурилиш тростида ва 1971 йилнинг июнигача Жарқўрғон пахта тозалаш заводида ишчи бўлиб ишлади. Илмга бўлган қизиқиш келажакда яхши мутахассис бўлиб мақсадида тарих илмини ўрганишга жиддий киришиб, 1971 йил А.Навоий номли Самарқанд давлат университети тарих факультетига ўқишга кирди. Талабалаик йилларида тарих фанини мукаммл ўрганиш мақсадида тарих фанлари номзоди доцент М.М.Абрамов, кейинчалик доцент К.К.Кубаков раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, талабалар илмий анжуманларида фаол иштирок этди. Олиб борган тадқиқотлари натижасида “Сурхондарё вилоятида тўй ва тўй маросимлари” мавзусида диплом ишини ҳимоя қилди. Ташкилотчи илмга сидқидилдан киришган А.Исаев 1976 йил университетни муваффақиятли тугатиб, ЎзБекистон маориф минстрлигининг йўлланмаси билан М.Т.Ойбек номли Термиз давлат педагогика университети СССР тарихи ва умумий тарих кафедрасида педагогик ва илмий фаолиятини бошлади. 1980-1982 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти СССР тарихи кафедрасида икки йиллик илмий тадқиқотчи бўлиб, “Ўзбекистон халқ маорифининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши (1971-1980 йиллар)” номли илмий тадқиқот ишини тарих фанлари доктори профессор Ғуломқодир Рашидов раҳбарлигида олиб борди. Илмий мавзуга оид тадқиқотлар, мақолалар, рисолалар эълон қилиб, илмий мавзуни муваффақиятли якунлади. А.Исаев олиб борилган тинимсиз илмий изланишлар

натижасида 1987 йил 6 март куни Тошкент Давлат университети ҳузуридаги 07.00.02- “Ватан тарихи” тарих фанлари номзоди илмий даражасини олди. Олиб борилган тадқиқотлар илмий педагогик фаолияти натижасида 5 та илмий рисола, 2 та услубий қўлланма ҳамда 10 лаб илмий мақолалар эълон қилиши натижасида 1992 йил 29 январ куни №337 сонли Олий Аттестация Комиссияси қарорига мувофиқ А.Исаевга доцентлик унвони берилди. А.Исаевнинг ташкилотчилиги ва меҳнатсеварлиги ҳисобга олиб, раҳбарият университет профессор-ўқитувчилари ҳамда ишчи ҳодимлари касаба уюшмаси раиси лавозимига тайинлади. Ушбу лавозимда А.Исаев 1994-1999 йилларда фаолият кўрсатди. 1999 йилдан Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти лавозимига, 2000 йилдан университет ўқув ишлари бўйича ички назорат инспексияси бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатди. 2001 йилдан университет ички назорат ва мониторинг ишлари проректори, 2001 йил декабрдан маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректор вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. 2002-2005 йилларда Термиз Давлат Университет тарих ва гуманитар фанлар факультети декани вазифасида фаолият кўрсатди. А.Исаев ўзининг илмий фаолияти даврида Ўзбекистон тарихига оид илмий тадқиқотларни мукаммал олиб бориб, ўзининг талабчан илм фидоийси, ташкилотчи раҳбар, устоз сифатида ижобий хислатларини кўрсатди. Узоқ давом этган касаллик туфайли 2006 йил Аҳмад Исаев вафот этди.

ОСТАНОҚУЛОВ ТОШТЕМИР ЭШИМОВИЧ.

1954 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, 1975 йилдан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида фаолият юритади. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, 2005 йилдан бери институт ўқув ишлари бўйича 1-проректори, Ўзбекистон либерал-демократик партия аъзоси. Остонақулов Тоштемир Эшимович 1975 йил Самарқанд қишлоқ хўжалик институти битирган, кейинги илмий-педагогик фаолияти шу институт билан чамбарчас боғлиқ.

1980 йил СамҚХИ қошидаги ихтисослашган илмий кенгашда “Зарафшон воҳасининг ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида ҳар хил суғориш режим ва ўғитлаш меъёрида картошканинг маҳсулдорлиги ва уруғлик сифати” мавзусида

номзодлик диссертациясини, 1991 йилда Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик ИТИнинг (Ленинград шаҳри) ихтисослашган илмий кенгашида “Зарафшон воҳасида картошка селикцияси, уруғчилиги ва агротехникасининг хусусиятлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Россия Федерацияси Петербург Фанлар академиясининг (2004 йил) академиги, бир неча марта халқаро генетиклар, селекционерлар, уруғшунослик, картошкашунослар ва маккажўхоришунослик илмий конференция ва съездларида иштирок этган.

320 дан ортиқ илмий мақолалар, 14 та дарслик ва ўқув қўлланмалар, 7 та монография, 33 та тавсияномалар чоп эттирган, 8 та нав ва 4 та ихтирога муаллифлик гувоҳномаси ва патент олган. У киши бевосита раҳбарлигида 3 нафар фан докторлари ва 11 нафар фан номзодлари диссертацияси ҳимоя қилинган.

Т.Э.Остонақуловнинг илмий тадқиқотлари натижалари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига кенг жорий қилинган. Баҳорда экиб эртаги картошка етиштиришнинг технологияси, ёзда ўтган йилги туганаклардан уруғлик картошка етиштирш технологияси, такрорий экин сифатида товарбоп картошка етиштириш технологияси, иккиҳосилли экин сифатида картошкадан товар ҳосил етиштириш технологиялари ишлаб чиқилган. Картошкани ҳақиқий ботаник уруғидан кўчат экин сифатида ўстириб ҳосил олиш имконияти асослаб берилган.

Картошканинг тезпишар ва ўртапишар навларининг жадаллашган селекция усули ва уруғчилик услуби ишлаб чиқилган бўлиб, уларни жорий этиш натижасида картошканинг 5 та (Спитамен, Қувонч 16Ғ56 м, Баҳро 30 ҳамкор 1150 ва колорадо қўнғизига чидамли Бардошли-3 навлари), тарвузнинг тезпишар “Деҳқон” ва “Фермер” навлари яратилди. Картошка экинининг генофонди яратилиб, унда 1220 дан ортиқ нав намуналари мавжуд.

Т.Э.Остонақулов томонидан яратилган картошка, ширин маккажўхори ва тарвузнинг навлари республика қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган ва экишга тавсия этилган.

Т.Э.Остонақулов жамоат ишларида ҳам фаол қатнашмоқда: институт Илмий кенгаши, 2 та ихтисослашган кенгашлар (Тошкент Давлат аграр университети ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институти) аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси илмий-техник кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг аъзоси, Давлат Фан ва техника дастурининг 2003-2005 йиллар 12.25.2006 йилдан бошлаб А-8-155 рақамли лойиҳа раҳбари.

Т.Э.Остонақулов ўқув жараёнини яхшилашга, рақобатбардош юқори малакали, ҳозирги кун қишлоқ хўжалик муаммоларини еча оладиган мутахассислар тайёрлашга катта эътибор бермоқда. Бугунги кунда унинг шогирдларидан 5 нафар Республика Президенти совриндори. 16 нафар Беруний, Навоий, улуғбек номидаги стипендиялар ғолиблари. Турли жамғармалар (Меҳр нури, Келажак овози)нинг 20 дан ортиқ талабалар ғолиби бўлиши ўқув жараёни сифатини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Институтда ҳар йили 30 дан зиёд талабалар LOGO дастури бўйича малакавий амалиётларни 6-12 ой давомида ривожланган мамлакатларнинг фермер хўжаликларида ўташмоқда.

Ўқув ишлари проретори сифатида у киши томонидан институтнинг бир қанча чет давлатлар Россия, Хитой, Германия, Буюк Британия, Япония олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда фирмалари билан ҳамкорлик қилиши учун имкониятлар яратилоқда.

Профессор Т.Э.Остонақулов ўқув ишлари бўйича биринчи проректорлик лавозимида ўзининг ташкилотчилик қобилиятини ва янгиликларига интилувчанлигини кўрсатди. Ҳар хил вазиятларда масалаларни объектив ҳал қилиш ва керакли қарорларни чиқариш қобилиятига эга. Ўзининг юқори малакали мутахассислиги, эрудицияси, маълумоти ва талабчанлиги билан институтнинг барча ходимлари ва талабалар жамоат ўртасида обрў қозонган.

ЧОРИЕВ МУҲАММАДИ МЎМИНОВИЧ

Чориев Муҳаммади Мўминович 1956 йил 22 ноябрда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги “Минор” қишлоқ советига қарашли “Коммунизм” жамоа хўжалигида колхозчи оиласида туғилди. 1963 йилда 21-сон ўрта мактабининг 1-синфига ўқишга борди ва 8-синфгача шу мактабда ўқиди. 1971 йилнинг 7-декабрида Тошкент шаҳридаги “Ёш физиклар ва математиклар мактаб интернати”нинг 8-синфига ўқишга қабул қилинди. Шу мактаб интернатини 1974 йилда тугатиб, Тошкент давлат университетининг физика факультетига ўқишга ўқишга кириб, факультетни 1979 йилда аъло баҳолар билан назария-физик мутахассислиги бўйича тугатиб, ЎзССР ФА ядро физикаси институти қошидаги “Радицион асбоблар” махсус конструкторлик бюросига ишни давом эттирди. 1980 йилда эса шу институт аспирантурасининг кундузги бўлимига “01.04.16-атом ядроси ва зарралар физикаси” ихтисослиги бўйича қабул қилиниб, аспирантура даврида Москва вилоятида жойлашган Дубна шаҳрида “Ядро тадқиқотлари бирлашган институтида” узоқ муддатли илмий сафарда бўлди. 1984 йилда ЎзССР ФА ядро физикаси институтига кичик илмий ходим лавозимига ишга қабул қилинди. 1988 йилнинг апрелидан Термиз давлат педагогика институтига ишга ўтиб, 1988 йил 8 июнда Дубна шаҳрида “Ядро тадқиқотлари бирлашган институти” “Назарий физика” лабораториясида махсус илмий кенгашда танланган ихтисослиги бўйича “Атом ядросининг ротацион-вибрацион уйғонишлари полумикроскопик усул ёрдамида тадқиқ қилиш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1993 йилда Термиз давлат университети назарий физика кафедраси доценти лавозимига тасдиқланиб, 2002 йилдан 2005 йилгача “Ҳисоблаш техникаси ва информатика” кафедрасида, 2005 йилдан то ҳозиргача “Амалий математика ва информатика” кафедрасида доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳозирга қадар маҳаллий ва чет эл илмий журналларида 35 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари чоп этилган. Олий ўқув юртига кирувчилар учун 2-қисмдан иборат “Физикани такрорлаймиз” номли услубий қўлланмаси нашрдан чиққан. Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

ЯҚУБОВ РУСТАМ АЛТИБАЕВИЧ

1969 йилда Тўха Шобуров жамоа хўжалиги Лойқард маҳалласида оиласида туғилди. 1977-1987 йилларда “Ғофур Ғулом” номли 12-ўрта мактабда таҳсил олди. 1987 йили Меҳнат қизил байроқ орденли ТОшкент давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш факультетига ўқишга кириб уни 1994 йили тугатди.

1988-1989 йилларда Германия Демократик Республикасида собиқ Совет Армияси сафида хизмат вазифасини ўтади. 1994 йили ўзи ўқиётган олийгоҳни тугатиб, шу олийгоҳнинг 2-госпитал хирургия кафедрасида профессор С.Н.Наврўзов раҳбарлигида икки йил хурургия мутахассислиги бўйича клиник ординатурани ўтади.

Шу вақт ичида ошқозон-ичак йўлларини эндоскопик усулда текшириш услубини хирургия илмий текшириш институтида ўрганиб сертификат олди.

1998 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги тиббиёт фанлари доктори, профессор И.А. Зуфаров раҳбарлигида “Илк постнатал даврда буйраклар тараққиётининг морфологик хусусиятлари ва унга физиологик эритманинг таъсири” мавзусида (ўзбек тилида) тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилди.

1996-2002 йилларда Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида хирург, эндокопист вазифасида фаолият юритди. 2002 йилдан буён Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Термиз филиалида хирург, эндоскопист вазифасида ишлаб келмоқда. 2006-2008 йилларда Яман Араб давлатида хирург вазифасида фаолият кўрсатиб қайтди.

НОРМУРОДОВ ЧОРИ БЕГАЛИЕВИЧ

1953 йил 4 январ Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида ишчи оиласида туғилган. 1961 йил туман марказидаги 2-сонли ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишга бориб, 1970 йил шу мактабнинг 10 синфини муваффақиятли тамомлади. 1971 йил А.Навоий номидаги Самарқанд давлат университети Амалий математика ва информатика факультетига ўқишга кириб, 1976 йилда шу факультетни мувоффақиятли тамомоаганлан сўнг факультетдаги “Математик таҳлил ва прагламмалаш” кафедрасига ўқитувчи сифатида иш бошлади. 1977-1979 йиллар СамДУдан Новосибирский Давлат университетига

стажёр-тадқиқотчиликни ўташ учун илмий сафарга юборилиб, 1979-1981 йиллар Новосибирский Давлат университети илмий-тадқиқот секторида илмий ходим бўлиб, тадқиқот ишларни олиб борди. 1981-1984 йиллар Россия фанлар Академияси Сибир бўлими Назарий ва амалий механика институти кундузги аспирантурасида академик Николай Николаевич Яненко раҳбарлигида гидродинамик турғунлик муаммоларини ечиш учун самарали компьютер методлари яратиш йўналишида илмий изланишлар олиб борди. 1984 йил аспирантурани номзодлик диссертациясини тавсия этиш билан тугаллаб, Самарқанд Давлат университети "Ҳисоблаш ФА Сибир бўлими ҳисоблаш марказида "Ҳисоблаш математикаси" мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. СамДУ "Ҳисоблаш математика" кафедрасида етук мутахассис сифатида фаолият кўрсатиб, 1989 йилда шу кафедра доцентлиги илмий унвонини олиб, 1992 йил сентябр ойида Термиз Давлат раҳбарияти таклифига асосан Термиз Давлат университети "Ҳисоблаш математикаси ва информатика кафедрасининг мудири, 2005 йилдан бошлаб "Амалий математика ва информатика" кафедрасининг мудири лавозимида фаолияти кўрсатиб келаяпти. Ч.Б.Нормуродов ўқитувчилик, раҳбарлик фаолияти билан биргаликда узлуксиз илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ч.Б.Нормуродов 44 тадан ошиқ илмий мақолалар муаллифи, унинг 10 дан ортиқ ўқув ва ўқув услубий қўлланмалари мавжуд бўлиб, асосий ишлари Москва Россия Фанлар академияси марказий журналларида Россия Фанлар академияси ахбороти, Суюқликлар ва газлар механикаси (2 та), "Математик моделлаштириш" (2 та), "Техника ва технология" (3 та), Новосибирск шаҳрида Россия Фанлар академияси Сибир бўлими марказий журналларида 7 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг марказий журналлари "Механика муаммолари Ўзбекистон журнали" (3 та), "Ўзбекистон математика журнали" (1 та), "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг маърузалари" (3 та), "Информатика ва энергетика муаммолари Ўзбекистон журнали" (4 та), ҳамда халқаро ва республика илмий конференциялари тўпламларида 10 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган. Ч.Б.Нормуродов бир ва кўп фазали гидродинамик турғунлик муаммоларини компьютерда ечиш учун

ўта самарали спектрал-тўр методини яратган. У.Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг академиги Фарадей Басирович Абуталиев илмий маслаҳатчилигида “Спектрал-тўр методи ва унинг гидродинамик турғунликлик муаммоларига татбиқи” мавзусида 05.13.18.-Математик моделлаштиришнинг назарий асослари мутахассислиги бўйича физика-математика фанлар доктори, илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертациясини 2008 йил сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Математика ва инфермацион технологиялар” институти қошида фаолият кўрсатаётган ихтисослашган кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилди. Ч.Б.Нормуродов ўзи раҳбарлик қилаётган “Амалий математика ва информатика” кафедраси проф-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини ошириш, уларга илмий раҳбарлик қилиш бўйича тинимсиз ишлар олиб бораяпти.

ХОЛМЎМИНОВ ХУСАН ЭШМЎМИНОВИЧ

1975 йил 12 ноябрда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани “Оққўрғон” маҳалласига туғилган. 1992 йилда Жарқўрғон тумани 41-ўрта мактабни тугатган. 1992 йилда Термиз Давлат Университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. 1997 йил ўқишни муваффақияти тамомлаб меҳнат фаолиятини Термиз тиббиёт билим юртида бошлади. 1998-1999 йилларда Тошкент шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаб, 1999 йилдан бошлаб ТерДУ “Жаҳон тарихи” кафедрасида ўқитувчи лавозимига иш бошлади. ТеРДУ га ишга келган чоғиданоқ илмий изланишлар олиб бориб, номзодлик диссертацияси устида тинмай меҳнат қилди. 2002 йилдан илмий таътилга чиқиб, ЎЗбекистон Миллий Университетида аспирант-тадқиқотчи бўлиб, илмий изланишларини давом эттирди. Илмий раҳбари профессор Муртозоева Раҳбархон Ҳамидовна раҳбарлигидаги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятилари аҳолисининг демографик ҳолати, миграцион жараёнларини ўрганиш борасида мунтазам илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Илмий изланишлар натижасида Республика миқёсида илмий журналларда 15 дан ортиқ илмий мақолаларни чоп этиб, ушбу илмий изланишларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги Қарши, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши, бу жойларга

кўчирилган аҳоли хўжаликлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволидаги муаммо ва камчиликларни ёритиб беришга харакат қилди.

Холмўминов Хусан самарали илмий изланишлари боис 2007 йил 26 октябрида Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги ихтисослашган илмий кенгашида “Ўзбекистонда совет мустамлакачилиги сиёсатининг миграцион жараёнларга таъсири” мавзусида номзодлик диссертациясини мувоффақиятли ҳимоя қилди. Бугунги кунда ТерДУ “ Манбашунослик, тарихшунослик ва махсус тарих фанлари” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттириб келмоқда.

ХОЛМЎМИНОВ МАМАРЕЖАБ ЭШМЎМИНОВИЧ

1965 йил 31 октябрда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани “Оққўрғон” маҳалласида туғилган. Зукко, камтарин, ўқишга чин меҳрини берган Мамарежаб Холмўминов 1982 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1986 йилда Тошкент Давлат Университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. 1991 йилда ўқишни имтиёзли диплом билан тугатди.

1991 йилда меҳнат фаолиятини Термиз Давлат Университети қошида ташкил этилган “Археология лабораториясида”иш бошлади. Бутун билимини самарали меҳнати ва илмий фаолиятини университет ҳаётига бағишлади. Мамарежаб Холмўминов 1992 йилда Термизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти Сурхондарё бўлимини ташкил этилиши муносабати билан бўлимига кичик илмий ходим лавозимига ишга қабул қилинди. Шунингдек, Археология институтининг Сурхондарё филиали бўлимини ташкил этишда, ҳамда тараққиётида самарали унумли меҳнат қилиб келди. Сурхондарё вилоятининг бир қанча археологик ёдгорликларида, Эски Термиз, Ҳайитободтепа ва Бойсун туманининг бир қатор ёдгорликларида тадқиқотларни самарали олиб борди.

Бир қанча халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда ўз илмий мақолалари билан иштирок этди ва ўндан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар эълон қилди. Айниқса ёш олимнинг археологик тадқиқотлар туфайли топилган ашёвий манбаларни Сурхондарё бўлими фондига тўплаш борасидаги хизматлари жуда муҳимдир. Мамарежаб Холмўминов томонидан

Сурхондарё бўлимига тўпланган топилмалар ҳозирда Термиз археология музейи кўргазма залларида намойиш этилмоқда. Қисқа аммо мазмунли хаёти давомида келажак авлод учун бебаҳо мерос қолдириб баркомол авлодни тарбиялаш ишларига астойдил харакат қилди. Ёш олимнинг фан тараққиётига ҳисса қўшишида ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда кўп режалари бор эди. Аммо ёш олим 1993 йил 23 августда автоҳалокат туфайли вафот этди.

ҲОЛИҚОВ ЭШҚОБИЛ

1939 йил 12 июлда Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Минор қўрғонида туғилиб, 1947 йилдан 1954 йилгача Минор қўрғонидаги 7 йиллик мактабни тугатиб, 1954-1958 йилларда Термиз шаҳридаги педагогика билим юртини муваффақиятли тамомлади. 1958 йил сентябрдан, 1959 йилнинг январигача Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман комсомол комитетининг инструктор-котиби бўлиб ишлади. 1959-1961 йилда Армия сафида хизмат қилиб, дивизия комсомол комитетининг котиби бўлиб сайланди. 1961-1966 йилларда Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтининг тарих-география бўлимини тагатиб, талабалаик йилларида институт талабалар касаба уюшмасининг раиси бўлиб ишлади. 1966-1967 йилларда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти фуқаролар тарихи кафедрасининг ўқитувчиси бўлиб иш фаолиятини давом эттирди. 1967-1970 йилларда мазкур институтнинг аспирантурасига ўқишга кирди. Аспирантурадан кейин институтнинг СССР тарихи кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент бўлиб ишлади. 1974-1985 йилларда Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтнинг СССР тарихи кафедрасида доцент, профессор бўлиб фаолият кўрсатди.

1990 йилда докторлик диссертациясини муваффақитли ёқлаб, 1995 йилда профессор унвонини олди. 1997 йилнинг 1-сентябридан бери Тошкент Давлат авиация институти “Ижтимоий-гуманитар фанлари” кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Таниқли олим тарихшунос Э.Холиқовнинг 300 дан ортиқ монография, дарсликлари, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий қўлланмалари, рисолалар илмий

мақолалари чоп этиб муносиб устоз сифатида тарих фани ривожига алоҳида хисса қўшиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи, маънавияти, маданияти, сиёсатшунослиги, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, социалогия каби фанларидан бир нечалаб ўқув қўлланмалари, дарсликлар, рисолалар ёзди. Уларда ватан тарихи, юрт тинчлиги ва фаровонлиги, мамлакатимиз эришган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ютуқларимиз ўз аксини топган. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

Ўзбекистон тарихи. 1-2 жилд ТТЕСИ –Т., 2007, Ўзбекистон тарихи, -Т., 2007, ТТЕСИ, Жаҳон тарихи (9 синф учун дарслик), Т., “Талқин” 2006., Маданиятшунослик Т., ТТЕСИ, 2007., Культурология Т., ТТЕСИ, 2007 ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистоннинг ғурури унинг ободида монография Т., 2006, ТТЕСИ, Ўзбекистон тарихидаги мустақил иш учун материаллари Т., 2006. ТТЕСИ, Социологияда амалий машғулотлар (қисқа матнлар, услубий савиялар) Т., 2005, Социологиядан қисқача луғат. Т., 2005, ТТЕСИ.

ОДИЛОВ ЧОРИ МАМАТМУРОДОВИЧ

1960 йил 1 майда Тожикистон Республикаси Колхозобод тумани Узун маҳалласида туғилган. 1966-1976 йилларда 29-сонли ўрта мактабни тугатиб, 1976 йили Душанбе Қишлоқ хўжалик институтининг гидромелиорация факультетига ўқишга кириб, уни 1981 йил муваффақиятли тугатди.

1981 йилдан Душанбе шаҳридаги иттифоқ илмий тадқиқот институти (ВНИИ) да илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, ўтказилган назарий амалий тажрибаларга таяниб, илмий тадқиқотни муваффақитли якунланди. 1990 йил 4 январда Москва шаҳрида “Қир ёнбағирларини ёмғирлатиб суғориш йўли билан хашак олиш технологияси” (“Технология орошения кармовўх култур на склоновўх дожд сванием”) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1993 йилдан Тошкентдаги илмий тадқиқот институти фаолият кўрсатди. 1996 йили “Автомобил йўллари қурилиши” кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди.

1996 йилдан ҳозирги кунга қадар Жарқўрғон “Гидротехника ва қурилиш” коллежида катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Ҳозирда Жарқўрғон туманининг “Оқ тепа” фермерлар уюшмасида истиқомат қилиб, хўжалик ҳаётида фаол иштирок этиб, халқ хўжалигини ривожлантиришда етук мутахассис сифатида янги технологик жараёнларни амалга оширишда муносиб хиссасини қўшиб келмоқда.

ҲЎЖАМБЕРДИЕВ АБДУМУРОД ШЕРДОНОВИЧ

1949 йил 7 майда Сурхон давлат ҳужалиги 3 бўлимида деҳқон оиласида туғилган. Киров номли ўрта мактабни тугатиб, 1968-1970 йилларда ҳарбий ҳизматда бўлди. Ҳарбий хизматдан қайтгач яхши мутахассис бўлиш мақсадида тинимсиз изланиб, 1970-1974 йилларда МТ Ойбек номли Термиз Давлат педагогика институтининг метематика ихтисослигида ўқишга кириб уни муваффафқиятли тугатди. Математика фанига бўлган қизиқиши, тинимсиз олиб борган тадқиқотлари ҳамда узтозлар берган математика таълимига оид билимларга таяниб, математика фанини ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Натижада 1974 йил декбр ойидан Термиз Давлат Университети математика факультетида ишга қабул қилиниб, математикага оид илмий тадқиқотларни амалга оширишга жиддий киришди. Натижада 1979 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қори Ниёзий номидаги илмий тадқиқот институтига математика йўналиши бўйича аспирантурага қабул қилиниб, муҳим аҳамияга эга бўлган илмий тадқиқотларни назарий асосларини ўрганишга жиддий киришди. 1982 йил 19 октябрда математикага оид илмий анжуманда “Метематика ўқитишда IV-VI ўқувчиларининг табиатга бўлган муносабатларини ривожлантириш” мавзусига оид илмий мақолалари ҳамда тадқиқотлари билан жиддий иштирок этди. Собиқ иттифоқ даврида Москва, Киев шаҳарларида математикага оид илмий анжуманларда муваффақиятли иштирок этди. Тинимсиз изланишлар натижасида олиб борилган илмий тадқиқотларга асосланиб, 1985 йил 28 мартда Педагогика фанлари номзоди илмий унвонига сазовор бўлиб, етук педагог, таниқли математик сифатида фаолият кўрсатди. А.Хўжамбердиев илмий фаолияти билан биргаликда Термиз Давлат Универсиети ижтимоий-маданий ҳаётига ташкилотчи, инсонпарвар

педагог сифатида иштирок этди. Университет касаба уюшма қўмитаси фаолиятида таниқли ташкилотчи сифатида иштирок этиб, математика факультети декан ўринбосари лавозимида ишлаб ўзининг ташкилотчилик фаолияти билан танилди. Тинимсиз илмий изланишлари туфайли тадқиқотларнинг олиб борилиши натижасида 1993 йил 8 июлда “Метаматика ўқитиш услубиёти”бўйича доцент унвонига сазовор бўлди. Таниқли олим, ташкилотчи раҳбар, А.Хўжамбердиев меҳнатсевар инсон, 9 фарзанднинг отаси, қатъиятли фикр эгаси, математика фанини ижодкор машҳур олими сифатида айни кучга тўлган вақтда 2000 йил 20 май куни касаллиги туфайли вафот этди. А.Хўжамбердиевнинг амалга оширган педагоклик фаолияти, илмий назарий қарашлари, ташкилотчилик ҳамда оилапарвар, инсонпарварлиги туфайли амалга оширилган ишлари тарих сахифасида ўз ўрнини топди.

ИСАНҚУЛОВ ИШПЎЛАТ ТЎРАХОНОВИЧ

1942 йил 1 майда Қўрғонтепа вилоятининг Колхозобод районидаги «Қизил-октябрь» хозирги Тўрахон Эсанқулов номли жамоа хўжалигида туғилган. 1950-1960 йиллари 16- сонли ўрта мактабда таҳсил олди. 1950 йилларнинг охирларида мамлакатда мактабни ишлаб чиқариш билан боғлаб, мактаб талабаларига меҳнат тарбиясини беришни кучайтириш кенг жорий этилган эди. 16-сонли ўрта мактабга ҳам райондаги бошқа мактаблар қатори 30 гектар ер майдони берилди. Мактаб маъмурияти ўқувчилардан маҳсус бригада ташкил этиб, шу бригадага 9 синф ўқувчиси Ишпўлат Эсанқуловни бригада бошлиғи ва ҳисобчиси вазифасига тайинлади. 1959 йилдан ўқиш билан бирга меҳнат фаолияти бошланди. Шу йили пахтадан юқори ҳосил олинди. Ўқувчилар бригада аъзолари ва шу бригадага ёрдам берган ўқувчиларга иш ҳаққидан ташқари моддий жиҳатдан рағбатлантирилди.

1960 йилда Тожикистон Давлат Университетининг иқтисод факультетига ўқишга кириб, 1965 йил университетини муваффақиятли тугатди.

1966 йил университетнинг сиёсий иқтисод кафедрасида иш бошлаб, шу йили аспирантурага ўқишга кириб, Аспирантура даврида собиқ иттифоқнинг

кўзга кўринган иқтисодчи олимлари Ленинград университетидаги профессорлар Моисменко Н.А. Колесев Н.Д. Москва университети профессори Козодоев А.И. ва бошқа олимлардан сабоқ олди. Илмий ишга Тожикистон ФА синининг муҳбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори профессор Юсуфбеков раҳбарлик қилди. 1969 йил 16 октябрда «Қишлоқ хўжалигида иқтисослаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шу мавзу асосида Тожикистон қишлоқ хўжали журналида бир қанча илмий мақолалар чиқариб, иқтисодий самара берадиган таклифлар билан танилди. Тожикистоннинг шимолида жойлашган Исфара районини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, қарздорликни олдини олиш бўйича иқтисодий таклифлар билан фаол иштирок этди. Унинг таклифи билан районнинг табиий иқлим шароити пахтага эмас, балки боғдорчилик, мевали дарахтларни кўпайтириш ҳамда тамаки экиш учун қулай эканлиги илмий асосда асослаб берилди. Бундан ташқари аҳолиси кўп йирик шаҳарлар атрофидаги районларда пахта ўрнига шаҳар аҳолиси учун зарур бўлган сабзавот, кўкат ва бошқа озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мослаштирилган, ихтисослаштирилган хўжаликларни кўпайтириш масаласини ҳам асослаб берди.

1970 йилларнинг ўрталарига келиб, Исфара районида пахта экилишига барҳам берилиб, хўжаликларни шароитларига қараб тамаки, боғдорчилик, мевали дарахтларни экишга ихтисослаштирилди. Хўжаликларни даромади ошиб, Душанбе шаҳри атрофида жойлашган «Ленин», «Орджаникедзеобод», Хисор районларида пахтачиликка ихтисослаштирилган хўжаликларни камайтириб, сабзавотчиликка ва чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар кўпайтирилиб, шаҳар аҳолисини сабзавот ва чорва маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси аста-секин ҳал қилиниб борилди.

1969 йил аспирантурани тугатгандан кейин, аввал Тожикистон давлат университетининг сиёсий иқтисод кафедрасида ўқитувчи, кейинчалик Тожикистон маориф вазирлигининг йўлланмаси билан Душанбе давлат педагогика институтининг сиёсий иқтисод кафедрасига катта ўқитувчи вазифасида юборилди. 1972 йилдан шу кафедрада доцент вазифасини

бажарувчи, кейинчалик доцент бўлиб ишлади. 1972 йилдан институт ёш олимлар кенгашининг раиси, 1980 йилдан ижтимоий мутаҳассислар тайёрлаш факультетининг декани бўлиб ишлади.

Шу йиллар давомида ўз малакасини 1972, 1979 йилларда Тошкент давлат университетида, 1985 йилда Беларуссия давлат университетида ошириб келди.

Ишпўлат Эсанқулов талабаларага иқтисодий назариядан сабоқ бериш, жамоат ишларига актив қатнашиш билан биргаликда илмий изланишларни ҳам давом эттириб борди. У Республика ва бутун иттифоқ миқиёсидаги бир қанча илмий назарий конференцияларида иштирок этиб маърузалар қилди. 1970, 1972, 1980, 1983, 1988 йиллар Тожикистон республикаси миқиёсида, 1980 йил Тошкентда Ўрта Осиё миқиёсидаги илмий-назарий ва услубий конференциясида иштирок этиб маъруза қилди. 1980 йил Бутуниттифоқ Симфозиумида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни ва жойлаштириш мавзусида чиқиш қилди. 1985 йил Эстониянинг Тарту университетида Болтиқ бўйи республикалари конференциясида, 1986 йил Альгова шаҳрида Болтиқ бўйи олий ўқув юртларининг илмий услубий семенарида, 1987 йил Омскда Бутуниттифоқ, Вильнюсда Болтиқ бўйи республикалари илмий-назарий ва услубий конференцияларида иштирок этиб маърузалар қилди.

Шу билан биргаликда агросаноат комплекси, агросаноат инфроструктураси ва агросаноат интеграциясининг такомиллаштирилиб боришига, хўжаликлараро кооперацияси аҳамиятига бағишланган 30 дан ортиқ мақолалари республика журналларида ҳамда газеталарида чоп қилинди. 1973 йил Бутуниттифоқ касаба уюшмаси, СССР маориф вазирлиги, СССР олий ўқув юртлар вазирлиги, СССР ФАси ва Бутуниттифоқ ёшлар қўмитасининг биргаликда қўшма Ижтимоий фанлар бўйича ёш олимлар танлови эълон қилинди. Эшпўлат Эсанқулов шу танловда ўзининг илмий ишларининг натижалари билан иштирок этиб, танлов ғолиби бўлди. Ижтимоий фанлар бўйича Бутуниттифоқ ёш олимлар танловининг лауриати деган номга сазовор бўлиб, Москва шаҳрига чақирилиб СССР олий ўқув юртлар вазирининг муовини Мохов И.А. махсус диплом билан тақдирланди.

1991 йил Ишпўлат Эсанқуловнинг бир қанча илмий-услубий ишларини ҳамда ёшларни тарбиялашдаги хизматларини ҳисобга олиб Республика Халқ Маориф Аълочиси деган унвон билан тақдирлади.

1993 йил сентябр ойида Тошкент автомобиль ва йўллар институти Термиз филиали маъмурияти таклифи билан шу институт Ижтимоий фанлар кафедрасининг доценти вазифасида ишни бошлади.

1995 йил Тошкент автомобиль ва йўллар институти Термиз филиали иқтисод йўналишидаги 5 курс талабалари биринчи битирувчилари бўлади. Шу муносабат билан филиал директори Ш.Ачилдиев, директорнинг ўқув ва илмий ишлари бўйича муовини З.Худайқулов, Илмий Кенгаш котиби И.Эсанқулов филиалда янги «Автотранспорт иқтисодиёти, режалаштириш ва бошқариш» кафедрасини ташкил этишда фаол иштирок этишдилар ва 1994 йил декабр ойида Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг Илмий Кенгаш бўлиб, шу кенгашда янги кафедрани ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу қарор асосида филиалда «Автотранспорт иқтисодиёти режалаштириш ва бошқариш» кафедраси ташкил этилди, кафедрага иқтисод фанлари номзоди доцент Ишпўлат Эсанқулов мудир қилиб тайинланди.

Термиз Давлат Университетида 1995 йил “Менежмент ва тадбиркорлик” кафедрасининг мудири лавозимида иш бошлаб, 2001 йил ноябрь ойигача мудирлик қилди. 2001 йил ноябрь ойида «Молия-менежмент» факультетидаги «Молия» кафедрасига мудир этиб тайинланиб, 2005 йил 7- сентябргача ишлаб келди. И.Т.Исанқулов 2005 йил 24-августда нафақа чиқиб, кафедрага доцентлик лавозимига ўтди.

Доцент И.Т.Исанкулов Термиз Давлат Университетида 10 йилдан ортиқ кафедра мудирлиги лавозимида ишлаган даврида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Термиз Давлат Университети томонидан кўйилган барча талабларни бажариш учун сидқидилдан меҳнат қилиб кафедра рейтинггини Университети кафедралари ўртасида ошириб борди. Шу қилган меҳнатлари ҳисобга олиниб 1998-1999 ўқув йилида “Университетда хизмат кўрсатган доцент” деган унвонга сазовор бўлиб, иш ҳақига 50 фоиз қўшимча ҳақ бериш билан тақдирланди. Шу билан бирга

доцент И.Т.Исанкуловнинг Термиз Давлат Университетининг, ҳамда Сурхондарё вилояти ва Термиз шаҳрининг жамоат ишларига фаол иштирок этгани учун бир неча бор Университет ректорининг буйруғи билан қимматли совғалар билан мукофотланди. 2004 йил Сурхондарё вилоят ҳокимининг буйруғи билан Фахрий ёрлиқ ва қимматбахо совга билан тақдирланди.

Доцент И.Т.Исанқулов кафедра мудири лавозимида ишлаган даврида ташкилотчи, тажрибали раҳбар сифатида танилиб, мохир педагог ва таниқли олим сифатида фаол иш олиб бормоқда.

2000-2005 йиллар давомида 27 та илмий-услубий ишлари эълон қилди: жумладан 2002 йил «Ташқи савдонинг давлат томонидан тартибга солиниши» ўқув қулланма (ҳам муаллифликда 3.5 босма табокда), 2003 йил И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» тўпламидаги асарларида иқтисодий муносабатлар, муаммолар ва ечимлар номли 5 б.т ўкув услубий қулланма ҳам муаллифликда. Тошкент 2003 йил нашрдан чикарилди.

1999-2003 ва 2005 йилларда Халқаро илмий-амалий конференцияларда қатнашиб, халқаро миёсда илмий мақолалар билан илмий жамоатчилар ичида танилди. Унинг илмий ишлари Россиянинг Санк-Петербург илмий мутахассислари томонидан юқори баҳоланди.

доцент И.Т.Исанқулов университет, факультет жамоат ва маданий ишларида фаол иштирок этиб, Университет илмий кенгашининг аъзоси, факультетда маслаҳатчи ва мураббий устоз сифатида танилиб, ўзининг меҳнатсеварлиги, малакали мутахасис сифатида университет профессор ўқитувчилари ва иқтисод молия факультети талабалари ўртасида муносиб иззат ҳурматга сазовор бўлиб, тарих саҳифасида муносиб ўрин эгаллади.

ҲАЙИТОВ ОЛТИБОЙ

Меҳнат тарбияси ва политехника таълимини Ўзбекистон шароитида амалга ошириш, унинг имкониятларидан мактабда таълим -тарбияни яхшилашда фойдаланиш, шу йўл билан ёшларни меҳнатга тайёрлаш самарадорлигани оширишнинг илмий, услубий йўллари биринчи бўлиб юртдошимиз Олтибой Ҳайитов томонидан ишлаб чиқилди ва мактаблар ҳаётига татбиқ этилди.

Олтибой Хайитов 1935 йил 6 октябрда Жарқўрғон тумани А.Навоий номли жамоа хўжалигида оддий колхозчи оиласида туғилди. 1954 йилда А. Макаренко номли ўрта мактабни "аъло" баҳолар билан тугатди. Мактабда физика-математика фанларига қизиқиб, ўрта мактабни муваффақиятли тугатди. 1954 йили Низомий номидага Тошкент Давлат Педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Талабалик кезларида физика тўгараги машғулотларига фаол қатнашди. 1959 йилда олий ўқув юртини тугатиб, Термиз Давлат Педагогика институтида иш бошлади.

1962-1964 ўқув йилларида Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институтида аспиранти бўлиб, **ССЖИ ПФА** сининг меҳнат ва политехника таълими илмий-текшириш институтига бириктириб қўйилди. Таниқли олим, хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор А.А. Шибанов раҳбарлигида "Пахтачилик машиналарини ўрганишда политехник принцип" мавзусида иш олиб борди.

Физика ва ишлаб чиқариш асослари бўйича республикада тайёрланган биринчи мутахассислардан бири сифатида, физика ва ишлаб чиқариш асосларини, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ эканлигани чуқур ўрганди, шу фанлардан институтида талабаларга дарс берди. Олинган билимларни талабалар мактаб ҳаётига, айниқса, қишлоқ мактаблари ҳаётига қандай татбиқ этаётганликларини ўрганиш учун кўпгина мактабларда бўлиб, тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларини кузатди.

1968 йил Москвада Педагогика фанлари академиясида "Пахтачилик машиналарини ўрганишда политехник принцип" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, илмий ишда пахтачилик хусусан, пахта териш машиналарнинг илмий асосини, уни ўқувчиларга ўргатишнинг услубий асосини ишлаб чиқди.

Ўқиш, ўқитиш ва услубий соҳасидаги хизматлари ҳисобга олиниб, 1970 йилда О.Хайитовга доцент унвони берилди. Кейинги йилларда илмий изланишлари кўламини кенгайтирди, назарий ғояларини амалиётда татбиқ этиш йўлларини излади. 1970-1980 йилларда Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш, бўз ерларни ўзлаштириш ҳамда бу ишларни механизациялашга

катта эътибор берилди. Шу муносабат билан жуда кўплаб механизатор кадрларга эҳтиёж катта бўлди, айниқса, пахта теришни механизациялаш долзарб масала эди. Шунинг учун бир қанча пахта териш машиналари яратилди, "Қишлоқда яшайсанми, трактorни ўрган", "Механизаторлик - шарафли касб" каби шиорлар ўртага ташланди. Қишлоқ мактабларининг деярли барчасида механизаторлик, пахта териш машиналари ҳайдовчиси каби касблар ўргатила бошланди. Лекин бу ишларнинг самараси ўқитувчи ва дарсликларга бориб тақалар эди, чунки пахта териш машиналарини ўрганиш бўйича қўлланмалар, дарсликлар йўқ эди. Шуни ҳисобга олиб пахта териш машиналари ўқув дастурини шплаб чикди, дастурни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлади ҳамда ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

О. Ҳайитов раҳбарлигида 1980 йилда "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Пахта териш машиналари" ўқув қўлланмаси республика қишлоқ мактаблари учун катта воқеа бўлди. Бу мактаб дастури асосида ёзилган биринчи ўқув қўлланмасидир. Қўлланмадан ҳозирга кунда нафақат республикамиз қишлоқ мактаблари ўқитувчилари, балки Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон мактаблари ўқувчилари ҳам самарали фойдаланилмоқда.

1986 йилда "Ўқитувчи" нашриётидан "Қишлоқ мактаби ва қишлоқ хўжалита" китоби босилиб чиқиб, Республикамиз қишлоқ мактабларида олиб борилаётган меҳнат таълимининг аҳволи чуқур, ҳар томонлама таҳлил қилиб, уни яхшилаш тадбирлари илмий асослаб зарур тавсиялар берилган.

Илмий изланишларининг мажмуаси сифатида 1988 йилда "Ўзбекистон қишлоқ мактаблари ўқувчиларини фан -техника тараққиёти шароитида меҳнатга тайерлаш" монографияси '"Ўқитувчи" нашриётида чоп этилди. Бу китобда ўзининг узоқ йиллар давомида олиб борган изланишлари хулосасини ёритди. Ўттиз йилдан кўпроқ олиб борилган сермашаққат изланиш натижаларини вилоят, республика педагогик ўқишлари, институт, республика, Иттифоқ, бир неча халқаро илмий анжуманларида маъруза қилди, фикр алмашувларида иштирок этди.

1992 йил январь ойида Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикалари олимлари иштирокида Тошкентдаги Низомий номли Педагогика институти илмий кенгашда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Докторлик диссертациясида кенг қамровли умумий, политехник ва касбий билимларни, ўзаро боғлаш ва шу йўл билан ўқувчиларни меҳнатга, ҳаётга тайёрлашнинг илмий, услубий асосларини ишлаб чиқди ва амалиётга кенг жорий этди. Бу ишни ўзбекистонлик академик С.Р. Ражабов, тожикистонлик академик И.О. Обидов, Москвалик академиклар П.Р. Атутов, Ю.К. Васильевлар, ҳамда профессорлардан М. Очилов, Р. Атоевлар педагогика фани назарияси ва амалиётига қўшилган катта ҳисса деб баҳоладилар.

О. Ҳайитов фан-техника ютуқларидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, ёшларни фан-техникага қизиқтириш борасида ҳам самарали иш олиб бориб, бир қанча илмий-оммабоп мақолалар, китоблар, брошюраларни чоп этди. "Ўзбекистон" нашриётида босилиб чиққан "Фан-техника ютуқлари ва халқаро ҳамкорлик", 1981 , "Ўзбекистон нур қўйнида", 1984, "Янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш" 1989 йил ва бошқа рисолалар шулар жумласидандир.

Билимдон педагог, олим, камтар инсон бўлиши билан бирга ҳаётга фаол нуқтаи-назарга эга бўлган ишчи, ташкилотчи раҳбар ҳамдир. 1965-1969 йилларда Тошкент ирригация ва қишлок, хўжаликни механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши Педагогика институти ҳузуридаги ўқув-маслаҳатхонасига (кейинчалик филиал бўлди) мудирлик қилди. 1969 - 1971 йилларда Қарши Давлат Педагогика институгининг физика кафедрасини бошқариб, физика кафедрасида илмий-педагогик ишлар жонланди, қуёш энергиясидан фойдаланиш лабораториялари, ҳар хил иссиқхоналар қурилди. Улар хозирги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

1971-1975 йилларда Термиз Давлат Педагогика институтининг проректори, 1975 йилдан 1983 йил октябригача институти ректори вазифасида фаолият кўрсатди. Институтга раҳбарлик қилган пайтида ўқув-моддий

базасини кучайтиришга катта эгьтибор берди. Айниқса институт олимларига кенг имкониятлар яратиб бериш билан уларнинг ҳам сон, ҳам сифат томондан ўсишига кўмаклашди. Натижада кўплаб олимлар етишиб чиқди. Университетимизда, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида самарали хизмат қилаётган фан докторлари ва профессорлар 3. Мирзаев, Х. Раҳмонкулов, М. Олтинов, Ш. Самадов, Ҳ. Тўраев, А. Менгликулов, Б.Р. Қодиров, Б.О, Қодиров, Р. Қаландаров, С. Аҳмедов, Ш. Хуррамов, Ч. Саидов, С. Турсунов, Н. Норбоев, С. Абдуназаров, Ҳ. Бўриев, Ю. Маҳмудов ва бошқалар шулар жумласидандир. Илмий педагогик ва раҳбарлик фаолиятнни жамоат ишлари билан қўшиб олиб боради. Ўзбекистон Маориф вазирлиги коллегия аъзоси, Сурхондарё вилоят "Билим" жамиятининг раиси, республика педагогика жамияти вилоят бўлимининг раиси, вилоят партия қўмитасининг аъзоси, вилоят Кенгаши депутати сифатида халқ фаровонлиги, бахт-саодати, ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда ташаббускор бўлиб келди. Республика халқ таълими тизимидаги "Педагогика фанлари мазмуни ва уни ўқитиш муаммолари" методик кенгаши аъзоси. Термиз Давлат университети "Педагогик маҳорат" кафедрасига раҳбарлик килган. (1988-1998) О. Ҳайитов "Халқ педагогикасини амалиётга жорий қилиш асосида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш" илмий муаммосига етакчилик қилмокда ва унинг ечимига барча аъзоларни жалб қилди. Ҳар йили кафедра ўқитувчилари раҳбарлигада 15-20 нафар талабалар ўз илмий маърузалари билан университет талабалари илмий анжуманида ва педагогика фани бўйича Республика кўрик-конкурсида қатнашади ва фахрли ўринларни эгаллаб келмокда. 1993 йилда кўп йиллик илмий педагогик хизматлари, ёзган ўқув қўлланмалари, илмий методик рисолалари ҳамда жуда кўп услубий мақолаларини ҳисобга олиб профессор илмий унвони берилди. Кейинги йилларда педагогиканинг долзарб муаммосига бағишланган мавзулар бўйича диплом ишлари, номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. 10 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилди. Олим томонидан ишлаб

чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими ривожланишининг асосий йўналишлари" махсус курс ва махсус семинар дастури кафедра йиғилишида маъқулланди. 2 та ўқув қўлланмаси, 2 та ўқув дастури, 2 та илмий монография, 5 та рисола, 200 дан ортиқ оммабоп илмий, услубий мақолалар муаллифи, собиқ иттифоқ маорифи нишондори, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси, университетда хизмат кўрсатган профессор О. Ҳайитов ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни бозор иктисодиёти шароитида ҳаётга, меҳнатга тайёрлашнинг илмий педагогик асосларини назарий ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш муаммолари устунда баракали хизмат қилмокда.

Жарқўрғон туманида ўзи таълим олган 15-ихтисослашган мактаб-интернатда ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан аълочи ўқувчилар учун стипендия ташкил этган. Стипендия ҳар чорак ва йил якунига кўра энг юқори кўрсаткичли икки нафар ўқувчига берилади.

ХУДОЁРОВ ЭШМЎМИН

1938 йил 23 июлда Жарқўрғон тумани Қорақўрсоқ қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1945 йили Қорақўрсоқ қишлоқ мактабига ўқишга бориб, 1954 йили 10-синфни аъло баҳолар билан тамомлади. 1955 йилда Тошкент шаҳрига ўқишга келиб, Тошкент Тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кириб, институтни 1959 йили аъло ва яхши баҳолар билан битириб, институт раҳбарияти Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан, Худоёров Эшмўминни институтнинг кафедрасида ишлаш учун қолдирдилар.

Институтнинг хирургик (стоматологик) клиникасида 2 йил амалий тажрибасини ошириб, Ленинград шаҳрига малака ошириш мақсадида ўқишга юборилди. 1961 йилнинг кузидан 1964 йилнинг охиригача 1- Ленинград тиббиёт институтининг юз-жағ хирургияси кафедрасида аспирантурада ўқиди. 1965 йилда тиббиёт фанлари номзоди деган илмий даражага сазовор бўлди. У ўз номзодлик илмий ишида "Сўлак безларида тош ҳосил бўлиш

касаллигининг беморларда келиб чиқиш сабаблари" мавзусини олиб, яхши натижаларга эришди.

Ҳайвонларда тажриба ўтказиб, тиббиёт тарихида биринчи бўлиб, сичқон сўлак безларида эксперимент йўли билан тош касаллигини аниқлади. Олган натижага асосланиб, одамлар сўлак безларида тош ҳосил бўлишининг олидини олиш ва уларни яхши даволаш режаларини ишлаб чиқди.

Аспирантурани тамомлагач, 1965 йилда врачлар малакасини ошириш институтида иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1965 йилда чиққан буйруғига асосан, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, врач-стоматологларнинг малакасини оширишга мўлжалланган янги "Стоматологик курс"и очилди. Бу курс Марказий Осиё миқёсида очилган биринчи курс бўлиб, бутун Марказий Осиё Республикаларидан келган стоматологларининг малакасини оширишга режалаштирилган эди. "Стоматологик курс"ни очишда фаол қатнашиб, 2 йилдан ортиқ вақт ичида курс бошлиғи бўлиб ишлади. 1970 йилда доцентлик унвонини олди. Стоматологик курси кенгайтирилиб, кафедрага айлантирилган кейин, 1973 йилгача доцентлик вазифасини шу кафедрада бажарди. 3 йил мобайнида институтда маҳаллий базаларда врачлар малакасини ошириш факультетининг декани бўлиб ишлади. 1973 ва 1974 йиллари 1-Ленинград Тиббиёт институтининг юз-жағ хирургик кафедрасида докторантурада ўқиди.

1975 йили институтда янги хирургик стоматология кафедраси ташкил этилди. Шу кафедрани ташкил этишда ҳам фаол қатнашиб, кафедра мудири этиб сайланди. Ҳозирги кунгача шу кафедрада мудирлик вазифасида ишлаб келмоқда. 25 йилдан ошиқ мудирлик вақтида 3000 дан ортиқ жарроҳ-стоматологлар тайёрлаб, уларнинг малакасини оширишда ўз ҳиссасини қўшди. Малака оширган жарроҳ-стоматологларнинг 20-25 фоизи бошқа (Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизстон, Тожикистон ва ҳ.к.) республикалардан келган эдилар. Ўқитиш ва даволаш ишларида қатнашиш билан бир қаторда жамоат ишларини ҳам бажариб келди. Яъни 1975 йилдан 1984 йилгача Ўзбекистон Республикаси стоматологлар илмий жамиятининг раиси, 1975

йилдан 1987 йилгача стоматологлар илмий тиббиёт президиумининг аъзоси ва ҳ.к. 1976 йилда Ўзбекистон Республикаси врач-стоматологларининг 1-съездини, 1981 йилда Тошкент шаҳарида ўтказилган стоматологларнинг 7-съездини ўтказишца фаол қатнашди. Юқорида айтилган съездларни ўтказишда фаол қатнашганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2-марта меҳнат дафтарига ёзилган раҳматномаси билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси врач-стоматологларнинг 1-съезди ишини акс эттирган китоб Худоёров Эшмўмин муҳаррирлигида чиққан. Ўқитиш ва касалларни даволаш ишлари бўйича 30 дан ортиқ фахрий ёрлиқ билан тақдирланган, кўп марта Республикамизнинг рўзномаларида ("Ўзбекистон овози", "Правда Востока", "Тошкент". Ўқитувчилик фаолияти ва катта илмий-методик ишлари учун Олий Аттестация Комиссияси 1991 йил 2 октябрда Ватан тарихи кафедрасининг профессори илмий унвонини берди.

Термиз Давлат университети профессор-ўқитувчиларининг фаол жамоатчиларидан биридир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида "Ўзбекистон тарихи" фани бўйича илмий-методик кенгашнинг, университет илмий кенгашининг, тарих фанлари номзоди илмий даражасини берувчи (Самарқанд Давлат университети) ихтисослашган кенгашининг доимий аъзоси. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси (1978 йил 18 декабрь), шаҳар, вилоят, мамлакат миқёсида ўтказилаётган илмий, маданий-маърифий тадбирларнинг фаол иштирокчиси. Жумладан, Сурхондарё вилоят "Амир Темур маърифий жамияти"нинг президенти, Термиз Маънавият академиясининг декани, шаҳардаги А. Навоий номли 11-ўрта мактаб ота-оналар қўмитасининг раиси бўлди. Унинг раҳбарлигида «Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни», «Амир Темур-маърифатли инсон, адолатли давлат арбоби» , «Тадбиркор саркарда», «Бақтрия-Тоҳаристоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи», «Бақтрия-Тоҳаристоннинг шаҳар маданияти» каби республика ва халқаро миқёсидаги илмий конференциялар ўтказилган.

Ҳозир Навоий вилоятида илмий, ижодий фаолиятини қизғин давом эттирмокда. Маданиятли, илмни қадрлайдиган инсон. Тоза-озода кийиниш,

кўпроқ яёв юриш, озроққина ҳазил-ҳузул қилишни хуш кўради. Чиройли нутқи билан аудиторияни жаранглатиб туради.

ЗУННУНОВ ЗОКИРЖОН

1947 йил Жарқўрғон туманидага "Сурхон" жамоа хўжалигида туғилди. 1964 йил В.В. Куйбишев номидаги ўрта мактабни аъло баҳолар тугатди. 1964 йил Тошкент Давлат Тиббиёт институтига ўқишга кириб, 1970 йили Тошкент Давлат Тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан тугатди. Унинг илмга бўлган чанқоқлиги ва истеъдодини сезган институт раҳбарлари З.Зуннуновни институтга ишга қолдирдилар. У профессор Ашраф Хўжаевич Хўжаев раҳбарлик қилаётган касалликлар кафедрасида "Вибраин касаллигида капилляр қон томирлари ўтказувчанлигининг даволашдан олдинги ва ундан кейинги ҳолати" деган мавзуда илмий-тадқиқот ишини давом эттирди. У организмдаги барча касалликларда капилляр қон томирларининг ўтказувчанлиганинг бузилиш сабаблари ва уларни даволаш йўлларини ўрганди. Капилляр қон томирлари ўтказувчанлигиншг бузилиши туфайли организм хужайра ва тўқималарининг кислород ва озуқа моддалари билан таъминланиши бузилиб, натижада "капилляр-трофек етишмаслик сингдроми" келиб чиқишини, унинг клиник белгилари ва даволаш йўлларини вираня касалларида биринчи бўлиб исботлади.

1975 йилнинг 5 ноябрида Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг илмий кенгашида тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. 1974 йил кузигача Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг ички касалликлар кафедрасида ассистент вазифасида ишлади. 1977 йил июнигача 2-вилоят шифохонасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. 1978 йилдан 1987 йил ёзигача Сурхондарё вилояти бош терапевти вазифасида фаолият кўрсатди. Шу даврда З. Зуннуновнинг ташаббуси ва иштироквда ихтисослашган терапевтик ёрдам кўрсатиш тармоқлари тез ривожланиб, вилоятнинг барча туман поликлиникаларида кардиология ва функционал диагностика кабинетлари ташкил этилиб, вилоят шифохонасида ва "Жайронхона" физиотерапевтик бўлимлар ташкил этилди. Вилоят терапевтлар ва кардиологларининг З.Зуннунов раҳбарлигида тиббиётнинг

ўткир муаммоларига бағишланган илмий конференциялари ҳар кварталда мунтазам ўтказиб турилди. Бош терапевт вазифасида ишлаб юрар экан, вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида меҳнаткашларнинг турмуш тарзи билан, яшаш ва иш шароитлари билан ҳам мунтазам қизиқиб борар эди. Шу даврда унга бир фикр мутлақо тинчлик бермас эди.

Ватанимизнинг энг жанубий ўлкаси бўлган диёримизнинг ўзида бир неча хил иқлимий зоналарга хос жойлар бор, хусусан Термиз-Шеробод атрофларида ёзда-саратонда жазирама иссиқ бўлса, қишда, баҳорда ва кузда кучли "афғон " шамоли одамларнинг тинкасини қуритади. Шу билан бирга Бойсун, Шеробод, Сариосиё ва бошқа туманлардаги тоғларда Швейцариядагидек сўлим ҳаво, Денов атрофида субтропик иқлим мавжуд. Буларнинг баъзилари инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатса, баъзилари салбий таъсир кўрсатиши табиий ҳол эди. Айниқса, йилнинг жазирама иссиқ пайтида ва бошқа фаслларида такрорланиб турадиган, йилда 40-70 марта бўладиган чанг-тўзонли "афғон" шамоли инсон саломатлигига беморлар касаллигининг кечишига салбий таъсир кўрсатишини иш бошлаган биринчи кунлариданоқ сезган эди. У илмий адабиётлардан шу масалага тааллуқли мақолаларни излай бошлади. Аммо илмий тиббиёт адабиётларидан бирорта маълумот топа олмайди. Фаолиятдаги шифокорлар билан маслаҳатлашиб, «афғон» шамоли эсган кунларда, жазирама иссиқда ва мўътадил-комфорт об-ҳаво бўлган кунларда юрак касаллиги билан оғирган беморларда ва соғлом организмда юрак-қон томир тизими қандай қилиб мослашиш жараёнини ўргана бошлади.

Аввал бошда хаёлий нарса энди унинг учун илмий мавзу бўлиб шакллана бошлади. У 1987 йили устози Тиббиёт фанлари Академиясининг мухбир аъзоси, профессор Карим Йўлдошев билан шу мавзу хусусида маслаҳатлашди, устози З.Зуннуновнингнинг долзарб масалага қўл урганлигани, шу масала билан шу ерлик шифокорларнинг ўзлари шуғулланишмаса, на Тошкентдан, на Самарқанд, на Москвадан ҳеч ким келиб, бу ишни қилиб бермаслигани уқтирди. Шундай қилиб, Термизнинг иқпим шароитида юрак-қон тизимига мослашувини текшириш эндига вазифаси эди.

1987 йил бошлаган илмий ишини давом эттириш ва тугаллаш учун Москвага ўқишга кетди. У 1987-1990 йиллари Бутуниттифоқ кардиологик илмий Марказда ва Бутуниттифоқ саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш илмий Марказида докторантурада бўлиб, академиклар Е.И. Чаздов, В.М. Богомолов, профессор Л.М. Николаев, В.Г. Ясногородский ва бошқа жаҳонга машҳур устозлардан таҳсил олди ва устози Карим Йўлдошев раҳбарлигида "иссиқ-қуруқ иқлим шароитида юрак ишемик касали билан оғриган беморлар юрак-томир тизимининг мослашуви ва унинг бузилишини даволаш" номли докторлик диссертациясини 1990 йил 8 октябрь куни Москва шаҳрида муваффақият билан ёқлади.

Докторлик диссертациясида улкан фундаментал масала мослашув иссиқ-қуруқ иқлимда мослашув жараёни ўзига хос физиологик жараён эканлиги, бу мослашув иссиқ саратонда ва "афғон" шамоли шиддат билан кириб келишида организмнинг катта зўриқиш билан кечишини исботлади, организмнинг зўриқиб мослашув жараёнида мураккаб иатофизиологик симптомлар, физиологик (патофизиологак) зўриқиш оелгилари борлигини аникдаб, бу ҳолатни (касалликни) "иқлимий», ўриқиш синдроми" деб аталди. Муаллиф бу янги синдромнинг пайдо бўлиш механизми ва клиник кўринишларини исботлаш йўлларини ҳам ишлаб чиқди.

Шундай қилиб, жаҳон тиббиёт фанида янги касалликни-иқлимий (метеорологик) зўриқиш синдромни аниқланди.

Бу синдром эндиликда тиббиётда "Зуннунов синдроми" деб тан олинди. Докторлик диссертацияси оппонентлари, Москвалик академик Николай Романович Палеев ва профессор Татьяна Александровна Кинязова, Ригалик профессор Лариса Александровна Терентьева ҳамда илмий марказ олимлар кенгашининг 21 аъзоси томонидан бир овоздан юқори баҳоланди.

Москвада, Тошкентда турли илмий лавозимларга таклиф килишларига қарамасдан, ўзи бошлаган фундаментал ишларни давом эттириш ва уни тарбиялаб вояга этказган жонажон Сурхон диёрининг халқига хизмат қилиш мақсадида яна Сурхондарёга қайтди. У қуруқ кайтгани йўқ. Вазирлар маҳкамаси, Давлат режа Қўмитаси, Вилоят кенгаши ва Ижроия қўмитасининг

рухсати ва қарорлари асосида Н.А. Семашко номли саломатликни тиклаш ва табиий даволаш илмий текшириш институтининг республикада ягона филиалини Термизда очди. Бугунги кунда тиббиёт фанлари доктори Зокиржон Зуннунов ушбу филиал директори лавозимида меҳнат қилмоқда. Институтнинг 60 ўринли клиникаси мавжуд. Унда фан доктори ва фан номзодлари ҳамда олтита ходим "Иссиқ-қуруқ иқлимда организмнинг юрак-томир системаси ва уни табиий даволаш" мавзусида илмий иш олиб боришмокда. Вилоятимизнинг курортли ва шифобахш сувли маскани илмий асосида чекшириб, уларни вилоятимиз аҳолисини соғломлаштиришга хизмат килдириш институт илмий ходимларининг, хусусан З.Зуннуновнинг олдида турган вазифалардандир.

Битта монография, 50 дан ортиқ илмий мақолаларининг муаллифи, соғлиқни сақлаш аълочисидир. 1995 йидда Нью-Йорк фанлари академиясининг академиклигига сайланди. Бу хушхабар нафақат Сурхондарё аҳолисини, балки Ўзбекистон фани тизими вакилларини хурсанд қилиб юборди.

Академик олим йирик шифокор бўлибгана қолмай, нозик таъб шеърлар ҳам битади. Унинг бу маҳоратини адабиёт ихлосмандлари жуда қадрлайдилар.

ЧОРИЕВ ҚУРБОН

1948 йил 1 ноябрда Жарқўрғон тумани А. Навоий жамоа хўжалигида оддий деҳқон оиласида таваллуд топди. 1954 - 1969 йилларда шу хўжаликдаги Т. Шевченко номли 19-сон ўрта мактабда ўқишга келиб, 1965 йилда мактабни аъло баҳолар билан битказгандан сўнг Тошкент Давлат Педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, 1969 йилда Тошкент Давлат Педагогика институтини битиргач, 1970 йилда аскарлик бурчини адо этиб келгандан кейин икки йил (1971-1972 йй.) Жарқўрғон туманидаги 21-сон Завқий номли ва 7-сон А. Навоий номли мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлади. Бироқ илмга бўлган чанқоқлик, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш тарзини яхшилашга ҳисса қўшиш истаги уни яна Тошкентга чорлади.

1972 йилнинг 14-сентябрида аввалга Ўрта Осиё қишлоқ хўжалига иқтисодиёти (ҳозирги Ўзбекистон бозор ислоҳотлари) илмий-тадқиқот институтига кичик илмий ходим бўлиб ишга кирди. У ишга қабул қилинган бўлим қишлоқ хўжалигида математик усуллар ва электрон ҳисоблаш техникаларини жорий этиш муаммоларини бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борарди. Шу боис ўндан ортиқ илмий ишлари айнан шу масалаларнинг ечимига бағишланган.

1975 йил аспирантурага кириб, таниқли иқтисодчи олим, академик С.Н. Усмонов илмий раҳбарлигида "Хўжаликлараро кооперация шароитида қишлоқ хўжалигани бошқаришни такомиллаштириш" мавзусида диссертацияси устида ишлади ва уни 1981 йилда муваффақиятли ёқлади.

1982 йилнинг март ойида мазкур илмий-тадқиқот институтининг "Қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни ташкил этиш" сектори мудири лавозимига тайинланиб, 1998 йилгача, яъни 16 йилдан кўпроқ давр ичида у сектор мудири бўлиб ишлаб келди. Бу давр ичида у раҳбарлик қилган сектор ходимлари қишлоқ хўжалиганинг иқтисодий самарадорлигини оширишга боғлиқ қатор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар. 1986 йилда сектор ходимлари олиб борган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича ёш олимлар бошқараётган бўлимлар ўртасида ўтказилган Республика танловининг лауреати бўлишга эришдилар. Ходимлардан иккитаси (Алимардонов М. ва Тошбоев А.) ўша даврдаги Республика комсомоли лауреатлигига сазовор бўлдилар. 1983 йилда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти қошидаги иқтисод мутахассислиги бўйича диссертациялар ҳимоя қилишга ихтисослашган кенгашнинг илмий котиби этиб тайинланади ва ўриндошлик асосида шу лавозимда 1996 йилга қадар фаолият кўрсатди. Шу давр ичида 350 дан ортиқ илмий ходимлар, шунингдек, хорижлик фуқаролар номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. 1986 йшвда "Қишлоқ хўжалик ресурс салоҳиятини шакллантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигани ошириш механизмини такомиллаштириш" мавзусида докторлик диссертацияси устида иш бошлади ва уни 1993 йилда ёқлади. Олиб борган бу тадқиқот иши

таниқли иқтисодчи олимлар, шу жумладан хорижлик мутахассислар, томонидан юқори баҳоланди ва аграр ресурслар салоҳияти иқтисодий категорияси, уни аниклаш бўйича "ўзбек мактаби" яратилганлиги тан олинди.

Ҳозирги кунда унинг қаламига мансуб 90 га яқин илмий асарлар чоп этилган. Шундан 2 та рисола, 12 та китоб, 10 дан ортиқ турли тавсиянома ва шунга ўхшаш бошқа илмий асрлар мавжудлигини таъкидлаш жоиздир. Унинг раҳбарлигида 9 та фан номзодлари тайёрланди. 1993 йилдан иқтисод фанлари доктори илмий даражасини ва 1994 йилдан профессорлик илмий унвони олган. Кенг илмий жамоатчилик орасида катта ҳурматга сазовор таниқли иқтисодчи олим сифатида тан олинган.

1994-1996 йилларда олиб борилган илмий- тадқиқот ишлари натижалари қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ мулкдорлар синфини шакллантириш, хўжалик юритишнинг янги, бозор талабларига мос келадиган шаклларини яратиш борасида салмоқли ўрин эгаллади. Унинг бу йўналишлардага билим ва тажрибаларини эътиборга олиб, 1998 йилнинг июл ойида Республика Вазирлар маҳкамасининг тегишли фармойиши билан Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Республика Комиссиянинг доимий ишчи гуруҳга қабул қилинди.

1996-1998 йиллар мобайнида Республика миқёсида Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришга бағишланган йирик анжуманларда фаол иштирок этиб Республика раҳбариятининг эътибори ва ишончига сазовор бўлди ҳамда 1999 йилнинг июл ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига тайинлади. Ушбу лавозимида унинг раҳбарлигида агросаноат мажмуи тармоқларида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, акциялар ва объектларни хорижий инвесторларга сотиш асосида жаҳон бозорига кириб бориш каби қатор йўналишларда ишлар олиб борилмоқда.

НУҒМАМАТОВ МАМАРАЖАБ

М.Нуғмаматов 1938 йил 2 сентябрда Жарқўрғон туманига қарашли Оққўрғон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1957 йилда Жарқўрғон шаҳридаги 2-сон Макаренко номи ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, шу йили Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг биринчи курсига ўқишга кирди. Тиббиёт институтини тугатгач, юртига қайтади. ўз меҳнат фаолиятини Жарқўрғон туман бирлашган касалхонасининг жарроҳлик бўлимида жарроҳ вазифасидан бошлади. Ёш ҳаким тажрибали ҳамкасблари ёрдамида тинмасдан меҳнат қилди, ўқиди, изланди, тез орада фидойи меҳнати туфайли туман аҳолиси, ҳамкасблари орасида обрў -эътибор қозонди. 1966 йилнинг бошидан жарроҳлик бўлимининг бошлиғи, 1967 йилнинг апрелидан туман бирлашган касалхонаси бош врачининг муовини вазифаларида меҳнат қилди. 1968 ишдаинг октябридан 1983 йилнинг ноябригача Жарқўрғон туман бирлашган касалхонасининг бош врачи вазифасида муваффақиятли ишлади. Жарқўргон туманда меҳнат қилган йилларида аҳолининг саломатлигани муҳофаза қилишда кенг кўламда даволаш-профилактик ишларини амалга оширди, соғликни сақлаш муассасаларининг моддий техник базасини ривожлантиришда фидоийлик кўрсатди.

Институтни битирган йили давлат комиссиясининг қарорига биноан Тиббиёт институтида ишлаб, Тошкент, Ленинград, Киев шаҳарларида ўзи танлаган трацсфюиология, хирургия соҳалари бўйича малакасини ошириб борди.

1974 йил Тошкент гематологая ва қон қуйиш илмий текшириш институтида изланувчи бўлиб иш бошлаб, Жарқўрғон бирлашган туман касалхонасида, институт олимлари ёрдами туфайли, илмий лаборатория очилди, биринчи бўлиб туман касалхонасида донорларда гшазмоферез амалга оширилди, ташкилий, амалий, илмий асослар ишлаб чиқилда. Илмий фаолияти туфайли иссиқ иқлим шароитида қон ва плазма донорлари организми функционал тизимига қон ва плазма йўқотишнинг (периферик қоннинг таркибига, ўтиш регастрацияси ва қайта тикланишига, қоннинг увиш жараёнига тиббий

иммунитет тўйимлиги, жигар фаолиятига, баъзи бир микроэлементлар миқдорига ва ҳ.к.) таьсири ўрганиб чиқилди.

Куруқ иссиқ иқлим шароитида қон ва плазма донорларининг организмга зарарсиз қон ва спазма топшириши муддатлари ишлаб чиқилди. Республика гемотологая ва қон қуйиш институти олимлари ҳамкорлигида «Плазмоферез усулини туман касалхоналарикинг қон қуйиш бўлимларида жорий қилиш» мавзуда методик тавсиянома, плазмани қоннинг гаобуляр қисмида ажратиш мосламасини такомиллаштириш каби янгиликларнинг муаллифидир, унинг республика, иттифоқ илмий журнал ва тўпламларида 100 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган, Тошкент, Боку, Ленинград шаҳарларида ўтказилган халқаро умумиттифоқ илмий симпозиум, анжуманларида ўз маърузалари билан қатнашган.

1981 йили Ленинград гемотологая ва қон куйиш илмий текшириш институнининг илмий кенгашида «Қуруқ иссиқ иқлим шароитида қон ва плазма донорлари организмидаги фуюсционал тизимларининг аҳволи» деган мавзуда медицина фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ҳимоя қилди. Олиб борган илмий изланишларининг натижалари С.М.Киров номли ҳарбий-медицина академияси, Белоруссия гемотолология ва қон қуйиш илмий текшириш институтлари олимлари томонидан юксак баҳоланган.

1983-1987 йиллари Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига раҳбарлик лавозимада ишлади. 1987-1989 йиллари 1-сон вилоят касалхонасида жарроҳ, 1990-1993 йилларда Кисловодск шаҳардаги «Ўзбекистон» санаториясида бош зрач ва Кисловодск шаҳар касалхонасида жарроҳ бўлиб ишлади. 1993 йилнинг июлдан 2-сон Сурхондарё вилоят касалхонасида бош врачлик лавозимини жарроҳлик касби бўйича узвий боғланган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

ТИЛОВОВ БЕКМУРОД

1942 йил 13 апрелда Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов жамоа хўжалигининг Исмоилтепа маҳалласида туғилди. 1960 йилда ўрта мактабни имтиёзли тугатиб, келажакда устозлар ўгити билан яхши мутахассис бўлиб етишиш мақсадида тинимсиз изланишлар олиб борилиб, олган билимларини

мустаҳкамлаш мақсадида, 1965-1969 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг тарих факультетини тугатди. 1969 йил ангор туманида жойлашган Педагогика билим юртига ишга келиб, педагогик фаолиятини бошлади. 1970 йилда Жарқўрғон туманидаги А.Набиев номли 37-ўрта мактабда тарих ва жамиятшунослик фанларидан дарс берди. Ташкилотчи инсон мактаб ишларида фаол иштирок этиб, ўзнинг етук билим соҳиби эканлигини ёшларга берган илми билан устозлар назарига тушди. 1972 йилдан бошлаб, Термиз Давлат Педагогика институтининг СССР тарихи ва Умумий тарих кафедрасида ўқитувчи бўлиб қабул қилиниб, тарих фанининг мукаммал ўрганиш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб боришга киришди. 1974 йилнинг 29 декабрида Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти СССР тарихи кафедрасига сиртдан аспирантурага кириб, 1984 йил апрелда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти тарих факультет декани тарих фанлари доктори, профессор Д.Алламуродов раҳбарлигида “1925-1945 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида пахтачиликни ривожлантиришда Советларнинг роли” мавзусида Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги Тарих институтида диссертациясини ҳимоя қилиб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини олди. Термиз Давлат педагогика институтида таниқли олим, ташкилотчи раҳбар, фидоий инсон сифатида ташкилий-тарбиявий ишларга фаол иштирок этиб, 1975-1984 йилларга ижтимоий касб танлаш факультети декани, 1984-1998 йилларда Термиз давлат университети тарбиявий ишлар бўйича проректори вазифасида ишлади. 1998 йилдан ҳозирги вақтгача “Жаҳон тарихи” кафедраси доценти лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Таниқли олим, ташкилотчи раҳбар, ёшларнинг фидоий устози, камтарин инсон Б.Тиловов ўз хизмати ва этибори билан тарих сахифаларидан муносиб ўрин олди.

ТОИРОВ ЭШМУРОД

1939 йилнинг май ойида Жарқўрғон туманидага А. Навоий номли колхозида деҳқон оиласида туғилди. 1954 йили Н.К. Крупская номли ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатди. 1954 йилда Термиз шаҳридаги

педагогика билим юртига ўқишга кириб, уни 1958 йили муваффақиятли тамомлаб, 1958 йилда Тошкент Давлат университетининг география факультетига кириб, 1963 йили университетни тугатди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг йўлланмаси билан Қарши Давлат педагогика институтига ишга келди.

1972-1973 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги иқтисод илмий текшириш институтида илмий тадқиқотчи сифатида илмий иш олиб борди. 1975 йили аспирантурага ўқишга кириб, институт ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўлими мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Ш.Н. Зокиров раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. «Қарши Ғузор саноат бўғинининг шаклланиши ва комплекс ривожлантириш муаммолари» деган мавзуда илмий-тадқиқот ишини олиб борди. 1976 йили Ўзбекистон фанлар Академияси қошидаги иқтисод институти илмий кенгашида иқтисод фанлари номзодлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Саноат бўғинларининг шаклланиши ва уни комплекс ривожлантириш муаммоларини ўрганар экан, саноат бўғинларини маълум бир территорияда комплекс ривожлантириш катта иқтисодий самара беришни кўрсатди. Бу иқтисодий самара мавжуд хом ашё ва меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланган ҳолда ихтисослашган хизмат кўрсатувчи ҳамда ёрдамчи хўжалик тармоқларини биргаликда ривожлантиришни янада салмоқли бўлишини исботлади.

1982-1987 йилларда Тошкент Халқ хўжалига институти Қарши филиалида директор муовини вазифасида ишлади. 1970-1987 йилларда 30 га яқин илмий мақолалар ёзди, улар турли илмий тўпламлар ва журналларда чоп этилди. 1982 йили «Қарши чўлини ўзлаштиришнинг иқтисодий самараси», 1984 йили «Фан-техника тараққиёти шароитида хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси» номли рисолалари босмадан чиқди. Илмий тадқиқотларга асосланиб «Ўзбекистонда саноат бўғинларининг шаклланиши ва ривожлантириш муаммолари» мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Доцент Э. Тоиров моҳир, тажрибали педагог, кўплаб шогирдларни устози.

ТЎХЛИЕВ НУРИСЛОМ ТУХЛИЕВИЧ

1947 йил 6 майда Жарқўрғон тумани Соқчи қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатиб, 1965-1969 йиллар Самарқанд давлат университети Тарих факультетини муваффақиятли тугатиб, 1970-1973 йиллар Санк-Петегрбург давлат университетига иқтисод факультетида аспирантурада ўқиди. Ёшлигидан илмга бўлган изланиш, устозлар илмига эътибор, тарих фанини мукаммал ўрганиш билан бирга иқтисодий тараққиётга боғлиқ бўлган билим билан ҳам чуқур шуғулланишга жиддий киришди. У Ўзбекистон иқтисодиёти билан боғлиқ муаммоларни, тараққиёт йўналишини тармоқларни мукаммал ўрганиш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб борди. 1974-1979 йилларда Самарқанд вилоят партия қўмитасида маъсул ходим, 1979-1984 йиллар Ўзбекистон Коммунистик партияси марказий комитетида инструктор, 1984-1989 йиллар Ўзбекистон коммунистик партияси марказий қўмитасида бўлим мудири ўринбосари, фан ва медицина бўлими мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. Н.Тўқлиев ташкилотчи раҳбар, фидоий инсон, фан ривожида танилган олим сифатида мамлакатимиз тараққиётида муносиб хиссасини қўшиб, муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқотлар билан танилди. Айниқса унинг илмий тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиши, иқтисодий хўжалик юритиш тизими, иқтисодий режалаштириш соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш масаласидаги илмий мушоҳадаси илмий жамоатчилик томонидан катта эътибор билан қабул қилинди. 1989 йилдан хозирги кунгача Ўзбекистон миллий энцеклопедияси Давлат илмий нашриёти директори ливозимида ишлаш билан биргаликда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти “МДҲ-Европа ва Америка мамлакатлари иқтисодиёти” кафедраси лавозимлрида фаолият юритмоқда. Таниқли олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Н.Тухлиевнинг фан йўлидади ижодий ва машаққатли меҳнати туфайли 500 дан ортик илмий мақолалари, 20 дан ортиқ монография, дарслик, ўқув қўлланмалари чоп этилди. Бевосита унинг илмий раҳбарлигида 27 та фан номзоди ва фан докторлари илмий мутахассис сифатида тайёрланди. Таниқли олимнинг илмий фаолияти, ташкилотчилик ва ташаббускор ишчанлик, тадбиркорлик фаолиятини хисобга

олиб, республика ҳукумати “Ўзбекистон рсепубликасида хазмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирлади. Таниқли олим, республикамиз фани ва маданияти ривожига муносиб хисса қўшган, энг муҳими “Ўзбекистон миллий энцеклопидияси” ни тайёрлаш ва нашр этишдаги фидокорона меҳнати ватанимиз тарихини дунёга танитишда хизмати туфайли Н.Тўхлиев тарих сахифаларида муносиб хурматга сазовор бўлди.

РАҲИМОВ МАМАРАЖАБ МАЛИКОВИЧ

1950 йил 20 майда Жарқўрғон туманидаги А.Навоий жамоа хўжалигида деҳқон оиласида туғилди. 1956 йил 19 сон ўрта мактабнинг биринчи синфига бориб, уни 1967 йили тугатиб, 1967 йили Фарғона давлат педагогика институтининг Жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирди. 1971 йили институтни тугатиб, 1971 йили август ойидан бошлаб Жарқўрғон туманидаги 7 ўрта мактабга жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишга кирди.

1972-1973 йилларда Собиқ Совет армияси сафида хизмат қилди. У 1978 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кундузги бўлими аспирантурасига ўқишга кириб, 1982 йили уни тугатиб, Жарқўрғондаги Мичурин номли 32-ўрта мактабда ишлай бошлади.

1975 йилдан бошлаб республика педагогика илмий тадқиқот институтига илмий мақоллар билан иштирок этиб, 1981 йил 27-28 апрел кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Х11 Республика педагогика ўқишларида қатнашиб биринчи ўринни олди ва “ЎЗбекистон ССР Халқ Маорифи аълочиси” нишони билан тақдирланди.

1981 йил апрель ойида бутуниттифоқ педагогика ўқишларида қатнашиб, СССР Маориф Вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Мамаражаб Раҳимов Педагогика фанлари доктори, профессор В.П. Филин, биология фанлари номзоди, катта илмий ходм Т.С. Усмонхўжаев илмий раҳбарлигида 1984 йил 20 декабрда Москвада СССР Педагогика Фанлари Акадмияси ёш болалар ва ўсмирлар физиологияси илмий текшириш илмий кенгашида “Умумтаълим мактаблари кичик синфларида иссиқ иқлим шароитида жисмоний тарбия дарсларини очиқ ҳавода ўтказш методикаси хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1986 йил 1 январдан Термиз давлат педагогика институтини Жисмоний тарбия кафедраси мудири вазифасига ишга ўтди. 1991 йили доцентлик унвонини олди. 1991 йилнинг 1 февралигача Жисмоний тарбия кафедраси мудири лавозимида ишлади. 1996 йил ноябр ойида “Кичик ёшдаги ўқитувчиларни жисмоний тарбиялашда халқ жисмоний маданияти” мавзусида (илмий маслаҳатчи профессор Б.Қодиров) докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва педагогика фанлари доктори илмий даражасини олди.

1997 йил февралдан 2000 йил 20 августгача кафедра доценти вазифасида падагогик фаолиятини давом эттирди. 2000 йил августидан Спорт турлари методикаси кафедраси мудири ва кафедра профессори вазифасида ишлади.

Профессор Мамаражаб Раҳимовнинг тренер сифатида тайёрлаган юқори малакали шогирдларининг сони 100 нафардан ошиб, шулардан 21 нафари Ўзбекистон спорт устаси нормативларини бажарди. Улардан кўпчилиги Осиё ва қатор халқаро турнирлар ғолиби ва совриндорлари ҳисобланади.

Мамаражаб Раҳимов бутун иш фаолияти давомида илмий ишлар бўйича факультет декани муовини, кафедра мудири ҳамда фаол жамоатчи олим сифатида танилди. Мамаржаб Раҳимов томонидан 110 дан ортиқ илмий (мақолалар, қўлланмалар ва бошқалар ишлар эълон қилинди).

Улардан қуйидагиларни мисол келтиришимиз мумкин. Мактабда физкультура-соғломлаштириш ишлари ташкил қилиш ва ўтказиш ҳақида. –Т., 1987. 10 бет (методик ишланма) Организация и провеление уроков физкультурў на открўтом воздуке в условиях жаркого климата –Термиз., 1989, 2,5 бет. Кичик ёшлада ўқувчилар учун умум ривожлантирувчи машқлар. –Т., 1992. 2,5 бет Методик қўлланма. Иссиқ иқлим шароитида бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбиялашмасалалари –Термиз., 1998 йил., 145 б. Методик қўлланма. Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбияси –Термиз., 2000 йил, 148 бет, ўқув қўлланма. Бошланғич синфларда жисмоний тарбияни ўқитиш назарияси ва методикаси –Т., “Янги аср авлоди”, 2001 йил, 116 б. Ўқув қўлланма. Шарқ алломалари: Халқ ўйинлари ҳақида. Ўқув қўллнма. –Термиз., “Мерос”, 2002 йил, 147-бет. Диссертация ҳимоя қилинганидан кейин 101 та

илмий ва ўқув услубий ишлар эълон қилди. Шу жумладан педагогик амалиётда фойдаланилаётган илмий ишлари:

Мактабда физкультура-соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳақида –Т., 1987, 1,0 бет. (Методик бирлашма) Организация и проведений уроков физкультурў на открўтом воздухи в условиях жаркого климата –Термиз, 1989, 2,5 бет. Кичик ёшладаги ўқувчилар учун умум ривожлантирувчи машқлар. –Т., 1992, 2,5 бет. Методик қўлланма. Иссиқ иқлим шароитларида бошлнғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбияси. –Термиз., 2000, 148 б, Ўқув қўлланма. Бошланғич синфларда жисмоний тарбияни ўқитиш назарияси ва методикаси –Т., “Янги аср авлоди”, 2001, 116 бет. Ўқув қўлланма. Т.С. Усмонхўжаев, А.Н. Абдиев билан ҳаммуаллифликда “Ўзбек халқ ҳракати ўйинлри” номли касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланмаси. –Т., “Ўқитувчи”, 2004 йил, 110 бет, ўқув қўлланма.

ЖАББОРОВ ОЧИЛ

1940 йил 20 февралда Жарқўрғон туманидага «Сурхон» совхозида хизматчи оиласида туғилди. Куйбишев номли 3-сон мактабни 1960 йилда муваффақиятли тугатди. 1960-1963 йиллари армия сафида хизмат қилиб, 1963 йил Республика рус тили ва адабиёти институтига ўқишга кирди. Институт жамоат ишларида фаол иштирок этди, институт касаба бирлашмасининг раиси лавозимида ишлади. 1968 йилда институтни мувафақиятли тамомомлаб, Термиз шаҳридаги Карпов номли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1968 йил декабрдан рус адабиётига бўлган қизиқиш, уни Термиз Давлат Педагогика институти рус тили ва адабиёти кафедрасида ўқитувчи лавозимида иш бошлади. 1978 йили Пушкин номли Ўзбекистон Фанлар академиясининг тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида «20-30 йиллар рус прозасида ўзбек мавзуси» номли мавзу тасдиқланиб, мустақил изланувчи сифатида илмий иш олиб борди. 1989 йилда илмий иши Москва Педагогака институтининг рус адабиёти кафедрасида муҳокама этилиб, бир овоздан илмий кенгашга химоя қилиш учун тавсия қилинди. Кўп йиллик илмий изланишлар натижаси сифатида 1992 йили

«20-30 йиллар рус прозасида ўзбек мавзуси» деган мавзуда Москва Педагогака университетининг илмий кенгашида диссертация ҳимоя қилди.

Илмий иш амалий аҳамиятига эга бўлиб, унда биринчидан, илмий ишнинг мазмуни талабаларга махсус курс сифатида ўқилиши мумкин, иккинчидан, рус ўзбек адабий алоқаларининг тарихини ўрганишда, учинчидан,-айнан бизнинг Термиз шаҳримизга қайси таниқли рус ёзувчилари ташриф буюргани тўғрисидаги маълумотлар, тўртинчидан,-халқлар дўстлигининг муҳимлиги тўғрисида фикр юритилади. Барча халқлар дўстлиги, бирдамлиги мавзуси ҳозирги кунларда ҳам келажакда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Илмий ишда таниқли рус ёзувчилари Н.С. Тихонов, П.Н. Скосирев, Н.Н. Никитинларнинг Ўзбекистонга, унинг халқи ва кишиларнинг характери, урф-одатларини акс эттирувчи асарлари ўрганилади. Юқорида номлари қайд этилган ёзувчилар қандай қилиб ўзбек халқи ҳаётини акс эттиргани, қандай манбаларга таянганлиги, уларнинг шу йўлдаги маҳоратлари ва камчиликлари кўрсатилган. Илмий ишда рус ёзувчиларининг асарлари ўзбек ёзувчиларининг асарлари билан таққосланади. Ишда рус ёзувчиларининг Термиз шаҳрига оид асарлари алоҳида қайд этилади. Ишда рус ва ўзбек ёзувчиларининг ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирига таъсири каби масалалар ҳам ҳал этилган. Бир нечта илмий ва илмий методик мавзуларда мақолаларнинг муаллифи «П. Скосиревнинг «Камон отувчи» романида ижобий қаҳрамон муаммоси» 1978, 1979, «Дўстлик куйчиси» 1982, «Рус ва ўзбек адабий алоқалари» 1985, «Миллий группаларда поэтик лексикани ўрганиш».1990, «Шарқ дунёси Ўзбекистон рус поэзиясида» 1992, «Ҳозирга замон шарқ дунёси Ўзбекистон рус шоирлари ижодида» 1992, «20-30 йиллар рус прозасида ўзбек мавзуси» 1990 ва ҳоказолар.

Бу методик қўлланма ва мақолаларда қуйидага мавзуларда фикр юритилган: Республикамизда дўстлик, бирдамлик, байналминалчилик масаласи муҳим масалалардан бири бўлиб келган ва бўлиб қолади. Шу масаланинг адабиётда акс эттирилиш маҳорати Рус тили маҳаллий халқ учун ўрганиш оғир бўлганлиги туфайли, айниқса рус филологиясида ўқиётган миллий талабалар билан поэтик лексикани ўрганиш масаласи: ўзбек ва рус адабиётларининг ўзаро ҳамкорлига ва алоқалари тарихи таҳлил этилган.

ИСКАНДАРОВ ЭРГАШ

1949 йил 21 июлда Жарқўрғон туманидаги Какайди қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. "Правда" газетаси номли 5-ўрта мактабни 1966 йил битириб устозлар ўгитини ерда қолдирмади. 1966 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт институти Педиатрия факультетига ўқишга кириб, 1972 йил институтни муваффақиятли тугатди. 1972-1973 йиллар давомида Самарқанд Тиббиёт институгида болалар жарроҳлига бўйча интернатурани ўтаб, 1973 йил Сурхондарё вилоят 1-касалхонаси болалар жарроҳлик бўлимида ординатор-врач бўлиб иш бошлади. Касалхонада ишлаш, турли хил беморлар билан доимий алоқада бўлиб туриш, уларни диққат билан кузатиш ёш жарроҳни кўпроқ билим олишга ундар, тиббиёт фанининг баъзи ечилмаган долзарб муаммоларини ҳал қилишга чорларди. Бемор билан ишлаш мушкул бўлганидек, бемор болалар билан ишлаш ундан ҳам машаққатлидир. Шу боис у 1975-1977 йиллар давомида Москва шаҳридаги "Врачлар малакасини ошириш Марказий институти"нинг клиник ординатурасини ўтаб, 1979 йил 1-вилоят касалхонасида фаолият кўрсатиб, болалар урология жамиятини тузишда фаол қатнашди. У шу даврда шу жамият раиси ва вилоят бош болалар урологи вазифасида хизмат қилди.

Ёш жарроҳ тўплаган тажриба, билим уни янга-янги довонлар сари чорларди. Ниҳоят, илм-фанга бўлган қизиқиш уни шаҳридаги собиқ иттифоқ ФАсининг Педиатрия институти аспирантурасига ўқишга кириб, "Болалар ўт пуфакчаси ташқи йўллари хирургияси" (Хирургия наружньк желчннх путей у детей") мавзусида 1983 йилнинг 25-январида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ёш олимнинг фаолияти кейинчалик Андижон Давлат Медицина институти билан боғланиб қолди. Ушбу институтда болалар хирургияси кафедрасида ассистент, доцент, даволаш бўлимининг маъсули ва кафедра илмий ходими лавозимларида меҳнат қилди. Шу йиллар давомида илмий ва ўқув педагогик ишлар билан банд бўлишига қарамай, институтдаги

барча ташкилий ва оммавий ишларида фаол иштирок этди. Институтдаги студентлар илмий жамияти (СНО) нинг раиси, унинг студентлари вилоят, республика ва бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияларида изчил қатнашиб келдилар. Ана шундай студентлардан 11 нафари бевосита Эргаш Искандаров раҳбарлигида танлов ғолиблари деб топилиб, ана шу студентлардан иккитаси бугун Сурхондарё вилоятида болалар жарроҳи лавозимида меҳнат қилмоқда.

Олим ўз тажрибаларини доимий равишда илмий журналларда, медицинага оид тўпламларда 83 илмий-амалий мақолалар эълон қилди. Жаррохлик илмнинг хилма-хил муаммоларига бағишлаб мамлакатимиз, МДҲ давлатлари, Болтиқбўйи ва Болгарияда ўтказилган анжуман, симпозиум ва съездларда илмий маърузалар билан қатнашиб келди. У кишининг қаламига мансуб икки услубий тавсиянома:

1."Болаларда учрайдиган баъзи хил касалликларни жарроҳлик усулида даволаш". Андижон -1994.

2."Региональная лимфатическая терапия в детской хирургии". Андижан-1996. мавзуларида нашр этилди.

Асарлари фақат бизнинг мамлакатимизда эмас, чет элларда ҳам нашр қилинган. 1998 йилда Покистоннинг Исломобод шаҳрида инглиз тилида дунё юзини кўрди.

ХОЛИЁРОВ МУСУРМОНҚУЛ

1952 йил 15 апрелда Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" давлат хўжалигининг 5-бўлимида чўпон оиласида туғилди. 1960 йил Ҳ. Олимжон номли мактабнинг 1-синфига ўқишга бориб, 1970 йил К. Маркс номли ўрта мактабни битирди ва Термиз Қурилиш техникумининг Электрлаштириш бўлимига ўқишга кирди. 1971-1973 йиллар Прикарпат ҳарбий округида инженер алоқачи бўлиб хизмат қилди. Гагарин қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг қишлоқ хўжалигани электрлаштириш бўлимини тугатиб, "Гиламбоб" давлат хўжалигига техник-нурчи бўлиб ишга кирди. 1975 йилдан бошлаб хўжаликда бош муҳандис-нурчи бўлиб ишлади.

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари олийгоҳининг физика фанидан давлат имтиҳонини "аъло" баҳоларга топшириб конкурссиз қабул қилинди. 1982 йили олийгоҳни муваффақиятли тугатиб, қишлоқ хўжалигидага муаммоларни бартараф этиш мақсадида, пахтачиликка янги электр технологияни жорий қилиш бўйича диплом лойиҳасини ёзади. 1988 йил декабрь ойида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари олийгоҳининг аспирантурасига ўқишга киради. Аспирантурада ўқиб юрган кезларида пахтачиликка янги электротехнологаяни жорий қилиш бўйича изланди, чуқур билимга эга бўлди. Натижада, Бутун Россия қишлоқ хўжалиги фанлари академияси академиклари А.Г. Прицеп, И.Ф. Бородин, И.А. Будзко, профессорлар М.Ф. Зарипов, А.М. Муҳаммадиевлар билан яқиндан танишиб, ҳамнафас бўлиб ҳамкорликда илмий ишлар олиб борди.

Бундан ташқари, Нобель мукофоти лауреати Онзогеря Пригожинанинг илмий кашфиётлари ҳам кўмак берди. Янги технологияни мукаммал ўзлаштириб олишда 1988 йил 6-8 декабрь Киев шаҳрида Бутуниттифоқ илмий амалий анжуманига, 1989 йил ноябрь ойи Тошкент шаҳрига Республика илмий техник анжуманига, 1990 йил 23-26 октябрь ойи Москва шаҳрида Бутуниттифоқ илмий техника анжуманига, 1991 йил ноябрь ойида Ялта шаҳрида "Қишлоқ хўжалигига электротехнологияни жорий қилиш" семинарларига қатнашиб, кенг программалар билан маъруза қилди.

Катта-катта анжуманларда қатнашиб, ниҳоят, унинг машаққатли изланишлари якун топди. Таниқли олим, техника фанлари доктори, профессор А. Муҳаммадиев раҳбарлигида "Спектр ёрдамида чеканка қилиш агрегатининг параметрларини асослаб бериш ва ишлаб чиқариш" мавзусидаги номзодлик ишини Бутунроссия Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш илмий-текшириш олийгоҳининг илмий кенгаши муҳокамасига қўйиб, муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлди.

КАРИМОВ НАСИМҚУЛ

1955 йил 25 февралда Жарқўрғон туманидаги ишчилар шаҳарчасига туғилган. 1962 йилда Жарқўрғондаги А.Навоий номли ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга бориб, Ўрта мактабни 1972 йилда аъло баҳолар билан тугаллади. 1972 йилда Музработ туманидаги қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникумига ўқишга кирди. 1974-75 йилларда Урал ҳарбий округида армия сафида хизмат қилди. 1977 йилда шу техникумни техник - электрик мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатди. 1977 йил Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва ирригациялаштириш инженерлар институтига ўқишга кирди. Талабалик йилларида илмий ишлар билан шуғулланиб, устози Профессор Питер Вячесловович Байдюк раҳбарлигида "Автоматика-телемеханика" кафедрасида фаолият кўрсатди ва 1982 йилда "Пахта хом ашёсини пахта пунктларида тахтлашдан олдин ултрабинафша нур билан нурлантириш ва бу жараёнларни автоматлаштириш" деган мавзуда диплом иши ёзиб, институтни имтиёзли диплом билан тугатди.

Илмий ишни давом эттириш учун олийгоҳнинг "Автоматика ва кибернетика" кафедрасига профессор Байдюк П.В. раҳбарлигида илмий ишни даво эттириб, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси уни бошқарма йўлланмаси билан Ўзбекистон Республика Моддий техника таъминоти қўмитасининг Сурхондарё вилоят бошқармаси "Электр материаллари ва жиҳозлари" бўлими бошлиғи лавозимига ишга юборди. 1983-85 йилларда шу бошқарма бошлиғининг ўринбосари, сўнг бошқармада бош инженер лавозимида ишлади. 1985-86 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига қарашли вилоят 165-трестининг ишлаб чиқаришни технологик комплектлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлади. 1986-94 йилларда Сурхондарё вилояти моддий техника таъминоти бошқармасининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб, вилоятимизнинг кенг жабҳали қурилишларида фаоллик кўрсатди.

Унинг раҳбарлигида вилоятда қурилган бино ва иншоотларда жумладан, Тўпаланг сув омбори, Хўжаипок сув билан таъминлаш комплекси, "Сурхон" меҳмонхонаси, Термиз куранти комплекси, кўплаб касалхоналар, мактаблар,

болалар боғчалари, 5-кичик даҳа уйлари ва кўчаларда унинг меҳнати ўз аксини топди.

1994 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Ўзулгуржибиржасавдо" ҳиссадорлик ассоциацияси бошқаруви раисининг ўринбосари лавозимига таклиф этилиб, Республика миқёсидаги катта қурилишларда фаолият кўрсата бошлади. Ўзбекистон Республикасининг дастлабки мустақиллик йилларидага знг катта иншоотлари: Жанубий Корея билан ҳамкорликда қурилган Аскадаги "УзДЭЎ" автомобиль заводи, Тошкент вилоятида немислар билан ҳамкорликда қимматбаҳо қоғоз хом ашёси ишлаб чиқарувчи фабрика, французлар билан ҳамкорликда қурилган Қоровулбозор (Бухоро) нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкент-Ўш йўналишини боғловчи Қамчиқ автодовони, Кўкдумалоқ ва Шўртангаз газоконденсат заводлари, Қувасойдага "Кварц" ойна ва шиша идишлар ишлаб чиқарувчи заводи, Тошкент шаҳридаги Амир Темур музейи, Олий мажлис биноси, Юридик институти бинолари реконструкцияси, Сағбон, Қорасарой ва Фаробий кўчалари реконструкцияси, Қўнғирот сода заводи, Янгийўл, Андижон, Қўқон спирт заводлари, Наманган - Учқўрғон сув тақсимлагич Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида Амир Темур майдонлари қурилишларида ва бундан бошқа бир қатор ўта муҳим объектларда ҳукумат комиссияси аъзоси сифатида бевосита иштирок этиб, уларнинг муддатидан олдин ишга туширилишига ўзининг ўринли ҳиссасини қўшган ва бунинг эвазига 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Презвденти И.А. Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Илмга бўлган чанқоқлик унга ҳеч тинчлик бермасди. 1992 йидда Москвадаги Бутунроссия қишлоқ хўжалигини электрлаштириш институти (ВНИИЭСХ)га ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда аспирантурага кирди ва техника фанлари доктори, профессор А.М. Муҳаммадиев ва техника фанлари номзоди И.И. Молодцовлар раҳбарлигада пахтачиликда кўсак очилиш жараёнини тезлатиш учун экологак тоза усулни яратди (Электродесикация хлопчатника). Ғўзани кимёвий тарзда баргсизлантириш эмас, балки электр ёрдамида амалга ошириш ишлари биринчи бор ишлаб чиқилди. Мана энди

ҳозирги кунда кимёвий заҳарли моддаларни бутунлай пахтачиликдан чиқариб ташлаш олимларимиз олдидага асосий вазифа бўлиб турганлига *муаммоси* Н.Каримов томонидан дастлаб таклиф этилганлиги билан ҳам қимматлидир.

1995 йил 19 январдан Москвада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Айни кунларда кимёвий моддаларни пахтачиликдан бутунлай чиқариб ташлаш бўйича докторлик ишини олиб бормокда.

1997 йил 1 февралдда ҳукумат йўлланмаси ва вилоят ҳокимлиги қарори билан Сурхондарё вилояти Ҳокимииг 1- ўринбосари лавозимига ишга тайинланди. Вилоятга келган кунидан Термиз шаҳри ва туманлар чиройини тубдан ўзгартиришда ҳамда халқ учун энг зарур ва етишмаётган газ ҳамда сув таъминоти бўйича иш олиб борди. Бу муаммони ҳукумат миқёсига олиб чиқиб, 68 км янги газ қувури Келиф - Душанбе магистралидан Бандихон - Қизириқ - Жарқўрғон - Ангор - Термиз тумани ва Термиз шаҳрини республика инвестиция дастурига киритди ва иш бошлаб юборилди.

Тўпаланг сув омборидан Хўжаипок сув кувуригача 79 км сув қувури қурилишни ҳам вазирлик режасига киритди. Вилоят қурилиш мажмуаси ва ҳарбий иншоотлар қурилиши бўйича йўллар реконструкцияси, Алпомиш комплекси, Термиз шаҳри чиройини янада гўзаллаштириш, Қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда газ ва сув тармоқлари, мактаблар қурилиши бўйича 1997-98 йилларда вилоят республика миқёсида энг юқори кўрсаткичга эришди.

Иккинчи чегара бўлинмасига қарашли Ўзбекистон - Тожикистон ўртасида кўплаб чегара қўрғонлари, комендатура биноларини қурдириш ва фойдаланишга топширишда бош-қош бўлди. 70 йиллик даврда қурилмаган Узун - Боботоғ 110 км электр тармоғи вилоятнинг энг узоқ нуқталаридан бири "Чаған" қишлоғигача электр нури олиб борилди. Тиббиёт фанлари номзоди Р.О. Муҳаммадиев (шу қишлоқда туғилиб ўсган): "Бу қишлоқда электр нурининг боришини бир умр кутмагандим", - дейди.

Шу билан Боботоғ жамоа хўжалиги Тожикистондан электр энергияси олиш муаммоси ечидди ва қўшимча 10 минг гектар ерга сув чиқариб ўзлаштириш имкони яратилди. Вилоятда геологая вазирлиги томонидан ўрганилиб, қолиб кетган Сариосиёдаги фосфорит, Жарқўрғондаги ва

Қумқўрғондаги бентонит, Оқ тошдаги цемент ва гапс, Кампиртепадаги тўқ яшил габро ва қизил гранит, Хўжасминдаги оқмармар, Сайробдаги пардозбоб сариқ тош ва шунга ўхшаш 13та моддий табиий бойлиги бўйича корхоналар қуриш учун вазирликлар билан алоқада бўлиб ҳужжатлар қайта тикланди ва ишлар бошлаб юборилди. 1998 йилда республикада биринчи бўлиб йод ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва Хавдак массивида кичик завод мажмуасини яратди.

Шу йили Кампиртепанинг тўқ яшил габро ва қизил гранитини Бухоро тошни қайта ишлаш заводига юбориб, ундан чиққан маҳсулот намунасини республика "Ўзавтойўл" концерни орқали Туркиянинг Измир шаҳрида бўлиб ўтган "Бутунжаҳон қурилишида ишлатиладиган пардозбоп тошлар ярмаркаси"га юбориб, биринчи ўринни эгаллаш ва "Жаҳон пардозбоп тошлар" проспектидан жой олишдек шарафли ишни амалга оширди.

Президентимизнинг "Республикада кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни вилоятда амалга оширишда мактабларни қайта қуриб, лицей ва коллежларга айлантиришда ситқидилдан ёндошиб, Термиз шаҳрида биринчи академик лицей ва озиқ-овқат коллежини, шу жумладан вилоят бўйича 10та коллежни ишга туширди. Термиз шаҳрида йўллар кенгайтирилиб, ёритилиб, гулзорларга айлантирилди.

ХОЛИЁРОВ ЖУМА

1956 йилнинг 21 май куни Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги, Зартепа қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1962-70 йилларда шу қишлоқдаги 8 йиллик 34-сон мактабда, кейин 1970-1972 йилларда 19-сон Мусурмонқул Жўраев номли умумтаълим мактабида ўқиб, ўрта маълумотли бўлди.

1972-1978 йилларда Тошкент Тиббиёт институтининг даволаш бўлимида таҳсил кўриб, уни жарроҳлик мутахассислиги бўйича тамомлади. Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Термиз шаҳридага вилоят 1- шифохонасида жарроҳлик бўйича интернатурада малака оширишдан бошлади. Ана шу йилдан

бошлаб Халил Раҳмонович Раҳмонов, Холмўмин Мирзаевич Хўжаёров, Аҳмад Дўстбоев сингари моҳир жарроҳлар қўл остида жаррохлик амалиётини ўрганди.

1979-1984 йилларда Жарқўрғон туман марказий шифохонасида жарроҳ бўлиб ишлади. 1984 йилдан бошлаб яна вилоят 1-касалхонаси жаррохлик бўлимида ҳаким-ординатор сифатида ишлади. 1982 йили Москвада, 1985, 1987, 1989 йилларда Тошкент шаҳрида малака ошириш курсларида ўқиди. 1985-1987 йилларда Москва шаҳридага ҳакимлар малакасини ошириш Олий илмгоҳида жарроҳ-эндоскопчи мутахассислиги бўйича ординатурада ўқиди ва шу билан бир вақтда собиқ иттифоқнинг бош эндоскопчиси, профессор В.Н. Сотников раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борди. 1987-1989 йилларда вилоят 1-сон шифохонасида, 1989 йилдан бошлаб Жарқўрғон туман Марказий шифохонасининг жарроҳлик бўлимида ишлаш билан биргаликда илмий иш тахдиллари билан муфассал шуғулланиб борди. Булар натижасида «Овқатланиш йўли юқори қисмидаги хавфсиз ўсмаларни эндоскопия ёрдамида ташхислаш ва даволаш» мавзуида илмий иш ёзишга ва уни 1990 йилда муваффақиятли ҳимоялашга, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди.

Илмий иш юзасидан тиббий журналларда 5та мақоласи ва битта рационализаторлик таклифи эълон қилинди. 1991 йилдан ҳозирги пайтгача Жарқўрғон туман Марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими бошлиғи, 1-тоифали жарроҳ сифатида фаолият кўрсатмокда. 1987 йилдан унинг ташаббуси билан туман Марказий шифохонасида эндоскопик текширув усули жорий қилинди. 1989 йилдан бошлаб туманда ошқозон, жигар, ўт халтаси ва ўпка операцияларини амалга ошириш йўлга қўйилди. Оилали, 4 нафар фарзандни вояга етказмокда. Турмуш ўртоғи Манзура Холиёрова ҳам ҳакима бўлиб ишламокда. Фаолиятида ва илмий соҳада кўплаб муваффақиятларга эришиб келмокда.

ИМОНОВ БАХТИЁР

1957 йилнинг 20 сентябрида Жарқўрғон туманига қарашли Оққўрғон жамоа хўжалигида хизматчи оиласида туғилди. Отаси Берди Имонов иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлиб, Ватаннинг кўплаб орден ва

медаллари сазовирдир. У киши бутун умрини шу жамоа хўжалиганинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишига интилган инсонлардан бири сифатида, оддий омбор мудирдан жамоа хўжалигида бош ҳисобчиси ва бош иқтисодчиси вазифасида ишлади. Берди бобони ҳозирги кунда ҳам вилоятимизнинг турли туманларида яхши эслашади.

Бахтиёр Имонов 1964 йилда мактабга бориб, 1974 йилда уни аъпо баҳолар билан тамомлади. 1974 йилда Жарқўрғон туманидаги 48-автоулов корхонаси қошида ўқиди. 1975 йилда Термиз Давлат педагогика институти физика-математика факультетининг умумтехника фанлари ва физика бўлимига ўқиш учун кириш имтиҳонларини "аъло" баҳоларга топшириб, талабаликка қабул қилиниб, 1980 йилда Термиз Давлат Педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугаллаб, кўп йиллар шу институти ректор лавозимида ишлаган, педагогика фанлари доктори, профессор О. Хайитов тавсиясига биноан физика-математика факультетининг физика кафедрасига оддий лаборант лавозимида ишга қолди.

1981-82 йилларда армия сафида хизматда. бўлди. Армия сафидан қайтгач, яна физика-математика факультетининг **"УТФ** ва ТСО" кафедрасида ўқитувчи бўлиб иш фаолиятини бошлади. Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фашшари илмий тадқиқот институтида илмий стажировкада бўлди. Стажировка даврида самарали ишлаб, олиб бораётган илмий тадқиқот ишига оид 20дан ортиқ тезис ва мақолаларни эълон қилди. "Физикадан ўлкашунослик мазмунидаги масалаларни тузишнинг диактик принциплари ва ечиш методикаси" мавзусида илмий тадқиқот иш олиб борди. Илмий тадқиқот ишига педагогика фанлари доктори, профессор Ю.Г. Мақсудов раҳбарлик қилди. Илмий тадқиқотинг мавзуси - Физикадаги дарсда ва Дарсдан ташқари машғулотларда ўлкашунослик ва шу мазмундаги масалалар тизимидан самарали фойдаланишни таъминломи педагогик шароитни ва методларни илмий асослашга қаратилган. Илмий тадкиқот ишининг янгилиги ўқувчиларнинг билим даражасини ошириш мақсадида физикадан масалалар ечишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги имкониятлари очиб берилган ва илмий асосланган;

физикадан ўлкашунослик масалалари тизимидан фойдаланиб ўқув материалини мустақил ўрганишга, ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам бериши исботланган. 1998 йил 24 декабрда Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти қошида ташкил этилган ДК 113.20.01 ихтисослаштирилган Кенгашда номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди. Илмий ишига оид 30дан ортиқ ишлари нашр қилинди. Ҳозирги кунда Термиз Давлат университети Индустриал педагогика факультетининг УТФ ва меҳнат кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

ТЎХТАЕВ АБДУҒАНИ

1960 йил 1 октябрда Жарқўрғон тумани Жарқўрғон қишлоқ кенгашига қарашли "Ҳамид Олимжон" жамоа хўжалигида хизматчи оиласида туғилди. 1967-77 йиллар давомида Жарқўрғон туманидаги А.С. Пушкин номли 1-ўрта мактабда таълим олди.

1977 йил ўрта мактабни битиргач, 1977-79 йилларда ишчи бўлиб ишлади. 1979-81 йилларда ўз ҳарбий йигитлик бурчини ўтади. Ҳарбий хизмат даврида ҳам тарих дарслигини ва унга оид китобларни қунт билан ўқиб, олий даргоҳга ўқишга киришга тайёрланди. Хизматни тугатгандан сўнг, М.Т. Ойбек номвдаги Термиз Давлат педагогика институти қошидаги тайёрлов бўлимига ҳужжат топширди. 1983 йил Тарих ва чет тили факультетининг тарих ва ҳуқуқшунослик бўлими талабалигага қабул қилинди.

Талабалик йиллари устозлари Қ. Кичкилов, М. Олтинов, Қ. Авлиёқулов, З. Мирзаев, Б. Тиловов, С. Турсунов, М. Аликулов, Х. Тошпўлатовлар томонидан ўқилган маърузаларни қунт билан тинглаб, ўз билимини янада оширди. Устозларининг панду-насиҳатлари ва маслаҳатлари уни тарих фанини янада чуқурроқ ўрганишга ва эгаллашга даъват этди. Талабаларнинг илмий-назарий конференцияларида фаол иштирок эта бошлади. Унинг вилоят тарихига оид ўқиган илмий маърузалари муносиб ўринларни эгаллади. Ўқиш давомида яхши баҳоларга ўқиш билан биргаликда, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди. Институтни битирганидан сўнг, 1988 йилдан бошлаб ўзи таълим олган илмий даргоҳнинг "КПСС тарихи" кафедрасида фаолият

бошлади. Ўқитувчилик қилиш билан бирга илмий йўналишда иш қилишни бир дақиқа ҳам унутмади. Вилоят ва туман газетаси саҳифаларида, ўзи ишлаётган илмий даргоҳ газетаси ва професор- ўқитувчиларининг илмий-назарий конференцияларида ўзининг илмий мақолалари билан фаол иштирок этди. Келажакда тарих фанининг бирор бир йўналишида илмий иш қилиш ҳақидаги ўй-фикрлар унга тинчлик бермади. 1977 йилдан бошлаб, республикамиз тарихчи олимлари орасида ўзининг ёшлиги, иқтидори ва таланти билан кўзга ташланиб бораётган етук олим, тарих фанлари доктори, профессор С.Н.Турсунов раҳбарлигида "Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни социалистик асосда саноатлаштиршп ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар)" мавзуида номзодлик дисертацияси устида иш олиб борди.

Талабалик йилларида саноат тарихи ва унинг муҳим тармоғи бўлган ҳунармандчиликка оид ёзилган кўплаб илмий адабиётлар ва мақолаларни синчиклаб ўрганганиб, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, Сурхандарё, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа вилоятлар архивларидан илмий ишига оид қимматли маълумотлар тўплагани, унинг бу илмий ишини бажаришида анча қўл келди. Ўзбекистон Республикаси марказий нашриётларидан ҳамда Термиз давлат университетида профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференциялар материалларида, шунингдек, вилоят ва туман газеталари сахифаларида мазкур мавзуга оид ўнлаб мақолалар эълон қилинди. Ўзининг илмий ишини якунлаш учун, 1998 йил январида Термиз давлат университети аспирантурасининг кундузги бўлимига ўқишга қабул қилинди. Аспирантура даврида ўзининг устози тарих фанлари доктори, профессор С.Н.Турсунов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФА тарих институтида саноат тарихи ва мустабид тузуми даври бўйича шуғулланувчи етук мутахасислар Ф. Исхоқов, Д.Х. Зиёева, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат ва жамият қурилиш академияси "Ўзбекистоннинг янга тарихи" маркази илмий ходими тарих фанлари номзоди М.Ж. Жўраев каби олимлардан илмий маслахатлар олди. Узоқ йиллар давомидага қилинган самарали меҳнати ўз натижасини берди. 2001

йил 9 мартда Ўзбекистон Миллий университети қошидаги К.067.02.12-рақамли ихтисослашган кенгашнинг "Ўзбекистон тарихи" мутахасислиги бўйича тарих фанлари номзоди - илмий даражасини мувофақиятли ҳимоя қилди. Ўзбекистон Республикаси ФА академиги А.А. Асқаров, тарих фанлари доктори, профессорлар Р.Х. Муртазоева, Қ.У. Усмонов, Н.У. Мусаев, Д.Х.Зиёева ва бошқа етук тарихчи олимлар ишга юқори баҳо бердилар. Ўзбекистон фани оламига ҳамда Термиз Давлат университети жамоаси сафига яна бир ғайратли ва иқтидорли олим қўшилганлигани мамнуният билан такидладилар.

А. Тўхтаев ўз илмий ишида саноатнинг мухим бўғинларидан бири бўлган ҳунармандчилик саноати тарихини архив хужжатларига таянган холда тадқиқ этган. Бугунги кунда саноат кам тараққий этган Сурхондарё вилоятининг ихтисодий ривожланишида ҳунармандчилик саноатининг ўрни беқиёс эканлиги, унинг илзидлари узоқ даврларга бориб тақалиши илмий далиллар асосида тахлил қилинган.

Илмий ишида яратган янгиликлари қуйидагилардан иборат: - Ўзбекистонда, жумладан 1917-1941 йилларда асосан аграр бўлган ва шу сабабли кўпроқ хунармандчилик саноатини ривожлантиришга ихтисослаштирилган жанубий вилоятлар саноатининг бу тармоқлари ахволидаги ўзгаришлар, муаммолар республикамиз тарихшунослигида яхлит тарзда ва хар қандай мафкуравий чекланишлардан холи бўлган ҳолда, шунингдек, олдинги ишлардан фарқли равишда, ҳунармандчиликни "социалистик асосда" қайта қуришнинг "буюк ахамияти"ни эмас, балки "ислохотлар туфайли" миллий ҳунармандчиликни таркибий тизимида ва миллий хусусиятларида юз берган бир қатор ноанъанавий ўзгаришлар ҳақида ҳам илк бор фикр юритилган. Мазкур ишнинг илмий янгилиги яна шу билан ифодаланадики, ушубу тадқиқотда биринчи марта янга манбалар асосида Ўзбекистонинг жанубий вилоятлари ҳунармандчилиги, унинг тармоқаридага ўзгаришлар жараёни ва ўзига хос муаммоларининг мамлакатимиз тарихшунослигида яхлит тарзда холисона ўрганишга қўл урилди; дисертацияда келтирилган ва хозирги методологик тамойилларга таянилган холда талил

этилган материалларнинг катта қисми фан сохасига илк бора киритилмоқа, Танланган мавзунинг атрофлича ёритилиши Ўзбекистон унинг мухим таркибий қисми бўлган ҳунармандчилик сохаси тўлароқ ва объектив асосида акс эттириш имконини берди; Бугунги кунда республикамиз хукуматининг ривожлантиришга қаратилган барча чора-тардбирлари ҳунармандчилик билан боғлиқ эканлигани кўрсатади. Шу қарайдиган бўлсак, ҳунармандчилик тарихининг барча босқчлар, хусусан, мустабид совет тузумининг дастлабки ўн йилликларини холисона тадқиқ этиш ҳозирги кунда республикамиз қишлоқарида саноатни олиб кириш, ишсизликни олдини олиш, хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг йўлга қўйиш ишларини амалга оширишда ҳам илмий, ҳам амалий ахамиятга эгадир.

Илмий ишдан олиган натижаларда Ўзбекистон ва унинг жанубий вилоятларида 1917-1941йилларида ҳунармандчилик саноатининг ривожланиш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш, республикамиз бозор ихтисодиётига ўтиш борасида фойдали бўладиган сабоқларни чиқариш имкониятини беради. Тадқиқ этилган хужжатлар, умулаштирилган нажриба ва хулосалардан илмий тарихий асарлар, Ўзбекистон тарихи бўйича дарсликлар, қўлланмалар ёзишда фойдаланиш мумкин.

А.Тўхтаев жамоатчи устоз сифатида ёшларга таълим-тарбия беришда намуна кўрсатиб келмоқда. Ўзи ёш аммо қалбида хали ниятлари жуда кўп бўлган бу инсон келгусида республикамиз ва вилоятимиз тарихининг хали бизга маълум бўлмаган қирраларини илмий тадқиқ қилиш ва кенг жамоатчилик оммасига етказишдек улуғ ишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

МАМАДАЛИЕВ ОЧИЛДИ

Жарқўрғон туманида жойлашган Баймоқли қишлоғида 1961 йил 15 август куни таваллуд топди. 1968-1976 йилларда Қумқўрғон туманидаги Ҳ.Ҳ. Ниёзий номли 17-сонли мактабнинг, ўнинчи синфини аъло баҳолар билан тугатди, П. Шайманов, С. Жўраев, Я. Қурбонназаров, Ф. Давонов, Б.

Алиёров.О. Мардонақулов, К. Раҳмонов, С. Йўлдошев, Т. Тўраев, А. А. Абдурайимов, Т. Ойназаров каби ажойиб педагоглардан сабоқ олди.1979 йили Тошкент Қшштоқ хўжалик институти (ҳозирга Тошкент Давлат Аграр университети) Зооинженерлик факультетининг биринчи босқичига талабаликка қабул қилинди. Талабалик йилларида факультет ва институт жамоа ишларида фаол иштирок этиб, доимо ажралиб туради. Интилувчанлиги, тиниб - тинчимаслиги, изланувчанлиги натижасвда ўқишни имтиёзли диплом билан тугатди ва давлат имтиҳон комиссиясининг қарори билан аспирантурага тавсия қилинди.

1984 йил Жарқўрғон туманидага Бройлер-паррандачилик фабрикасида зоотехник ишини бошлаш билан биргаликда ушбу фабрика ёшлар қўмитаси котиби вазифаларини бажаришга киришди. 1985 йил Тошкент Қишлоқ хўжалик институти аспирантурасига қабул қилинди. Аспирантлик йилларида ҳаётида кўп йилларга татигулик ишлар қилинди, чунончи у аъло даражада ўқиш билан биргаликда чуқур илмий ишлар билан шуғулланиб, республикамизда ўтказилган қатор конференцияларда илмий маърузалари билан иштирок этди.Таниқли олим, биология фанлари доктори профессор Талъат Ҳотамович Икромовнинг илмий раҳбарлигада "Яроқсизга чиқарилган сигирларни премикс билан боққанда гўшт маҳсулдорлигига таъсири" мавзуида тадқиқот ишлари олиб борди. Экспериментал ишларини йиғиб, таҳлил этиб, илмий хулосалар чиқариб, янгиликлар сари интилиш каби босқичлар ўз вақтида амалга оширилиб борди. 1987 йили аспирантлик муддатини тугаллаб яна қишлоққа қайтди. Жарқўрғон туманидаги бўрдоқичилик корхонасида ишни яна зоотехниклик вазифасидан бошлади, яратган илмий ишларини ҳаётга тадбиқ этишга киришди. Натижада хўжаликдаги аҳвол яхши томонга анча ўзгарди. Чорва маҳсулдорлигини ошириб катта силжиш қилинди.

Орадан уч йил ўтгач яна Тошкент Аграр университетига ассистентлик вазифасига қабул қилинди, шу йиллар ичида ўттиздан ортиқ илмий мақолалари Республикамизнинг нуфузли журнали "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" да Тошкент Аграр университети илмий тўпламлари, қатор оммавий ахборот воситалари саҳифаларида эълон қилинди. 1992 йил март

ойида илмий иши билан танишган йигармадан ортиқ олий ўқув юртлари ва ўндан ортиқ илмий текшириш институтлари О. Мамадалиевнинг номзодлик диссертацияси ҳимояга қўйилган Белоруссия Чорвачилик илмий текшириш институти кенгашига ушбу аспирантнинг иши жуда долзарблига, Республикада гўшт муҳсулотини янада кўпайтиришнинг ажойиб резерви эканлигани қайд қилиб ижобий тақризлар юборилди. О.Мамадалиевнинг илмий ишига Туркманистон Чорвачилик, ветеринария ва озуқа ишлаб чиқариш илмий текшириш институтида ижобий тақриз берилди. Ушбу институт директори Н. Демисинов бу илмий иш тўғрисида шундай деди: "Муаллиф ушбу илмий ишида чуқур илдизга эга бўлган муаммони энг пахта кўп экиладиган Республика Ўзбекистонда ўз вақтида илғаб олиб, кенг ишлаб чиқаришга жорий этмоқда, бунинг эътиборга молик жойи шуки, биринчидан, муаллиф хлорелла билан иккинчидан таркиби микро-макроэлементларга жуда бой премикс билан иш олиб борган, қайсики чигитни ишлов бериб олинган шулха озуқа рационининг кўп қисмини ташкил этган, кам таннарх сарфлаб юқори рентабелликка эришган, бу Республика иқтисодиётига жуда катта кони фойдадир".

Илмий ишга оппонент Белорусия Чорвачилик илмий текшириш институти "гўшт ишлаб чиқариш" бўлими бошлиғи Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Н.А. Яцко ҳамда Гродно Қишлоқ хўжалик институти "хусусий зоотехник" кафедрасида доценти Л. Понизова юқори баҳо бериб, ижобий тақриз тақдим этишди ва май ойида Жодина шаҳрида жойлашган Белорусия Чорвачилик илмий текшириш институти ҳузуридаги ихтисослаштирилган илмий кенгашда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди.

Очилди Мамадалиев ўзидаги бутун билимларини талабаларга бекаму-кўст етказиб, Тошкент Давлат Аграр университетининг Зооинженерлик факультети, "умумий ва хусусий зоотехника" кафедрасида ассистентлик қилиб, кўплаб амалий, назарий машғулотлар билан биргаликда қишлоқ хўжалиганинг энг муҳим тармокдаридан бири бўлган чорва соҳаси бўйича

маърузалар ўқиб борди. "Қорамолчилик ва сут ишлаб чиқариш" фани бўйича битта методик қўлланма, "Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш" фанидан битта методик қўлланма ва 2та методик тавсия, "Балиқчилик" фанидан битта методик тавсия, 30 дан ортиқ илмий оммабоп мақоласи эълон қилинган. Олим кўплаб диплом ишларига тақриз берди, ўз раҳбарлигида 12та муҳим мавзуларни ўз ичига қамраб олган диплом ишини талабалар муваффақиятли ҳимоя қидди. Устознинг самимий ва беғараз кўмакларидан баҳраманд бўлдилар.

КАРИМОВ РУСТАМ

1961 йил 29 ноябрда Жарқўрғон тумани "Сурхон" жамоа хўжалигида хизматчи оиласида туғилган. 1968-1978 йилларда Музробод туманидаги ""Туркистон" жамоа хўжалига қишлоқ хўжалик машиналари марказий таъмирлаш устахонсида чилангар бўлиб ишлади ва ўша даврда унинг қалбида қишлоқ хўжалик машиналар муҳандиси бўлиш орзуси пайдо бўлди. 1980 йилда жамоа хўжалик йўлланмаси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигани механизациялаш муҳандислар институти қишлоқ хўжалик машиналар таъмири ва технологиясини ташкил этиш факультетининг "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш" бўйича муҳандис - механик мугахассислигига ўқишга кириб, уни 1985 йилда муваффақиятли тугатди.

Аввал Туркистон жамоа хўжалигида техника хавфсизлига муҳандиси лавозимида, сўнгра М.Т.Ойбек номидага Термиз Давлат педагогика институти Индустриал-педагогака факультетидаги Умумтехника ва ўқитишнинг- техник воситалари" ва "Меҳнат таълими методикаси" кафедраларида ўқитиш устаси, сўнгра 1991 йилгача ўқитувчи бўлиб ишлади. Иш фаолияти давомида "Умумтехника ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш", "Умумтехника ва меҳнат" ва "Умумтехника ва физика" мутахассисликларига "Трактор ва автомобиль", "Қишлоқ хўжалига машиналари", "Машина-трактор паркидан фойдалиниш ва уларнинг таъмири" ҳамда "Чорвачилик ишларини механизациялаш" фанларидан талабаларга дарс

бериш билан биргаликда илмий изланишлар олиб бориш сирларини меҳрибон устозлари проф. У.Умаров, Р.Қаландаров, доцентлар Й.Жўракулов, Б.Инсопов, П.Исмоилов ва Б.Имоновлардан ўрганди. 1991-1994 йилларда Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалигани механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти аспиранти бўлди ҳамда 1996 йилгача шу институтда илмий ходим сифатида ишлади. Илмий ишининг мавзуси: "Каноп ўриш комбайнидаги поянинг толасиз қисмини ажратувчи мосламанинг технологик тасвири ва ўлчамларини асослаш". Р. Каримов илмий ишининг тафсили КУ 0,2 маркали каноп ўриш комбайнидан олинган лубнинг тахлили шуни кўрсатадики, унинг ишчи қисмлари поянинг толасиз қисмига тўлиқ ишлов бера олмас экан. Бу эса лубдаги чиқинди миқдорини 35-40 фиозгача олишига олиб келмоқда. Каноп поясини толасиз қисми унинг ҳам толали пишмаган қисмидир: намлиги 72, 6-82,2%., узунлига 30-50 см; диаметри 3-7 мм; массаси 8-30 грамм; узиш кучи 100 н.гача, кесиш кучи эса 20-25 н.ни ва эгиш-синдириш кучи 7-11 н.ни ташкил қилади.

Р.Каримов 1995 йил 25 октябрь куни акад. Н.Р. Рашидов, катта илмий ходимлар О.А.Абдуқодиров ва К.Т. Шокировлар раҳбарлигида юқоридаги мавзу асосида техника фанлари номзоди диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳозирги кунда у Термиз Давлат университети "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш" кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишлаш билан биргаликда илмий изланишлар олиб бормоқда.

ҚУЛМАТОВ ЧОРИ

1961 йил 5 декабрда Жарқўрғон туманида деҳқон оиласида туғилди. 1969 йилдан 1979 йилгача Қумқўрғон туманидага С.Айний номли 7-ўрта мактабда ўқиди. 1979 йилда жамоа хўжалигида колхозчи бўлиб ишлади. 1980 йилда Тошкент Халқ хўжалик институтининг молия факультетига ўқишга кириб, 1984 йилда муваффақиятли тугатди. Институтнинг йўлланмаси билан Термиз кооператив техникумида ўқитуви сифатида иш фаолиятини бошлаган.1986 - 1987 йилларда Москва шаҳрида армия хизматини ўтаб, техникумда ўқитувчиликни давом эттирди. 1989 йилда

илмий иш билан шуғулланиш мақсадида Термиз Давлат Педагогика институтига ишга ўтди. Институтда бир йил ишлаб,1990 йилда Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. Илмий ишига иқтисод фанлари доктори, профессор Абдувоҳид Жўраев раҳбарлик қилди. Диссертация ишинивг мавзуси «Бозор иқтисодига ўтиш даврида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш (Сурхондарё вилояти мисолида)» бўлиб, 1994 йилда илмий ишини ҳимоя қилди. Илмий текшириш институтида ишлаган даврида илмий раҳбари билан ҳамкорликда 2та тезис ва 3та илмий мақола чоп этилган.

1994 йилдан 1998 йилгача Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида таълим муассасаларини аттестация, аккредитация ва назорат бош бошқармасида етакчи мутахассис вазифасида ишлади. 1998 йилдан бопшаб, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги ДТМ таркибидаги «Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог ва таълим муассасалари аттестация бошқармаси»да эксперт бўлиб ишлаб келмоқда. Бугунги кунда бошқарма томонидан таълим муассасаларини давлат аттестациясидан ўтказиш, янгидан ташкил этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ўрганиш жараёнларида иштирок этмоқда.

Оилали, турмуш ўртоғи - Айнабоева Гулжаҳон, Тошкент шаҳридаги 27-болалар поликлиникасида ҳамшира бўлиб ишлайди. Ўғиллари Жасурбек 1995 йилда, Жаҳонгир 1998 йилда тугалган.

Ч. Қулматов одамийлик сифатларини ўзида мужассамлаштирган олим. Ҳалоллик, покликни ёқтиради. Таниқли олимлар, донишмандлар, умуман ўқимишли одамларга чуқур ҳурмат билан қарайди.

ҚОРАХОНОВ АБДУҒАНИ

1962 йил 25 июнда Жарқўрғон туманидаги Минор қишлоқ кенгашида хизматчи оиласида туғилган. 1969-1979 йилларда шу тумандага Завқий номли 21-сон ўрта мактабда ўқиб, уни олтин медаль билан тугатди. Мактаб даврида илк билим сабоқларини берган ўқитувчиси Абдураҳмон Муҳаммадиев унда аниқ фанларга бўлган қизиқишини уйгота олди. Кейинчалик устозлари

Муса Тангриев, Бибихол Шоимова, Муҳаммади Юнусов Абдуғанида бўлган интилишнинг серқирра шаклланишида ўз меҳнатларини аяшмади. Айниқса, математика ўқитувчиси Бибихол опа Шоимованинг нафақат А.Қорахоновнинг балки барча ўқитувчиларнинг ҳаётда дадил қадам қўйишларида беқиёс хизматлари бўлди.

1970-йилларда эндигана бизнинг кундалик ҳаётимизга кириб келаётган кибернетика фани, электрон-ҳисоблаш машиналарига бўлган қизиқиш бўлғуси олимнинг бутун вужуди ва фикрини қамраб олган эди. Шу мақсадда у 1979 йилда Тожикистон Давлат университети Молия-иқтисод факультетининг "Иқтисодий ахборотлари механик усулда қайта ишлашни ташкил этиш" бўлимига ўқишга кирди. 1984 йил ўқишни имтиёзли тугатиб, Душанбе шаҳрида "Тожикмашинформ" республика бирлашмасида инженер-дастурчи бўлиб ишлай бошлади. Шу даврда яратган дастурлари Москва, Тула, Тольяти ва Душанбе шаҳарларидага йирик саноат корхоналарида бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини (БАТ) яратишда фойданилди.

Ўз билимларини янада чуқурлаштириш мақсадида 1985 йидда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳисоблаш маркази Кибернетлка институтининг кундузги бўлими аспирантурасига ўқишга кирди. Аспирантурада ёш тадқиқотчи кибернетика фанининг нафақат республикамизда, балки собиқ иттифоқ миқёсида кўзга кўринган намоёндалари-академик Восил Қобулов, профессорлар, иқтисод фанлари докторлари М. Эрматов, Р. Убайдуллаев, И. Улашев, Н.Ф. Тимчук каби олимларнинг таҳсилини олиб, ўз олдига қўйилган мақсад йўлида тинимсиз меҳнат қилди. Иқтисод фанлари доктори, профессор М. Эрматов ва иқтисод фанлари номзоди А.Мирҳошимовлар раҳбарлигида "Регаон қурилиш индустрияси корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини оптималлаштириш (Сурхондарё вилояти мисолида)" мавзусида илмий иш олиб борди. Олиб борган илмий тадқиқотлар саноат корхоналари хўжалик фаолиятини чукур тахдил этиш, уларда мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларини яратиш, ҳамда улардан амалиётда оқилона фойдаланиш йўлларини излашни тақозо этди. Айниқса, ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий кўрсаткичларини тахлил этиш, уларни системалаштириш, ишлаб

чиқариш қувватларддан оптимал фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш каби кўп қиррали тадқиқотлар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига боғлаб олиб борилди. Корхоналар ишлаб чиқариш потенциали ва ундан оптимал фойдаланиш бўйича иқтисодиётнинг бозор шароитига ўтиши даврига мослаб тадқиқотлар олиб бориб, бу борада тўлиқ ва муфассал илмий-амалий йўналиш яратди. У олиб борган тадқиқотлар ҳам методик, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, олим томонидан яратилган махсус алгоритмлар ва дастурлар тизими бу борадага иқтисодий фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш имконини берди. Шу сабабли 1990 йил 14 декабрда Кибернетика институти қошидаги Илмий Кенгашда ҳимоя қилган номзодлик диссертацияси Илмий Кенгаш аъзолари томонидан юқори баҳоланди, ҳамда унга иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

1989-1991 йилларда кибернетика институтида инженер ва кичик илмий ходим лавозимларида ишлади. 1991 йилдан Термиз Давлат университетига ишга таклиф қилинди ва ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифаларида ишлаб келди. 1995 йилда университетда янги ташкил этилган "Молия-менежмент" факультети декан муовини вазифасига тайинланди. Шу даврда, факультетда компьютер синфлари ташкил этидди, Халқаро Евросиё фондидан катта миқдорда чет эл валютасида грант ютилиб, факультетга ўқув адабиётлари, ўқув воситалари олинди.

1996 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Республикамизда Бизнес мактаблари тизими ташкил этилди. Шу билан бирга Олий ўқув юртлари тасарруфида ҳам Бизнес мактаблари ташкил этилиб, уларнинг олдига қишлоқ ёшларини ўрта ва кичик бизнес бўйича тадбиркорлар тайёрлаш асосий вазифа қилиб қўйшвди. Термиз Давлат университети раҳбарияти ҳам ёш олимга катта ишонч билдириб, янги ташкил этилган Бизнес мактабига директор вазифасига тайинлашди. Бизнес мактабини шакллантириш, унинг моддий-техника базасини ривожлантириш ўз-ўзидан кечмади. Бизнес мактаби ҳозирда университетнинг ўз ўрнига эга бўлган ажралмас қисмига айлантирилди. Замонавий компьютерлар, ўқув воситалари, адабиётлар билан жиҳозланган аудиторияларга ёшларимиз тадбиркорликни ривожлантириш,

эртанга кунда кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш бўйича бошқарувчи сифатида етишишлари учун барча кулайликлар мавжуддир.

Илмий фаолияти даврида тайёрланган кўплаб илмий-услубий ишлари республикамизда ва собиқ иттифоқдош республикаларининг илмий журналларида, тўпламларида чоп этилган. Бир қанча илмий, услубий қўлланмаларни чоп эттирган. Қатор минтақавий ва Бутуниттифоқ конференциялари, семинарларида шу жумладан, "Иқтисодиётнинг ривожланишини моделлаштириш" (Тошкент), "Янга хўжалик юритиш шароитида БАТ ва информацион хизматини ривожлантириш муаммолари" (Душанбе) каби ва бошқа кўплаб анжуманларда қатнашиб, маърузалар билан чиқишлар қилди.

Ҳозирги кунда Минтақавий ишлаб чиқариш потенциалининг ривожланишини моделлаштириш муаммоларига бағишланган йўналишида докторлик ишларини олиб бормоқда.

Илмий-педагогик фаолияти билан бир қаторда жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. 1999 йил Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати бўлиб сайланган. Шу билан бирга Республикамизда вужудга келган янги сиёсий куч Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясининг аъзосидир. Вилоятда Фидокорлар партиясининг таъсис этилишида, унинг халқ ичида ўз обрўсига эга бўлишида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Фидокорлар партияси Марказий Кенгаши аъзоси, Термиз шаҳар Кенгаши котиби республикамизда ҳақиқий фуқаролик жамиятининг шаклланишида демократик тамойилларнинг тўлиқ ўрнатилиши жараёнида ва эл-юрт фаровонлиги йўлида ўз билимини, куч ва шижоатини аямайдиган фидокор инсондир. 2001 йил апрель ойидан иқтисод факультети декани вазифасида ишламокда.

ТАНГИРОВ ҲАСАН

1962 йилнинг 27 июлида Жарқўрғон туманидаги А. Навоий жамоа хўжалигида колхозчи оиласида туғилган. 1969 йилда Мичурин номли 32-сон ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга бориб, 1979 йилда ўрта мактабни аъло

баҳоларга тугатди. 1980 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг биология ва қишлоқ хўжалик асослари бўлимига ўқишга кирди. У талабалик давридаёқ ўқишга бўлган қизиқиши уни илмий ишга етаклади. 1982-1985 йиллар мобайнида биология фанлари бўйича республика олимпиадаларида муваффақиятли қатнашди ва фахрий ўринни эгаллади. Оилали, 2 та фарзанди бор. 1985 йилда институгни имтиёзли диплом билан тамомлаб, доц. А. Қулматов раҳбарлигидаги химия ва биология кафедрасига катта лаборантлик вазифасига ишга олиб қолинди. Шу йиллар давомида биология фанларининг сир-асрорларини ҳар томонлама чуқур ўрганди. 1986 йилдан бошлаб кушлар гельминтлари бўйича илмий маълумотлар тўплай бошлади. 1986 йилда институгнинг илмий тўпламида илк мақоласи эълон қилинди. 1988 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Зоология ва паразитология илмий-текшириш институтига мақсадли аспирантурага ўқишга кирди. Биология фанлари доктори, профессор Қобилов Тоир Қобилович, биология фанлари номзоди доц. Кўлмаматов Абдураҳмон Қулмаматовичлар илмий раҳбар этиб тайинланди. Институт илмий кенгашида "Ўзбекистонда кенг тарқалган ёввойи қушлар ва уй паррандалари гельминтларининг экологик мониторинги" мавзуси бўйича номзодлик диссертация иши тасдиқланди. Гельминтологая лабораторияси билан бирга республикамиз Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг турли хил ландшафтларида қушларнинг гельминтлар билан зарарланиши ҳар томонлама ўрганилди. Аспирантура даврида 20дан ортиқ илмий мақолаларни Париж, Голландия, Туркия каби шаҳарлардага халқаро анжуманларида, шунингдек, Ереван, Олмаота, Тошкент, Бухоро, Қарши каби шаҳарлардага илмий анжуманларда илмий ишлари натижаси бўйича ҳисобот бериб борди. Илмий раҳбари - Тоир Қобилов билан биргаликда "Товуқлар цестодаларининг профилактикаси" бўйича илмий хабарномаси эълон қилинди.

1992 йилда аспирантурани тугатиб, "Ботаника ва қишлоқ хўжалик асослари" кафедрасида педагогик фаолиятини давом эттирди. 1993 йил 26 март куни Ўзбекистон Фанлар Академияси Зоология ва паразитология институтининг махсус кенгашида "Ўзбекистовда кенг тарқалган ёввойи

қушлар ва уй паррандалари гельминтларининг экологик мониторинги" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Номзодлик ишида Ўзбекистондаги ёввойи қушлар ва уй паррандалари гельминтларининг экологик мониторинги ҳамда экосистемада кенг тарқалган паразит чувалчангларнинг ҳаёт циклини комплекс ўрганди. Ҳозирги вақтдаги парранда гельминтларининг турлари таркиби ва экологик хусусиятларини биринчи марта ҳар томонлама таърифлаб берди. Ўзбекистонда учровчи қушларда 21 хил паразит чувалчанглар биринчи марта топилди. Фанда 6 турдаги куш 5 хилдаги гельминт учун янги хўжайин сифатида Ўзбекистонда биринчи марта қайд қилинди. Морфологик тузилиши жиҳатдан 23 турдаги гельминтларнинг таърифланишига элементлар киритилди. Биология фанлари номзоди Х.Т. Тангаров ҳозирги вақтда зоология кафедрасида ўз педагогик ва илмий фаолиятини давом эттириш билан бирга Термиз Давлат университети табиёт-география факультетида илмий ишлар бўйича декан муовини вазифасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар орасида илмий ишларни ривожлантиришга ҳамда вилоятимизда ҳар томонлама ривожланган мутахассис кадрлар тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмокда.

ҚЎЗИЕВ ТУРСУНАЛИ КАРИМОВИЧ

1954 йил 18 ноябр Жарқўрғон туманининг Сурхон қишлоғида туғилган. График рассом, кандакор, фото санъати устаси. Ўзбекистон Бадиий Академия академиги (1997), Ўзбекистон республикаси санъат арбоби (1999). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1976) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини 1982 йилда тугатиб, бадиий кандакорликни уста О.Авазовдан ўрганган. Т.Қўзиев иш фаолиятини Жарқўрғон шаҳри бош рассоми сифатида бошлаган. Сурхондарё вилояти маданият фонди раиси 1987-1992 йиллар, Республика рассомчилик билим юрти директори (1993-1995 йй), ЎЗбекистон Республикаси Президенти девони маъсул ходими (1995-1996 йй), ЎЗбекистон Республикаси Маданият ишларининг вазирининг биринчи ўринбосари (1996-1997), 1997 йилдан Ўзбекистон БА раиси, айни бир вақтда Ўзбекистон бидиий ижодкорлар уюшмаси раиси, 1998 йилдан Камолиддин

Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти профессор Т.Қўзиев асарларига борлиқни шоирона талқин этиш, ранглар ёркинлиги, нафислиги хос. “Жарқўрғон боғбон”, “Она юртим”, “Олимлар”, “Нақшбандийга бағишлов” учлиги (трипхити), “Тўлиной”, “Қиз портрети”, “Муножот”, “Шоира портрети” каби рангтасвир, “Алишер Навоий” (мис), “Тиб қонунлари” (мис), “Афсона” каби кандакорлик асарларини яратган. Гарфик рассом сифатида Миртемир асарларига ҳамда ўзбек, рус, грузин эртаклари безаклар, “Ёшлик қўшиғи” деворий (1982, Шеробод тумани) каби монументал асарлар ишлаган. Бадиий фото асарлари мавзу жиҳатидан ранг-баранг, уларда она юрт мадҳи, жаҳон маданий мероси, ўзига хос табиати, тарихий обидалари, халқнинг миллий урф-одати поэтик талқинини топган. “Ўзбек фотографияси. 125 йил” антологияси, “Лангар”, “Ижодимиз ҳақида гапирсак” альбом муаллифи. Т.Қўзиев Репсублика ва хорижий мамлакатлар (Ҳиндистон, Япония, Корея, Миср, Покистон, Франция, Италия, Германия ва б.) кўргазмаларида асарлари билан иштирок этган. 2-чақириқ ЎЗбекистон Республика Олий Мажлисининг депутат. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Бош таҳрир ҳайъати аъзоси (2000), “Дўстлик” ордени билан мукофотланган (2003). Т.Қўзиев мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданиятимиз ривожига муносиб хисса қўшган таниқли олим, ташкилотчи раҳбар, ташаббускор, маънавиятимизнинг етук фидоиийси сифатида танилиб, ёш авлодни тарбиялашда муносиб хисса қўшиб келмоқда. У Жарқўрғон туманида моддий ва маънавий маданиятнинг янада ривожланишига, ёш иқтидорли рассомларни, маданият ходимларини тарбиялашда ҳам устоз сифатида алоҳида хизмат қилиб, ўтмиш моддий ва маънавий меросимизни тиклаш, қайта ўрганиш ҳамда замонавий миллий рассомчиликни ривожлантиришга алоҳида хисса қўшиб келмоқда.

ХОЛМАТОВ АБДУҒАФФОР

1965 йил 25 алрелда Жарқўрғон туманидаги "Шарқ юлдузи" жамоа хўжалигага қарашли "Янгиусул" қишлоғида туғилган. 1982 йилда Янгиусул қишлоғидаги Фурқат номли мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг зоомуҳандислик факультетига ўқишга

киради. 1983 йилда институтнинг 1-босқичини тугатгач, ҳарбий хизматга чақирилади ва 1983-1985 йилларда ҳарбий хизмат бурчини ўтаб қайтади. 1985 йилдан бошлаб яна зоомуҳандислик факультетида 1-босқич толиби сифатида ўқишни давом эттиради ва 1989 йил март ойида Тошкент Қишлоқ хўжалик институтини имтиёзли диплом билан тугатади.

1989-1990 йилларда Жарқўрғон туманидаги "Шарқ юлдузи" жамоа хўжалигида наслчилик зоотехниги вазифасида ишлади. 1990 йилнинг кузида Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг хусусий зоотехника мутахассислиги бўйича аспирантурага ўқишга киради ва устози қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Эдуард Юрьевич Карчевский раҳбарлигада "Сутни кўпайтириш даврида қора-ола зотга мансуб биринчи туғиш ёшидаги сигирларнинг турли соғиш маротабасидаги сут маҳсулотлиги" мавзусида, Тошкент вилояти "Чиноз" давлат наслчилик техникумида биринчи туғиш ёшидаги қора-ола зот сигарлар мисолида 1991-1993 йилларда илмий тажриба олиб борди. 1993 йил аспирантурани битириб, Тошкент Давлат Аграр университети зоомуҳандислик факультети умумий зоотехника кафедрасига ассистент лавозимига ишга кириб, 1995 йил 30 мартда "Сутни кўпайтириш қора-ола зотга мансуб биринчи туғиш ёшидаги сигирларнинг турли соғиш маротабасидаги сут маҳсулдорлига" мавзусидаги диссертациясини Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилади ва илмий кенгаш қарорига биноан, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражаси берилади. Айни пайтда Тошкент Давлат Аграр университети зоомуҳандислик факультети талабаларига "Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва чорвачиликда наслчилик иши" ҳамда "Чорвачилик" фанларидан дарс беради.

Оилали, 2та фарзаднинг отаси. Қишлоқ хўжалиги соҳасидан ташқари адабиётга ҳам чин дилдан ихлос қўйган ижодкордир. Шеърлари республикамиз матбуотида бир неча бор эълон қилинган. Шеърият ихлосмандлари уни яхши танийди. Ватандошларига багашланган бир тўртлигида шундай ёзади:

Ҳар кимни элидан танисин эли,

Ҳар кимни тилидан танисин эли,

Агар ўзга юртда мусофир ўлса,

Ҳар кимни дилидан танисин эли.

Келажакдага ижодий ва илмий ишлари йўлида тинимсиз изланишлар олиб бормокда.

НОРМАМАТОВ АБДУСАЛОМ РАЖАБОВИЧ

1962 йил 24 ноябрда Сурхон қишлоқ фуқаролар йиғинининг Янгиариқ маҳалласида туғилган. 1969-1979 йилларда Норали Боймуродов номли 16-сон ўрта мактабни имтиёзли тугатди.

У мактабда ўқиши даврида биринчи ўқитувчи Карим Турдиевни ҳурмат билан эсга олади. 1979-1984 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тугатди. 1984-1986 йилларда Термиз шаҳар коммунал хўжалик кўкаламлаштириш бўлими агрономи бўлиб ишлади. 1986-1989 йилларда Ленинград Бутун иттифоқ ўсимликшунослик илмий текшириш институтининг аспирантураси бўлимида ўқиди. 1989 йил 20 апрелда “Чет эл маккажўхори навларининг суғориладиган Сурхон воҳаси шароитидаги селекцион моҳияти” мавзусида қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун Ленинград Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий текшириш институтида ҳимоя қилди ва қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий унвонини олди.

1989-1991 йилларда Сурхон экспериментал хўжалигида агроном, 1991-1994 йилларда Термиз қишлоқ хўжалиги коллежида агрономия бўлим бошлиғи, 1995-1998 йилларда Сурхондарё тажриба хўжалиги фан бўйича директор ўринбосари, 1998-2003 йилларда Жарқўрғон тумани ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосари, 2003-2004 йилларда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси пахтачилик бўлими бошлиғи, Ангор қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи, 2004-2007 йилларда Сурхондарё тажриба хўжалиги лабаратория мудири бўлиб ишлади.

Ҳозирги кунда вилоят бошоқли-дон экинлари уруғчилик бирлашмаси бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда. А.Нормаматов таниқли олим, тажрибали педагок, ташкилотчи раҳбар, ўз касбини мукаммал биладиган инсон сифатида устозлардан ибрат олиб, кўплаб малакали, билимли шогирдлар тайёрлашга раҳбарлик қилмоқда. Унинг бевосита илмий фаолиятининг натижаси туфайли “Сурхондарё вилоятида етиштирилган чел эл маккажўхори навларининг химиявий таркиби”, “Сурхондарё ва Самарқанд воҳаси шароитида чет эл маккажўхори навларини экологик ўрганиш натижалари” каби илмий ишларини билан республикада қишлоқ хўжалик фани ривожланишига муносиб хисса қўшди. А.Нормаматовнинг бевосита илмий ва амалий фаолияти туфайли вилоятда полиз ва сабзовотчилик ҳамда мевачиликни ривожлантириш бўйича мукаммал илмий тадқиқотлар олиб борилиб, вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб хисса қўшилмоқда.

РАҲИМОВ АБДУЖАЛИЛХОН РАҲМАТОВИЧ

1918 йил 18 май куни Қашқадарё вилояти Қарши райони Хўжанқон қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. У ёшлигиданоқ ота-онасидан етим қолди. Ёшлиги жуда қийинчилик билан катта бўлди. Оталари катта эшон мулла бўлганлар. 1950 йил ҳаётларида катта ўзгаришлар бўлди. Шу йили ўзларини тоғалари Муслимхон эшон бобонинг қизи Ситорахон пошшога уйланган. Улар 1950 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманининг Минор маҳалласига кўчиб келишган. Шу маҳаллага катта ёрдам кўрсатганлар. Уларнинг 11 фарзандлари 5 нафар ўғил ва 6 нафар қизлари бор. Жалилхон эшонбобонинг умр йўлдоши Ситорахон пошшо момо 1934 йилнинг 21 мартида Қашқадарёнинг Хўжақўрғонида туғилганлар. Ҳозирги кунда пошшо момо қишлоқнинг фахрийси, меҳнат ветерани, қахрамон она, ажойиб табиб бўлиб халқ хизматида. Улар ҳамма фарзандларини олий маълумотли қилиб ўқитдилар, уларни уй жой қилдилар. 50 та невара, 39 чеваранинг севимли момоси ва бобосидир. Ҳурматли Жалилхон эшон бобо 2007 йил 22 март куни оламдан ўтдилар. Уларнинг ҳаёт йиллари жуда машаққатли ва самарали кечди. Ҳозирги кунда бу оила вилоятида энг катта оилалардан бири саналади. Уларнинг меҳнат йўллари отаравада бошланган. Колхозлар тузилган вақтларда

от-аравада пахтни пункга тошиганлар. 1950 йилдан 63 йилгача шу ишда ишлаганлар. 63 йилда Намуна участкасида катта боғбон бўлиб ишлаганлар. Шу боғнинг гуллаб яшнашига ўзларининг машаққатли меҳнати билан эришганлар. Боғ, ғалла-дон, ўсимликларни етиштириш бўйича таниқли деҳқон, 1970 йилларда 20-автобазага боғбон бўлиб ишга ўтдилар. Боғбон бўлиб 20 йил ишладилар.

ЖАРҚЎРҒОННИ ЭЛГА ТАНИТГАН ПОЛВОНЛАРИ

Жарқўрғон тумани қадимдан ўзининг миллий кураш бўйича полвонлари билан нафақат Сурхон воҳасида балки Республикадан ташқарида ҳам машҳур бўлиб келган. Шундай полвонлардан бири марҳум Тоҳир Дурдиев эди. Мустақиллик йилларида Ал-Ҳаким Ат-Термизий турнири (1992 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта ўтказиб қелинмоқда) да туман ёшларидан Рустам Эргашев жаҳон чемпионлигини кўлга қиритди. Туманда 1998 йилда иккита ҳар томонлама халқаро мусобоқалар ўтказишга шароити бор стадион, 17 та ёпиқ спорт заллари, 61 та футбол майдонлари ёшлар учун хизмат қилмоқда. Дзюдонинг ватани - Япония, таэквандонинг ватани - Корея: У- шунинг ватани - Хитой, Курашнинг ватани - Ўзбекистон бўлиб тарихга кирди.

Хақберди хожи Норбоев- 1926 йил 17 июлда Жарқўрғон шаҳрида туғилган. 1953-1958 йиллар Самарқанд Давлат университетини тугатган, филолог. Меҳнат фаолиятини 1940 йилда колхозчиликдан бошлган. 1952-1953 йилда "Жарқўрғон қишлоқ кенгашининг котиби", 1958-1963 йиллар Карл Маркс номли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси ва мактаб директори бўлиб ишлаган. 1963-1965 йилларда Блинский номли умумий ўрта таълим мактабининг директори, 1965-1972 йилларда "Собиқ Коммунизм" колхози раисининг биринчи ўринбосари, 1972-1977 йиллар Сурхондарё вилоят ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг директори, 1977-1993 йиллар туман ижтимоий таъминот бўлимининг мудири. 1993 йилдан бошлаб шахсий нафақада. 1993 йилдан бошлаб Кураш Клуби Президенти. Халқаро Кураш Академиясининг Ҳақиқий аъзоси. Халқаро Кураш Институтининг Илмий ходими. Кураш бўйича Жаҳон Чемпиони. 2001 йилда Венгрияда Кураш бўйича ўтказилган III-жаҳон чемпионати совриндори. Ҳ. Норбоев катта иш тажрибага эга бўлган киши, ташкилотчи, тинимсиз изланадиган меҳнатсевар талабчан иснон сифатида элга танилган. Ҳ.Норбоев Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия, Венгрия, Россия, Болтиқ бўйи мамлакатлари, Украина, Грузия, Арманистон, Қирғизистон, Миср Араб республикаси, Тожикистон, Туркманистон мамлакатларидаги мусобақаларда иштирок этган. Ҳ.Норбоев "Алпомиш

авлодлари-Сурхондарё полвонлари” номли китобининг муаллифи. Ҳ.Норбоев 7 ўғил, 4 қизнинг меҳрибон отаси, мустақиллигимизнинг маънавий қудратини мустаҳкамлашда фаол иштирок этаётган таниқли инсон.

Тоҳир Дурдиев, 1956 йил 15 августда Н.Боймуродов хўжалигида туғилган. 1994 йил, 31 январда вафот этган: халқаро кураш академияси президенти Жўрақул Турсуновнинг эътироф этганидек , ХХ асрнинг ,буюк полвони. У ниҳоятда камтарин инсон ва мард полвон бўлиб, халқ ёдида қолди. ДЗЮДО , САМБО, миллий кураш бўйича тенги йўқ полвон эди. бир неча марта Ўзбекистон, Осиё ва Собиқ Иттифоқда чемпион бўлган,юзлаб ёшларга ибрат кўрсатиб яшади, устозлик қилди.

Чори полвон Райимқулов- 1923 йилда Х.Олимжон жамоа хўжалигида деҳқон оиласида туғилди. 20 йилдан ортиқроқ миллий кураш билан шуғулланиб, полвонлар оиласига асос солди. Чори полвоннинг отаси Тангриберди, онасининг отаси Абдумўминлар ҳам эл полвони бўлишган.

Турдалиев Ҳайит Жарқўрғон тумани А.Навоий жамоа хўжалигидаги Намуна қишлоғида 1935 йилда туғилган. Ёшлигидан миллий курашга қизиқиб, етук полвон бўлиш орзисида тинимсиз спорт билан шуғалланди. Мактабда 10 синфда ўқиётганда таниқли полвон сифатида миллий кураш сирларини ўрганиб, етук полвонлар билан кураш майдонида беллашди. 1960 йилларда таниқли полвон сифатида эл назарига тушиб, машҳур полвонлар Тўрон, Эргаш, Раҳмон каби полвонлар билан курашиб, кетма-кет ғалабага эришди. Намуна қишлоғида туғилиб, 30 йил давомида туман спорт қўмитасига раис бўлган. Юнон – рум ва кураш бўйича Москвада ўтган мусобақада совриндор бўлган, тўйларда довруқ таратган полвон.

Холиёр полвон Элмуродов, 1951 йил, “Сурхон” хўжалиги , миллий кураш ва самбо бўйича 6 марта Ўзбекистон чемпиони бўлган. Жарқўрғон туманидаги “Сурхон” давлат хўжалигида 1951 йили туғилиб, вояга етжи. Ўрта мактабни битиргач, Самарқанд Давлат қишлоқ хўжалиги олийгоҳида ўқиди. У ерда республикамизда машҳур спорт устаси Риза Амирович Фозиловдан кураш сирларини ўрганди. Холиёр ёшлигидан яхши полвон бўлишни орзу қилар эди. Самарқанд шахри ғолиби бўлиб, республика терма жамоасига аъзо бўлди.

1976 йили миллий кураш ва самбо бўйича ўтказилган беллашувларда ғолиб бўлди ва СССР спорт устаси, деган ном олди. Қисқаси, 1970-80 йиллар орасида суркхондарёлик полвонларнинг олдингши сафида юрган полвонлардан биридир. Унинг эришган ютуқларини атайлаб санаб ўтирмадик. Чунки Холиёр полвон қандай курашчи бўлганлигини халиям халқимиз фахрланиб, эслб юришади.

Соат Бойназаров, 1897 йил Намуна қишлоғида туғилган. Ҳозир 104 ёшда миллий кураш бўйича катта полвон сифатида Тожикистон ва Туркманистонда ҳам хурмат қилинади.

Муҳаммад *полвон Назар,* ўғли 1896-1978 йилларда Жарқўрғонда яшаб ўтган, миллий кураш, чавондозликда донг таратган.

Жўра полвон Қодиров, 1913-1988 йиллар Н.Боймуродов жамоа хўжалигида яшаган, миллий кураш бўйича обрўли полвон бўлган.

Суюн полвон Турсунов, 1943 йил "Сурхон" жамоа хўжалиги милий курашда ном қозонган.

Шафоат полвон Валиев, 1914-1967 йиллар Н.Боймуродов номли жамоа хўжалигида яшаган, миллий кураш бўйича обрў топган.

Нурқобил Холиёров, 1912 йил туғилган. "Оқтепа" жамоа хўжалигида яшаб, миллий курашда, тўй ва сайлларда шухрат қозонган.

Тўран Полвон Эргашев, 1929 йил, "Шарқ юлдузи" хўжалиги Миллий курашда тўйларда ва вилоят мусобоқаларида совриндор бўлган. Шунингдек Эргаш қора номи билан машҳур бўлган полвон ҳам шу хўжаликдан Тўран полвон сафдоши.

Рустам Эргашев. 34 ёшда. Тўран полвоннинг ўғли ДЗЮДО ва миллий курашда довруғи чиққан. 1995 йилда Термизда Халқаро Кураш турнирига мутлоқ чемпион бўлиб. Президентимиз соврини "Газ-31" автомашинасини қўлга киритган. Кураш йўли-оғир йўл. Уни ярим йўлда ташлаб кетадиган кўп. Машаққатлардан қўрқмайдиган, чўчимайдиган полвонларгина ҳақиқий курашчилар бўлиб эл оғзига тушадилар. Рустам ҳам ҳаётнинг майда чуйда ташвишларидан қўрқмай қийинчиликларга бардоши етадиган мард

йигитлардан Элимиз ҳам Рустам каби полвонларга юртимиз шон шухратини ошириш йўлида катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Нортожи Бойматов, 48 ёшда. Самбо ва Миллий кураш бўйича республика чемпиони бўлган.

Йўлдош Полвон Норматов, 1951 йил Т.Шобуров жамоа хўжалигида туғилиб, самбо, миллий кураш бўйича республика чемпиони бўлган.Йўлдош полвоннинг бобоси Нормат бобо табиатан миллий спортимизни . санъат ва адабиётни севадиган одам эди. шунинг учун бирорта тўйлардаги кураш томоншабинларини қолдирмас эди. 1970 йил ТОшкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳига ўқишга кирди. У ерда машҳур спорт устаси Ҳамид ТОшхўжаев раҳбарлигида самбо кураши сирларини қунт билан ўрганди. Шу йилдаёқ Чирчиқда самбо курашида республика биринчилигида иккинчи ўринни эгаллади. Ана шундай катта мусобақаларга Йўлдош повон қатнаша борди.

Ўрол Қурбонов, 1952 йил Соқчи қишлоғида туғилиб, миллий кураш ва Самбо устаси, 1972 йилда республика чемпиони бўлган.

Хасан Полвон Рўзиев 1938 йил 2 июлда Оққўрғон қишлоғида туғилиб, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон чемпиони бўлган, тўйларда бош товоқ олиб юрган полвонлардан бўлган. Ўзбек кураши фахрийси.

Сафар Қосимов Жарқўрғоннинг Минор қишлоғида туғилиб вояга етган. Мутахассислиги олий маълумотли тиббиёт ходими бўлиб, вилоят жисмоний тарбий ва спорт шифохонасининг бошлиғи. Спортни ривожланишига муносиб хисса қўшган таниқли полвон, кураш бўйича мураббий, ёшларнинг устози, 16 ёшдан бошлаб таниқли повон сифатида эл назарига тушган.

“Сафар полвон тўйга келибди”, деса одамларнинг қизиқиш ўн чандон ортар эди. негаки, у даврага тушганга давра қизиб кетар эди. Жанговорроқ бўлиб қоларди. Сафар полвон мағлубиятга ҳам учраган, аммо ғолиб бўлганлари мағлубиятидан кўп.

1972 йили СССР даврда спортни ривожлантиришга муносиб хисса қўшган, Спорт устаси деган номга сазавор бўлган. Тошкент тиббиёт олийгоҳида таълим олиб, Республика ва Халқаро турнирларда қатнашиб, юксак мукофотларга сазовор бўлган .

Сурхондарёда танилган машҳур полвонлар Қаюм полвон, Холиёр полвон, Яхшибой ва Тоҳир полвонлар билан бир вақтда миллий курашни ривожлантиришга ҳисса қўшиб, кўплаб шогирдларни тайёрлаб етиштирган.

Сафар полвон Қосимов 1970-80 йилларда миллий курашда танилган полвон сифатида анча шухрат қозонган. Унинг зўрлигини, ҳалол ва мардонавор кураш тушишларини узтоз ва шогирдлари вилоятмизда алоҳида хурмат қилишган.

Сафар полвон тайёрлаган самбочилар аллақачон вилоятимиз фахри бўлиб, жумладан, Сафар полвон устозим, деб эътироф этадиган полвонлардан шу бугунгача 20 дан зиёди Ўзбекистон спорт усталари, деган номли олишган.

Йўлдош Сафаров-Жарқўрғон туманидан машҳур полвонлар жуда кўп етишиб чиққан. Ана шундай курашчилардан бири Йўлдош Сафаровдир. У 1970-80 йиллар ичида танилган машҳур полвонларимиздан бўлади. Йўлдош ана шу вақтда вилоятимизгина эмас, Қашқадарё, Тожикистон, Туркманистоннинг қўшни вилоятларида ҳам донг таратди, Мағлубият нималиги билмай, повонларни доғда қолдириб, эл оғзида достон бўлиб юрди.

Йўлдош полвон ҳозир спорт соҳасида ишламасада, доимо шогирдлар етказишга, ўлкамизда миллий курашни янада кенг ривожлантириш учун меҳр-оқибат ва мурувватини аямайдиган инсонлардан биридир.

Қурбонов Ўткир Ўролович- 1983 йил 3 февралда Жарқўрғон туманидаги А.Навоий номидаги фермерлар уюшмасидаги Соқчи маҳалласида туғилди. У.Қурбонов жисмоний тарбия фани ўқитувчиси устози Йўлдош Бекмирзаевдан самбо, эркин ва миллий кураш, дзюдо машғулотларини сир-асрорларини ўрганиб, устози туфайли элга танилди. 1997 йил 15 сентябрда У.Қурбонов Самарқанд вилояти ўтказилган республика мусобоқасида биринчи ўринни киритиб, 1997 йилнинг ноябр ойида Бухоро вилояти Қоракўл туманида бўлиб ўтган республика биринчилигида 66 килограмли вазнлар ўртасида Республика чемпиони бўлди. 1998 йил Ҳиндистонда ўтказилган Бутун жаҳон ёшлар ўртасида ўтказилган дзюдо мусобоқасида “Қирол кубоги” соҳиби ҳамда шу йили Новосибирский (Россия) да ўтказилган Иван Поддубний хотира турнирида бош совринни қўлга киритди. 1999 йил Франциянинг Париж

шаҳрида бўлиб ўтган “А” классик халқаро мусобақасида икки марта иштирок этиб, олитн медалга сазовор бўлди. 2000 йил Ветнам республикасининг Ханой шаҳридаги ўтказилган халқаро мусобақада 3-ўринни, 2001 йил Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида халқаро ёшлар ўртасида 2-ўринни, 2002 йил Япониядаги Халқаро Дзюдо курашида фахрли биринчи ўринни эгаллаб олтин медал соҳиби бўлди. Қозонистоннинг Остона шаҳрида Президент Н.Назарбоев совриниучун бўлган мусобақада икки марта ғолибликни қўлга киритди. Ёш таниқли полвон, кучли курашда чиниққан. Ў.Қурбонов Ўзбек миллий курашда Самарқандда ўтказилган “Али полвон” хотира турнирида ҳамда 2005 йил Термиз шаҳрида ўтказилган Ал Ҳаким Ат Термизий хотира турнирида ғолиб бўлди. Таниқли полвон Жарқўрғоннинг фахри сифатида фидоийлик кўрсатиб, Ўзбекистонинг спорт соҳасида дунёга танилишида муносиб хизмат қилмоқда.

ХУЛОСА

Дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг қудрати, уларнинг миллий мустақиллиги, давлат чегараларининг дахлсизлиги – ўша мамлакат фуқароларининг ўз юртига муҳаббатли қилиб тарбияланганликлари, Ватан мустақиллиги ва миллий истиқлол учун курашда зарур бўлса жон фидо қилишга ҳам тайёр бўлишдек олижаноб фазилатларга эга бўлишлишларига боғлиқдир. Бу фазилатларни ёшлар онгида қарор топтириш ва шакллантиришда тарихий тадқиқотларнинг ўрни чексиздир. Чунки, ўтмиш тарихидан руҳий қувват олган, тарих сабоқларидан тўғри хулоса чиқара олган миллатнинг келажаги порлоқ бўлади.

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Дея берган хулосалари тарихчи олимлар учун дастурил амал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон тарихининг ажралмас ва энг асосий қирраларидан бирини ташкил қилувчи кўҳна Сурхон воҳасининг таркибий қисми бўлган Жарқўрғон тумани аҳолиси тарихини ўрганиш ва уни илмий таҳлил этиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу туман ҳам ўзининг қадим ва бой тарихи, инсоният цивилизацияси тараққиётида муҳим ўрин тутадиган масканлардан бири саналади. Ана шу табаррук замин тарихий тараққиётнинг узоқ даврларига бориб тақаладиган, ўз кечмиши жараёнида жуда катта ва шавкатли, айни дамда масъулиятли ва курашларга бой тарихий ўтмиш йўлини босиб ўтди.

Бу ерда илк ўтроқ деҳқончилик, шаҳарсозлик маданияти, илк давлат бирлашмаси ва бошқа хислатлари билан инсоният цивилазацияси тараққиётига муносиб улуш сифатида қўшилган бетакрор қадриятларга эга макон бўлган заминдир.

Демак, Сурхон воҳасининг қадимги бешикларидан бўлган ана шундай қадим ва бой тарихга эга бўлганЖарқўрғон воҳасининг мукаммал тарихи ҳозирги кунга қадар тўлақонли тарзда яратилмаган эди. Ўтмиш таихимизни ўрганишдаги бундай кемтикликларни тўлдириш, халқимизни туманинг қадимги ва ҳозирги тарихи билан таништириш мақсадида ушбу тадқиқот иши

амалга оширилди. Бу илмий тадқиқотни амалга оширишда ўтмиш тарихимизга тамомила янгича муносабат билан ёндошилди.

Тарихий воқеликни ўзида холис ва ҳаққоний тарзда қамраб олган кўплаб моддий ва маънавий манбалар, илмий адабиётлар холисона таҳлил этилиб, улардан ижобий тарзда фойдаланилди. Ушбу изланишлар сифатида туманнинг узоқ йиллик тарихи яратилди.

Тадқиқотда туманнинг қадим тарихи, бекликлардавридаги тарихининг кўплаб очилмаган қирралари холисона таҳлил қилинди. Қолаверса собиқ совет ҳокимияти даврида совет тузуми ҳукмронлигининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий таянчлари бўлган давлат ва жамоа хўжаликлари, саноат корхоналари, коммуникация тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, маориф ва спорт соҳаларининг барпо этилиши каби масалалар тадқиқотда ҳар томонлама таҳлил этилди.

Халқимизнинг асрий орзуси саналган мустақилликнинг қўлга киритилиши натижасида саноат, қишлоқ хўжалиги, маориф, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар хусусида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Йиллар ўтиши билан халқимиз тарихи янада янгиланиб, бойиб, юксалиб бораверади бу тарихий ҳақиқат. Шу сабабли муаллифлар бу борадаги тадқиқот ишларини тугалланган иш деб ҳисобламайди ва бунга даъво ҳам қилмайдилар. Зеро, тарих давомли мангу жараёндир.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

РЎЙХАТИ

1. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. - Т, «Ўзбекистон»,1995 йил, 59 бет.
2. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. - Т., «Ўзбекистон», 1996 йил, 3-кисм, 80 бет.
3. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўк. - Т., «Ўзбекистон», 1998 йил.
4. Авлиёкулов Қ, Эргашев Р, Й.Исмоилов, Сурхон юлдузлари. - Т., «А.Қодирий», 1995 йил, 15-бет.
5. Ананьев А.Г. Шеробод воҳаси ерларини Сурхон суви ёрдамида суғориш лойиҳаси. Рус тилидан профессор С.Н.Турсунов таржимаси - Т. «Шарк», 2002 йил.
6. Ёриев Б. Қора олтин ижодкорлари. - Термиз, 1999 йил, 5, 11, 14, 38, 39, 51, 52 бетлар.
7. Мўминов Ў.М. Эшмуродов Р.Р. Жарқўрғон тиббиёти: кеча ва бугун. –Т., “Янги аср авлоди” 2006.
8. Материали переписи население Уз ССР. 1926 г. вип. 1. Поселенние итоги. - Г. Самарканд. НЦСУ. УзССР. 1927 г. с.253-272.
9. Статистический сборник. Основние показатели сельского хозяйства области за 1991-1999 гг. - Термез, 2000. с.10
10. Турсунов С. Н, Э. О. Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. - Т, «Шарк», 2001 йил.
11. Турсунов С.Н, Э.Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи - Т, «Шарк», 2004 йил.
12. Узоқова Р. Сайланма - Т, «Ғ.Ғулом», 1993 йил 4-бет.
13. Ўзбекистон ССР тарихи II-жилд. - Т, «Ўз ФА» 1958 йил.
14. Жарқўрғон 75 ёшда (кичик тўплам) “Жарқўрғон” 2001.
15. Жарқўрғон минораси. –Т., “Ўзбекистон”, 1989.

16.Жовлиев Т. Шарофиддинов Х. Жовлиев В. Улар ҳаётни севарди. –Т., “Ёзувчи” 1995.
17.Ж.Тошпўлтов. А.Жумақул. Сурхон полвонлари. –Термиз, “Жайхун”, 1995.
18.Қодиров Б, «Термизийлар изидан. - Т, «Янги аср авлоди». 2001 йил.
19.Сурхон давлат хўжалиги тарихидан. -Термиз, 1995 йил 28 -б.
20.Н.Боймуродов жамоа хўжалиги, - Термиз 1997 йил 26-27 бет.
21.«Социализм» жамоа хўжалиги тарихи. - Термиз, 1994 йил.
22.Ҳ.Олимжон давлат хўжалиги тарихи. - Термиз. 1997 йил
23.Партия XXII-съезди колхози тарихи - Термиз, 1982 йил.
24.Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве XVI-пер.пол. XIX в том. 1.Т,1966.
25. Аминжонова Т.М. "+адимий ёдгорликлар =иссаси". -Т.: «Ы=итувчи» 1977.
26. Альбаум Л.И. "О толковонии кратепинских комплексов (в свете раскопах фаяз-тепе) Каратеж. Марказий: "Наука", 1982.
27. Аннаев Т. Раннесредневсковые поселения Северного Тохаристана. Л, 1984 г.
28. Ащмедов Б. Тарихдан сабо=лар. -Т:. «Ы=итувчи», 1994.
29.Бартольд В.В. Термиз. Соч.Т. 11 М: "Наука", 1965 г.
30.Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Соч., Т.111. М., 1965 г.
31. Беленицкий А.М., Бентович И.Б. Средневсковой город Средний Азии. Ленинград. "Наука", 1968.
32. Быков А. Очерк переправ через Аму-Дарью. –Т:, 1990.
33.Бобур З.М. Бобурнома. -Т.: Фан. 1990.
34. Бердиев Щ., Эрматов Щ. Сурхондарё тарихидан лавщалар. -Т.: 1991.
35. Кастальский Б.Н. Историко-географический обзор Сурхандарьинской и Шерабадской долин. Вестник ирригации. 1930.
36. Логофет Д.И. Бухарской ханство и его под русским протекторатом. Том.1.СПБ. 1911.
37. Логофет Д.И. Страна бесправия. Бухарское ханства и его современное состояние. СПБ. 1912.
38. Нафасов Т. Ызбекистон топонимларининг изощли лу\ати. -Т.:1988й.
39. Рызиев А. Сурхондарё вилояти. -Т.: 1996.

40. Холи=ова Р. Россия-Бухоро тарих чорращасида. -Т.: «Ы=итувчи», 2005 й, 240-б.
41. +обилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари -Термиз. 1993 Ызбекистон Миллий Эндиклопедияси. Том 1-11. -Т.: 2000-2006.

Мундарижа

1	**Сўз боши----------**	
2	**Кириш----------**	
3	**Жарқўрғон Жез даврида----------**	
4	**Жарқўрғон воҳаси илк темир даврида ---**	
5	**Юнон-Бақтрия ва Кушон подшоликлари даврида Жарқўрғон ҳудуди ----------**	
6	**ЖАРҚЎРҒОН ВОҲАСИ ЎРТА АСРЛАРДА ----------**	
7	**Жарқўрғондаги тарихий-археологик манбалар----------**	
8	**Исмоил Мирохўр ----------**	
9	**Жарқўрғон туманидаги этномаданий жараёнлар----------**	
10	**Совет ҳокимияти йилларида Жарқўрғон қишлоқ хўжалиги (1920-1940 йй)- ----------**	
11	**Жарқўрғонда саноат қурилиши ва уни амалга ошириш муаммолари (1920-1940 йй)----------**	
12	**Жарқўрғон халқ маорифи тараққиёти ва маданияти соҳасида эришилган ютуқлар ва муаммолар.----------**	
13	**Уруш йилларида туман қишлоқ хўжалиги ходимларининг машаққатли меҳнати.----------**	
14	**Жарқўрғонликларнинг уруш жанггоҳларидаги қаҳрамонликлари ----------**	
15	**Урушдан кейинги йилларда туманда қишлоқ хўжалигининг мустаҳкамланиб бориши (1946-1990 йй)----------**	
16	**Занг каналининг тарихига оид лавҳалар----------**	
17	**Урушдан кейинги йилларда туман саноати тараққиёти -----**	
18	**Совет ҳокимияти йилларида маориф ва маданият----------**	
19	**Маданият ва ижод аҳли (1946 - 1990 йиллар)----------**	
20	**Жарқўрғон тиббиёти тарихи ва унинг асосчилари (1920-1980 йиллар) ----------**	
21	**Мустақиллик йилларида Жарқўрғон тумани саноати.---------**	
22	**Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги иқтисодий юксалиш йўлида.----------**	
23	**Мустақиллик йилларида туман халқ таълими.----------**	
24	**Жарқўрғон туманида ижтимоий ва маданий ҳаёт ----------**	
25	**Мустақиллик йилларида тиббиёт ----------**	
26	**Фидоий инсонлар ----------**	
27	**Таниқли олимлар----------**	
28	**Жарқўрғонни элга танитган полвонлари----------**	
29	**Хулоса ----------**	

30	**Адабиётлар** ----------	
31	**Мундарижа**----------	

ЖАРҚЎРҒОН ВОҲАСИ ЎРТА АСРЛАРДА

Милоднинг I-IV асрларида ҳукмронлик қилган Кушон империяси даврида Жарқўрғон иқтисодий, маданий жиҳатдан тараққий этади. Аммо III асрнинг иккинчи ярмида салтанатда юз берган кучли тўқнашувлар империяни ҳалокат ёқасига олиб келади. Кушон салтанати Эрон сосонийлари қўшинлари томонидан мағлубиятга учрагач, унинг ерларида босқинчиларга қарам вилоят ташкил этилади. Бу ерлар асосан Бақтрия-Тохаристон ҳудудларига тўғри келади, вилоятни эса сосоний шаҳзодалар идора қила бошлаганлар.

Кушон империяси инқирозидан сўнг Жарқўрғон ҳудудидаги маданий ҳаётда ҳам инқироз аломатлари кўзга ташланади. Эрон сосонийлари қўшинларининг IV аср охирида Шимолий Тохаристон ерларига юриши оқибатида, даставвал марказий шаҳарлар таназзули бошланади. Исмоилтепа, Ялпоқтепа, Оқтепа ўрнига Култепа, Ҳайитободтепада каби маданий марказлар шаклланди. Шимоли-ғарбий Тохаристоннинг марказий шаҳарлари VI аср бошларига келиб қаддини қайта ростлаб, тиклана бошлайди. Карвонтушди, Бароттепа, Расултепа, Бойтепада 630 йили бўлган чинлик сайёҳ Хуан Чао ушбу шаҳарларда будда ибодатхоналари мавжудлиги ҳақида хабар бериб ўтган. Яна бир бошқа чинлик жаҳонгашта Сюан Цзян 639- 645 йилларда бу заминларга ташриф буюрганида Чағониённинг марказий шаҳарлари ҳисобланган Қаршишоҳтепа, Зартепа, Расултепа, Бароттепа, Карвонтушдитепа манзилгоҳлари ҳақида маълумотлар беради.

Чағониён Тохаристонда нисбатан йирик ва қудратли вилоятлардан саналган ва унинг авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз хукмрон сулоласи Тохаристон ҳукмдори бўлади. Чағониён ҳудудида кўплаб қишлоклар, йирик шаҳарлар бўлган, улар ўз пулини зарб қилиб чиқарган. Бу вилоят шохлари

бошқа давлатлар билан дипломатик, диний ва сулолавий алоқалар ўрнатганлар. Масалан, Афросиёб саройидаги деворий ёзувларда таъкидланишича, VII асрнинг иккинчи ярмида Самарқандни бошқарган шоҳ Вархуман саройига Чағониён ҳукмдори номидан элчи келган.

X асрнинг кўзга кўринган йирик олими Истахрийнинг шогирди сайёҳ географ Ибн Ҳавқал (Абулқосим ибн Ҳавқал ан-Насибий) устозининг илтимосига кўра «Китоб ул-масолик»нинг хатоларини тузатиб, унга хариталар илова қилади. Ибн Ҳавқал ўзининг «Китоб сурат ул-арз» («Ернинг шакли») номли асарининг Мовароуннаҳр қисмига тарихий воқеаларни киритиб, китобнинг қимматини оширишга эришади. Сағониён Амударёга Термиз шахридан пастроққа қўшилишини тасвирлаган Ибн Ҳавқал ўз асарида Истахрий қўллаган «қалъа» атамасини ишлатмайди, балки фақат кўҳандиз эски қўрғон ҳақида маълумот келтиради.

Жарқўрғон ўрта асрлар даври араб - форс муаллифлари асарларида Сарминжон (Жарминжон) номи билан тилга олинган. Бу шаҳар номи тарихий манбаларда Сарманган, Чарманган ёки Нарманган шаклларида ҳам учрайди. Тилшуносларнинг эътироф этишича, Сарманжон номи «Сар»- бош, «майн» - қалья, «жан»-дарё, ирмоқ сўзларидан таркиб топган бўлиб, »Бош қальадаги дарё» ёки »Сармон дарёси» деган маънони англатади. Жарқўрғон номи ҳам «дарё» ёки «сой ёқасидаги қалья» маъносини англатиб, ўрта асрлар қўлёзма манбаларида тилга олинган Жармикон (Жарманган) сўзининг ўзгартириб талаффуз этилиши туфайли пайдо бўлган.

«Ҳудуд ул олам» («Оламнинг тузилиши») асарида «Бу шаҳарча унинг атрофида кенг далалар ва серсув ўтлоқлар кўп»- деб таъриф берилган. Яна бошқа бир араб тарихчиси Ибн Хавқол (тарихчи ва географ, тўла исми, Абулқосим ибн Ҳавқол ан Насибий, туғилган йили номаълум, вафоти 976 йил) шаҳарнинг муҳташамлиги, бунда Абулҳасан ибн Ҳасан Мохга тегишли кўплаб фойда келтирадиган работ (карвонсарой) борлигини таъкидлаб, карвонсаройда бир динорга тенг садақа нон тарқатилган, деган муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган.

Жарқўрғон воҳаси ҳақидаги маьлумотлардан яна бири ўрта аср шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ҳам учрайди. «Шоҳнома» нинг дастлабки байтларида Жарминкон (Жарқўрғон) дан сўнг бошланадиган шаҳар Чағониён эканлиги эслатиб ўтилган. Фирдавсийнинг бу муҳим маьлумотлари асримизнинг 1980- йилларига келиб қадимшунос олимларимиз томонидан юқоридаги маьлумотларга таяниб исботланди.

Жарқўрғон ҳудудидаги Култепа, Ҳайитободтепа, 1056 йиддан эътиборан Салжуқийлар давлати таркибига қўшиб олиниб, 1063 йилга келиб Чағониённи тўла бўйсундириш учун салжуқийлар султони Алп Арслон ҳарбий юриши даврида Сажуқийларга бўйсунди. Култепа, Ҳайитободтепани 1065 йили Алп Арслон укаси Илёсга иқто сифатида инъом этади.

Манбаларнинг гувоҳлигича, Тохаристоннинг V-VIII асрлардаги шаҳарлари тўғри тўртбурчакли кўринишга эга бўлиб, ягона мудофаа иншоотлари билан муҳофаза этилган арки аъло ва шахристоннинг ўртасида ёки бирон-бир бурчагида жойлашган. Арки аъло ва шахристон кушон даври шаҳарлари мустаҳкам мудофаа девори ва хандақлар билан ўралган. Бутун Мовароуннахрда бўлгани каби, IX асрдан бошлаб, Жарқўрғон ҳудудида ҳам шаҳарсозлик жадал ривожланди, бу даврда ўлкада уч қисмли шаҳарлар батамом шаклланди. Араб тарихчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Жайҳаний ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, Расултепа, Ялпоқтепа, Бароттепа, Култепа, Ҳайитободтепаларнинг шаҳристон (ички шаҳар), кўҳандиз ҳамда бора (мудофаа- девори) ва работ (ташқи шаҳар)дан иборат бўлган. Култепа, Ҳайитободтепанинг марказий шаҳри, ибн Хавқалнинг таърифича, арк-кўҳандиз бўлган. Ал-Муқаддасий шаҳарда муҳташам бозорлар бўлганлигини қайд этади.

Меъморчиликда IX асрдан эътиборан мураккаб қурилиш услублари, яъни қуббалар, ёйсимон арклар, гумбазлар, пештоқлар ва кунгурали устунлар кенг қўлланила бошлайди.

Марказий Осиё сарҳадларида мўғул қўшинларининг пайдо бўлиши билан вазият тубдан издан чиқади ва 1220 йилнинг кузида мўғул қўшинлари ерларини эгаллаш учун юриш бошлайди. Култепа, Ҳайитободтепа

шаҳриларини эгаллаб ҳудудини назорат қилиш Чиғатойнинг невараси Есун Тува ихтиёрига берилади.

Ибн Баттута Чингизхон босқини натижасида Култепа, Ҳайитободтепани вайрон қилинганлигини ва қайта тикланмаганлиги ҳамда иқтисодий жиҳатдан инқирозга учраганлигини қайд этади. Ибн Баттута саёҳати давомида Култепа ҳудудида иқтисодий тараққиёт ривожланиб, сўфийларнинг хонақоҳларидан, уларнинг меҳмондўстлигидан кўп марта фойдаланганлиги ҳақида ёзиб қолдиради.

Муаррих ўз асарида ҳар хил муносабат билан Чағониён ҳудудига қарашли Култепа, Минор ва бошқа аҳоли истиқомат қиладиган шаҳар, қишлоқлар хусусида ҳам тўхталади.

Демак, Жарқўрғон ҳудуди ўзининг ҳарбий-стратегик аҳамияти билан алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Сурхон кечувининг қулай жойида жойлашуви кўпинча урушларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Жарқўрғон ҳудуди ўзининг иқтисодий, маданий ривожи билан алоҳида ажралиб турган шаҳар, унинг атрофида қишлоқ хўжалиги анча ривожланиб, боғдорчилик ва сабзавотчилик кенг кўламда олиб борилган.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

РЎЙХАТИ

Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. - Т, «Ўзбекистон»,1995 йил, 59 бет.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. - Т., «Ўзбекистон», 1996 йил, 3-кисм, 80 бет.

Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўк. - Т., «Ўзбекистон», 1998 йил.

Ананьев А.Г. Шеробод воҳаси ерларини Сурхон суви ёрдамида суғориш лойиҳаси. Рус тилидан профессор С.Н.Турсунов таржимаси - Т. «Шарк», 2002 йил.

Турсунов С. Н, Э. О. Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. - Т, «Шарк», 2001 йил.

Турсунов С.Н, Э.Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи - Т, «Шарк», 2004 йил.

Ўзбекистон ССР тарихи II-жилд. - Т, «Ўз ФА» 1958 йил.

Жарқўрғон 75 ёшда (кичик тўплам) “Жарқўрғон” 2001.

Жарқўрғон минораси. –Т., “Ўзбекистон”, 1989.

ЖАРҚЎРҒОН ТИББИЁТИ ТАРИХИ ВА УНИНГ АСОСЧИЛАРИ (1920-1980 ЙИЛЛАР)

Жарқўрғон тарихи унинг тиббиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, тиббиёт тарихи шу элнинг тарихи, равнақини ифодалайди. Инсон бор экан, саломатлик учун кураш, интилиш ҳам мавжуд бўлади. Жарқўрғон тиббиётининг пайдо бўлиши XX асрнинг 20-30 йилларига тўғри келади.

Унгача эса 1925 йилда эски масжид биносида (ҳозирги Н.Ҳамидов кўчаси, “Атика” кинотеатри орқасида) ҳарбий лазарет жойлашган бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳоли ҳам даволанган. Ҳозирда ушбу масжид деворининг айрим қисми ҳамда ёши юз йилдан кам бўлмаган уч туп тут дарахти сақланиб қолган.

Жарқўрғонда қизил аскарлардан иборат катта қўшин жойлашган бўлиб, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Термиз ихтиёридаги бу ерлар шаҳарни муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган. 1924 йилнинг 25 январида Юқори Какайди қишлоғида Термизга ёриб кирмоқчи бўлган Иброхимбек қўрбоши қўшни билан Дродовский қўмондонлигидаги махсус бригада ўртасида қонли жанг бўлиб ўтади. Шунинг учун бу ерда қўшин туриши мақсадга мувофиқ бўлган.

1925 йилда қурлиши бошланиб, 1929 йилнинг 1 сентябрида узунлиги 248 км бўлган Термиз-Душанбе темир йўлининг ишга тушиши Жарқўрғон уезди иқтисодий ва маънавий ҳаётида катта аҳамият касб этди. Жарқўрғон марказидан ўтувчи Термиз-Душанбе темир йўлининг Бухоро-Термиз йўлида уланиши Ўзбекистоннинг пойтахти ва катта шаҳарларига чиқиш, доимий алоқа ўрнатилиши, ҳамда хўжалик юкларини ташиб келтириш имкониятини яратди.

1930 йилда Хаудак ва Какайдида нефт конлари очилди. Кўплаб мутахассислар, қурувчилар ўз оилалари билан кўчиб кела бошлади. Россиянинг турли шаҳарларидан келаётган оилалар таркибида шифокор ҳам бор эди. Аҳоли сонининг ошиб бориши катта шифохона қурилишини тақазо этарди. 1930 йилда 50 ўринда мўлжалланган бир қаватли шифохона қурилиб ишга туширилди. Ўша

йиллари Жарқўрғон райони катта ҳудудга эга бўлиб, ҳозирги Ангор туманининг бир қисми ва Қумқўрғон туманлари ҳудудлари ҳам қараган. 15 дан зиёд колхоз, жумладан, юқори Какайди, Жалойир, Қумқўрғон, Хўжамиён, Ангор, Занг, Тўпқора ва Оққўрғон қишлоқ советлари мавжуд бўлган. Район марказий шифохонасининг изчил ривожланиши, одамлар ишончини қозониш осон кечмаган. 1940 йилга келиб районда соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилади. Бўлимни бошқариш 1938 йилдан меҳнат қилаётган М.Кулаковага топширилади. Мутахассислиги педиатр бўлган бу аёл бир вақтнинг ўзида туман марказий шифохонаси бош врачи вазифасини ҳам олиб боради. Бу даврга келиб, Сурхон давлат хўжалиги шифохона, амбулатория, Хаудак, Лалмикор, Какайди врачлик пунктлари мавжуд бўлган. Врачлардан Л.П. Клюевич “Хаудак”, Т.Е.Лифшиц “Лалмикор”, Ю.А.Гурьевич “Какайди“ врачлик пунктлари мудири бўлиб ишлаган. Бундан ташқари, райондаги барча болалар боғчалари соғлиқни сақлаш тизими ихтиёрида бўлган.

1940 йилнинг 2 июнида Қумқўрғон хўжалигида қишлоқ шифохонаси очилади. Шифохона мудирларига Маслов тайинланади. Марказий шифохонадаги икки отнинг бири Қумқўрғон шифохонаси ихтиёрига берилади. Август ойида безгак касаллигига қарши курашувчи тропик станция ташкил этилади. Станцияни ташкил этган ва унинг биринчи раҳбари асли тошкентлик врач Иноят Расулович Қаюмовдир. У тропик станция лабараторияси жиҳозларини Тожикистондан олиб келади. Ўша йиллари меҳнат қилган М. Кулакова, Маҳмудов, И.Р. Қаюмов, Ш.Шораҳметов, С.А. Субботин. ДюП. Фиялкин, М.Отажонов, А. И. Гречкин, К.К. Кондратьевлар сафига ТошМИ ни тугатган А.П.Герашенко, А.К. Кармакова сингари врачлар Россиянинг Харьков вилояти Соғликни Сақлаш Бошқармасининг йўлланмаси билан опа-сингил ҳамширалар Зинаида ва Анна Карповна Чпговечлар келиб қўшилдилар. Алевтина Петрона Герашенко Қумқўрғон пахтачилик хўжалиги шифохона мудири, Александра Константиновна Кармакора эса Сурхон касалхонаси мудири этиб тайинланади.

1940 йилнинг 23 октярида район соғликни сақлаш бўлими мудири М.Кулакова ўринига А.И. Гречкин тайинланади. Врач Субботин эса тез ёрдам

бўлими мудири вазифасида иш бошлайди. М.Кулакова оналар ва болалар маслаҳатхонаси мудири этиб тайинланади.

Урушгача ва уруш йилларида гарчи тиббиёт мутахассислари етишмасада тиббиёт ходимлари меҳнат интизомига қатъий амал қилган. Арзимас камчилик ёки ўз вазифасига лоқайдлик билан қараганлар муросасиз жазоланганлар. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин: Жарқўрғон соғликни сақлаш бошқармасининг 1940 йил 2 июндаги 76-сонли буйруғи билан Сурхон қишлоқ совети тиббиёт маркази фельдшери Ш.Маҳмудов, туман болалар боғчаси энагаси К. Ерошенко, Венпункт тиббиёт хизмат ходими Станковалар бир куни сабабсиз ишга чиқмаганликлари учун ишдан ҳайдалганлар. Тиш техниги Забралов устидан жиноий иш қўзғатилган. 1941 йилнинг июл ойида санинструктори Цўганкова бир кун сабабсиз ишга чиқмаганлиги учун ишдан ҳайдалган . Ишга икки соат кечиққан санинструктор П.Сариев, аёллар ва болалар маслаҳатхонаси тиббит хизмати ходими Габзаиловалар судга берилган. Шу сабабдан ҳам бош врачлар, бўлим мудирлари хатто соғликни сақлаш бўлими бошлиқлари тез-тез алмаштириб турилган. 1943 йил Жарқўрғон райони соғликни сақлаш бўлими мудирлигига Мирза Отажонов, район марказий шифохонаси бош врачи вазифасига Т.И. Мерзлова, Сурхон шифохонаси мудирлигига К.С.Мироренко тайинланади. 1944 йилда ҳам бош врач, мудирлар сафида бир қанча ўзгаришлар рўй берган. Врач Н.М.Богачёва Сурхон шифохонаси бош врачи ва амбулатория мудири, Т.Д.Степанов Қумқўрғон шифохонаси бош врачи, амбулатория мудири, И.В.Берман Ангор врачлик пункти мудири, Т.Т.Капрёлова Какайди врачлик пункти вазифаларига, П.Ф.Гоф эса район санитария эпидимология станцияси бош врачи вазифасига тайинланади. Иккинчи жаҳон урушининг машаққатли йилларида туман шифокорлари соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари сабр-бардош ва фидоийлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. К.С. Кармаков, К.Е.Сидиров, А.А. Дорофеев, А.И. Геречкин, К.С. Вербицкая, Б.Т. Лепешков, А.Хайдаров сингари ўнлаб шифокорлар фронтга кетдилар.

1943-1946 йилларда Жарқўрғонлик шифокорлар сафи янги келган врачлар И.Д. Геринберг, Р.А. Осипова, Т.М. Жучкова, З.М.Муродов, Е.Л.Кучерлалар

ҳисобига кўпайди. 1947 йилнинг июль ойида Тошкентда қишлоқ соғлиқни сақлаш ҳодимларининг 3-съезди бўлиб ўтади. Съездда Жарқўрғон район шифохонаси мудири Т.И. Мерезлова, Қумқўрғон шифохонаси мудири З.Н.Муродов, район тропик станцияси мудири И.Р.Қаюмов делегат сифатида иштирок этадилар.

Кейинги йилларда С.Ф. Новицкая санитария эпидимология станцияси мудири, Бойматов Ангор врачлик пункти мудири, врач Т.Е. Лившиц Лалмикор даволаш нуқтаси мудири вазифасида сил касалликлари кабинети врачи Г.И. Гармидер, туман амбулаториясида Починовская, район шифохонаси ва поликлиникаси хирурги А.Ф.Давлатшиналар ҳам меҳнат қилишган. Н.Г.Вербицкая, Л.Г.Клюева, Л.П.Устинова 1949 йилдан Жарқўрғон район марказий шифохонасида иш бошлаганлар.

1950 йилда Жарқўрғон район соғликни сақлаш бошқармаси раҳбар кадрлари таркибида жуда катта ўзгаришлар рўй беради. Район соғликни сақлаш бошқармаси мудири М.Отажонов ўрнига А.Шоймардонов, Марказий шифохона мудири Г.И.Мерезлова ўрнига А.Ф. Давлетшина, Сурхон шифохонаси бош врачи Е.М.Тартаковская, район амбулатория қошида янги ташкил этилган тез ёрдам хизмати мудирлигига С.А. Кучер, район санитария эпидимология станцияси мудири С.Ф. Новицкая ўрнига Н.Г.Вербицкая, Лалмикор даволаш пункти мудирлигига В.Д.Харитонова, марказий шифохона бош ҳисочиси вазифасига И.И.Трегбовлар тайинланади. Шифохонада рентген аппарати йўқлиги сабабли касалларга тўғри ташхис қўйишда жиддий қийинчиликлар туғдираётган эди. Ўша йилларда аҳоли ўртасида трахома, жинсий замбуруғли касалликлар кўплаб қайд этилган. 1949-1951 йилларда бруселёз касаллиги кўпайган. 1951 йил туман марказий шифохонасига туман бирлашган шифохонаси мақоми берилган. В.Е.Пенкова терапевт вазифасига ишга қабул қилинади. Врач М.Г.Лутфираҳмонова эса туман бирлашган шифохонаси терапияси бўлими мудиралигига тайинланади. У бу вазифада 18 йил халол ва виждонан хизмат қилади. Районда Жалойир, Сурхон давлат хўжалигининг 5 та бўлимида, Исмоилтепа, Қизилқахрамон, Юқори Какайди, Социализм, Ленин ва Москва колхозлари ҳудудларида фельдшерлик-доялик пунктлари ишлаб

турган. 1951 йилда Ангор фельдшер-акушерлик пункти ёнида Ангор шифохонаси қурилиши бошланиб, 1951 йилнинг 16 сентябрида ишга туширилади. Шифохонага А.И.Коленслинков ва К.Иванков сингари фельдшерлар ишлаш учун юборилади.

Район бирлашган шифохонасида беморларни касалликларига қараб махсус палаталарда даволаш каби тадбирлар ишлаб чиқилади. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш минстирлигининг 1952 йил 14 апрелдаги 41- сонли буйруғига асосан шифохонадаги 50 ўриндан 10 таси жарроҳлик касалликлари учун, шундан икки ўрин шикастбандлик учун ажратилди.

Аммо бу ишларни амалга ошириш учун муаммолар ҳам етарли эди. Энг катта муаммо тиббиёт барча соҳалари мутахассисларнинг барча соҳалари бўйича, шифокорларнинг етишмаслиги эди. Бош мутахассисларнинг аксарияти Россия, Тошкент, Самарқанд шаҳарларидан келган шифокорлардан иборат бўлиб, оилавий шароит ва бошқа сабабларга кўра врачлар қўнимсизлиги жуда юқори эди. Бунинг энг асосий сабабларидан бири туб аҳолидан бир икки шифокорни айтмаса, деярли олий маълумотли шифокорлар бўлмаган.

Гарчи 1952 йилнинг ўзида педиатр А.А.Ряпсела, фтизиатр Г.М.Рубенко сингари ёш врачлар ишга келишган бўлсада, ўз навбатида бир неча шифокорлар ўз юртига жўнаб кетади.

Сурхондарё области соғлиқни сақлаш бошқармасининг 1952 йилдаги 445 - сонли “Жарқўрғон райони шифохонасини маҳаллий кадрлар билан таъминлаш тўғрисида”ги хатида юқоридаги муаммога эътиборини қаратади. Хатда Жарқўрғон районида маҳаллий аҳолидан шифокор кадрлар тайёрлаш бўйича шошилинч амалий чоралар кўришлиги масаласи таъкидланади.

Ушбу хат асосида 7 июлда Жарқўрғон район соғлиқни сақлаш бошқармасининг буйруғи чиқади. Буйрукда тиббиёт техникумлари ва институтларида ўқиш учун камида 5-10 нафар йигит ва қизларни танлаш, мактабларга мунтазам тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш ҳамда бу ишларга кенг жамоатчиликни жалб қилишдек долзарб вазифалар белгиланган.

1953 йилнинг 1 июлидан эътиборан физкультура ва спорт бўлими соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфига ўтказилади. А.Абдусатторов физкуьлтура ва спорт бўлими раиси вазифасига тайинланади.

Билимли, иқтидорли ва ташаббускор врачларнинг кўпчилиги раҳбарлик лавозимларини бошқаришган. Врачлардан М.В. Васиев район соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Н.Х.Юсупов, З.А. Егорова, С.Ж.Тожимуродовлар марказий шифохона бош врачи вазифаларида фаолият юритганлар. 1960 йилларга келиб район тиббиёт тизими анча кенгайди. Унинг моддий техника базаси яхшиланиб, қишлоқ тиббиёт нуқталари сони ошди. Қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматлар тури ва сифат даражаси юксалди. Агар 1955 йилда туман марказий шифохонаси тез ёрдам бўлимига от аравалардан ташқари атиги 2 та ИМ-12 ва 3та Газ-51 автомашиналари мавжуд бўлган бўлса, 1960 - йилда санитар ва юк машиналари сони 6 тага етди. Биргина 1960 йилнинг ўзида Жданов, Коммунизм номли колхозларда қишлоқ участка касалхоналари очилди. Жданов номли колхоз қишлоқ участка шифохонасига вақтинча С.С. Мамедов, Коммунизм колхози қишлоқ участка шифохонасиига М.В.Васиевлар бош врач этиб тайинландилар. Ўша йилнинг сентябрь ойида район бирлашган касалхонаси қошида эмлаш пункти очилиб, ушбу пунктга З.Панкиева ҳамшира этиб тайинланди.

Аҳоли ўртасида тиббиий ҳуқуқий - маданиятни ошириш, санитария-гигиеина қоидаларини тадбиқ этиш, эслатмалар тарқатиш, кенг кўламдаги тушинтириш ишларини мунтазам олиб бориш, ўша йилларда шифокорларнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланган. Чунки юқумли касалликлар эпидемияси хавфи ҳар қадамда учраб турган. Айниқса, қишлоқ жойларида эпидемиянинг тез тарқалиши учун қулай шарт-шароитлар ҳамиша мавжуд бўлган. 1960 йилнинг октябрь ойида Жалойир қишлоқ советидаги Қизил Октябр колхозининг 1-2-бригадаларида қорин тифи эпидемияси тарқалган. Бундай ҳолларда раҳбарнинг ҳам, шифокорларнинг ҳам ташвиши ортади. Зудлик билан чора кўрилмаса, касаллик бутун бошли қишлоқларга тарқалиб кетиши ҳавфи бўлган. Эпидемия тарқалиши муносабати билан карантин эълон қилиниб, Сурхон қишлоқ шифохонасига фақат қорин тифи билан оғриган

беморлар ётқизилди. Бу ишга юқумли касалликлар бўйича мутахассис шифокорлар, соғлиқни эпидимология станцияси ходимлари, дориловчилардан 13 нафар врач жалб қилинган. Кўрилган чора-тадбарлар натижасида касаллик ўчоқлари зарарсизлантирилиб, касалликни бошқа ҳудудларга тарқалишига йўл қўйилмади.

1961 йилнинг январь ойида мавжуд қишлоқ участка шифохоналари сони яна 2 тага ортиб, ҳозирги Оққўрғон қишлоғи ва Қумқўрғон туманидаги Ульянов жамоа хўжалигида қишлоқ участка шифохонасилар очилди. Коммунизм қишлоқ участка шифохонасида эса рентген кабинети иш бошлади.

Шундай қилиб, йил охирига келиб районда бирлашган шифохона ва 7 та қишлоқ участка шифохоналари ишлай бошлади.

ТошМИ ни тугатган Т.К.Эшқобилов болалар маслаҳатхонаси мудири этиб тайинланди. Шунингдек, янги келган врачлардан А.Ш.Отажонова педиатр, Х.Тожимуродов эса “Меҳнат-роҳат” колхози участка шфохонасида терапевт-инфекционист вазифасида иш фаолиятини бошладилар. Шифохона раҳбарияти таркибида ҳам бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Шифохона бош врачи Н.Х.Юсупов вазифасидан озод қилиниб, жарроҳлик бўлимига мудир этиб тайинланди. Унинг ўрнига Сурхон участка шифохонаси бош врачи З.А.Абдираҳимов тайинланди.

1962 йил бошида эса М.В. Васиев сил касалликлари диспансери бош врачи, Е.К.Сидоров тез ёрдам бўлими мудири, Мирзаев эса ички дорихона бошқарувчиси этиб тайинланди.Ўша йили район даволаш муассасаларида ўрин сонлари қўйидагича бўлган: Бирлашган касалхонасида 150 ўрин, Какайди қишлоқ участка шифохонасида 15, Сурхон қишлоқ участка шифохонасида 35, Жданов қишлоқ участка шифохонасида 25, Партия Х11 съезди қишлоқ участка шифохонасида 25 ўрин, “Меҳнат-роҳат” қишлоқ участка шифохонасида 25, жами 385 ўрин мавжуд бўлган.

1962 йилда районларни кенгайтириш сиёсати ўтказилди ва Жарқўрғон райони Шўрчи райони таркибига киритилди. Бу қўшилиш 1965 йилгача давом этди. 1963 йилдан эътиборан Жарқўрғон райони бирлашган шифохонаси “Зонал” шифохонаси деб юритилди.

1964 йилнинг 8 июнида Сурхондарё области ижроия комитети ва област соғлиқни сақлаш бошқармаси кўрсатмасига асосан, район “Зонал” шифохонасида қон қуйиш станцияси очилди. Станция мудирлигига врач-гемотолог М.Н.Нурмаматов, ҳамшираликка И.Малаховалар тайинланиб, қон қуйиш станцияси очилиши муносабати билан ҳамма қишлоқ участка шифохонаси мудирларига донорлар топиш вазифаси юклатилди. 1964 йил туман “Зонал” шифохонасидаги 10 ўринли кўз касалликлари бўлими Социализм колхозидаги 50 ўринли трахомага қарши диспансери биносига кўчирилиб, Диспансер бош врачи этиб М.Бердиев тайинланди. Сталин колхози (ҳозирги Оққўрғон) участка шифохонасига тери-таносил касалликлари бўлими кўчирилиб, диспансерга айлантирилди. 1964 йилда районда Эндокронология, Наркология ва анестезиология тиббий хизматлари ташкил этилиб, унга анестезиология врачи Х.Т.Худойназаров, шунингдек, 1965 йил районда травматология ва ортопедия хизмати йўлга қўйилиб, унга хирург М.Н. Нурмаматовлар раҳбар этиб тайинландилар.

Районда даволаш муассасаларининг ортиб бориши, янги ишга тушган қишлоқ участка шифохонасилар, фельдшерлик-акушерликлар, диспансерлар учун ҳамшираларга бўлган талабни ҳисобга олиб, Қизил Ярим Ой жамияти қошида 2 ва 5 йиллик ҳамширалар курси ташкил этилди. 1965 йилнинг сентябр ойида бу курсни 28 нафар ҳамшира тугатди.

1966 йилда туман шифохонасига тиббиёт институтларини битирганлар: стоматолог А. Турдиев, рентгенолог Х.Маматқулов, лор врачи Ғ.Абдураҳимов, педиатр М.Жўраева, терапевт Х.Нормўминов, акушер-генеколог Р.Шокировалар йўлланма асосида иш бошладилар.

Район шифокорлари аҳоли ўртасида кўплаб учраётган трахома, қорин тифи, ичак гижжалари тери-замбуруғ касалликларига қарши кураш олиб бориб, 1966 йилда вабо (холера) касаллигини олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрилди.

Район шифокорларидан иборат махсус гуруҳ 1966 йилда қайта таъмирланаётган Занг канали қурилишида иштирок этаётган минглаб одамларга тиббий хизмат кўрсатишда фаол иштирок этди. 1966 йил охирларида

Москва колхози участка шифохонаси бош врачи А.Бобомуродов район марказий шифохона бош врачи вазифасига тайинланди. Хирургия бўлимига М.Н.Нурмаматов, терапия бўлимига М.К.Қўзиев, поликлиникага Х.Т. Худойназаров, тез ёрдам бўлимга К.Е.Сидиров, болалар бўлимига А.Тоғаймуродов, туғруқ бўлимига ва аёллар маслаҳатхонасига Р.М.Шокирова, рентген кабинетига М.В. Васиевлар мудирлик қилишди. Районнинг бош терапевти М.Г.Лутфраҳмонова, хирурги К.Х.Ҳасанов, бош терапевт-педиатри Т.Қ. Эшқобилов, бош гинекологи Г.Худойбердиева, бош инфекционисти И.И.Утюшева, бош травматологи Х.Худойназаров, бош кардиологи К.Сидиров, санитария эпидимология станцияси бош врачи У.Хайруллаевлар шифохонада муносиб хизмат қилдилар. Ш.Қамбаров, А.Қултоев, Ч.Имомқулов, У.Қўзиев, С.Зуннунова, Б.Бозоров, У.Кенжаев, Н.Хўжалиев, Л.М. Орлова сингари тиббиёт институтларини тугатган ёш врачлар иш бошладилар.

1967 йилнинг апрель ойида район терапевт-педиатри Т.К. Эшқобилов педиатрларнинг Тбилисида ўтказилган Бутуниттифоқ IV съездида делегат сифатида иштирок этиб, 1967 йил май ойида бош врачнинг ташкилий-услубий ишлари бўйича муовини Қ.Х. Ҳасанов хирургия бўлими мудирлигига, М.Нурматов эса унинг ўрнига тайинланади. “Трансфизиология” соҳаси бўйича малака ошириб қайтган врач Х.Э.Маматқулов бош врачнинг даволаш ишлари бўйича муовини этиб тайинланди.

Марказий шифохона қошида ташкил этилган кечки тиббиёт мактабидаги ўқув машғулотларига жуда катта эътибор қаратилиб, энг малакали шифохоналар қуйидаги фанлардан дарс ўтишди:

Хайруллаев У.Х.-юқумли касалликлар;

Васиев М.В.-одам анатомияси ва физиологияси;

Қўзиев М.К.-ички касалликлар;

Маматқулов Х.Э.-соғлиқни сақлаш тизими асослари;

Нурмаматов М.Н.-жарроҳлик асослари;

Шокирова Р.М.-акушер-гинеколоя;

Эшқобилов Т.К.-болалар касаллиги;

Тудимуродов А.Т.-фармакология;

Давидов Т.Д.-умумий гигиена

Бердиев М.Б.-кўз касалликлари;

Тожимуродов Х.М.-тери-таносил касалликлари бўйича.

1966 йилда мактаб ўқувчиларини ёзги таътилда дам олиш ва соғломлаштириш мақсадида болалар лагерлари ташкил этилиб, ушбу тадбирларга болалар шифокорлари, айниқса район санитария ва эпидемиология станцияси ходимлари бош врач У.Хайруллаев бошчилигида хизмат қилди.

Бу даврга келиб тиббиёт тизими анча кучайди, ўнлаб янги тиббиёт нуқталари барпо этилди, жарроҳлик, ички касалликлар бўлимлари ташкил топиб, рентген хизмати, эндокринология ва наркология кабинетлари, қон қуйиш станцияси, анестезиология, стаматология хизматига алоҳида эътибор берилди.

1968 йилнинг октябр ойида шифохона бош врачи А.Бобомуродов ўрнига М.Н.Нурмаматов, бош врачнинг ташкилий-услубий ишлар бўйича муовини этиб, Х.Э.Маматқулов, даволаш ишлари бўйича А.Бобомуродовлар тайинланади. Район санитария эпидемология станцияси бош врачи У.Хайруллаев ўрнига Ш.Қамбаров тайинланди.

Иқтидорли, катта ҳаётий тажрибага эга, раҳбарларга хос қатъиятли, ишчан ва қўл остидагиларга нисбатан меҳрибон Мамаражаб Нурмаматович Нурмаматовнинг шифохона бош врачи этиб тайинланиши анъанага айланиб қолган раҳбар кадрлар қўнимсизлигига барҳам берди. У кишигача шифохона раҳбарлари бир-икки йил, нари борса уч йилда тажрибасизлиги, лаёқатсизлиги ёки юқоридаги раҳбарларга ёқмаганлиги учун бирор бир баҳона рўкач қилиниб, вазифасидан олиб ташланар эди. М.Нурмаматов шу вазифада 15 йил, токи Соғлиқни сақлаш бошқармасига бошлиқ бўлиб кетгунча қадар сидқидилдан меҳнат қилди. У кишининг катта ташкилотчилиги эвазига жамоа жипслашди. Шифохоналарнинг турмуши, маънавий-маиший шароитларининг яхшиланишига катта эътибор қаратилди. Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари долзарб вазифа қилиб қуйилди. Шу билан бирга, шифокорларнинг касбий маҳоратини ошириш, намуна кўрсатиб маҳнат

қилаётганларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб боришга эътибор кучайтирилди.

М.Нурмаматов шифохонани кенгайтириш, бўлимлар учун алоҳида бино қурдириш учун кўп елиб югурди. Натижада, 1971 йилда янги жарроҳлик бўлими, 1972 йилда ошхона, 1977 икки қаватли туғруқхона, 1980 йилда Сурхон қишлоқ учаска шофохонаси, Сопка районлараро шифохонаси, 1982 йилда рентген бўлимлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айниқса, 30-йилларда қурилган дастлабки шифохона ўрнида 3-қаватли замонавий бино қурилиб, болалар бўлимига берилиши қувончли воқеалардан бири бўлган эди. Қурилиш ишлари райондаги 26-қурилиш трестининг (бошлиғи мархум Х.Тошқулов) 277-52-ПМК ишчилари амалга оширган.

Пахта яккаҳокимлиги кучайган 70-80-йилларда ҳосилдорликни ошириш мақсадида, инсон саломатлиги учун ўта хавфли ҳисобланган ДДТ, гексохлоран, дикос каби заҳарли киёвий моддалар ишлатила бошланди. Аслида, ҳосил зараркунандаларига қарши курашиш мақсадида 1968 йилдан буён заҳарли дорилар қўлланилиши бошланган эди. “Кукурузник” номи билан машҳур АН-2 самолётлари, пуркагичли тракторлар, қўлда олиб юрилувчи воситалар ёрдамида тонналаб заҳарли химикатлар замин узра сочиларди. Қишлоқ жойларида, далаларга яқин сув ҳавзаларида маза қилиб чўмилаётган, устларидан учиб ўтаётган самолётни қийқиришиб томоша қилаётган болажонларнинг қувончлари узоққа бормас, бир неча кундан кейин улар кўзларини очганда шифохона шифтини, тепаларида энгашиб турган оқ халатли кишиларни кўришар эдилар.

Заҳарли химикатлар жигарнинг токсик заҳарланишига олиб келар, қон, асаб ва нафас олиш органлари фаолиятини бузар эди. Аҳоли ўртасида “Сариқ” номи билан тенг тарқалган касалликнинг кўпайиб кетиши, аслида заҳарли химикатларнинг ҳаддан зиёд кўп ва палапартиш қўрланилиши оқибати эди.

Жарқўрғонлик шифокорларнинг ҳам бир ташвишларига ўн ташвиш қўшилган эди. Барча шифохоналар сариқ касаллиги билан оғринган беморлар тўлиб кетган, ҳатто мактаб ва болалар боғчалари ҳам бўшатилиб, касаллар ётқизилар эди. Бундан ташқари Т.Шобуров, Н.Боймуродов, Оқтепа, Ҳ.Олимжон

номли колхоз, Украина, Сурхон давлат хўжаликлари ҳудудларида ичак инфекцияси салмонеллёзи гуруҳига кирувчи терлама, қорин тифи, безгак, куйдирги касалликлари кўплаб тарқалган эди. Шу муносабат билан оммавий сафарбарлик эълон қилинади. Махсус штаб тузилиб, ҳар куни аниқланган, даволаниб чиққанлар, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланиши, ҳудудларнинг санитария ҳолати тўғрисидаги ҳисоботлар олиб борилар, янги тадбирлар белгиланар эди.

М.Нурмаматовдаги раҳбарга хос ташаббускорлик, қийинчиликлар олдида эсанкирамай, оғир вазиятларда ҳам тўғри қарорлар қабул қилиш, шифокорлар меҳнатини, шаънини улағлаш сингари хислатлар унинг шогирдларидан бири, 1984 йил январ ойидан район марказий шифохонаси бош врачи вазифасига тайинланган Хушбоқ Эшқурбонович Маматқулов ҳам ўз иш фаолиятида устози ўгитларига амал қилиб, у бошлаб берган анъаналарни собитқадамлик билан давом эттирди.

Унинг раҳбарлиги даврида поликлиника лабораторияси, 1986 йилда реаннимация бўлими ташкил этилди. 1989 йилда катта поликлиникаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1992 йилда УЗД-38Д аппаратура ўрнатилди, СПИД лабораторияси ташкил этилади.

Х.Э.Маматқулов раҳбарлик йилларида қурилиш, ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда, шифокорларнинг маънавий-маданий дам олишлари учун турли тадбарлар, кечалар, қизиқарли учрашувлар, касб-маҳоратини оширишга йўналтирилган “Энг яхши врач”, “Энг яхши ҳамиша” кўрик танловлари, мусобақалар мунтазам ўтказилиб турилган. Буларнинг барча, шубҳасиз жамоани жипслаштирган, шифокорларнинг ўз касбларига нисбатан садоқатини, меҳрини оширган. Энг муҳими, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтиришда муҳим ҳисса қўшган.

Катталар учун мўлжалланган поликлиниканинг янги биносини қуриш учун лойиҳа тайёрлаш, қурилишга рухсат олиш Х.Маматқулов учун жуда оғир кечган. Москванинг рухсатисиз капитал қурилишлар қилиш мумкин эмас эди. Аҳолини ёппасига тиббий кўрикдан ўтказиш учун 36-йилларда “Ворошилов нефть” ташкилоти ишчилари учун қурилган пастак, усти қамиш ва черепица

билан ёпилган поликлиника вазифасини ўтаётган бинода имкониятлар жуда чекланган эди. Қолаверса. Асли жарқўрғонлик бўлган Хушбоқ Эшқурбонович учун ўз халқига қулайликлар яратишдек хайрли ишга қўл уриш истаги устун эди. Ниҳоят, 1986 йилда қурилиш лойиҳа-смета бўлади. 1989 йилда 26-қурилиш трестининг 210-механизациялашган кўчма колоннаси томонидан поликлиника биноси қуриб фойдаланишга топширилади. Марказий шифохона иссиқлик тизимини қайта таъмирлаш, туғруқ комплекси шароитларини яхшилаш, Оққўрғон, А.Навоий, Н.Боймуродов номли жамоа хўжаликларида амбулатория биноларининг қурилишида Х.Э.Маматқулов бевосита раҳбарлик қилган.

1968-1980 йилларда меҳнат қилган М.Холматов, Т.Махмараимов, С.Каримова, Р.Шокирова, П.Махмараимова, Қ. Рахимов, Я. Элмуродов, Ш.Хидиров, А.Кўчкинов, И.Алматов, Н.Ҳасанова, Ш.Сувонов, Э.Тоғаев, П.Юсупов, Э.Йўлдошев, А.Мамадиев, Х.Асадов, Э.Қобилов, Г.Шердонова, Э.Шердонов, Х.Холмуродов, Т.Жовлиев, Р.Тўхтамишева, М.Қобилова, У.Жўраев, И.Норбўтаев, З.Ничепоренко, Р.Қурбонов, Б.Ёрматов, О.Бекназарова, Б.Худойбердиева, Р.Норбоева, Б.Маманиёзов, Р.Усмонова, М.Холиёров, Н.Худойбердиев, 1980 йил кейин келган Б.Чориева, Х.Жўраев, М.Холиёров, И.Бозоров, А.Чориев, Х.Шайманов, Т.Бердимуродова, С.Холбоев, Э. Алибоев, Х.Қўзиев, А.Бойқобилов, Ж.Эюпова, С.Маматқулова, Б.Тошмуродов, Ж.Беккамов, Н.Шайманов, А.Самадов, А.Қаюмов, Ғ.Йўлдошев, Ю.Жумагелдиев. М.Хўжамбердиева, Д.Рахматова, Қ.Эшимов, Б.Султонова, Н.Шайманов, О.Хўжамуродов, Т.Чориева, А.Бозоров, Б.Шоймуродов, И.Имомова, С.Мустанова, Ч.Эргашев ва бошқа бошқа врачларнинг қилган меҳнатлари таҳсинга сазовордир. Улар ҳозирги кунда ҳам ҳормай-толмай эл саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқдалар.

Мустақиллик йилларида тиббиёт.

Мустақиллик йилларида туманда тиббиёт мутахассисларига бўлган эътибор ўсиб, уларнинг тажрибалари умумлаштирилиб, республика илмий-услубий марказлари билан алоқаси мустаҳкамланди. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида 1990 йили 3399 нафар олий маълумотли шифокор ишлаган бўлса, 1991 йилга келиб, 3549 тага етди. Тиббиёт ходимларининг сони ошиб бориши аҳолига бўлган хизматни яхшилаш билан бирга янги даволаш бўлимларининг ташкил топишига, тиббиёт хизмати сифатини оширишга шароит яратди.

Соғлиқни сақлаш борасида ишлар қилиниб янги касалхоналар даволаш ўринлари қуриб ишга туширилди. Туман аҳолиси соғлиқни сақлаш бўйича муҳим ишлар қилиниб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласида алоҳида ишлар қилинди. Чет элдан замонавий тиббиёт ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Туманларда мавжуд касалхоналар қайта таъмирланиб, шифохоналардаги ўринлар сони ошиб борди. 1991 йилда Жарқўрғон шаҳрида 3 та касалхона бўлиб, улардаги ўринлар сони 570 тани ташкил этган.

1991 йилда туманда 230 нафар врач туман аҳолисининг соғлиғини сақлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилди.

Туманда ўрта маълумотли тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан ўрта тиббиёт ҳодимларини тайёрлашда Термиз, Денов, Шеробод тиббиёт билим юртларининг хиссаси катта бўлди. Шунингдек, Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтлари туманда тиббиёт ходимларини малака ошириши ва услубий ишларини яхшилашда амалий ёрдам берди. 1992 йил вилоятда ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 13 минг 283 тани жумладан, Жарқўрғон туманида 787 тани ташкил этди.

Мустақиллик шарофати билан 1992 йилга келиб тиббиёт соҳасига бўлган эътибор янада кучайди, тумандаги кўпгина касалхоналар қайта таъмирдан чиқарилди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилаш мақсадида хорижий мамлакатлардан замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди. 1992 йил туманда ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 787 нафарни ташкил этди.

Вилоят аҳолисининг ҳар 10 минг кишисига 1992 йилда 81,5% ўриндиқлар тўғри келган бўлса, 1993 йил-га келиб 79,3% ни ташкил этди. Бу кўрсаткич Жарқўрғонда 57,1 фоизни ташкил этди.

Туманни инфратузилмасини яхшиланиши туфайли аҳолига тиббий хизматини кўрсатиш, янги замонавий билимга эга тиббиёт ходимлар хизматини ташкил этиш, касалхоналарни замонавий талаб даражасида қуриш, етарли дори-дармон, тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада 1995 йил туманда тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Даволаш масканлари сони ошиб, шифохоналардаги ўринлар сони Жарқўрғон шаҳрида 3 та касалхона 520 та ўрин мавжуд бўлиб, туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатилди.

Туман инфратузилмасини яхшиланиши туфайли аҳолига тиббий хизматини кўрсатиш, янги замонавий билимга эга тиббиёт ходимлар хизматини ташкил этиш, касалхоналарни замонавий талаб даражасида қуриш, етарли дори-дармон, тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада 1995 йил вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Даволаш масканлари сони ошиб, шифохоналардаги ўринлар сони вилоятда 19 та касалхонада 2100 ўрин, жумладан Жарқўрғон туманида 3 та касалхонада 520 та ўрин мавжуд бўлиб, шаҳар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатилди ва касалхоналар замонавий қайта таъмирланиб, янги тиббий асбоб ускуналар билан жиҳозланди.

1996 йил Вазирлар Маҳкамасининг №182 қарори асосида вилоятда соғлиқни сақлаш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган амалий ишлар бажарилди. Туманда 1997 йилда 150 ўринли амбулатория-поликлиникаси қуриб ишга туширилди. Умуман туманда аҳоли хизмат кўрсатиш бўйича соғлиқни сақлаш муасасалари 1997 йил Жарқўрғон туманда 2 та ташкил этди.

Тумандаги касалхоналардаги ўриндиқлар сони бўйича 1998 йилги ҳолатга эътибор берсак, жами ўринлар сони ва ҳар 10 минг кишига ўртача Жарқўрғон туманида жами ўринлар сони 205 та, ҳар 10 минг кишига 40,3 ўртача касалхона ўринлари тўғри келган.

Туман аҳолисини соғлиқни сақлаш замонавий даволаш масканларни қуриш, қайта таъмирлаш, даволаш ўринлари янгилаш, хоналарни замон талаби асосида жиҳозлаш соҳасида катта амалий ишлар қилинди. Айниқса, 2000 йилга келиб янги тиббиёт асбоб-ускуналарни чет элдан олиб келиб, ўрнатиб халққа тиббий соҳада хизмат кўрсатишнинг ҳолати яхшиланди. Тумандаги даволаш муасасалари ва ўринлари сони 2000 йилда 3 та касалхонада 545 ўрин аҳолини соғлиғини сақлашга хизмат қилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида малакали мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун бир қатор тадбирлар ўтказилди. Туманда олий маълумотли шифокорлар сони йилдан-йилга маълум даражада ўсиб борди. Ўз навбатида бу мутахассисларнинг ишлаши ва яшаши учун етарли даражада имкониятлар яратилди.

Президентимиз И. А. Каримов соғлом авлод Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканлигига тўхталиб, қуйидаги фикрни таъкидлаган эди: «Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз».

“Эл соғлиги-юрт бойлиги” деган ибратли нақл бежиз эмас. Жарқўрғон туманининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқларида, шубҳасиз иқтидорли, билимли, жонкуяр врачлар тиббиёт равнақи учун ҳалол ва виждонан меҳнат қилиб, элимиз ҳурматига сазавор бўлди. Жумладан, М.Нурматов, Г.Т.Худойбердиев, Х.Маматқулов, Я.Қодиров, Р.Шокирова, Қ.Холмўминов, Х.Тожимуродов, М.Холматовлар ҳамда 2 даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Р.Тўхтамишева, “Шухрат” медали соҳибаси Ж.Раҳмоновларга ўхшаган юзлаб шифокорлар бунга мисол бўлади.

Тиббиёт соҳасини ривожлантириш туман ҳокимлиги эътиборидаги муҳим масала бўлиб, 2001 йилда Марказий шифохона туғруқ мажмуаси капитал таъмирдан чиқариб берилди. Шунингдек, бир қанча бўлимлардан жорий

таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ишларда тумандаги барча ташкилотлар ўз имкониятлари даражасида кўмак беришди.

Президенимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги 2101-сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги фармони талабларидан келиб чиқиб, беш йилда қишлоқ врачлик пунктлари учун 7 та ҳозирги замон талабидаги бино қуриб, фойдаланишга топширилиб, 4 та даволаш муассасаси қайта таъмирланиб, ҚВП лар ташкил этилди. Натижада, чекка қишлоқ аҳолиси ўз соғлиғини тиклаш учун вақт ва маблағ сарфлаб марказга келишдан халос бўлиб, ҚВП ларда истаган тиббий муолажа олиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” дастури тўғрисидаги қарори асосида туман ҳокимлиги томонидан махсус режа ишлаб чиқилди, вазифалар елгилаб олинди. Аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ногиронларга, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришга, мулкчилик шаклидан қати назар барча ташкилотлар, муассасалар маъсул қилиб қўйилди. Саховатпешалик, инсонпарварлик намуналарини кўрсатаётган ҳар қандай ташкилот ёки шахс туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

Жарқўрғон туманида аҳолини соғлигини сақлаш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди. 2005 йилда соғлиқни сақлаш муасасаларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсаддида 1 млн 92 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ва аппаратлар келтирилди

2008 йил туманда истиқомат қилаётган 158 мингдан зиёд аҳоли соғлигини муҳофаза этишда 5 та шифохона, 3 та поликлиника, 1 та диспансер, 11 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, ҚВП лар қошида 30 та фельдшер-акушерлик пунктлари, 16 та дорихона, 192 нафари зиёд малакали врач, 1200 дан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари, 2 та “Тез ёрдам” бўлимлари хизмат қилмоқда.

Туман соғлиқни сақлаш бўлимига Я.Ж.Қодиров раҳбарлик қилган даврида Республикада тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастури қабул қилинган бўлиб, марказлашган бошқарувдан воз кечиш, тиббиётини қишлоқ

аҳолисига яқинлаштириш, тиббиётда хусусий секторни кенгайтириш, хўжалик ҳисобидаги бўлимлар ташкил этиш, уларга юридик мақом бериш масалалари кун тартибидаги бош масала эди. Бу вазифани ҳаётга тадбиқ этишда шифохона маъмурияти томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1997 йилда уч қаватли тез ёрдам станцияси, А.Навоий хўжалигида "Муҳаммад" хусусий шифохонаси Ҳ.Олимжонов, Қирон, Оқтепа, Сурхон, Какайди, Исмоилтепа қишлоқ врачлик марказлари қурилиб, ишга туширилди. Туманда ШТТЁ (Шошилинч тез тиббий ёрдам) маркази, янги болалар поликлиникасининг ишга тушурилиши, аҳолига катта қулайликлар туғдирди. 1977 йилда қурилган туғруқхонаси биноси туман ҳокими Н.Э.Шомуродов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида 2001 йилда қайта таъмирланди.

2002 йилда Я.Ж.Қодиров нафақага чиқиши муносабати билан бош врач вазифасига Ў.Х.Бобомуродов, даволаш ишлари бўйича бош врач муовини вазифасига Ў.М.Мўминов, қишлоқ тиббиёт бўйича муовин Х.Ш.Алламуродов, "Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш" бўйича муовин вазифасига А.Эшдавлатовлар тайинланди. 2003 йилда болалар поликлиникасига, Сурхон қишлоқ шифохонасига, Исмоилтепа, Какайди ҚВП ларига юридик мақом берилди.

Жарқўрғон туман марказий шифохонаси раҳбарияти, унинг кўп сонли жамоаси, бошқа тиббиёт муассасалари шифохокорлари ўз касбларига маъсулият билан ёндошиш, аҳолининг тиббий эҳтиёжларини тўла қондириш, самарали шифо усулларини кенг қўлланган ҳолда уларнинг тезда соғайиб кетишларига, муолажаларнинг сифатли ва самарали бўлишига эришди. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳар бир оилада тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш каби вазифаларни адо этишда бир қанча ютуқларни қўлга киритдилар.

Жумладан, мактабларда, маҳаллаларда, болалар боғчаларида, корхона ва ташкилотларда "Соғлом турмуш тарзи", "Жисмоний фаоллик-саломатлик гарови", "Оилада тиббий маданиятни ошириш" ҳамда баъзи касалликларнинг келиб чиқиши ва уларга қарши курашиш мавзуларида тарғибот ишлари олиб борилди, учрашувлар ўтказилди, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш

мақсадида, марказий шифохона акушерлик комплексида Американинг ЮСАИД ташкилоти ҳомийлигида 3 хона қайта таъмирланиб, “Ёш оналар мактаби” ташкил этилди.

Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кўрик бригадалари ташкил этилиб, 59545 та болалар, 40158 нафар туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Йил давомида “Соғлом оила” дастури асосида машғулотлар мунтазам олиб борилиб, “Саломатлик-2” лойиҳаси бўйича 9 та ҚВП да сув захираси учун металл идишлар ўрнатилди. Тез тиббий ёрдам маркази учун 2200 минг сўмлик керакли жиҳозлар ва совутгич, ходимлар учун 288 минг сўмлик махсус кийимлар олинди. Ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш учун 8993.3 сўмлик бепул дори дармон тарқатилди. Ногиронлар, нафақахўрлар ва уруш қатнашчиларининг соҳлигини тиклаш мақсадида Семашко сиҳатгоҳига 64 та , Жайронхона сиҳатгоҳига 6 та йўлланма берилди. Атроф муҳит – муҳофазасига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида катта ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шу мақсадда, 188 туп мевали ва 412 тупдан манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

“Сиҳат – саломатлик йили” нинг мантиқий давоми бўлган “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” да халқимизнинг удуми ва маънавий қадриятлари ва анъаналарига хос бўлган саҳоватпешалик, меҳрибонлик, ногиронларга мурувват кўрсатишдек инсонпарварлик ишлари давом эттирилиб, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” муносабати билан қабул қилинган Давлат Дастурда тиббиёт ходимлари касбининг обрў-этиборини кўтариш, моҳир шифокорлар, тажрибали ҳамширалар ва санитарларнинг меҳнатларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш, уларга муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш каби мақсадлар ҳам ўз аксини топганлиги Жарқўрғон тиббиёт ходимларини ғоятда руҳлантириб, ўз касбларига, фаолиятларига бўлган маъсулият ва талабчанликларини янада оширишга ундади. Дастурда белгилаб қўйилган “Тиббий хизмати сифатини оширишда аҳолининг барча табақалари қамраб олиниши ва эркин фойдаланишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техника базасини, жумладан, хайрия

ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига янада мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш” тўғрисидаги вазифалар туман тиббиёти раҳбарлари, барча шифокорлар учун дастуриамал бўлиб хизмат қилди. Жарқўрғон туманида аҳолига тиббиёт хизмати кўрсатиш соҳасида катта тажрибалар умумлаштирилиб, аҳолини соғлиги сақлаш масаласида туман ҳокимлиги раҳбарлигида ижобий ишлар бажарилди. Туманда 2008 йилда аҳолига хизмат кўрсатиш масалсига жиддий эътибор берилиши натижасида замонавий тиббиёт технологияси, малакали хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланди. Тумандаги 3 та шифохонадаги ўринлар сони 300 та бўлиб, 3 поликлиника, 13 та қишлоқ врачлик маркази, 2 та аптека бюджет хисобида, 2 та қишлоқ амбулаторияси, 30 та фельдшер-акушерлик маркази аҳолига малакали хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Шунингдек туманда соғликни сақлаш соҳасида малакали 193 врач, 1400 ўрта тиббиёт ходимлари хизмат қилиб, туман тиббиётини ривожига ўзларининг билимлари, замонавий тиббиёт хизмати ҳамда инсонпарварлиги, ватанпарварлиги билан муносиб хисса қўшиб келмоқда. Туман тиббиёт бирлашмасида аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 30478263,4 млн сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналрни 2005-2008 йилларда олиб келиб ўрнатиб, аҳолига замонавий тиббиёт хизматини юксак даражада ривожлантирди. Жумладан 2005-2008 йилларда Ультратовушли текшириш аппрати, (УЗИ), Фотоэлектро колораметр, Дистелятор-Т-98-1, Микроском бинокулябрний каби тиббий асбоб-ускуналар шулар жумласига киради. Туман ҳокимлиги аҳолисига тиббий хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлаб, уларни ишлаш, яшаш шароитини яхшилаш мақсадида ибратли ишларни амалга ошириб, мунтазам тарзда тиббиёт ходимларидан муносиб хизмат қилаётган инсонларни давлатимиз мукофотига тақдим этмоқда. Туман тиббиёт соҳасида хизмат қилган Тўхтамишева Розия Тошмуродовна 2004 йилда II – даража “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланиб, туман аҳолисига кўрсатган хизматлари ҳамда Реанимация хизматларини янада юксалтирганлиги туфайли ушбу мукофотга сазавор бўлди. Жарқўрғон туманида етишиб чиққан таниқли тиббиёт ходимлари ўзларининг муносиб меҳнатлари, тиббиёт ва

табобат илмини мукаммал ўрганиш билан алоҳида ажралиб туради. Тиббиёт мутахассисларнинг олиб борган тадқиқотлари табобат илмини ҳар томонлама ўрганиш, инсон саломатлиги учун зарур бўлган дори-дармонларни тайёрлаш, табиатда ўсадиган гиёҳлардан инсонлар саломатлиги учун шифо сифатида фойдаланиш соҳасида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай табобат илмининг етук вакилларидан бири Мирвалиев Собир “Шарқ” табобати марказининг шаклланишига алоҳида хисса қўшган табобат марказининг атоқли намоёндаси ва раҳбари, академик табиб Мухитдин Иноъмович Умаровнинг илмий амалий ва шифокорлик-ижоди, қобилияти, даволашдаги самараси, саргузашт ва мўжизаси-ю, хайратлари ҳақида “Танишинг, шояд сиз ҳам шифо топсангиз” номли эссе-ҳикоя асари билан табобат илмига оид илмий фикрларни мужассам этган. Мухитдин Иноъмович Умаров Жарқўрғон туманидаги Меҳнат Роҳат жамоа хўжалигида 1949 йил 4 февралда туғилган. Андижон Давлат пахтачилик институтини тугатган. Таниқли олим табиатдаги мавжуд гиёҳларни чуқур ўрганиб, уни шифобахш хусусиятларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, инсон соғлиги учун фойдали бўлган дори-дармонларни аниқлашда хисса қўшган. Мустақиллик йилларида туманда тиббиёт соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган амалий ишлар бажарилиб, тиббиёт масканлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, янги даволаш усуллари ташкил этилиб, аҳолиги хизмат қилувчи шифохоналар қайта таъмирланиб, янги қишлоқ врачлик марказлари ишга туширилди.